



Шарқ юлдузи

*Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий,
журнал*

Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмасининг органи

8
—
1989

58-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(наср бўлими мудир)

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТўЛА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Мирпўлат Мирзаев

ЮЛДУЗЛАР МУЛКИДА БИР ЙЎЛЧИ МИСОЛ...

Навоий васияти

Мен учун ҳайкаллар тикламанг, майли,
Кўчаларга қўйманг, майли, номимни.
Қабрим узра келиб йўқламанг, майли,
Кўкларга кўтарманг, майли, шонимни.

Таваллуд кунимда таъзимлар ҳаргиз —
Мен учун на орзу, на буюк ҳавас.
Сизга илтимосим шу эрур ёлғиз:
Тилимизни асраб қололсангиз бас!

Ўтрор

Миркарим Осим хотирасига

Тўрт томон яланглик —
сарғайган саҳро,
офтоб уфққа ҳар шом мунғайиб ботар
ва бунда
кимсасиз барханлар аро
бир буюк хароба кўмилиб ётар.

Унда қачонлардир
қайнарди ҳаёт,
қачондир кезарди баҳор нафаси.
Энди ой нурида
ўрмалар жонзот,
кундуз авжга чиқар чирилдоқ саси.

Бу нечук қисматдир,
бу нечук завол,
ўйларим учади кечмиш қаърига?!

Қўлларимга олиб
тикиламан лол
минг йиллик сополнинг парчаларига.

Куйган деворларда
акс этар бир дам
қайси бир замонлар мунгли ёришиб.
Кимнинг суяги у —
анов оқарган,
ётар қора тупроқ билан қоришиб.

Фожелар гирдоби
қуршайди зеҳним,
бемисл маҳобат нечук бунча хор?!
Забун ва афтода
шивирлайман мен:
«Шу сенми, шу сенми, эй буюк Ўтрор!»

Шу сенми,
азалий осмон остида
бир пайтлар қаддини тиклаган баланд?!
Шу сенми,
сахройи Турон наслига
зиё берган қадим каъба — Турарбанд?!¹

Шу сенми,
аллома устоди соний —
буюк Форобийни улғайтган маскан?!
Шу сенми,
қутлуғ кент — Беруний, Сино
қачондир муборак қадамин босган?!

Ўйлайман, наҳотки тарих
қирғинлар,
ёвуз истилолар силсиласидир?
О, бир зум юрагим
мозийни тинглар,
бари кўз ўнгимда жонланар бир-бир.

...Анвойи воҳага
олтин сочар куз,
дуркун боғлардан бол томар бу нафас.
О, юртим,
зийнатиң қилмагин кўз-кўз,
ёвларнинг нигоҳин куйдирдинг-ку, бас!

Ҳайҳот!
Аллақачон қирон сардорин
кўксида ёвуз бир юҳо ўрмалар...
Қорар у тупроққа
элатлар зорин,
сочар лашкарини — худди мўр-малах.

Кўкка тутун тўлди,
боғлар кул бўлди,
қийралди гул воҳа — тоабад сўлди.
Ёв галаси
тўзон кўтарган йўлда
рўпара келган жон янчилди, ўлди.

¹ Турарбанд — Ўтрорнинг қадимги номи.

Аммо сен
мардона тоб бердинг, қалъа,
«Чидаймиз — бўлмасмиз ҳеч яксон!» дединг.
Ахир,
Мовароуннаҳр эди ортингда,
бу масъум диёрга сен қалқон эдинг!

Тинкани қуритди
қамал қирони,
имонлар синови аёвсиз кечди.
Обу ризқ бисоти
соб бўлган они,
очлар ўлик еди, ташна қон ичди.

Ҳайҳот!
Содир бўлди бир тонг хиёнат,
қайси бир саркарда сотқин чиқди, о!
Ва қалъа комида
жўшди қиёмат,
бундай хунрезликни кўрмаган дунё!

Не тонг,
ёвнинг қасди шундоқ бешафқат,
найзалар учида қалқди гўдаклар.
Зарҳал кунгуралар
нуради қат-қат,
чопилган танларга тўлди йўлаклар.

Тафаккур ғазнаси —
китоблар ёнди,
фозил-фузалолар топдилар маргин.
Ҳали туғилмаган
жонлар ингранди
топталган қаддида келинчақларнинг.

Мангу лаънат сенга,
эй хоин сардор,
ёғийдан марҳамат кутган бўлсанг гар.
Сенга «марҳамат» шу:
юрт номуси хор,
оғилхона бўлди не-не масжидлар!

Чўнг қалъа
чорасиз йиқилди, не тонг,
дову довуллардан — сонсиз, беҳисоб.
Култепа бўлганди бу чоғ,
бегумон,
Саброн, Сиғноқ ҳамда мағрур Исфижоб.

Ва Чингиз раҳнамо
тўнғиз галаси
ёприлди қўш дарё гулшанларига.
Қуёш юзга тортди
тутун пардасин,
чидолмай қабоҳат гулханларига.

Шуми бандаларнинг ҳоли,
о тангри,
бир-бирларин бунча қийратар, талаб?!
Кўкарса

маърифат боғи қайдаки,
жаҳолат лашкари қиронлар солар.

О тангри,
қай қудрат ҳомийсисан сен,
ёғдуми, зулматми хушдир кўнглингга?
Магар бари сен-чун
бир эрмак-ўйин,
тоабд маломат ёр бўлсин сенга!

Битар қулоқларим
жунбуш талотум —
тулпорлар кишнаши, инсон додидан...
Зотан пойимдаги
хароба нигун
сўйлар қадим жанглар гирдибодидан.

Уфқларга қарайман,
тўрт томон саҳро,
кўкда кўҳна офтоб мунғайиб ботар.
Теграмда
мавжланган барханлар аро
бемисл шон-шавкат кўмилиб ётар.

Шивирлайман,
халқим, тарихинг шоён!..
Унутма, не-не ёв ғазабга тўлиб,
сенга чоҳ қазганда
чиққансан омон
Темур Малик, Мангубердилар бўлиб!

Дейман,
саждагоҳим — эй она тупроқ,
минбаъд тушма энди бундоқ кўйларга!
Ва мен қисматингга
ёзғириб шу чоғ
тўламан башарий, теран ўйларга.

Замин айланмоқда...
Туяр шуурим,
сузар у фалаклар бағрида ғамнок, —
гарчи жароҳатлар
чирмаб вужудин,
қирғин-кулфатлардан бўлмишлар чок-чок.

Юлдузлар мулкида
бир йўлчи мисол
кетиб борадир у мангулик сари.
Бамисли кўзгуда
акс этар алҳол
унинг бўстонлари, вайроналари.

Замин,
бахт тилайман сенга эрта-кеч,
шафақлари кулсин шаҳарларингнинг!
Бевақт тўзғимасин
гулшанларинг ҳеч,
умри боқий бўлсин шаҳарларингнинг!

Бетон уйлар исканжасида...

Бетон уйлар исканжасида
унутибман осмонни
андак.
Кўз ташласам бир маҳал —
унда
сузар эди булутлар лак-лак.

Қараб
бағри жунбуш фалакка,
кетди бир зум бошим айланиб;
сўнг бокдим-у ерга,
йўлакда
кўрдим тошни ёрган майсани.

Ниманидир
туйиб илк марта,
муз юрагим бирдан эриди...
Эҳ, кўксимга
тўлди шу лаҳза,
олис-олис далалар ҳиди!

Денгиз

Келдинг сен баҳайбат уммон қошига,
Кабир денгизни илк кўришинг эди.
Бир тун қулоқ тутиб шовиллашига,
— О, менга дардларин очди у, — дединг.

Сенсиз чайқалганди, ахир, у минг йил,
Тағин мангу наъра тортмоқ унга хос.
Шундоқ экан, жиндак истиҳола қил,
Сен кимсан — бир тунлик меҳмонсан, холос...

* * *

Умр шундоқ шитоб...
Туйганинг чоғда,
қонингга дафъатан югуради муз.
Қара, маъсума қиз
гул терган боғда,
Бу кун хаёл сурар ғамгин аёл — куз...



Қадам Саидмуродов

ХОТИРОТНИНГ ҲУКМИДА ЖОН

XXI асрда

Армон, умид, шубҳа ёнма-ён,
Етти иқлим, йил — тўрт фаслда.
Бу қандай кун, бу қандай замон —
Йигирма биринчи асрда?!

Бир гул каби сўлмоқда Орол,
Амударё туткин — асирда.
Шиорлардан томардику бол —
Йигирма биринчи асрда!

Атом, нейтрон, бутифос, лазер,
Бир-биридан «ғўзал, аслда».

Мана сенга, онажоним ер,
Йигирма биринчи асрда!

Боболардан шу замин мерос,
Бизлардан-чи бизнинг наслга.
Ўйлайману қўрқаман холос,
Йигирма биринчи асрда!

Тинчлик бўлсин, тинчлик муқаддас,
Ҳар бир тилда, ҳар бир сатрда.
Қўлни қўлга бермасак бўлмас,
Йигирма биринчи асрда!

Куз. 1987 йил. Автопортрет

Кузги боғдай ғарибман,
Елкамда тўн елвагай.
Хазонларга менчалик
Ҳеч ким ўзни бермагай.

Кузги боғдай ғарибман,
Елкамда тўн елвагай.
Йиғлаб орзу кетидан
Ҳеч ким менча елмагай.

Кузги боғдай ғарибман,
Елкамда тўн елвагай.
Хотиротни кун — бакун
Ҳеч ким менча термагай.

Кузги боғдай ғарибман,
Елкамда тўн елвагай.
Бу дунёга мен каби
Ҳеч ким келиб, кетмагай...

Бошим узра ёлғиз осмон

Бошим узра ёлғиз осмон,
Ягона ер пойимда.
Хотиротнинг ҳукмида жон,
Тун қиёмат қойимда.

Ором — ҳаром,
Энди тамом,
Кўзларга хоб қўнмайди.
Оғир, ахир, бу кеч ёмон,
Елғон сўзлаб бўлмайди.

Бошим узра ёлғиз осмон,
Ягона ер пойимда.
Хотиротнинг ҳукмида жон,
Тун қиёмат қойимда...

Йигирма йил ўртада, ахир!

Юракда дард, тилимда армон,
Санчиб-санчиб турибди бағир.
Ёмон ёқар жисмимни гумон,
Йигирма йил ўртада, ахир!

Йигирма куз, йигирма баҳор,
Бир-биридан бешафқат, «моҳир».
Юзда ажин, сочларимда қор,
Йигирма йил ўртада, ахир!

Кўзларингда ошкора бир ўй,
Лабларингда пинҳон сукут-сир.
Қийнамагин, қийналмагин қўй,
Йигирма йил ўртада, ахир!

Йигирма йил — бўғзимда нола,
Хайр дейиш, хўш дейиш оғир.
Тақдир экан, жоним, пешона,
Йигирма йил ўртада, ахир!

Сени яхши кўраман

Худоданмас, буёғин —
Пешонамдан кўраман.
Ёмон ёқар ишқ доғи,
Сени яхши кўраман.

Минг ўлчаб ҳар тушимни,
Минг бузиб, минг кўраман.
Нетай, нетай дилимни,
Сени яхши кўраман.

Даврон эмас, дунёда
Энди хаёл сураман.
Пешонам-да, пешонам,
Сени яхши кўраман.

Ваъда надир, сўз надир,
Мен юракда тураман.
Чоралар йўк, чора йўк,
Сени яхши кўраман.

Гоҳ ўнгимда йиғласам,
Тушларимда куламан.
Шукр-шукр шунга ҳам,
Сени яхши кўраман.

Орзу билан туғилиб,
Армон билан ўламан.
Қарғаб-қарғаб тақдирни,
Сени яхши кўраман...

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИГА ЁЗУВЛАР

Оқ кема

«Балиққа айланаман».

Айланиб борадир балиққа бола,
Қарайман қўлларим қанотга ўхшар.
Оппоқ кема, осмон — муқаддас нола,
Ортиқ яшаб бўлмас қалтираб, қақшаб.

Айланиб борадир балиққа бола.

Тўлқинлар куйлайди, рақс тушар денгиз,
Юлдузлар айтади менга розини.
Бу дунё бошқача, бу дунё тенгсиз —
Лекин она буғи биздан розими?

Айланиб борадир балиққа бола.

Чумолилар филга дўнар, кўрасиз,
Кўрасиз кўёнлар айланар шерга.
Мен сизни билмайман нега дўнаси,
Илонми, чаёнми, билмадим нега?

Айланиб борадир балиққа бола.

Кимлар гул бўладир, ким эса булбул,
Дунё тўлиб кетар ҳуру малакка.
Армон ёмон экан, кўнгил-чи кўнгил...
Бир назар ташладим осмон-фалакдан.

Айланиб борадир балиққа бола.

Тўхтагин, болажон! Тўхтагин жоним,
Биз танҳо муродга қандоқ етамиз.
Тўхтагин виждоним, тўхта имоним,
Она ерни кимга ташлаб кетамиз.

Айланиб борадир балиққа бола...

Кунда

«Мени қутқар, бўрижон!»

Нечун, нега деган савол кўп,
Ҳар бир сўзи ханжар, малол кўп,
Ҳалолларми ёки ҳаром кўп,
Ёш умримда бунча завол кўп,
«Мени қутқар, бўрижон!»

Бир яхшига шунча ёмонми,
Тинчлик, тенглик энди гумонми,
Қачонгача тишлай забонни,
Худони ҳам ушбу замонни,
«Мени қутқар, бўрижон!»

Қўллар қўлни ювдирар кўрдим,
Ҳақни минг бор юлдилар, кўрдим,
Йиғлагандан кулдилар, кўрдим,
Кўрдим, тўлдим, бўлдим-ей, ўлдим —
«Мени қутқар, бўрижон!»

Атом асри — оламга қара,
Жоним Орол — онамга қара,
Дали дарё — ноламга қара,
Эртам менинг — боламга қара,
«Мени қутқар, бўрижон!..»

* * *

Пастлаб-пастлаб учди турналар,
Хазон рўйи ўйимга кўчди.
Кўксимни бир нола тирмалаб,
Саҳаргача минг ёниб ўчдим.

Алдамадим ўзим-ўзимни,
На шеър ёзиб, на хотира, хат.

Юмганим йўқ куздан кўзимни,
Сигарета етмади фақат.


Пастлаб-пастлаб учди турналар,
Хазон рўйи ўйимга кўчди.
Кўксимни бир нола тирмалаб,
Саҳаргача минг ёниб ўчдим...

Хаста жоним...

Хаста жоним, мунгли тун,
Бир имога бойланди.
Кунлар — ҳафта, ойларга,
Ойлар — йилга айланди,

Хаста жоним, мунгли тун,
Бир илинж — минг гумондир.
Кўз юмаман — хотирот,
Кўз очаман — тумандир.

Хаста жоним, мунгли тун,
Қўймас нафас олгани,
Мен ўлгани розиман,
Рози бўлса бўлгани...



Асад Дилмурод

Мулк

Қисса¹

VII

Дилдан у отасига ҳамдард, у ҳам ҳали йўлда кўрган-кечирганини ҳазм қилолмаётир, лекин нима имкони ва чораси борки, бир ҳарбу зарб билан терс айланаётган чархни ўнглаб юборса! Аттанг, онаизори борди-келдидан беҳабар, ҳадеб ўз кўмачига кул тортаётир, отаси чиройини очмай ўтирганини бошқа нарсага йўйиб оғринади; ҳали юмшоққина койинган бўлса чой суза-суза дағалроғига ўтди, эркак қовоқ-тумшуғини осилтирса рўзғордан қут-барака аришига шама қилди. Кимга зарда тўкяпсиз, менгами, деди куюниб, гуноҳим нима, мабодо арпангизни хом ўрмадимми?

Зил-замбил кечаётган лаҳзаларга тоб беролмай Шамсиддин чор-ночор ҳолда отасига суйкангиси, отаси пинжига киргиси, ундан оғриётган жонига далда бўладиган илиқ-илиқ калом эшитгиси келди. Беихтиёр кўз ўнгида ой ўроғи ва юлдуз нури етиб келолмаган зимзиё тор кўча жонланди, қулоқлари остида дунёдаги жамики азиз-ноазиз нарсаларга қўл силтаган амакиси таъналари жаранглади. Алланечук совуқсиради, мўлтиради, ўксинди: «Эна, энажон!» — деб ер сузиб ўтирган волидаи меҳрибони кўксига ўзини отди. Сўнг ҳиқиллай-ҳиқиллай барини сўзлади, шунақа тўлиб-тўлиқиб кетдики, онаизор кўзёшини дарё қилиб, дағал муомаласи учун пушаймон еб, қалт-қалт учаверди.

Узундан-узун тун азобини у уйқу билан енгмоқчи эди, лекин бу насиб қилмади, тўшакка кираркан тани ва шуурини тушунуксиз бир жазава, мижғов хаёл, бедорлик оғриғи бир лаҳза тарк этмади. Алоғ-чалоғ тушларида гоҳ йўртиб бораётган туя, гоҳ тегирмон ёнида турволиб аллакимларни қарғаётган чол, гоҳ тори узилган қонун... чир айланиб, тўзонларга қоришиб ўралашар эди. Бу уйқумас, уқубат билан ваҳм оралиғида қўрқув ютиб тентираш, деди у азонда ўзига ўзи; худди шундай тентираш ва ҳатто ундан ҳам баттароғи тун бўйи отасини унсиз бўзлатгани, ҳатто дўзах азобига солгани, яъни у дунёга олиб бориб олиб келганини пайқади. Мурғак тасавури бунга заррача шубҳа қолдирмади. Айвонда пича ивирсигач, бадани қақшаган ҳолда, отаси изидан судралиб борди. Юз териси салқилашиб қолган уста, ҳовлидан сал этакроқда, кеч куз либосини шипириб ечиб қўйган қўшалок тут тагида, тўши яланг Умар чол билан нималарнидир эзғилашаётган эди. Ора анча олислиги учун улар гап-сўздан бирор маъни уқолмади, лекин кўнгли алланечук хавотирни сезди, ҳали сўфи азон айтмасдан туриб тегирмончи бекорга келмаганини ўйлади ва беихтиёр анҳор томон нигоҳ ташларкан, тепасида яшин чақнагандек, яшин арқони вишиллаб келиб бутун вужудини ўраб-чирмаб олгандек бўлди.

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

Беадад зарбдан тариқдек титилди, жони забун бўлди, ҳушига келсаки, чақир тош билан тикланган, томи тупроқ билан омонат ёпилган, эшиги бир томонга қийшайиб қолган тегирмон ёнида талғир туя бош эгиб, қимир этмай, маънос турибди. Йирик-йирик кўзларига олам жо, олам қадар поёнсиз мунг жо эди. Худди туяси каби Мўйсафид ҳам бош эгиб олган эди, унинг ҳам бутун туриш-турмиши, ранг-рўйи, қараши, шахти бир маҳзунлик билан йўғрилган эди. Талваса ичра Шамсиддин ўша томон отилди, ўйладики, эсли-ҳушли бандалар қадрлаган азалу абад паноҳи — Улуғ сўз чўкмоқда, руҳ ва ақл учун мангу мотам куни бўлиб қоладиган бу кунга гувоҳ ўтиш, мотам тутиш учун Мўйсафид содиқ ҳамдами билан етиб келибди. Фақат, ҳайҳот, бир вақтлар қози Раҳмонга не-не оқилона пандлар қилган бу қизиққон, чўрткесар, валломат чолни не тасалли билан овутади?

Энди чақмоқ узлуксиз чақнарди, лекин у адоқсиз бўшлиқни титратаётган арқон човутга эътибор бермай қўйди, қирғоқда забун турган Мўйсафид ва талғир туя сари судралди, бир-бир босиб бораркан, беихтиёр орада минг, йўқ, етмиш минг йиллик масофа борлигини ҳис этди. Анов жонивор йўл танобини тортди. Нуруний чол эса йўл азобига чидабди, аммо энди бу ёғига чидармин? Рўпарада — тубсизлик!..

Ора олислигини ҳарнечук унутди, тубсизлик ҳақида ўйлай бошлади, ўз ҳолича яшайдиган ва яхши-ёмонга деярли алоқаси бўлмаган бу тубсизликда Улуғ сўз ҳоли не кечишини, тоабад бўғилиб, нафаси қайтиб, нажотсиз ётишини, ахийри талваса ичра нобуд бўлишини тасаввур қилганча яна илғари талпинди. Оёқлари жонсиз эди, бунинг устига нима қилишни билмасди. Шунда аллақачон кийимларини ечиб ташлаб, ўзини муздек сувга отган отасининг шанғиллаган товушидан сал тетиклашди. Қартайган Умар чол қирғоқда чўнқайган: сокин юзаётган, гирдобда пириллаб айланаётган бутун-нобутун неъматларни айри чўп билан қўли етадиган жойгача тортади, энкайганча битта-битта олади, қуруқ жойга авайлаб қўяди. Отаси, тамоми бадани кўкариб кетган отаси эса имкони тубсизликдан иборат бўлган ваҳм билан олишади, жон ҳалпи олишади, ўзини у ён-бу ёнга уради. Ҳали ҳайқирганда у мулла Аҳмадни эслатган эди, тағин лисонсиз имо-ишоралар қилди, алҳосил, Шамсиддин муғаннийни топиб келиш учун ўқдек учди.

У тўқиниб, ҳансираб, ғувиллаган изғиринни писанд қилмай чопаркан, ҳозир мулла Аҳмад ёрдамисиз бир натижа чиқариш қийинлигини ўйларкан, телбаваш тарзда ўзича сўзланар эди, ўзича тасалли изларди, отаси тантилигини муҳокама қиларди.

Хаёлидан бир қатра ҳам сув ўтказмай қўйган новни, тошқалов уйча ёнида туяси билан бирга бошини эгиб турган Мўйсафид қиёфасини қочирмай югургилаётган йигитча қаршисидан кутилмаганда қанақадир қўшиқни хиргойи қилганча муғаннийнинг ўзи чиқиб қолди.

Ҳар ҳолда бугун муғанний анча тетик, чиройи ҳам очик, ёноқлари бир қадар қизилланган, қараши журъатли, кескин, яратган эгам мурувватига етишган каби бардам, серҳафсала, енгил одимлар эди. Билди, у отаси билан қози Раҳмон қироатхонасини саришталаш, у ерда жамланган бутун бошли ҳазина жаҳонорони кўзпана қилиш хусусида маслаҳатлашиш ниятида шошилиб келар эди; ўзини жиддий, мулоҳазакор тутиши, хотиржам кайфиятга берилганидан қандайдир режани пишитиб қўйганга ҳам ўхшарди. Энди бу хабарни эшитса қай ҳолга тушаркин? Қизариб-бўзариб тўхтаркан, Шамсиддин калласидан ҳар турли шубҳаларни қувлаб, унга меҳри ва ишончи зўрлигини зуҳур айлайдиган бир овозда ғулдиради; фикрини поёнига етказолмади. Ҳалиги яшин гувлаб келиб чалган каби қалқиб кетди. Ҳайратга тушган муғанний уни зўр-базўр тутиб қолди, чаккаларидан ушлаганча, кўзига қаттиқ тикилди: бошланибди-да, укажон!..

Тетиклиги ва хотиржамлигидан зув ичида айрилган мулла Аҳмад билан етаклашиб қайтаркан Шамсиддин аввал тегирмон томонга тезгина нигоҳ югуртирди: чол кўринмади, талғир туя эса ҳамон шарпа янглиғ турарди, фақат энди у кўзларини чирт юмиб олган, бу билан гўё ғалати воқеаларга тўлиб-тошган оламни қалин ва мустаҳкам киприклари паноҳига яширган эди.

Бунақасини мулла Аҳмад етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди, Шамсиддинбой бола-да, болалигига бориб ваҳима кўтараётир, деган хаёлда эди, беш-

ўн нафарини увол қилишган бўлса кечириш мумкин, аммо қози Раҳмон билан мулла Ражаб сингари зако бандалар умр бўйи йиққан ганжинаи бебахони балоқазодан ўзи асрасин, деган таскину таволлодан анча хотиржам эди. Кўрсаки, ўйлови чакки, ҳукми ўзи қилибди; анҳор тошибди, тегиримон тўхтабди, атрофни эса ўқ еб, яраланиб, беҳол қулаган оққушлар каби махтутотлар тутибди. Ҳангу манг бўлганча муғанний ечинди, устага гап қўшгани ботинмай, аста қирғоқдан сирғалиб тушди, шивирладиким, укажон, бу нарса азиз, одам жонидан ҳам азиз, у қолсин, майли мен чўка қолай!..

Бу орада Умар чол ҳолдан тойди, буришган серпай қўллари айри чўпни тутгани бошқа ярамади, у дўлхонага ёндош ҳужрага кириб, увада тўшакда чўзилиб ётди. Отаси ишораси билан Шамсиддин ерўчоқда кўмфон қайнатди, аччиққина кўкчой дамлаб, аллақачон иситмаси кўтарилган чолга ичгизди. Пича ҳузур қилиб, терлаб, чол уни алқади, у секин изига буриларкан, ёстиқ ёнида очиқ турган ҳўл қуръони шарифни кўрди...

Қавс қуёши сокин пирпираганча шаҳристонни ўраган ҳов олисдаги чўққилар ортига думалаган паллада оч анҳор бўғзидан қўйма-қўйма қилиб тортиб олинган забуну беҳол Улуғ сўз тепасида учовлон ҳорғин ўй сурар эди.

Чаппа айланган чарх заҳри-зардаси шу бўлди: Улуғ сўз ивиди, чўкаёзди, хайриятки, тагин ўзи мурувват қилди, уни омон қолдирди, зеро, у — Шамсиддин шу фурсатда тамом ишондики, отаси айтганидек, Улуғ сўз чўкмайди, ёнмайди — ўлмайди, яъни, жони мингта, бири узилса қайтадан минг бўлиб тирилади. Фақат, Шамсиддин ҳайрон, уни нечун бунақа кўйга солишди? Ушбу бедодликни бино қилганлар наҳотки уйларига бемалол қайтиб, иссиққина тўшакларида роҳату фароғат билан тинчгина ухлашган бўлса? Ахир уволу гуноҳ илону чаён бўлиб ётган жойларида беаёв чақмадимикин? Агар чақмаган, ҳеч қурса салгина ҳаловатларини бузмаган бўлса ўзи дунёдан путур кетибдида!

Узоқ ўйла-хаёл қилиб ғамирлаганларидан сўнг гирдобу тўлқин комида ивиган-титилган рисоаларни саралаб, тартибга солмоқни мўлжаллашди. Муқоваси кўн-бахмал, қоғози шойи бўлганлари кўркини унча йўқотмаган, бежирим кўчирилган ҳарфлари тирик турар, сал селгитиб олинса эрта учун бемалол сақлаб қўйиш мумкин эди. Афсус, кўп афсуски, оддий қоғозлар сув заптига тоб беролмай идраб-илвираб қолган эди. Ҳар гал бундай таназулга юз тутган жилдни қўлга олганда Шамсиддин, ўз юраги қиймалангандек, бир оғриқдан афтини буриштирар, даҳшатомуз зарба Улуғ сўз билан баравар бандаларига нақадар қимматга тушажагини чамалар, ўзларини бу оламга устун санаганлар осонгина тоб ташлаётгани қаҳру ғазабини қўзғар эди. Ахир амакиси мулла Ражаб ҳам бир устун эди-да! Нима, уни эгдиларми ёки ўзи ён бердими? Агар ўзи ён берган бўлса, унда фақат жонини ўйлабди. Бошқасини сариқ чақага олмайди. Ҳей, қодир эгам, у банда устидан охирги ҳукми ўзинг чиқаргайсан!

Вақт катта саҳардан ошганини маълум қилиб хўрозлар дилтанг қичқира бошлаганда оғзига талқон солиб олган уста Жамшиддин билан мулла Аҳмад ҳануз тиззалаганча саралашни давом эттирар, ҳатто Ойдинбиби ҳам савобга етишмак илинжида жимгина бу юмушга шўнғиган, ҳалигина елиб-югураётган Шамсиддин эса, тинкаси қуриганини яширишга тиришиб, чорпоя четида мудрар эди.

Катта саҳарда бандасининг ҳеч бир ҳақи қолмайди, ҳатто бу фурсатда одамзод тугул қурт-қумурсқаю кўршапалаклар ҳам ини-кавагида бекиниб тинчгина ором олади. Табиат жорий этган бу адолатли қоидадан уста Жамшиддин тузукқина воқиф бўлса ҳам, ўзини овсарликка уриб, ўғлига раҳму шафқат қилмади, чарчабсан, бор, дәмнингни ол, дегани рағбати келмади, аксинча, таъна-пўписа аралаш қаттиқ томоқ қирди. Киприклари тошдек оғирлашган Шамсиддин чўчиб тушди, отаси лапашанглигига шама қилаётганини пайқаб уялди — ер ёрилмади, тушиб кетмади. Қум тикилгандек ачишаётган қовоқларини уқалай-уқалай чорпояга ҳали ўзи олиб келиб ташлаган китобларни қатор қилиб ёйди, сўнг ўкинганча, гирдларига тилла нақш солинган қизғиш-сариқ сахтиён муқоваларга тикилиб ўтирди, ҳатто қизиқсиниб бирини очди. Саҳифалар зарафшон қилинган, шойи қоғози ва битиклари бир қадар кўркини йўқотган, лекин бари бир диққатни тортар, қизил ва ложувард бўёқда кўчирилган сарлавҳалар ва лавҳалар дилни ажаб тароват ва иштиёққа ошна айлар эди.

Завқи тошиб ўқиди: «Равзат-ус сафо». Балога чап бериб улгурган ушбу ғаройиб рисола муаллифи малик-ул калом Ҳазрати Алишер Навоий даврида яшаб, комиллик ва саодатмандлик йўсинларини шоён айлаш нияти билан қалам тебратган Мирхонддек муҳтарам зот эди. Чархи гардун паст-баландини некинлик билан кузатган бу алломанинг нозик ва маънили баёни хусусан отасига кўп мақбул эди. Ширин сўз ва теран идрок бобида Мирхонд ҳидоятли қомус, бу оқил банда тенгини топиш маҳол, дерди отаси; у саховатпеша аждоди қолдирган дурдона бунингдек забунликка маҳқум этилганига кўп таассуф қилди. Сўнг рисолини аста ўрнига қўйди. Эсида қолган жойи шу, нари ёғини билмайди, қачондир киприклари илинибди, чарчоғи, азоби, изтироби шундоққина ҳузурга айланибди, ҳузур инон-ихтиёрини шунчалар ўраб-чирмабдики, атроф субҳисодиқ нафасига беланганини сезмабди. Агар кимдир дарчани тарақлатиб тепмаса, шўрлик дарча кесакисидан ажралиб ерга гупиллаб урилмаса, жимжит ҳовлини дўриллаган таҳдидли овоз тўлдирмаса ҳали-бери қимирламасди.

Шамси ажабтовур тушга ғарқ ухларди, ногоҳ рўпарасида шарпа каби пайдо бўлиб қолган тегирмончи чол билан масала талашар, иситмаи оташда лағча чўғдек ёнаётган чол эса муқовасига зару зевар билан сайқал берилган қуръони шарифни кўрсатиб мақтанарди. Ҳузурдан энтикиб у шамдек эрир, ўқинг; боважон, ўқиб беринг, деб ўзини нари-бери ташлар, тўхтовсиз ёлворарди. Эндигина у розилик бериб қироат учун мук тушганда дарча гурсиллаб қулади.

Энди алланечук малол тўйган Шамсиддин аввал ўнг кўзини, кейин чапини очди ва ғужанак ётган жойида бақрайди-қолди. Агар отаси билан муғанний ҳам ўзи сингари ҳангу манг бўлиб туришмаганда ёйиқ китоблар ичида қовоғидан қор ёғилиб ивирсиётган икки банда Фаттоҳ Обидий билан пакана эканлигига ҳали-бери ишонмас эди.

— Сиз чоҳ қазияпсиз ўзингизга, — ғулдиради ниҳоят Обидий.

— Эҳтимол, — афтини ўгирди уста.

— Яхшилаб ўйланг.

— Нима қиларимни биламан, — деди уста нописандлик билан. — Сиз ҳам... билиб қилинг. Бунақадан нима наф? Дўғласам бари битади деб ўйлайсиз, лекин йўқотишдан аввал улусга арзийдиган бирон нарса бериш зарурлиги каллангизда йўқ!

— Омон бўлсак берамиз-да.

— Кўзим етмайди! — уста анча-мунча уринган қалингина китобни айлан-тириб кўрди. — Сиз берадиган ҳар қандай нарса ўз йўлига, у манови ўрнини босиши гумон!

— Эзмаландингиз, — Обидий чўзинқи иягини чап тарафга ғалати қилиб бурди. — Сиз билан кўп пачакилашдик. Иш ҳам қилсак. Ҳимм... қани буларни ҳовли ўртасига уйинг. Сиз чаққон-чаққон қарашинг, — кутилмаганда муғаннийга мурожаат қилди. — Ҳа, айтганча, нима учун бу ерда пашшалашиб юрибсиз? Сиз билан ҳам ора-очди қилолмадик. Аттанг! Ие, намунча бақраясиз? Туринг, ермойи топинг.

Ажабо, бу одам алжияптими? Ермойини бошига урадимми?

Оҳак янглиғ оқарган уста бўзариб ўтирган мулла Аҳмад билан ўғлига алам-ангиз бир ҳис жонини қовураётганини англаувчи нигоҳ юборди, сўнг бафуржа одимлаб борди-да, ҳалиги китобни Фаттоҳ Обидий тумшугига тиқиштирди.

— Биродар, бас энди, адашмасам, шу ёғиям етти пуштингизга етади, — дея ҳукм оҳангида териб-териб сўзлади. — Гуноҳдан фориг бўлай десангиз, ўзингизни босволинг-да, мановини ўпинг, кўзингизга суртинг, эгам марҳаматли, кечиради.

Тавба, не ҳол юз берди, зумда уста ер юзидан жами хусумат, кин, адоватни қатра қолдирмай суриб-супириб ташлаш учун аҳду паймон қилган ва ҳар қандай алам-ангиз уқубатдан тап тортмайдиган, тоабад адолат ёнида туриш учун ҳеч нарсасини аямайдиган ўктам одам қиёфасини олди; яна бир жиҳатдан ҳозир у жаннат дарвозасини инсу жинслардан жон-жаҳди билан қўриқлаётган, арш тарафидан бериладиган алоҳида нозик ва масъул ҳукму фармонларни адо этадиган, керак бўлса оллоҳ амрини етмиш минг йил қўл қовуштириб кутишга ҳам тайёр малоикани эслатарди, ҳозир у одамзодни телбаликдан қайиришга, ер юзига тамоми яхшилик уруғини сочиб юборишга, ер юзини қақшатаётганлар билан энг шимариб басма-бас олишишга қобилдек эди. Фақат унинг

хошишни Фаттоҳ Обидий тушунмади, эҳтимол, тушунса ҳам ўзини гарангликка урди. Айни чоқда ўз фармойиши эътибордан соқит қилинганини ижирғаниш ва истехзоли қараш билан сездириб қўйди.

— Телба экансиз! — деди кейин кўққисдан.

— Рост, телбаман, — бу одамга сўзи икки дунёда ҳам кор қилмаслигини сезиб уста ўкинди. — Телба бўлмасам, келиб-келиб сизни инсофга чақириб ўтираманми?

— Кесатмай очик айтаверинг, уста, кўр бўламанми?! — қаҳ-қаҳ отиб кулди Фаттоҳ Обидий. — Хўш, гапиринг, чақнаб турган кўзларимдан айриламанми? Тфу-у! Жин чалсин! — у илкис тўхтаб уста қўлидаги китобни жаҳд билан уриб юборди. — Ким деб ўйлаяпсиз мени? Дуч келган тузоққа илинадиган аҳмоқ эмасман!

Бу банда юрагини қандай шубҳа-гумон кемираётганини айтиш қийин эди, ишқилиб, оғир хаёлларга бораётгани тайин эди, шу боис устани қаттиқ силтаб ташлади, лекин, ажабки, у ичдан — сийратан тамом қутурган бўлса-да, таши — суврати бўрон келиб урилганда ҳам қилт этмайдиган яланғоч чинор танасидек силлиқ, осойишта, совуқ эди. Пириллаб учиб бориб мулла Аҳмад пойига тушган рисолага жавдирай-жавдирай қараётган устага эътибор бермай пакана билан алланарсаларни ивир-шивир маслаҳат қила бошлаганда ҳам у шундай хотиржам эди. Қисқа жимликдан сўнг улар ҳар жойда ёйиқ китобларни тепиб-тепкилаб, йиртиб-суртиб, қулочкашлаб отиб, хуллас, болохонадор сўкинишлар билан ҳовли ўртасида йиға бошлашди. Агар кўзларига нил тортишса, иккала қўли, иккала оёғини кундага қўйиб чопиб ташлашса уста чидаши мумкин эди, аммо ота-бобосидан мерос ҳовли-жойнинг нақ киндигида, шундоққина кўз ўнгида, имон-эътиқоди, ғурури гувоҳлигида юз бераётган бундайин зарбаи ғоратга қандоғ тоб берсин?! Майли, ўзини тириклай ёқишсин ёки қопга солиб анҳорга чўктиришсин, ҳовли-жойнинг кулини кўкка совиришсин, лекин бутун авлодаждоди номус-орига тегишли бўлган мулки муборакка тегинишмасин, индалло — жоники омон экан, тегинишга қўймайди ҳам!

Ана шу алам-ангиз мулоҳаза билан уста сайисхона шифтига тикиб қўйилган сипта кетмондастани шартта суғурди, ҳануз бепаноҳ махтутотларни тепиб-тепкилаётган бандаларга, илойим уларни туз ва сўз кўр қилсин, қутурган йўлбарс каби ташланди. Чарақлаб кетган кўзлари бетўхтов учқун сачратар эди...

VIII

Уста Жамшиддин ёмон ҳовлиқди, бир ғазабдан шуури чийралди, хиралашди, булар устига чарчоғи ҳам қўшилди, боринги, ногоҳ кўз ўнги тиниб, қароқиб, гандираклаб кетди, шунда ҳам дағдаға қилишдан тийилмади, охири эса дарчага етар-етмас жойда тиззалаб, сўнг бир тарафга майишиб, аста қулади. Хуши ўзида эди, тезда қаддини ўнглади, қўлтиғидан олган ўғли ва мулла Аҳмадни қайириб ташлади, атрофида гирди-капалак бўлган хотинига эътибор бермади.

Нигоҳи дарча томонда қотди, лекин ҳуш-фикри бошқа ёқда, яъни бекорга гупайганини ўйлар эди; ҳатто ичида пушаймонга ўхшаш бир нарса ҳам қўзғалди, сабабки, афтодаҳол Улуғ сўз билан баробар жони қил устида турганда ҳаддидан ошиб жизиллаши, ҳар бири ўзини бемалол Рустами Достонга ҳарб едиришга қодир санаётган бандаларга таёқ ўқталиши ақлга сиғмас эди. Энди ростакамига чатоқ бўлди, энди тадорикини кўравериши керак, бугун бўлмаса эртага албатта Миср дарвеш билан Ҳикмат Раҳмон кунини бошига солишади. Ахир Фаттоҳ Обидий қанақа олайди! Бундан шуни уқдики, шу маҳалгача сабр билан арқонни узун ташлаб қўйишган, энди бас, сиртмоқни тортишади, шунақа қилишадик, етти пуштигача дод қақшайди.

Лекин пушаймонга бало борми, нима бўлганда ҳам тўғри қилди, туз ва сўз кўр қилгурларни азза-базза шаштидан қайтарди, ўша паллада етти пушти тугул ўз жони ҳам кўзига кўринмади. Уртага ҳақни тикди. Ҳақ ўзига ён босишига инонди. Қараса, валломат меҳмонлар жуфтакни ростлабди, аллақачон даргоҳидан қораларини ўчирибди. Мана энди у дўпписини ерга олиб қўйиб жўяли режа тузди, режаки, Шамсиддин ҳозироқ бориб ёр-ошнаси ва шогирдларини чақириб келади, ҳар бирига мановилардан оз-оздан тарқатади, кўзпана қилиш-

дан аввал яхшилаб қуритинглар, дейди, йўқса умри кўпга бормайди, чириб батади...

Шамсиддин топшириқ олиб жўнагач, у мулла Аҳмад билан оғилга кирди. Иккаласи терлаб-пишиб қарийб белдан келадиган кенгина хандақ қазиди. Ҳали режа пишитган уста хотинига ўзининг бисотидаги китобларни сандиққа жойлашни буюрган эди. Чиқиб қарашса, Ойдинбиби бу юмушни аллақачон эплаштирибди, сара рисоалар билан икки сандиқни лиқ тўлдирибди. Ана шуларни хандаққа туширишди, избости бўлиши учун теп-текис тупроқ устида қуруқ хас-хашакни ғарам қилиб босишди. Анча-мунча юпаниб, хотиржам тортиб ташқари чиқишса дарча олдида Шариф урфон кўррайиб турибди. Нечундир олазарак, туси қочган чехрасида истиҳола аралаш ҳадик ифодаси, худди умри бино бўлиб кўрмаган-билмаган сирли маконга келиб қолгандек бир алфозда эди. Ниҳоят, у бир малол билан илгари юрди, устага қарата нимадир деб ғудранди, афтидан Шамсиддин бирдан қорасини кўрсатмай қўйгани учун хавотирланиб келганини билдирди. Уста индамади, энсаси қотди. Кечадан бери ўғли мактабга бориш тугул мундай қалам-дафтарига қайрилиб қарайдиган ҳолатда эмасди. Бу кунда таомилга тўла кираётган ёзув-чизувга муккасидан кетган, дунёда темир дарвозали мактаб қонунидан бўлак қонун йўқлигига тамом ишонган оқил муаллимга буни қандай тушунтиради. Муаллими тушгур ҳаял ичида тартиб-интизомдан бўйин товлаётган талабани ҳам, бундай бедодликдан ғофил отани ҳам унутди. Ҳар жойда титилиб ётган рисоаларни илкис кўриб қолгандек ёқа ушлади. Э-э, уста, сизга ўзи нима бўлган, дея бош чайқади, ҳосили калом, раҳму шафқат ҳиссига тўлиб-тошган ҳолда бетўхтов ваъз айтди, маъзи бу: уста, худбинлик ва омийлик қилибсиз, вақт борида бу айбни ювишингиз лозим, яъни мановиларни тезда анҳорга ағдарсангиз из босилади, камина эса неки ёрдам зарур бўлса балогардон, ахир билиб-билмай адашган ночор бандани яхшилик билан йўлга солвормоқ яхши-да!

Шўрлик уста уфлаб юборди, не мақсадда келгани қоронғи банда ўзига бунчалар қайишаётгани, нимага ва нима учун балогардон бўлиш вазифасини гарданига олаётгани боисини сира тушунолмади. Сал чалғиш ниятида хотинига, чой қўйвор, меҳмон келди, деб қичқирди. Айни пайтда ўзи ҳам беҳад очиққанини, ичаклари шилинаётганини ҳис этди; мулла Аҳмад ҳам сўлакайини қулт ютганидан аҳволи чатоқлиги англашилди. Фақат уларга муаллим билан бирга нонушта қилиш насиб этмади, муаллим бу гал мезбон таклифини қабул қилолмаслигини айтиб узр сўради, чиқа туриб Шамсиддинни эслаб қолди, эртадан албатта борсин, дангасаликни қўйсин, йўқса азоб тортади, деб табассум билан хайрлашди.

— Хайрият-э, — Шариф урфон ғойиб бўлиши билан енгил нафас олди мулла Аҳмад.— Шу одам... ҳайронман. Ҳалиги шанбадан бери кўрсам этим жимирлайди.

— Кўяберинг, мулла, — қўл силтади уста Жамшиддин,— буям худонинг бир бандаси, ризқини тергилаб юрибди-да.

— Тўғри, уста, мен ҳам сиз тараф, фақат...

Кўзлари киртайган, силласи қуриган, лекин сир бой бермаётган муғанний гумони нелиги устага аён эди, унинг ўзи ҳам муаллимдан хоҳлаганича гиналаши мумкин эди, фақат сувни баттар лойқалатмаслик учун гап жиловини бурди. Ҳатто Ойдинбиби бандаларини сарсону саргардонликка гирифтор этган чархи буқаламунни қарғай-қарғай келтирган гўжани тановул қилишаётганда ҳам муаллимга ён босди, бу банда ўзига озми-кўпми ихлос қўйганини ётиғи билан билдирди; чамаси бу билан муғанний дилидаги хавотирни қувмоқчи бўлди. Лекин, кошки, у ҳеч нарсани сезмаса! Муғанний устанинг соддалигидан ичида кулди. Ҳей, бандаси шу-да! Сал нафслари қонгандан сўнг Ҳикмат Раҳмонни эслашди, у амри маъруф давраларини гоҳ нафис шеърлари, гоҳ пурмаъно ҳикоятлари билан безаганларини эслашди. Э дариғ, давраларни кулдириб, кўчаларни тўлдириб юрган шундай ажойиб зот тақдири бу кунда қандай кечаётганини на униси, на буниси билади. Ишқилиб уни ўзи паноҳида асрасин, ахир, нетонг, не-не зиёлилар ул банда қадди-камолида улус эртасини кўрганини бир хил ифтихор билан шарҳлашар эди. Унда нечун бу ҳукми ножоиз? Ҳар ҳолда хуфёна тадорик бордек туюлади. Андак майдалашган суҳбат равиши аста бориб қонун бошидаги савдои сифатга тақалди. Ажаб бир кудрдан безов-

таланган мулла Аҳмад Фаттоҳ Обидий сингари келишимли соявон-қалпоқ кийган бандалар шаҳардаги ҳар кўча, ҳар маҳаллада изғиб, элнинг энг мўътабар овунчоғи бўлган чолғуни тергилаб кетишаётганини арз қилди. «Муродлари нимакин?» — дея бўғилди. Одатдагидек уста далда бермоқ учун чоғланганда Шамсиддин ўзи тенги шогирдлардан беш нафарини эргаштириб кирди. Бетоқат ўтирган уста зудлик билан вазифани тушунтирди. Бениҳоя бир хатар мана-ман деб турган бўлса ҳам бешовлон қулоқ қоқмади, устод амри вожиб, деб афтода ётган Улуғ сўз сари ташланди; ҳар бири халта-хуржунини тўлдириб жўнади.

— Мулла, энди сиз ҳам уйингизга боринг.

Уста юмшоқлик билан даъват этаркан, беихтиёр дарча тарафга қаради. Муддаосини билиб олиш қийин эмасди; шубҳасиз у ошналарига интиқ эди, улар тезроқ келишини, келиб, дарди-ташвишига шерик бўлишини истаётган эди. Кечадан бери манови банда чарчади, ҳар ҳолда энди у бола-чақаси олдига жўнагани, дамани олгани тузук. Инсоф ҳам керак-да! Йиқилиб қолса... хотинига нима жавобни айтади. Лекин, у кетиб қолса, ишонган одамлари келмаса, унда ҳолига маймунлар йиғлар-ов! Ахир, шундоқ пешонасига тоғдек тиралиб турган балони, нафсиламбри, нималиги номаълум балони якка ўзи даф этиши маҳол-а!

Кўнглидан ўтган мулоҳазаларни гўё муғанний сезди, астойдил норозиланди, қувламанг, уйим қочиб кетмас, деб зўраки кулди. Алалхусус, гурунг бошқача оҳангга кўчди, уста сал эзғиланди: бу кетишда эрта нима бўлади, эрта фозилу фузало, дарвешу мубтало, дарбадару ҳувайдо бири-биридан безиб қолмасмикин, бора-бора ақлу идрок яхши-ёмон кунда асқотган омиллардан тонмасмикин, ҳайҳот, унда тирикликдан маза-матра қочмасми?! Кўп музтар бўлган мулла Аҳмад шубҳадан деярли холи бу мулоҳазаларни қувватлади, шу хил бир фикр, яъни олам ва одам ўртасида азал ва абад мавжуд бўлган номувофиқлик авж олаётгани кўпдан тинчини ўғирлаганини изоҳлади. Сўнг ўзини бутун шаҳристон инон-ихтиёрини жиловлаб олгандек тутадиган Фаттоҳ Обидий арқонни узунроқ ташлаб қўйишга ҳаракат қилаётгани устида жиндай тортишиб ҳам олишди. Нечундир мулла Аҳмад Фаттоҳ Обидийнинг ҳалиги кесатиғини эслатди, бир ўйлови бор, йўқса унақа ёрилмасди, деб пўнғиллади. Шаксиз, бундай гумонсираш устага нашъа қилди, аммо ичида муғаннийга тан берди, ваҳимани оширмаслик учун ўзини хотиржамликка урди: ҳушёрсиз, мулла, лекин ваҳимакашлик қилманг! Орага ўнғайсизлик тушди, бирдан тил-жағларидан ажралгандек жимгина ўтиришди. Сабрлари эса кўпга бормади, кутилмаганда тез-тез эснаб қўяётган Шамсиддинга савол ташлашди: мактабда нималарни ўргатишаётганини бири қўйиб, бири суриштира кетди. Тап-тайёр қилиб қўйилган иссиққина жойга киришни истамай катталар гурунгига қулоқ солиб ўтирган Шамсиддин негадир ер сузди, чамаси дафъатан қандай жавоб қилишни билмади. «Талабалар суст... лотинини ўрганиш... зеҳнлари арабий билан пеш еган-да!» — деб чайналаркан, қоронғи тушганда жойига омонат кўндириб қўйилган дарчани кимдир эҳтиёткорона тикирлатди. Бараварига шу тараф боришди. Уста юрак ҳовучлаб зулфинни туширди. Туя жунидан тўқилган оқимтир камзулга ўраниб олган уста Қурбон шовурсиз кирди.

— Ҳеч кимни кутманг, беҳуда, — деди у деворга беҳол суяниб.

— Нечун, биродар? — деди уста Жамшиддин шоша-пиша.

Илгари доим уста Қурбон арш сари учгудек шахту шижоатга майил алфозда юргувчи эди; ҳозир донишлик ва ҳақгўйлик билан кун кечириб келган, ҳар бало-ю, ҳар қазога жони-жаҳонини кўндаланг қилишдан ҳам тап тортмайдиган бу бандани таниш қийин бўлди. Ошнаси саволига жавоб қилишни истамай у аста симоби салласини ечди, ечиб, юмалоқлаб пойига отди, сўнг девордан орқасини узмай, бўшашиб, зардоб ютиб, тақир ерга ўтирди.

— Ошнаи қадрдон, эсингиздадир, — анчадан кейин у сал дадиллашди, — бир пайтлар кенту шаҳар, овулу қишлоқ оралаб салла ўрагани учратишса, бу — босмачи, деб отиб кетаверишган эди. Шўрлик халқ шунга ҳам қаноат қилган эди.

— Эсимда, — деди уста Жамшиддин талмовсираб.

— Энди... — у бошини ҳам қилди. — Энди босмачи эмас, худонинг ювинди-хўри, деб аташяпти. Боплаб топишган-а! Нима дедингиз? Ҳа-а!.. Лекин сиз ким-

ни кутяпсиз? Умар чолними? Муҳаммад Маликними? Ёки акангиз мулла Ражаб-ними? Майли, кутинг, аммо қиёматгача... Сабрдан қалайсиз?

— Очиқроқ сўзласангиз-чи, устаи оқил! — деб амр этди уста Жамшиддин тоқати тугаб.

— Салла билан кўчага чиқа кўрманг, — кесатди уста Қурбон.

— Бас-э! — уста Жамшиддин ердан саллани олди. — Манг, ўранг, бундай қилишингиз... увол. Сиздай одам... ишонмайман. Тепадан кечиш шунчалик осон экан-да?!

— Ҳали биласиз... Ановиларни ҳайдаб кетганлар.

— Э дариф! — деди баравар уста билан муғанний.

— Сиз ақо ҳолидан беҳабарсиз, лекин ўзингизча узилиб тушмоқчи бўлаётган осмонни ушлаб қолмоқчисиз, — уста Қурбон тагин ҳам қалтисроқ кесатди. — Ихтиёрингиз. Елкамга ортинг мановилардан истаганингизча! Бир жонга бир ўлим-да! Мен сизга айтсам шусиз ҳам... Лекин қочмоқ номардлик!

— Йук, уста, ундаймас: қочиш ҳам ҳунар, деган машойихлар.

Чамаси, уй эгаси ногаҳоний ғайирлик билан отган пичинг ҳануз тақир ерда титилиб, бувраниб ўтирган, имон-эйтиқоди, умид-илинжини қандайдир ел ялаб-юлқилаб кетганига ишонаёзган банда ярасига жизиллаб тегди. Субҳидам яқинлигидан огоҳ этаётган хира ёруғликда аянчли йилтираётган кўзларида бир маъно акслонд, ўкинч билан қоришқ маъно — биродари азиз, қувлаётирсанми, дардимни тўккани, аламимни ёзгани келсам-у, сен галварс эса ҳеч нарса ни тушунмай-нетмай кўкрагимдан итарсанг-а, майли, кетаман, тоабд кетаман, фақат энг маъсуд онларимни шу хонадонда кечирганим ҳақидаги хотираларни жонимга жойлаб кетишимга халақит бермагин, у ёғига нима қилишни ўзинг биласан...

Тонгга яқин бунда бир рўё кечгандек эди, шундоқ кўзлари ўнгида — рўё: элас-элас қоронғилик билан сирғалиб ҳовлига чархи гардун кўргиликларидан бемалол баҳси жиддия юргизисга қодир қадрдон ошналари эмас, дўзахий таҳлика-таважжухни юқтириб олган бир мижғов шарпа кирган-да, у доду фиғон билан нималарнидир ўтриклаган, ваҳима уясига ўт қўйган, маънисиз даҳмаза-дўмбирасига ҳеч кимни ишонтиролмагач, изза еб, сазоси ўлиб жуфт-такни ростлаган эди.

Ахир бутун шаҳристон меҳрини қозонган, ақл ва илмга суюнмоқни бетакрор фазилат санаган бу муҳтарам зотни қайси ноинсоф иблис бу кўйга солдикин?

Ҳовли сув қўйгандек жимжит бўлиб қолгандан кейингина уста сергакланди. Нимадир кўксига оғир-оғир ботаётган эди. Ҳар ҳолда ошнаси ўз қиёфасини кўргазис билан бу кунда шаҳристон аҳволи қай даражада забунлигини эслатиб кетди. Бу кунда шаҳристон ҳўлу қуруққа баравар ўт кетган ўрмонни эслатар эди. Нима бўлганда ҳам бари бир уста бир нарсага ишонмайди: ахир акаси баридан кечганди-ку, нечун у ҳам хору хас билан аралашиб кетди!? Агар Фаттоҳ Обидий акаси ва ёр-биродарларига кимлигини кўрсатган бўлса, энди навбат ўзига экан-да! Муғанний ҳақ, муғанний куюниши бежизмас, зимдан бир балони сезган-у, ҳалигидай талмовсираган...

— Шамсибой, сенам энди кап-катта йигитсан, хаёлни бўлма, — деди уста ўғлига қарата, қандайдир хулосага келиб. — Ҳозир нонушта қилиб мактабингга жўна, иншооллоҳ, тушдан кейин Регистонда кўришгаймиз.

Сиртдан уста хотиржам кўринса-да, сийрати зада, сим-сим бир оғриқ сийратини аста-аста бурдалаётган эди, шу ҳол сабаб бўлди шекилли, мен муғанний билан амакинг ҳовлисидан хабар оламан, деб муддаосини очиқ айтолмади. Имони комил эдики, ўзини ҳарчанд тутишга тиришаётганига қарамай, ҳалиги сўзлар дилидан тилига кўча етим бўталоқ каби бўзлаб юборар эди. Ахир, умр бўйи жони, ҳаловати, ризқу насибасидан кечиб тўплаганини бир ярамагур иғвосига учиб гумдон қилган ака охириги илинжидан ҳам айрилиб шайтони лаъин хилватгоҳида ҳақ деб ётгани армон эмасми!?

Мўлтираб турган ўғлидан, дарсни қолдирмайман, деган ваъдани олганда ҳам, мулла Аҳмадни эргаштириб жимгина йўлга тушганда ҳам, ўймакорий дарвоза бўсағасига имиллаб етганда ҳам уста шу хусусда бош қотирар, нечундир энди ўрмонга ўт кетганда ҳўлу қуруқ баравар ёниши эсига келмас эди.

— Укамулло, — шовур сезиб айвонга чиққан Малоҳат ая — мулла Ражаб-

нинг хотини дока рўмоли учини шишинқираган қовоқларига босганча устани буровга олди, — жонгинам садаға сизга, нима, ҳовлимизда илон-пилон кўрувдингизми?

Довдираб-совдираб келиб нарироқда тўхтаган уста Жамшиддин мум тишлади. Таёқдек қотди. Кўнглидан нималар кечмади. Тоғдек кўргиликка бардош бериб, барини ичига ютиб ўтирган муштипар кампир биргина сўроқ билан уни гўё етти қават ер тагига киргизиб юборган эди. У гуноҳини бўйнига олди, ўзини тошбағр атади. Лекин кампирга нима десин, шўрликни қандай овутсин?

— Кечаси акангизни обкетишди, дардимни бир бандага ёролмай, бошқаларни паноҳида асрасин деб турсам... — тутилди ая. — Жиянларингизни ҳам... Айтинг, гуноҳлари нима?

— Йўқ-э! — деди уста бўшашиб.

— Ёзуғимиз қаттол экан, укамулло!

Шаксиз, маломату ваҳимага тўла тунни, ичи сидирилиб, руҳи синиб, иштиёқи сўниб, уқубат ва талваса оғушида ўтказган кампир бир чораи даво истаётган эди, яъни уста билан муғанний ташрифидан хиёл тетиклашиб, ғайратга эниб, қарашда умид учкуни йилтирай бошлаган эди. Назарида, қадрдон хонадонни чалиб кетган гирдибодни унсиз қарғаётган манови икки банда, жиндай ялиниб-ёлборса, ҳозироқ бориб чоли билан болаларини етаклаб келадигандек эди. Алҳосил, шўрлик шундай илинжни дилига тугди, ўзини тантиликка урди, ҳақни ўртага қўйиб тавалло қилди: мингга киринг, укамулло, устунларимни даракланг!..

Уста дарҳол рози бўлди, албатта дараклайман, деди, сиз куйманг, жонингизни бекорга уринтирманг, дардга чалиниб қоласиз, деди; ваъда-войишни такрор қилаётганда эътибори ҳовли тўрига, қиёфатидан файз қочганлиги сезилиб турган иморат сари оғиб-оғиб кетаверди. Чидолмади, муғаннийни имлаб, ўша томонга шошилди. Пилдираб бораркан, шундоқ айвон олдида, нақшинкор устунга буғ чиқараётган юмшоққина тумшуғи тегиб-тегмай бир талғир туя кавш қайтариб турганини кўрмади. Қадам товушлари яқинлашганда туя эрий-эрий беҳудуд бўшлиққа сингиди. Бўсағада олачалпак излар қолди. Улар шу изларни жимгина босиб ўтишди.

Ичкари ивирсиқ: аввалгидек кўн-қоғоз, елим-бўёқ ҳидимас, аллақандай биқсиган чучмал ис анқирди, чанг босган саҳнда сувараклар ва сичқонлар пойгаси авж эди; ҳар жой-ҳар жойда қиймаланган муқова-варақлар, ўткир болта билан чопиб ташланган жавон бўлағи-бўлтаги қалашиқ эди.

— Қоғоз гуноҳи аниқ, сўзни тилга киритади, лекин лисонсиз жавондан не айб излабдилар, ҳайронман, — деди уста нафаси қисилгандек тезда ташқари йўналиб. — Тағин сизга баракалло, мулла, шунчалик уволдан тоймайдиган бандаларни шафқатли бўлишга чорлаб азият чекасиз.

— Камина неча кундан бери соз ушламадим.

— Сизниям чалғитдилар, — деди уста таассуф билан. — Э тавба, қисматни қаранг, бу дунёни биров поклаш, биров булғаш билан овора экан-да!

— Азалдан шу!..

— Лекин, мулла, жавонни болта тагига оладиган бандалар ҳам дунёни тозартиш билан машғул эканини овоза қилиб келишаётганига не дейсиз?

— Жавобга ожизман, фақат ёқа ушлайман!..

Савол, юракни тегирмонтошдек эзадиган савол муғанний ҳуш-фикрини алғов-далғов айлади, эҳтимол, шу боис у бирон тайинли жавобни кўндаланг қилолмади. Ҳартугул ошнаси айни лаҳзада ожиз қолганидан мункир келмаганига уста таҳсин ўқиди. Бу ҳам бир тантилик-да! Хўш, унда ўзи-чи, мағзи тўқ жавобга ўзи тайёрми? Рости, нима учун шундайлиги унга ҳам қоронғи, агар адашмаса, бир неча хонадан иборат муҳташам иморатда беҳисоб рисола жамғарган ва деярли жамиси маза-маъносини сувдек симирган акаси ҳам ушбу жумбоқ қошида тайсаллайди. Агар тайсалламаса болта кўтарганлар йуриғига бу қадар осон бўй бурмасди, жонидай азиз мулки муборакни ҳалигидай хору зорликка гирифтор этмас эди.

Бўсағада талғир туя қолдирган айқаш-уйқаш изларни бир-бир босиб бораркан уста хайрлашув чоғи аяга нима дейишни, шўрликни тағин қандай овутишни ўйлар эди. Энди ҳалиги ёлборув аянинг тик боқаётган нигоҳини

тамомила қамраган эди: мингга киринг, укамулло, устунларимни даракланг. Кампир тикилганча тураберди. Ичи тирналаётган уста ундай қилолмас эди, у бирор таскин беришга мажбур эди, сиз бардошли аёлсиз, деди ниҳоят, дардни сабр билан енгасиз, охир-оқибат рўзфорингизни шу кўйга солганларни ҳам сабр-тоқат билан тиз чўктирасиз, фақат ўтинаман, кўзёши тўкманг, кўзёши — хўрланиш!..

IX

Теграда айланаётган чархни тушуниш мушкул...

Чарх рўпарасида саросар уста, уйгинаси буғдойга тўлсин, нари ёғи не кечишини ўйламай-нетмай кампирга ваъдани қуюқ қилди. Кўкси қийма-қийма кампир озгина бўлса ҳам тасалли топди, шундай суянчиғи борлиги учун яратганга шукрона ўқиди, ютаман деб турган кенг ҳовлида якка ўзи титраб-қақшаб умид билан қолди. Дарвозадан йироқлашиб, кампир қадди-қиёфаси, гинали қараши ва қаҳрини хаёлида жонлантитаркан, уста нақадар оғир вазифани гарданига ортганини англади. Аммо энди сўзидан тонолмайди, ўладими, қоладими — барибир, аядан ҳам кўра ўзига яқинроқ жону жигар бўлган бандаларни сўраб-сўроқлашга мажбур, шаҳристонда нуфузи беқиёслигини зимдан сездириб қўяётган Фаттоҳ Обидий пойига, яхшилиги ёки ёмонлиги қоронғи казо-казо кимсаларни осонгина шаштидан тушираётган маҳкама оstonасига бош уриб боришга мажбур, фақат у ғурури, иззат-нафсини ерлаганига яраша ўтинчини инобатга олишармикин!?

Асли ҳозир Фаттоҳ Обидийга йўлиқиши жони-танини шундоққина аждаҳога ем қилиш билан баробар эди. Ҳалироқ мулла Аҳмад бундан огоҳлантирди. Мана энди ич-ичида тошаётган бир сезги ҳам буни равшанроқ англагандек бўлди. Ҳатто Фаттоҳ Обидий қанақа одам эканлигини тарозига қўйиш ҳам анча мушкул эди. Тағин устига у билан анча-мунча ўчакишди: муғанний хонадониди шеригини абгор қилди, ўзини илмоқли каломлар билан дўппослади, бу ҳам етмагандек кеча... роса қуюшқондан чиқди, хуллас, энди ҳушини йиғмоғи керак. Ҳей, дариг, худди шайтони лаъин хилватгоҳини тусаби юргандек-а! Анови-лар нимани кутишяпти, нега уни аяшяпти? Коса тагида нимкоса борга ўхшайди. Қурғур ўша нимкоса нималигини Шариф урфон худо ҳақи билади, билади-ю, лекин айтмайди. Нуқул хуфя иш битиради. Бу банда имонидан тамом кечмагандир, бориб дардини ёрса бирор йўл-йўриқ кўрсатар! Ахир, зарур бўлса ёрдимини аямайман, деган эди-ку!

Мулла Ражаб ҳовлисидан чиққанларидан сўнг торкўча билан бафуржа одимлашди, қози Раҳмон мусофирхона-қироатхонаси бир ёнидан кўриниб турадиган яланг муолишда беихтиёр тўхтаб бир-бирларига тикилишди.

— Ҳозирча ажрашсак, кечқурун кўришамиз, — уста Жамшиддин тусмол билан сўзлади. — Малол бўлмаса... Муҳаммад Малик билан уста Қурбонниқига ўтсангиз.

— Малоллик жойи йўқ, — деди муғанний дадил.

— Кейин... қози Раҳмон мулки... Нима дейсиз?

— Кечқурун кўришсак... Одам обораман.

Тузук, деган маънода уста бош ирғади, муғанний билан илиққина хайрлашди, унинг сихати, омадини тилади. Кечгача муғанний бирор эътиборли чораи тадбирни пишитиб келишига ишонди. Яширишга на ҳожат, шундай кунда дахлсиз турган қози Раҳмон мулқини тезроқ кўзпана қилиш ташвиши ўзининг ҳам оромини буткул ўғирлаган эди. Эҳ-ҳе, донғи бутун ер юзига кетган бул гўшаи хосда не-не дурдоналар йиғилмаган! Худо кўрсатмасин, агар бирор гап-сўз бўлса... худди мулла Ражабники янглиғ ҳар бири жаҳаннам қаърига кетади. Жаҳаннам не, жаҳаннам ул анҳор — Улуғ сўзни ямламай ютган, тубсизлик сари йўллаган!..

Темир дарвозали мактабга яқинлашгани сари гоҳ қирғоғини бузган муздек мавжни, гоҳ тақа-тақ тўхтаб қолган тегирмонни ўйлаб тажанглиги ортар эди. Тузалиши маҳол дард захри-зарбати охир-оқибат бора-бора ўша икки ёни яланг хилқатга тақалганига ақли бовар қилмас эди. Ҳарнечук бандаси бундай кўргиликдан иложи борица йироқ бўлишни истайди, фақат у билмайдик, бунга Шариф урфон қандай муносабатда!? Билгани — Шариф урфон шу ат-

рофда изғигани изғиган, лекин ўзини гоҳо билағонликка урса, гоҳо гарангликка уради. Ҳар икки ҳолда ҳам шашти баланд, ичи-ташида доим биров сезмай-диган кудр бўлади, яъники, пўстини ими-жим, пинҳона ўзгартиради, хуллас, нима қилса ҳам ҳамроҳини доводиратса, йўриғига солса! Шуларни ўйлаб уста изига қайтишни чўтлади, бундан иссиқлик чиқиши қийин, деди ўзича, тагин нимагадир сушт кетиб (ноумид шайтон-да) изғиринда тўшини яланг қилганча илгари босди.

Уста дарвозадан кираётиб эгамдан бир нарсани ўтинди: илоё анови жик-как аёл афтини терс қилгин! Аттанг, ўтинчи ижобат бўлмади, шундоқ ғиштин йўлка бўйлаб ўзи сари бедана юриш қилиб келаётган, иссиқ пальто кийиб, жун рўмол ўраган опани кўрди. Касалманд бўлса ҳам хотираси бақувват опа уни узокданоқ таниди, таниб, сира тап тортмай йўлини тўсди, қайтиб қорамни кўрсатмайман, деб сўз берганини шартта бетига солди. Уғлимдан хабар олгани келдим, деди уста тайсаллаб; шаксиз, нозикдил опа бу муомалани уччига чиққан дағаллик ўрнида қабул қилди, дағалликни кўтаролмади, ранги тамом ўчди, лаблари титради, бутун эл ишонган мактабга сиз ишонмас экансиз-да, деб зарда қилди. Агар шу топда Шариф урфон келиб қолмаганда тарафлар келишуви-сиз юз берган бу учрашув хушу хушвақтлик билан яқунланиши даргумон эди.

Тўғри, Шариф урфон ўзини буткул бегона тутди, тамом қизишиб гап уқтиролмаётган опага ҳам, собитона қад ростлаган устага ҳам беписанд назар ташлади, анчагина гўштдор ясси юзида эса бирор чизиқ қимир этмади. Ана одамнинг ўзини ўзи жиловлаши! Фақат, уста таажжубдаки, у банда бу ҳунари комилликни қачон ва қайда бундай келиштириб эгаллаган!? Индалло, Шариф урфон қадди расо бўлса ҳам жони сим-сим ўртанаётган устани танимади, опага нимадир деб ғудранганча, қўлтиғига китоб-дафтарини қаттиқроқ қисиб, гурсиллатиб ўтди. Опани хафа қилганидан уста хижолат эди, шунга қарамай, уни бирор пичинг билан ўйиб олмоқчи эди. Лекин, Шариф урфонни кўриши билан аҳдини унутди, аста бурилиб, унинг изидан тушди.

Шариф урфон ер тагида илон қимирласа билади, у чор-атрофни ақлдан оздиргудек даражада ваҳимали ивир-шивир босган шундай кунда устани бу ёққа бекораки шамол учирмаганини дарҳол пайқади, ҳатто у ўзига арзи-ҳолга келганини эҳтимол ҳам қилди. Ҳатто соясидан ҳам ҳадиксирайдиган опа қаршисида тўлиқиб турган банданинг асли хокисор, айни паллада бежо кўзлари не-не алам-армон, не-не даъвои дoston мазмунини ойнадагидек ошкора этаётган эди. Тошни тешгудек тигдор қарашга муаллим дафъатан тоб беролмади, кўп нарсани англагани, кўп нарсани тасаввур қилиб таҳликага тушгани боис тоб беролмади, опага айтмоқчи бўлган гапини тузукли айтолмай, шиппа жуфтагини ростлади. Ана-мана дегунча чорраҳага етди, чапга бурилиб, паналади.

Билдики, Шариф урфон ўзини чалғитиб кетиш пайида, ҳасратини тинглаш нари турсин, афти-ангорини кўришга ҳам тобу тоқати йўқ, буниси-ку майли, опага ўхшаб соясидан ҳуркмоқда. Аммо у ҳам қўймайди, инигача қувлаб боради, агар нариги дунёга қочса, ўша ёққа ҳам тирғалиб боради ва ёқасидан бўғади, биттагина саволга жавоб истайди: акаси баридан кечди — тўплаганидан ҳам, имонидан ҳам, шундай бўлгач, нима учун уни... ёруғ дунёга бегона қилишди?

Хайрият, Шариф урфон одам сийрақроқ жойда, дарвозаси танбаланган қўш ошёнада, пешайвонли ғиштин иморат биқинида аланг-жаланг пойлаб турган экан, лип этиб пешвоз чиқди, сизни нима жин урди, изимга тушибсиз, чоғи, уста, деб жаҳл билан пўнғиллади. Дафъатан у офиз очолмади, каловланиб тураберди, чапдаст муаллим эса, уни кўп қийнамай, офирини енгил қилиб қўя қолди. Нима учун бундай афтода, елвагай юргани боисини майда тафсилотигача чечанлик билан айтиб ташлади.

— Ғўр экансиз, — деди гап адоғида.

— Ҳеч бўлмаса маслаҳат беринг...

— Маслаҳат шуки, уста, ановиларни қайтиб икки дунёдаям эслатмайсиз, ундай одамлар ер юзида ҳеч қачон бўлмаган, тушунарлими!? — Шариф урфон жаҳлидан тушган эди. — Иккиламчи, ҳовлингиздаги нарсалардан бутунлай кечасиз, бошқатдан оқизасиз. Кейин Фаттоҳ Обидийга бўйин эгсангиз зора гуноҳингиздан кечса!..

— Акам бўйин эгиб нимага эришди?

— У ёғини билмадим, биродар, — деди муаллим энсаси қотиб. — Унақа иккилансангиз... Ётиб қолгунча отиб қолмайсизми! Қулоғингизга айтай, агар сўзимга кирсангиз, бир уриниб кўраман. Фаттоҳ Обидий ҳеч маҳал ҳам бўлган бошга қилич солмаган!..

Уста заминида кесатик, ваъда, илинж-иддао ётган сўзларни элас-элас эшитди, нимагадир фаҳми етгандек бўлди, лекин ўзак маънони тезда чақолмади, жуда ғужала қилдингиз, деркан, Шариф урфон мийғида кулди, қайтиб миқ этмади, хушлашмай, дуч келган жин кўчага шарпадек уриб кетди...

Шамсиддин уйқудан қолгани учун ланж эди, отасининг қадрдон ва ишонган ошнасини ҳалигидай эзилган-титилган алфозда кўргандан кейин ланжлиги устига зил бир хитлик, озор, ачиниш ҳисси қўшилди. Кейинги кунларда юриш-туришини бошқача оқимга бурган, ҳаёт азал-абад сиру синоатга тўлалигидан огоҳ этган, жўраси Иброҳимга бошқатдан яқин қилиб қўйган мактаб эса айна лаҳзада хаёлида йўқ эди, отаси эслатмасидан сўнг, у бирдан ҳушёр тортди, кўз олдига, Шариф урфоннинг жаҳл ва гинадан буришган башараси келди.

Минг бир шубҳада қоврилган отаси, аламини кимдан олишни билмай, ғўлдираганча, муғанний билан етаклашиб чиқиб кетгандан кейин, Шамсиддин оназори билан бафуржа нонушта қилди. Иштаҳаси тамом ўлган бўлса ҳам меҳрибони кўзи учун шунчаки номига нон кавшади, хуриллатиб чой ичди, сўнг қаламу дафтар учун тикилган бўз жилдини елкасига осиб жўнади. Йўл-йўлакай эҳтиёткорлик билан панд қилган отасини ўйлади, тонг-азонда зув келиб зув кетган муаллимни ўйлади. Бир неча кун бурун падари билан илк бор кўрганда ҳаприқтирган баланд дарвоза томон умтиларкан, совуқни писанд қилмай дидил-дадил одимларкан, миясини оч анҳор ютаёзган Улуғ сўз ранги-равиши қамраган эди.

Илгарироқ отаси ганчқорий токча-жавонда терилган рисоаларга термилиб, меҳри ийиб, завқ билан айтгани ёдида: «Ўғлим, сўз қудрати тенгсиз, у чўкмайди, ёнмайди!», Шаксиз, бу хитоб отаси имонидан қувват олиб янграган эди, шу сабабли, Шамсиддинга ўзгача таъсир қилди. Шамсиддин уни тоабад ёдида сақлашга аҳдланди. Кеча эрталаб амакиси мулла Ражаб хоҳиши туфайли Умар чол тегирмони тўхтаб қолганига гувоҳ ўтгандан кейин эса отаси эътирофидан шубҳаланди. Бари шундоқ кўз ўнгида юз бераётган эди. Эрмак, кимдир бекорчиликдан ўйлаб топган эрмак! Фақат бунга чидолмай ер-замин қақшаётган эди. Яхши ҳамки мулла Аҳмад билан Умар чол бор экан, отасидан кўмакларини аяшмади, бир амаллаб Улуғ сўзни даҳшатли комдан юлиб олишди. Эҳтимол, анови Мўйсафид уларга куч, рағбат, шахт бергандир. Ахир у талғир туяси билан ҳаммадан илгари келган экан, келиб, гирдоб тепасида мўлтираб турган экан, ахир уни каллак урилган тутлар тагида Умар чолга кўйиб-пишиб гап маъқуллатаётган отаси сари бораётганда ногоҳ кўриб қолди-ку!

Бугун, Шамсиддин деярли дарс тингламади, тинглаганда ҳам қулоғига бирор тузукли маъно кирмади Астойдил жўшиб сабоқ бераётган, Шариф урфон бир неча марта танбеҳласа ҳам партадоши Иброҳимни нуқилаб, луқма ташлаб, унинг жиғига тегиб ўтирди. Танаффусларда эса оғзига талқон солиб олди, ҳар доим тўполончилар авжга миндирадиган тало-тўпга ҳам, билафонлар бир бурчакда қиздирадиган даҳанаки жангга ҳам аралашмади. Кўпчиликни ҳайратга солган бу қилигидан Иброҳим ростакамига аччиқланди, нима, сен онанг қорнидан тескари тушганмисан, ҳамма ишинг чаппасига, деб масҳара ҳам қилди. Таниш-нотаниш болалар ичида бундай пишанг егани учун тузуккина қоврилди, лекин индамади, ўзи ёмон боламас, фақат ҳар замонда шунақа сайраб кўяди, деган хаёлга борди. Охирги соат тугаганини билдириб қўнғироқ бутун оламга айюҳаннос солгач, у негадир унча шошилмади, синфдан ҳаммадан кейин чиқди, чиқаркан, дарвозага етар-етмас жойда директор опани, опа рўпарасида ўкрайиб турган отасини кўрди. Қадами сустлашди, нима қиларини билмай, хитланаётганда, дарвоза томоқ Шариф урфон шипиллаб ўтди, лекин улар ёнида тўхтамади, шахт билан ташқарига йўналди. Кейин отаси ҳам...

Дарвоза олдидаги учрашув, белисон тикилишлар, тушунуксиз имо-ишоралар, шошқин қадамлар, Шамсиддинга сирлигича қолди. Энди зардали нигоҳ таъқибига ўзи йўлиқиши мумкин эди, шуни ўйлаб анчагача жойидан қўзғалолмади, хайриятки, опа ё кўрмади, ёки эътибор бермади, индамай йўлига

бурилиб кетди. Енгил тортган, Шамсиддин секин жилди, дарвозадан узилиши билан нафаси тиқилиб чопди, чорраҳага етиб, у ёқ-бу ёққа аланглади, лекин на отасини, на муаллимини кўрди.

Турган гап, бу ҳолдан Шамсиддин тағин ғашланди, ҳатто ўзича жаҳл ҳам қилди, фаҳмича кечадан бери кўрган-кечирганлари гўё бир тизимчадан иборат узилмас-йитмас занжир эди, занжирки, одамзотга азалу абад ҳамдам, ҳақни танитган, ой билан қуёшни танитган Улуғ сўз бўйнига кишан бўлиб тушгудек! Фақат билмайди, бу кимга зарил, буни ким ёқлайди. Эҳтимол, ҳамма шуни истаётгандир, фақат отаси, мулла Аҳмад, ўзи... Шунчаки чалғиб, гангиб, қайси деворга бош уришни билмай юргандир. Ана бу тарафи фақат худога аён, фақат... Ие, ановилар нима қилиб юришибди?

Худди шу пайтда Шамсиддин Панжакент кўчаси келиб Регистон майдонига туташган, турфа дўкону расталар тизилган, чанг-тўзону шовқин-сурон осмону фалакка ўрлаётган жойда қаққайганча теваракни кузатаётган эди, фақат тирикчилик ғамида, ҳузур-ҳаловат, нафс ва чўнтак илинжида шунчалар елиб-югураётган, бир-бирини алдаб-авраб, ширин сўзлар билан хушомад қилаётган бандалар нақадар ғофиллигини ўйлаб эзилар эди, бехос нигоҳи ғофиллик қонқонига сингиб кетган мардумни оралаб келаётган Фаттоҳ Обидий билан паканага тушганда нечундир тамоми борлиғи зирқиради, тийрчилаб қолди. Хайриятки, улар қизгин суҳбатга берилишгани учун уни пайқашмади, тимискиланган кўйи нон дўконига бурилишди. Пайтдан фойдаланган, Шамсиддин бетўхтов оқимга қуюндек аралашди, дўкон рўпарасидан ўтаётганда ҳалигилар лўп этиб эшикдан чиқишди, бир куч оҳанрабо бўлиб тортгандек, у секинлади ва «мулла Аҳмад ҳеч нарса...» деган сўзларни чала-чулпа эшитди.

Аввал, Шамсиддин унча аҳамият бермади, салдан сўнг шунчаки эрмакка айтилгандек таассурот қолдирадиган луқма запти-заҳрини туйиб, юраги гупиллади. Бандалар тақдирини ўшалар қўғирчоқ қилиб ўйнатаётганини англаши учун яна қандай далил керак? Ахир у сўқир эмас-ку! Кабирлик остонасидан ҳатлаганига ҳам, шукр, анча бўлди. Энди эҳтиёт бўлиб ақлни, иродани ишлатса бас, бировдан камлиги қолмайди, ошиғи ҳам олчи тураверади. Тўғри, баъзан отаси ҳазил-чин қилиб гўдаклигини эслатиб қўяди, лекин у бу шунчаки даромад эканлигини сезади. Гўдаклиги тугади, вассалом! Шундай экан, ҳеч қачон у ўзини чеккага тортолмайди, яхши-ёмонга бутун жисми-жони билан аралашади. Масалан, айна паллада ановилар мулла Аҳмаддек беозор банда номини таҳдид билан тилга олиб, нимагадир учирик қилибдими, қандай қўл қовуштириб ўтиради. Дарҳол баридан отасини, қолаверса, муғаннийнинг ўзини воқиф қилиши лозим.

Ажабо, асли энди мулла Аҳмадни қийноқ-қистокқа солишда заррача маъно йўқ, негаки, унда пичоққа илинадиган неки бўлса барини аллақачон тортиб олишди, боболаридан мерос ўтган, камида минг йилни кўрган созларини дабдала қилишди, бебаҳо Қонуни муборакни хўрлашди, уни қайта ясашни тақиқлашди. Бу кунда у қаноти қайрилган бир қуш-да! Тағин ундан нима ишташади?

Шердор тагида ивирсиб, ўй суриб, Шамсиддин тўлди, тўлиқди, тошгандан тошиб бораверди; ҳар лаҳза йўл қаради, аксига олиб отаси кечикди, келган маҳалда эса у арзи-ҳол тинглайдиган аҳволда эмасди. Шамсиддин бир неча марта оғиз жуфтлади, ҳар гал уста уни силтаб ташлади, пича ҳордиқ чиқаргандан кейин шогирдлари не юмуш билан машғуллигини суриштирди. Сал тетиклашган Шамсиддин ўзи ҳам, тенг-тўши ҳам куфийни эплашда қийналаётганини тавсифлади; уста қовоқ солди.

— Камина неча вақтдан бери куфий ёки гулбанди нима, сулс ёки шикаста нима, қулоқларинга қуяман, — деди кейин сал дағаллик билан. — Бу қанақаси, камина маъни уқтирмакка нўноқманми ёки сен гумроҳлар уқтирганларимни писандга илмайсанларми!?

Уста Жамшиддин бекорга жаврамади: кейинги вақтларда у нуқуд Шердорда кўҳна усталар зарблаган, бу кунда деярли тўкилиб битаёзган, маъно-мазмунини йўқотган ёзувларни тиклаш билан шуғулланди; булар орасида қадим-қадимда кашф этилган, Улуғ сўз қадди-камоли, қудратини намоён айлаган куфий билан сулс алоҳида ўрин тутади, индалло, у шогирдларига кўпроқ шу тоифа битиклар сири-синоати хусусида сўзлашни бениҳоя хушлар эди. Шак-

сиз, буларни кошинкорий йўл билан тирилтириш, зарб чоғи бурунги услубий товланишларни сақлаш, ўрни билан аввалгисидан ҳам зиёдароқ сайқаллаш игна билан қудуқ қазишдан ҳам мушкул эди, шундай бўлса-да, уста йўриғини эгаллашда суствлик қилган шогирдларини бир мудом ёқтирмас, мавридини топганда уларни таъна-дашномга кўмар эди.

— Сенам анчагина ҳақковсан, айтганим бу қулоғингдан кириб, наригисидан чиқиб кетади, — ҳали, Шариф урфон билан муомаласи келишмай доғда қолган уста зардасини ўғлига тўкмоқчига ўхшарди. — Ҳар тоифа нақш шаклишамойили тарҳда бўлишини илгари тушунтирганман чоғи!

— Тарҳ кўлимизда, лекин...

— Унда нега гарангсиз қопсанлар? — ўғли чайналганини кўриб тутатди уста. — Ёки оғизларингга бутунлай чайнаб солайми? Унақада бориб тошларингнинг термайсанларми?

— Мен... бир жойига... фаҳмим етмади.

— Бошқа жойига етадимми?

— Билмадим.

— Ҳимм, — ўйланиб қолди уста, анчадан сўнг пештоққа ишора қилиб, илгис савол берди: — Манов лавҳада не маъно ёшурун?

Ажаб салобат тўккан залвар пештоққа дастлаб у эмин-эркин тикилолмасди, мабодо тикилганда кўҳна дунё меҳваридан кўчган афсунгар бўёқларга узоқ дош беролмасди, ҳатто кўкси тубида хайрхоҳлик аралаш бир ҳайиқиш чўкиб ётганини туярди.

Бу ҳайиқишни бора-бора қуюндек ёпирилиб келган ҳайрат босди, кунпаякун қилди, қизиққи, энди у тифдек санчиладиган ғайир нигоҳларга кўзи тушиб қолишидан, фавқулодда илгари чўзилган забардаст панжалар қадди-бастини дабдала қилиб юборишидан, ханжарни эслатувчи тишлар қаҳрига йўлиқишидан чўчимайди, аксинча, тамоми борлиққа эзлазил солаётганига инонган қудрат соҳиблари билан ошнолашиб олган эди.

Пештоқ иккинчи қутби нечундир Шамсиддинни маъюсликка гирифтор этади, аммо буни тан олишни истамайди, эҳтимол, шу боис ҳар гал бу қутбга эътиборини берганда кечмиш ва бу кун аччиқ-чучуги билан қоришиқ таассуротларини ҳазм қилишда қийналади. Асли уч асрча муқаддам яшаган мусаввирнаққош бу қутбда мунислик ҳоким бўлишини истаган кўринади, лекин у мунислик ночорликка бениҳоя яқинлигини ўйламабди. Бу, оқибат, кутилмаганда яралган оламда фожиа бўртиқлигини юзага келтирибди. Балки, бор-йўқ кашфиёт шудир? Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, ўша соҳиби ҳунар беадад завққа етишгандан сўнг, завқни бир тарафга қўйиб, олов сочаётган қорачиқлар таъқибига дош беролмай тум-тарақай қочаётган беозор оҳулар ҳолига ачингани, бисёр ачингани шубҳасиз...

— Дада, буни маънисни кўп, — деди ниҳоят, Шамсиддин кулимсираб, — тушунтириш қийин.

— Шундоғми? — деди уста ўғлига зимдан қараб. — Маънисни кўп, аммо тушунтиролмайсан. Андак бенамак сўзладинг.

— Нега, дада? — бўш келмади, Шамсиддин. — Менимча, пештоқ мазмунини ҳар тарафга буриш мумкин, шундай экан... қийин-да!

— Ҳа, дуруст, — деб уста сукутга толди.

Фаҳмича, отаси кесатди, бундан у ўсал бўлди, билганини сўйлаб беролмагани учун ҳатто ўкинди. Билиш бошқа, амал бошқа экан-да! Йўқ, у кўпам нўноқ эмас, истаса ҳозир пештоқ авра-астарини ағдаради, замонида ном қозонган меъморлар фаройиб лавҳага не маъно беркитишганини миридан-сиригача изоҳлайди. Аммо, Шамсиддин бунга жазм этмади, пича хомушланиб тургандан сўнг, нон дўкони олдида анови бандаларни кўрганини бурро-бурро сўзлашга киришди. Эндигина навбат мулла Аҳмадга дахлдор жойига етганда шундоқ ортилариде кимлардир шарақлатиб кулди. Сокин обидалардан бемалол акс-садо қайтди. Энсани қотирадиган даражада асабий ва бўғиқ қаҳқаҳа ота-болага ёз осмонида гумбирлаган қалдироқ янглиғ таъсир қилди; зўрға ўгирилишди. Қаерни исташса ўша ерда зув ичида ҳозир нозир бўладиган, бири-бирининг соясига айланган, ҳатто пашшага ҳам бир ақлини ўн қилиб кўрсатиш ила ҳузурланадиган таниш кимсаларни кўрганда, Шамсиддин ғулдираб, ўзини ҳам, сўзини ҳам йўқотди.

— Хўш, ўғлон, «ановилар» деганинг кимлар, бизми? — Шамсиддинни саволга тутди Фаттоҳ Обидий. — Нега жимсан? Нон дўкони олдида учратибсан, яхши, кейин нима бўлди? Қани, гапир, бўлақол!

Шамсиддин ҳамон соқов эди. Ҳатто ҳушидан ҳам айрилгандек эди; манови кимса ўзидан нима истаётганини чамалар, лекин ҳеч нарсага ақли етмас, ҳатто нон дўкони олдидаги учрашувни ҳам унутган эди. Аксига олиб ширадор овоз эгаси айнан ўша ерда кимларни учратганига қизиқаётган эди.

— Бўлақол! — яна юмшоқ ҳукм янгради.

У илқис бошини кўтарди. Энди юмшоқ-юмшоқ кулаётган Фаттоҳ Обидийга термилиб қолди, унинг бутун туриш-турмушида ажаб бир хайрихоҳлик мужассамлигини туйди ва ногоҳ шуурига яқиндагина миҳланган хотиралари қати очилди: шам ёритган хона, инграна-инграна тинган қонун, тоабад бесас қолган «Қасидаи падар», қирғоғини бузган анҳор, дўли айланмай тўхтаган те-гирмон, шаҳри азимни фарқ айлаган сиру синоатга гувоҳ ўтиш учун талғир туя-сини елдириб келган Мўйсафид...

— Болани ўз ҳолига қўйинг, — тўнғиллади ниҳоят уста.

— Бу анов ерда бизни кўрипти. Биз сўқирлик қиппиз, — Шамсиддинга қарата кўз қисди Фаттоҳ Обидий. — Қийғир экан-ку, тоза, сиз эса бола деб камситасиз.

— Шамси искович итмас, — деди уста кескин. — Ҳалигина мактабдан келди. Икки ёрти бир бутун бўлиб қочиб юрган шогирдларни ғийбат қилаётувдик. Бунга аралашмасангиз керак.

— Истасак аралашамиз, — унинг товуши янаям майин эшитилди. — Лекин, бахтингизга, мишиқилар бизни қизиқтирмайди. Сиздек балогардонлар билан бел олишмоқ бошқа масала! Аммо лекин бу ерда сиз фақат ғийбат билан машғул эмасдирсиз?

— У ёғини эгам билади, — деди уста хотиржам.

— Биз ҳам билиб қўйсақ зарар қилмас, — Фаттоҳ Обидий елкасини шериги елкасига тегизди. — Савобдан кўп гапирасиз, балки бизга ҳам савоб керакдир. Мановиларга эрта-кеч уннайсиз, кўзингиз нурини тўкасиз, хўш, бундан чиқадиган маъно нима!?

— Тавба! — деди уста ғашланиб.

— Биродар, чўзмай очигини айта қолай: олдингизга яхши ният билан келдик, ёрдам бермоқчимиз, сизни... қутқармоқчимиз. Зиммамиздаги ягона ва-зифа асли шу — аросатда қолганларни йўлга солиш!

— Худо хайрларингни берсин, бу қандай мурувват!? — деб ажабланди уста, ўғлига кўз қирини юборди. — Ахир, шукр, тинч бўлсам, ҳунарим ўзимга яраша, бировга зарарим тегмаса! Менга яна нима керак!

— Сиз ё гўл, ё дунёбеҳабар!

— Эҳтимол.

— Бир-икки тўқиндик...

Мана энди Фаттоҳ Обидий нияти жиндай уч берди. Қурғур одамни аврашнинг роса ҳавосини олган экан-а! Ҳар ҳолда уста ҳам без эмасди, ҳали юмшоқ-юмшоқ кула бошлаганда, атай гапни ҳовлисида титилиб ётган матоҳдан четга қочираётганда бир кудрни илғаган эди. Мана, нияти уч берди, билсаки, ипак-дек эшила-эшила уни ўрамоқчи экан, уни бир йўлини қилиб тиз чўктириш, тавбасига таянтириш пайида экан! Эҳтимол кўзини ҳам мошдек очиб қўймоқчидир! Чучварани хом санабди мойини кўриб лойини кўрмаган бу олғир! Ахир уста Жамшиддин сал пўписадан лабига учуқ тошадиган, сал чучук луқмага эси оғиб қоладиган лақма эмас-а!

— Мендан нима истайсиз? — деди уста зўр-базўр ўзини босиб. — Тўқинган бўлсақ нима бўпти?

— На сиз гўдак, на мен, — кулимсирашга уринди Фаттоҳ Обидий. — Шундай бўлгандан кейин... эзилишмайлик. Яшириб нима қиласиз, адойи тамом бўлиб юрибсиз-ку! Сизни тоғдай азобдан қутқармоқчимиз, эвазига тариқча мурувват қилсангиз кифоя!

— Мурувватни эгам қилсин.

— Айтганча, уста, яқин-орада сизга мана бу битикларни ўз ҳолига қўйиш ҳақида ҳеч нарса дейишмадимиз? — Фаттоҳ Обидий уста кесатигига эътибор бермади, гапни бошқа ёққа бурди ва одатдагидек мунозарага сукут сақлаш би-

лан ҳакамлик қилаётган пакана билан кўз уриштирди. — Наҳотки индашмади? Жуда муҳим гап эди, борини бор, йўғини йўқ қиладиган!..

Уста ҳам, Шамсиддин ҳам эслади: тўрт кун бурун муҳандис Муҳаммад Малик Регистони муаззамга биров қувлагандай ҳовлиқиб келди — қора терга ботган, нафаси тиқилган, лекин ёрилолмай нуқул кўзларини яширади. Уша шанбадан бери муҳандис бу атрофдан деярли безган эди, амри маъруф давраларини эсламас, шунчаки гурунглашгани ёки иш юзасидан ҳар замонда бир қадам ранжида қиларди. Кутилмаганда мана бундай телбаваш қиёфада ҳозир бўлиши эса устага ғалати таъсир қилди, уста сўрашишни ҳам унутиб, оғзига термилди, қонимни қайнатмай сўзлай қолинг, дея ахийри зарб берди. Энди у дағ-дағ учаётган эди, ўзини сал-пал ўнглаш учун девор тагида бекорчи турган чоркунжак мрамар тошга аста чўқди, бошини қуйи солди, анчадан кейин ғулдиради: «Битикларни... қўяр экансиз!» Кеч тушиб, майдон сокин мудраётган чоғда ошнаи қадрдони шу муждани еткарди, бундан ўзи ҳам хижолат эди шекилли, ташмачилиги учун танини қиймалаб ташлашни талаб қилди. Энсаси қотган уста аччиқ кулимсиради, жавобда сал каттароқ кетди, жавобки, айилботар — сиз шунчаки хабар келтирдингиз холос, муддаойингиз эса бўлак, битиклар дахлсизлиги ва меҳрга зорлигини биласиз, наҳотки мен галварс сиздек мўътабар зотга қўл кўтарсам ва умуман бировга зўравонлик қилганимни қайда кўргансиз, бораверинг, йўлингиздан қолманг, ҳалигидақа алжираганлар эса номаъқул бузоқнинг гўштини епти!..

— Нимадир дейишувди, — ниҳоят тўнғиллади уста. — Лекин мен инобатга олмадим. Негаки, қулоққа совуқ тегадиган шунақа ҳукмфармо гаплар кўпайди. Қай бирига бўйсиниш, қай бирини рад қилишни билмайсан.

— Муҳимдан номуҳимни ажратолмайсизми?

— Шукр, ажратаман, лекин сизга маъқули менга ёқмаса-чи!?

Совуққон мулоҳаза юритаётган Фаттоҳ Обидий ўтиш маҳол сарҳадга йўлиққан каби илкис бош кўтарди, худди шу лаҳза қорачиқларини тўлдириб турган хайрхоҳлик учқуни аста-аста хиралашди, энди у ошкора човут ташламоққа аҳдланган одам қиёфасига кириб борар эди.

— Уста, тушунишингиз керак, бизга маъқул нарсани ёқтиришга, номаъқулини рад этишга мажбурсиз, — деди у салмоқ билан, ҳарнечук товушини кўтармасликка тиришиб. — Муҳими ана шу, билдингизми!? Атай гўллик қилмоқчи бўлсангиз ўзингизга қийин. Айтилгани — қонун! Ижрони кечиктиришга ҳақингиз йўқ!

— Астоғфурилло!..

— Ҳатто сал чалғиган одамни ҳам кечиролмаймиз, — хотиржам давом этди Фаттоҳ Обидий. — Сизга эса қайишдик, шу ёғи етар, ҳурматга яраша ҳурмат — таъмирни тўхтатиб, кўзга тикандек санчилаётган анови битикларни ганч билан суваб ташлайсиз.

— Шундай қилсам муродга етасизми?

— Битта мен эмас, бутун халқ муродга етади, — қафтларини бир-бирига ишқаб қўйди Фаттоҳ Обидий. — Шаҳарда нечта эски-туски иморат бўлса барини чиғириқдан ўткарариз. Ҳеч бирида анови... иллат қолмаслиги керак. Балки кўпориб ташлаш осонроқдир? А, лаббай! Қийналманг дейман-да!

— Ундай қилолмайман, — деди уста терс ўгирилиб.

— Ихтиёрингиз. Суваш бўлса суваш!

— Қонимни қайнатаяпсиз, биродар!

— Фақат тезроқ битиринг, бошқалардан ортда қолманг, Регистон сизни зиммангизда, — деди Фаттоҳ Обидий узиб, уста бўғила бошлаганига эътибор бермай. — Кейин яна бир вазифани таклиф қиламиз, буниям битирсангиз, ошиғингиз олчи, хоҳлаганингизни тиланг.

— Каминага хотиржамликдан бўлаги ортиқча.

— Ҳалигача биз қилган таклифни ҳеч ким рад этмаган, — у ҳар бир сўзига алоҳида урғу берди. — Кўпам ўзингизни тарозига солаверманг, қорнингизни тўқлаб, устингизни бутлаб турган ҳукуматга ора-сира бир хизмат қилсангиз асақангиз кетмайди.

— Ҳар ким ўз йўриғи билан қилади-да хизматни!

— Сиз ўзингизни жуда баланд оляпсиз, бизни эса ерга уряпсиз, — бўзарди Фаттоҳ Обидий. — Хизматингиз қанақалигини билмаймизми, жуда

яхши биламиз!? Манови ёлғон битикларга ёпишиб олгансиз, гўё уларни қайта тирилтириш билан худога ҳам, бандага ҳам ёқмоқчисиз, асли ҳар иккаловини ҳам чалғитяпсиз.

— Тухмат балосидан асрасин-э!

— Тухмат эмас, уста, ҳақ гап шу! Ҳақдан қочиб қутулолмайсиз, бир жиҳати... бу уринишларингиз энди ҳеч нарсага арзимаёди, элга ҳеч нарса бермайди. Ахир, ўзингиз айтинг, ўлик битиклар учун шунчалар қайғуриш кулгили эмасми!? Кошки маза-матраси бўлса!

— Бор, — деди уста зарда билан.

— Бўлса, қани, бир ўқинг, эшитайлик.

— Бетаҳорат бандаларга раво эмас эшитиш!..

— Оббо! Э сизми?! Ўқинг дегандан кейин ўқинг-да!

Ҳар қанақа раддияни ҳазм қилолмайдиган Фаттоҳ Обидий дағдаға билан шундай амр этди, товуши кескин жаранглагани баробарида нечундир чеҳрасини ўраб олган кўланка чекилгандек бўлди; у ним табассум қилди. Кескин ҳукми эшитганда уста, худо ҳақи, икки ювиқсиз раъйига қараб пок битикларни ҳаром қилмайман, дея қаттиқ аҳдланган эди. Қараса, майдон ўртасида қаққайган дароз сал юмшабди, ҳовридан тушибди, ҳатто қорачиқларини таниш хайрхоҳлик аломати эгаллабди. Ёпирай, нима, у ўзидан кечдимми? Худо кўнглига шафқат ҳиссини солдимми? Ёки бошқа бирон нияти борми? Лекин, нима бўлса-да, банда сазасини ўлдириши ва хоҳишини совутиши — гуноҳ! Майли, ўқийди — оятлар, суралар ва бошқа каломларни қироатга солиб тиловат қилади, зора шунда у шериги билан Улуғ сўз не қудрату не жозибани мужассам этганини озгина англаса! Балки, шу баҳонада, мавридини топиб акаси, жиянлари, Ҳикмат Раҳмон... ҳол-аҳволини суриштирар, уларда ҳеч қандай айб йўқлигини, ҳатто иниси мулла Ражаб оёғига боғланган «тош»дан биринчилар қаторида кечганини тушунтиришга уриниб кўрар! Фақат таҳоратсиз бандалар ҳузурда Улуғ сўзни тиловат айлагани учун ўзи кечиргай!..

Ҳуш-хаёлини зўрға жамлаган уста пештоқдаги бир лавҳани ўқиди, тутилмади, чайналмади, ҳар каломни раво талаффуз қилди. Диди нозик наққош зеб берган, вақт ўтиши билан тўкилган, лекин яқинда уста қайта оҳорлаган бу лавҳа мазмуни қуйидагича: соҳибқирони замона Имомқулихон зоти олийларининг салоҳияти ва салтанати дариф тутмаган мурувватдан рағбат топиб ҳамда мадад олиб бул обидани муаззамни солдирган Ялангтўшбий Баҳодир оталиқ ҳазратларига аршу аъло тарафидан беадад савоби азим ва раҳмат нури ёғилгай...

Қироат они Обидий ҳайрат билан бир устага, бир пештоққа тикиларди; аста-аста юзида бир мамнунлик ҳам зоҳир бўлди.

— Ҳа, тузук, — деди у кейин беихтиёр. — Шунча гапни ҳашам билан... Эринишмаган-а!

— Турган-битгани хушомад-ку! — кутилмаганда орага суқилди пакана. — Қон ҳидиям анқияпти! Бундан кўнглингиз айнимайдими, уста?

— Ҳа, ҳа, — ғўлдираб, шеригига тезгина қараб олди Фаттоҳ Обидий. — Хушомад бор, қон ҳиди... Жозоба нима қилсин!

— Уйловингиз бачки, — деди уста аямай.

— Асли булардаги маъно бачки бўлса-чи?

— Билмадим, лекин сиз ишлатаётган газчўп яроқсиз.

— Эҳтимол, — деди Фаттоҳ Обидий дудуқланиб, — пайғамбарга тенг қилинган анови соҳибқирон сизнингча қанақа газчўп ишлатган!? Уста, дангал бўлинг, у чўпни бошига урармиди, у қўлида фақат қилич ўйнатмаганми!?

— Эгам амри билан ўйнатган бўлса бордир, — нечундир уста оғринди. — Қайси ҳукмдор шундай қилмаган ёки қилмайди? Беозор ҳукмдор борлигига ким кафил? Тахт эгаси, қайси замонда бўлмасин, бир қўлини қонга булғашга мажбур!

— Аҳ-ҳа! — чимчилоғини лабига тегизди Обидий. — Кесатяпсизми? Тавба, биз нима десак минг хил ваз-қарсонингиз тайёр, анови пештоқ учун эса... жонни тикишдан ҳам тоймайсиз.

— Пештоқдаги ҳунар қизиқтиради каминани.

— Ҳунар бир баҳона эмасми? — таъна қилди Обидий. — Ёки ниқоб... Тагда ётган маъно қилич бўлиб эндиги авлодни қийратмайдими?

— Қандай маънони айтасиз?

— Чалғитишдаям суягингиз йўқ.

— Оқил банда ҳақдан чалғимас, — деди уста ранжиб. — Ҳалиги лавҳадан савобга дохил фикрни уқмай, қон ҳиди анқияпти, деб безиллашингиз тааж-жубга лойиқ холос.

— Демак, уста, ғазнасини тиллога тўлдириш учун бегуноҳ бошларни сапчадек узган икки хунхўр оти мановидай ҳайбатли иморат сиртида кўрга ҳассадай қилиб қўйилишини адолат ҳисоблайсизми?

— Биродар, ахир бу юмушни мозий адо этган, — шахт билан қўлларини ёйди уста. — Мозий сиздек одам дунёга келишини, сиз ўртага қўядиган талаб билан ҳисоблашиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолажани қаёқдан билсин эди.

— Хўш, булар бурунги, яъни... нодонлар томонидан қўрқувда... кўр-кўрона зарбланган, — учлари сарғимтир киприкларини пирпиратди Фаттоҳ Обидий. — Сиз эса кўра-била, ақлингиз ета туриб, ҳаммасини иштиёқ билан бажаряпсиз. Бизни таклифга кўнмаяпсиз.

— Икки дунёдаям кўнмайман.

— Ҳали кўрамиз, ҳали кўзингиз очилади, — деб у кулимсиради. — Ушанда биз қўйинг десак ҳам қўймайсиз, ташаббус кўтариб чиқасиз-да, буларни суваб ташлайсиз, яъни эски дунё устидан андова тортиб юборасиз.

Уста муз қотди, жавдираётган, суҳбатни лолу ҳайрон тинглаётган ўғли сари аста жилди, лекин унга қараёлмади, гап ҳам қўшмади, миясини чатнатиб юборган кесатиқларни гоҳ унақаси, гоҳ бунақасига айлантириб неларнидир чамалади, ҳосилани ҳечам ҳазм қилолмади. Афтидан бу дунёдаги яккаю ягона бурчим ақл ўргатишдан иборат деб ўйлайдиган Фаттоҳ Обидийнинг ўзи ҳам энг муҳим жойида янглишаётгандек эди; у шуни тахминлади. Ахир эски дунё дегани ўзи нима? Агар у бор бўлса, борлигини билдираётган бўлса, йўқотиш — андавалаб юбориш ожизу нотавон бандалар қўлидан келармикин!?

— Уста, очикроқ айтинг, сизга нима ёқмаяпти! — беҳосдан иккинчи маротаба тилга кирди пакана, ота-бола шундагина унинг товуши ғўлабирдан келган йўғон қаддига номувофиқ тарзда бениҳоя ингичка эканлигини пайқашди. — Ғанимни ғанимдай билинг-да! Биз беҳисоб қонни нима учун тўқдик? Ушанақалар таги-туги билан йўқолсин деб... номлари ҳар жойда ханжардек ярқираб турмоғи учун эмас, биласизки, ханжар тўппа-тўғри бориб юракка санчилади!

— Эшитдингизми, уста, ҳамма гап бу ёқда, қон тўкканлар ёдини ҳурмат қилиш лозим, — паканани қувватлади Обидий, юзи ёришганча. — Асли, билсангиз, улар сизни деб, эртани деб ўлимга боришди. Сиз эса улар хотирасини хўрлаяпсиз, каззоблар номини баландга нақш этиш билан улар номини тупроққа қоряпсиз. Шу инсофданми?

Шамсиддин сездди: камон ипи бениҳоя таранглашди.

— Отажон! — деди жавдираб.

Бир қатъият, бир беозорлик, бир ҳадик билан йўғрилган илтижо уста жонини симиллатиб ўтди, ҳар ҳолда ўзига астойдил ичи куйган, отажон, шу ёғи етар, ҳадеб ўчакишмоқдан фойда йўқ, демоқчи бўлган, ҳушёрликка чорлаган ўғлига меҳри товланди, аммо барибир, у қилган илтижо аллақачон бутун борлигини қамраган оғриқни босолмади.

— Инсофни сендан сўрасам ярашарди, биродар! — сабр косаси тўлган уста Фаттоҳ Обидийни сенлаб юборди. — Ҳадеб мени тергаганча аввал ўзингга боққин! Сен ўзи кимсан? Қайси хилқатдан пайдо бўлдинг-у, қайси тоифа, қайси элу элатга мансубсан? Имоним комил, етти пуштинг кимлигини билмайсан, илдизинг қайси тупроқдалигиниям билмайсан! Айт, сен кимсан, эй но-бакор?

Устани сабр-тоқат билан тинглаган Фаттоҳ Обидий туссиз тук қоплаган лаблари бир четини қийшайтириб илжайган бўлди, лекин ажинсиз силлиқ бети қилт этмади, фақат сал ўтиб, чўнқайма соявон-қалпоқ бостирилган пешонасининг очиқ жойида реза тер йилтиради; ундан ҳам кўра шериги хотиржамроқ эди, ҳозиргина дағдаға ва заҳарханда билан отилган таъна-дашном ҳеч бировига тегишли эмасдек, неларнидир чамалар эди.

— Чўздингиз-да, — деди ниҳоят Обидий истамайгина.

— Чўзмаганга қўймадинг, — деди шаштидан тушмай уста, — Худди эгам

жами ақлини йиғиб-териб сенга берган-у, бутун курраи арзга улашмоқчисан. Ақлинг ўзинга буюрсин, биродар! Ҳар кимники, озми, кўпми, ўзига етади. Бировнинг ақли билан йўлимни таниб, эртамга етиб оламан, деган одам, одам эмас — нокас! Сени кўп тингладим, диққат қилсам, бир тоғдан келасан, бир боғдан! Шундай экан, тошини тер, сенга ишонолмайман! Янги дунёни ёлғон-яшиқ устига қурмоқчимисан? Унақада... умри калта! Янги дунёни кўя тур, ҳозирча эплаб бирон тузуклироқ, банда кўрганда уят қилмайдиган иморат қур, сенга раҳмат айтай! Кейин пешонасига қайси сўзни ёзасан, қайси суратни ёпиштирасан, ўзинга ҳавола!..

— Ҳа, сиз... биз ўйлагандан ҳам бошқача, — Улуғбек мадрасасига қараган бўлиб, паканга зимдан имо қилди Обидий. — Пайғамбарлик давоингиз бор, бунақада... келишув қийин. Таклифларимиз эрмак эмас, энди ўзингиздан кўринг, суҳбат чаласи бошқа жойда бўлади. У ер таъмир ташвишидан холи...

Яширмайди, бу фурсатни кўпдан кутаётганди, гоҳо пинҳона, гоҳо ошқора тарзда бу кунга узоқ, ич-этини егудек бўлиб ҳозирланди, айна чоқда дардини хотини ва ўғлидан ўлиб-тирилиб яширди, яширди-ю, лекин аллақачон танини Миср дарвеш, Ҳикмат Раҳмон, Умар чол, Муҳаммад Малик, акаси... ёнида, кана-чиёнлар бижиллаб ётган тим қоронғи ва зах ертўлада неча бор ҳол-беҳол тасаввур ҳам қилиб кўрди. Ахийри ҳукм ўқилди, кутилган лаҳзага етди, энди қулоқ қоқмай анчадан буён қучоқ очиб турган масканга жўнайди. Тақдирдан ким ҳам қочиб қутулибди?

Ичи сидирила бошлаган уста довдираб турган ўғлига алланечук мўлтираб қаради. Еруғ дунёдаги ягона тираги билан хайрлашуви нақадар оғир эканлигини бутун вужуди билан ҳис этди ва бўғзига жовиллаб урилган хўрсиниқдан нафаси қайтаёзди. Видо, нақадар залвар видо! Вақтинчами ёки бир умргами — бу ёғи қоронғи! Энди истаги шуки, онаизорини қийнамаса, доим унинг ёнида бўлса, кейин, қайтадими, йўқми, Улуғ сўзни, бобомерос мулк ва ҳунарни хўрламаса!

Сира кутилмаганда тақдир иккинчи ҳукмини ўқиди: ҳануз чор-ночор жавдираётган Шамсиддин ҳам «таъмир ташвишидан холи» жойга лутфан таклиф этилди ва шундай қилиб, ҳеч қанақа пандга ҳам, видога ҳам ҳожат қолмади.

Х

Шамсиддин қарорини тез пишитди, бир қадам қолмайман, қайга олиб боришса ўша жойга бораман, дея қатъий ўйлади, ҳалиги таклифдан кейин кўнгли жойига тушди, ўзича шукр қилди. Шўрлик ота эса ичидан зил кетди, ҳувиллаган ҳовлида, бепаноҳ Улуғ сўз ёнида ҳеч нарсадан хабари йўқ Ойдинбиби ёлғизлигини мулоҳаза қиларкан томоғи қақради.

Оғил ичида қовланган хандақни ҳам эслади.

— Шамси, ўғлим, — кечқурун уни бу сирдан воқиф этиб шундай деган эди, — мен борми, йўқми, бохабар бўлгин. Ҳали ҳар калимасини кўзга суртишади. Бу бир томчи, аммо на чора, шунисигаям шукр!

Хандақдаги чиндан бир томчи, лекин умид туғдиради, умидки, тома-тома кўл бўлажагига ишора — агар ҳар ким кўйнида бир донадан асраб қолса қанча-қанча рисола омонлик топади. Афсус, ҳозирча шундан мункир келишаётир, нимаики маъқул келса шуни қилишаётир, бир томонни селу сурон ўпириб кетса чикора! Афтидан, замон зайлига кўра бу кунда у ҳам бир нокасу нотавонга айланмоғи даркор, аллалхусус, у ҳам минг бир заха орттирган Улуғ сўз бўғзига ханжар ботирмоғи жоизга ўхшайди, дейлик, забардаст пештоқдаги азалу абад ҳикматидан ҳикоят сўйлайдиган битикларни суваб юборса кифоя-да! Жони тоабат дўзах оташида қоврилиши, имони бир умрлик кемтик азобини тортиши учун шу биргина ношудлик етиб-ортади. Лекин, шукр, у ҳеч қачон бундай илки норавони тутмайди, ори ҳам ғурури асло бунга йўл қўймайди. Фақат у бошқа тарафдан ғам ейди: агар анови олғир бир зуғум қилса биродарларидан бирови бўлмаса бирови жони ҳузурини, кўрган кунни ғаниматлигини, йўлига термилиб ўтирган бола-бақрасини ўйлаб қолмасмикин?

Гурс-гурс қадам товушлари ҳар замонда уста хаёлини бўлади, бенажот Улуғ сўз дарди-ташвишидан чалғиб, тағин жимжит ҳовлида ёлғиз зардоб юта-

ётган, ҳатто қўни-қўшнидан ҳам гап сўрагани ботинмай тўлғанаётган Ойдин-бибини хотирлаб эзилади. Ҳар ҳолда ҳозир ҳаммасини ўзи билан бафуржа қадам ташлаб бораётган ўғли таҳликаси зилу замбил юк бўлиб босиб кетаётган эди; бу алам-ангиз уқубатга чидолмасди, чидаши маҳол эди. Пича юришгандан сўнг сал хушини йиғди, кўнглига атай хосиятли гапларни солди, шу билан ўзини юпантирмоқчи бўлди, юпанчки, у гўдак, ҳали она сути оғзидан кетмаган, узоқ тутишмайди, бирор масалани сўраб-сўрамай жавобини беришади. Чамаси, ўзини ҳали-бери қўйворишмас, бўйнига ғул ташлаб синовдан ўтказишар, майли, муҳими ўғли, унга омонлик беришгандан кейин ўзини пишириб еб қўя қолишсин ёки тириклай терисига сомон тиқишсин, чидайди, асли бу зерикарли дунёйи қўтирда кераклисидан ҳам ортиғини кўрди, аччиқ-чучукни расо тати-ди, мушфиқ Ойдинбиби билан туппа-тузук турмуш кечирди, бу хушсухан аёл дийдори билан баравар меҳрига ҳам сазовор бўлди, алҳосил, бир давру даврон шунчалиқдир-да!

Регистон кунботарида, бир тарафи қамишзор-жарлик харобазорда тошбақани эслатадиган қора машина кутаётганди; шаҳристонда мутлақ камёб бўлгани учун дафъатан у кишида ғалати таассурот уйғотар эди. Оралиқ йигирма қадамча қолганда иккита шарпа кўзга ташланди. Нечундир шарпалар машинадан тезгина узоқлашди. Нураган девор панасига ўтаётган чоғда уларни уста бехос таниди: «Ёпирай, бирови Шариф урфон, ановиси... уста Ризоми!?» Ҳарнечук у ўзига ўзи ишонмади, каловланган кўйи ўша тарафга яна тикилди. Энди ҳеч ким кўринмади. Жимлик чўкди, ҳаял ўтмай чолдевор ичидан бойқуш шовурсиз кўтарилди.

Хотиржамликка берилган ота-болани иззат-икром билан орқа эшикдан киргизишди, пакана улар ёнида, Фаттоҳ Обидий олдинда жойлашгач, тап-тақир бошига кетмоннусха кўкиш шапка қўндирган чувак ҳайдовчи эпчиллик билан газни улади.

Туйқус уста миясини, шаҳар ташқарисига, гадейтопмас томонларга елдириб кетишса-я, деган аламли тахмин чирмади. Хавотири бекорга эмасди: ахир узоққа, масалан, Каттақўрғон ёки Карманага элтиб ташлашса, омонлик теккач, Шамсиддин уйга қандоғ қайтади. Енг ичида ишларини битириб олгандан сўнг бунақа иззатни лойиқ кўришмас, бор энди, болакай, кунингни кўравер, деб кетига ўхшатиб тепишмас!..

Бахтларига машина узоқ юрмади. Тахминан ўн минутлардан сўнг илгари уста ўтиш-қайтишда кўп бора кўрган, баланд ғиштин девори устидан бир неча қатор тиканакли сим тортилган, баҳайбат темир дарвозаси очилиб-ёпилганини биров билиб-бирова билмай қоладиган ҳовлиси сердарахт иморат биқинида тўхтади. Ҳатто қийғир учиб кириши маҳол ҳовли қарийб уч гектарли майдонни эгаллаганди, у бу кунда унча-мунча толиққан шаҳристон ҳаёт-мамоти устидан ягона ҳокимдек, алланечук виқор тўкиб, салобат солиб ястанган эди. Нечундир қисиниб-қимтирган уста, қайнаб-тошиб ётган макон бўлса керак, деб ўйлади. Зўрға шилдираб икки ёнга сурилган зил-замбил дарвозадан киргандан кейин эса таажжубланди. Атрофни ўлимтик сукунат қучғанди, дарахтлар сокин мунғайган, ерга тўшалган хазонлар димоқни қитиқлайдиган ўткир ҳид анқитар, ҳаво алланечук димиққан, елкадан босаётгандек туюлар, алланарсарлар дардчил живирлар, бир зоғ кўзга чалинмас эди.

Ўртада қад ростлаган анчагина муҳташам бино пештоқига ҳали ҳар ким ҳам тиш ботиролмайдиган битикда келиштириб иншо этилган алвон шиор илинган эди. Негадир устани бинонинг қўшқанотли қилиб қурилгани кўпроқ қизиқтирди. Чамаси кунботар атай очиқ қолдирилганди. Кунчиқар тўсиб қўйилган, оқибат, кенгина ораликда изғирин чийиллаб айланар, хазонларни чирпирак қилиб кўкка олиб чиқар, деразаларни зириллатар, ипи омонат шиорни юлиб олмоқчи бўлар эди.

Саҳн ҳаддан ташқари ивирсиган: кўҳна ғишт, занглаган темир-терсак, бўш шишалар, тунука банкалар ҳар жойда хирмондек уйилган, бир чеккада чирик ёғоч-тахта, сим-трос ўрамлари, сал тўрроқда унча чуқур бўлмаган тошқалов ҳовузча, шакли-шамойили бир қарашдаёқ эсда қоладиган ҳовузча устида тўрт ёғоч устунга ўрнатилган баҳайбат бочка...

Пастқамгина темир эшик ёнида уларни йигирма беш ёшлардаги ихчам форма кийган, ўрта бўйли, бақувват, қорақош йигит таёқдек қотиб, ўнг қўлини

чаккасига тираб қаршилади. Қовоғи солинган Фаттоҳ Обидий қандайдир ишора қилгандан сўнг у ўзини пича бўш қўйди, худди елкасидан тегиримонтош ағдарилгандек енгил тортди, устага деярли эътибор бермай, Шамсиддинга ғилайи қараш қилди. Ичкаридан у ўзига ўхшаган ўрта бўйли, кўринишдан жиззакироқ йигитни бошлаб чиқди. Алланарсалар келишилгандан сўнг ота-болани ажратишди: каридордан устани чапга, Шамсиддинни ўнга етаклашди.

Узундан-узун каридор сокин, димиққан, деворлари эс-хушни олиб қўядиган бежирим шiorлару ранг-баранг расмлар билан бошлаб безатилган эди. Сал юрар-юрмас бу ҳашам қаршисида лол бўлган уста беихтиёр тўхтади. Қорақош йигит турткисидан ўзига келди. Панжарали тор ғиштин зина бўйлаб ажаб бир тубсизликка энаркан эти жимирлади, ўкинди, ўзинимас, бу гўшаи хосда жигарбанди ҳоли не кечишини ўйлаб ўкинди. Ним қоронғиликда ачиган картошка-карам ҳиди аралаш зах ва панг ҳидини туйди. Нимагадир тўқишиб гандираклади. Икки киши рўпара келганда сиғишмайдиган даражада тору каридор сингари узун ертўлада атиги битта муштдеккина чироқча қизариб кўринар, гўё унинг зиммасига ёритиш эмас, шунчаки ўзи бор-йўқлигини билдириб туриш вазифаси юклатилган эди. Ертўла нари ёғида ўлимтик сукунатни бузиб зил эшик ғичирлаб очилди, совуқ ғишт деворлардан қайтган бўғиқ акс садо тиниб улгурмай тағин ўшандай овоз чиқариб ёпилди.

Дафъатан ягона нуқтада жамланган кўргилик захри-зарбатини энди тугал англаган каби уста оғир ингранди; ҳозиргина сандондан олинган, ҳали яллиғи аримаган шамшир юрагини қиймалагандек бир умраниш билан оҳ деб юборди. Ярамагур эшик, ҳайҳот, нафақат эрта чироғини ўчирмай ёқиб ўтирадиган азамати бетига, бутун аъмоли-бади, қувончи-қайғуси, чала юмушлари устига ҳам ёпилмадими?

Қорақош йигит устани нам уфураётган ертўла бўйлаб узоқ етаклади, ниҳоят, бир жойда шарпадек тўхтаб, қўли билан ишора берди, тимйскиланиб қулфни очди, у ичкари кирган захоти эшикни беркитди, чурқ этмади, кимсан — итмисан ёки битмисан, не савдо туфайли бу гўшани кўноқликка танладинг, демоқни лойиқ билмади, билса — бошида азроил тўқмоғи ўйнайдигандек эди. Фақат эшик қия бўлган чоғ йигитнинг бир маромда ўқдай боқадиган, на ғурур, на ачиниш, на севинч, на қайғу ифодаланган кўзларини кўриб қолди ва унга ҳам осонмаслигига имон ўгирди, қулф шиқирлаб бураларкан, тамом каловланди, темир панжарали туйнукка тикилганча, тақир полга бўшашиб ўтирди.

Ҳали шошиб қолганидан саҳн бўсагадан сал кам бир метрча пастигини пайқаманган эди, имиллаб зўрға энгандан сўнг қорақош йигит темир нарвончани чаққонлик билан тортиб олган, лекин бунга эслолмасди. Тақир ерга оҳиста чўккач, бўсаға анча баландлигини кўрди, ҳайрон бўлди, бу жойга — чуқурга қай алфозда тушганини ўйлаб ўйи тагига етолмади. Худди қанот боғлаб учгандек эди; аламидан аччиқ кулимсиди, афти буришди. Яхши ҳамки тепада, шифтга яқин жойда миттигина туйнук қўйишган экан; у ташқари саҳндан анчагина баланд, ана шу жойидан бир бўлак осмон кўзга ташланар эди. Ҳарнечук тўкилаётган бир тутам ёруғлик унга жиндай бўлса ҳам далда берди. Танидаги оғриқлар ҳам гўё бир-бир босилди.

Қанча ўтирганини билмайди, бир пайт тағ-заминига муздак нарса чиппа ёпишди, сесканиб кетди. Кана-чаёнлар хуруж қилиб қолдими нима бало! Илон вишиллаб келдими? Шаксиз, у кўрқувдан титради, лекин инон-ихтиёрини кўрқув ҳукмига топшириб қўёлмасди. Бир амаллаб ўзини қўлга олди ва, билдики, ваҳима солган буткул бошқа нарса: бурчакдаги билакдеккина қувурдан жилдираб сув оқаётган эди. Бу не кўргилик, деди шивирлаб; сўнг сапчиб турди. Нима қиларини билмай гарангсиради, ахийри ночорлик билан деворга суянди. Нечта шундай девор бор ўғли билан ўзи орасида? Қани куч уларни ёриб, тешиб чиққани!? Ҳатто бунга ўйлашнинг ўзи кулгили! Ажабо, бадқовоқ каталак захми-забти кам экан-да, ёнига бу балони қўшишибди. Шу дамгача бир банда чекига тушмаган бу савдои бедодликка, ўзини қаттиқликка урса, вақтинча, ҳа, вақтинча — у чидар, аммо ўн гулидан бир гули очилмаган гўдак... тўзим берсин-а! Балки, гумони бекордир, уни муздек бўтана қаърида музлатиб қўйишмас, инсоф қилишар, инсоф! Ахир, Фаттоҳ Обидий нуқул шу ҳақда, минг-минг йиллар давомида фақат жафо орттирган дунёни онадан қайта туғилгандек қилиб тоза йўрғакка топшириш хусусида мароқ билан сўзлайди-ку!

Ҳозир Шамсиддин нималарни ўйламоқда?

Аввал оёқлари, кейин бутун танаси карахтланган уста бу саволга жавоб тарзида алланарсаларни тахмин қилди, тахминки, авваламбор ҳаммаси ўзига рост келмагани — ўзбилармонликка муккасидан тойди, мен нимани билсам шу амал, деди, бу билан гўё жар лабига бориб қолган аравани шартта тўхтатди (кошки!), йўқ, аттанги, аксинча, ўша юмушни эпполлагани устига ўзи ҳам ўша арава билан қуламоқда! Нимасини айтасиз, индалло, бошидан қаданини билиб ташлаганда, ҳеч қурса ановилар билан муросаи мадорага борганда... отинг ўчгур манови гўшаи қаттол ҳатто тушига ҳам кирмасди, бу тарафларга на ўзи, на ўғли сояси йўларди, шу паллада иккалови муздек бўтана ичидамас, Ойдинбиби пиширган мазали хўракни паққос урволиб иссиққина тўшакда ҳузур қилиб ётарди. Мана шу ҳузурдан айри тушган Шамсиддин, вужудини ўровга олаётган лойқага термилганча, ота шаввоз ўжарлиги ва хомхаёллигини чиғириққа солаётгандир, дунёдан безиб, яхши-ёмондан тониб, хўнг-хўнг йиғлаётгандир. Шаксиз, бу хил ўйлов уста учун беҳад оғир, лекин, бахтига Шамсиддин унинг тахминидан тамом йироқда эди, бу ёғи энди ўзимга боғлиқ, дея тумишиб йи сурак эди, сабр қиламан, ўлсам-да ён бермайман, бечора дадам қандоғ қиларкин, қари одам охиригача чидармикин, қизик, ҳозир у нимани ўйляпти, менимча, ановилар ҳар нарсани сув билан ювиб, сувга бўктириб юбормоқни мўлжал қилаётганини...

Ажабо, чиндан ўша лаҳзада уста худди шунга ўхшаш фикрдан тажанглашаётган эди. Тепада турган ўзи ким? У нимага эришмоқни мўлжалляпти? Мақсад фақат чўктиришми? Наҳотки, бари шу хил тугайди, шу хил якун топади? Ҳар ҳолда ибтидо ўзгача эканлигини тақдир буткул унутиб юбормагандир. Бунга у ишонади, умид боғлайди ва бехос бутун сезгилари гувиллаб ишлайди. Ана шунда кечмиш лаҳзалар гулдуриси бир неқбин оҳанглар билан йўғрилиб эшитилади. Адашмаси бу гулдирос жони-жаҳони қаторига Қаламни, Қонуни муборақни, Улуғ сўзни тоабат қўйган Мўйсафид жиловини бўшатворган талғир туя туёқларидан бодрайди. Шундан сўнг назарида талғир туя шу томонга шамолдек елиб келаётгандек туюлаверади, ҳатто чол билан жонивор қадди-бастини ҳам аниқ-тиниқ кўргандек бўлади. Нимагадир интиқ туя соҳибини миндириб чопади, лўкиллаб чопади, йўрғалаб чопади, ниҳоят, шаҳри саодатмандга кириб келади. Шаҳри саодатманд кўчаларини кезиб Мўйсафид қози Раҳмонни излайди, Улуғ сўзни тоабат авайлаб асраш ва мангулик ихтиёрига топширишга ваъда берган мухтарам зотни сўроқлайди. Аршу аъло ёрлақанга кабир инсон рихлат сафарини ихтиёр этганини билиб қайғуради, сукутга кетади. Ахийри қози Раҳмон ўгитларини сувдек ичган қобил фарзанд ҳузурига шошилади, йўлда тўхтатиб айтишадикки, эй донолар доноси, сен муқаддас мулкни паноҳига олган банда билан дийдорлашмоқ қасдида минг йил йўл юрдинг, кўп афсуским, бу ниятингга етолмадинг, ул банда бақо сари юзланди, агар бу фурсатда ме-росхўр билан учрашмоқни мурод қилган бўлсанг, тагин адашибсан, негаки, қимматни арзон қилишни сўрашганда у кўнмади, шу боис шайтони лаъин хилватгоҳида феълига ярашасини тортадир...

Ана, туйнукда жунжиккан туя тумшуғи...

«Жонивор, келдингми, бор нафасинг билан Шамсини исит!»

Уста гўё тикка турганча алаҳлар эди; бу босинқирашга ҳам ўхшайди. Бутун тани карахт, шукрки, шурида биргина учқун йилтирайди, ора-сира қайдалигини, не аъмолга гирифтор бўлганини шу учқун эслатади. Барибир совуқ каталакда, жимир-жимир қилаётган бўтана ичида юрак ҳовучлаб турганига ишонгиси келмайди. Ахир не гуноҳи учун бунингдек бедодликка маҳкум бўлиши керак? Бу инсофдан эмас, ёруғ дунёда у ҳали бир бандага ҳақиқаббини едирганини эслолмайди, тавонига бирда-ярим тикан кирганини билмайди. Нега энди хўрлик ютади? Йўқ, у қаттол ихота комида эмас, аршда турибди, арш ҳар нега қодир, дея имон ўгириб турибди. Еттинчи осмон, беҳудуд маъво! Ҳозир ўзидан имдод бўлади ва хизматга шай малоикалар ўғлини ҳам фароғат маконига чорлайди; ўғли ҳам арш жамолига етишади. Фақат амру фармонга илҳақ фаришталар қани? Уста иштибоҳ билан пичирлайди, алҳол, еттинчи осмонда эмас, аллақачон тун пардасига ўралган туйнук қаршисида жавдираётганини, залвар девор елкасидан босаётганини ҳис этади. Бора-бора девор танини мажақлаб ташламасайди. Агар ўғли ҳам шу аҳволда бўлса... пар-

вардигордан астойдил ранжийди. Гўдак нарса қанчага чидайди. Тип-тикка тура-тура ахийри ҳолдан тойиб қулайди-да!

Отаси хаёл қилган каби чиндан ҳам Шамсиддин оёқда эди, у ҳам деворга беҳол суянган, гоҳ ўннга, гоҳ чапга қийшайиб қолар, йиқилай-йиқилай деганда зўрға ўзини тутиб оларди. Қаршисида ғира-шира туйнук бўзаради, шу туйнукдан у аршгамас, ёруғ дунёга чиқиб олишни чўтлайди. Агар бу насиб этса тўппатўғри уйларига чопарди, ўзини онаизори бағрига отарди, сўнг чўғи ҳил бериб турган сандалга музлаган оёқларини тикиб, ҳузур билан овқатланарди, қорни тўйгач, ўтирган жойида чўзилганча, уйқуга кетарди. Ия, отаси-чи, отасини унутиб қўярмиди?

Алҳол, бу паллада отаси аршдан тушиб гунг каталагига кирган, худди Шамси сингари ҳовли-жойи, рўзғори, ўзи ўрганиб қолган ўлан тўшагидан бўлаги бекорлигини ўйлаётган эди.

Муштипар Ойдинабига тўзим берсин!..

Туйнук сал оқарди. Ғира-шира кўланкалар ғивирлади. У фақат қўлларини қимирлата олди. Бўтана узра пуфакчалар юзар эди. Эринчаклик билан шуларни кузатди. У ҳам пуфакчаларга ҳасрат қилаётгандир, деган фикрдан бўғзи куйишди. Энди эшикни тезроқ очишса, у қанот қоқиб ташқари чиқса, ўғлини кўрса! Лекин эшик тиқ этмади. Туйнук эса ёришаверди, шу асно сув сатҳи пайсиди. Аста-аста титраётган уста истиғфор келтирди, бу не ўйин, не каромат, деди пичирлаб, чиғриққа тушгандек буришди, қабзият ҳолини танг қилганидан кулала бўлди.

Тушга яқин эшикни очишди; қўлида калитни айлантириб ўйнаётган қорақош йигит афтига тик қарашни истамай уста тўнғиллади, бўсағада кутилмаганда пайдо бўлган нарвончадан зўрға кўтарилди. Ҳар ҳолда йигит аҳволи но-чорлигини тушунди, нарироқдаги кесакиси елка тегар даражада тор ҳожатхонани ижирғаниб кўрсатди. Лапанглаб бориб уста қабзиятдан қутулди, қайтасола йигит пинжига суқилди, ёлворди: мусулмонга ўхшайсан, айт, ўғлим ҳам шунақа ўрадами, ёрдам қил, бир кўрай, яхшилигингни унутмайман. Ҳамон калит билан машғул йигит лаб ёрмади, ола қараш қилди, имо билан ташқарига бошлади.

Уста биргина тилакда эди: ўғлига омонлик тиласа!..

Кимдан тилайди? Ҳамиша илжайиб турадиган Обидийданми?

Йўлақлар жимжит; худди атрофда сон-саноксиз товуш ютадиган қурилмалар ўрнатилган, шулар кеча-кундуз бу бино ичкари-ташқарисида бир маромдаги сокинликни таъминлар эди. Айниқса учинчи ошёнага кўтарилганда уста ертўланикидан ҳам теранроқ сукунатни туйиб тамом эсанкиради, шу сабаб бўлдики ёки нуқул ўғлини ўйлаганиданми, кўшқават деразаларига духоба парда тутилган ёп-ёруғ ва иссиқ хонага кирганда бурчакда ҳайкалдек қаққайган Фаттоҳ Обидийни дафъатан кўрмади.

— Кўз тегмасин, уста, чиройингиз тетик, — ўриндиғи томон ўтди Обидий.

Уста индамади, ичида кулди. Толғин нигоҳи билан саранжом-саришта хонани бирров сайр қилди, ахийри нигоҳи қоғоз-дафтар тахламлари тартиби билан қўйилган узун стол чеккасидаги машрабага ўхшаш шиша идишда тўхтади.

— Хўш, умид қиламанки, жой-жалолимиз сизга маъқул!..

— Ҳа, — деди уста бўзариб.

Сўнг, полга гурсиллаб қулашдан ўзини зўр-базўр тийиб, узун тунда безовта қилган ўйга чалғиди, ўйки, одамзод қодир куч — ўрни келса тошда гул ундиради, эгам карами билан хунрезликларни даф этади, қаҳр ва жаҳолат устидан тантана қилади, ҳайҳот, ўрни келса боғу роғларни тиканзорга айлантиради, бир-бирини хўрлаш учун ҳеч нарсадан қайтмайди, керак бўлганда ҳаётнинг ўзини, сиғинишга ярагулик жами эзгу унсурларни иккиланмай қабоҳат қаърига мангу ташлаб қўяди.

— Биродар, ўғлим қани? — деди уста жавдираб. — Қўйвордингиз-ми?

— Уғил... э, ўғил... лекин аҳволи яхши, — ўрнидан туриб кетди Фаттоҳ Обидий. — Хавотир қилманг. У бизгям фарзанд, уни сиздан ҳам ортиқроқ суямиз. Шундай экан, тақдирига жавобгармиз.

— Худо ҳақи, уни бир кўрай!..

— Албатта. Фақат кейинроқ.

— Илтимос, айтинг, унга егулик беришсин.

— Ана холос, уста, уялмайсизми? — беихтиёр қўлларини ёзди Фаттоҳ Обидий. — Шуям гапми? Ишонинг, ўғлингиз жаннатда яшаётгандек яшаяпти, егани олдида, емагани кетида. Қани, яқинроқ келинг, ўтиринг. Ҳа, ҳа, шундай... Хўш, балки эрта-индин уни онаси олдига жўнатворармиз. Бола нарсани ушлаб ўтириб нима қиламиз. Бу ёғи бир оз сизгаям боғлиқ...

Бандаси доим илтифот гадоси, айниқса нималиги номаълум дарду ғам чангалига тушиб турганда такаллуфдан осонгина эрийди; ҳозир ўғли аҳволдан сал хабар топиб, мароми билан айтилган бир оғиз «ўтиринг» деган сўзни эшитган, уста тетиклашди, тани илигандай бўлди, курсига аста чўкаркан, идишга узалгани, стаканни тўлдирганини сезмай қолди.

— И-и, уста, шошманг, — деди Фаттоҳ Обидий ташвишли оҳангда ва устанинг биллагидан тутди. — Кечаги, эскирган. Сиздай одамга... яхшимас. Ҳозир айтаман, янгилашади.

Таомил устанинг жони, шу сабаб мезбон иримидан ранжимади, зеро, билардики, идишда кечадан қолган оби зиллда шайтони лаъин ғулс айлайди...

— Шамсибой шўхроҳ экан-да, а, уста? — Фаттоҳ Обидий дераза раҳидаги қатор гултувакларни ҳалиги стакан билан ҳузур қилиб суғорди, кейин бирдан ташқарига тикилиб қолди. — Ана ошналарингиз, хоҳласангиз кўринг.

Дафъатан юраги гумириб кетган уста оғир-оғир қадамлар билан деразага яқинлашди. Кечадан бери у ошналари дийдорига етишишни орзу қиларди, лекин ҳеч қачон уларни бу аҳволда кўраман деб ўйламаганди. Чарх аямас экан-да, деди ичида ва беихтиёр ўзини баландда, оппоқ пар тўшакда чўзилганча пулисирот кўпригидан ўтолмай ўт ичига думалаётган гуноҳкор бандаларни таъна-таҳқир нигоҳи билан кузатаётган малоикадек ҳис этди. Таажжуб ичра мезбонга ўгирилиб қаради, мезбон хотиржам, чехрасида на ранж, на азиат, ҳануз мириқиб гул суғорарди; кузги изғирин ва намда дилдираб ётган ҳовли билан сариқ чақалик иши йўқ эди, бир баҳонада у ёққа шунчаки назари тушиб қолди, унингча қўллариди кишан билан пакана етовида қаёққадир шалвираб бораётган бандалар босриққанда элас-элас кўринадиган шарпалардан фарқ қилмасди, ваҳоланки, аллақачон бу гўша тутумига мослашаёзган ана шу шарпалар устага жон қадар яқин, бири — ғазал ва китобат адоси Ҳикмат Раҳмон, бири — борини бой бериб тағин бу кўйга тушган мулла Ражаб, бири — Улуғ сўз Қалам билан Қонуни муборак қовушган кунни туғилганини гўр лабида ҳам такрор қилишга ҳозир мулла Аҳмад, бири — Муҳаммад Малик, бири — уста Қурбон... борингки, у қачонлардир суянган тоғлар тизилиб, бири-бирини танимай ёки танишни истамай, сукутга толиб судралишар эди. Ё фалаксан, агар пири муршид Салоҳўжа Ургутий ёруғ дунёни етим қилиб кетмаганда ҳозир, анов беозор ва бепаного биродарлар қаторида қону зардоб ютиб, тириклик шанини тавқу лаънатга кўмаётган бўлармиди!?

— Олдиндаги Ҳикмат Раҳмон, биласиз, ўзини замонанинг пешқадам шоири санайди, — мийиғида кулди Фаттоҳ Обидий. — Сиз қандай фикрдасиз?

— Шоирлигидан хабарим йўқ, — деди уста кўрслик билан.

— Зоғлар жонни безор қилди, депти бир шеърда кўрнамак ва обрўли газетда бостирипти, — энди мезбон овозида очиқ иддао бор эди. — Сизнингча у зоғлар деганда кимларни назарда тутган? Кўпам гўл эмасмиз, анча нарсага ақлимиз етади.

— Сизни гўл деганинг ўзи нодон?

— Ҳа, эҳтимол, шу... Кейин десангиз шоир гуноҳидан ўтмоқчи бўлдик, лекин қани йўлга кирса! — Фаттоҳ Обидий деразадан четлашиб нари-бери юрди. — Хўш, уста, ҳарқалай сиз эсли одам, шеър ёзадиган телба эмассиз, бизни осон тушунасиз, деб умид қиламан.

— Ие, шеър ёзадиганлар телба бўлса... бу дунё ўзи тугабди-да! — деди уста ғашланиб. — Онадан туғилиб шеър кўчасидан ўтмаган, лекин ҳар мўйигача телбалик иллоти сингиган суллоҳларни мен сизга истаганингизча топиб бераман!

— Қўйинг, қўйинг, — деди Фаттоҳ Обидий ҳукм оҳангида. — Ҳозир гап бошқа нарсада, сиз бизни тушунсангиз, талабимизни... йўқ, майли, истагимизни...

— Ҳозирча битта талабингизни биламан, калламни сапчадек узмоқчи бў-

лишса ҳам уни қилолмаслигимни айтдим, — «шарпалар» иморат панасига ўтиб кетганини кўриб хўрсинди уста. — Қани, бошқасини эшитай, агар суягимга ўтиришса... билмадим.

— Ҳозир узоқ ўйлайдиган замон эмас, уста.

— Замон ўз йўлига, мен имонимни биламан.

— Сизни бу ерга келтирган имон эмасми?

— Балки...

— Чўзмайлик, ишим зарур, бир мажлисга боришим керак, — у жойига ўтирди, бўш стаканни гир айлантириб қараган бўлди. — Анҳордан чиқарилган китобларни кимларга ташитгансиз?

Ҳануз уста эътибори ҳовлида эди, ошналарим изларига қайтишармикин, йироқдан бўлса ҳам уларни тагин бир маротаба кўриш насиб этармикин, деган илинжда типирчилаётган эди; томдан тараша тушгандек берилган сўров ўй-хаёлини пардек тўзитди. Ҳатто хиёл сесканди. Рўпарасидаги бандани зийрак сеҳргарга менгзади. Ёки, нима, у қушми? Баландга парвоз қилиб, ер-заминда кечаётган ҳар бир ҳодисотни кўриб-билиб турадимми? Йўқ, у қушмас, учмайди, унақа ҳунари йўқ, фақат... сон-саноксиз кўз-қулоғи бор, бирови пакана бўлса, бирови Шариф урфон... Ахир ўша куни муаллим тимискиланиб келмаганмиди Шамсиддин мактабга бормаганини баҳоналаб?

— Ҳеч кимга ҳеч нарса ташитганим йўқ, — деди уста узиб. — Тан оламан, пича кўмдим, лекин, қайга кўмганимни айтмоқчи эмасман.

— Айтиб ўтирманг, биламиз, мулла Аҳмад билан... оғилда.. А, шундайми? — деди у хушчақчақлик билан. — Биз фақат кимга ташитганингиздан доғда қопмиз. Шуниям билсак... Ҳозирча Муҳаммад Малик билан уста Қурбондан гумонсираяпмиз.

— Улардан гумонсираб бекор қиласиз.

— Қайси бири бўлса ҳам мулла Ражаб оқизган қуръонни топиб яширган, — қовоқ солди Обидий. — Балки ўзингиз... гум қилгансиз. Барибир топамиз, қўймайми. Ундан кўра... айтинг. Гуноҳингиздан кечамиз, ўғлингизни...

— Худо ҳақи, уни бир кўрсатинг.

— Шошилманг дедим-ку, — унинг юзига устага таниш хайрхоҳлик белгиси қалқиди. — Сиз аввал... бизга сал қайишинг, ана ундан кейин ўғлингиз билан бемалол кўришавермайсизми?

— Мен ҳеч кимга ҳеч нима ташитганим йўқ!

— Чакки, чакки!..

— Ишонасизми, йўқми, ихтиёр сизда.

— Агар ўзингизда бўлса... қайтаринг.

— Уни акам оқизган.

— Тўғри, лекин...

— Акам сизни деб қилди. Ана аҳволи!

— Мулла Ражаб сиз ўйлаган одам эмас, ҳар битта туки қуръон измида, шу аҳволда у... оширманг, — таассуф билдирди Обидий. — Ҳа, айтганча, биз унга ҳам яхшилик қилмоқчи бўлдик, лекин наф бермади, — у лабини ялаб қўйди. — Такрор айтаман, кимики бизни тушунса, гуноҳидан кечамиз, ўзбошимчалар додини тингламаймиз. Илтимос, сиз акангиз хатосини такрорламанг, сиз билан очиқча...

— Акам сизга қайишган эди. Қани гуноҳидан ўтганингиз? — мезбон сўзини кесди уста. — Қуръонга юкунса нима бўпти, бир дўқласангиз шуниям йиғиштирарди. Сиз учун муҳими бошқа-ку, яъни раъйингиз, у раъйингизга юрган эди.

— Раъйимизга юрган одам ертўласидан мана буни топдик, — Фаттоҳ Обидий ғаладонидан муқовасиз китоб олиб узатди. — Асраб қўйган экан. Бир донаям қолдирмадим, деб суюнчи ундирувди. Кўзимизга чўп суқипти.

Уста рисолани варақламай таниди: акасиники! Эвоҳ, бу не ҳол, шундай ноёб мажмуани хароб қилишипти-ку! Эсида, уни тартибга солгунга қадар жонигари хуну бийрон бўлган эди, беҳисоб тунларни шам ёруғида бедор ўтқарган эди, ниҳоят, шойи саҳифаларни пурмаёно масала-қоидалар билан тўлдиргач, қайта кўчириш учун шаҳристоннинг энг дидли хаттотиға топширган эди, бу нозик юмушни бениҳоя қиёмига етказиб адо этган беназир ҳаттотни тилла ақчалар ва лутфу карамлар билан сийлаган эди. Чарх ҳукмини қарангки, оли-

му фозил иниси билан ғўр жиянлари тақдирини анҳорни тоширган, тегирмонни тўхтатган қоп-қоп жилдлар эмас, қандайдир ният билан паналанган мана шу бир дона махтутот ҳал қилибди. Не маъно беради бунингдек савдои қаттол, эй парвардигор? Неча минг йил муқаддам Қалам бино айлаган мантиқ кўрғониға шикаст етмаётирми?

— Биродар, буни олиб қолган экан, бирор сабаби бордир, — ниҳоят уста бошини оғир кўтарди. — Буни ўзи битган, шунинг учун ҳам кўзи қиймаган. Сиз билмайсиз, акам ҳисобда олим, неча йил игна билан қудуқ қазигандек қилиб илм ўрганди, шу илмни ўзим билан тупроққа олиб кетмай деган ўйда... мана шуни иншо этди.

— Шундай демайсизми, уста? Мана бу янгилик? — чимирилди Фаттоҳ Обидий, юзига қон тепди. — Уҳ-хў! Олим? Жуда соз! Менимча олим дегани фақат ҳисобга ўралишиб қолмайди. Тўғрими?

— Кучи етгани шу, — деди уста ўйланиб.

— Олим одам... тинмасак келади.

— Илмда тинмасаклик нима қилсин?

— Ҳа, балки... Хўш, қани, мана буни ичворинг, — Фаттоҳ Обидий стаканни тўлдириб узатди, уста терс ўғирилди. — Ихтиёрингиз. Нима деятувдик? Ҳа, олим бўлса... ҳам битгани, ҳам айтгани... Қани, давом этинг, энди охирига етказишингиз керак.

— Нимани? Астоғфурилло!..

— Акангиз ҳисобдон экан, гапдон эмаслигига кафилмисиз?

— Арқон бунча узун ташланганини билмабман.

— Шунақами? — негадир бўшашди мезбон. — Тузук бошладингиз, бу ёғи сал... Ҳа, майли, аста-аста тил топишамиз. Шошиб нима қилдик. Ҳозир боринг-да, мириқиб дам олинг, мияни тинитинг, эрталаб тайёр жавоблар билан келарсиз!..

Калласи ғовлаб бораётган бўлса ҳам гоҳ кулиб, гоҳ қовоқ солаётган мезбон нимага шама қилганини илғади ва чўғ теккан каби аллақаеридир жизиллаб кетди. Сир бой бермай қандоғ одамлигини чама қилди, чамаси, Фаттоҳ Обидий хоҳиши билан ўчакишмоқдан ҳам хатарли — наҳотки малъунман, йўк, бундан худо асрасин, фақат ҳамду сано билан кун ўткармадим, одамлар корҳолига ярамоқ пайида бўлдим, яхшини ёмондан ажратдим, ёвузга фақат ёвузликни лойиқ билдим, шундай экан, энди ўзни аросатда тутишдан не наф, бас, қандоғлиги номаълум кўчага чорлаётган кимса бўғзига дудами қаттол бўлиб санчиламан...

XI

Фаттоҳ Обидий шундоқ биқинидаги деворга кўндирилган тугмачани аста босди; лекин ҳаракати, ўзини тутиши асабийроқ, устага зимдан тешиб юборгудек нигоҳ қадаган эди. Ҳатто беихтиёр енгил хўрсинди, бу одам тош, деди ичида, тошдан ҳам бешбаттар, йўриққа солгунимча она сутим оғзимдан келади. Хаёлини бўлиб давангирдай бир эркак кирди. Тахминан у қирқларни уриб қўйган, бети думалоқ, бўйни йўғон, қизғимтир мўйлаби ярашимли, алҳол, таомилдаги эҳтиромни адо этмоқ учун остонани шунақа гурсиллатиб тепдики, дераза ойналари тўкилгудек зириллаб кетди. Афтидан у ҳалига қорақош йигит билан ўрин алмашинган эди, у ҳам сўз қотмай, имо билан иш битириш ҳавосини олган экан, Обидий дағал товушда буйруқ бергандан кейин, устага чапанича қилиб чап қошини учирди. Уста маъно ўқиб ташқарига йўналди, остона ҳатлаётиб Обидийга ёлборди, болагинамни қўйворинг, майли, кейин истасангиз жонимни берай, деди, жавоб ололмади.

Ўтинчи бекор кетганига ўртаниб, бўшашиб, йиқилишига сал қолган бўлса ҳам уста ўзини дадил тутди. Давангир эркак изидан бардам бораркан, айна фурсатда палапони қайсидир хоналардан бирида, тиз чўкибми, қад букибми, курсига омонат қўнибми, пайдар-пай ёғилаётган саволларга жавоб беролмай, армонга айланган неқбин кунларини, онаизори ва ўзи меҳрини, гавжум кўчаларни, сершовқин Регистонни, ўйинқароқ тенг-тўшини қўмсаётганини бир сезимлар билан сезди. Ва кўп бор асқотган идрокни тағин алдамади; давангирга эргашиб ертўлага тушаётганда ўғли зина яқинидаги торроқ хонада важоҳати-

дан бир маъно англаб бўлмайдиган пакана рўпарасида бўздек оқариб турар, алкаш-чалкаш саволлар миясида чириллаб айланарди, бутун борлигини беҳудуд қуюн ўраб-чирмагандек эди. Жавобга эса ҳоли келмасди, умуман, у жавоб ҳақида эмас, биттаю битта муроди ҳақида ўйларди, муроди — кимлардир дўзахдан кўчириб келган бу гўшадан тезроқ қутулиш! Аммо арз-доди тангрига етмоғи маҳол, на иложки, ҳатто падарига ҳам етмади, падарни уни паналаган эшик тагидан битта-битта юриб ўтди, сўнг зина билан эди.

Ертўла сокин, дим, ҳалиги чироқча қизғиш нур сочади; зах ҳиди аралаш ачиган картошка ва карам ҳиди анқиди, димоғи ёрилгудек бўлди, аянчли, лекин таскин бераркан, борлигини билдирыптида, деган мужмал фикрга борди. Давангир ҳануз чурқ этмасди, ҳатто унинг қадам товуши ҳам эшитилмасди. Шошдими ёки қоронғида яхши кўрмасмиди, ҳар ҳолда калитни қулф тешигига тиколмай роса куйманди. Мум тишлаб олгани билан калласида минг хил хаёл ғужғон ўйнаётгандир. Ҳарнечук одам-а! Лекин, тавба, нечун булар ҳаммаси икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди?

Қулф ўжарлигини қўймади, шунда ҳам давангир имиллашдан нари ўтмади. Жаҳл ҳам қилмади. Кўнгли алланечук чучмал тортаётган устага шуниси қулай эди. Бўтана билан тўладиган каталакни қайтиб кўрмаса яратганга ўлгунича шукрона айтарди. «Калит бегона шекилли, илойим очолмай тириш», деган ўйни қилиб ичида кулимсираркан, ертўла нари тарафидаги зинадан аллакимлар дукир-дукир тушаверди. Муздек деворга уста беҳол суянди. Танида ажаб бир сезим уйғонди, ўзича ҳукм қилдики, шулардан бирови ўғлим! Ҳозир ўша ёққа ўқдек отилади, бориб, бир кечани минг кечадек чийралиб ўтказган, аллақачон ранг-рўйи қаҳрабодек сарғайган жигарини бағрига босади, шундай босадики, ҳеч қандай куч қайтиб бағридан айиролмайди.

— Да-да-а! Да-ада-а-жоо-он!..

Қичқириқ жуда олисдан акс-садодек келаётган эди.

Уста овозни таниди, «Жоним, тирагим!» — деб шивирлади.

Сўнг ним татир қоронғиликда илғадикки, болажони тўлган, тўлиб кетган, фақат пақча ёрилмоғи қолган, ажабмаски, энг сўнги кучини тўплаб ўзини ҳар ёнга урмоқда, қўйворинг, дадажоним олдига кетаман, деб ялинмоқда, лекин чангақ каби қаттол қўллар болажонини бўшатмайди, болажонини исканжага қаттикроқ олади, бир зарб билан совуқ каталакка улоқтиради. Буни у ўз кўзи билан кўриб турди, жони ҳалқумига тиқилди, давангирдан сўрамай-нетмай ўша ёққа югурди. Ниҳоят қулфни бўйсундирган давангир уни фавқулодда бир чапдастлик билан тутди, жаҳд билан бир силтаганиди, боши деворга гурсиллаб тегди. Кейин у ўрага учиб тушди, ўзини билмай, юзтубан анча ётди.

Хаёлида алланарсалар жимир-жимир айланарди, эҳтимол, ўзи ўша жимир-жимир ихтиёрида эди, кўнгли бир ағдарилди, кейин оғриқ туйди, энг охири аллаловчи бир роҳатга чўмди. Кўпдан бундай роҳатга берилмаган эди, аъзои бадани бир ғалати момиққа чулғанган эди, момиқни ушламоқчи бўлди, лекин ушлолмади; бир жиҳатдан бу осуда кунларидан қолган хотира янглиғ умидбахш эди. Бас, умид қилиш керак, умид!

Кутилмаганда у зарб қилди ва зил каталакни елкасига даст кўтарди. Рўпарасида бир олам очилди, билдики, бу бир пайтлар қози Раҳмон мурувватли Мўйсафидни учратган даштнинг ўзгинаси эди. Дашт беҳудуд, сокин, тип-тиниқ шуълага кўмилган, шуълаки, Қаламга ҳамдам, Қонуни муборакка, Улуғ сўзга ҳамдам! Алҳол, Мўйсафид ҳам талғир туясини шу томонга йўрттирар эди, унинг изидан мўмин-қобил бўлиб қолган акаси, салласини ечиб ерга отган уста Қурбон, қуръони шарифни бағрига босиб олган Умар чол, зоғу андалибга таъриф берган Ҳикмат Раҳмон... умтилар эди. Фақат улар орасида ўғли кўринмади. Азамати қаён қолди? Ахир ҳалигина овозини эшитмадимми? Э, дариғ, нечун товуши бунчалар мискин? Ўзингдан умид, ўзинг уни паноҳингда асрагайсан!

Тўда-тўда югураётган бандалар дарёи азимга йўлиқишди, лекин ортага қайтишмади, ўзларини тўлқинга уришди. Қўрқувни тамом унутган уста ҳам шундай қилди ва... тани нақ музга айланди. Кўзини очса, қувурча жилдирайди, бўтана аста-секин ғужанак танини ўровга олаётган эди. Тирсагига тираниб қўзғалди. Бурилиб тўйнуқдан қаради. Бир бўлак сокин осмон бўз рангда эди. Ёруғ дунёдан шу парчани раво кўргани учун тангрига яна бир карра шукрона айтди.

Сўнг Мўйсафидни миндирган туя бўзлаб юрган даштни хотирлади, деворга суянган кўйи туйнукка қора парда тортилишини кузата бошлади.

Эртаси куни йўқлашмади, ҳатто ташқарига ҳам олиб чиқишмади; бўтана ҳам қилт этмай жойида турди. Аъзойи бадани тамом яхлаган эди, аста-аста музлаётган сезги ва хиралашаётган тасаввур билан туйнукдан осмон бўлагига тикилишининг қизиғи ҳам, маза-матраси ҳам қолмади. Қимирлашга қўрқарди, бу чексиз азоб эди, сал тебранса ҳам худди мингта игна тавонидан тортиб то калласигача бирдан санчилгандек бўларди. Тасаввурда ўғли ҳам игналар қуршо-вида эди, игналар билан ҳол-беҳол олишаётган эди. Гўдаккинани бу азобдан қутқариш учун қанча умри бўлса барини беришга тайёрлигини ўйлаётганда эшикни шапир-шупир очиб, уни ими-жим судраклаб кетишди; ертўла адоғидаги сохти-салобати бошқаларидан кескин фарқ қиладиган баланд ва энли эшикдан нуқилаб киритишаркан, ток ургандек, сурат бўлиб қолди.

Уста яна ихтиёрини ҳалиги жавирлашга топширгандек эди; теварагига алангларкан негадир аввалгидек кўнгли ағдарилди. Хонада бадбўй хид ўтириб қолгандек эди. Лекин асосий гап бунда эмасди, гўё дунёда неки қўрқув ва итоат ҳиссини қўзғайдиган нарса бўлса — барини, ҳа, барини шу ерга ташиб келтиришган эди, боринги, бунда сими аллақайси бурчакка пинҳона уланган ўтиргични ҳам, резина тўқмоқни ҳам, пўлат гавронни ҳам, кўн арқону қамчини ҳам учратиш мумкин эди. Айтиш ноўнғай, лекин айтмаса бўлмас: ўртада саҳна қиялатиб ўрнатилган нарвонсимон қурилма хонани ўзгача салобат билан тўлдиргандики, қолган нарсалар унинг пойида сариқ чақага арзимайдигандек бир таассурот қолдирар эди.

Хона бўйлаб тўрт киши тимискиланади. Афтидан пакана ҳоқими мутлоқ эди, у бир четда савлат тўкиб турар, ҳар замонда тушунуксиз тилда фармойишлар берар, ҳар сўзи оғзидан чиқар-чиқмас бекаму кўст адо этиларди. Мана, у қалингина лаби четини чап томонга қарата учирувдики, хизматчилардан бири устани симли ўриндиққа қўғирчоқдек буклаб ўтқизиб қўйди, сўнг ўзи тепасида симёғочдек қаққайди.

Аввал уста ҳеч қанақа хаёлга бормади, ҳалиги тепасига булутдек соя солгандан кейин нимадандир гумонсиради, ажалига интиқ бўлиб калима қайтарди. Ҳозирча ажал уни аяди, бундан сармаст бўлган каби ҳушидан оғди, гўё тақир саҳн гувва кўтарилиб чаппасига тўнтарилиб тушди. Тани зил юк тагида қолди. Кимдир аввал аста, кейин қаттиқ силкилади, қараса, ё фалаксан-а, беш қадамча нарида — мулла Аҳмад, илгариги қадди, ранг-рўйи, шахтидан асар ҳам йўқ, туртса йиқилгудек...

Уста тамом бўзарганча олға интилди. Чайир қўллар тагин қўғирчоқдек буклаб ўтқизиб қўйди. Алҳол, яна ҳуши оғди, яна саҳн тўнтарилиб тушди ва анчадан кейин кўппа-қуруқ силласи қолган муғаннийни ҳалиги нарвонсимон қурилмага юзтубан ётқизишганини зўр-базўр кўрди. Йўқ, қараёлмади, заҳар ютгандек буришиб, терс ўгирилди. Сўнг резина тўқмоқча вишиллаганини ва ўктам ингранишни эшитди.

Ноилож уста эгамга ўтинди, узоқ ўтинди, кейин нима бўлганини унча эслолмади, қачондир ҳушини ўнглаганда ёсоғи қаттолда афт-ангори тамом ўзгариб кетган Ҳикмат Раҳмоннинг мўматалоқ танаси беҳол тўлғанар эди.

Эпчил хизматчилар Ҳикмат Раҳмонни турғазиб олиш учун зўр бериб уришиди. Лекин кўҳна дунёни ва шаккок бандаларни бало-қазодан фақат Улуғ сўз қутқариб қолишига имон ўгириб келган шоирни резина тўқмоқча бор эътиқоди билан қўшиб бир йўла тинчитиб қўяёзган эди. Раҳму шафқат билан ҳар қанча кўмак беришганига қарамай шўрлик туролмади, сўнг раҳму-шафқат мавриди эмаслигини эслаб қолишди ва уни сомон тикилган қопдек судраб кетишди.

— Биласизми, нимада ўтирибсиз? — хонада жимлик чўккач устага мурожаат қилди пакана. — Афсуски, билмайсиз. Буни «кушанда» дейишади. Тугма бир биласизми кифоя. Лекин сизни аяймиз. Тушунарсиз?!

Чурқ этмай уста афтини ўгирди.

— Юринг, сизни ўзим кузатаман, — пакана устани суяб турғазди, йўлакка чиқишгач, одатига хилоф равишда эзмаланди. — Жондан умидни узувдингизми? Хавотир қилсангиз арзийди, «кушанда» унча-мунча одамни эси-ҳуши билан жўнатмайди. Омадли экансиз. Биласизми, бу хонани Федик ўйлаб топган. Айниқса анови... «Шафқат нарвони» ажойиб, ўзиям кўп мусулмонлар шу-

нинг пойидан тўппа-тўғри аршу аълога равона бўлишган. Кўрдингиз-ку, оёқ-
ниям, қўлниям занжирлар... ўзи боғлайди.

Икки ёнида сон-саноқсиз эшиклар тизилган, безабон ва совуққон эшик-
лар...

Шу палла қай бири ортида ўғли жонидан тўйиб ўтирганини, қай бирлари
ортида ингранишга ҳам ҳоли келмай, оғриқ ва азобдан буришиб-тиришиб, бир
қултум сув билан бурда нонга зор бўлиб биродарлари ётганини ўйларкан уста
бошини деворга уришига сал қолди. Жағи очилган пакана бидирлашдан бир
зум тўхтамай ўрага туширгандан сўнг нам саҳн бурчагида ғужанак бўлиб олди.

Кечга яқин анчадан бери кўринмай қолган қорақош йигит дастаси узиб
олинган тунука дўлчада сув, худди тепкиланган каби пачақ тунука косада ни-
мадан тайёрланганини билиб бўлмайдиган бўтқа келтирди. Чанқаганини демаса
уста аллақачон иштаҳа сабилдан ажралган, атиги бир кун бурун бутун вужудини
шамшир янглиғ қиймалаб ташлаёзган очлик ваҳмини унутган эди. Фақат бўт-
қага эмас, сувга ҳам қайрилиб қарамади; қорақош йигит изига бурилганда,
темир нарвончани олаётганда Шамси ҳоли нечуклигини сўрамагани, унга ҳам
бирор нарса беришдими ёки йўқми, аниқлаб олмагани учун ўкинди. Ҳушидан
тоза айрилган эканми, буларни ўшанга элтиб бер, худо ёрлақгур, деса, гўдак
нарса хароб бўлмасин, савоб ҳам керак, деса, эҳтимол, у бир маротаба инсофга
энармиди?!

Бурчақдаги қувурча шилдирай бошлаганда ҳозир ҳар ҳолда бургага аччиқ
қилиб кўрпа куйдиришнинг мавриди эмаслигини тушунди. Ҳали олдинда кўп
савдолар турарди, бу савдоларга чидаши, ҳеч қурса эрта Фаттоҳ Обидийга
рўпара бўлганда оёғида тик туриши, олди-қочди саволларга рад бериши, ўз
хоҳиш-иродасини ҳимоялаши учун жиндайгина қувват йиғмоғи лозим эди.

Ярим соатлардан сўнг бўшаган дўлча-коса сокин жимирлаётган бўтанада
оҳиста чайқалаётган эди; қовоқлари салқи тортган, кўкарган, чакка ажинлари
тарам-тарам тортилиб қуюқлашган уста эса деворга елка тираган, оғирлигини
гоҳ чап, гоҳ ўнг оёғига олар эди. Бора-бора ўрганиб қолгани — ҳушсизлик
хуруж қилди, у ҳушсиз ҳолда тик турар эди. Тасавурида фақат игналар қолди,
сал қимирласа тамом, игналар гувва ёпирилар, тавонидан тортиб то калласигача
бараварига санчилар эди.

Эрталаб учинчи ошёнага кўтариб чиқишди.

Кўзини очса, ўша ёруғ, иссиқ хонада... диванда чўзилган...

Тепасида Фаттоҳ Обидий, боқиши асабий, ташвишли, алланарсалар деб
ғудранди, гўё эгамдан унга умр тилайди, кейин остонада таёқдек қотган да-
вангирга бакиради, шунда уста фаҳмлайдики, буларга қуруқ сохту сумбатидан
кўра жони азизроқ, ҳозирча ўлмай турса кифоя, яъни оқни қора, қорани оқ
демоқ учун!..

— Оғайнижон, тузукмисиз? — уста кўз очгандан кейин Обидий мамнун
ҳолда ортга чекинди. — Одамни унақа кўрқитманг-да! Нима бўлди? Қани, қани,
бир туринг, ҳа, ҳа, шундай! Э яшанг! Бекорчилик одамни танбал қилиб кўяди
дейишарди, рост экан-да!

Уста кар, сўқир, хаёлида — ўғли, ивиган варақлар...

— Духтир чақирайми? — уста рад жавобини бергач, у хотиржам давом
этди. — Келишиб олсак... Агар...

— Қўйворинг уни, — бош кўтармай шивирлади уста.

— Бажонидил.

— Нима қиласиз гўдакни...

— Гўдак дейсизми? — товушсиз кулди у. — Ана шу гўдак нима деганини
биласизми? Аскар бўлса бизларни пешонамиздан битта-битта отармиш!

— Бола-да, болалик қилган, нима деганини қаёқдан билади, — деди уста
ичидан зил кетиб; айни чоқда хаёлидан бошқа фикр кечди: «Худо ҳақи зап
айтипти, тантлики қипти. Милтиғим бўлса мен ҳам ҳаммангни пақиллатиб те-
риб ташлардим!» — Шунчаки оғзидан чиқиб кетган. Қўйворинг. Мен, мана,
шу ерда!

— Хайриятки, шундай.

— Нима қилсангиз мени қилинг. Ҳаммаси учун ўзим...

— Унча гуноҳ якка ўзингизга оғирлик қилади.

Бехосдан каловлаган уста шаҳристонни зилзилага солаётган савдои сеҳр-

ни хаёлида жонлантирганча ясан-тусан қилиб олган мезбон оғзига термилди. Мезбон эътирофи унинг хоҳиш-иродаси суствлиги, имони касод эканлигига шамадек янграган эди. Бу банда қаттол, бу банда мени ерга уряпти, деди бўғилиб ичида; асли унинг овозида ҳеч қандай мазах оҳанги йўқ эди, у бор манзарани феълига хилоф тарзда анча самимий шарҳлаган эди.

— Сиз ҳалиям... тушунмаяпсиз.

Фаттоҳ Обидий ғудранди; сўнг залвар жимлик чўкди.

— Тушуняпман.

— Унда яхшилаб эшитинг, — бўйинбоғини эрмакка тўғрилади Фаттоҳ Обидий. — Сиз эл ичида обрўли одамсиз, ана шу обрўингиз бизгаям жиндай хизмат қилиши керак.

— Сиз ҳам ўзингизни эл санасангиз...

— Элмиз, уста, элмиз! Биз бутун юртни ўйлаймиз, сиз эса фақат ўғлингизни! — илжайди Фаттоҳ Обидий. — Орада ер билан осмонча фарқ бор, тўғримми!? Сиз ҳам юртни ўйланг, шунда... сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам!

— Яна ўғлимни эслатасиз.

— Уста, менга ишонинг, — у қўлларини орқасига ташлаб нари-бери юра бошлади. — Ўғлингиз қайтади, сиз ҳам қайтасиз, фақат... хизмат кетида юрган биздек ҳувариларниям тушунинг-да!

— Мен ҳалиги талабга... ожизман.

— Бўпти, ҳозирча у гапни қўя турайлик, бошқа... мундайроқ иш чиқиб қолди, — у устага тик боқди — Бугун кечқурун маҳаллангизда йиғин бўлади, йиғинда... ваъз айтасиз.

Уста кўнишди: «Бу аҳволимда... ким зор ваъзимга!»

Ваъзни мезбон шунчаки эслагандек эди, товушидаги илтифотсизлик аллақандай арзимас, эътибор берса ҳам, бермаса ҳам бўладиган эрмак ҳақида тасодифий огоҳлантириш натижасига ўхшарди. Алҳол, шу пайтда у ўзини бепарволикка ҳам урди, лекин гоҳ юриб, гоҳ тўхтаб, устани зимдан кузатди. Зол одам, ҳала-ҳулада тоб ташламайди, деди ичида, лекин энди аввалги шашти йўқ, дами пасайган, руҳи синган, энди бу ёғига дош беролмас!

Зил-замбил жимликни шамол увиллаши бузди.

— Қаранг, қор ёғяпти, — деди ташқарига тикилиб Обидий. — Бўрон бўлмасайди.

Хануз уста диванда, кўнишган: «Ваъз, ваъз! Кимга зарил!..»

— Сиз бола пайтингизда ҳеч қорбўрон ўйнаганмисиз? — деди Обидий мулоимлик билан. — Мен ҳақимни қолдирмаганман. Бахмал чопоним бўларди, қалин, иссиқ, сал чопсам қизиб кетардим-да, ечиб ташлардим. Қани энди у беғам кунлар!..

Уста қор ёғса ҳаво илиқ бўлишини ўйлади.

Ер-заминни кўмаётган оппоқ қипиқларни ҳали деразани зириллатиб юборган шамол бошлаб келгандек эди, шамол тинди, лекин қор тинмади, бир маромда учқунлайверди. Ҳовли аллақачон ҳарир парда остида мудраётган эди. Синчиклаб тикилса ҳам уста саҳндаги ашқол-дашқолларни кўрмади, фақат тўрт ёғоч устунчада муаллақ турган баҳайбат бочкани зўрға илғади. Эринчоқлик билан уфураётган қипиқларнинг алланечук сўник товланишида у бир қадар ваҳимали ҳам туюларди, тагида, ҳали ёриқ тошқалов деворларини қор ёпиб улгурмаган ҳовузчада бир шарпа илоради, шарпаки, ранги-рафтори мубҳам, туссиз, худди канорага тортилган тулупча!..

Нигоҳи ҳолсиз эди, тез толиқди. Энди совуқ зўрайса керак, деди ичида; захлаб кетган каталакни, бурчакдаги қувурчани ўйлаганча дераза ёнидан жилди. Нечундир узоқ кетолмади, тезгина жойига қайтди, сабрсизлик билан қипиқ тўсиқда тобора қиёфасини йўқотаётган бочкани, сўнгра тулупни эслатадиган шарпани излаб топди. Ҳовузчада гўё ўзини кўрди. Бунда, ёп-ёруғ, иссиқ-қина хонада — руҳи, тани-жони — у ёқда! Аста-аста кўмилиб бораётган ҳовузчада!

Туйқус уста ўгирилди, мезбон пойида чўккалади.

— Майиб қиласиз-ку! — деди қақшаб.

Шундоқ қўшқават ойна рўпарасида беҳудуд осмону фалакдан умбалоқ ошиб келаётган шўх-шаддот қипиқлар кумушдек живирлайди, заминни оққа бўяётган бу қипиқларга тикилиб Фаттоҳ Обидий болагини, хуш-хандон кеч-

ган, лекин қайтмас бўлиб кетган болалигини хотирлайди. Хаёлида қий-чувга тўла йўлак, ана, ўзи ур-тўполончи жўралари пешида, иккала бети қип-қизил, бўғриққан, қайноқ терга ботган, юмалоқланган қорни кимгадир отгач, кула-кула бахмал чопонини ечиб ташлайди...

— Нима дедингиз? — деди у хаёли бўлиниб.

— Болани хароб қиласиз!

— Э-э, ҳа-а, йўғ-э! — ҳомуза тортди Обидий. — Ха-ххааввотир қилманг, чиникади. Нима, чиниқса ёмонми? Узимиз ҳам шу, қорда думалаб катта бўлганмиз.

— Ука, укажон? — шивирлади уста. — Гулдай нарса!..

— Усули шу, уста, усули.

— Мени... мана, мени! — кўкрагига муштлади уста.

— Келишдик-ку, кечқурун сиз ваъз айтасиз.

— Майли, укажон, айтаман!

— Ҳа, яшанг. Сўзини Шариф урфон ёзиб беради, — ўриндиққа хотиржам чўкди Обидий. — Ҳозир боринг, дамни олинг, қоринни тўқланг, соат бешларда жўнаймиз.

Деразага яқин жойда уста ҳануз тиззалаган эди, елкалари аста-аста силкинар эди, оқарган жонсиз лаблари, ука, укажон, деб пайдар-пай шивирлар эди. Ҳуш-хаёли ташқарида, қорга беланаётган ҳовлида бўлгани боис розилик бериб юборганини ҳам сезмади, розиликки, ўкинчу илинж билан қоришиқ, — майли, сал паст тушсам тушай, тошдан бино бўлган суллоҳ эмасман-ку, жамоа йиғинида ваъз айтсам нимаси ёмон, қайта савоб, савоб эса жонга ора киради, зора у эриса, гўдаккинага раҳм қилса, минг бора ваъда берди-ку! Фақат, ҳайронки, ваъз унга тегишли бўлса қоғозни нечун Шариф урфон қоралайди? Ахир, битигини бировга тутқазгандан кўра ўшани ўзи чиқиб қироатга солмайдимми ёки унинг ўзи ўзга калимаи мубарросини халойиқ қулоғига қуйгандан кўра ичидан боридан сано бериб мусаллам бўлмайдимми? Начора, билганларини қилишсин, булар амри маъруфи шунақа экан, нима ҳам дея олади!

Ярим соатлардан сўнг сув ва бўтқа беришди.

Туйнук орқали фалакка илтижо қилаётган уста томоғидан ҳеч нарса ўтмади. Саҳн ўртасида чўк тушганча эгамдан нуқул ўғлига барот тилади, омонлик тилади, лекин бундан қониқмагани боис, даргоҳингга эрта-кеч юкунаман, сен эса қасд қилган каби у гўдак билан баттар ўчакишасан, анови бандаларга эса қаҳр қамчисини такрор тутқазасан, деган гина оғзидан чиқиб кетди.

Туйнук қорая бошлаганда юраги увишди. Тепасида баҳайбат бочка муаллақ қотган ҳовузча лоп этиб хаёлида гавдаланди. Тағин хаёлида печкаси гуриллаб ёниб турган ёруғ хона, мўйнали пўстин, буғи чиқиб турган шўрва элас-элас айланиша бошлаганда оғир шарақлаб эшик очилди. Узун шинели олдини елвагай қўйган қорақош йигитдан мулойимлик билан ўғлини сўради, уни ичкарига олган-олишмаганига қизиқди. Одатдагидек у сукут билан жавоб берди. Кори-дорда беҳосдан огоҳлантирди: «Сўзлашув ман қилинган!» Билдики, ҳеч нарса ўзгармаган, кўз қароғи ҳануз ўша жойда, онадан туғилганлик — юпун, қўлтигидан ўтказилиб тепага тортиб боғланган арқон баданига чиппа ботган, бочкага кавшарланган жумракдан сизаётган томчи бир маромда елкасига ширтиллаб урилади...

Уста гўё тутдек тўкилиб одимларди, лекин қадами унмасди, ҳатто ўзини тисарилаётгандек ҳис этарди. Қор шовурсиз, дарахтлар унсиз қотган, ҳамма нарсани шундоқ келиб заминга қапишган кўк босиб-янчиб юборгандек эди. Рўпарада фақат бир хил рангдаги манзара бўзаради, шу сокин хилқат ичидан ногоҳ томчи ширтиллаши эшитилади. Залвар эди томчи! Чалишиб кетган уста секин кўксини ушлади, тақиққа қарамай, жони борича чинқирди: «Ўғ-ли-и-имм!..» Овози гумбирлаб, еру самога акс-садо берди, гўё фалак қоқ иккига айрилди, иморатлар шавдираб тўкилди, лекин палапони нидо бермади, қимир этмади, у иккинчи бор наъра тортмоқчи бўлганда (қорақош йигит кафти билан оғзини бекитиб имкон бермади) юпун тана бир тўлғанди, танадан аста-аста қор янглиғ покиза бир шарпа ажралди, ажралиб, кўмилган йўлак билан судралди, лекин уста уни кўрмади, кўролмади.

Дарвоза ёнида иккита машина кутаётган эди, ранг-қути учиб бўғилаётган устани олдинда турган, мотори шовқин солиб ишлаётган машинанинг орқа

ўриндигига ўтқизишди. Оғир гавдасини ўриндиққа ташлай сола у кўзларини чирт юмди. Мадори йўқ эди, шуури гўё хираллашиб борарди. Бу аҳволда жамоага рўпара бўлиш шармисорлик эканлигини ўйлай бошлаганда кимдир ихраб-сихраб ёнига чиқди, у беихтиёр нарироқ сурилди ва, ё фалаксан, қадди кичрайиб, бурни қошиқдек сўппайган, соқоли кўрпалаган. Ҳикмат Раҳмонни кўрди. Омонмисиз, биродари азиз, дея шодумон пичирлади; сўнг уни шоша-пиша қучди, соқолидан ўпа кетди. Тумушиб олган ошнасида эса бирор имдод бўлмади, баданида мундай иссиқлик сезилмади. Кўпдан соғинтирган ошнаи қадрдони билан тасодифан учрашиб қолган уста Жамшиддин эса гўё ёғочни бағрига босган, қақраган лаблари билан ёғочни ўпаётган эди.

Ниҳоят, машина силкина-силкина жилди, темир дарвоза панасида пойлаб турган шарпа ҳам аста йўлга тушди, сўнг югургилаб кетди, бора-бора у шамолга айланиб қор иси билан тўйинган ҳавога сингиди...

XII

Шарпа беҳудуд бўшлиққа сингиб кетган маҳалда қичаб ёғаётган қор пича сусайди, ҳаял ўтиб тинчиди, тепа очилди, совуқ захри эса ўткирлашди; юпун шаҳристон табиат тўсатдан қилган хуружга тайёр бўлмагани боиси норози қиёфада дилдирар эди. Кўча ҳали яхлаб улгурмаган, айрим жойлари яйдоқ, шу боис чувак ҳайдовчили машина изма-из елиб келаётган шарпани тўзонида қолдириб кетиш учун чиранар, ҳар бири дунё устидан ўзича ҳукм чиқариб бораётган бадқовоқ йўловчиларни тезроқ манзилига етказишга шошилар эди.

Оқ ранглар турфа қиёфага кириб товланиши ҳозир на уста, на Ҳикмат Раҳмон кўнглига сиғади, ҳозир улар ҳуш-хаёли шундай совуқ кунда шошилинич ўтиши зарур бўлган йиғинга оғиб-оғиб кетаётган эди. Шаксиз уста дарди шоирниқидан фарқ қилади, уста йиғин ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам шитобига олишини ичи-ичида хоҳлаётган эди. Агар шундай бўлса у муродига шунча тез етишди. Жамоага ваъз айтади, у қанақа мазмундалигини билмайди, лекин айтади, тили узилиб тушган тақдирда ҳам айтади. Адашмаса, жамоани инсофга чақиради, увол билан савобни ажратиш мавриди келганини англашга чорлайди. Ҳар ҳолда нутқи шу маъни атрофида бўлади. Кейин гал Фаттоҳ Обидийга! Ваъзни келиштириб жамоа кўнглини топиб бергандан сўнг у шаксиз эрийди. Ахир ваъдани нақадар қуюқ қилди, қандайдир лафзни ўртага тиқиб истиффор келтирдик, тундаёқ жигарингиз онаси қучоғида бўлгай!..

Ҳар ҳолда уста бу имконни бой бермайди, гулдек азамати амали-бади атиги биргина қадамига боғлиқ бўлиб турган экан, бу имконга жон-жаҳди билан ёпишиб олади. Эҳтимол, ўзини қўйворишмас, у ёғи майли, у ёғи томдан нари! Терисига сомон тикишмайдим! Қизик, ўзи у қанақа йиғин экан, бу қадар шошилинич! Чамаси, Ҳикмат Раҳмон бирон балодан воқиф, йўқса бунча қайғуга ботмасди. Ҳануз қовоғини очмади. Ҳали-ку ўзини худди иблисга йўлиққандек тутди, жиндайгина дарди-ҳол қилишни ҳам истамади, важоҳатида эса юракни қиймалайдиган маъно зуҳурланди, маъноки, тўқмоқ — намуноча эшилипсиз, тўйга бораётгандек димоғингиз чоғ, ҳатто қанот чиқаргудайсиз, ҳей, дариг, умид шулмиди сиздан, биродари азиз!..

Регистон миноралари кўринганда уста дафъатан чала қолган ва дилига абадийлик армон бўлиб чўккан юмушларини эслади. Тўғри, пештоқнинг асосий безаги ҳисобланган тасвирий кошинбуруш таъмирини поёнига етказди, лекин ҳали куфий-сулс ёзувларини тамомила асл ҳолига келтириб улгурмаган эди. Эрта Обидий ҳатто шайтон қадами ҳам етмайдиган бирор тупканинг тагига жўнатиб юборса ёки эгам карами билан қазои муаллаққа ихтиёрини топширса бу гўшаи табаррукда жавлон уришга ўғлидан бўлак ким жазм этарди!? Эҳтимол, шогирдлари ҳам жазм этар, лекин бунга унча ишонмайди, негаки, улар аллақачон қашқир ҳидини олган қўзичоқлардек ҳар ёнга тирқираб кетишгандир.

Майдонда бир таранглик ҳоким, бу ерда ҳатто изғирин ҳам ҳолсизланиб қолгандек, агар залвар иморатлар ҳайбат солиб турганини айтмаса, бунда гўё ҳаёт тўхтаган, асрлар давомида ўзлигини бой бермаган жозибани айна лаҳзада номъълум бир салоҳият қаршисида тиз чўккан эди.

Шаксиз, уста ўзида туйган ва туюётган оғринишлар аллақачери биландир

лазиз хотираларига бориб тақалади; машина елиб илгариларкан кўз ўнгида ястанган майдонда умрининг аччиқ-чучуги сочилиб, эмраниб ётганини тасаввур қилди ва имон ўгирдики, энг некбин онларини раҳматли падари уста Фазлиддин Латифий билан аждодлар қадамжоси ҳисобланган Регистонда кечирибди, мурувватли падаридан ноёб ҳунар сиру синоатини ўрганибди ва ундан тоабод қарздор бўлиб қолибди, лекин ҳали ўзи ўғли Шамсиддин зиммасига шу хил бурчни юклаб улгурмабди.

Машина тор кўча билан секинлаб бориб қози Раҳмон қироатхона-мусофирхонаси томон бурилгандан сўнг уста хотираларининг тамом бошқа ўзанига тушди (тумушиб келаётган Ҳикмат Раҳмон ҳам бир қимирлаб қўйганини сезди), қачонлардир арш назари теккан бу жойни китобатни тириклик мезони санаган акобир банда обод қилиб юрганини ўйлаб алланечук эзилди. Хаёли ганч билан безак берилган хоналарга оғди, машинадан туша-сола ўша хоналарга киргиси, оппоқ деворларни, жавон-токчаларга эъозлаб териб қўйилган тенги йўқ рисо-лаларни тавоф қилгиси келди.

Эгам шоҳид, қози Раҳмон даргоҳи азалдан гавжум, индалло, охиратини ўйлаган ва идрок сулуқларидан баҳра олмоққа мойил бандалар ҳар кеч чор тарафдан шу ерга ёпирилиб келарди, ҳозир бир ёнига узун қўш иморат тушган, қачонлардир гулу гулзор ва боғ бўлган кенггина саҳнда ажаб тарзда авжга минган тало-тўпни уста ўша некбин давра-бахслар давомига менгзади.

Ҳали атроф анча ёруғ, шундай бўлса-да, тўрт-беш машъала ёқилган, уларни кўпириб-тошаётган оломон олдида бир қатор тизилган ўктам ўсмирлар банданд кўтариб олган, атрофда ермойи ҳиди анқирди.

Шовқин-сурондан уста қулоғи қоматга келди, уста гарангсиганча Ҳикмат Раҳмонга қаради, ҳали Ҳикмат Раҳмон қай ҳолатда бўлса ҳозир ҳам шу алфозда, нигоҳи маъносиз, номъълум нуқтада, қайга келганини ҳатто билишни ҳам истамаётгандек эди, авлод-аждоди яшаган, болалиги ва умуман умрининг катта қисми ўтган маконни бошига кўтариб шовқин солаётганларни эса кўрмас эди.

— Биродар, уйқусираманг,— деди уста ранжиб.

Барибир у пинак бузмади, энди уста вужудини қандайдир алам-ангиз ачиниш ҳисси чулғади, шундай оқил банда узлатга изн берганини муҳокама қиларкан, кимдир суйканди. Афтига иссиқ нафас тегди. Аста ўгирилди ва, ёпирай, кўрдик, рўпарасида бир ёввойи вужуд — дастори увада, чопони дабдала, эти бориб устихонига ёпишган, кўзлари киртайган, юз ўрнида патак соқол! Яратган эгам, бир маҳаллар суйиб, ардоқлаб, номини чор тарафга ёйган бандангни шундай кўйга солдингми!? Бул чиндан чолғу тилмочлигида еру кўк билан бемалол тиллаша оладиган ўша нозиктаъб муғаннийми ёки рўё устани чалғитаётирми?

— Уста, уста,— деб у шивирлади,— шукр, яратганга шукр!..

— Шукр,— дея олди у ҳам зўрға.

Кейин кимдир муғаннийни судраб кетди.

Очиқ саҳн балчиққа айланган эди; уст-бошлари, афту ангорларига лой сачраганига эътибор беришмасди. Ким нима юмуш билан машғуллигини айтиш маҳол, шуниси аёнки, ҳамма мубҳам бир ташвишга кўмилган эди. Мусофирхона айвони айниқса тиғиз, улус шу тарафга қизиқсиниб қарар, лекин у ерда ғимирлаётган бандаларни биров танимасди. Алвон ёпилган узун столнинг икки четида қўйилган фонуслар, навқирон қўллардаги машъалалар ёруғида товланаётган нақшлар нозик адолиги уларни ҳайратга солмайди, уларни ўзини пўртанадек нари-бери ураётган мардум ўзанидан оқмаётган дарёни эслатаётгани ҳам ажаблантирмайди.

Сокин жилваланаётган нақшлар уста дилига ҳузур ато қилади, бир дақиқа бўлса ҳам у дарди-ғамини унутади, қачонлардир бу забардаст оғочлару устунларда қози Раҳмон тилаги билан падари Фазлиддин Латифий ўймакорлик қилганини, падари ёнида ўзи ҳам озми-кўпми куч сарфлаганини ёдлайди. Нафақат бунда, қироатхона айвонида ҳам чўпкориликни ота-бола аҳилликда қўлдан чиқаришган, нозик ҳунарлари китобат жинниси саналган қози Раҳмон билан баробар улус таҳсинига ҳам сазовор бўлган эди.

Эгам карам айлади, устани саодатга эш қилди, яъни, уни падари кашф этган бетакрор ва саҳрваш безакларни яна бир маротаба тамоша этиш, кўксига

чўккан минг армондан бировини ушатиш имконини берди. Фақат бу тараф қоронғироқ эди, шу боис у нақшлар ҳуснига унча тўёлмади, қоронғилиги ва эътибори нуқул шифтга ва устунларга қаратилгани туфайли айвон сахнини тамом эгаллаган уюмни дафъатан кўрмади. Кимдир ёнида каситиб машъала ёқди, шунда сахн ҳам, шифт ҳам, устунлар ҳам ёришиб кетди. Қўққисдан, гўё шундоқ қоқ тепасида яшин чақнади, яшин чалди, у тариқдек титилди, чор тарафга сочилди. «Во дариғ, бу не синоат?» — ниҳоят ҳушига келиб шивирлади, нажот истаб, теварагига аланглади. Ёнгинасида мулла Аҳмадни кўрди. Шўрлик муғанний қаддини хиёл эгиб олган, қўллари кўксига ночорона қовушган, аста-аста тебранганча оллога ёлборар эди.

— Мулла Аҳмад, танигандирсиз, ҳов анови... сиз сайратиб юрган қонун эмасми? — кутилмаганда, Шариф урфоннинг хотиржам овози янгради.— Қаранг, яхшилаб қаранг, ўшами!?

Шунда кўрди уста Қонуни муборакни...

Нетонг, у ёлғиз эмасди, минг-минг йилдан бери кўрган-билган қувончи, дарди-ғамини бағрига жойлаганча, беуну бенаво алфозда, азалу абад улфати бўлган Улуғ сўз ёнида афтодаҳол ётар эди, афтодаки, садафбанд қадди-камолти забун, яхши-ёмон кунда одамзодга ҳамдам бўлгани, одамзодни фақат эзгуликка чорлагани ва, ниҳоят, муборак кунда Улуғ сўзни бино қилган Қаламга суянч бўлганини баралла айтолмаётгани учун забун! Ҳей, Қонуни муборак, бунингдек ночорлик сенга бегона! Аршдан келган ваҳийга биноан сеҳрлар чолғусоз жон ато қилгандан буён тоҳануз бандаларини ғафлатдан уйғотиш, руҳини рутубатдан фориг этиш учун ҳалак бўлдинг ва ҳаргиз ғолиб чиқдинг. Энди нечун аросатдасан, ўзингни нечун бунчалар бўш-баёв қўйиб бердинг, ахир ҳали аҳли идрок нозик пардаларинг аро «Қасидаи падар» нидо беришига интиқ-ку!..

— Эҳ-е, уста, саломатмисиз? — муғаннийдан чекиниб устага юзланди Шариф урфон.— У томонда дегандай... хўш... энди сал-пал кўниккандирсиз?

Муаллимга тикилганча уста анграйди.

— Бу ёқда рўзгорингиз бут, хавотирланманг, ўзим кун ора хабар олиб турибман,— меҳрибон товушда давом этди, Шариф урфон.— Янгаойимга барини ётиғи билан тушунтирдим, ғам еманг, кўз очиб кўргангиз соппасоғ, ўғлингиз ҳам қулунчадек чопқиллаб юрипти, эрта-индин етаклашиб кириб келишади, бағрингиз тўлиб қолади, дедим. Тўғри айтибманми?

— Тўғри айтибсан! — деди уста товуши титраб.

— Янгаойим шу ерда, лекин... ҳозирча сизга кўриниш беролмайди,— у қисқа сукут сақлади, сўнг эҳтиёткорлик билан варақ узатди.— Мана бу Обидий айтган нарса, ўзингиз тушунадиган битикда, лекин ҳар ҳолда кўз юритиб олинг, минбарда адашиб ўтирмайсиз...

Энди оломон тамомила кўпириб-тошаётган эди. Эътибори гоҳ айвонда, гоҳ мулла Аҳмадда, гоҳ, Шариф урфонда бўлганидан қулоғига ола-ғовур кирмай қолган эди. Бу орада хайрхоҳлик билан берилган маслаҳатга амал қилишдан ўзга илож тополмади. Ваъз, бутун шаҳристон жунбушга келган паллада у айтадиган ваъз! Нечундир оғриниб ўқиди, ўқиркан, бирдан мияси симиллаб кетди. Наҳотки, у тасаввур қилган, энг сўнгги илинжи билан баробар қўйган умиди қиёфаси шу бўлса? Қизиқ, у нимадан тониши керак, нимадан? Ғудранганча уста бир вараққа, бир афтода уюмга тикилаётганда пакана ҳайъатга чорлади. Алланечук оғриниш билан бориб у ўртада ўтирди, ёнидан мулла Аҳмад, Ҳикмат Раҳмон, уста Ризо ва билагига алвон латта боғлаган Иброҳим жой олди.

Ниҳоят, ҳайъатдагилар ҳам, оломон ҳам тинчигач, қора папка қўлтиқлаб олган Фаттоҳ Обидий бедана юриш билан бориб минбарга кўкрак тиради.

— Азизлар, чўзишга ҳожат йўқ, вақт ғанимат,— овози босинқи, дэвваткор эди, худди шундай сўзлашни чунон машқ қилиб олганди.— Имиллаган эртанинг ғаними, умид қиламанки, орангиздан ундайлар топилмайди, ундайлар нариги дунёда қулоқларини ушлаб қолди!..

Қарсакбозлик бўлиб кетди.

— Анов нарса нима? — у қироатхона айвони томон кескин қўл чўзди.— Шу кунгача у сизу биздан ўч олди, асли ўзи нимага лойиқлигини яхши биласиз. Қани, уста Ризо гапирсин!..

Ҳалидан бери уста Жамшиддин ошнаси билан арзу ҳол қилишга қаттиқ интиқ эди; не илинж билан неча бор унга кўз қирини ташлади, сиҳатини ва тирикчилигини суриштириш учун чоғланди. Афсус, кўп афсус, ниятини амалга оширолмади, негаки, ошнаси тамом ғофил эди, сени танимаيمان, сен билан ҳеч қачон ош-қатиқ бўлганим йўқ, қабилида афтини терс ўгириб ўтирар эди. Аттанг, деди у ичида, мени қозонга менгзади, яқин келса қуям юқишидан чўчиди. Ҳай, ҳай, биродари азиз, ана шу ўйловинг чакки, иззат-нафсингни бекор ерга уряпсан, гардун чархпалақдир, ихтиёрингдан ташқарида айланаберади, мана бундай йиғинлар изсиз йўқолаберади, лекин жафокаш замин каби, имону эътиқод собитдир. Қани, энди сўзла, жамоа кутиб қолди!

— Бугун ҳақ ва ҳурлик биз томонда, шу сабаб бугун жами яхши нарсаларга эришдик,— уста Ризо ҳар замонда қоғозга қараб қўярди.— Илгари бошимиз билан чоҳда эмасмидик? Энди бағримизга шамол тегибди, бунинг қадрига етайлик. Афсуски, шундай кунда ҳам ношукрчилик билан кун кечирамиз, яъни, жаҳолат қолдирган сарқит комида бўғилиб ётганимиздан ғофил-миз!..

Кейин у бир каломни туширмай ўқиди, у қайсидир рўшан сурани тиловат қилаётган каби мусаллам эди. Хиёл титроққа мойил овозида ҳаяжон билан баробар ўз-ўзидан қониқиш ҳисси мужассам эди. Ахийри, у чарчади, бир муддат тўхташ қилиб олгач, анча чўзилган нутқини аллақачон кўп қатламларни эгаллаган маърифий юриш бугунги йиғин шарофати билан жамийки иштибоҳларни чилпарчин қилиб ташлаяжагига алоҳида урғу берадиган хулоса билан якунлади. Қарсак янгради. Сал бўлсин ўзини йўқотмади, дадил келиб жойига ўтираркан, ҳатто уста Жамшиддин билан кўз уриштиришга журъат этди, қорачиқларида бир учқун ёнди, учқунки, ўкинчу пушаймон билан йўғрилган — иложим қанча, ошнаи қадрдон, замон зайлига қарамасам калладан ажраламан, жужаларим етимлик азобини тортмасин дейман-да, дастим калта бўлса не қилай, кечиргайсан, аммо сен ўзингга ҳушёр бўлгин, жон ҳамма нарсадан азиз, эй мурувватли банда!..

Уста, Жамшиддин астоғфурилло айтди, ич-ичидан ўртанганча қироатхона айвони сари — Қонуни муборак билан бақамти ҳолда тангридан мадад тилаб нидо қилаётган Улуғ сўзга нигоҳ ўборди, алҳол, ногоҳ, ногоҳ ҳаёли кечмишга учди: лутфи карамда мултоз шоир Ҳикмат Раҳмон назокат ила дастурхон бегадан, серзавқу сериштиёқ улфатлар жамулжам, ганчкорий хонани шамдонлардаги саноксиз шамлар эмас, ақлу идрок офтоби мунаввар айлаган, алҳол, бул шодиёнада уста Ризо алоҳида иззатда, у тўрда кўр тўкиб сукутга толган, йўқ, қироат эшитиб эриган...

Кўкни тагин қарсак тутди. Биқинига чўғдек товланаётган шиор ёпиштирилган минбарни энди Иброҳим банд этибди. Нигоҳлар унга михланган эди. Билади, собиқ шогирди азалдан бийронгина, хоҳлаган сўзини нишонга тегиза олади. Ҳозир ҳам у тап тортмай, адашмай, қарсиллатиб ташлаётган эди, ҳали ўзи тугал билиб улгурмаган дунё таърифини дoston қилаётган эди, дostonки, ҳар каломи қуйма, рови-равиши рози-ризалик, таҳсини тавалло, эътироф ва инкор ҳисси билан тўлиб-тошган — қадимиятда мардум ҳуқуқини таҳқирлаш эвазига равнақ топган бадбин мерос ҳануз онгимизни оғуламоқда, бундай меросдан нафратланамиз!

— Яшасин маъруф боғида эсаётган соф насимлар!

Кейинги сўзларни қобил ўсмир ингичка овози билан деярли қичқириб айтди. Шу заҳотиёқ шовқин-сурон, ер тепинишлар, ура-ура, ялпи қарсакбозлик у қилган хитобни ямламай ютди. Худди ер силкинаётгандек эди; само гувиллаб заминга яқинлашаётгандек эди. Жўшган оломон анчагача тинчимоди, Фаттоҳ Обидий ҳам индамай одамлар эркини ўзларига қўйиб берди, ногоҳ уста Жамшиддин номини тилга олганда, майдон сув сепилган сукутгоҳга айланди.

Чамаси, у чорловни эшитмади ёки ўзини карликка урди, қироатхона айвонидан нигоҳ узмай, қўнишиб ўтирди. Андак ўтиб тепасига пакана келди, нимадир деб шивирлади, таҳдид қилгандай бўлди. Бари бир қимирлагани ҳуши товламади, ҳалиги қоғозни, унда битилган иштибоҳли фикрларни эсларкан, нафсонияти сим-сим оғриди. Айни чоҳда у ановилар раъйига юрмаса, минбарга чиқиб жағ урмаса, қандайдир манфаат қўйилган тарозига кучи етгун-

ча тош бостирмаса эртаси куйиб кетишини тушуниб турарди. Гажирлиги яна ҳам қимматга тушиши мумкин эди. Йўқ, у уста Ризога ўхшаб ўз жонини омон олиб қолмоқчи эмас, унинг дарди бўлак, у буткул бошқа мақсадда минбарни эгаллайди. Ҳуш-хаёли эрта чироғини ёқиб ўтирадиган, ҳунарини эъозлаб, юмушини чала жойидан давом эттирадиган азаматида!

Майдон ҳамон сукутгоҳ...

Бедор оқшомга номувофиқ бу ҳол диққатини тўплаб олишида бир қадар асқотди. Бари бир тили ҳадеганда айланмади. Ҳолдан тойганди. Қулаб тушмаслик учун аста минбарга суянди. Рўпарасида машъалалар тизилган! Миқ этолмай уларга тикилди ва ногоҳ хаёлида ғиштин девору тиканакли симлар билан ихоталанган ҳовли, ивирсиқ саҳн ўртасидаги ҳовузча ва бочка жонланди. Сурат бўлиб қолди. «Ваъз! Ваъз! Айтишим керак! Йўқса у маҳкум, тоабад маҳкум!» Ҳануз қаршисида машъалалар: бир, икки... тўрт... ўн... ўн беш! Қақраган лабларида беҳол шивир: «Ваъз!» Кейин алланечук таҳлика билан қоришиқ бу сўз қайтиб тилига кўчмади, тикан бўлиб бўғзига қадалиб қолаверди. Ахийри у варақни эслади, қўйнидан уни олди, минбар қиясига қўйиб тахлади, бафуржа кўз югуртирди. Киприкларини оғир кўтариб оломонга қараркан, қоғоз бетини эгаллаган калималарни дона-дона талаффуз қилиш учун ҳозирланаркан, туйқус сукутгоҳ гулдурак янглиғ қичқириқдан ларзага келди: «Да-ада-а-а! Да-а-да-а-а-жо-о-онн!»

Қичқириқ уста юрагида акс садо берди, юраги паққа ёрилаёзди, қор кўмаёзган ҳовузчани кўз ўнгидан бир лаҳза жилдирмай, жим қотган тўдага тикилди. Энтикибгина тавба айтди. Нигоҳи кимнидир қидирарди. Ваъзни унутаркан, беҳос оломон ўртасида қўш ўрқачли, жабдуғи садафбанд, йирик-йирик кўзлари маъюс баҳайбат талғир туя қад ростлади, туя ёнида симоби салла ўраган, қирмизи жун босма чакмон кийган, нуроний чеҳрасида малол, гина аралаш қаҳр акс этган чол — Мўйсафид сабрсиз хаёл сурарди. Кўкси алланечук оғир қалқиди, қалин қошлари чимирилди, жимгина сузилаётган туя ҳам, тавонига тикан киргандек типирчилаётган чол ҳам минг йиллик қадрдонларидек кўзига иссиқ босилди. Бари бир уста нимагадир қониқмади, нафас ютиб таниш овоз эгасини қидирди, тополмади, билмасдики, у ўртада ўмров керган туя панасида...

Хитланиб кетган уста яна қоғозга нигоҳ қадади.

Оломон интиқ бўлди, буни уста сизди, тили айланмаётгани учун изза еди, қоғоздаги дастлабки сатрга биноан эндигина пардани баландроқ олмоқни чамалаётганда яна ер-кўкни бир нидо қамради: «Да-д-а-а! Да-а-д-а-д-жо-о-онн!» Беихтиёр сесканди, гезарди, нима қиларини билмай ўксиди ва ахийри бир сезимлар билан сиздики, у оломон ичида, у мингдан бир, тоғдан зарра бўлиб барини кузатиб турибди. Хитоби бамисоли шамшир, айни чоқда бир ялинчга мойил, ялинчки, шафқатдан дор ясаманг, бузруквор!

Беихтиёр уста залвар лутфлар тагида беҳол ястанган қоғозни аста кафтига олди, бир таъна билан кузатиб тургандан сўнг ғижимлади, эзди, эзғилади, юмалоқлаб четга улоқтирди.

— Халойиқ,— деди ўзини ўнглаб, виқор билан,— кўзимга тик қараб айт, уста Жамшиддин ҳеч маҳал ёлғон луқма қилганми?

— Йўқ! Йўқ! — ҳар жойдан хитоб эшитилди.

— Ҳа, балли! — саволни оломонга ташлагани, лекин атиги икки-уч кишидан жавоб олгани учун сал ўсал бўлганига қарамай уста сир бой бермади.— Унда айт-чи, халойиқ, уста Жамшиддин ҳеч маҳал имонидан мункир келганми?

— Йўқ! Йўқ! — деди ҳалиги овозлар пича сийраклашиб.

Ортидан муаллим шивирлади: «Қоғозни нима бало қилдингиз?»

— Ҳўш, халойиқ, бу ерга нима учун тўпландинг? — таҳдидли шивирлашга эътибор бермади уста.— Хом сут эмган банда ўтригини тинглаганими? Мановиларга шу керак экан, сенга ҳам керакми? Сендан буни кутмовдим, оғир кунимда қўллайсан, қувончимга шериксан, дардимни ҳам бўлишасан, деб ўйловдим. Адашибман!

Қути учган муаллим типирчилайди: «Уста, уста!..»

— Мени улоқ қилиб чопишар, лекин мен ўз сўзимдан кечмайман,— уста Жамшиддин қисқа фурсат нафас ростлади.— Бировникига тобу тоқатим

йўқ, ҳар қанақа лутфлари ўзларига сийлов! Алқисса, ҳушни йиғ, халойиқ, қаршингда қиздирилган нил!

Ана шу жойига етганда Фаттоҳ Обидий чарсиллаб кетди, оғзидан кўпик сочиб, ер тепинди, имога маҳтал турган пакана йўрғалаб бориб устани билагидан тортди; қаттиқ силтаб юборганидан уста ортига гандираклаб йиқилаёзди. Оломон миқ этмади. Оломон без терди. Ҳаял ичида жимликни чоку чок қилиб бир илтижо янгради: «Дадажон!» Ҳалиги наърадан кескин фарқ қиладиган бу илтижони ҳам уста аниқ-тиниқ эшитди, билдики, У сал таскин топибди, тағин нимагадир умид боғламоқда, эҳтимол, кесакдан ўт чиққандек, оломондан ҳал қилувчи сазо чиқишига!..

Худди шундай умидни ўзи ҳам кўксига жойлаганча, жойига ўтирмай, билчиллаган саҳнга тушаркан, уста яна ҳавода муаллақ қотган бочкани, девори ҳар жойидан тарс-тарс ёрилган ҳовузчани, бир маромда сизиб яланг елкаларни юваётган томчиларни эслади.

Тахминича, бу палла ҳовузча яхлаган, лекин У — адл!..

— Кечир!.. — дея уста бўғиқ пичирлади.

Сўнг қироатхона айвони сари имиллаб юрди; худди жимлик ютворган беҳудуд саҳрода ёлғиз ўзи тентираётганга ўхшарди. Кимдир шундоқ башарасига машъала тутди. Куппа-кундузидан қолишмайдиган ёруғда афтода уюм ичидан «Ҳикмат»ни, қачонлардир закий Мўйсафид жаҳонгашта қози Раҳмонга беқиёс ишонч билан тортиқ қилган рисолаи муаззамни топиб тавоф қилмоқни чўтлади. Алҳол, ўзини айвондаги мулк пойига отмоқни, аввал Улуғ сўздан, сўнг Қонуни муборакдан афу сўрамоқни ҳам чўтлади. Ана шу лаҳзада тўсатдан Фаттоҳ Обидий босинқи товуш билан амр қилди, амрки, вақт ғанимат, вақт бундайин судралишни ҳеч қачон кечирмайди, темирни иссиғида босмоқ лозим! Гарангсиз қолган уста ҳеч нарсага тушунмади. Илҳақлик билан илгарига шошилди. Оломон безовталаниб қолди. Машъала кўтарган йигитчалар сафдан ажралди, ҳаял ўтмай уста кўрдикни, зимзиё тунни чекинишга мажбур этаётган машъалалардан бирини мулла Аҳмад, бирини Ҳикмат Раҳмон, бирини уста Ризо, бирини Иброҳим тутган эди. Ажабо, нималар бўляпти ўзи, деб ўйлади, лекин бу ўй миясидан кечар-кечмас шитоб пайдо бўлган пакана унга дўлайди. Эс борида этакни ёпинг, деди чамаси; захрини сочиб олгиси келганига қарамай уста индамади, тўхтаб қолди, қачонки, қўлида зулмат кушандаларидан биттаси бурқсий бошлаганини кўргач, пакана муддаосини тузукроқ англади. Туйқус қўрқиб кетди. Кўкси оғир кўтарилиб тушди. Ҳей, тавба, чарх ҳукми мана қандай қаттол, охир-оқибат у, уста Жамшиддиндек эсли-хушли банда, тақдири азал қошида ожиз қолган Улуғ сўз ва Қонуни муборак билан энг сўнгги ҳисоб-китобни манов унсур воситасида бажо келтирмоғи лозим экан-да! Энг охири панду насиҳатини авлод-аждоди қандай эъзозу-икромга лойиқ топганини билиш учун минг йиллик йўлни босиб келган Мўйсафид қани, унинг ранги-рафторини бир кўрсин!

На илож, бу палла Мўйсафид тамом толиққан, минг йиллик масофани писанд қилмаган банда бу палла тугаёзган, қувватдан кетган, шуури бир хусуматдан сирқирардики, бунақасини умри бино бўлиб ҳеч қачон учратмаганди. Алҳол, теварагини қуршаганларни ҳарчанд тиришмасин тушунолмади, улар билан ҳасратлашгани ҳадди сиғмади, йўқ, сиғарди, улар орасида арзи-ҳолдан маъни уқадиган зукко борлигига гумонсирагани боис тийилди. Гоҳ тажанг, гоҳ бепарво оломон ўзи билан ўзи бўлиб қолганда пинжига меҳру мурувват билан тиқилиб олган Шарпа билан ҳасратлашди. Ҳарнечук Шарпа шунга интиқ эди, мозий нафаси ила ўз дунёсини обод этолган саховатли чол куюнишларини осонгина тушунди, бирдан ўй-фикри таранглашди, дадил кайфият билан савол берди, саволки, эй, падари бузрук, анов тўдани туянгиз чўнг оёқлари остига олиб топтамасми!?

— Биз нимани буюрдик, сиз нима қилдингиз,— пакана изидан келган Фаттоҳ Обидий устани чалғитди.— Чакки, чакки! На чора, тағин кечиришга мажбурмиз, яна бир имкон қолди, лекин охиригиси!

— Қуллуғ-э!

— Тийилинг, уста.

— Йўқ, биродар, тилим қичимоқда.

— Эсингиз жойидами? Ахир бу... ноинсоф экансиз,— бехосдан жағи бир

томонга қийшайиб кетган Обидий товушини пасайтирди.— Машъалани қаттикроқ ушланг, ҳа, ҳа, шундай, шалвирасангиз бўлмайди. Одамлар шубҳа қилишади. Ҳамма сизга кўз тиккан. Тушунинг, биродар! Ҳа, ҳа! Шундай теги-засиз, тамом! Тўрт томонингиз қибла!

— Худо қарғабди-да мени тоза!

— Ихлос билан эмас, шунчаки,— илжайди Обидий.

— Узингиз-чи!

— Тўғри, бунӣ ўзимиз осонгина битиришимиз мумкин,— деди у пинак буз-май.— Фақат лекини бор. Нега дейсизми? Ҳали биз улус кўзига тушганимиз йўқ, улус билан ош-қатиқ ҳам эмасмиз, шундай бўлгандан кейин сиз ёки мулла Аҳмадга ўхшаган кишилар булардан қайтганини ўз кўзи билан кўрган-дан кейингина улус уйғонади. Гап бошқа ёқдалигини тан олади.

— Тушундим: сувдан қуруқ чиқмоқчисиз,— қовоқ солди уста.— Эрта тарих кутилмаганда сўров қилиб қолса ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатмоқчи-сиз.

— Чалғитманг одамни,— бир оз довдираган Обидий хотиржам давом этди: — Рости шуки, уста, сизни қўлингиз эскирган ва абжағи чиққан тарихнинг қўлидай гап, у алмисоқи бисотини ўз қўли билан йўқотиши... рамзийдир. Ана, энг муҳиминиям айтдим, энди бўла қолинг.

Шўрлик уста, қўлида машъала, суратдек қотди.

Шу жойи уларга муҳим экан, ўзига-чи!? Валломатлар чакки ўйлашмабди; масала таг-заминига етишибди. Шаҳристон аҳли биладики, у — устаи савобгир бул мулкка беадад меҳр боғлаган, бу мулксиз на ўлиги, на тиригини тасаввур қилади, жами яхши-ёмонини шу нарса мезони билан ўлчаклайди. Бандаси эътиқоди ва имони шулар билан устивор ва тоабад эзгулик хизматида экан-лигини амри маъруф давраларида неча маротаба таърифлаган! Энди ўша эътирофларидан ими-жим кечиши керак. Шу билан жони-жаҳонига сингиб кетган, ҳамиша шундоқ кўзи ўнгида адолат билан ёвузлик ўртасида мардона қад ростлаган, ҳаққа чорловчи тилакларини тортинмай айтган Улуғ сўз ҳам Қонуни муборакдан кечади, сўнг содда ва нотавон улус унга эргашади, улус чўт қиладики, шундай имони бутун, дили-нияти тоза банда булардан тониб-дими, биз — омийлар ким бўпмиз, тақдирга тан берамиз-да!

— Иложини топсам сизни бўғизлардим,— деди уста безрайиб.

— Ҳазилни вақтимас,— кулимсиради Обидий.— Қани, бўлинг, кутиб қо-лишди. Асли бу бурчингиз, авлодлар олдидаги бурчингиз. Ҳали келгусида фидойи бўлганингиз билан фахрланасиз. Қани, бўлинг, ҳей, бўлинглар, ермойи сепинглар!

Атрофни қўланса ҳид қоплади. Энди пала-партиш янграётган овозларда таҳдиду хитоб билан бирга ўтинч ва илтижо ҳам қоришиқ эди. Кўк гўё эниб келиб замин билан туташган, кўк билан баравар шундоқ тепада живирлаётган юлдузлар бу гўшада кечаётган тало-тўпга ҳайрон-ҳайрон боқар эди. Машъала-лар бир ерга тўпланиб қолганидан теварак сутдек ойдин, жимир-жимир ёруғ-ликда Фаттоҳ Обидийнинг тажанглашган чўзинқи юзидаги яккам-дуккам ажинларгача аниқ-тиниқ кўринар эди. Кутиш ва имиллаш оқибати нима билан тугашини туйқус англаган каби у шундоқ ҳам ҳовлиқаётган паканани шоширди. Шундан сўнг пакана ташаббусни тамом эгаллади, айвон рўпарасида лолу гирён турган, туриш-турмишларида иккиланиш аломати зухурланган мулла Аҳмадни, Ҳикматуллани, уста Ризони, сал нарироқдан қандайдир имо-ишора-лар қилаётган отасига зимдан қараб-қараб қўяётган Иброҳимни ҳатто илонни ҳам инидан чиқара оладиган каломлар билан рағбатлангирди. Тамом сурат-ланган уста қимирламади. Шовқин-сурон остида ошналари аста-аста илгарила-ди, Иброҳим чаққонлик қилди, олдинга ўтиб олди. Кимдир уни исмини тутиб олқишлади, уста Шариф урфон овозини таниди, ўгирилиб, унга олайди. Айни чоқда Шариф урфон мулла Аҳмадга ҳам рағбат берувчи бир овоз билан баралла мурожаат қилди. Рангида қон қолмаган муғанний ғойибона бир куч босимини туйганча каловланиб одимларди. Афтидан у қўлида нима учун машъала тутиб олгани сабабини ҳам билмасди. Шовқин қулоғига кирмас, кўзлари ҳеч нарсени кўрмас, телбасифат борарди ва ахийри айвонга етмай балчиққа узала тушди. Шўрлик муғанний аҳволини кўриб Ҳикмат Раҳмон

афтини буриштирди. Таққа тўхтади, ўгирилиб, машъала билан паканани уриб қулатди.

— Сиз отамас, гумроҳсиз,— деди устага қарата Обидий, лойга беланиб гудранаётган шеригини кўрмаганликка олди.

Хаёли ихотаси баланд жимжит ҳовли сари учди, алланечук ўксинди, жони қақшади, учирқни найза қилган ярамас Обидийни бўғиб ташламоқчи бўлди, базўр шайтонга ҳай берди. Ерда беҳуш ётган муғаннийни турғазиб қўйиш учун секин илгари босди, ҳануз кўлида бурқсиётган машъалага ночорона нигоҳ отаркан, фалак гумбирлади: «Да-д-а-а-а! Да-д-а-жо-о-онн!» Шубҳасиз, у ажабланди, нидо симиллаб оғриётган юрагида акс садо берди, юраги пакқа ёрилаёзди. Ногоҳ кўз ўнгида сон-саноксиз тангачалар сочилди, тангачалар живирлай бошлагани туфайли олдинда зулматни қоқ ёриб бораётган икки машъаладан қай бири ермойи сепилган уюмга аввал текканини илғамади, борингки, бир ёлборув, бир оғриқ билан қоришиқ наъра юрагида қайта-қайта акс садо бераётганда алвон ёлли ялмоғиз бенажот мулкни ҳам, нақшинкор устунларни ҳам оғушига тортган, шахт билан шифтга чирмашаётган эди.

— Увол-а, увол! — тишлари орасидан қаттиқ шивирлади уста, сўнг рўпарасида виқор тўкиб турган, ҳар қанақа амри вожиб бўлажагига тамом ишонган Фаттоҳ Обидий башарасига машъалани қулочкашлаб отди. Яхши ҳамки у чаққонлик қилиб ўзини четга олиб улгурди. Йўқса суробгинаси тўғри бўларди-қўярди. Жон-пони чиқиб кетган бўлса ҳам у оломон ҳузурда одоб сақлади, титраётган устага ҳатто сал қаттиқроқ гап ҳам айтмади, фақат уста бунда неки бўлса барини бир бошдан ялаб-юлқалаётган ялмоғиз чангалига ўзини отганини ва бир нечта чолғуни ола-сола нари улоқтирганини, бенажот рисолалардан катта бўлагини елкаси билан ташқарига суриб юборганини кўрганда аллақаеринидир ўткир тиф гўё симиллатиб тилди.

Мум тишлаган, шамдек қотган оломон орасидан югуриб чиққан ўттиз ёшлардаги беқасам чопон кийган мўйловдор йигит телбаваш алфозда уриниб-суринаётган устани юмалоқ-ёстиқ қилиб тортиб олди; у қошу киприги ва соқолидан жудо бўлди. Димоғига ермойи ҳиди аралаш бир ачқимтиш ис ўрнашиб қолган эди. Нафаси қайтгудек бўлиб узоқ йўталди. Сал ўзига келгандан сўнг тағин ялмоғизга ташланмоқчи бўлди. Лекин якка ҳолда уни даф этолади-ми? Икки дунёда ҳам бунинг иложи йўқлигини англаб бола янглиғ ўкраб юборди, куйган соқолига иссиқ кўзёшлари томчилади, беихтиёр балчиққа тиззалади, аста тебранганча, лўқиллаётган чаккаларига бетўхтов муштлади. Сўнг, бўлди, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, дея шивирлади, кўксидан мангуликка татийдиган яра очган гўшани тарк этиш учун шалвираган кўйи йўлга тушди. Аллақачон ўзини ўнглаб олган, ҳатто Ҳикмат Раҳмонни кўртепки қилишга улгурган пакана қовоқ-тумшуғини осилтириб олдини тўсди. Ҳатто бир қадам юргани қўймади. Уста, шундай томошани ташлаб кетгани кўзингиз қиядим, дея кесатди. Иложи қанча, уста мановилар қаторида эрмакталаб бандага айланганини, то тирик экан, бу сиру савдо қошида ночор қўл қовуштиришдан бошқасига ярамагани учун азобланажани билди, айна шу лаҳзада шахристон кунботаридаги хилватгоҳда, тошқалов ҳовузчада, томчилардан яралган ях ичида пушти паноҳи, беҳолу безабон, иссиқ-совуққа баббаравар чархи гардун рўпарасида турганини, хиралашиб бораётган шуурида бир кунмас-бир кун Улуғ сўз одамзодни ғофилликдан тамом уйғотиши ҳақидаги умид чарх ураётганини ҳам билар эди. Фақат у қизғимтир босма чакмон кийган Мўйсафид талғир туясини миниб оломондан узилгани ва тўппа-тўғри ўша сокин ҳовли сари йўл олганини сезмай қолди...

Бу гўшада эса на чироқ, на учкун йилт этади, залвар деворлару иморатларни намхуш зулмат билан баравар зилдек сукунат қамраган, олис юлдузларни ҳам комига тортмоқчи бўлаётган аллатовур сукунатни яп-яланғоч елкаларга бир маромда урилаётган томчилар товушигина бузарди.


Энди у бу гўшани унутган, ёруғ дунё не учун мавжудлигини унутган, фақат жон-жаҳди билан умтилган нарсалардан айри тушгани, жон-жаҳди билан суйган кимсаларга тоабод етолмаслиги ҳақидаги ғира-шира тушунчалар билан қолган, нетонг, кеч шафағи сингари улар ҳам аста-секин сўниб борар эди.

Нечун бу қадар ночорлигини, оламдан бу қадар безганини, гўдак хаёли билан кашф этган мўъжизаси қошида охир-оқибат мулзам бўлганини у биргина тахмин билан оқлайди: бари ўткинчи экан, бандаси хоҳласа, боқийликни ҳам осонгина мағлуб этаркан, мағлуб!..

Умрида илк дафъа туйди: ўйлов аламли ва даҳшатли! Шу лаҳзадан бошлаб ўйламай қўйди, сукут сақлади, лекин ўйламади, афтидан шу баҳонада у энг сўнгги онларини ҳар қанақа тушунчалар хуружидан дахлсиз асрамоқчи эди. Ана шунга етишиш учун тиришди, бўлмади, ниятига эришолмади, кўк фонуслари ҳол-беҳол милтираётган паллада ногоҳ баданини бир ҳовур иситди, сўнг қулоғига бир сас чалинди, ўктам бир сас — эй навжувон фарзанд, бас, кўзни оч, гардунга тик боқ, адашган бандалар олдига туш, таъзиму таволло ила кифояланиб яшаётган ёр-ошнани ғофилликдан халос айла, уларни ўзлари жон-дилдан хоҳлаган, кечалари тушларида кўрадиган манзиллари сари бошлагин, илойим йўлинг оқ бўлгай!..

Тун. Изғирин.

Томчилар... томчилар...



Асқар Маҳкам

МЕН ДАРДИМНИ ДАРЁГА АЙТДИМ

* * *

Шамоллар эсади...

Хайр, эй дўстим.

Менинг ҳам нокиро сўзларим эшит.

Мен сенинг йўлингга музтар кўз тутдим,

Сўнг марта йўлимга сен ҳам нигоҳ тут.

Қаёқда?.. Не учун?.. Нималар ўтди?..

Кимлардан?.. Кимларга?.. Кетаяпман мен —

Барини хотирот гирдоби ютди,

Бағримда бир омон қолган бу ҳам — Сен.

Шамоллар эсади...

Мен келдим, дўстим.

Шодликдан ёрилмас ҳеч кимнинг бағри.

Мен кимга талпиндим?!.

Мен кимни кутдим?!.

Бағримда сен қолдинг ва унинг қаҳри.

Кетаман. Бир ўзим танҳо, осуда,

Ортимда шамоллар сарсон елади.

Мен бир кун ўлганда, қабрим устида

Сени ҳам у билан кўргим келади!..

Шамоллар эсади... Хайр, эй дўстим!..

* * *

Кўплар энди буни унутган,
жуда-жуда аччиқдир бу шеър:
кўш тортганда қарсиллаб синган
Мўмин чолнинг оёғидир — Ер!

Ғамгин боғлар, ғамангиз боғлар,
ҳаволари бунчалар тахир.
Бу япроқлар, сариқ япроқлар —
Биби кампир сочлари, ахир!

Тунлар аро тентирар унлар,
бир садо бор саргардон, сағир.
Бу мўрилар, куйган мўрилар —
Шокир карнинг кулоқларидир.

Фунчаларим бунчалар бўзлар?..
Айтинг ёлғон, ёлғон деб айтинг,

чимилдиқмас, қабридир, дўстлар,
менинг ёлғиз сингилгинамнинг...

Тавоб қилинг, тириксиз магар,
тавоб қилинг, одамсиз, ахир,
бу тупроқлар, оғир тупроқлар —
Ўзбекларнинг манглай теридир.

* * *

Мен дарёга дардларим айтдим,
Соҳилида қолди унларим.
Мен соҳилдан қон қақшаб қайтдим,
Дарё менсиз кетди, дўстларим.

Мен йўлларнинг чангини ютдим,
Ҳар кўчада қолди дардларим.
Йўлларига юрагим тутдим,
Дўстим менсиз кетди, дўстларим...

* * *

Қолиб кетгай ҳув йироқларда,
сени ёлғиз қолдирган кузлар...
Тўзғиб ётар кузги боғларда,
кўзларингда куйган юлдузлар.

Кузги боғнинг кўзёшларини,
қаро зулфинг бодлари артар.

Бир жонинг жон талошларини,
барги резон дарахтлар айтар.

Шовуллайди шамоллар бадмаст,
мени элтар қабрига — тушлар...
Ва бир куни фаришталармас,
олиб кетар сени оққушлар...

Чўмилаётган қиз. Манзара. Ҳолат

Сой бўйида мудрайди кулба.
Даричада ўксик бир чироқ.
Ногоҳ эшик чоки сўкилар,
томоғини тишлайди ингроқ.

Аста чиқар қиз чўмилгани,
чарсиллайди ярақлаган сой.
Куюётган латта сингари
бурқсиб ётар туман ичра ой.

Жонсиз қирғоқ узанади тек,
судралади қиз томон сувлар.
Юз йил бўйдоқ яшаган эрдек
оёғига суйкалар қумлар.

Шарақлайди сой ёлғиз, ёлғиз,
тортиб кетар сўнгра ўзига.
Кўкрагини чая бошлар қиз,
паришон ой юзар юзида.

Зулук сағри мисоли сочлар
чирмалади танаси бўйлаб.
Панжасини ёзган оғочлар,
хириллайди ўзни бўғизлаб.

Уфқ ёқда юлдуз милтирар,
милтирайди тинсиз-тинимсиз.
Сой бағридан чарақлаб чиқар,
ҳали ҳеч ким севмаган бир қиз.

Сой бўйида ёлғиз бир кулба.

Азим марқа¹ ҳақида қўшиқ

Кофарниҳон дарёсининг такбирлари
сингиб кетар қамишзорлар ғазотига.
Оч-яланғоч шамолларнинг асовида
ярақлайди ёлғиз ханжар, ёлғиз ханжар,
ёлғиз ханжар...

Тўлқинларнинг тишларида жаранглайди
бир зулфиқор, бир зулфиқор,
бир зулфиқор...

Ой бўйланар ибодатли кулба узра —
ёлғиз қилич, ёлғиз қилич,
ёлғиз қилич...

Саккиз қават пахса девор ортидаги
бешиқ билан танҳо қолган сулувларнинг
такбирида чайқалади Кофарниҳон,
Келинларга паноҳ бўлиб остонада
тупроқ бўлган кампирларнинг такбирида
от ёлидек чайқалади Кофарниҳон...

Сулувларнинг номусидир асли Ватан,
эналарнинг дийдоридир асли Ватан,
мўминларнинг имонидир асли Ватан,
эранларнинг товонидир асли Ватан...
Кофарниҳон чайқалади, соҳилларда
мунчоқлари ситилган бу нажиб шода,
муҳралари юлинган бу сиймин бўйин.
Кофарниҳон чайқалади, кесилган соч.
Кофарниҳон чайқалади —
сўйилган тан...

...Е-на-а! — деди тун қаърида бир нар овоз.

Е-на-а!.. — деди қамишзорлар ногоҳ бир тун.

Қора чакмон юртни босиб олди, ена!..

Қора чакмон бизни босиб олди, ена!..

Мен эгамнинг дини учун қилич тутдим,

мен сен учун, болам учун қилич тутдим...

Е-на-а!.. — деди тун қаърида бир нар овоз,—

Бу эл нечун эллашмади, тўзиб битди,

бу эл нечун беллашмади, чўчиб йитди,

бири афғон, бири эрон кўчиб кетди,

бу эл нечун эллашмади?!.

Е-на-а! — деди бир нар овоз тун қаърида.—

Бу эл нечун душман бўлди ўз элига,

нечун зомин бўлди бу эл ўз қавмига,

Е-на-а! — деди бир нар овоз охирги бор.—

Мендан ёдгор қолсин фақат бир дона тут,

шоҳларига оқлик осар бир бечора...

Мендан ёдгор қолсин фақат бир дона тош,

бир бечора юз-кўзини суртиб ўтар...

Мендан ёдгор қолсин яна ёлғиз қилич,

уни яшир бешиқларнинг қабатига...

Е-на-а! — деди энг сўнги бор бу нар овоз.—

Бу тун эгам ўғил берар бир сулувга,

қулоғига азон айтгил ва дегилки,

Азим отлиғ марқа сенинг отанг эди,

жоҳил эди, итфеъл эди, ёвуз эди,

аммо... дегил, худо ҳаққи... босмачи эмас!..

¹ Марқа — Тожикистондаги ўзбек қавмларидан бири.

Соҳилларда оҳ урган дарё,
Юввошгина тинган кунларда
Ва шамоллар тўзгин, бенаво,
Бошин олиб кетган тунларда,
Умидингни узма, қайтарман.

Қизғалдоқнинг қонранг япроғи,
Узилганда бандидан чатнаб,
Бир бувимнинг хира чироғи
Даричада қолгач қалтираб,
Умидингни узма, қайтарман.

Ловиллаган юлдузли оқшом,
Олов солиб совуқ кўнгилга,
Топайин деб сендан бир нишон,
Оёқяланг чиқарман йўлга...
Умидингни узма, қайтарман.



Зебо Мирзаева

ТИТРАЙМАН, ЖОНИМНИ ИЧИМГА ЮТИБ

Зебонинг Ёзига мактуби

Дарёнинг ул ёқасида қўш ҳайдаган, Ёзижон,
Қулоқ чўпин йўқотиб бўш ҳайдаган, Ёзижон.
Белида белбоғи йўқ, хас бойлаган, Ёзижон,
Киссасида пули йўқ, қиз сайлаган, Ёзижон...

«Ёзи ва Зебо» достонидан. Каттам айтиб турардилар.

Дарёнинг ул ёғида тоғлар йўли тумандир,
Ойзебога Ёзининг етишмоғи гумондир.
Ҳалқа-ҳалқа зулфининг қўл етмасдан қулфиға,
Ҳалқоб-ҳалқоб ёшлари қон бўлгани ёмондир.

Ёр-ёр ўлан, ёр ўлан, бағрим менинг хун энди,
Зор-зор ўлан, зор ўлан, ўлан йиғлар кун энди.

Ўркач-ўркач қирлардан оғиб келган карвонлар,
Тақир-тақир ерлардан оқиб келган карвонлар,
Осмон-осмон довулин қоқиб келган карвонлар,
Зебони ўлди, денглар, муҳаббати омондир.

Ёр-ёр ўлан, ёр ўлан, умрим менинг тун энди
Зор-зор ўлан, зор ўлан, армонларга кўн энди.

Бахилларнинг боғида гуллар ўсди, Ёзижон,
Бизга келар йўлларни кимлар тўсди, Ёзижон,
Аҳлим деб ишонганим итдай тўзди, Ёзижон,
Бедоғ битта осмонда ой деганим ёлғондир.

Ёр-ёр ўлан, ёр ўлан, кунда сўлгай гул энди,
Зор-зор ўлан, зор ўлан, кўз ёшларим кўл энди.

Ҳақиқатга тил битса тўрдагилар забонсиз,
Диёнатни юлқиди хиёнатлар омонсиз,
Лекин менинг қалбимнинг ёзи ҳамон-ҳамон сиз,
Токи, ёлғон дунёда ишқ олами имондир,

Севги ҳамон-ҳамондир,
Армон ҳамон-ҳамондир...

Ёр-ёр ўлан, ёр ўлан, бағрим менинг хун энди,
Зор-зор ўлан, зор ўлан, ўлан йиғлар кун энди...

Ойпараст

Юрак бурда-бурда, тун — бўлак,
Булутлар — хун олуд, дард олуд.
Юлдузлар йиқилар... хун йўлак,
Туман — хун... зардаяр зард олу.

Замин қоқ ёрилар, тоқатнинг
Тоғ каби тоқати бўлар тоқ.
Кўзлари йиртилар шафқатнинг
Ва ўса бошлайди бир гуноҳ.

Мен ўса бошлайман муттасил
Майсаман... Дарахтман — занжирбанд.
Бағримни кемирар тўрт фасл —
Бахт — илон ўрайди камарбанд.

Усаяпман... учяпман... нурмисол
Замин — паст, тоғлар — паст, осмон — паст.
Танимда ўрмалар оч илон,
Мени ой чақирган — ойпараст.

Ой — нажот шароби тўла жом,
Лабимни тутаман... Интиҳо!
Лек мендан олдинроқ бу жомга
Заҳрини тўкади аждаҳо!

Йиқилиб бораман илдизим
Қўпориб учаман юксакка —
Мени ой чақирган. Ўлсам ҳам
Осилиб ўларман юракка!
Уйғотманг...

Соя

Босиб ўтаркансан бу кўр дийдани
Айт, нега сезмайсан,
додлайди сасим?!
Кўзларинг ёпинар — қарғишлар урган
Жисмим — Елғизликнинг қора кўлкасин...

Айт, нега?..
Топталган бу хароб танни
Беғам ташларкансан оёқ остига;
Титрайман, жонимни ичимга ютиб,
Қолмасайдинг, дея севгим қасдига...

Айт, нега?..
Ишқибоз дил хасми аро
Вужудим куларкан осмондай, ёху!
Йиғлайман... қоришиб:
— Тўхта, эй, жисмим,
Олиб кет, саргашта соянг қолди-ку!

Аммо, сен — азалдан тошдан туғилган,
Тилайсан тош каби қотмоқни чағир.
Тилайсан, мен эса тошдан ишқ сўраб,
Бағир сўраб бағир кўрмаган бағир...

Судрайман танимни, суяб судрайман,
Гуноҳларга ботган қинғир пойингдан.
Судрайман,
Судрайман:

— Кимсан? — сўрайсан.

— Оч, — дейман, — мен — сенинг хароб соянгман...

Лекин сен кўрқасан соянгдан,
Зинҳор
Бу қора кўланка ортиқ керакмас.
Бўғиқ шивирлайсан:
— Бор, жўна, йўқол,
Ортимдан судралма, бас энди, бас, бас!..

Қарсиллаб ёпилар «бегона» эшик...
Ичкарида сендай соясиз жасад
Дунёнинг қирқ мингта макрини тўплаб,
Сохта фариштадай кўтаради қад...

Мен эса...

фақат кўр томошабинман...

Исмсиз тақдирда исмсиз соя...

Мен — соя...

Билмайман, аммо кимники?..

Мен — соя...

Жисми бор жисмсиз соя...

Гўри Амир мақбараси

«Қабрларни босма, қабрлар — сабоқ,
Боболар гуноҳин бўйнимга олдим.
Мен сенга мозийман, нафратман, биров,
Билки, кўксингда бир олов ёқолдим.

Каллалардан минор ясадим, тўғри,
Лекин унинг бошин ким олди гизлаб?
Ҳеч нарса қуролмас, жаҳонда ўғри,
Дунёни бузади эътиқодсизлар!

Қиличим тиғи то тортгунча кетдим,
Бу қуёш остига тор келди олам.
Мен оқсоқ оёқ-ла тик юриб ўтдим,
Сен қайга кетяпсан, эй тўғри болам?!»

...Қайтдим, бу даҳманинг қошидан эгик,
Қайтдим, миноралар қараб қолди тик.
У менга берарди каттакон сўроқ,
Менда эса не бор, на бош, на оёқ?

Қайтдим, қўлларимда синган ой нури,
Теграмда ўтмиши ёдли-ёдсизлар.
Ҳеч нарса қуролмас, жаҳонда ўғри,
Дунёни бузади эътиқодсизлар!..

* * *

Юлдузлар ашқини қусади осмон,
Шафақ — қонга ботган мағлуб лашқаргоҳ.
Шаҳидлар туғини кўтара бошлар,
Чопади ёрини содиқ кутган моҳ.


Бахтга қўлин тутган сўқир қўлига
Ҳижрон қўлларини тутаверади.
Уликдан жон кутган гадо янглиғ дил
Кутади, кутади, кутаверади...

Оллоҳ даргоҳини излар заминдан,
Хуржуни йиртилган қаландар осмон.
Бахт қасрига етар хатарли йўлнинг
Тўртта томони бор, тўрти ҳам армон.

Аждарлар ухлаган бу жон қўлида,
Парилар қора қон ютаверади.
Қирқ сандиқ ичида ётган тошдай дил
Кутади, кутади, кутаверади...

Кўксимда минг бошли мингта илон бор,
Умрим дарахтини емира бошлар.
Уларга бермасам сенинг номингни,
Менинг битта жоним кемира бошлар.

Тупроқдай тўшалган тан бистаридан
Хазон лашқарлари ўтаверади.
Бормисан, йўқмисан, лойиқмисан?! Дил
Кутади, кутади, кутаверади...



Хуршид Дўстмуҳаммад

ЖАЖМАН

Ҳикоя

— Ёмоннинг кучи мен япалоққа етибди-да!.. Ҳаҳ, сағирри ҳаққи урсин-а!

Тонг саҳарги бу аламли қарғишдан тим ичи оёққа қалқди. Раста устида, остида, қоп-қанорга ёнбошлаб омонат ухлаб ётган кексаю ёш туршакфуруш, ён-қоқфуруш, майизфуруш, пистафуруш ва ҳоказо фурушлар уйқули кўзи билан апил-тапил ён-верини пайпаслай кетди, кўнгли жойига тушганлар бирин-сирин оҳ чекаётган жувон теварагига тўплана бошлади. Ҳамдардлар ҳам топилди:

— Кўп обдеме? — сўради улардан бири.

— Қоппи яримлатиб кетибди, — деб пиқиллади жувон.

— У, хотинталоқ!..

— Шу аёлди майизини егунча тили ўйилиб тушсин-а!

— Неччи қопиди, опой? — чийиллаб сўради яна бирови.

— Бир қоп... иди... етимчалар насибасини узиб овкелгандим...

— Қўлга тушириб манаши тим шифтига осиш керак! — деди бошқаси дағ-даға қилиб.

Тўдадан чеккароқда бошини солинтириб турган Зардушт бобо, бирон ерда пусиб ётган ўғри-каззобнинг гирибонидан олишига имони комилдек, вазмин одимлаб тимнинг этаги томон юрди, икки ёни кета-кетгунча чўзилган раста оралаб бораётиб кунда-шунда бозорчиларнинг мудраб-керишиб зўр-базўр уйғонаётганини кузатганича ўйлади: «Ҳамма ўзи билан овора... тириклик ташвиши... сотиш, сотиш, сотиш... уюм-уюм писта, бодом, туршагу майизни сотиш, пулга чақиш дардида бари...» Бобо беихтиёр устма-уст тахланган қоп-қанор чўғини чамалади, яна пича юрди, сўнг сотувчи аҳли сийраклашгани боис тим одоғига — деворга етмай изига қайтди. Қайтаётиб... орқа томондан кимдир деворни муштлаётгандек заиф гурсиллаган товушни эшитди. Бобо қордек оппоқ соқолини тутамлаб қулоқ осди, хийла шу кўйи тек тургач, ортиқ эътиборини бўлмай жабрдийда жувон ташвишида келган йўлига қайтди.

Бобонинг растаси тимнинг бошланишида — дарвоза биқинида эди — у нотайин хаёлларга чалғиб жойига келди-да, қопларидан бирининг оғзини очиб сара майиздан қийиқчасига уч-тўрт кафт солди, олиб бориб жувоннинг яримлаган қоли устига қўйди. Бобонинг изидан майиз келтириб тўкувчилар қаторлашди. Улар ўлимдек бедаво куч олдида ўз ожизликларини тан олгандек, жувонга сўзсиз ҳамдардлик изҳор қилишар ва бошларини қуйи солинтирганча изларига қайтишарди.

Зардушт бобо растаси ёнига тўшалган кўрпачага ўбдон жойлашиб чўк тушаётиб, бир нарсадан хавотирлангандек: «Ўзинг мададкорсан, Ахурамазда...» — деди шивирлаб. Шивирлагани замон соч-соқолидан, қуюқ қошларидан нур таралди — ён-атрофида бир зум фонус ёниб ўчгандек бўлди... Тўсатдан уч-тўрт устун нарида кап-катта эркак киши беўхшов дўриллаб фарёд кўтарди:

— Уйим куйди!... Худо урде!..

Бояги безовталиқдан сўнг хийла тинчиб қолган тимда яна ғала-ғовур кўтарилди. Яқин-атрофдагилар, жабрдийда жувонга ёрдан бериб қайтаётганлар гуриллаб дод солаётган киши тепасига борди. Эллиқни уриб қўйган, бўрдоқига боқилган қўйдек биққа семиз туршакфуруш алпанг-жалпанглаб эмақлаганича қават-қават тўшалган кўрпачаларни итқитар, нуқул, «Йўқ!.. Йўқ!.. Шилиб кетибди!» дер, лекин йўқотганини топишдан умидвор шекилли, қалт-қалт титраётган қўллари билан кўрпачаларни қайта-қайта ағдар-тўнтар қилишдан тинмас эди.

— Қанчайди, Қамчевой?—сўради шинаванда бозорчилардан бири.

— Ёстуқ остуга... ёстуғди остуга қўйгандим... — деб ғўлдиради туршакфуруш бошини кўтармай.

— Қанчайди, деёпман? — чийиллади бояги киши.

— Анчайде... ман санамаган... бир дастда эде!...

— Ол-а!

— Баракалла-е, Қамчи-е, ёстиқди остига ҳам пул қўядиме, инсон! А, бу...

— Ёстиқнинг остига қўядими, устигами, бу — ҳар кимнинг хоҳиши. Аммо лекин пулни олдирганимиз эмас, аллақандай зинғарчанинг таъзирини бериб қўёлмаётганимиз алам қилади, одамга!

«Нурингни дариф тутма!...» — деб юборди Зардушт бобо ўзига-ўзи гапираётгандек ва афт-ангорини кўрмаса-да, гап бошлаган Сўзамол ёнғоқфуруш йигитни овозидан таниди. «Ота ёнғоқфурушнинг ўғли...» — деган ўй кечди хаёлидан. Йигит астойдил ёниб-куйиб гапираётганидан халойиқ сукут сақлаб унинг оғзига анграйган эди.

— Кеча икки шўринг қурғур пулини ўғирлатди, — деди Сўзамол йигит, — илгариги куни куппа-кундузи бир халта хандон пистани олдирдик, кеча — пул, мана, бугун яна... ия, муттаҳамлик ҳам эви минан-да! «Вей, яхшилар, кўзни очайлик!» дейдиган бирон забонлик мард йўғ-а!..

Хаёлга чўмган Зардушт бобонинг кўксига тушган соқоли сезилар-сезилмас титради...

...Саҳар эди, ғира-ширада таҳорат олгач, тимирскиланиб-пайпасланиб расталар орасидаги йўлакчадан ўтаётганида икки газ нарида аллақандай шарпа ғимирлаганини пайқайди. Тикилди, кўзи илғамади. Жойига қайтиб чўк тушди — бошини тиззасига солинтириб кўзини юмганча сукутга кетди. Ҳар кунги одатига биноан, мўйсафид, хаёлларининг жиловини бўшатди... «Ҳадемай тонг отади, олам нурга тўлади... одамлар уйғонади, бозор уйғонади... тим дарвозаси ланг очилади, ғала-ғовур бошланади... тумонат тошиб-шошиб оқиб киради, оқиб чиқади... сотувчи келади, харидор келади, бекорчи келади... чумоли бўлиб келади, чумоли бўлиб чиқади...оёқлар тинмайди, қўллар тинмайди, оғизлар тинмайди... кираверади-чиқаверади, кираверади-чиқаверади... олаётган — пулим дейди, сотаётган — молим дейди... тирикчилик бани башарнинг тумшуғидан жилов ўтказиб етовга солади... «бозор» дея аталмиш товага солиб айлантиради, айлантираверади... қумурсқа тутганини чангаллайди, тутганини инига ташийди, ташмалайди... олиш-сотиш, олиш-сотиш, олиш-сотиш... қўлга, тилга илинган нимарса борки, сотилади... ё, алҳазар, Ахурамазда!.. Ожизлар оловга муҳтож, Ахурамазда!..»

Зардушт бобо чўяндек оғирлашган қовоқларини аранг кўтарди, ёнбошида турган қопга қўл суқиб бир кафт майиз олди, уни ҳовучидан ҳовучига шопириб ўтирди-ўтирди-да, юз бир уқубатда кўзғалди. У ер-бу ерда ғимирлай бошлаганлар шарпасини илғаб, «Яхшилар, тоблансинлар... Яхшилар, поклансинлар» деб илтижо қилди ва раста олдига айланиб ўтаётиб икки устун нарида...

— Ёпирай! — деб юборди бобо шошганича. У турган жойида қотиб қолди, иродасини жамлашга уриниб кўзини пирпиратди — бўлмади. — Ўзинг мадад

бер, Ахурамазда!.. — деди пичирлаб. — Не жондорга рўпара қиялпсан, Ахурамазда?!

Бобо бўй-басти бир қарич чиқмайдиган ажабтовур бир махлуқни кўриб худди иркат нарсага кўзи тушиб нигоҳи булғангандек бирдан сесканган ва кўнглига хатарли бир кўлага соя солган эди — нафаси бўғзига тикилиб овози чиқмай қолди.

— Жа-жман!.. Тимга Жажман оралади, яхшилар! — дея олди базўр.

Зардушт бобонинг назарида тимдошлари ҳозироқ оёққа турадию анов махлуқни тутиб тилка-пора қиладигандек, супириб-супириб тимдан чиқариб ташлайдигандек эди, лекин тимнинг бурчак-бурчакларига урилиб-қалдираб қайтган бобонинг овози ҳеч кимнинг қулоғига кирмади. Бобо ҳушини йиғиб овозининг борича ҳайқирмоқчи — одамларни фалокатдан боҳабар қилмоқчи эди — шу чоқ махлуқнинг қилиғига кўзи тушди-ю, анг-танг бўлиб қолди — бобо инсон зотининг кўзи кўриб — қулоғи эшитмаган ҳодисанинг шоҳиди бўлаётган эди.

Махлуқ раста устидаги майиз уюми ёнига обдан чўк тушиб олганча лагандаги ошга қўл чўзаётгандек бемалол майиздан туширар; дамо-дам қорнидаги қопчиғига бир кафт-икки кафт ташлаб ҳам кўярди.

Бобо хийла маҳал махлуқни кузатди, унинг қўли-оғзи тинмас, лекин ҳали-вери тўядиганга ҳам ўхшамас эди. Унинг қандоқ қилиб бировнинг майизини эмин-эркин ва паққос тушираётганидан бобо ҳайрону лол бўлганича, кўзларига ишонмас, хаёлида эса: «Бу қандай махлуқ ўзи? Бу қандай махлуқ?» — деган савол чарх урарди.

Бобо хаёлга чалғиб махлуқ қачон ва қандай қилиб ерга тушганини пайқамай қолди, фақат унинг сакраб-ирғишлаб дарвоза томон бораётганини кўргачгина, ҳушини йиғди. Бобо шундагина бу фаройиб жондорнинг башарасини аниқ-тиниқ кўрди — махлуқнинг кўзи, қулоғи, тумшуғи дам сичқонникига, дам тулкиникига ўхшаб тинимсиз товланар эди... «Олмаҳон-ку!» — деб юборди ичида бобо ва шу заҳоти бошини чайқаб, — Тулки минан сичқондан тарқаган кўринади» — деган хаёлга борди, бирпас жим қолган эса, «қорни кенгуруники... — деди пичирлаб, лекин махлуқ қаддини ростлаб икки оёқлаб бораётганини кўриб, «Ё, одамдан тарқаганмикан-а?!» — деб ўйлади ва беихтиёр шак келтириб кўйгандек шошиб ёқасига туплади...

Орадан аллақанча кун ўтди, қоқ пешин чоғи туршакфурушлар қаторида қий-чув кўтарилди. Оломон гувиллаб ўша ёққа ёпирилди. Ёпирилгани сайин битта-яримта «Нима?», «Нима ўзи?», «Тавба-а!» — деган узук-юлуқ товушлар эшитилиб турди-да, бирдан ғала-ғовур тинди.

— Тутамиз, тутамиз! — деб бақирди пистафурушлардан бири ҳовлиқиб.

— Тегма, тегмай тур! Кўрайлик-чи! — деб уни шаштидан қайтарди туршакфуруш чол.

— Ҳай, нима ўзи бу? — деб чийиллади қора чопонли мўйсафид. — Сичқонми?

— Одам-ку!

Ҳангоматалаб оломон вах-хахолаб тимни бошига кўтарди.

— Жим! Чўчитиб юборасизлар!

Шу пайт махлуқ ҳуркиб, қочиш пайига тушдимми, қора чопонли мўйсафид «Қочмоқчи!.. Қочмоқчи!» деди баттар чийиллаб.

Оломон орасида ғовур кўтарилди, тўрт-беш киши ёқалашиб гурпайлашаётгандек эмаклай, юмалай кетди — тўс-тўполон кўпди, кўпдию зумда ҳамма ҳовуридан тушди.

— Қочди! Қочди! — деган нидолар кўпайди.

— Қўлинг тегди-ку! Шунини тутолмадинг-а! — деди бирови ўдағайлаб.

— Қаёққа ғойиб бўлди? Қаёққа?! — деди янаям ҳовриқиб ёнғоқфурушлардан бири.

Тўдадагилар аланг-жаланглаб махлуқ қочган томонни билолмай гарангсиб қолди. Ола-ғовур пасайиб ҳар ким жой-жойига қайтаётганда, «Тутамиз, тутамиз!» деб бақирган пистафуруш қўли махлуққа теккан кишига ёнбош келиб, шипшиди:

— Шу қўл билан одамларга бодом сотасанми энди?.. Қўлинг ҳаром бўлди-ку!..

Бодомфуруш бу гапга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай pista-фурушга анграйди-ю, қўрққанидан афти қийшайиб кетди. Унинг аҳволини кузатиб турган Зардушт бобо юраги увишиб бошини тебратганича лаб жуфт-лади, лекин ҳеч нарса демади...

Тимдагиларга гап топилди. Ётган ҳам, турган ҳам ўша махлуқдан ҳангома қиладиган бўлди.

— Хў-ўп ғалати нарса экан-а? — дейди бирови.

— Бирон ёмонликнинг аломати бўлмасин-да, ишқилиб, — дейди бошқаси юрак ютиб.

— Ёмонлик ҳам гапми, бирон бало-қазонинг уруғи бўлмасин, тагин! — дейди ваҳимачиси.

— Ола-а, — шу зиғирча нарса бошлаб келган бало-қазо нима бўларди!.. Бу — бизга бир эрмак-ку, ҳа-ҳа-ҳа! — деб ҳамманинг кўнглидаги шубҳа-гумонни ҳайдаб чиқаради дали-ғулиси.

Ҳангомага харидорлар ҳам аралаша бошлади.

— Нонвойхонада ҳам ғалати махлуқ пайдо бўлганмиш! — деб гап топиб келди улардан бири.

— Қандолатчилар растасига бурноғи йил оралаган, нимаиканини ҳеч зоғ билмайди!

— Эрта-индин бутун бозорга тарқалармиш!..

Бундай узук-юлуқ хабарларни эшитган Зардушт бобо маъюс тортиб қолди. Ахурамаздага имон келтирди. «Наҳотки, бутун бозорга тарқаса...» деб хавотирда ўтирганида тим ичида Ота ёнғоқфурушнинг овози жаранглади:

— Эшитмадим деманглар! Махлуқнинг номи — Жажман, Жажман!.. Эшитмадим деманглар!..

Зардушт бобо бадани увишиб турган эканми, сесканда, Ота ёнғоқфуруш жар солаётган номни қадимда аллақайда эшитганини, эшитган эмас, номаълум жондорни хў-ўв биринчи бор кўрганда ўзи беихтиёр «Жажман!.. Тимга Жажман оралади, яхшилар!» деб юборганини эслади... Бобо оғир сукутга чўмди... «Ахурамазда аён қилибди... Яхшилар воқиф бўлибди» деди чуқур тин олиб... Яхшилик илоҳининг ҳаққига шукроналар бағишлади...

Бу ёқда туршакфуруш тепасидаги можаро давом этарди.

— Манаша сичқонбашара билан келишайлик. Еганича есин, ангишвонадек қорнига дунёни ютвормас!.. Тўғри, киссага тушгани яхшимас...

Кўса майизфурушнинг эзмаланишидан Сўзамол ёнғоқфуруш тутоқди:

— Сиз минан биз «яхши-яхшимас» деб ўйимизга етгунча Жажман тимни эмас, бозорни еб битиради! — деди у жеркиб. Сўнг сал ҳовуридан тушиб овозини пасайтирди. — Тўғри, илгари кўзимизга кўринмаган, у бир сиқим-икки сиқим майиз-туршак егани минан камайиб қолмасдик, «еса-ебди-да» дедик. Индамадик. Кейин, сезиб-сезмай эркатоимизга айлантирдик...

Зардушт бобонинг юзига майин табассум югурди. Жажман секин-аста тимдагилар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган пайтларни эслади...

...Махлуқ кўринди дегунча «Ма, Жажман, ма!» деб унга майиз, pista, ёнғоқ ташлайдиганлар чиқди. Жажман ҳеч кимдан тап тортмас, ҳаш-паш дегунча «хайр-садақа»ни еб — халтасига солиб битиради, туршакни гоҳ данаги билан ютиб юборар, гоҳ қарсиллатиб чақиб мағзини чапиллатиб чайнар эди. Унинг зиғирдек қўли, бармоқлари, зиғирдек тумшуги сичқонниқидек оғзига, моғор тусидаги митти кўзларига қараб... бозорчи кулгани-кулган эди, бора-бора унинг ебтўймаслигидан, очофатлигидан юмалаб-юмалаб кулиб вақтичоғлик қиладиган бўлдилар. «Уни мен тўйдираман! Йўқ, қорни ёрилиб кетгунча мен боқаман уни!» деб баҳс бойлайдиганлар чиқди, лекин ҳар сафар «тўйдираман!» деб катта кетганлар чув тушаверди, Жажманнинг ебтўймаслиги сирлигича қолаверди...

Кейинроқ Жажман биров чақирмаса ҳам ердан ёриб чиққандек пайдо бўлишни, растага уюлган мева қоқисидан бемалол паққос туширишни одат қилди. Тимдагилар бунга ҳам кўниқди, сўнг... ўша кезлар, ким эди-я, ҳа-я, анави Сўзамол ёнғоқфурушнинг бобоси — Бобо ёнғоқфуруш Жажманни «Йўқол-э!» — деб қувиб солди. Қопдаги ёнғоқни қарсиллатиб чақаётган Жаж-

ман пинагини бузмади, ошиқмай-нетмай қопчиғини ёнғоққа тўлдирди-да, «лип» этиб кўздан ғойиб бўлди. Шу-шу кетганча аллақанча маҳалгача қорасини кўрсатмади. Чекка-чеккадан, «эрмак эди, мана, тим ҳувиллаб қолди», — деб таъна қилишди. «Тўртта ёнғоқни кўзингиз қиймаса, ўзимиз боқардик» — дея маломат ёғдиришди, Бобо ёнғоқфурушга. Бобо ёнғоқфуруш Жажманни қувиб солганига минг пушаймонлар еса-да, сир бой бермади, ёнғоқфурушлар қаторида сўппайиб, шумшайиб юраверди. Зардушт бобо бир-икки унинг жонига оро кирмоққа тутинди, лекин ҳар сафар лаб жуфтлаганда укпардек момиқ соқолига титроқ югурди. Ҳар сафар унинг мўйсафид хаёлларини олис хотиравлар олиб қочаверди...

...Қадим-қадим-қадимда — болалик чоғларида Оташ момо қучоғида чўпчак тинглаб ором олиб ётарди, савол устига савол ёғдиравар, момосини ухлагани қўймас эди... «Момо, момо, — деди Зардушт бола иттифоқо, — туш кўрдим—осмон тўла қузғун боғимизга ёпирилди... бор-шудимизни еб кетди... ёмон кўрқдим, моможон». Чеварасини бағрига босиб ётган Оташ момонинг қўлига бехос қалтироқ турди, сўнг момо тасалли айтди: «Бир осмон эмас, ўн осмон қузғун келгандаям, баракадан қисмасин, кўзим... Улатдан асрасин, қирондан асрасин...» Момо жим бўлди, хиёл ўтмай яна сўйлади: «Ривоят бўлгучи эди, унда айтилган... юртимизга девлар танда қўярмиш... қўлга илинганини еб битирармиш... егани, тўйганига қаноат қилмай денгизу денгиздай ҳовучини тўлдириб олис ёқларга олиб кетармиш...» Зардушт боланинг кўзи илинган экан, Оташ момосини девнинг ҳовучида кўрди, гўдак юраги ёрилай деди, шунинг баробарида қайдандир куч топиб мовий кўзли девнинг чинор танасидек йўғон билагига ёпишди — тармашиб-тирмашиб ҳовучга етай деганда ҳовуч ёқасида бошини чангаллаб турган момоси унинг кўксидан итариб юборди... Зардушт бола яна олдинга ташланди, интилди... девнинг билагия ҳовучи ғойиб бўлди... Зардушт бола чинқириб, чириллаб қолди... йиғи аралаш босинқираб кўзини очди, очдию ҳамон момосининг қучоғида ётганини кўрди, «Момо, момо» дея овоз берди бетоқат, «Ухлаб қолибман, девлар сизни ҳовучига солиб олиб қочди» — деди ўксий-ўксий ўпкасини босолмай, «Нега ундай бўлди, моможон, кўрқиб кетяпман» — деди... Момоси лом-мим демади, сўнг... қайтиб сира-сира уйғонмади...

— Э-э, ади-бади айтишиб ўтирамизми, — деди пулини ўғирлатган пистафурушлардан бири. — Тўғри айтасиз! — деб Сўзамол ёнғоқфурушнинг айтганини маъқуллади: — Уйчи ўйини ўйлагунча бу лаънати бозорни адои-тамом қилади! Жажманни тутамиз-да, жазосини берамиз!

— Шу чоққача ҳеч зоғ қўлга туширолмади-ю, қандай қилиб жазосини берамиз! — деди туршакфуруш қария.

Сўзамол ёнғоқфуруш қариянинг умидсизланишига қулоқ солмай хулоса ясади:

— Жазосини бергунча, ўлдирамиз қўямиз, вассалом! — Жажманни биринчи бўлиб уриб ҳайдаган Сўзамол ёнғоқфурушнинг отаси эди... Бобо ёнғоқфуруш кў-ўп маломатларга чидади, Жажман яна пайдо бўлиб, яна... фурушларнинг пинжиги киргани сайин маломатлардан қутула борди... Жажманнинг нафси ҳақкалак отгани етмагандай тимдагиларни очиқ-ойдин калака қиладиган одат чиқарди. Соқоли кўксига тушган чолларнинг елкасига чиқиб олар, уларнинг қулоғидан, мўйлабидан чўзғилар, ухлаётганларни қитиқлаб қочар, хириллаб-ҳиринглаб ғалати овоз чиқарар, унинг нима, қандай махлуқ эканини ҳануз ҳеч зоғ билмас, билиш ҳақида бош қотирмас ҳам эди. Шундай кунларнинг бирида Ота ёнғоқфуруш ҳаммани анг-танг қилиб қопчиғига ёнғоқ тўлдираётган Жажманни қадоқ тош билан уриб ўлдириб қўяёзди. Тош махлуқнинг тумшугини ялаб ўтди — у орқасига ўмбалоқ ошиб қулади, қуладио ўзини ўнглаб қочиб қолди... ёнғоқфурушлар қаторида тўс-тўполон кўтарилди. Ота ёнғоқфурушга ўдағайлаб аюҳаннос солиб кетишди. Лекин тимда Ота ёнғоқфурушнинг журъатини маъқуллайдиганлар ҳам топилди... Энди эса Ота ёнғоқфурушнинг ўғли — Сўзамол ёнғоқфуруш илкис оломонни Жажманни ўлдиришга даъват этди. — Ўлдирамиз! Фақат ўлдириб қутуламиз! — деб гапни кесди у.

Тўпланганлар бирдан жимиб қолди, тимда Жажман уймалашганидан буён

унга ўлим жазосини бериш хаёлга келган бўлса келгандиру, бировнинг оғзидан чиқмаганди. Сўзамол йигит, «Қани, нима дейсизлар?» дегандек одамларга аланглади. Кимдир: «Ўлдирамиз!» — деб пичирлади, яна, яна... ва тўсатдан тим ичини: «Ўлдирамиз!.. Ўлдирамиз!..» — деган хитобу даъват тутди.

Бундай жазони кутмаган битта-яримта... фурушлар демаса, тимдагиларнинг бари оёққа қалқди. Ғовур-ғувур зўрайди. Кутилмаганда издиҳомдан чеккада — раста устида холи ўтирган қора чопонли жийдафурушнинг залворли, дўрилдоқ овози қўзғолганларни жойида тўхтатди:

— Ҳой, яхшилар, лоақал бобомиздан оқ фотиҳа олишни унутманглар...

Шовқин ўша заҳоти тинди, оёққа қалққан издиҳом Зардушт бобо томон ўгирилди. Сўзамол ёнғоқфуруш тўда олдига ўтиб бободан ижозат сўраб саволомуз термулди. Бобо кўзларини қисиб унга тикилди, сўнг ҳудудсиз осмонга кўз югуртирмоқчидек бошини вазмин кўтариб одамларнинг боши узра тўғрига — тим одоғи томон нигоҳ солди. Чурқ этган сас эшитилмас, жамоат нафас олмай бобонинг оғзини пойлаётган эди. Бобо рўпарасида илҳақ турган фуқаро дардида Ахурамазданинг ўзидан мадад сўрамоққа лаб жуфтлади, лафз айтишга улгурмай тим одоғидаги девор ортидан... зорланганнамо гурсиллаган шовқин чалинди қулоғига. Оломон унинг фатовсига илҳақ, бобо эса бирон кимса пайқамаетган бу сирли-синаотли нола қайдан келаётганини билолмай гарангсиз сукутга чўмган эди... Шу чоқ Зардушт бобонинг ўсиқ қошлари паноҳидаги нурсиз кўзлари илкис чарақлаб кетди, бобо бошини ёнбошига энкайтириб устун ортига мўралади. Ўша томондан «Мана! Мана!» деган шовқин кўтарилди. Тим ичи алғов-далғов бўлиб кетди. Тўс-тўполон қўпди. Зардушт бобо рўпарасида ҳеч зоғ қолмади. «Мана! Мана!» — деб ҳайқирган киши шекилли, икки қатор раста ўртасидаги ялангликка югуриб чиқди-да. «Ана! Анави қопдан олди! Олди!» — дея қўлини бигиз қилиб кўрсатганча тисралаверди. Ёрдамга ошиққанлар у киши кўрсатган қоп тепасига етиб бордилар — қоп оғзи очиқ эди. Қоп-қанорнинг ён-верига тумшуқ суқаётган уч-тўрт чоқли кишининг бирови, «Ана, ур!» деганча ўзини раста устига ташлади. Зардушт бобо шундагина Жажманни кўрди, махлуқ растага тўшалган ўрин устида қавагидан бош чиқариб атрофга қулоқ солаётган кўрсичқондек аланглади-да, лип этиб яна ғойиб бўлди.

Қув-қувчилар кўпайди: кимдир эмаклаб раста остига ўрмалаб кириб кетди, кимдир қоп-қанорни сур-йиқит қилишга тушди, уч-тўрттаси қўлига яримта-яримта ғишт парчасини тутганча аланг-жалабглаб хезланди.

«Жажман қўлга тушса керак» — деб ўйлади Зардушт бобо, ўйладию шу заҳоти фикридан қайтди: «Бир ҳамлада қўлга тушадиган бўлса шу чоққача жон сақлаб юролмасди». Бобонинг кейинги фарази тўғри келди: ҳарчанд қув-қувга қарамай Жажман қўлга тушмади. У сон-саноксиз оломон тажовузига парво қилмай гоҳ у — гоҳ бу раста устида пайдо бўлар, майизми-бодомми, ёнғоқ ё туршакними — бирдек иштаҳа билан митти юҳодек еб, қопчиғига тиқиштирарди. Писта уюмини совураётганда муштдек ғишт парчаси учиб келиб пистани тупроқдек тўзитиб юборди, Жажман шунда ҳам талвасага тушмай, ғойиб бўлди.

Дарвоза туруми шарақлаб харидорлар кира бошлади ҳамки, қув-қув тўхтамади: семизу ориқ, ёшу-кекса ҳолдан тойди. Жувон майизини, туршакфуруш пулини ўғирлатганини унутди.

— Ғиштни ким отганди? — деб сўради ҳарс-ҳарс нафас олаётган шоп мўйловли киши.

— Мен! — деди пучуқ мағизфуруш гердайиб, сўнг афсусланиб қўшиб қўйди: — Мўлжалдан сал хато кетди-да!..

Зардушт бобо тимдошларининг болакайлардек суханбозлигидан кулгиси қистаб қўлларини орқасига қилганича жойига қайтди, қайтаётди тим одоғига орқа ўгириб турган бўлса-да, яна гурсиллаган шовқинни эшитди. Ерга қоқилгандек тек туриб бутун вужуди қулоқ бўлиб тинглади: гурсс... гурсс... гурсс... Бобога ер ости гурсиллаётгандек туюлди, беихтиёр оёқ остига разм солди, қулоқ осди... йўқ, гурсиллаётган одоқдаги тим девори эканлиги аниқ эди...

Бобо жойига ўтиб ўтираётди, «Дарвозани оча қолинглар» деган маънода қўшни майизфурушга қаради. Дарвоза очилди-ю, тим ичи харидорга тўлди: ғала-ғовур, савдолашишлар, таллашиб-тортишишлар бошланди.. Зар-

душт бобо тимдошларига кўз югуртирди, улар гўё ҳаётларида унутилмас қувончли воқеа юз бергандек димоқлари чоғ, руҳлари тетик эди...

Эрталабки ҳодиса бир қанча кунгача оғиздан тушмади:

— Жажман қайтиб қорасини кўрсатмайди! — деди пистафурушлар.

— Утакаси ёрилиб ўлди, қанор-панорнинг остидан ўлиги чиқади энди! — деди ёнғоқфурушлар хахолаб.

— Зора қутулган бўлсак... — деди жийдафурушлар умид боғлаб.

Зардушт бобо эса мийиғида кулди, унинг назарида Жажманнинг мавжудлиги куну туннинг алмашилишидек муқаррар эди. У фақат бир нарсадан ташвишда, «Жажман ёлғизми ё унинг уруғи кўпмикан?.. Ёхуд, ҳамма ёқни Жажман босиб кетса қандоқ қилади, одамлар?» — деган ўйининг охирига етолмасди.

Бунга ҳам бобонинг ўзи жавоб топди...

Саҳарда, одатдагидан пича эрта уйғонди, уйғонди-ю, кейинги кунларда камуйқу бўлиб бораётгани, ухлаш ором эмас — азобга айланаётгани мулоҳазасини қилди... Э, ҳа-а, беармон яшади... оташ-олов бор экан, у ҳали яшайверади... Одамзод музлик салтанатига банди бўлмас экан, у — ҳаёт... «Ахурамазда, ўзинг мададкорсан!.. — деб шивирлади бобо астойдил. — Ихтиёр ўзингда, Ахурамазда!..»

Бобо ўй оғушида ўрнидан турди, ташқарига йўналган жойида Жажманга кўзи тушди. У пахтали камзулини елкасига омонат ташлаб ётган майизфурушнинг рўпарасида чордона қуриб ўтириб олган, лагандаги ошга қўл чўзгандек бемалол унинг кўйинини кавлаштираётган эди. Маст уйқуда ётган майизфуруш, қитиғи келдими, ғимирлади, кўзини қаттиқроқ юмди, махлуқ эса зиғирдеккина чангалида пайдо бўлган пулни боши узра кўтариб бобосидан обаки дандон ундирган болакайдай сакраб-ирғишлаб, лекин суваракдек сассиз-шовқинсиз югуриб дарвоза ёнига келди. Бобо ҳушини йиғиб улгурмай Жажман деворга суяб тахланган қопларга тармашиб юқорига зипиллаб чиқиб кетди. Дарвоза тепасига етганида ўша ердаги девор туйнугида ҳар бири сандалдек-сандалдек қўшалоқ ҳовуч пайдо бўлди. Жажман қопчиғини кўтариб ҳовучга ағдарди, устидан чангалидаги пулни ташлади, ҳовучлар шу заҳоти кўздан йўқолди, Жажман ғизиллаб пастга тушди...

Бобо кўз ўнгиде содир бўлган воқеани хийла фурсатгача идрок етолмади — манглайида ўлим шарпаси елиб ўтгандай юраги орқага тортди... баҳайбат ҳовучлар ҳе-е аллазамонларда — болалик кезлари тушида кўрган, Оташ момосини олиб қочган ҳовучларнинг ўзгинаси эди...

«Одамлар, воқиф бўлингиз... пойлоқчилик қилингиз, Жажманни қўлга туширингиз...» — дегиси келди Зардушт бобо баралла, «Жажман!.. Жажманни тутдингиз, яхшилар!» — деб ҳайқирганини, аммо ҳайқириғини тимдошларидан ҳеч кимса эшитмаганини эслади — «уларнинг дилини ўзинг нурафшон этгайсан, Ахурамазда!» — деди...

Зардушт бобонинг нолалари бесамар кетмади — қув-қув авжга мингани сайин Жажман ҳолдан тоя бошлади, энди у бемалолдан-бемалол нишхўрдлик қилмас, бир чўқиб ўн аланглар, сичқондек қув, олмахондек эпчил бўлиб қолган, нафси ҳақкалак отганидан кун-туннинг фарқига бормаи қўйганди. У тўппа-тўсатдан бирор раста устида пайдо бўлар, сотувчи ё харидорларнинг ҳай-ҳайлаб аюҳаннос солишига қарамай ер кавлаётган юмронқозикдек икки қўллаб қопчиғини тўлдирар ва одамлар эс-ҳушини ўнглагунча қочиб улгурарди.

«Ҳовучларни тўлдиролмай жони ҳалак!» — деган ўй кечди Зардушт бобонинг кўнглидан...

Сўл қатор растадагилар ҳар ерга каламуш қопқон қўйдилар, уни кўрган ўнг қатор растадагилар, «Жажман қопқонга тушмайди» деган хаёлда тешиктуйнук борки, сим тўр қоқиб ташладилар. Бозор эгалари юборган оқ халатли халоскорлар кунни бўйи савдони тўхташиб қўйди, сотувчию харидорларни ташқарига ҳайдаб тим ичини қўланса исга тўлдирди. «Ўн йилгача Жажманнинг қадами узилади энди!» — деган овозалар тарқалди, уч-тўрт кунгача одамлар оғиз-бурнини ёпиб жон сақлади. Жажман эса... тимдаги беҳаловатликларнинг ўзига тирноқча дахли йўқдек ўша-ўша — кечани кеча, кундуз-ни кундуз демай ўмаришдан толиқмасди, елдек пайдо бўлиб бировлар

қўлидаги пулни юлқиб қочар, унинг изидан ушла-ушла, ур-сур бошланар, натижа эса ҳамишадагидек: Жажман осонгина қутулиб кетарди...

— Сим тўрнинг катагидан сирғалиб ўтди-я! — дейди бирови.

— Уз кўзим билан кўрдим! — дейди унинг гапини тасдиқлаб бошқаси, — ҳамирдек чўзилди-ю, зулукдек сирғалиб ўтди-кетди!..

— Қўлим қопчиғига тушиб йиртвораё дедия, э, аттанг! — дейди яна бирови ҳовлиқиб.

— Кимда ким қўлга туширса беминнат ҳадя бор! — деб қолди Сўзамол ёнғоқфуруш.

— Беминнат ҳадя!..

— Мукофот!.. Мукофот!..

Оғиздан-оғизга кўчаётган бу хитобу ҳайқириқлар орасидан Зардушт бобо қулоғига гурсиллаган товуш хийла баландрок, аниқроқ эшитила бошлади. «Вақт-соати яқин...» — деди пичирлаб бобо. Ва растаси устида Жажманни кўриб соқоли асабий титради... Жажман сара сояки майиздан бир кафт олиб оғзига ташлади, шимди. Бобо унинг гуручдек майда, садафдек текис тишларини аниқ-таниқ кўраётганидан кўзига ишонмаса-да, жондорни қизиқиб бош-оёқ кузатди — Жажман ўлар ҳолатда ориқ, қўл оёғи гугурт чўпидек қилтирик, фақат у чунонам шиддат билан ҳаракат қилар, ҳаш-паш дегунча майиз уюмининг биқинини ўпириб ташлаган эди.

«Еганингда еявер-чи...» — деди бобо шивирлаб. Жажманни чўчитиб юбормаслик учун, сўнг махлуқ жон ҳолатда қопчиғини тўлдиришга тушганини кўриб беихтиёр кулумсиради, «Нафсинг бузилгани кунинг битганиданмикан?...» — деб сўради. Жажман бобони мазах қилгандек тиржайди, аслида у талвасага тушган — беҳад ошиқаётган эди...

Бобо кеча кунибўйи саралаган майизига ачинмай қўйгандек эди ҳамки, растанинг олд томонидан пусиб келган ён қўшниси сапчиб қад ростлади-ю, «хў, отангни!..» деганча ўзини майиз аралаш Жажманнинг устига ташлади, яна икки давангирдек майизфуруш унинг устидан ёпирилди. «Жажман эзилиб кетдиёв!» — деб ўйлади бобо.

— Қочди! — деди бўшашиб қўшниси.

— Қандоқ қочди?..

— Қаёққа қочди?!

Жажман устига ташланган майизфурушлар шундай деб ён-верига аланглай кетди. Қўшни майизфуруш кўзларини олайтириб бобога юзланди:

— Кўрдизми?.. Айтинг, қаёққа йўқолди?! — деб сўради у бўғилиб.

Зардушт бобо мийиғида кулумсираб тураверди.

— Гапирсангиз-чи, қаёққа йўқолди?! — деди азбаройи жон-фиғони чиққанидан ўшқириб қўшниси.

Бобо авзоини бузмади, қоматини адл тутиб рўпарасида тўдаланганларга сўзсиз қараб тураверди. Тўда катталашди. Қўшни майизфуруш бобонинг бетига ортиқ тик қаролмай кўзини олиб қочганда, унинг ёнида пайдо бўлган пистафуруш ғазабини яширолмай ўдағайлади:

— Барибир тутамиз!.. Сиз кўмаклашмасангиз ҳам бу аблаҳнинг уруғини қуритамиз!..

«Ҳароратингни дариг тутма, Ахурамазда!.. Кўнгилларни ўзинг мунаввар қилгайсан...» — деди Зардушт бобо ичида илтижо қилиб. Унинг кўксидеги таваллони тим одоғидаги деворнинг гурсиллаши босиб тушди. Мана, мана, ҳозир жамики одамзод қулоғини динг қилади, олди-сотди, ивир-шивирни бас қилади, ёшу кекса тим одоғи томон юз ўгиради...

Ғазабга минган пистафурушнинг тўсатдан ялтоқланиши унинг хаёлини чалғитди:

— Ҳаммасини кўриб турибсиз, айтсангиз бўлмайдимиз, бобо?! Қандоқ қилсак тутамиз, у баччағарни!.. Йўқотайлик, қутулайлик, хотиржам яшайлик, ахир!..

У ҳали замон гапдан тўхтайдиганга ўхшамас эди, шу чоқ қарама-қарши томонда челақнинг қаттиқ шарақлагани эшитилди, кимдир: «Ушладим!» — деб қичқирди — оломон гувиллаб ўша ёққа кўчди.

Кўнгли бир ғашликни туйган бобо жойидан кўзғалмади. Оломон ёпирил-

ган томонда ғала-ғовур авжига минди. Ҳамма ёқни: «Ким?.. Ким ушлади?» — деган овозлар тутди.

— Мен!.. Мен тутдим!.. Бопладим! — деди кимдир мамнун ва қувончдан ўтакаси ёрилгудай бўлиб.

Оломон Жажманни қўлга тушириш бахти насиб этган кимсани кўриш умидида олдинга сурилди, «Ўлдирамир!..», «Мен ҳам уриб қолай!» — деган хитоблар, бақриқ-чақриқлар қулоқни қоматга келтирди. Ва туйқус сукунат чўкиб Сўзамол ёнғоқфурушнинг ҳаяжонланган, ғолибона овози эшитилди. У растанинг устига чиқиб олган, худди байрамона нутқ ирод қиладигандек, қайчиланган хушбичим мўйлабини силаб-силаб қўйиб сўйлар эди:

— Гап битта: Жажман ўлимга маҳкум! Вассалом!

Оломон гувиллаб унинг ҳукмини маъқуллади. Ёнғоқфуруш йигит худди туя сўймоқчидек ҳафсала билан енгларини шимарди, челак устига энгашди, тўдалашганлар давра ясаб уни ўртага олдилар. Ким қўлига қадоқ тош, ким ғишт парчаси, ким сўйил тутган — ҳамма шай эди.

Сўзамол ёнғоқфуруш челак остига қўл суқди — йиғилганларнинг кўзи ола-кула, қасос чоғи етганидан нафрат ҳамманинг кўзига, қўлига кўчган эди — челак шарақлаб ағдарилди-ю, ёнғоқфуруш йигит чўғ ушлаб олгандек қўлини силтаб тортди.

— Тишлади! — деди у жон ҳолатда бақриб.

Челак остидан чиқиб олган Жажман қочишга чоғланиб улгурмай учи айри сўйил уни ерга қапиштириб қўйди. Бунни кўрганлар «ўлди-и!» деб улгурмай, Жажман айри остидан сирғалиб чиқди, бир силкинди-ю, ўзини оёқлар орасига урди — ўтолмай орқасига қайтди, қайтган жойида бошига муштдек қадоқ тош тушди — Жажман йиқилиб, ерга чўзилди, «Ўлди!.. Ўлди!..» деб юборди оломон. Лекин Жажман жин ҳам урмагандек яна оёққа турди, қўлчалари билан қопчиғининг оғзини тутганича дикирлаб олдинги қаторда турганлардан бирининг елкасига сакраб чиқди — қий-чув кўтарилди, Жажман лип этиб, дикирлаб бошдан-бошга, елкадан-елкага ўта-ўта бориб нима бўлдию яна оёқлар остига — тўда орасига тушиб қолди. Кимдир уни қаттиқ тепди. Жажман ердан икки қулоч кўтарилиб ерга чалпакдек бўлиб тушди, тушди-ю, бояги учи айри сўйил уни яна ерга қапиштирди... «Бос! Бос!» деб ҳайқирди оломон гуриллаб. Бироқ сўйилнинг учи худди муз устида тойиб кетгандек сурилди, Жажман айри остидан сирғалиб чиқди, чиқдию қаддини ростлай олмади — чамаси айрининг зарбидан унинг бели майишиб кетган эди.

— Ўзинг огоҳ бўл, Ахурамазда! — деб кўзларини юмди Зардушт бобо. — Ўзинг огоҳ бўл!..

Тим одоғи томондан эшитилаётган зорланувчан, ёлборувчан гурсиллаш дўқ-иддаога айланиб бобонинг шивирини, унга қўшиб оломоннинг шовқинини босиб тушди. Зардушт бобонинг кўнгли оғир нохушликни сезиб кўз олди қороғилашди, мияси ғувиллади... тим шифтига қапишган уч бошли Аҳриман кўзларидан совуқ булут пуркаб Ахурамазда устига ташланди, Ахурамазда оёқда туролмай ёнбошига ағдарилди, ағдарилаётган жойида оғзини ўрадек очган Аҳриманнинг башарасига ўт пуркади, Аҳриман сапчиб шифтга кўтарилди, Ахурамазда қаддини ростлай деганда Аҳриманнинг оғзидан пуркалган булутлар орасидан бир, икки, уч... яна, яна, яна Жажманлар дикирлаб чиқиб кела бошлади, Ахурамазда уларга ҳам олов пуркади, Жажманлар куймади, Ахурамазда ўт-оташга дош берадиган жондорни кўрмаган эди-босиб-босиб олов пуркади — Жажманлар худди алангаи оташда яйраб-яйраб ҳузур қилаётгандек ирғишлар, бу етмагандай, Ахурамазданинг елкасига, бошига чиқиб-тушар, тинимсиз қандайдир товуш чиқарар эди... Шифтга қапишган уч бошли Аҳриман оламини бошига кўтариб хахолади...

— Огоҳ бўл, огоҳ, Ахурамазда! — деб кўзларини баттар юмди Зардушт бобо, турган жойидан қимирламай. — Аҳриман ўлмаган, Ахурамазда!.. Огоҳ бўлгайсиз, яхшилар, огоҳ!.. Ахура...

Бобо эзгулик тангрисининг номини айтиб улгурмай осмонўпар қоятош ағдарилгандай нимадир беўхшов гумбирлади, шунинг баробарида оломон орасидан отилиб чиққан аянчли чинқирқ қулоққа найзадек қадалди, кейинидан «Қочди!.. Қочди!.. Ушла!..» — деган шовқин кўтарилди-ю, талотўп қўпди — ўн чоқли киши устма-уст ерга ташланди. Чалажон Жажман шунда ҳам

таслим бўлмасди: девдек одамлар остида ерга чаплашгудек чўзилар, одамлар энгил нафас олган заҳоти дик этиб қаддини ростлар — қочишга чоғланар — яна издиҳом пойи остида қоларди...

Нафаси бўғзига тикилиб толиққанлар талотўпдан узилиб орқада судралар, улар ўрнини бошқалар эгаллар — Жажманга тинимсиз, беаёв калтакмушт ёғдирар — Жажман ҳар сафар ўзини ўнглаб олар, худди калтак остида қолганини сезмагандек, ҳамон кўзлари олма-кесак терар — афтидан қўлига илинадиган нарса қидирар — шундай бўлса-да, унинг ҳолдан тояётгани, юришлари тобора сустлашаётгани, қаддини тутолмаётгани сезилаётган — оломон зўр келаётган эди...

Ва ниҳоят!.. Ниҳоят... бирдан ур-сур тўхтади, «ҳою-ҳай-ҳай»лар тинди, тим ичига сув қўйгандек жимлик чўкди... у ер-бу ерда юмалаб-эмаклаб Жажманни дўппослаганлар бирин-сирин оёққа турди ва... Сўзамол ёнғоқфуруш Жажманнинг калта думидан тутиб чалажон танани боши узра кўтарди.

— Ҳу-у, тўнғиз қўпгур! — деб юборди кимдир.

— Улгани рост бўлсин-а! — деди яна биров севиниб.

— Бир томчи қони чиқмадия, тавба-а!..

— Худо янглишиб яратиб қўйган бу баччағарни, қон — ҳайф унга!..

Оломон орасида кулги кўтарилди. Текинхўр балосидан қутулган аламзадалар кучоқлашган, ўпишган, йиғлаган... қуёш бу кун тимнинг ичидан кўкка кўтарилаётгандек эди...

Ёнғоқфуруш йигит махлуқнинг жасадини кўтариб турганича тимдошларига қарата яна сўз айтди:

— Ёмоннинг куни битди, биродарлар!..

Жажманинг қопчиғидан қолган-қутган майиз, писта тўкилди. Оломон уни кўриб кулиб юборди, бироқ шу пайт... Жажман гапирди:

— Ло... кила!... Локил... ла!..

Сўзамол ёнғоқфуруш чўчиб Жажманнинг жонсиз танасини ирғитиб юборди, сачраб ўзини орқага ташлади, ҳангу-манг бўлган оломон шамдек қотди. Тим ичи шунчалик жимжит бўлиб қолдики, азбаройи, Жажман жон бераётиб базўр такрорлаган бир оғиз сўз ҳамон ҳавода таралиб эшитилиб турарди. Оломон худди осмондан одамларнинг эсини оғдириб қўядиган сас ёпирилиб келаётгандек талвасага тушди.

— Зардушт бобо...

— Зардушт...

— Бобо...

— Зардушт бобо!!! — деб юборди оломон бир овоздан илтижо қилиб — издиҳом кўчкидек сурилиб бобо томон силжиди. Зардушт бобонинг эса қулоғи том битган — эшитмас, рўпарасида умидвор тикилиб турган издиҳомни кўзлари кўрмас — бошини ғоз тутганича тўғрига — тим одоғи томон юз тутиб турарди. Шу пайт... шу пайт... тим одоғидаги девор тепасидан катта-кичик кесак-гувалаклар кўчиб дўпирлаб ерга туша бошлади — тим ичи чанг-тўзон остида қолди... Деворга яқин турганлар аранг ўзини четга олишга улгурди, тумонат бўридан ҳурккан сурувдек бир бурчакка ғуж бўлиб қисилди, оломон кўзлари ола-кулалашиб тим одоғига анграйди... Шу кўзлар, шу нигоҳлар ўнгида тўзон босилди, босилди, босилди ва деворнинг тепасида ўранинг оғзидек қора туйнук кўринди... қандай ҳодиса юз бераётганига фаҳми етмаган оломон ҳанг-манг бўлганича қотиб турар, бирон зот қилт этишга журъат тополмасди ўзида... Ана шунда қора туйнукда бир жуфт баҳайбат ҳовуч кўринди... ҳовучлар ичкарига суқилиб кирдию улардан ҳозиргина базўр, минг бир азобда ўлдирилган Жажманга икки томчи сувдек ўхшаш бошқа бир Жажман сакраб ерга тушди, фақат у олдингисидан хийла дуркунроқ — бўйи икки қарич эди...



Жамшид

ХАЁЛЛАР РАНГЛАРИ ТЎҚНАШАР

* * *

Сиғамиз.
Сиғмасдан илож йўқ.
Бепарво кузатар деворлар:
Бир тараф — лўппи юз соғлару
Бир тараф — оғриқдан беморлар.

Сиғамиз кичик бир хонага,
Ҳасадлар, ҳаваслар, ҳайратлар.
Хаёллар ранглари тўқнашар,
Бағирга қадалар байроқлар.

Бу одам ташвишда — тўй қилар,
Санайди кўз юмиб чиқимни.

Бу зотнинг фикрида — қинғирлик,
Ҳадиклар тимдалар ичини.

Анови ёқмоқни ўйлайди
Такаббур, таъмагир бошлиққа.
Ёш ходим бу ҳолга чидолмас,
Қизишар, ёшлик-да, ёшлик-да...

Ўтмоқда бечора умрлар,
Кекирар бехосдан қорни тўқ.
Йўқ, асло бу хона тор эмас,
Сиғамиз,
Сиғмасак, илож йўқ...

Самимият

У томонда майин шамоллар эсгай,
Жийданинг ҳузурбахш бўйин таратиб.
У томон қуёши беғараз, сахий,
Майсаларни нур-ла сийпар яйратиб.

Поёнсиз кенгликда, оқ туман аро
Илоҳий бир шарпа ўзига чорлар.
Кимгадир ўхшарди... кимга? Эслолмам,
Тузуқроқ қарашга қўймас ғуборлар.

У томон мен учун қўл етмас маъво,
Нотаниш кимса ҳам армоним бўлди.
Бобомга ўхшатиб хаёлан уни,
Юрагимга аччиқ бир алам тўлди.

Бош чайқаб чорларди бесадо, бетин,
Ястанган ҳув мовий адирлар томон.
Гўё ўша ёқда беҳишт боғлари,
Гўё ўша ёқда биз билмас жаҳон.
Қўл чўздим, етмади, ўртада, ахир,
Оқиб ётар телба, бўтана сувлар.
Билмайсан, ҳислар ҳам қоришиб кетган,
Сочилган хазондир — эзгу туйғулар.

Бу қирғоқда ётган одам туслилар,
Бадан қизартирар йиғиб уятни.
Улар етти ухлаб тушида кўрмас
У қирғоқда турган Самимиятни.

Бир идора котибасига

Моҳирахон, сизга осон тутмайман,
Қийин шерик бўлмоқ гуноҳ, савобга.
Дилингиз оқлигин биламан, лекин
Зоҳиран юрасиз турфа ниқобда.

Яшаш керак, ахир, бир ёқда рўзғор,
Турмуш деган нарса ҳар кўйга солар.
Сиз учун фарқи йўқ бошлиқ зотининг:
Исолар бўшаса, келар Мусолар.

Бирови болажон чиқар, мулойим,
Бировин нигоҳи найзадир, ўқдир.

Буйруқлар ёзасиз гоҳ сохта, гоҳ чин,
Бунда сизнинг зарра айбингиз йўқдир.

Кўрганман кўп марта «уф» тортганингиз,
Машинка ёнида ўтириб беҳол.
«Укажон, мен бунга чидай олмайман,
Укажон, топилмас наҳот бир ҳалол?»

Томоша бошланса саҳнада, доим
Кучлилар кучсизни эзиб яшайди.
Ўйлаб қарасангиз, бу умримиз ҳам
Саҳнада ўйналган ролга ўхшайди.

* * *

Тиланг, ер юзида барча малаклар
Қайноқ бағирларга маҳкум бўлишсин.
Тиланг, оқшомларни йўғириб нурга,
Юлдуздай чарақлаб, ойдай тўлишсин.

Аёлни ўкситиб тасодиф, қисмат,
Бола эмизмоқдан бўлмасин маҳрум.

Дунёдан ўтининг, барча аёллар
Ширин ташвишларга этилсин маҳкум.

Севгига муносиб парирўларга
Шивирлаб айтингиз соҳир эртақлар.
Сийму зарларингиз ҳечдир, уларни
Бахтиёр қиласиз, жўмард эркаклар.

Еру осмон тўлар шунда рангларга,
Шунда пойингизда чечаклар кулар.
Эркаланг, сочларин силанг тонгларда,
Сизга тикилмоқдан толмасин улар.

Ёлғизлик — ўлимдан оғир жазодир,
Ёлғизлик — юракдан қувғинди хаёл.
Билмайман, бундан сўнг қандай яшаркин —
Эркак шафқатини кўрмаса аёл...

Тўртлик

Сукутга кетгандай гўё ер шари,
Йўқ, бетин юраги уриб турибди.
У ўйчан бобомдай ёнбошлаб тунда,
Ўтган кунин ҳисоб қилиб турибди.

Душанбе



Турсун Али

БИР КУН БАҒРИНГИЗГА ЕЛИБ БОРАМАН

* * *

Бўм-бўш далаларда кезаман ўйчан...
Билмадим,
Недандир оғрир юрагим?!
Бунда тутлар боқар маъюс, мунғайган,
Ёнимда ариқча оқаётир жим.

Энди қаҳратон қиш, қарғалар учиб
Бўронлар бағрида синар бардошин.
Паноҳ сўрагандай, қорларни қучиб
Шамол далаларга кўяди бошин.

Бўм-бўш пайкалларда кезиб хаёлчан,
Мунгли қалбга юпанч излайман бирон.
...Бўм-бўш далаларга тикилиб ўйчан
Қаршимдан сен чиқдинг, деҳқон бобожон.

Ҳорғин кўзларингда баҳор кулмоқда,
Сен чигит қадайсан энтикиб, илдам.
Ғўзалар барқ урар, кўнглинг тўлмоқда,
Менинг ўйларимдан қиш кетмас бу дам...

* * *

Нечун, яна кўзим, кулмайсан, нечун!!
Р. ПАРФИ

Қаноти қайрилган қушча мисоли
Синиқдир овозинг — ғамгинсан ғоят,
Нечун энди кулмас чўлпон кўзларинг?
Еҳуд тарк этганми сени саодат?

Қувноқ давраларда энди бўлмайсан?
Ёлғизлик элида кезасан маъюс.

Наҳот энди, наҳот, бир бор кулмайсан,
Эй менинг қаршимда синиққан юлдуз?!
Деразанг кўзига урилар ёмғир,
Ташқарида кезар яланғоч совуқ.
Ҳонанг ҳам совийди, жунжикиб охир,
Кўрпага бурканиб сен тортасан уҳ...

Топталган оппоқ гул кирар тушингга,
Юрагингни эзиб ўтар бир сезги.
Энди келолмассан тамом ҳушингга,
Сен, ахир, адашган, хўрланган севги.

* * *

Бир кун бағрингизга елиб бораман,
Ҳей, менинг қон ютган анорзорларим.
Соғинч ўтларида бу кун ёнаман,
Эй сиз, дийдоримга интизорларим,
Бир кун бағрингизга елиб бораман.

Анорзор боғларим, билмайсиз сизлар,
Менинг ҳам фироқда бағрим лахта қон.
Ўзимни отганман тирик ўтларга,
Бир кун қайтмасам бас, безабон, бежон,
Ҳей, менинг қон ютган анорзорларим.

* * *

Офтоб ҳам тик турар терак учида,
Ғўза япроқлари боқар анграйиб.
Дарахтлар соясин тиқиб пинжигга,
Пойига қарайди маъюс, мунғайиб.

Бир гала чумчуқлар ариқ бўйида
Қанотин ювишар, чўчиб, ийманиб.
«Бугунги иссиқ ҳам айни тобида» —
Оқ ятакли бобо қўяр жилмайиб.

Шийпон қўйни тўла қиз-жувонларга,
Турфа хил гурунглар бошланар бу дам.
Бир тўда болалар қушчалар каби
Толғин оналарга тирмашар маҳкам.

Узоқларда эшак ҳанграйди вазмин,
Бир сигир уватда турар қантариқ.
Қайдандир шаббода келади майин,
Ором оғушига шўнғийди борлиқ.

* * *

Дарахтлар тунларни ўтказар бедор,
Эртаклар айтади сокин, шивирлаб.
Юлдузлар сирини илиб қулоққа,
Ойни чақиради оҳиста имлаб.

Уйғониб хушчақчақ, енгил шаббода
Яшил япроқларни тортқилаб кучар.
Дарахтлар тунларни ўтказар бедор,
Собит елкаларда ухлайди қушлар.

* * *

Бу кун мен саҳрода қолган йўлчидай,
Висолинг йўлида ўртандим, куйдим.
Сенсиз гулбаҳорим менга қишлигин,
Ёз эса кузлигин англадим, туйдим.

Сенсиз ўтаётган узун умримни,
Қарзга берганман фоний дунёга.
Сенга гар етишсам, у кун умримни
Қайтариб оламан, чўмиб зиёга.

* * *

Жуда кеч уйғондим.
Сувга чўккан
харсанг каби,
кўзларим очиқ ухлабман,
елаётган вақт аравасида.

Кўзларимдаги ҳаяжон

* * *


Бас, чекин, совуқ сукунат,
кўрмаяпсанми, борлиғим ёнмоқда.
Энди исён қилар тилим.

* * *

Бу сўзнинг чандиқ бадани
ва ёйдаи қомати
юрагимга ўт ёқиб қўйди.

* * *

Сен йиғладинг,
шу қадар чинқириб йиғладинг,
қоялар уйғониб кетди, унингдан!



Сафар Барноев

ИККИ ҲИКОЯ

Арвоҳлар

Уша йили қиш совуқ келди. Қор ёғмаса-да, Бухорони қора совуқ босган, изғирин аёвсиз эсарди. Ер тарашадек қотган. Ариқдаги сувлар музлаган эди.

Тонг отиши билан арра, болта кўтарган ёш-яланг қишлоқ атрофидаги дарахтларни қоралаб йўлга тушарди. Қуриган шохларни чопишади, арралашади. Кечгача болтанинг тўқиллаши, арранинг ғийинглаши эшитилади. Одам борки, қўлига илинган ўтин-чўпни кўтариб уйга ошиқади. От-улови борлар Қизилқум этакларида ўсган саксовулу юлғунни чопиб, уловларга ортиб, кечки пайт қишлоққа қайтар эди. Баъзида бунинг акси бўларди. Ҳафталаб қор гупиллаб ёғар, лойсувоқ томларни қор босиб қолар эди.

Оила бошлиғи бувим дилдираб ўчоқбошига чиқар экан, ўзича тўнғиллаб қоларди:

— Қиш дегани фақат биздан қаҳрини оладими-ей. Совуғига чидай десанг, қори ундан ўтади-я. Нима бало, қиш ҳам очиққанда келадими-я. Табиатда ҳам раҳм-шафқат қолмади.

Чамамда ўша йиллари қиш чинакам қишлигини қилар эди. Бугунгидек қачон келиб, қачон кетишини билмай юрмасдик. Карим билан иккимиз танчага тиқилиб олиб, бувимнинг сўзларини эшитамиз:

— Бу норасидаларнинг ризқи бир кун бутун бўлар. Суяги ҳам қотар. Жонинг қийналгани қолар.

Биламан, ҳозир бувим олов ёқишга қийналади. Ҳўл ўтин ҳадеганда ўт олмайди. Тунатқи қалайди. Қўлига уфлай-уфлай бидондаги керосинни бостирма тагидан олиб чиқади. Учоқдаги ўтин устига қуяди. Лов этган овоз эшитилади. Ҳовли юзига аллақандай хид тарқайди.

— Хайрият-э. Енар экансан-ку...

Бувим челакни кўтариб, муз ерни қарс-қурс босиб, уйимиз орқасидаги ариқ томон юради. Борди-ю, бувимдан олдин сув олгани қўни-қўшни ариққа чиққан бўлса, яхши-я. Чиқмаган бўлса, бувим яна изига қайтади. Теша олиб боради. Ариқдаги қатлам-қатлам музни челак сиққудек қилиб тешади. Инқиллаб-синқиллаб изига қайтади. Қорайиб кетган чойгумни тўлдиради. Енаётган олов ўртасига чойгумни қўйиб, уйга киради.

— Туринглар энди. Кун ёйилиб кетди, — бувим шундай дея нон-сандиғини очади.

Карим билан иккимиз танчага ёпилган кўрпадан бошимизни чиқарамиз.

— Тур, Карим.

— Сен-чи?

— Сен тур.

— Олдин сен тур.

Дастурхондаги ушоқларни тераётган бувим иккаламизни баравар чақиради:

— Каримжон, Садиржон, туринглар.

Турамыз. Бошимиз остидаги чопонни апил-тапил кийиб ташқарига чиқамиз.

— Қор билан қўл-бетларингни ювингла, юзларинг ойнадай тиниқ бўлади, — бувим орқамиздан тайинлаб қолади. Кейин ўзича хиргойи қилади.

**Қиш келди деб қувонма,
Совуқлари бордурр...**

Карим билан иккимиз энг олдин ўчоқ бошига борамиз. Исинишга тутинамиз.

— Болаларим-ей, бунчалик нимжонсизлар. Танча қолиб энди ўзларингни ўчоққа урдиларингми?

— Ҳозир, — деймиз. — Ҳозир, бувижон!

— Ҳозирларинг бор бўлсин...

Ўчоқ атрофидаги қордан олиб, юз-қўлимизни ишқалашга тушамиз. Бету қўлимиздан эриб тушган қор суви ёнаётган оловга томиб, «пов-пов» этиб сачрайди.

— Ҳой, ўтинни зўрға ёқдим-ку. Бунча жонларинг ширин-а. Учириб қўйсаларинг, керосинни қайдан топаман? — дейди бувим.

Қўл-бетимизни ярим-ёрти ювиб, чопон этагига артиб, ўчоқ бошида чўнқайиб ўтирамиз. Уҳ-ухлаб қўлларимизни оловга тутамиз. Айвон бурчагига тиқилиб олган шохдор сариқ эчки бизни кўриб, ипини узгудек бўлиб биз томон бўйнини чўзади.

— Маа-а.

— Хааа, — дейди Карим. — Совқотдингми?

— Маа-аа, мааа-аа...

— Хааа... — Карим эчки томон мушт ўқталади.

Ичкаридан бувимнинг овози келади:

— У жонивор ҳам оч-да.

Бувим сариқ эчкимизни қиш кунлари даҳлизга олиб кириб, бойлаб қўяди. Аёз авжига чиққан кечалари эски кўрпачаларни эчкининг устига ёпиб қўяди. Эчкимиз олдинлари бунга кўникамаган бўлса-да, кейин-кейин кўникди. Бувим айтганидек, совуқ мажбур қилди. Эчкимиз устига кўрпа ёпилиши билан ўнг томонга ёнбошлаб олиб ётадиган одат чиқарди.

— Оёқларини ҳам йиғштириб олади-я, жон ҳаммага ширин-да, — кулади бувим.

Карим билан иккимиз ёз, куз ойлари ана шу сариқ эчки учун тикан, хашак йиғамиз. Қиш кунлари у айвон томига чиқиб, эчкига хашак олиб тушади. Совуқ бошланиши билан Карим анча қийналади. Томга бир амаллаб чиқади. Паншаха билан муз қотган хашак, тикан уюмини зўрға титкилайди. Не-не азобда дам паншахада, дам қўлда сариқ эчкига егулик бирор этак музлаган хашак олиб тушади.

Эрталаб анча совуқ эди. Ўзи қалт-қалт титраб, ўчоқ бошида илиниб турганида сариқ эчкимиз худди унга «тезроқ томга чиқ» дегандек, маърай бошлади. Эчкимиз тинимсиз маърайвергач, Карим бошини чопонига ўраб олди. Мен атай уни чўчита бошладим.

— Карим, эчкимизга ёмон ният қилдинг.

У ҳушёр тортиди.

— Нима? — деди.

— Ҳо, анойи. Кечагина, ўлсин, соқов бўлсин, дегандинг-ку. Ўлса, соқов бўлса, сути ҳам қурийдди. Қозонимиз қайнамайди, тамом.

Карим чўчиб тушди.

— Мен ялғондакам айтгандим.

— Ростданми, ялғонданми, барибир. Тамом энди, эчкимиз ё соқов бўлади, ё ўлади.

— Маа, маа.

Карим эчки томон қаради.

— Ана, тили бор-ку.

— Тили бўлсаям энди ўлади. У сен билан видолашаяпти.

Карим дик этиб ўрнидан турди. Чопиб бориб сариқ эчкининг бўйнини қучоқлади. Сариқ эчки чопони энгини ямлай бошлаганини ҳам сезмади.

— Қоч, чопондан айриласан!

Карим ўрнидан турганида сариқ эчкимиз унинг олақуроқ чопони энгини тортиб қолди.

— Ҳаром ўл! — деди у силтаниб. Сўнгра эчкининг оғзига ёпишди. Чопон энгини эчки оғзидан тортиб олиш қийин бўлди. Карим қанча зўр бериб тортмасин, оч эчки жон-жаҳди билан тишлаб, чопон энгини тиши остидан бўшатмас эди. Барибир эчки зўр чиқди. Чопон энгининг бир бўлагини йиртиб олди. Карим ҳўнграб юборди.

— Йиғлама, — дедим уни юпатиб, — ўлиб-нетиб қолса, сут ҳам йўқ, қозон ҳам қўп-қуруқ. Чопон топилади...

Карим жимиб қолди.

Сариқ эчкини бу йил кузда сотиб олган эдик. Ҳали болаламаган бўлса-да, ҳар эрталаб бир косача сут бериб турибди. Бувим ана шу сутдан тез-тез бизга атала пишириб беради. Қолган пайтлари зоғора, гўжа, шўрва деган овқатлар канда бўлмайди.

Каримнинг икки кўзи эчкида.

— Кўп қарайверма, — дедим унга, — оз бўлса-да, энгиндан еб, қорни тўйди. Энди ўлмайди.

— Яхши ният қил, — Карим қозонга қаради.
— Унда, — бирпас ўй сурган бўлдим, — унда томдаги қорни ўзинг курайсан. Эчки-ни ўзинг тўйдирасан.

— Сен-чи?

— Менми, мен эчкини дуо қилиб ўтираман.

— Ўлмасин дебми?

— Соқов бўлмасин, ўлмасин деб.

Ҳар доим томни сен курайсан, эчкини мен боқаман ёки аксинча, сен эчки боқасан деб эрталабдан талашадиган Карим лом-мим демади. Чуқур хўрсинди-да:

— Ихтиёринг, — деди.

Каримни оппа-осон кўндирганимга хурсанд эдим. Чунки бу кеч қор қалин ёққан эди. Эчкини боқиш ҳам, қор кураш ҳам теппа-тенг азоб. Иккаласи ҳам Каримнинг бўйнига тушди: Ўзида айб. Нега дабдурустан сариқ эчкимизга ёмон ният қилди. Йўқса, уни кўндириш қийин эди.

Ҳаво илиқ кунлари у эчкини етаклаб, боққани олиб чиқарди. Менга ўй ишлари, ўтин ёриш, сув ташиш қолар эди. Бу кун эса ҳаммаёқни қалин қор босди. Иккаламиздан биримиз томга чиқишимиз турган гап. Ана шунинг учун эчкининг маъраши унга ёқмай қолди.

Кейин... Пешинга бориб бувим эчкини соғиши, бизга атала пишириб бериши керак.

— Тоза гаплашиб тўйдиларингми, — бувим уйдан хокандоз кўтариб чиқиб қолди. — Икковинг ҳам уйга кир, танчага ўт соламан.

Карим эчки ямлаган енгини яшириб ўй сари юрди. Бизни кўриб, сариқ эчки чўзиб-чўзиб маъради. Карим ўгирилди. Эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Эчкижоним...

Бувим танчага олов солди. Мен чой дамладим. Танча атрофида ўтиришимиз билан, бувимиз танчадан бир коса гўжани олиб, дастурхон устига қўйди.

— Гўри нурга тўлгурлар, бу кеча келишмабди. Қаҳратон қишда... Сен норасидаларга кўзи қиймаган-да...

— Яна оч кетишибдим, — Каримнинг кўзлари ола-кула бўлди.

— Оч, болам, оч.

— Унда мен емайман.

— Енглар, болаларим, енглар...

— Емайман, — деди Карим. Унинг кўзида ёш қалқиди. — Емайман. Онам оч.

— Вой, болам, нималар деясан? Егин. Онангга бу оқшом яна олиб қўяман. Сенларни есин деган-да. Ахир ҳаво совуқ. Қиш одамни ютаман дейди. Сенларга илинишган-да.

— Улар совуқ қотмайдиларми?..

Бувим даҳлизга чиқиб кетди.

— Сен ҳам ема, — косадаги гўжани суриб қўйди Карим. — Бу онамнинг ҳақи.

Косадаги гўжага тикилиб қолдим. Карим ўрнидан турди. Косани токчага қўйди.

— Бу онамнинг косаси...

Дастурхонда бор-йўғи икки дона зоғора бор эди. Чақалоқнинг муштидек келади-ган бу зоғоралар ҳозир минг бўлакка бўлганимизда ҳам, қорнимизга юқ бўлмасди. Косани дастурхонга қўйдим.

— Каримжон, кел, бирга ейлик.

У дастурхон устига ётиб олди.

— Емайман!

Мен Каримга ёпишдим. У дастурхон билан косани ўраб олди.

— Бермайман!

— Берасан!

— Бу арвоҳнинг ҳақи!

— Ёлғон, ўзимизники! Бер буёққа!

— Бермайман! Арвоҳдан қўрқмайсанми?

— Сен-чи, сен? Эрталаб туриб эчкимизга ёмон ният қилдинг. Бер буёққа!

Карим дудуқланиб қолди.

— Эчки тирик. Онамла...

— Улган одам овқат емайди. Бер буёққа!

— Ахир улар оч-ку! — Карим хўнграб йиғлашга тушди. Бувим атай...

Бувим кейинги кунларда овқат пишиши билан бир косани тўлдириб, танчага келтириб қўяди. Кейин бизга тайинлайди:

— Бу арвоҳларнинг ризқи, болам. Яна тегиб-нетиб юрманглар... гуноҳ бўлади. Ўлганлар оч қолади.

Карим билан иккимиз ярим коса гўжани ичиб бўлгач, қошиқни ялаб токчага тикиламиз.

Бувим жавдираб турганимизни кўриб, ҳар оқшом бирдай сўз бошлайди:

— Бу арвоҳларнинг ризқи. Улар ҳар оқшом, оёқ товуши тингач, келиб бизлардан хабар олади. Кейин ўтириб овқатланади. Кетиш олдидан косани ювиб жойига қўяди.

— Кейин-чи? — кўзлари ола-кула бўлиб сўрайди Карим.
— Яна келган жойига кетади.
— Кундузи келса бўлмайдими?
— Улар кундузи ётиб, ярим кеча уйғонади.
— Улганлар ҳам тириладими?
— Арвоҳга айланиб қолади, болам.
— Арвоҳ қанақа бўлади, бувижон?
— Арвоҳми? — бувим ўйланиб қолади. — Арвоҳ — арвоҳ бўлади. Унинг кўзлари катта-катта. Кўллари узун. Ҳаммаёғини тук босган. Оғзини мана бундай очиб, — бувим қулочини ёзади, — очман, тўйдириглар, деб келади. Кейин елкасида иккита шохи ҳам бўлади. Қани, ўралибгина ётинглар. Ҳали-замон келиб қолади. Қани-қани, тезроқ ухланглар.

Бувим кўрпани бошига ўрайди. Биз ҳам танча ичига кириб кетамиз. Анчагача жим ётамиз. Бувим «пулқ-пулқ» қилиб хуррак отади. Карим тирсаги билан биқинимга туртади.

— Ухладингми?
— Й-ўўқ.
— Ухлама. Арвоҳни кўрамиз.
— Қачон келади?
— Менга қулоқ сол. Ҳаммаёқ жимжит. Камол бобонинг ҳангроқ эшаги ҳам ҳанграмаяпти. Ҳушёр ёт. Кўрамиз.

— Нимани?
— Бувим айтган арвоҳни.
— Эшикнинг илгаги илинган. Қаёқдан киради.
— Илгакни секин очиб қўяйми?
— Бувим уйғониб кетади.
— Пилқ-пилқ қияптилар.
— Жим, эштадилар.
— Садир, арвоҳ қанақа бўларкин?
— Бувим айтдилар-ку.
— Кўзимиз билан кўрсак яхши-да.
— Мен кўрқаман.
— Менам кўрқаман-у... Овқатни қандай еркин...
— Қорни оч бўлгач, ейди-да.
— Деразани очиб кириб келса-я.
— Жим ёт.
— Уйқум келмаяпти. Сен ҳам ухлама.
— Қўй. Мен ухлайман.
— Оёғингни чимчила, уйқинг қочади.

Каримнинг кўкрагига қўлимни қўяман. Унинг юраги гуп-гуп уради.

— Узинг ҳам кўрқаяпсан-а.

Карим елкага бошини қўяди.

— Овоз чиқармасак бўлди.

Ташқарида ҳамон изғирин увлайди. Муздек қотган эшик қирс-қирс овоз чиқаради. Бир-биримиздан беҳабар ухлаб қоламиз. Эрталаб туриши билан Карим тоқчага қарайди.

— Бувижон, арвоҳлар овқатни косаси билан еб кетибди.
— Ҳа, болам... Улар кўпчилик. Амакиларинг... Тоғаларинг... Бечора онанг... Бирга еймиз деб косаси билан олиб кетгандир-да... Бу кеча келганида косани топ-тоза ювиб жойига қўйиб кетишади.

— Онам ҳам келадиларми?
— Қайси эртароқ келса...
— Бувижон, бу кеча онам келсинлар...
— Вой, болам, менинг қўлимда бўлса-ку...

Карим маъюс тортади. Гоҳида еб турган зоғорасининг ярмини тоқчага қўяди.

— Узинг е, болам, — дейди бувим.

— Емайман. — У шундай дейди-ю, тамшанади.

Карим ҳозир бувим «арвоҳлар бу кеча келишмабди» деб дастурхон устига қўйган гўжали косани сира бергиси йўқ. Қорним эса мушук тирнагандек таталаяпти.

Каримга кучим етавермагач, унинг жимжилоғини тишлаб олдим.

— Вой қўлим, — дод солди Карим. — Вой-вой!

Мен шошиб гўжали косага ёғоч қошиқ солдим.

— Ема, ема! Арвоҳнинг овқати. Буви...

Бувим кириб келди.

— Падарқусурлар!
— Қаранг, буви. Овқатни еяпти.
— Енглар, ош бўлсин, болам.

— Арвоҳлар-чи! Онамнинг арвоҳи оч... Қўйсин жойига. Бу кеча келадилар.
 — Енглар, енглар. Бу кеча яна пишираман. Ҳали эчкини соғиб олай. Сутлироқ қилиб пишираман, — бувим бизларни юпата бошлади.
 — Энди эчкимиз сут бермайди, — дедим мен.
 — Нега бермас экан, — деди бувим. — Ҳали сути бор. Ҳар ҳолда қишдан олиб чиқади, жонивор.
 — Уша жониворийизни мана бу Карим ўлсин, соқов бўлсин, деб қарғади.
 — Қарғамадим, — деди Карим.
 — Қарғадинг!
 — Қўйинглар, талашманглар, — деди бувим, — қарғиш билан одам ўладиган бўлса, бу дунёда одам қолармиди.
 — Ахир у одам эмас, эчки-ку.
 — Эчкиям ўлмайди.

Карим эшитдингми деган маънода менга қаради. Ташқаридан сариқ эчкимизнинг маъраши эшитилди. Бувим дока рўмолининг учи билан кўз милқларини артаркан:
 — Буни атай сенларга қолдириб кетишган. Қани бирга ейлик, — деди. Сўнгра қўлига ёғоч қошиқ олди.

Каримнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетгудек бақрайиб қолди. У косадаги гўжани ичмади. Зоғора нондан кавшаниб ўтирди. Бувим қанча қистамасин, Каримни кўндиролмади. Косадаги гўжани ўзим еб тугатдим. Бувим негадир бошини сарак-сарак қилди.

Мен бу гал қорним тўқ бўлгани учун индамай томга чиқиб, қор курай бошладим. Карим чопонига ўралиб, эчкини етаклаб уй орқасига олиб ўтди. Ариқ бўйидаги қорларни гаврон билан титкилаб, намиқиб, юмшаб қолган тиканларни юлиб, эчки олдига ташлади. Уйимиз бурчагига тўпланиб қолган хазонларни йиғди. Қор курайвериб чарчадим. Каримни кузатдим. Қарасам, Карим бошини эчкининг елинига тираб, чўккалаб олиб, улқдек эмаяпти. Сариқ эчкимиз шохини унинг биқинига суркаб-суркаб қўяпти. Бирпас кузатиб турдим. Сабрим чидамади. Мўлжаллаб, бир курак қорни унинг устига ташлади. Карим шошиб бошини кўтарди. Эчки типирчилаб қочди.

— Ҳа, эчкиэмар! Қўлга тушдингми?

Карим талмовсираб жавоб берди:

— Эчкининг елини кир бўлган экан. Шуни тозалаётгандим.

— Энди арвоҳлар оч қолади-да.

— Нимага?

— Бувим бу кеча арвоҳлар учун сутли гўжа пишираман девди...

Бувим қиш кунлари албатта бир коса овқат олиб қўяр, тамшансак, «бу арвоҳларга» деб чўчитар эди. Биз ухлагач, у косани кўздан йироққа яширар, ўрнига қуруқ идишни қўйиб, эрталаб кўни-қўшнидан қарзга олдим деб, ўша косали овқатни бизга едирар эди. Бу сирдан биз кўп йиллардан кейин воқиф бўлдик...

Қулоқ боласи

Ушанда Собир холасиникига кетганди...

Ризвон хола сопол тоғорадаги сўнги кирни ювиб, чайар экан, дарвозахонадан икки киши узун-қисқа бўлиб кириб келди. Хола шошиб қолди. Узини қаерга урарини билмасди. Даҳлизга югуриб кириб ичкаридан беркитди. Нотаниш кишилар оғилхонани кўздан кечирди. Дафтарига бирнималар ёзди. Ризвон хола эшик тирқишидан уларни кузатди. Унинг аъзои-бадани титрамоқда эди.

Нотаниш кишилар бир-бирига сўз қотди:

— «Қизил кетмон»дан икки одамни қулоқ қилдик. «Қизил байроқ»дан биттани. Бу колхознинг оти нимаиди?

— «Қизил трактор».

— «Қизил трактор» денг. Ҳовлининг соҳиби ким эди?

— Нарзибой!

— Уз оти билан бой экан.

— Ҳовли-жойини қаранг!..

Ризвон холанинг пешонасидан совуқ тер чиқди. Келганлардан бирини овозидан таниди. У — Ашур шапка лақабли сап-сариқ, кўзлари кўк, хўппа семиз ҳамқишлоғи эди. «Уйимиз кўйди». Хола бу сўзни инграниш билан айтди.

Ашур шапка деса, бу яқин атрофдаги катта-кичик зир титрар, уни кўрди дегунча ўзини пана-пастқамга олар эди.

У биринчи бўлиб шапка кийди, шўро одами бўлди. Шундан кейин «Ашур шапка» лақабини олди.

Ризвон холанинг кўз олди қоронғилашди. Уйи куйгани рост. Ашур шапка аралашдими, бас, кўкартирмайди, қуритади. У шапка кийганидан бери қишлоққа бў-

ридек ўралади. Бирор хонадонга тинчлик йўқ. Тала-тала, ков-ков, қув-қув. Нимасини айтсин. Кимга арзи-ҳол қилсин.

...Ўрик ғарқ пишган пайт эди. Ризвон хола томга чиқиб оқ ўрик тера бошлади. Узоқдан йўлда чанг кўтарилди. Хола ўша ёққа тикилиб қолди. Таниди. Ашур шапка от чоптириб келяпти. Ризвон хола «Ашур шапка?» деб шилқ этиб ёнбошига йиқилди.

Ашур тўғри уларнинг ҳовлисига кирди. Янгигина ёпилган бир сават нонни ошхонадан кўтариб чиқди.

— Санлар иссиқ нон е, биз шўронинг ишини қилайлик! — У тўнғиллаганча отга миниб, бир сават нонни олиб кетди.

Ризвон хола алламаҳалда зўрға ўзига келди. Илиги қуриб томдан тушди. Таҳорат қилаётган Нарзи акага кўзи тушди. Билакларини чаяётган Нарзи ака унга юзланди.

— Собирнинг онаси, қаерда эдинг? — деди.

— Зар-до-ли... — деганча Ризвон хола ўзини тутолмади, хўнграб йиғлаб юборди.

— Нима гап ўзи? Тобинг қочдимми? — дея Нарзи ака белбоғига юз-қўлини артиб, холага яқинлашди. — Ё болангни соғиндингми?

Хола обдан «ҳиқиллаб» ўзига келди. Зўрға тили айланди.

— Ашур шапка келди, — деди.

— Ашур шапка? Нима иши бор экан?

— Кў-кў-кў-риб қўрқдим.

— Қутурган ит нимага мен йўқда ҳовлимизга қадам қўяр экан?

Нарзи аканинг хаёллари чил-парчин бўлди. Хайрият, бирор қор-ҳол юз бермабди.

— Падарига лаънат ўшани, — ўшқирди Нарзи ака, — бошга бало бўлди. — Беихтиёр қўли этиги кўнжидаги дандон сопли пичоғига чўзилди. — Улдираман уни!..

— Жим, Собир, — юпатди уни хола. — Шўронинг одами, сургун-пургун қилиб юрмасин.

— Нимам борки, сургун қилади. Қўш хўкизим, уч таноб ерим учунми?

— Эшагимиз-чи?

— Эшагимни пишириб есин!

— Собир, деворнинг ҳам қулоғи бор.

— Деворнинг ҳам падарига минг лаънат! Менга деса, оёғим тагидаги ерни тортиб олмайдимми! Ўзи камбағалга сира рўшнолик йўқ экан-да. Ким от минса, бечоранинг бошида қамчи ўйнатади-я. Ё тавба.

— Тилим бор деб...

Нарзи ака хушёр тортиб қолди. Замон нотинч. Қайга қарама, ур-сур. Қулоқ, сургун. Бадарға. Мусодара. «Қизил кетмон»лик Обиднинг нимаси бор эди? Унта тозига ўхшаш эчкиси. Ҳа, битта сигири ҳам бор эди. Ашур ўшани ҳам қулоқ қилдирди. Тавба, кучугини ҳам рўйхатга қўшибди. Ризвон бундан хабардор. Ён қишлоқ бўлгач, эшити-тади-да.

Нарзи ака бирдан сесканиб кетди. Ашур бекорга қишлоққа ўраламаган. Бирор нарсанинг ҳидини олган. Охири бахайр бўлсин... «Қизил байроқ»ни тинчитди. «Қизил кетмон»ни хонавайрон қилди. Чигирткадек бир бошдан ямлаб келяпти. «Қизил трактор»га осиладиган бўлса, фақат унга ёпишади. Анчадан бери кўзга тушди дегунча қичма гап қилади.

— Ҳа, Нарзибой, қора қозон қайнаптими?

— Қайнапти! — дейди Нарзи ака.

— Қачонгача?

— Ризқи рўзимиз узилгунча.

— Узилиб ҳам қолар...

Нарзи ака унга жавоб қайтармайди. Юраги увишади. Ашур отига қамчи босади. У изидан тикилиб қолади.

— Касофат, — дейди минғирлаб. Ўзига тасалли беради.

Ўша йиллари ҳали колхоз деганига улуғ зотларнинг исми-шарифи берилмасди. Ҳар бир қишлоқ бир колхоз ҳисобланарди. Кексалар билан ўтирсангиз, деярли колхоз раиси бўлмаган кам топилади. Бу ўша йиллардаги табиий ҳол эди.

«Қизил трактор»лик Нарзи ака бироз ўзига келгач, Ризвон холага бетланди.

— Бир гап бўлар, Собирнинг онаси, майли, кўп ўзингни ғамга ботирма, хамир қоргандирсан.

— Ҳа-я, — Ризвон хола рўмолининг учини елкасига ташлаб ошхона томон юрди. — Нонни аллақачон ёпиб қўйиб, зардоли тергани чиққандим.

Нарзи ака уйи орқасига ўтиб, пешинлик тайёрланган жойга ёнбошлади. Ризвон хола қайтди.

— Собир, саватдаги нонни кимдир ўғирлабди.

— Ўғирлабди, — дея Нарзи ака ўрнидан ярим турди. — Ўзи нон ёпганмидинг.

Ё ит-пит кўтариб кетдимми?

— Ит савати билан кўтарадимми?

— Балки икки оёқлигидир.

Нарзи ака соқолини тутамлади.

- Қўй, хафа бўлма, келган балои-қазо ўшанга урсин.
- Нонгами?
- Нонга эмас, ўғирлаганга.

Нарзи ака ул-бул еган бўлиб, яна ўроққа кетди. Ризвон хола то у келгунча хаёлчан куймаланиб юрди. Уғли Собирни соғинди. Холасиникида нима қилиб юрган экан. Синглиси уни еру кўкка ишонмайди. Пишиқчилик бошланди дегунча олиб кетади. Собир бўлганида, ҳозир бунчалик мунғайиб юрмасмиди. Тўрт девор қисиб келиб, ютаман дейди.

Омон бўлгур Собир бу йил ўн ёшга тўлди. Сутга чайиб олгандек, оқ юзли, қора қошли. Эсида борида, яхшиям, тумор қилиб, кўйлагининг ичидан тикиб қўйди. Кўзга яқин бола. Мўмин-мусулмон бўлиб ўсяпти. Холаси келди «жиянимдан айланай» деб олиб кетди...

Ризвон хола эшик тирқишидан жим кузатди. Ашур шапка ҳамроҳига ҳовлининг тўрт томонини кўрсатди. Навбат ошхонага келди. Бу ёғини хола аниқ эшитди:

— Ичида тандири бор. Биласиз, бу атрофда қайси уйдан тутун чиқади, қайси қозондан ёғ ҳиди келади, яхши биламан. Ҳалиги кунги саватдаги нон ҳам ана шу тандирдан, ҳи-ҳи...

Ризвон хола бирдан Нарзи аканинг ўша кунги сўзини эслади. «Балки икки оёқлидир...» Демак, Ашур шапка савати билан кўтариб кетган эканда. Ризвон хола ичида астойдил қарғади.

— Тошгинани егур! Илоҳи заҳар-заққум бўлсин!

Ашур дон сақланадиган омбор эшигини тепиб очди.

— Ана, кўрдийизми, хўжайин! Халқ оч. Бир бурда нонга зор. Нарзибой эса дон сақлайди. Мана кимни қулоқ қилиш керак! Ана ким вирак нарўд... «Қизил трактор» даям бор, десам, ишонмадийиз. Биз шўро одами. — У шапкасини қўлига олди. — Биламиз. — Ашур шапкани бошига бостириб кийди. — Рўйхатга кўшамиз. Бу халқда инсоф йўқ. Бор бўсаям йўқ деб яшайди. Колхознинг душмани шулар-да!..

Хўжайин дегани дафтарига узоқ ёзди. Сўнгра индамай ҳовлидан чиқиб кетишди...

Нарзи ака бор гапдан хабар топгач, кечаси билан тўлғаниб чиқди. Тонг отар-отмас апил-тапил кийинди.

— Тур, Собирнинг онаси.

— Қаёққа?

— Кетамиз. Ризқи-рўзимиз узилганга ўхшайди.

— Нафасингизни иссиқ қилинг, Собир.

— Иссиқми-совуқми, бошимизга Обиднинг кунни тушадиганга ўхшайди.

— Ризвон хола йиғлашга тушди.

— Ахир қаерга борамиз?

— Дунё кенг, бухча-мухчангни туг.

— Ҳовли-жойчи?

— Э, ҳовли-жойнинг падарига минг лаънат! Ўша Ашур шапкагаям!.. Бўлақол.

Ризвон хола астойдил эланишга тушди.

— Бу шахтингиздан тушинг, Собир! Ота-онамининг мозорини ташлаб қаёққа ҳам борамиз?

— Ўша ёқлардаям мозор топилар.

— Яхши ният қилинг. Арвоҳларни чинқиртириб кетамизми? Ким хатми қуръон ўқийди.

— Хў-ў, сочи узун!.. — Нарзи ака бу ёғини айтмади. Тилини тишлади. — Кўриб, эшитиб турибсан. Муллаларга ҳам қирон келди. Барини қуритишди. — Нарзи ака жим қолди. Беихтиёр оғзидан сўзи отилиб чиқди. — Ҳа, хонасаллот Ашур...

— Вой, оғзийизи беркитинг!

Топди, топди Ашур шапка нега унга ўралашиб қолганини...

Нарзи ака онаси қабрига иси чироқ қилгани борди. Билганича қуръон ўқиди. Ўрнидан туриб, этагини қоқар экан, белига қўлини тираб турган Ашур шапкани кўрди. У ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди, билолмади.

— Нарзибой, худони эмас, сабетни дуо қилинг, — сўз қотди Ашур шапка.

— Сабетниям дуо қилабиз, — деди Нарзи ака.

— Ёлғон.

— Рост.

— Рост бўлса, мозордаги туғни қўпориб ташланг.

— Туғ-ни-я?

— Йўқса-чи?

— Гуноҳ бўлади-я!

Ашур шапка қамчин кўтарди.

— Олиб ташла деяпман!

Нарзи аканинг ҳамияти кўзғади.

— Сенламанг! — деди.

— Ҳо... Шўро одамига гап қайтарасанми? Билиб қўй, тухумингни қуритаман!

— Бор, билганингни қил, — деди Нарзи. — Жоним сенинг қўлингга бўлса...
— Тилинг чиқдими? — Ашур шапка унинг боши аралаш қамчи туширди. — Мана сенга! Тилингни суғуриб оламан-а.
Нарзи ака чидамади. Дандонсопли пичоғини қўлига олди.
— Итдай сўйиб ташлайман!
Ашур шапка орқасига тисарилди.
— Шўро одамини ҳақорат қилма!
— Йўлимдан қоч, деяпман!
Ашур шапка овозининг борича бақирди:
— Халойик, шўро одамини ўлдираман деяпти!
— Бақиравер, — деди Нарзи ака, — итдай сўйиб, бирорта очиқ гўрга тикаман.
Ашур шапка зипиллаб йўлга тушди. Нарзи ака унинг қораси ўчгунча мозор бошида қолиб кетди.

Шуларни эслаб, Нарзи ака шашт билан ҳовли юзига чиқди.

— Кетмасак бўлмайди. Шошил, — деди кампирига.

— Собирни нима қиламиз, — деди хола.

— Ҳа-я, Собир...

— Синглим томонлардаям шўро бор... — дея хола ялпизланди.

Нарзи аканинг боши қотди. Во ажаб, ўзи нималар бўляпти? Шўро одамлари наҳотки ялмоғиз бўлса? Тинч яшагани қўймаса? Ашур шапка дегани-ку, бола-чақагача чинқиртиради. Рўзғорингни тебратиб юрсанг ҳам бир бало. Азал-азалдан бу атрофда бирорта бой ўтмаган. Бойнинг гўзасини экиннинг, деса, бошқа гап. Мана, «Қизил трактор»нинг ҳам ишини кам қилишаётгани йўқ. Деҳқон бўлгач, ўз ерига экади-тикади. Бир-иккита мол-ҳол қилади. Шуниям кўп кўрса, олсин-э. Уша тўйсин. Бундан чиқди, шўрога одам керак эмас экан-да? Оқ ит, қора ит, бариси бир хил акиллар экан-да? Кичкина рўзғори бўлса. Дон-сув сўрамаса...

Шуларни ўйлаб, Нарзи аканинг кўнгли тўлиб кетди. Ё тавба. Босмачи бўлиб талашди. Ким эди улар? Қўрқанидан, ана шунақа Ашур шапкалар дастидан қўлига қурол олди. Бирор ёққа кетгани йўқ. Улиги ҳам шу ерда қолди... Унинг киприги намланди. Ҳўнграб йиғлашдан ўзини тийди. Болалигида ўтқазган, бугун шохлари тарвақайлаб кетган оқ ўрик танасига бориб суянди. Юрак зардобини мана шу ерда бўшатди. Тонгги сабо ўрик шохларини силкитди. Бир дона оқ ўрик унинг бошига тушиб, дўпписи устига ёпишди. Ундан оққан шарбат чеккаси бўйлаб сирғалди.

Нарзи ака бунга парво қилмади. Бошидан дўпписини олди. Оқ ўрик бўлақларини йиғиштириб оғзига солди. «Шарбат бўлиб кет-э! Шарбат ҳам гапми, асалнинг ўзги-наси-я».

Ҳайт-ҳуйт деб бошини олиб кетса, бу ўрикларга ҳам бир кун қирон келади. Эгасиз қолгач, ким қарарди. Ашур шапками? Унинг мушти ўз-ўзидан тугилди. Буни одам боласи туғмаган. Тўнғизнинг ўзи. Тўнғиз ҳам бир-икки ерни пайҳон қилиб, изига қайтади. Одамдан тўнғиз чиқса, ёмон бўлар экан. Уни қайтариш қийин. Қутирдимми, тамом...

«Қизил байроқ»лик Обид дом-дараксиз кетди. Ана шу қулоқ қилди. Арзингни кимга айтасан. Қози кўпайди...

Нарзи ака ўрnidан турди. Этагини қоқди. Ўзи экан оқ ўрикни қучоқлади. Унинг ғадир-будир танасига юзини босди. Балки болалиги эсига тушгандир. Балки... Буни фақат ёлғиз ўзи билади.

У оғилхонага ўтди. Молларини суғорди. Аммо негадир юраги ғаш эди. Ризвон холага қаради. У ҳам одатдагидек ҳовлини супуряпти. Қора мушуги думини хода қилиб, атрофида ғингшиб айланяпти.

Оқ ўрик шохига бир жуфт олақарға қўниб олиб, шақиллай бошлади.

— Хушхабар, — овоз берди Ризвон хола.

Аммо олашақшақ сайрашдан тинмади. Нарзи ака муштдек кесакни олиб, ўрик томон отди. Кесак уқаланиб, шохчалар орасидан шилдираб ерга тушди. Олашақшақ пир этиб тут шохига қўнди.

— Ҳа, сабил, кетмайсан-а! — деди Нарзи ака.

Азондан бери кўнгли ғаш. Бирор кори ҳол рўй бериши аниқ. Олашақшақнинг шу пайтда пайдо бўлганини қаранг.

Учоққа кўмиб қўйилган човгум эндигина биқирлаб қайнай-қайнай деганда уй орқасидан ғала-ғовур садолари келди. Кейин араванинг ғийқиллаб юриши эшитилди.

Нарзи ака секин дарвозахона сари юрди. Қаршисида Ашур шапка ва яна бир шапкали кўринди.

«Тамом, — деди ичида Нарзи ака. — Бу шапкалар энди мени суягимгача ғажийди. Эҳ... Ризвон, Ризвон. Кетганимизда шу бало-қазоларга дуч келмасмидик. Гапингга кирдим. Эркакча иш тутмадим.»

Нарзи ака ўзини ўнглаб олиб, Ашур шапкага қўл чўзди.

— Ассалому алайкўм, Шўро ака!

— Мен бой билан қўл олишмайман, — дея юзини тескари бурди Ашур шапка. — Врак нарўдсан!

— Қайси терак, менда терак йўқ, — деди мўлтираб Нарзи ака.

— Врак, ваксан! — деди Ашур шапка.

Нарзи ака ҳеч нарсага тушунмади. Иккинчи шапкалига юзланди.

— Биродар, сиз тушунарсиз, ўзи нима гап?

— Шапкали киши унинг кўксига қамчининг учини тиради.

— Сен бойсан!

— Қанақа бой? Кимлигимни элу юртдан сўранг. Бир фақир бечорамиз.

— Сўрадик, билдик. Бечорамиш...

Чойнак кўтариб чиққан Ризвон хола дарвозахона олдида турган Ашур шапка билан бирга келган одамни кўриб, қаққайиб қолди. Тили калимага келмасди.

— Ҳамроқул, — бақирди Ашур шапка, — омборидаги донларни халталарга сол. Сен, Мамадали Шайтон, — деди отнинг жиловини ушлаб турган йигитга, — оғилдаги молларни олиб чиқ.

Нарзи ака билан Ризвон хола эланди. Бўлмади. Ҳаш-паш дегунча омбор бўшади. Кўрпа-тўшаклар аравага ортилди. Нарзи ака беҳол дарвоза кесакисига суяниб қолди.

Кўп ўтмай «Қизил трактор»ликлар Нарзи ака билан Ризвон холани яланг оёқ кетаётганини кўришди. Уларни Ашур шапка оти олдига солиб, қўлида қамчи ўйнатиб, аллақерга топшириш учун ҳайдаб борарди...

Ушанда Собир холасиникида эди.

Орадан икки кун ўтди. Холаси жиянини етаклаб йўлга тушди. У бор гапдан хабардор эди. Аммо Собирга оғиз очмади. Хола-жиян қишлоққа қадам кўяр экан, ҳамқишлоқлар уларга ётсираб қарашар, имо-ишора билан лом-мим демай кузатишарди.

Собир одатдагидек чопқиллаб, холасидан олдин уйларига кирди. Ҳовлида жон зоти йўқ эди. Эшиклар ланг очиқ. Ҳаммаёқ шип-шийдон.

Собир уйма-уй кириб чиқди. Юраги бир нимани сездими, овозининг борича бақирди:

— О-та-аа!

— Ҳеч бир жавоб бўлмагач, янада қаттиқроқ чақирди:

— О-н-а-а...

Оқ ўрик шохлари силкинди. Пишган ўриклар тўп-тўп ерга тушди.

Собир холасига юзланди.

— Онам қани?.. Мени ташлаб қаёққа кўчиб кетишди?

Холаси уни бағрига босиб, юм-юм йиғлади. Жиянини етаклаб, оёқ учида ҳовлидан чиқди.

Собир ўша ондан бошлаб мунғайиб қолди. Холаси уни қанча сийламасин, кўнглини кўтармасин, кор қилмади. У ота-онасини ўйлар, нега мени ташлаб кетишди, деб эрта-ю кеч йиғлар эди. Холаси бирор иш билан овора бўлса, зипиллаб туғилган қишлоғи сари қочар эди.

Бу ҳол кун ора давом этар эди.

Аммо қишлоғига келганида, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Одамлар ўзи билан ўзи овора эди. Фақатгина аравакаш Ҳамроқулгина ҳар гал унга дуч келганида:

— Ҳа, қулоқнинг боласи! — дея масхараларди.

Собир қулоқ деган сўзнинг фарқига бормасди. У то қоронғи тушгунча ҳовлисида дайдиб юрарди, очиқса, ўрик териб еб, данагини чақарди. На қўни-қўшни ундан ҳолаҳвол сўрарди. Холаси Собирни излаб-излаб уйдан топгач, яна ўз қишлоғига олиб қайтарди.

Собирнинг ҳаёти ана шундай кеча бошлади. Собир қочиб келиб юрган кунларнинг бирида қишлоқ чеккасида бир тўп болаларнинг уймалашиб тургани устидан чиқди. Болалар уни кўриши билан жимиб, бир қадам орқага тисарилишди. У яқин келиб ўзи таниган болаларга тикилиб қолди.

— Кет, бу жойдан, кет! — дея баравар чуғурлашди болалар. — Сен қулоқнинг боласан!

Ҳали орқага тисарилган болалар бирдан ҳамлага ўтиб, уни олдига солиб қува кетишди. Бунга ҳам қаноат қилмай, изидан кесак ота бошлашди.

Болаларнинг қий-чувини эшитган муртли киши мактаб деб аталмиш етти тўсинли уйдан отилиб чиқди.

— Ҳай, болалар, нима тўполон? — деб сўради.

— Қулоқнинг боласи! — деди болалардан бири қочиб бораётган Собирни кўрсатиб. — Ҳайдадик, ўртоқ маълим.

— Бўлди, ўқишга киринглар.

Муаллим қўлидаги хипчинни ҳавода ўйнатиб, то болалар дарсхонага киргунча эшик олдида турди.

Хонага киргач, болаларнинг овози ўчди. Энди фақат муаллимнинг йўғон, дағал товуши эшитиларди.

Собир қизиқсиниб уй атрофини айланди. Сабри чидамай ичкарида нима бўлаётганини билгиси келди. Оёқ учида юриб, очиқ эшикдан ичкарига мўралади.

— Ана, маълим, қулоқнинг боласи келди, — ўтирган болалар бирдан қўзғолди.

— Жим, — деди муаллим, — жим! Шовқин қилманглар! — У қўлидаги хипчин билан болаларга ўқталди. — Ким оғиз очса, адабини бераман!

Муаллим остонадан ҳатлаб, Собирни имлади. Унинг қулоғига эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Болам, бу атрофда юрма. Қулоқнинг боласисан. Кўришса, мени ҳам тинч қўйишмайди. Кетақол...

Муртли кишининг болам дегани Собирга қаттиқ таъсир қилди. У ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Йиғлама, болам, — деди у, — тақдир шу экан... Энди кетақол.


Собир тиззасигача тупроқ босиб холасиникига қараб йўл олди.

Шундан кейин ҳам Собир ўзи туғилиб ўсган ҳовлига бир неча бор келди. Уй, отаси эккан оқ ўрик атрофини айланиб юрди. Биров бормисан-йўқмисан демади. Унинг юраги тошиб кетди. Қишлоқ йўлини чангитиб, овозининг бориचा қўшиқ айта бошлади.

Отам қулоқ,
Онам қулоқ,
Ўзим
Ёрти қулоқ.

Қишлоқ аҳли боланинг бу қўшиғини пана-пастқамлардан туриб эшитишди. Бора-бора ўзлари ҳам ёд олишди.

Бир сафар холаси Собирни узоқ излади. Сўраб-суриштирмаган жойи қолмади. Лекин бирорта одам кўрдим демади. Тонгга яқин Собирни оқ ўрик тагидан топди. У ғужанак бўлганча нафас олмай ётарди...



Баҳодир Ёқубжонов

**ШОХЛАРДАН ТОМЧИЛАР
МИНГ-МИНГЛАБ БЎСА...**

* * *

Шамоллар қайтганда сарғайиб, сўлиб,
Тўлқинлар тирилса минг бора ўлиб,
Соғинчлар бўғзимга тиқилиб, тўлиб,
Мен она тилимда шеърлар ўқирман!

Яшасам умримга зарра ўкинмай,
Зарбалар қаҳридан синмай, букилмай,
Кўзимни куйдирса бир ёш тўкилмай,
Мен она тилимда шеърлар ўқирман!

Қаршимда бошларин эгса ёлғонлар,
Болалигин эслаб қолса ёмонлар,
Баҳорга кўмилса бизнинг томонлар,
Мен она тилимда шеърлар ўқирман!

Севолсам хунукни бир гўзал каби,
Қалбимга туташса ҳар одам қалби,
Жаҳонгашта бўлса умрим лақаби,
Мен она тилимда шеърлар ўқирман!

Ёнингда ўлтирсам сенга ичкиб,
Англимас ҳислардан тошиб-энтикиб,
Бедор кўзларимни кўзингга тикиб,
Мен она тилимда шеърлар ўқирман!

* * *

Насимингни бер менга, дунё! —
Бир қучоқлаб олайин сени.
Насимингни бер менга, дунё! —
Энди тўкиб солай севгимни.

Энди мен ҳам куйлайин, ахир,
Қачонгача тингламоқ мумкин?!
Кел, шиддаткор, дардимни арит,
Кел, бағримга бахт бўлиб тўкил!

Қара, ҳозир қандай енгилман,
Томирларим ёрсайди парвоз!
Сен қизғонма, қайноқ лабингни
Юрагимнинг торларига бос!

Бир насим бер менга, эй дунё!

* * *

Кула берсанг ўзингдан ўзинг
Ва, ўзингдан ўзинг шеър ёза берсанг.
Севиб қолаберсанг билмасдан,
Азобларинг бўлса узундан узун...

Юракни титроқда пинҳон эзмасанг,
Тушунтира олсанг осондан осон.
Еру осмон орасида сарсон кезмасанг,
Ё қуш бўлсанг,
ё оддий инсон...

Меҳр

Энди мен шамолга айланиб бўлдим:
Туманларни парча-парча қиламан,
Дарахтларни букиб чалади қўлим,
Симларга осилиб увлаб-куламан.

Новдаларни эшиб ўраман майда,
Лабимдан жизғанақ бўлар боғчалар.
Мен ҳатто сиғаман шу митти найга,
Нолалар қилгани узун кечалар.

Сени эркалайман беўхшов, қўпол,
Кўйлагингдан тортиб, тўзғитиб сочинг.
Жиғингга тегаман чақириб минг бор,
Кўкларга учаман эшигинг очиб.

Энди ҳеч нарсадан тўлмайти кўнглим,
Йўлларда ухлайман дайди, девона.
Шамолларнинг Ватани — кенглик,
Менга торлик қилар энди бу хонанг...

* * *

...Энди қушлар кирар тушимга ҳар кун,
Турналар чинқириб уйғотар мени.
Биз бирга куйлаган куз маънос бугун,
Жуда соғинаман шу кунлар сени.

Атрофда қарайман жигар-бағрим хун,
Гўё кўчиб кетган бу ердан осмон,
Дард тўла қалбимни бўшатмоқ учун,
Йўл оламан жимжит далалар томон.

Ҳеч ким йўқ.
Қайдадир ҳазонлар тутар,
Ким йиғлар мен билан худди шу лаҳза? —
Далаларни қуршаб букчайган тутлар,
Тутлармас, аёллар — тутишар аза...

«Ёмғирлар мавсуми» туркумидан


Ёмғир ўтиб кетди тошиб, айқириб,
Борлиқ — йиғлаб-йиғлаб чарчаган қизча.
Тўнтарилиб ётар сафари қариб,
Кўлмакка чўкканча қоғоз қайиқча.

Осмон айланади — оғир тегирмон,
Булутлар оқади мавжланиб, кўпчиб.
Қалдироқлар тинди югуриб гирён,
Чақмоқлар кетдилар қайгадир кўчиб.

Қайдадир бинафша кўзини очди,
Роҳатбахш оғриқдан титради тана.
Ёмғир қориштириб бўяб юборди,
Осмон билан ернинг рангларин, мана.

Нигоҳлар кезади сархуш довдираб,
Қанийди ўлгунча севги бор бўлса!
Ширин-ширин сўлиш олар дов-дарахт,
Шоҳлардан томчилар минг-минглаб бўса.

Мажнуна оҳанглар этмоқда сармаст,
Ана, қуёш чиқар девона бўлиб.
Кўксингга бошимни қўяйин бирпас,
Ватанимдан учиб келган, эй булут!



Алимардон Хидиров

ЮРАКЛАРДА ЎСАР ИШОНЧ ҚОЯСИ

* * *
Наҳорий мусаллас — умид бўйлари,
қуёш келажакнинг кўкидан маёқ.
Дейману дардкашим замин ўйлари,
шамолдир — руҳимга урилган таёқ.

Инсонга норизо ўқталар ана —
қумурсқа ҳайқириб ғазаб муштини.
Арвоҳлар чирқираб кўкдан ниҳона,
қушчалар шаклида қайғуриб тушди.

Замини буғдойнинг донаси бўлиб,
кемириб еганлар бир кун тўярми?!
Имонини қовундай оғилга илиб
юрганлар халқим дея қуярми?..

Наҳорий мусаллас — умид бўйлари,
қуёш келажакнинг кўкидан маёқ.
Дейману дардкашим замон ўйлари
шамолдир — руҳимга урилган таёқ!..

Лао — Цзи¹

Бир хивич ниҳолман — кўкларга етгум,
хокисор қалб қадри осмон бўлажак!
Ифорим, гулимни елларга тутгум —
энг сўнгги бемор дил билинг, кулажак!

Ҳаракат — ғолиблик сари қутлуғ йўл,
асрий дард тоғларни ёриб чиқурман.

¹ Эраимиздан аввалги VI асрда яшаб ўтган хитойлик донишманд.

Хотирам йиқолмас, вақт шафқатсиз қўл —
ёнимда шовуллар ҳақпараст ўрмон!

Курашиш сўзининг қабатлари дур,
матонат идрокнинг ғолиб боласи.
Зийрак нигоҳ — ҳеч синмагай нур,
юракларда ўсар ишонч қояси.

Нодонлик тумани тарқалар қаро,
адашмоқ сўзини унутар олам.
Юлдузли қалбларни йиқолмас яроғ,
дунёни бошқарар яхшилик — болам.

* * *

Манфаат қайта туққан вужуд соҳибин
аллалаб эркалар очкўзлик — доя...
Дил торим титратар ғурурнинг оҳин,
туйғулар диёри — топталган жаҳон.
Отилган қўш ирмоқ — кўзларим булоқ,
қошима замонлар юки осилган.
Ҳайқириқ айирган — қип-қизил қулоқ,
ёлғизлик қиличи юрагим тилган.
Қабридан чиқмагай ўқрайиб Темур,
юрагим тублари дўппайган, ўйиқ —
неча бир. Широқлар тирик кўмилган,
дилларга етмагай ҳайқириқ — куйим!
Ҳақиқат завқидан завқланар юрак,
бу китоб шивирлар, тинглайман унин:
менга само керак, юлдузлар керак,
қалбимни аллалар мовийлик уни...
Вужудинг лоқайдлик қўлида — кема,
идрокинг емирар ташвиш ва қадар.
Тенгдошим кулбангни эрк уйи дема —
уйингни кенгайтир Ватанинг қадар!

Хулоса

Аждодим фарёди, ноласи эмас,
кўкрагим остида қамалган овоз.
Юрагим қайғунинг боласи эмас —
овозим аскардир, юрак — аскар, боз.

Ишончим, томирда оққан қонимдир,
вужудим уйининг устуни туғён.
Исёнлар жон бўлар, менинг жонимга,
ҳаттоки ҳужайрам дунёси уйғоқ!

Осмон душман бўлса зарбимдан синар,
замон ағёр бўлса, замондан кечгум.
Қабримдан ям-яшил ҳайқириқ унар —
Набирам қул бўлсанг жаҳондан кечгин!

Агар...

Қуш қолиб сояси учса самода,
одамлар ўрнида кулса кўлкалар.
Аждодлар чирқираб юрса дамодам,
келажак тиф бўлиб дилни тилкалар...

Тоғлар тоғлигини англатса, етса,
ғурур гули ўсса кўк қадар,
исён байроғини тилаклар тутса —
саодат юртига бошлагай қадр!...



Ёқубжон Шукуров

МИЛИЦИЯ МАЙОРИ

(Икки пардали детектив пьеса)

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Оқилов. Майор, жиноят қидирув бўлими бошлиғи
Умида. Унинг хотини
Ҳилола. Уларнинг қизи
Алижон. Уларнинг ўғли
Аҳмедов. Капитан, катта терговчи, партком секретари
Жамила. Алижоннинг севгилиси
Рустам. Умиданинг қариндоши, слесарь
Малика. Рустамнинг севгилиси
Рафиқ. Алижон билан Рустамнинг дўсти, монёр
Мўйсафид. Кекса ишчи, пенсиядаги одам
Милиционер, қоровул ва бошқалар

МУҚАДДИМА

Дод-фарёд овозлари эшитилади. Саҳна олдига юзлари қонга бўялган, чопон кийган қоровул гандирақлаб киради, трубкани олади, аранг номер теради. «Милиция навбатчиси лейтенант Баҳромов эшитади», деган овоз келади.

Қоровул. Ком...ком...бинатда ўғ...ўғри! (Трубкани жойига қўёлмай, деворга суялиб йиқилади. Трубка осилиб қолади. Калта сигнал такрорланади. Кўчадан машиналар сигнали, қаттиқ тормоз овози эшитилади. Милиция ходимлари, майор, фотограф, медицина ходими киради. Суратга олишади. Қоровулга дори ҳидлатишади.)

Майор. Нима гап?

Қоровул. Милиция формасида икки киши келиб, кассани уриб кетишди.

Майор. Бир эмас, қуролли икки қоровул қаршилиқ кўрсатмадинларми?

Қоровул. Улар ҳам қуролли эди. Ҳужжатларини кўрсатишмади. Пўлат сандиқнинг пломбасини текшираамиз деб, шеригимни олиб чиқиб кетди. Иккинчиси чўнтагидан ўроғлик нарсани олди-да, бурнимга тутмоқчи бўлди... Уришди...

Майор. Анқовлар! Лапашанлар!..

Капитан (кириб). Ўртоқ майор, касса бузилмай очилган! Қоровул пичоқланган!

Майор. Излар, белгилар, ҳамма нарса яхшилаб текширилсин! Комбинат ишчиларидан ҳеч ким шаҳардан сўроқсиз чиқмасин!

Капитан. Есть, ўртоқ майор!

Биринчи парда

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Майорнинг кабинети. Деворда Дзержинскийнинг портрети. Гуллар, телефонлар. Комбинатдаги қотиллик, ўғирлик муҳокама қилиняпти.

Майор. Демак, қоровул ҳушёрлик қилиб дорини ҳидламагани учун пичоқлашга мажбур бўлишган.

Капитан. Худди шундай, ўртоқ майор. Улар жуда уста, тажрибали ўғрилар. Биронта белги, далил йўқ. Топиш жуда қийин бўлса керак.

Майор. Милиция хизматида осон иш йўқ! Оёқ излари ҳам қолмаганми? Жасаднинг чангалида қолган тугма-чи?

Капитан. Ягона далил шу. Излар ҳар хил. Уғрилар икки киши. Аммо излар уч-тўрт хил. Ажабланасан киши.

Майор. Камроқ ажабланиб, кўпроқ ўйлаш керак. Йўқ далилни бор қилиш, хом-хаёлни ҳақиқатга айлантириш бизларнинг бурчимиз. (Ташқарида шовкин кўтарилади. Ичкарига мўйсафид бостириб киради.)

Мўйсафид. Бу қандай бедодлик?! Бу қандай адолатсизлик?! Қамашни яхши кўрар экансизлар, мени ҳам қаманглар!.. Бўлмаса ўғлимни чиқаринглар!

Майор (капитанга кўз қисиб). Отахон, бу нима тўпалон? Бизни қўрқитмочимисиз? Ҳеч бўлмаса, «аввал салом, баъдаз калом», деган гапни биларсиз?

Мўйсафид. Узр! Ассалом! Ўғлим ичибди, нима бўпти? Ҳамма ичади. Муштлашибди, қайси ёш муштлашмайди?.. Яхшиси, қўйиб юборинглар! Бўлмаса, министрингизга арз қиламан!

Майор. Ота, шу гапларингиз ўзингиз учун яхшиликка олиб бормади. Одам фарзандни нима учун азоб-уқубат чекиб ўстиради? Кексайганимда суянчигим бўлармикан, эл-юртга хизмат қилиб, оиллага шон-шараф келтирармикан, деб орзу қилади. Иснод келтирса-чи? Хўш? Энди бораверинг.

Мўйсафид. Ҳали шундайми?! Кўрамиз! Ҳақиқатни тан олмаган одам ёвуз одам бўлади-я! (Чиқади, орага жимлик чўкади.)

Майор. Баъзи одамларга ҳайрон қоласан! Милиция ёрдам бераман деса, ёмон итга нон берсанг қўлингни тишлагандек, кўз олайтиради-я! Мана, отанинг ўзи гапириб, жаҳл устида ўзи тан олмай кетди.

Капитан. Кейин тушуниб пушаймон ейди. Бир куни: «Қўшни, хонадонни ўмарган ўғрини кўрибсиз, ҳеч бўлмаса ташқи қиёфасини ёзиб беринг», десам, «Э, гувоҳ бўлиб юришга вақтим йўқ», деб кўнмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўша ўғрилар ўзининг уйини уриб кетишди. Ана энди югурмасин-чи! (Телефон жиринглайди.)

Майор. Майор Оқилов эшитади. Тирик қолган қоровулни қамашдан не фойда? Яхшиси, уни кузатинглар! Жуда соз! Тугма эгасини топинглар! Мантиқсиз гап бу! Ақл — одамнинг йўлини ёритувчи бахт чироғи. Қоронғида қолманг! (Трубкани кўяди. Яна телефон жиринглайди, олади.) Майор Оқилов эшитади. Раҳмат Одил Раҳмонович! Ҳозирча топганимиз йўқ. Албатта, топамиз, ўртоқ секретарь! Ишончингиз учун раҳмат! (Трубкани кўяди.) Мана, шаҳар партия комитетидагилар ҳам безовта. Бюрода ҳисобимиз қўйилаётган пайтда-я!

Капитан. Катта пул-да!

Майор. Катта пул!.. (Телефон жиринглайди.) Майор Оқилов эшитади. Наҳотки!..

Саҳна қоронғилашади.

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Оддий хона. Уртада доира стол. Унинг атрофида стуллар, кресло. Бир четда телефон. Деворда манзарали расм. Катта ойна. Умида ҳовлиқиб киради. Бир қўлида сумка, иккинчисида газеталар. У газеталарни столга ташлайди. Креслога ўтиради.

Умида. Уҳ! Эртадан кечгача типпа-тик туравериб тинканг қуриб кетади-я! Устига-устак ҳали унинг қош-қовоғига қара, ҳали бунга. Биз — савдо ходимларига осон деганнинг ўзи аҳмоқ! (Газеталар орасидан чиқиб турган оқ қоғозга кўзи тушади.) Ие! У нима? (Олиб ўқий бошлайди) «Майор! Ақлингизни йиғиб олинг! Уғрилар узига тушишни тўхтатинг! Қайсарлик қилсангиз, тез орада оилангиздагиларнинг бирини ўлим кутади!..» А! Бу нима бало?! (Шошиб давомини ўқийди.) «Шунда ҳам қидиришни давом эттирсангиз, иккинчи суюклигингиздан жудо бўласиз! Ўз жонингиз ҳам хавф остида!» (Хатни ерга ташлаб юборади.) Вой, шўрим! Бу қандай гап?! (Довдираб қолади, ташқарига отилади.) Дарвозани беркитиш керак!! (Тезда қайтиб киради. Дарвоза кўнғироғи жиринглайди. Чўчиб, кўкрагига туфлайди. Майор киради. Ажабланиб тикилади. Умида, илондан кўрққандек, хатни кўрсатади.) Ана! Ўзингиз ўқинг! (майор хатни рўмолчасида ушлаб ўқийди.)

Майор (кинояли). Улар ҳўкиз болтадан тоймас!.. (Шошиб Ҳилола киради.) Яхши! Кўрамиз!

Умида. Вой, вой, нимани кўрасиз! Нимаси яхши бўларкан?!

Ҳилола. Дада, ўғрилар тутилдимми?

Майор. Йўқ ҳали. Тутамиз!

Ҳилола. Ҳамма ёқда дув-дув гап! Неча юз минг эмиш-а?

Умида. Уғрилар ҳам қуриб кетсин, ишингиз ҳам! Тинч кун йўғ-а! Доим олов билан

ўйнашасиз, ўлим билан олишасиз! Ҳой, мусулмон, ваъдангизни қачон бажарасиз? Шу милиция ишидан бўлак иш йўқми сизга?! Уйга келгунингизча нина устида ўтираман. Узоқ шаҳарларга кетганингизда-ку, кеча-кундуз бирдек ҳаловат йўқ!

Ҳилола. Вой, тавба! Нега ундай дейсиз-а? Дадамнинг ишлари энг яхши иш!

Умида. Яхши?! Бу киши ёмонларни қидиради, ёмонлар бу кишини пойлайди!

Ҳилола. Ҳа, нима бўпти? Қизиқ-да!

Умида. А! Қизиқ?! Башаранг қурмасин! Беринг, ўқиб кўрсин! (Майор хатни очиб кўрсатади, Ҳилола кўл теккизмай ўқийди. Анқайиб қолади.) Хуш?! Қизиқми? Елғиз юрма! Кечга қолма!

Ҳилола (ўзини тутиб олгач). Э, мен кўрқмайман!

Умида. Сен нимаю, даданг нима! Орқаларингдан келиб бошларингга бир туширса, тил тортмай ўласизлар! (Ёқасига туфлаб.) Вой, тавба қилдим-э! Энди уйга милиционер кўйинг!

Майор. Бе!

Умида. Бейингиз нимаси?! Пистолетингизни қолдирасиз, бўлмаса!

Майор. Бе! Кўрқоқ ўлмасидан олдин ўлади! Кўрқоқдан нима кутиб бўлади, дейдилар. Сиздан фақат ваҳима!..

Умида. Энди сизлар уйга кирмагунча мен ҳам келмайман! Овқат ҳам қилмайман!.. (Телефон жириглайди.)

Майор. Майор Оқиллов эшитади. Экспертизадан-а? Ҳа, ҳозир!.. (Хотинига қарайди. Умида қизига имлаб, лабини буриб чиқади.) Ҳа. Уста, жуда айёр ўғрилар! Телефонда эмас! Раҳмат! (Кўяди. Ўзи билан ўзи гаплашади.) Наҳотки улар шу қадар уста бўлса? Наҳотки ҳеч қандай из топилмаса?.. Мумкинмас! Топаман!.. Хотинимнинг кўрққани ҳам бежиз эмас. Расволар менинг изимга ҳам тушишлари, болаларимни нобуд қилишлари ҳам мумкинку?! Йўқ, кўрқмайман. Дўқ қилишяпти.

Ҳилола (кириб, ташвишли). Дада, Рустам акамни нега тергов қилишяпти?

Майор. У ҳам комбинатда ишлайди-ку.

Умида (кириб, қизига). Бор, дарсхонанга чиқ. (Қиз кетади.) Сизга нима бўлди ўзи? Ҳилола иккаласи бир-бирларини севишади ахир!

Майор. Севишади? Ҳозирдан севгига нима бор? Энди биринчи курсда-ку. Мабодо Рустам...

Умида. Нега ундай дейсиз? Қариндош, холамнинг невараси-я! Бизнинг авлоддан ўғри-пўғри чиққанмас!

Майор. Тўғри, чиққанмас. Рустамнинг нимаси бор бизникида?

Умида. Чамадонни қолган, холос. Яхшиям секция олиб чиқиб кетди. Менга қаранг, комбинат қоровуллари ўғриларнинг шериклари эмасмикан?

Майор. Йўқ, улар тўғри одамлар.

Умида. Итлар ҳам иш бермадимми?

Майор. Шуниси алам қилади-да. Хонага қалампир, саримсоқ, тамаки, яна нима балоларнинг сувини сешиб кетишган. Рустамнинг эски шими чўнтагидан тамаки ҳиди кел-япти. Чекадимми?

Умида. Илгари паст папиросларни чекарди. Қизингиз чекмасангиз бўлмайдимми, деган эди, ташлаб юборди. Хурсанд бўлдик. Ундан асти гумонсираманг. Бир куни Алижон билан ўзига пайпоқ олган экан. Сотувчи фақат битта пайпоққа пул олиб қолибди. Рустам ачиниб, элтиб берди. Кўрдингизми! Уғлингиз бекорга дўст тутинармиди. Рустам ҳатто боксда мукофотга олган кубогини ҳам Алижонга ҳадя қилди!

Ҳилола(кириб). Дада, Рустамжон акам келдилар. Сиздан уялиб қайтиб кетмоқчи. Чамадонига келган эканлар.

Майор. Қизиқ, нега уялади?

Умида. Ҳаммамизга ёққан йигит, нима бало, сизга ёқмай қолди?

Майор (ўйчан). Менга ҳам ёқади. Биласизми, заҳарли илонни ҳамма ёмон кўради. Аммо уни севиб, эъзозлаб боқадиган одамлар ҳам бор. Чунки заҳари фойда — дори! Тиллақўнғизни севмаган бола йўқ. Аммо унинг турган-битгани зарар.

Умида. Йўғ-э?!

Майор. Афсуски, шундай. Тиллақўнғиз зарарли ҳашарот... (Алижон билан Рустам киради.)

Рустам. Ассалому алайкум! Мен Фарғонага бориб-келмоқчи эдим.

Майор. Бемалол бориб-келишингиз мумкин. Мен айтиб қўяман. (Ҳаммаларининг чехраси очилади.)

Рустам. Раҳмат, Азизхон ака! Хайр.

Майор. Хайр. Оқ йўл. (Умида, Алижон, Рустам хурсанд чиқишади. Телефонни олади.) Рустам Фарғонага бориб-келаркан. Ҳар эҳтимолга... Ҳа, Яшанг! (Алижон кириб эшитади. Майор ўнғайсизланади.)

Алижон. Бу нимаси, дада? Орқадан ўқ узишми?

Майор. Уқдан асраш, ҳалокат жаридан сақлаш.

Алижон. Ахир, дўстим Рафиқни ҳам, Рустамни ҳам неча марта терговга чақир-

шибди. (Ҳилола билан Умида эшик олдида ҳаяжон билан кулоқ солишади.) Бу етмаган-дек, орқасидан одам кўйиш! У жосус эмас-ку.

Майор. Шундай қилиш керак! Тартиб шундай, ўғлим.

Алижон. Э, шу ҳам тартиб бўлди-ю! Тўғрини ўғрига, дўстни душманга айлантирадиган тартибни чиқарясизми, дада?

Майор (кинояли). Дўқми бу, ўғлим?

Алижон (ҳаяжонли, ўнғайсиз). Кечирасиз! (Чиқиб кетади. Телефон жириглайди. Олади. Умида киради.)

Майор. Майор Оқилов эшитади. Юз сўмлик? Нечта? Қаерда майдалатибди? Кассада? Буни ажабланидиган жойи йўқ. Энг муҳими, пулнинг изи чиқибди. Ҳозир бораман.

Умида. Уғрилар ушланибдими? Рустамга айтайми?

Майор. Нимани айтасиз?! Ҳозирча ҳеч кимга, ҳеч нима! (Шошиб чиқади. Ҳилола ҳовлиқиб киради.)

Ҳилола. Нима гап? Нега дадам шошиб чиқиб кетдилар? (Телефон жириглайди. Олади.) Лаббай. Майор Оқиловлар квартираси. Ие, Жамилахон! Яхшимисиз. Раҳмат. Акамни чақирайми? Ҳозир. (Трубкани столга кўйиб, ташқарига шошилади.)

Умида. Шошма! Йўқ экан, деб қўя қол. У қизни унча ёқтирмайман.

Ҳилола. Вой, вой! Ушандай қизни-я? Бор одамни қандай қилиб йўқ дейман? (Дарвоза кўнғироғи тўхтовсиз жириглайди. Ҳилола чопиб чиқади.)

Умида. Ҳилола, очма! Очма дарвозани! (Орқасидан югуради.)

УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Тартибли жиҳозланган хона. Бир четда магнитофон. Деворда санъатга оид расм, суратлар. Четда катта ойна. Ёқимли куй чалиняпти. Алижон билан Жамила киради. Бошқа хонадан йигит-қизларнинг гурунги эшителиди.

Алижон. Кўнглингиз ўрнига тушдими, Жамилахон? Жуда жонсараксиз-а!

Жамила (киё боқиб). Жонсараклик ёмонми?

Алижон. Жуда яхши! Менга ёқади. Меҳмонни севиш одатингиз ҳам ёқади. Кичик-лигимда уйимизга меҳмон келиб қолса, ўзимни қўярга жой тополмай, югуриб-елиб дастёрлик қилардим. Хўш, бугун мен танимайдиган меҳмон келади, дегандек бўлдингиз?

Жамила. Одатда, туғилган кунга ҳеч ким чақирилмайди. Сиз ёмон кўрган биттаси келармикан, деб ўйловдим.

Алижон. Сиз туғилган кунда, ҳатто қор ёғса ҳам, кўзимга баҳор лоласидек кўринади.

Жамила. Раҳмат, Алижон ака! Худди шоирлардек гапирасиз-а!

Алижон. Ишонсангиз, сизнинг қадам ташлашингиз, сиз ёқтирган гуллар, кийган кийимларингизгача менга ёқади. Сизникидек кўйлак кийган қизни кўриб қолсам, юрагим жиғ этиб кетади. (Жамила ҳузур билан қаҳ-қаҳа уради.) Ишонмайсизми?

Жамила. Ишонаман! Жуда ҳам ишонаман! Тунов куни мен сизга ўхшаш йигитнинг орқасидан тикилиб, тушадиган бекатимдан ўтиб кетибман! Баъзан хаёлга ботаман. Доим шунақа меҳр-муҳаббатда яшармиканмиз? Ёки, вақти келиб, бир-биримизга қаттиқ-қуруқ гапирадиган, жеркиб ташлайдиган ҳам бўлиб қолармиканмиз!..

Алижон. Нечук бундай хаёлларга борасиз?

Жамила. Бахтимдан кўрқаман! Муҳаббатнинг қанчалик азиз, қанчалик муқаддас эканини тушунмайдиган одамлар ҳам бор-ку.

Алижон. Бўлса бордир. Муҳаббатни тушунмайдиган одам одамми?!

Жамила. Тўғри. Лекин аввалига бир-бирини ардоқлашиб, кейинчалик ҳурмат қилмайдиган одамлар ҳам бор-да. Севгини кўз қорачиғидек асраш ўрнига... Ҳатто ажрашиб кетишади-я!

Алижон. Ҳа. Бир-биридан тирик жудо бўлишади. Улар бебурд, бетайин одамлар. Ахир уларни эски замондагидек мажбуран қўшиб қўйишмаган-ку.

Жамила. Ҳа. Сиз билан мен ўла-ўлгунча бир-биримизнинг бахтимиз учун яшаймиз. (Алижон кучоқлайди.)

Алижон. Онт ичаман! (Рустам, Малика, Рафиқ киради.)

Рустам. Рақсга, дўстлар, рақсга! (Туша бошлашади.)

Рафиқ. Яна биттадан ичайлик! (Икки қадаҳга қўйиб, Алижон билан Жамилага туттади.)

Жамила. Ортиқча шароб — қобилият оғуси-я! Гар нафсингиз ақлингиздан устунлик қилса ўзингиз ичинг, Рафиқ ака.

Рафиқ. Олим бўлиб кет-э! (Алижонга туттади.) Сен ич.

Алижон. Биласан-ку, дўстим, мен ичишни ёқтирмайман. Узр, халақит берма.

Рафиқ. Малика пошша ичадилар! Кейин бирга рақсга тушамиз. Бугун энг азиз, энг яхши қизимиз Жамилабонунинг туғилган куни. Шундай кунда яйрамасак, қачон яйраймиз-а, дўстлар? Гўзал Маликам! Йигитнинг сазаси сингунча шайтоннинг бўйни узилсин! Қўлимни қайтарманг.

Малика. Ичиш ҳам курсин, қўлингиз ҳам курсин! (Ҳаммалари кулиб юборишади. Рафиқ иккала қадаҳдаги коньякни ичиб, қадаҳни ерга уради.) Қўл эмас, балою ногаҳон экан-ку! (Яна кулги кўтарилади.) Зараркунанда!

Жамила. Э, ундай деманг. Сингани яхши. Рафиқ ака, рақсга тушмайсизларми? (Рақс давом этади.)

Рафиқ. Ким билан тушаман? Маймун билан бўлса ҳам тушардим. Аммо илон билан тушиб бўладими!

Малика. Тўппа-тўғри!

Рафиқ (ажабланиб). Нима тўғри?

Малика. Айтган гапларингиз. Ҳеч жаҳонда айиқполвон билан илон тенг бўларми-ди? (Ҳаммалари кулиб юборишади.) Айиқ лапанглаб икки қадам босгунча илон вош этиб бир жойингизга кириб кетса-чи?! (Қаттиқ кулги кўтарилади.)

Рафиқ (ғазабли). Бошини узиб ташларман, ўша илонни!

Малика. Бошини? Думини ҳам босолмайсиз! (Кулги уланади. Рафиқ ғазаб билан Маликага яқинлашади. Орқа ўгириб ўйнаётган Маликани шартта ўзига қаратади. Унга қўл кўтарганида Малика самбо усулида Рафиқни ағдаради. Қаттиқ кулги кўтарилади. Рафиқ туриб ханжар суғуради-да, Маликага ташланади. Рустам уни кулатади.)

Рустам. Сал оғирроқ!.. (Рафиқ Маликага ғазаб билан тикилади.)

Рафиқ. Каллангни олмасам, одаммасман!

Малика. Мен ҳам сени одам деётганим йўқ...

Жамила. Дўстлар, бу нимаси?! Сизлар шунақамисизлар?

Рафиқ (Жамилага). Кечиринг! (Маликага) Кўрасан! (Кетади.)

Малика. Кутаман! (Алижон билан Жамила бир-бирларига ҳайрон қараб қолишади.)

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Иккинчи кўринишдаги саҳна. Портфель ушлаган Ҳилола ғамгин кириб, атрофга аланг-жалаңг қарайди. Ҳилола ўзи гаплашади.

Ҳилола. Аям кўрқиб келмабдилар. Қасдма-қасдликка мен ҳам овқат қилмайман. Бирам кўрқоқларки, кап-катта хотин. (Дарвоза кўнғироғи жиринглайди.) Ҳойнаҳой аям! Калитлари бор-ку, очиб кираверсалар бўлади-ку. (Яна жиринглайди.) Бир кўрқитайми? Нима қиларкинлар? Дадамдан тўппонча сўраётган эдилар. Берган бўлсалар, шартта отиб кўйсалар-а?! Э, отишдан ҳам кўрқадилар. (Портфелини олиб чиқади. Оёқ учиди юриб Умида киради. Атрофга аланглайди. Қўлидаги туғун билан сумкасини ташлаб, ичкарига югуради. Тўппонча олиб чиқиб, стол, диван остларини қарайди. Ташқаридан тарақлаган шовқин эшитилади. «Вой!» деб қичқириб юборади. Сўнг тўппончани икки қўллаб ушлаганча, кресло орқасига яширинади.)

Умида. Ким у? (Яна тарақлайди. Телефонга югуради.)

Ҳилола (эркакча овозда). Жойига қўй! (Умида кўрқиб, трубкани қўяди.) Тўппончани столга ташла!

Умида (қалтираб). А? Нима? (Юзига ниқоб тутган, шим, этик кийган, бир қўлида пичок, иккинчи қўлида ясама тўппонча ушлаган Ҳилола киради.) Кимсан?! (Орқасига тисарилади.) Кимсан?! Нима керак сенга?! Олавер, оладеганингни!

Ҳилола (қичқириб). Қўзғалма! Тўппончани ташла деяпман! (Умида тўппончасини столга қўйиб, орқасига тисарилади.) Соатинг, тақинчоқларингни еч! (Умида ҳаммасини ечиб столга қўяди.) Кийимларингни еч!

Умида. Йўғ-э!..

Ҳилола. Қўлингизни кўтар! (Умида қўлини кўтаради. Алижон кириб ҳайрон бўлади. Умида, «ушла уни» дегандек, ўғлига ишора қилади. Алижон, кўрққандек, Ҳилолага индай олмайди. Ҳилола эса Умидага яқинлашиб бораверади.) Қани, бир ўптир! (Ҳилола ўпмокчи бўлганида Умида тарсаки тортиб юборади. Алижон қаттиқ кулиб юборади. Ҳилола ниқобини олиб, қотиб кулади. Умида ҳолсиз ўтириб қолади. Ҳилола қучоқлаб ўпади.)

Умида (аранг). Қилиғинг бошингда қолсин! Қиз бўлмай ер ютсин, сени! (Майор кириб ҳайрон бўлади.)

Майор. Ҳа, нима гап? Ким келди? Ўғримми?

Ҳилола. Йўғ-э! (Майор ичкарига ўтади.) Ие! Сизнинг тўппончангиз ҳам ёлғон экан-ку?

Умида. Э, ўл! Рост бўлса нақ пешонангдан отмасмидим, ер юткур! Юрагимни ёрдинг-ку! (Ҳаммалари кулишади.)

Майор. Овқат-повқат борми? Қорин ўлгудек оч. (Алижон чиқади.)

Умида. Ҳилола, югур, дарров гўшт қовуриб берақол. (Она-бола чиқади. Телефон жиринглайди. Майор олади.)

Майор. Майор Оқлов эшитади. Ие, Жўравой, бориб-келдингизми? Қизиқ гаплар? Рустам билан бир вагонда? Жуда соз! Телефондамас. Ҳозир бораман! (Кетади. Умида билан Ҳилола киради.)

Ҳилола. Дадамга тушунмай қолдим.

Умида. У нима деганин?

Ҳилола (тажанг). Рустам акамнинг орқасидан одам қўйибдилар.

Умида. Йўғ-э, тушунмагандирсан?

Ҳилола (ер тепиб). Тушундим! Икки қулоғим билан эшитдим!! Агар у билиб қолса, юзимга қарамайди! Ориятли у! Қарамайди! (Дарвоза кўнғироғи жиринглайди, Ҳилола ташқарига юради.)

Умида. Ҳой, шошма! Тўппончани ол!

Ҳилола. Э, тўппончангиз қурсин! Уша ўғрилар мени ўлдириб қўяқолсин! (Чиқади. Алижон киради. У ҳам ғамгин.) Дадамнинг дастидан ўз юртига кетаркан-да! (Телефон жиринглайди. Шошиб олади.) Майор Оқиловнинг қизи эштади! (Юмшаб) Вой, Рустамжон ака! Яхши келдингизми? Ҳалиги, ҳалиги, ҳалиги...

Алижон (онаси билан чиқаётиб). Бузуқ пластинкага ўхшамасдан гапиравер! Ҳалиги, ҳалиги...

Ҳилола (орқаларидан тилини чиқариб эрмаклайди.) Сиз келасизми, мен борайми? (Умида кириб, аста эштади.) Хўп, хўп, мана! (Трубкани ўпади.) Бўлдими? Сизнинг ўпишингиз мумкинмас ҳали. Телефондами? Ҳа, майли. (Юзини трубкага тутади.) Мана. Упмайсизми? (Умида юзини беркитиб, қочиб чиқаман деб, эшикка урилади. Ҳилола трубкани орқасига беркитиб қарайди.) Сичқоч пойлаяпсизми, ая?.. (Трубкага) Келақолинг! (Қўяди, хурсанд. Ўзи хиргойи қилиб, ўзи ўйнайди. Ўзини ойнага солади. Рустам келади.) Вой! Дарров келдингизми?

Рустам. Сизни деганда таксида ҳам қанот пайдо бўлди. Қани, бармоғингизни тутинг-чи. Кўзингизни юминг.

Ҳилола. Нега? (Номсиз бармоғини тутади.)

Рустам. Яшанг! (Узук тақади.) Энди кўзингизни очинг.

Ҳилола. Вой, мунча чиройли узук! Фарғонадан олиб келдингизми?

Рустам. Йўқ, онамдан қолган ёдгорлик. Холам бердилар.

Ҳилола. Раҳмат! Онангиз келиним тақсин, деган эканлар-да?

Рустам. Яшанг! Топдингиз-а! Хўш, кетишга нима дейсиз?

Ҳилола. Кетаман денг?

Рустам. Нега кетаман? Кетамиз! Сиз қолмоқчимисиз?

Ҳилола. Нега? Ҳе йўқ, бе йўқ кетаман?

Рустам. Хоҳласангиз тўй қиламиз. Бўлмаса кейин.

Ҳилола. Кейин?! Вой, гапларингиз қизиқ-а! Нима, мен бепадар, номсиз, нишонсиз қизманми? Ота-онам, эл-юрт-чи? Одамлар нима дейди? Сиз мени синаяпсизми, ерга уряпсизми?

Рустам. Униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас. Тўй...

Ҳилола. Биз бадавий одамлар авлодидан эмасмиз-ку. Бу ёқда ўқиш-чи? Дугоналарим: «Ху эрсирамай ўл!» демайдимми?

Рустам. Бошқа нима илож? Кетамиз бўлмаса!

Ҳилола. Қочиб-а? «Гуд бай» дебми? «Боққанингга раҳмат, тарбиянгга лаънат», деб кетамизми?

Рустам. Яхшилаб хат ёзиб, кечирим сўраб кетамиз-да.

Ҳилола. Одамлар юзига қандай қараймиз? (Майорнинг овози эшитилади. Рустам безовта.)

Рустам. Ўзингиз ҳал қилинг, бўлмаса!

Ҳилола. Яхши. Мен аям билан маслаҳатлашай. Сиз акамнинг ёнига кириг. (Рустам чиқади. Майор киради. Қизини кўриб, ачиниб яқинига келади.)

Майор. Ҳа, жон қизим? Намунча безовтасан? (Ҳилола бошини дадасининг кўкрагига қўяди. Дадаси унинг бошини силайди.) Сенга айтадиган жуда муҳим гапим бор. Чой дамлаб келгин. (Ҳилола чиқади. Алижон киради.)

Алижон. Дада, Рустамнинг орқасидан одам юборганмидингиз?

Майор (кулиб). Нима эди?

Алижон. Саволга савол билан жавоб бериш маданиятсизлик, дер эдингиз-у?

Майор (кулиб). Юборилган эди.

Алижон. Нега энди шундай қиласиз? Эшитиб, уялиб кетдим. У одобли, тўғри йигит-а? Очигини айтсам, шу уйда сиздан бўлак ҳаммамиз ҳурмат қиламиз уни.

Майор. Мен ҳам ҳурмат қиламан.

Алижон. Ҳурмат қиламан? Ажабо! Демак мен «ҳурмат» сўзининг маъносини билмас эканман-да?

Майор. Кинояларинг ўринсиз, ўғлим. Менга тушунмаётган бўлсанг керак. Зийрак боласан-ку, сал ёшлигингга борасан-да.

Алижон. Ростини айтсам, ҳаддан ташқари гумончи бўлиб қолибсиз.

Майор. Гумон — жиноят калити.

Алижон. Рустамда жиноят нима қилади? Мўмин, тўғри бола.

Майор. Балки.

Алижон. Балкимас, аниқ! Ҳалол у! Унга ишонмасангиз, менга ҳам ишонмай-сизми? Дўстимдан айиряпсиз! Фақат дўст эмас, у қариндош ҳам! Балки орқасидан яна одам қўярсиз?

Майор. Эҳтимол.

Алижон. Эҳтимол? Нималар деяпсиз, дада?! Мени шарманда қилмоқчимисиз?! Ахир, бу — оиламизга иснод-ку! Илтимос қилдингиз, уйининг калитини бердим. Албатта, яхшилаб тинтилган. Ҳеч нарса топилмаган, шундайми?

Майор. Шундай.

Алижон. Ана! У эса пайқабди. «Калитни бировга берганмидингиз?» деб сўради.

Майор. Нима дединг?

Алижон. Нима дердим, алдаб бўладими? Йўқ, дада! Бу мумкинмас! Алдоқчи эмасман!

Майор. Яхши... Давлатнинг неча юз минг пули йўқолиб кетаверсинми? Тушунсанг-чи!

Алижон. Сиз ҳам тушунинг-да! У ўғримас! Бировнинг ҳақидан жирканадиган бола. Агар унда пул бўлса, мендан олган арзимаган қарзини бериб кетмасмиди? Неча марта кечирим сўради.

Майор. Эҳтимол. Сен мунча куйинасан?

Алижон. Ие, дўстимга куйинмайми?! «Дўстдан улў ҳеч нима йўқ», «Чин дўсти йўқ одамнинг виждони ҳам йўқ», деб ким айтганди!.. Сизни одамларга нисбатан бу қадар ишончсиз қилиб қўйган касбингиз бўлса керак! Мен чекист бўламан, деган-дим, адашган эканман.

Майор. Қара-я!.. Қачи, айт-чи, сен нима учун медицина институтига кирдинг?

Алижон. Биласиз-ку.

Майор. Билишга-ку, биламан-а, ўз оғзингдан яна бир марта эшитгим бор. Агар унутмаган бўлсам сен: «Халққа энг кўп фойдаси тегадиган соҳа — медицина соҳаси», деган эдинг, тўғрими?

Алижон. Тўғри. Сўзма-сўз ёдингизда экан.

Майор. Ёдимда. Хотирам ёмонмас. Тушунсанг, чекист давлатнинг, халқнинг кўз-қулоғи. Чекист ҳам фақат халқ манфаати йўлида, давлат манфаати йўлида курашади. Юрист — муқаддас қонунлар соқчисигина эмас, жарчиси ҳам.

Алижон. Тушунаман, яхши тушунаман. Аммо ўз ўғлини дўстларига душман қилиб қўйишда қанақа манфаат бор, дада?! Қўйинг-э! Илтимос, энди Рустамни тинч қўйинг!

Майор. Афсуски, илтимосингни қабул қилолмайман, ўғлим.

Алижон. Нега? Нега ахир?! (Умида билан Ҳилола қулоқ солишади.) Нега юзимни ерга қаратасиз?! Нега дўстимдан жудо қиласиз?!.

Майор. Қичқирма! Қўполлигинг учун ҳали кечирим сўрайсан. Мен ҳақ бўлсам керак.

Алижон. Ҳақ бўлсам керак? Ҳақ эмаслигингизга ўзингиз ҳам ишониб турибсиз. Унда сиз кечирим сўрайсизми? Кечиримингиз кеч бўлмасмикан? Кечиримингиз бошимнинг эгилганига арзирмикан? Йўқ!.. (Чиқади, ҳовлиқиб Умида киради.)

Умида. Гапларингизни эшитдим. Бўлинмасин, деб кирмадим. Бу нимаси?! Ёлғиз ўғлингиздан айрилмоқчимисиз?! Юз ўғирмаса ҳам меҳри совиб кетади-ку, мусулмон!

Майор (асабий). Чой! (Умида чиқади, ўз-ўзига гапиреди.) Хотиним тўғри айтяпти. Меҳрибон болаларим мендан юз ўғирса-я? Йўғ-э! Унақа болалар эмас. Рустам чиндан ҳам ювош, мўмин йигит. Гумонимиз — хатоимизми?..

Умида (чой кўтариб киради). Хат ёзган ўғрилар жудаям ёвуз! Болаларимдан кўрқаман, эржон!

Майор. Сиздек кўрқоқ, сиздек ваҳимачи хотинни кўрмаганман-да. (Умида аччиғланиб чиқади.) Унинг гапида жон бор. Болаларим тўғри, содда болалар. (У ёқдан-бу ёққа юради.) Наҳотки Рустам ҳақидаги шубҳам янглиш бўлса? Рафиқ мозорда нима қилади? Қабристонда икки кишининг изи топилган, бири Рафиқники эканлиги аниқ. Иккинчиси кимники? Гумон қилинган уч кишидан бири Рустам. Аммо у қўй оғзидан чўп олмайди-гандек юради. Хато қилаётган бўлсак-а? (Шошиб телефон қилади.) Салом, Оқиловман. У кунги гумоннинг тагига етдингизми? А?! Рустам, Алижон, яна икки йигит? (Умида киради.) Алижон кетмасин! (Умида чиқади.) Қанақа қизлар? Яхши қизлар? Ҳа соат тўққизда борган бўлса... Ораси тўрт чақирим. (Алижон билан Умида киради.) Тўғри. Машина бўлса... Хўп, раҳмат. Катта раҳмат! (Трубкани қўйиб, ўнғайсизланади. Алижон дадасига тикилиб тураверади.) Ёмғир ёққан куни — пул ўғирланган куни қаерда эдинг? (Алижон довдирайди.)

Умида. Уйда эди. Ярим кечагача ўз хонасида магнитофон қўйиб...

Майор (зардали). Бу гапни эшитганман! Сиздан сўраётганим йўқ! (Алижонга) Қаерда эдинг?!

Алижон. Меҳмонда эдим.

Умида (ҳайратда). А? Вой, ўлмасам! Магнитофон қўйдинглар-ку.

Майор (Умидага). Бас! (Алижонга) Кимлар билан эдинг?

Алижон (азобли). Рустам, Рафиқ, бир-иккита қиз...

Умида. Ахир, гапларингни, музикаларингни уйда ўз қулоғим билан...

Майор (жеркиб). Бас! Уйда магнитофон қўйиб кетишган! Виждонсизлар!

Алижон (азоб билан). Виждонсиз?! (Умида титраб қолади. Алижон ўқдек отилиб чиқади. Асабийлашиб, майор ҳам чиқади.)

Парда

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Аввалги сахна. Умида куйиб-ёниб киради.

Умида. Вой, энди нима қилдим? Уғлимни қаердан топдим?! Вой, болагинам!! (Отилиб Ҳилола киради.) Нима гап, қизгинам?!

Ҳилола. Институтда ҳам йўқ, ўртоқлариникида ҳам йўқ. Қаёққа кетиши мумкин?! Балки Жамила билар? Югуриб бориб келаман!

Умида. Бор, қизим! Бор! Тез бор! Таксида бор! (Ҳилола чиқади.) Вой, она бўлмай мен ўлай! Уғри қувламай, милицияда ишламай эрим ўлсин!.. (чўчиб) Вой, вой, вой! Мен нималар деяпман-а! Эржоним омон бўлсин-э!.. (Майор бўшашиб киради.) Вой, эсон-омон келдингизми, эржон? Тан-жонингиз соғми, эржоним?!

Майор (хайрон). Ие, мен Маккатиллодан келдимми? Дарағи йўқми?

Умида. Йўқ! Йўқ! Болагинам ўғри-қотиллар қўлига тушиб қолган бўлса-я!

Майор. Э, ваҳима қилманг-э! (Ҳилола киради.)

Ҳилола. Жамила ҳам билмайди!

Умида (эзилиб). Вой, шўрим курсин! Шўрим курсин!

Майор. Айб ўзингизда.

Умида. (қичқириб). Менда?! Мен ўлгур нима қилдим?! (Йиғлаб) Гапирсанг-чи, қизим! Аканг айтгани тўғри — даданг бутунлай ўзгариб кетибди! (Йиғлайди) Шўрим курсин!

Майор. Қандай доно бўлиб кетяпсиз-а, хотинжон!

Умида. Боласидан айрилган қуш уясини тарк этади! Кетаман! Уғлимни топинг! Аммо сиз ўғлимни эмас, ўғрини қидиряпсиз!

Майор. Жағиллаб бўлдингизми?

Умида. Ҳилола, нега тилинг тутилиб қолди?! Гапирсанг-чи! Даданг мени қарға, деяптилар! Эшитдингми?

Ҳилола. Қарға жағилламайди, захча деяптилар.

Умида. Захча эмиш! Отаси нимаю, боласи нима! Хўш, нима учун айб менда?

Майор. Бола ақлини таниганидан кейин сал эрк беринг, фалон минутда келасан, деманг, деб айтганмидим?

Умида. Хўп, айтгансиз, боламни тергасам нима бўпти?

Майор. Аям хафа бўлади, деб бола шўрлик сизни алдаб, хонасига магнитафон қўйиб кетган. Сиз бўлсангиз, ўғлим уйда деб ухлайвергансиз. Бу ҳол балки ўғриларга қўл келгандир. (Дарвоза кўнғироғи чалинади. Мотоцикл овози эшитилади. Чиқади. Қаттиқ ғазабланиб киради. Ҳилола унга ташланади.)

Ҳилола. Нима гап, дадажон?! Айтинг! (Майор айтолмайди. Умида безовталанади.)

Умида. Вой, айтсангиз-чи! Нима гап ўзи?! Айтсангиз-чи! Умрдош ҳақида айтган уч шартингиз ёдингизда борми? «Чин ёр содиқ, меҳрибон бўлади, алдамайди», дегансиз.

Майор. Узингизни босинг. Мен алдаяпманми? Мен билан яшаш чиндан ҳам қийин сизга.

Умида. Нима, нима? Хўш, салкам чорак аср бирга яшаб сасимаган, энди сасиб қолдингиз! Бир-биримиздан тирик жудо бўлмаймиз, деб ким айтган эди?! Ёки мени ўлганга чиқаряпсизми? Ёшроғи топилиб қолдимиз? (Майор безовта.)

Ҳилола. Сизга нима бўлди, ая? Бемаза гапларингиз курсин!

Умида. Хўш, энди айтинг-чи, кўчадан нега безовта кирдингиз? Айтаверинг! Мен қўрқмайман! (Майор чўнтагидан рўмолчага ўроғлик хат олиб узатади. Умида хатни ўқимай, қалтираб Ҳилолага беради.) Сен ўқи-чи!

Ҳилола (хайратли ўқийди). «Майор! Сизга майнабозлик хати ёзмаган эдик! Уғлингиз қўлимизда!..»

Умида. А! (Узини ташлаб юборади. Ота-бола кўтариб диванга ётқиизишади.)

Майор. Сув! (Ҳилола пиёлада сув келтиради. Сепиб, ичиради, телефонга югурди.) Врач керакмас! (Умида ўзига келади.)

Умида. (хушёр тортиб). Менга нима бўлди?

Майор. Ботирлигингиз тутиб кетди. Ҳилола, хат қани? Ўқийвер. Билишларинг керак. Аммо қўрқманглар.

Ҳилола (Ўқийди). «...Биз сиздан ҳам, каттароғидан ҳам қўрқмаймиз. Аммо сиз сичқоннинг инига яширингани ҳам топадиганлардан экансиз. Божхонадан ўғирланган пальтоларни ҳам сиз қўлга туширибсиз! Биз сизга қарши кураш бошладик! Ё органдан кетасиз — омон қоласиз! Ё бўлмаса уруғ-аймоғингиз билан қириб ташлаймиз! Мана, ўғлингиз қўлимизда. Бир ҳафта муҳлат. У ёғини ўзингиз биласиз. Гуд бай, майор! Ўғрилар-қотиллар».

Умида (қичқириб). Войдод! Сизнинг дастингиздан ўғлимдан ажралдим! Дод!

Ҳилола. Бас-э! (Умида бақрайиб қолади.) Улар фақат ўғримас! Қотиллар! Одамхўрлар! Дадажон, кўрқманг! Тутиш керак, уларни!

Майор. Раҳмат, қизим, ёвдан кўрққан жангга кирмайди!

Ҳилола. Яшанг, дадажон! У одамхўрларни ушлаш керак! Жаллод улар! Қани қўлларидан келса мени ҳам ўлдиришсин, ифлослар! Мен унақа бандитлардан кўрқмайман!.. Энди, дадажон, институтда ўқимайман, мен!

Майор. А? Нима учун?!

Умида. Нега ўқимайсан, қайсар қиз?!

Ҳилола. Милиция ўқишига кирман!

Умида (бошига уриб). Вой шўрим! Вой ўлганим яхши! Энди қизи ҳам ўғри қувламокчи! Вой, қиз ўлгур! Сенга бало борми, милицияда?!

Ҳилола. Ҳа, бало бор. Балолаларга қарши мен ҳам курашаман!

Умида (ўзини ўзи уриб). Войдод! Ота-болалар дастидан дод! Э, худо, буларга ўзинг инсоф бер! Энди мен нима қиламан? (Чикади. Ота-бола бир-бирларига тикилиб қолишади.)

Ҳилола. Дада, аввалги дастхат! Буни ҳам ўша ифлос ёзган!

Майор. Балли. Шундай, қизим, ўша ярамас ёзган.

Ҳилола. Дада, боягина почта қутисига қараганимда ҳеч нарса йўқ эди.

Майор. Назаримда, мотоциклда келган йигит ташлаб кетган.

Ҳилола. Номерини кўришга улгурмадингизми?

Майор. Номери-я! Ўзини кўролмайд қолдим-ку. Фақат бир нарсани аниқладим — орқа ғилдираги қийшайган мотоцикл. Бу бизга қўл келади.

Ҳилола. Қандай билолдингиз?

Майор. Изидан, эгри-бугри кетган. Таги резинали янги туфли кийган, 38, 39 размер. Демак, ёш йигит ёки паст бўйли одам. (Вой-войлаб, оҳ-воҳлаб Умида киради.)

Умида. Нима қилиб ўтирибсизлар, одамзодлар?! Энди нима бўлади?

Майор (ғазабли). Ҳеч нарса бўлмас! Алижон нодон боламас!

Ҳилола. Албатта! Дада, «Муҳим гапим бор», деган эдингиз.

Майор (Умидага қараб қўйиб). Ҳозирмас, кейин.

Умида. Айтиверинг ҳозир! Секретларинг қурсин! (Чикаётиб) Ўғлим тўғри айтган экан!

Майор (таажжубда). Шошманг! Нимани тўғри айтган экан?

Умида (йиғлаб). Бизга ишонмайсиз!

Майор. Яшанг! Бирам доно бўлиб кетяпсизки...

Умида. Ҳа! Ақлимдан нолимайман! Чидасангиз шу! (Ҳилола кулиб юборади. Умида ғазабланади.) Кулма, сен ҳам! Отанг нимаю, сен нима! (Чикади.)

Майор. Менинг гапларимни тўғри тушун, қизим. Оғир олма. Боланинг бахти — ота-онанинг бахти. Бахт эса бир қуш. Ақл билан иш тутмасанг, учади-кетади. Ҳа, шундай. Гапим нотўғри бўлса, тортинмай айт.

Ҳилола. Гапларингиз тўппа-тўғри, дада. Эшитаман.

Майор. Милиция фақат тинчликни, тартибнигина кўриқламайди, одамлар бахтини ҳам, қувончини ҳам, кези келганда ҳатто муҳаббатини ҳам кўриқлайди.

Ҳилола. Муҳаббатини? Қайси маънода?

Майор. Тўғри маънодаги муҳаббатини. Маслаҳат эса ана шу ҳақда. Агар сен чуқур, атрофлича ўйласанг, эр-хотин бир-бирларининг ойнаси, бир-бирларининг суянчи-ғигина эмас, бир-бирларининг қаноти. Қуш қанотсиз уча оладими?

Ҳилола. Учолмайди, албатта. Яхши гап айтдингиз, дада. Одамлар бир-бирларига нисбатан кўзгу, қанот бўлишлари шарт. Лекин сиз...

Майор. Нима мен? Тушундим. Шундай экан, нега сиз бизларнинг норозилигимизга қарамай, Рустам билан Рафиққа қарши ҳаракат қиляпсиз, демоқчисан, тушунибманми?

Ҳилола. Ҳа, дадажон! Ҳаммамиз ташвишда қолдик. Акам бўлса... Ёмонлар қўлида... Сиз бўлсангиз...

Майор. Мен бўлсам бепарво, тўғри одамни ўғри, дейман.

Ҳилола (ҳаяжонда). Дадажон! Нега энди Рустам акамни билиб туриб...

Майор. Сизлар кўпроқ кўз билан баҳо берасизлар. Ахир, кўзга олтин кўринган нарса доим олтин чиқаравермайди-ку, қизим? Тўйга ҳаракат қилаётган эмишсизлар. Бир оз муддат сабр...

Ҳилола (уялиб). Вой, дадажон! (Кўкрагига бош қўяди.)

Майор. Раҳмат! Рустам нимасига тўй қилади? Балки совға-повға олиб келгандир?

Ҳилола. Ҳа, дадажон. (Узукни чиқариб) Мана бу онасидан қолган ёдгорлик экан. (Майор узукни олиб кўра бошлайди.) «Холамда пича йиққан-терганларим бор», дейди.

Майор. Хўш... Маслаҳат, ҳозирча иккаламиз ўртамизда сир бўлиб турсин. Рустамга хат ёз, тезда келсин, юкингизни мен тўхтатдим, дегин. Тўйни маслаҳат қилайлик дегин.

Ҳилола. (чўчиб). Юки тўхтатилганми?

Майор. Ҳа. Ҳозирча, қизим... Хўш, бу орада сен ҳам, мен ҳам Рустамни синай-

лик. Ҳалол йигит бўлса, тўйларингга қарши эмасман. Шунда ялтираган шишани гавҳар деб алданмаймиз — севгинг, келажаги порлоқ севги бўлади. Хўпми, қизим?

Ҳилола. Хўп, дадажон! Раҳмат, дадажон!

Майор. Яша! Мана бу узукка келсак, ёдгорликка ўхшамаяпти: яна ким билсин, мен текширтирай-чи.

Ҳилола. Яхши, дадажон. Аммо акамдан жуда ҳам қўрқяпман! Агар тез топилмаса, аямлар ётиб қоладилар. Ҳа, бу аниқ!

Майор. Қўрқма. Қидиришяпти. Сен аянгни тинчлантир. (Умида чой кўтариб киради. Дарвоза кўнғироғи жиринглайди. Хавфсиз раб бир-бирларига қарашади. Ичкарига ҳаяжон билан Жамила киради.)

Жамила. Ассалом! (Жамила нима деярини билмайди.) Мени... мени...

Майор. Келинг, келинг!

Жамила. Мен... мен... мени айбламанглар! Кечирим сўрайман, сизлардан! Алижон акамни... (Йўғлаб юборади.) Қидирмаган жойим қолмади. Омон бўлсалар бас! (Умида ҳам хўнграб юборади.)

Майор. Азанглар нимаси?! (Ҳаммалари жим бўлишади.) Уғлим нобуд бўлмайди! (Чиқади.)

Парда

И К К И Н Ч И П А Р Д А

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Майорнинг кабинети. Капитан-терговчи шошиб ёзаяпти. Телефон жиринглайди. Шошиб олади.

Капитан. Капитан Аҳмедов эшитади. (Жиддий тус олади.) Хўш?.. Хўш?! Дарёнинг қаеридан? Катта дамба яқинидан? Еши? Шишиб кетган? Чўкканми, ўлдириб ташланганми? Орқа миясига уриб?.. Таниш мумкин бўлмаса, белги-нишонлари... Ҳа, ҳа! Ҳеч кимга ўхшамайди? (Чўчиб) А?! Наҳотки Алижон бўлса?! Дарҳол экспертиза чакиринг! Тамомий ташқи белгилари қайд қилинсин! Айниқса холлари расмийлаштирилсин! Холи борми? Билагида... Хўп... (Майор киради, ғамгин. Терговчи ўрнидан туради, жой беради.) Йўқ, йўқ! Ҳозирча оғиз очманг! Ўзим! (Трубкани қўяди.) Яхшимисиз, Азизхон ака? Янгилик борми?

Майор. Кўнгиллилар ёрдамида катта чайқовчилар қўлга тушди. Бизникига хат ташлаб кетган мотоциклни топдим. Уқувчи бола экан.

Капитан. А! Хат ташлаганини тан олдимиз?

Майор. Қарангки, тан олди. «Уртоғимникига кетаётган эдим, баланд бўйли йигит ташлаб кет, деб берган эди», дейди. Нотаниш одаммиш. У ёғини ўзим аниқлайман.

Капитан. Қойилман! Қимир этган нарсани ишга соласиз-а!

Майор. Шарт, ука. Кичик далилдан катта жиноят изи чиқиши мумкин. Бу, ўғлим ҳақида...

Капитан (довдираб). Ҳалиги, ҳозирча ҳеч гап... Ҳалиги, Алижоннинг ташқи кўринишида қанақа белгилари бор? Мен фақат жағининг ўнг томонидаги холини...

Майор. Чап билагида ҳам худди ўшанақа холи бор.

Капитан (кўрққандек). Билагида?!

Майор. Хўш?! Нима эшитдингиз? Нимага кўрқиб кетдингиз? Айтинг ростини!

Капитан. Бир воқеа эсимга тушиб кетди.

Майор. Йўқ, йўқ! Гапни чалғитманг! Негадир, чўчиб тушдингиз! Айтинг! Нима эшитган бўлсангиз айтинг!

Капитан. Кўрқманг, ҳеч гап йўқ. Бошқа янги гап топиб қўйдим.

Майор. Алижон ҳақидами?

Капитан. Машина ўғрилари ҳақида. Улар тутилди.

Майор. Яшанг! Мен нима девдим! Тўғри чиқдимиз!

Капитан. Ҳа, сиз ўйлагандек иш тутилди. (Телефон жиринглайди, олади.) Капитан Аҳмедов эшитади. Раҳмат! Ўзингиз яхшимисиз? Йўғ-э, синглим, зарарсиз, бемалол! (Трубкани қўяди.) Жамила деган қиз. Алижонни ниҳоятда севар экан. Тинчини йўқотган. Кунига ўн марта телефон қилади-я!

Майор. Биз илгари тушунмай, у қиздан ҳадиксираган эдик.

Капитан. Йўғ-э! Бундай қиз эрнинг бахти-ку! (Эшик тақиллайди.) Кириг! (Мўйсафид киради.) Ие, келинг, ота! Келинг! Мана, майор ҳам келиб қолдилар. (Майор мўйсафид билан кўришади.)

Мўйсафид. Омонмисиз, ўғлим? Уйга борсам идорага кетган бўласиз, идорага келсам, бошқа жойга кетиб қоласиз. Тинч ишлай олмас экансизлар. Алижон топилдимиз?

Майор (ғамгин). Йўқ ҳали. Сиз ҳам эшитибсиз-да. Бизга яхши ёрдам бердингиз, ота. Чайқовчиларни қўлга олдик. Уғлингиз қалай?

Мўйсафид. Раҳмат. Сизларнинг хизматларингиз олдида бизнинг кўмагимиз дарёдан

томчи, ўғлим. Қарангки, ўғлим худди қайта туғилгандек! Биз чолу кампирга бирам меҳрибон, бирам меҳрибонки, на ўзимизга ва на кўзимизга ишонамиз! Минг раҳмат сизларга!

Майор. Қандай яхши! Энди устимиздан министрга арз қилмайсизми? (Қулиб юборишади.) Ичмаяптими?

Мўсафид. Э, ичиш дейсиз-а! Ҳатто чекмай қўйган. Сиз киритиб қўйган заводдаги хурматини айтинг. Ҳатто завод газетасида мақташибди! (Ота шошиб чўнтагидан газета олиб узатади.) Мана.

Майор (ўқийди). «Бахтини топган йигит». Қандай яхши!

Мўсафид (ёшини артиб). Раҳмат, сизларга! Хоҳ қабул қилинг, хоҳ қабул қилманг, сиз ҳам энди ўғлим бўлдингиз! Сизларга қўй сўйиб, сарпо кийдирмасам, кўнглим ўрнига тушмайди.

Майор. Сиз хурсанд экансиз — биз хурсандмиз. Ўз бурчимизни бажардик, холос, тўғри йўлни топишига кўмаклашдик.

Мўсафид. Ҳа, тўғри йўлга бошладингиз! Яқинда Турдиалини уйлантираман.

Майор. Жуда соз, тўйга борамиз.

Мўсафид. Албатта, борасизлар! Сизларсиз тўй ўтмайди. Минг раҳмат, сизларга! (Ота чиқади. Телефон жиринглайди.)

Капитан. Капитан Аҳмедов эшитади. Ҳа, шу ердалар. Марҳамат. (Трубкани майорга беради.)

Майор. Майор Оқилов эшитади. Умида? Нима гап?! (Трубкада йиғи овози эшитилади.) Ўзингизни босинг! Ҳилола дугонасиникидадир. Хўп, хўп! Ҳозир бораман. (Трубкани қўйиб). Ҳилола келадиган вақтидан икки соат кечикибди. Бу қандай гап яна?! (Эшик тақиллайди.)

Капитан. Кириг. (Қоғозга ўроғлиқ нарса ушлаган милиционер киради. Честъ бериб қоғозни узатади.)

Майор. Алижоннинг дўпписими?! Уқ отилган!

Капитан. Йўғ-э! Қаердан топилди?

Милиционер. Дамбадан, анҳордан.

Майор. А?! Улар бизни чалғитиб, кўрқитишяпти! Бу талваса!... Қизимдан хавотир бўляпман! Кетдим!

Капитан (шошиб). Ҳа, ҳа! Борақолинг, ўртоқ майор! (Майор чиқади.) Вой, йиртқичлар-э! Нималар бўляпти ўзи!!

Парда

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Майорнинг ўйи. Умида ўғлининг дардида куйиб-ёнаётир.

Умида. Вой, худо ургурлар! Вой, оғзингдан қонинг келгурлар! Бир қўлимга тушармиди!.. (Ҳовлиқиб майор киради.)

Майор. Ҳилола телефон ҳам қилмадимиз?

Умида (йиғлаб). Қилмади, эржон! Қилмади! Ишга буюрмаганмидингиз? Алижоннинг хабари чиқдими? (Қаттиқ ҳаяжонда.)

Майор. Ўзингизни босинг, онаси! Чиқади! Топилади!

Умида. Илоҳим айтганингиз келсин!..

Майор. Бир пиёла сув беринг. Юрагим ўртаниб кетяпти! (Умида чиқади. Майор ҳаяжонда ўзи билан ўзи гаплашади.) Оббо фалокатлар-э! Наҳотки Ҳилолани ҳам қўлга туширган бўлса?! Милициядан кетиб турсамми... Йўқ, йўқ! Бу мумкинмас!.. Ҳилолани ушлашдими? Йўқ! Ҳилола сезгир, жасур қиз!..

Умида (пиёлада сув келтиради.) Ҳилола қаерда қолиши мумкин?!

Майор (эшитмагандек, сувни ичиб). Жоним, қорин оч-а!

Умида. Ҳа, эсим кўрсин! Паловнинг зирбаги куйиб кетдим!.. (Югуриб чиқади.) Ҳилола!.. Ҳилола!..

Майор. Қизгинам қўлга тушдимми?! Йўқ! (Безовта. Ҳилола киради.)

Ҳилола (кучоқлайди). Акамнинг дараги борми?! (Сумкасидан пул чиқариб беради.)

Мана, берди. Беш юз. Қалай, узукни текширдингизми?

Майор. Ҳа. Афсуски, ёдгорлик эмас. Узук яқинда чиқарилган. Рустам сотиб олган. Пулни мен айтгандек сўрадингми?

Ҳилола. Ҳа, аямнинг дугонасига жуда зарур бўлиб қолибди, бир ҳафтада қайтарарканлар, йиққан пулингиздан бериб тураркансиз. Аям хурсанд бўладилар. Дамдан сўрагиси келмади, дедим.

Майор. Раҳмат, қизим! Ўзимнинг ақлли қизим!

Ҳилола. Дада, бу пулни нима қиласиз?

Майор. Бу пулними? Бу пулни... Ҳа, майли, сенинг оғзинг маҳкам, айтаверай. Бу пулни Рустамнинг қаердан олганини биламиз. (Пулнинг у ёқ-бу ёғини кўради.) Хўш, бу пул биз излаган пулга ўхшамайди. (Ҳилола терс қараб ўз-ўзига «хайрият-а!» деб суюна-

ди.) Қизим, аянгга қарашиб юбор. Қорин оч. (Ҳилола чиқади. Майор телефон қилади.) Яхшимисиз, капитан? Пул келди. Беш юз. Ҳаммаси янги пул. Шаҳардаги банк, омонат кассаларини суриштиринг-чи. Рафиқнинг аҳволи оғир? Менга айтарканми? Ҳозир бораман! (Трубкини қўйиб, югурганича чиқади. Телефон узоқ жиринглайди. Ҳилола киради.)

Ҳилола. Лаббай. Вой, сизмисиз, Рустамжон ака! Келинг! Тез келинг! Паловни дамлаб қўйдик. Ланж бўлиб кетмасин, тезроқ келинг! (Трубкини қўяди. Хурсанд бўлиб ўйинга тушади. Умида мўралаб ҳайрон бўлади. Ҳилола ойна олдида ўзини минг оҳангга солади. Умида парда орқасига ўтади. Ҳилола лабига қизил суради, кўзига сурма тортади. Эшикка қараб қўйиб ўйнайди.) Пардозим ярашмади шекилли! (Ойнага қараб) Озроқ сурдим чоғи! (Яна суради. Эшик очилади, Рустам мўралайди.)

Рустам. Вой-дод, кўзингиздан!

Ҳилола (югуриб келиб оғзини беркитади). Вой, жим-э! Аям ҳам, дадам ҳам шу ердалар.

Рустам (қўлларидан ушлаб). Ўзим ўргилай, дадангиз кетдилар. Аянгиз кегунча битта! (Ўпишга интилади. Умида мўралаб юзини яширади.) Биттагина!

Ҳилола. Қўйинг-э! Кириб қолишади-я! Қочинг, номаҳрамсиз ҳали! (Рустам хиралик қилади.)

Умида (мўралаб). Вой, шўрим! Вой, уятсиз! (Юзини сидиради.)

Рустам (кучоқлаб). Оҳ! Сизни туққан онангизга тасаддуқ!

Умида. Вой шўрим! Бу гапни дадаси эшитиб қолса борми! «Тасаддуқ бўладиган сенмисан» деб...

Ҳилола. Вой, эшитиб қолишади! Канадек ёпишасиз-а! Қўлларингиз худди омбир-а! Вой қочинг-э, кана! Боринг, чиқиб туринг.

Рустам. Аввал битта! (Ҳилола қочиб чиқади. Орқасидан Рустам чиқади.)

Умида. Куёв ўлгур уятчанроқ бўлгувчи эди, хира пашшанинг ўзгинаси-ку! Биз уни одобли йигит, десак!.. Елим-а, елим!

Ҳилола (кириб). Рустам акам келмадиларми?

Умида (терс қараб). Келмабдилар-а!.. Сен шўрликка қийин бўлди!.. Чақирсанг югуриб киради-да, канадек ёпишади!

Ҳилола. Канадек?..

Умида. Ҳа, телефонга чақирсанг! (Тикилиб) Менга бир қара! Вой, ўлмасам! Нима бало, деворга таппи ёпгандек, ҳамма ёғингга чаплаб ташлабсан-ку! Вой афтинг қурсин! Э, арт! Даданг кўриб қолса кўнгли айниб кетади-я! Арт! (Ҳилола ойна олдига бориб, шошиб арта бошлайди. Эшик тақиллайди.) Ким бўлди? Кириг! (Уялиб, тортиниб Рустам киради.) Ие, сизмисиз, Рустамжон! Хизирни йўқласак бўларкан. Ҳилола ёдлаб турганди-я. (Ҳилола терс қараб кулади.) Ие, Ҳилола, кўришмайсанми? (Ҳилола билан Рустам уялгандек, ўзларини аранг тутиб саломлашади.) Бирам уятчансизлар-э, кўз тегмасин. Сиздек уятчан йигитни ҳеч кўрмаганман-а, Рустамжон! (Рустам уялгандек эшилади.)

Рустам. Алижон қани? (Она-боланинг руҳи тушади.)

Умида. Сиз қачон кўрган эдингиз?

Рустам. Фарғонадан келгандан бери кўрганим йўқ. (Умида ўзини тутолмай йиғлайди. Рустам ҳайрон бўлиб Ҳилолага қарайди.) Нима гап?

Ҳилола. Акам аразлаб кетган эдилар... Йўқ!

Рустам (ҳайратда). Йўқ?! Ажабо! Қаёққа кетган бўлиши мумкин? Топамиз! (Умида унинг елкасини силаб, ялинади.)

Умида. Барака топинг! Ердамингизни аяманг, жиянжоним!

Рустам. Бўлмасам-чи! Жонажон дўстим-а! Албатта топамиз!..

Умида. Вой оғзингизга ёғ, жияним! Ҳилола, даданг қанилар? (Ҳилола елкасини қисади.) Топ дарров! Паловни сузаман. (Чиқади.)

Рустам. Кетдилар-ку. Милиция иши иш эмас, ташвиш. Мен илгари врачларга қийин, кеча-кундуз оромни йўқ, деб ўйлардим. Милиция ходимларига минг чандон қийин экан. Қаҳрамон улар!

Ҳилола. Магазинни ўғри урса милицияга югур, машина ҳалокати юз берса милицияга югур, бировларнинг пули, моли йўқолса ҳам милицияга! Қўшнилари жанжаллашиб қолишса ҳам милицияга! Милиция бўлмаса одамлар қандай яшаркин, дейман.

Рустам (терс қараб). Одамлар ўлиб қолишарди! (Телефон жиринглайди.)

Умида (кириб). Даданг бўлсалар керак! Лаббай, Оқилова эштади. Раҳмат. Э, сизмисиз? Яхшимисиз? Синглим яхшими, Фозилжон? Рафиқнинг аҳволи қалай? (Рустам чўчиб тушади.) Наҳотки!.. Шу ерда. Рустамжон, сизни терговчи-капитан йўқлапти.

Рустам (трубкини олиб). Эшитаман. А? Эртага борсам ҳам бўлар? Оббо. Осмон узилиб ерга тушмас... Майли, бораман. (Трубкини қўйиб, кўнгилсиз.) Зарур ишлари бормиш.

Умида. Шу топда-я? Ҳалироқ бораман, демадингизми?

Рустам. Саволлари бўлса оғизларидан осмонга учиб кетмасин!

Ҳилола. Ая, сиз айтинг, эртага борсинлар. (Умида, «Жим бўл», дегандек ҳаракат қилади. Рустам кўриб қолади.)

Рустам (Умидага). Раҳмат, раҳмат! Хайр, ҳозирча. (Чиқади.)

Умида. Рустам кўрқиб кетди-я, нега?!

Ҳилола. Хайронман. Мен ҳам сездим. Нима бўлиши мумкин?

Умида. Бир сир борга ўхшаяпти, қизим!

Ҳилола. А! Йўғ-э!.. Қанақа сир?! Сиз ҳам дадамга ўхшаб...

Умида. Ранги қув ўчиб кетди...

Ҳилола. Терговчининг дўқидан кўрқиб кетгандир-да.

Умида. Рафиқ ўлим тўшагида эмиш.

Ҳилола. Бўлмаса шуни терговчи айтгандир. Рустамнинг нима даҳли бор?

Умида. Йўқ, аллақандай савол деяпти. (Она-бола ўйчан.)

Ҳилола. Унинг ҳақида ифво хат тушдимикан-а? Қамаб қўйишса-я?!

Умида. Оғзингдан шамол олсин! Ҳозир даданг келадилар, суриштирамыз.

Парда

САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Камтарона жиҳозланган хона. Уртада доира стол. Бир четда телефон, радиоприёмник. Деворда дутор осиглиқ. Радиодан ёқимли кўшиқ таралаяпти. Фартук тутган, пижамали Рустам куйга чайқалиб, сабзи тўғраб, ўзи билан ўзи гаплашади.

Рустам. «Ишлаган бош — бош, ишламаган бош — тош», деб ёзибди Дадажоним. Дадам — одамлар доноси! Бу лаънати милиционер йўл тўсмаганда хазинага ботардик! Эсиз бир машина мол! Жоннинг эгови бу милиция. Буларнинг дастидан ҳаловат йўқ. Майор-чи? У ўзининг оч-тўқлигига қарамай, қор-ёмғир демай сакиллагани-сакиллаган. Болаларининг ўлиmidан ҳам, ҳатто ўз ўлиmidан ҳам кўрқмайди-я! Оббо инсон-э! Шошма ҳали! Шундай додингни берайки, туғилганингга пушаймон егин! Ўғлини ҳам қўлга туширдим.... Агар исковичлигини бас қилмаса, қизини ҳам, ўзини ҳам бошини ейман! Берган муддатим тугади. Энди Алижонни йўқотиш керак! Кечаси ўлдириб, икки қопга жойлаб қўяман. Балиқ овига олиб кетиб гумдон қиламан. Туя кўрдингми, йўқ! Кейин навбат Ҳилолага, ундан қизиқ ўч оламан. Сўнгра навбат майорнинг ўзига келади. Унинг иши жўн. Кундуз соат бир-иккида уйда овқатланади. Хотини ишда, кириб чавақлаб чиқаман! Кейин навбат унга ёрдам бераётган милиция старшинасига! Ундан сўнг пулларни олиб Малика билан қочаман! Изимни топиб бўпти! Малика ваъдасида турармикан? Мунофиқлик қилмасмикан? «Нариги дунёга десангиз ҳам сиз билан бирга кетавераман», деган-ку! Аммо яна бир синаш керак. Рафиқни йўқотиб, бир кесак билан икки қарғани урдим. Пул бўлинмади. Старшинани олиб кетиб, йўлда йўқотсам ҳам бўлаверади. Маликанинг ишончига кириб олдим. Аммо у, негадир, Рафиққа ачиниб, ғам чекиб юрибди... Нега? Севармикан?.. Қизиқ. (Телефон жиринглайди. Олади.) Алло. Алло! Ие, Малика пошша, сизмисиз? Ҳозир ёдлаб тургандим-а! Келинг! Ғалати овқат пиширяпман. Бирга базму жамшид қурамыз! Бир-икки соатдан кейинми? Хўп, жонидан! Тўйгунигизча дутор чалиб, ашула айтиб бераман! Ох, ўзим ўргилай, сиздан! Раҳмат, раҳмат! Хафаман? Нега? Нимани эшитдингиз? Келинг, гаплашамиз. Телефондамас. Кутаман. (Трубкани қўяди.) Қандай гўзал! Қандайин беғубор, содда қиз-а! Бахтимдан ўргилай! (Телефон жиринглайди, олади.) Лаббай. Алайкум ассалом, яхшимисиз, меҳрибоним, Ҳилолабону! Ҳозиргина сизни ёдлаб тургандим-а! Ие, ҳозирми? Бир жойга шошиб тургандим. Майли. (Трубкани қўяди, чўчиб.) Зарур гапи нима экан?! Нима бўлиши мумкин, дадасидан бир нарсани эшитдимми? Жонимга тегди таҳликалар!.. (У ёқдан-бу ёққа юради. Асабийлашади. Радиони ўчиради. Эшик тақиллайди. Чўчиб, чўнтагидан пистолет олиб, отишга тахт қилиб қўяди.) Кириг! (Ҳилола кирибоқ Рустамни кучоқлаб олади. Ўпкасини босолмайди.)

Ҳилола. Кечиринг! Дадам овқатланяптилар, машинасида келдим!

Рустам. Нима гап?! Ташвишли гап борми?!

Ҳилола. Мени чин юракдан севасиз-а?

Рустам. Ҳали шубҳангиз ҳам борми? Сиз-чи?

Ҳилола. Мен жонимдан ортиқ севаман! Шунинг учун келдим! Қани, айтинг-чи, менга чин сўзингизни айтинг! Ҳозир айтмасангиз кечикамыз! Комбинат кассасидаги пулни ўғирлашга сизни тортишганми, йўқми? Ростини айтинг! Қўрқманг!

Рустам (довдираб.) Ие, йўқ! Ким айтди?! Ие, ие. Йўғ-э!

Ҳилола. Хайрият! Энди кўнглим тўқ! Сизни ишга аралашмаслигингизни билардим. Хайр, ҳозирча! (Шошиб чиқади, Рустам эсини йўқотгандек анқайиб қолади.)

Рустам (ўз-ўзига). Нима гап?! Нимани эшитди экан? Ҳозир қочайми? Йўқ, ҳозирмас. Фарғонага борганимда пулларни олиб кетсам бўларкан. Ҳеч ким сезмас экан. Мен аҳмоқ, чўчидим-а! Рафиқ ўлими олдида алжирадимми? Ўз вақтида бориб алдадим-ку, уни! (Хавфсираб) Старшина қўлга тушдимми? Йўқ! У учар-ку! Мени ҳозир қамоққа олиб кетмоқчи бўлса-чи? Унда, унда ҳаммасини отаман-да, қочаман. Ҳа, ҳаммасини ота-

ман! (Эшик тақиллайди, шошиб пистолетини яна текшириб жойига солади.) Кириг! (Ясанган Малика киради, меҳр билан кўришади.)

Малика. (ажабланиб). Нима гап?! Нега безовтасиз?

Рустам. Ҳеч-да. (Кулади) Нима бўпти?

Малика. Жуда безовта, ҳаяжонли кўринасиз.

Рустам. Сизни кўрганда доим ҳаяжонга тушаман.

Малика. Мен сезмас эканман. Қани, дуторни олинг, бўлмаса.

Рустам. Жоним билан! Аввал ўтиринг, озгина гаплашайлик. (Ёнма-ён ўтиришади.)

Малика. Иситмангиз йўқми? Соғлифингиз яхшими?

Рустам. Яхши, менда иситма нима қилади?

Малика. Унда олинг, дуторни.

Рустам. Айтинг-чи, мени севасизми, дуторними?

Малика. Сиз бунақа доно савол бермас эдингиз-ку?.. Сиз бўлмасангиз дуторнинг қиммати бўлармикан менга? Умуман, сиз бугун бошқачасиз. Мен ҳам хафаман. Даҳшатли тушлар кўриб чиқдим. Дутор чалинг, сал ёзилар. Савол-жавоб қочмас.

Рустам (бош чайқаб, дуторни олади.). Тушингизни ҳам гапириб берасиз. Нимани эшитгингиз келяпти?

Малика. Жигарпорани. (Рустам эзиб чалади.) Раҳмат! Зўрсиз! Талантсиз! Лекин аввалгича чалмадингиз. Мендан ниманидир сўрамоқчисиз.

Рустам. Жуда ҳам зийраксиз. Аввал тушингизни эшитар.

Малика. Рафиқни кўрдим! Кафани билан тепамга келиб, «Мени сен ўлдирдинг! Ўлдир яна!», деб қичқирса бўладими! Даҳшат! Бирдан кафани саллага айланди-да, чувалиб мени ўрай бошлади. (Кўкрагига туфлаб.) Ҳозиргача кўрқаман! Нега шундай бўлди-я! Ахир, мен сиздан уни ўлдиринг демовдим-ку! Менимча, ўзингизнинг қасдингиз бўлса керак-а? Ростини айтваринг. Ҳарҳолда ўртангларда бир нима ўтган.

Рустам. Нима ҳам ўтиши мумкин? Яхши бўлмади. Мен сиздан кўрққандим. Жаҳли ёмон эди! Ўлдирмасам у сизни ўлдириб...

Малика. Йўқ. Мастликда айтганди. Қотиллик қўлидан келмасди.

Рустам. Сиз уни билмас экансиз! У айтганини қиларди!

Малика. Бўлар иш бўлди. Шанба куни қаерга бормоқчимиз?

Рустам (очилиб). Балиқ овига. Сиз қизлар ичида балиқ овини севадиган ягона қизсиз. Бир маза қилиб келамиз!

Малика. Раҳмат! Бу гал боролмасам керак. Спорт мусобақаси бошланади.

Рустам. Ие! Мен билан нариги дунёга ҳам боришга тайёр турган ким эди? Ё сўзингиздан қайтингизми?

Малика. Бошингизга ғам тушса баробар тортишга тайёрман! Онт ичаман! Ишонмайсизми?

Рустам. Ишонаман, жоним! Йўқса ҳаётимни қўлингизга...

Малика. Раҳмат, Рустам ака! Мен ҳам топширганман сизга!

Рустам. (қучоқлаб олади). Минг раҳмат! Хатарли йўлга бошласам-чи?

Малика. Қайтмайман асло! Жон деб қабул қиламан!

Рустам. Минг раҳмат! Боя Ҳилола ҳақида гапирдингиз... Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиз қайдасиз, Ҳилола қайда? Сиз осмон бўлсангиз, у ер! У юлдуз бўлса, сиз қуёшсиз! Қуёшсиз яшаш мумкинми? Хўш? Сиз ҳаётим қуёшисиз-а! Сизга айтганман-ку, бир сир бор, кейин биласиз, шу сир бир ёқли бўлса бас — тўй қиламиз-да, иккаламиз дунё кезгани сайру саёҳатларга жўнаймиз!

Малика. Раҳмат! (Қўлидаги узукка қараб.) Ойимлар «Йигит жуда сахий, бойвачча экан-ку», дедилар. Ўзиям гавҳар — бриллиант кўз, энг қимматли узук эмиш! Ойим онангизни роса дуо қилдилар! Менга қаранг, сиз дунё кезамиз — сайру саёҳат дейсиз, ўзи бўладими? Қанча пул керак?

Рустам. Пулдан ташвиш тортманг, пул кўп! (Малика гумонсираб қарайди.) Ишонмаяпсиз-а? Бу ёққа келинг! (Доира столнинг уст тахтасини муштлаб кўтаради.) Мана пул!

Малика (Қараб, ваҳимали). Вой бўй!..

Рустам. Энди ишондингизми? Ҳаммаси сизники. Ўлгунимизга қадар етади! (Малика терс қараб лабини тишлайди. Рустам шошиб муштлаб беркитади.) Қалай, жоним?

Малика. Демак сиз... Поччангиз Оқиловга ёзилган даҳшатли хатлар...

Рустам. Мен ёзганман, албатта!

Малика. Эсингизда бўлса Алижон: «Энг ёвуз одам — бойликка ружу қўйган одам», деганида сиз: «Тўппа-тўғри», деб тасдиқлаган эдингиз. Мен суюнгандим... Алижон қани? (Рустам кинояли кулади.) Айтинг, энди у ёғини ҳам!

Рустам. Алижон шу ерда. Ичкарида, карахт ухляпти. Милицияда қасдим бор, қасдим! Қасос оламан, қасос!

Малика. Алижон дўстингиз-ку?! Уни ҳам ўлдирасизми?.. Дўстингизни-я?!

Рустам (кинояли кулиб). Дўст!.. Менинг иккита дўстим бор: бири — худо, иккинчиси — сиз! (Эшик тақиллайди. Шошиб пистолетини олади, яна чўнтагига солади. Ма-

лика чўчиб, орқасига тисарилади.) Мени қамашса, пулни олиб кетасиз! (Пистолет ушлаган милиционер билан майор, капитан киради.) Келинг, Азизхон ака!

Майор. Келдик. Мана, ниҳоят уйингизга ҳам келдим.

Рустам (милиционерга ишора қилиб). Бу нимаси?

Майор. Парво қилманг. Эҳтиёти — чора. Гап шу, Рустам, пулга келдик! Яхшиликча ўзингиз берсангиз, гуноҳингиз енгиллашади. Ишонинг!

Рустам. Ҳазиллашяпсизми?

Майор. Майнабозликни ташланг! Қани пул?

Рустам. Мен қаёқдан билай.

Майор. Шундай денг. Бизга ҳаммаси маълум. Сиз бермасангиз, ўзимиз топиб оламиз!..

Рустам (кулиб, бепарво). Қизиқ. Нима маълум, нимани топиб оласиз?

Майор. Пулни! Майдалатган — алмаштирган пулингиз, Рафиқдан сўраган кечиримларингиз лентага ёзилган. Ишонмасангиз, қўйиб беришимиз мумкин. Пулнинг ҳаммаси турибди, дебсиз. Бу ҳам ёзилган. Старшина ҳам сизнинг қанчалар ёвуз одам эканлигингизни сезиб, ўзининг даҳшатли йўлга кириб қолганини билиб, тавбасига таяниб бош эгди.

Рустам (довдираб). Йўғ-э! Нималар деяпсиз? (Ғайритабиий кулиб, қўлини чўнтагига солаётганида милиционер қичқириб, ушлаб олади.)

Милиционер. Кўтар қўлингни, номард! (Капитан чўнтагидан пистолет олади.)

Майор. Пул қани, қотил?!

Рустам. Пул шу ерда. (Малика енгил тортади.) Оёғингиз остида!

Майор. Қаранг-а! Топамиз! Ҳарҳолда пул шу ерда бўлса керак! Бу кинояли гапга ишонса бўлар! (Атрофга кўз ташлаб, столни кўтариб кўради.)

Рустам. Танимаяпсизми? Алижон эсдаликка берган эски столингиз-ку!

Майор. Бу стол эсдаликдан чиққанга ўхшайди!

Малика. Ҳа! Пул столда! (Ичкаридан инграган овоз келади.)

Алижон. Да-да! Дадажон!..

Майор. Алижон! (Югуриб кириб, сочи тўзғиган, қонга беланган Алижонни олиб чиқади. Утқазади. Малика «Тез ёрдам» чақиради.)

Алижон (ҳолсиз). Кечиринг мени, дадажон! У қотил!

Майор. Гапирма, ўғлим! У қотилгина эмас, жаллод! (Умида билан Ҳилола отилиб киришади. Умида додлаб Алижоннинг оёғига йиқилади.)

Умида. Болажоним! (Ҳилола Рустамга тикилиб қолади.)

Майор (Ҳилолага). Мана, пок, мўмин йигит!

Ҳилола (хўнграб дадасини кучоклайди). Дадажон!.. Қора кўнгил одам ўз бахтини ўзгалар бахтини емиришдан қидирар экан-да!

Жамила (отилиб кириб). Алижон ака! (Алижонга ташланади.)

Майор. Пок муҳаббат одамни кўкларга кўтарса, сохта муҳаббат ерга тикади!.. Аттанг! (Рустамга) Ўз қўлингиз билан бахтингизга ўт қўйдингиз-а!.. Сендаги қобилият, истеъдод шон-шарафларга етаклаши мумкин эди-я! Виждонсизлигинг бахтингга ўт қўйди! Ут!..



Ойгул Суюндиқова

СОЧЛАРИМГА ОЙ НУРЛАР ТАҚСИН

* * *

Майсаларда чайқалган шудринг
Чўмганича бир зум хаёлга,
Тикилади ўйлари майин
Тонгда йўлга чиққан аёлга.

Қўл силкитди уйғоқ дарахтлар
Сирларини сочиб шамолга.

Қушлар — учиб кетажак хатлар,
Тонгда йўлга чиққан аёлга.

Дилда баҳор тўлиб оқади,
Уфқ ўхшар қизил рўмолга.
Бахт, албатта кулиб боқади,
Тонгда йўлга чиққан аёлга.

Денгиз

1

Кўз илғамас уфқлар тилсиз,
Сирин очар шамол бағрига.
Шовуллаган осмонми, денгиз? —
Тун отилар унинг қаърига.

Калта, кемтик қўлларин чўзиб,
Сукут сақлар метин қоялар.
Қучоғида оромдан безиб,
Судралади қора соялар.

Соя-булут эриб битади,
Юлдузларнинг табассумида.
Танангга ўт тушиб кетади,
Сахроларнинг иссиқ қумидай.

Қўшилишиб оқар тўлқинда
Ой изидан елган ҳавасинг.
Денгиздаги уйғоқ шовқинда
Парилардай чўмилар сасинг...

2

Осмон чексиз, ҳислар беғубор,
Қирғоқларга тўлқин урар бош.
Шовуллаган денгизда бедор
Болаликнинг шўхлиги ювош.

О, нақадар сўлимсан, оқшом!
Сочларимга ой нурлар тақсин.

Бу дам мендан йироқ қора ғам,
Кўзларимда юлдузлар рақси.

Қудратлисан, денгиз жамоли!
Тушгим келмас илҳом аршидан.
Денгиз.
Қуёш.
Тонгнинг шамоли
Ҳайратимга тўлди қаршимда...

3

Қаршимизда — ажиб, мукаммал сирлар,
Ернинг ташвишидай бетакрор, чексиз.
Эҳтимол, бизлар ҳам энг сирли нурлар,
Кел, бир умр бирга бўлайлик, денгиз,

Бу олам турланар, нурланар тенгсиз
Янги фикрларнинг остонасида.
Биз эса қучайлик юксакни, денгиз,
Орзуларнинг мовий, хуш нафасидай.

Бизни изласинлар Бахтнинг номидан,
Йўлларимиз — қуёш, ой, юлдуз изи.
Заминдай боқий бўл, соф бўл осмондай,
Юракни тарк этма, илҳом денгизи!

* * *

Тунга сингиб бормоқда юрак,
Тунги ўйлар — тунги гулларим.
Қишдан омон чиққан бойчечак —
Болаликнинг қайтмас йўллари...

* * *

Дарахтларнинг яшил куйлари —
Куртакларда жаранглади тонг.
Дарахтларим — баланд ўйларим,
Шовуллайди дилда беармон...

Ёруғ кўчам, қадрдон кўчам,
Болаликнинг рангин тушлари.
Юлдузларга сочилган кечам,
Хотирланар улғайган сарим...


Анҳор! Анҳор! Мени кут, анҳор!
Қуёш билан, ялпизлар билан.
Болаликнинг шўхлигига ёр
Дунёдаги пок ҳислар билан...

Мен қайтаман, — дедим — қайтмадим,
Уйқулари ўчди кечанинг.
Мен айтаман, — дедим — айтмадим,
Шамоллари кўчди кўчанинг...

* * *

Теран тубсиз хаёллар туни,
Дарахтларга чирмашади ой.
Танитади қалбнинг қуюнин
Юлдузларга тўлиб оққан сой...

Шунда дардинг тўкилган туннинг
Нурларига сингийсан интиқ.
Олдда — янги қуёшли куннинг
Туйғулари янада тиниқ.



Назар Шукур

ХАЙРЛАШАР МЕН БИЛАН ТОЛЕ

Манзара

Ой кулади беун, бежаранг,
Юлдузларда пок тортинчоқлик.
Тун қўйнида ухлар хил-хил ранг,
Тун қўйнида ухлар узоқлик.

Ғарқ тилсимлар қаърига жаҳон,
Эшитилмас шовқинлар саси.
Ташланади менга ногаҳон
Сукунатнинг ваҳший шарпаси.

* * *

Кўз очаман.
Шабнамдай гўё
Кенгликларга сачрар нигоҳим.
Қорачиқни тўлдиргай дунё,
Ёғдуларда юз очгай роҳим.

Гоҳ юракни шундоқ очилган
Гўзалликлар юборса сиқиб, —
Кўзни юмиб,
Ҳар ён сочилган
Нигоҳларни оламан йиғиб...

Нишон ака

— Ука, кўп айландик, кеч бўлди анча,
Бир кебмиз, кирайлик ресторанга, юр!..
Чўнтакка беркинган ҳар битта панжа,
Совуқ чироқлардан сирғалади нур.

Қалтираб ресторан эшигин очдик,
Димоққа урилди иссиқ... май ҳиди..
Тун қолди совуқда тўлғаниб сочдек,
Чироқлар меҳрибон кулмоқда эди.

— Ҳой, тўхтанг, рухсат йўқ! Бу нима, окам,
Оёқда каттакон, чанг кирза этик?!.. —
Эҳ, Нишон аканинг боши бўлар хам,
Қарс этиб ёпилар ойнаванд эшик.

Кўз олдимда турар эшикбон шу зум,
Назарга илмади қадоққўлни ул.
Шунчалар баландда тутдими ўзин
Топса-да ҳар кимга атир сепиб пул.

Эшикбон эшигин очмайди бизга,
Илтимос этмоққа қўймайди ғурур..
Нишон ака қатъий лаб очар сўзга:
— Этикни ечмайман, ука, барибир!

У эслар ҳар йилги ёмғир, тўзонни,
Қийин бажарилар ҳар йили план.
Эркин бўй чўзсин деб ҳар бир ғўзани
Қанча лой, сув кечар шу этик билан!

Қўнди шу этикка далалар гарди,
Ва қўнди гардлари Ўзбекистоннинг.
Бу азиз чангларни шундан артмади,
Бу азиз чангларга тиккандир жонни.

Ресторан эшиги, наҳот, чегара,
Эшикбон, ҳаётда бунча сохта сен?!
Қанча сарҳадлардан ошди-ку, қара,
Этик кийиб юрган деҳқон пахтаси!

Одамлар! Шаҳарни кезганда гоҳо —
Бу этик чангларин қилмангиз ҳеч ман.
Пахтасиз қолмасин десангиз дунё
Нишон акаларнинг этигин ечманг!

1982

* * *

Хайрлашар мен билан толе,
Омад доим хайрлашади.
Бир ғам келиб қучган маҳали
Кетмоқ бўлиб дўст ҳам шошади.

Кетар бахтим шундоқ силкиб қўл,
Хайрлашар севинч, сурурим.

Узоқларга олган пайти йўл
Эргашмоққа қўймас ғурурим.

Қучар афсус, надомат чиндан
Ва қаршимда олам жар солар.
Ажралгиси келмайди мenden
Хайрлашгим келган нарсалар.

Дединг

[Ҳазил аралаш]

Гар кўрсатсам кўксим қонин — лола, дединг,
Севгим айтсам, сен шунчаки вола, дединг.

Жамолингга ҳеч тўймасдан мафтун боқсам,
Қўй, кўзларинг нега бунча ола, дединг.

Ёш боладай мен қошингда қилсам йиғи,
Ярашмас бу, сочингда оқ тола, дединг.

Оқ толамдан афсус қилсам ўтди ёш деб,
Эҳ ҳали сен севгида ёш бола, дединг.

Сен Лайлимсан, Мажнунингман, десам ишқда,
Жунунликда муҳаббатинг чала, дединг.

Мажнун каби ютоқиб шарт қучмоқ бўлсам,
Телба ўйлаб, қўрққанингдан «хола», дединг.

Фурсат ичра маъюс тортсам ё бўлсам шод,
Турландинг кўп, додинг қуруқ нола, дединг.

«Йўқ», «Хўп» демай айтаркансан хайр сўзин:
— Эргашмасдан, Назар, бунда қол-а, дединг.

2.06.84.



Норқул Тилавов

ҚҰРИҚХОНАДА

1. ФИДОЙИЛАР

Душанба куни эрталаб Салим Содиқовга райондан кўнғироқ қилишди.

— Қаршидан олимлар келишяпти, учрашув ўтказамиз, — деди табиатни қўриқлаш жамяятнинг вакили Тангриқулов, — учрашув «Коммуна» колхози марказидаги мактабда бўлади. Колхозчиларниям таклиф этамиз. Сиз ҳам келинг.

— Вақтини айтинг, — деди Содиқов бугунги режалари мўллагини ўйларкан. — Балки, бирорта ходимни жўнатарман.

— Соат иккида бошлаймиз. Қўриқхонадан ҳам бир киши қатнашса ёмон бўлмасди. Ҳарқалай фойдаси тегади.

— Эсга олганингиз учун ташаккур. Борамиз.

Содиқов гапининг охиридаги пичингни Тангриқулов англагунча трубкани жойига қўйиб қўйди. Телефондаям яхшиликча гапирмайди, чақиб олади, деб ўйлаган бўлса ажабмас. Содиқов хиёл кулмисиради, ноўрин аччиқ қилганини англади. «Унгаям қийин, — дея айна пайт дилидан ўтказа бошлади у, — табиатни деб кеча-кундуз тиним билмайди. Бир қарасанг тоғ этагига чодир тиккан сайрчилар билан тортишиб ётади. Ҳали сувни ифлос қилма, деб кўлга, дарёга югуради. Одамларнинг ўзига инсоф бермаса қийин-да. Улар кўп, бизлар эса оз, қайси бирининг йўлини тўса оласан. Тирик жониворни қийнаш гуноҳ бўлади, ўтларни сабабсиз юлма, деб боласига ўғит қиладиганлар камайиб кетди. Болалигимизда табиатга оқибатли кишилар кўп эди. Қизиқ, у маҳалларда фаслларнинг ҳам файзи ўзгача эди. Қиш қишлигини қилиб, бир тушган қор ойлаб эримай ётарди, баҳорда эса ёмғирлар кўз очирмасди. Дала-даштда хилма-хил ўтлар ўсарди. Кенгликлар турфа қушларга бой эди. Чўлларда кийиклар сурув-сурув бўлиб юрарди. Уларнинг бора-бора камайиб кетиши кимнинг ҳам хаёлига келибди. Мана оқибати... Юракларимиз тош қотаётгани, сезгиларимиз ўлиб бораётганини, ўзимизни ўраб турган гўзалликни топтаётганимиздан билса бўлади. Ё, алҳазар! Одамзод шунга яралганмикин?..

Содиқов нохуш ўйлардан чалғиш учун стол чеккасида турган муқоваси қалин «Кундалик»ни қўлига олди. Кечаги режасига кўра бугун илмий ходимларнинг ярим йиллик ҳисоботини тинглашу участкалардан келган ўрмончиларнинг юмушларини ҳал қилиши, кейин, имкони етса районга тушиб чиқиши керак эди. У бир кўнглида мактабга илмий ходим Бахтиёр Оромовни юбормоқчи бўлди. Бўйчан, буғдойранг, ёқимтой йигит. Ишини яхши кўради. Тунов куни хонага ҳовлиқиб кириб келди. «Ҳа, нима гап? Изингиздан бўри қувлагандай намуноча ҳовлиқасиз?» — деб сўради Содиқов. «Зўр бир янгилик топдим, — деди Бахтиёр ҳаллослаган қўйи. — Зўр янгилик». — «Нима экан?» — «Сибирь арчаси биздаям ўсар экан. Мироқида, Арчали сойда кўрдим». — «Йўғ-э, — деди Содиқов ишонқирамай. — Адаштиргансиз». — «Йўқ, худди ўзгинаси... Сойнинг анча ичкари-сида, ка-ат-та бир харсангнинг панароғида экан. Ун тупча бор. Бўйиям одам бўйи келади.» — «Яша, ука!» деб Содиқов унинг кўнглини тоғдай кўтариб юборди.

Ҳозир эса унинг зийраклигига, жонкуярлигига яна бир бор тан берарди. Қаники, ҳамма ўрмончилар ундан ўрнак олса?! Иш анча ўнглиниб кетарди, албатта. Арчанинг бу тури қўриқхонада ўсаётганини ҳалигача ботаниклар билмаётгани қизиқ. Аслини олганда қўриқхонадаги ўсимликлар тури тўлиқ аниқланган эмас. Ким билади, балки бундан ҳам ноёб наботот турлари бордир?! У Бахтиёрни юбормоқ ниятида, чақирмоқчи бўлди-ю, аммо дарҳол фикридан қайтди. Яхшиси, учрашувга ўзи боради...

Колхоз қўриқхонадан районга олиб борувчи йўлнинг ёқасида жойлашган. Мактаб эса идорадан сал берида экан. Содиқов айтилган муддатдан анча илгари келди. Кўп ўтмай Тангриқулов олимларни эргаштириб келиб қолди. Улар икки киши эди. Гавдали, юзлари бужур ва қорамтир кишини Ҳайитов деб аташарди. Содиқов уни анчадан бери танийди. Институтда талабаларга географиядан сабоқ беради. Илмий иш боҳона — қўриқхонага тез-тез келиб туради. Узун бўйли, сочлари тароққа бўй бермай тиккайиб турган, кулранг костюм-шими гавдасига мос тушган одамни Содиқов танимади. Ҳали Каримов деб таништирди. Танишар чоғи Содиқов ва қўриқхонада кўп ажойиб омиллар амалга ошаётгани ҳақида эшитгани, шундан ўзиниям бир учратмоққа анчадан бери маҳтал юрганини қистириб қўйди. Эски жўралар — Содиқов билан Тангриқулов меҳмонлар олдида мавриди бўлмагани боис ҳазил аралаш гап отишмади.

— Жўраамиз чидамли директор қикди, — меҳмонлар учрашув бошлангунча мактаб директори хонасида чой ичишаркан, Тангриқулов меҳмонларга Содиқовни мақтади. — Бундан олдингилари бир-икки йилдан ошмаган.

— Кўриқхонадаги гаплардан бизларам бохабармиз, — деди Каримов Содиқовга синчков назар ташларкан. — Бу Ашур деганларнинг манфаат, мансаб деб...

— Ээ, попуги анча пасайиб қолган, — дея Тангриқулов меҳмоннинг гапини охиригача эшитмай тез жавоб қилди. — Жўрамиз унинг кимлигини авра-астаригача билиб олган. Ҳамма қилмишларини ҳужжатлаштириб қўйибди. Лекин индамаяпти, юзхотирчилик қиялпти... Олдингилар Ашурни билмасди, Шунданки, уларни кўп гаранг қиларди.

— Кўнгли фирром-да, — деб сўхбатга Ҳайитов қўшилди. — Бизларнинг факультетни тамомлаган. Студентлигидаям шунақа эди, тинч юрмасди.

Гурунг энди кўр ола бошлади. Содиқов аралашмай, бир чеккада эшитиб ўтираверди. У Ашур ҳақида гап қўзғалганидан озгина норози ҳам бўлди. Утган ишга салавот. Майда гапларни эшлашга унинг сира тоби йўқ. Боиси, «ёқимсиз ўйлар қўзғалади».

Шу пайт ўқитувчилардан бири залга одамлар йиғилганини билдирди. Сўхбатни тақа-тақ тўхтатишиб, ўринларидан қўзғалишди. Содиқов ҳали кўриқхонада эканидаёқ айтмоқчи бўлган асосий фикрларини қоралаб қўйган эди.

Аслида учрашувни ўқувчилар билан ўтказиш мўлжалланган эса-да, Тангриқулов эрталаб колхозга «ваҳима» билан кўнғироқ қилган чоғи, залда колхозчилар ҳам анчагина. Колхоз фаоллари ҳам ўтиришибди. «Келгани дуруст бўлибди, — деб кўнглидан кечира бошлади Содиқов. — Табиат муҳофазаси учун ҳамма жавобгар. Табиатга болалар эмас, ақли расо одамлар озор етказмоқда».

Учрашувнинг расмий томонлари тугагач, Ҳайитовга сўз берилди. У қора семиз папкасидан ҳар хил китоб, хариталарни олиб, кўринарли жойга илиб қўйди-да, салобат билан гап бошлади.

— Шу кеча-кундузда одамзодни икки муаммо ташвишга солмоқда. Биринчиси, фазовий урушларнинг олдини олиш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бўлса, иккинчиси, атроф-муҳитни тоза сақлаб, табиат гўзаллигини келгуси авлодларга ҳам тоза етказишдан иборат. Фан-техниканинг юксак тараққиёти, инсоннинг табиатга таъсир доирасининг кенгайиши салбий оқибатлар келтирмоқда. Атмосфера, денгиз акваторияси, чучук сув ҳавзаларининг ифлосланиши, тупроқ қатлами, қимматли ландшафтлар урмон заҳираларининг заҳа тортиши, ҳайвон ва ўсимликлар оламининг кескин камайиб кетиши инсониятни боши берк кўчага олиб киради. Албаттаки, олди олинмаса.

Башариёт доҳийлари ўтган асрдаёқ табиатга етказилган ҳар бир зарар учун у биздан аёвсиз қасос олади, деб огоҳлантиришган эди. Бу жуда тўғри чиқаётганини кўриб турибмиз. Масалан, дейсизми?.. Ҳавода ифлос чанг ва газ булутлари тўпланиб қолгани оқибатида 1974 йилда Италияда 150 минг одамнинг ёстиғи қуриган. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатларда сувнинг ифлосланишию кимёвий моддалар билан заҳарланишдан йилгига йигирма беш миллион киши ҳаётдан эрта кўз юммоқда. Ҳозир Европанинг айрим мамлакатларида кўчага тоза ҳаво — кислород сотадиган автомат-дўконлар ўрнатиш таклифи ўртага ташланяпти. Ҳолбуки, Японияда эса шундай автоматлар анчадан бери ишлаб турибди. Димиққан одамлар дўконнинг махсус камерасига бошини тикиб, танга ташлаб, бир неча дақиқа енгил нафас олишади...

Тоза ҳаво етишмаслигидан юзлари буришиб, кўзлари қанидан чиқаёзган, нафас олишга қийналаётган одамларнинг даҳшатли қиёфаси Содиқовнинг кўз ўнгиде намоён бўлди. Залга қаради. Ҳайитовнинг оғзидан узлуксиз отилиб чиқаётган сўзлар силсиласи одамларни соҳир этган эди.

— Мана, узоққа бормай ўзимизнинг Оролни олайлик. Амударё ва Сирдарёнинг денгизга бир томчиям суви қўйилмаётгани оқибатида денгиз йилма-йил кичрайиб, ҳовуз шаклини олмоқда. Қимматбахо бўлиқлар дунёси Оролда деярли қирилиб битди. Денгиз бўйидаги тўқайлар, табиатнинг энг манзарали жойлари қип-қизил чўлга ёки оппоқ шўрга айланмоқда. Халқ хўжалиги бундан миллионлаб сўм зарар кўрмоқда. Бордию Орол қурса — 500 қақирим масофага қум ва туз ёғилади. Зарар миқдори бундан ҳам ошиб кетиши кутилапти. Менимча, дарёларни ўз ҳолига қўйиш, янги ерларни ўзлаштириш, сувдан ниҳоятда тежамли фойдаланиш билан Оролни сақлаб қолиш мумкин. Ҳолбуки, Оролни қутқариш ҳақидаги ғоя, таклифлар бундан йигирма-йигирма беш йил илгари бошланган эди...

Ҳайитов азбаройи қизишиб бораётганидан юзу бўйни аралаш тер кўпчиди. Аҳён-аҳён рўмолчаси билан артиниб, сўзини бир маромда давом эттирарди.

— ...Довруғи дунёга кетган академикларимиз Урта Осиёни пахта монокултурасига айлантirmаслик керак, алмашлаб экишни йўлга қўйиш керак, деган оқилона гапларни айтишмоқда. Шунда ерлар ишдан чиқмайди. Ҳозирча пахтани Эфиопия, Араб мамлакатларидан сотиб олиш имкони бор. Бу масала албатта ўн учинчи беш йилликда ҳал этилади...

Залда олим шаънига қарсақлар янгради. Учрашувни Тангриқулов олиб борарди. У Ҳайитов сўзини тугатгач, ўзи ҳам айрим изоҳлар билдирди, сўз навбатини Каримовга берди. Олим табиатнинг инсон ирсиятига таъсири мавзуида маъруза қилди. Содиқов ҳам қизиқиш билан тинглади.

— Табиатда кескин ўзгаришлар бўляпти, — деди Каримов дам қоғозларга, дам залга қараб гапираркан, — қишлоқ хўжалигига кимёвий моддалар ҳаддан зиёд кўп ишлатилмоқда. Ҳаво, сув, тупроқ ифлосланиб борапти. Масалан, ҳар йили ер юзида уч юз миллион тонна азотли ва қирқ миллион тонна заҳарли химикатлар қишлоқ хўжалигига қўлланилаётир. Урта Осиё пахтачилигида эса бу миқдор жуда кўп. Биосферага турли моддалар, масалан, фармокологик моддалар чиқариб ташланяпти. Булар инсон соғлигига, хусусан ирсиятга хавфли таъсир қилади, Шундан, кейинги йилларда ҳамма жойда юқумли, касб кассаликлари кўпаймоқда. Табиат мувозанатини бу қадар ўзбошимчалик, ўйловсиз бузиш одам организмга кўнгилсиз оқибатлар келтиришини кўриб турибмиз...

Тангриқулов «Энди сўзлаш навбати Ҳисор кўриқхонасининг директори Салим Содиқовга» деганда Содиқовнинг хаёли тумтарақай бўлиб кетди. Ҳозир одамларнинг нигоҳи унга қадалади. Гапни наимадан бошлайди? Содиқов бироз саросимага тушди. Минбарларда кўп бор гапирса-да, ҳозир негидир ҳаяжондан ўзини тутиб ололмасди. Табиат ҳақида соатлаб жўшиб гапирадиган одам тўсатдан биринчи жумласини тополмай қолса қизиқ бўларкан.

Залдагилар яна бир янги гапни эшитишга интиқ эди. Содиқов Тангриқуловга назар солди. Тангриқулов бошлан, дегандай бошини қимирлатиб қўйди, шу далда бўлдими, у секин гап бошлади:

— ...Табиатни ғорат қилиш шундай давом этаверса, бу инсоният учун атом билан баробар-

дир, — деб Содиқов гапининг таъсирини билиш учун залга боқди. Одамлар унга хайрихоҳ нигоҳ билан тикилди. Деярли ҳамманинг юзида қизиқиш аломати зоҳир. Содиқов бундан тетикланди. — Жонли табиат ҳалокатга учраса биз учун бундан ҳам ёмон офат борми?

— Қўриқхонада ҳайвонлар борми ёки ҳаммаси қирилиб кетганми, шундан гапиринг. Бу гапларни биламиз, — деб залнинг орқароғидан кимдир луқма ташлади.

— Қўриқхонамиз Ўрта Осиёдаги энг йирик қўриқхонадир. Территориямиз 87 минг гектарни ташкил этади. Ўсимлик, ҳайвонот олами, ер, сув, тўрт минг метргача баландликдаги ҳавонинг дахл-сизлигини, мусаффолигини таъминлаш асосий ишимиз. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра қўриқхонада олти юз хил ўсимлик ўсади. Ҳайвонот олами ҳам бой: ўттиз хил сут эмизувчилар, юз саксон хил қушлар, судралиб юрувчилару икки хил балиқ мавжуд. Республикамиз, мамлакатимиз ва жаҳон қизил китобига кирган анзур пиёзи, лола, қор қоплони, қўнғир айиқ, бургут, қора лайлак, грюза, бўрсиқ... Кўпайтирилмоқда. Қўриқхона ноҳиятида табиат мўъжизалари ҳам хийлагина. Масалан, узунлиги олти юз метрлик Темур ғори, Ғози Наво кўли, Сувтушар, Хўкизбурун шаршаралари, Юра давридан сақланиб қолган, тошга муҳрланганига юз қирқ миллион йил бўлган динозавр излари, Ботирбой, Северцев музликлари... Эҳ-ҳе, айтган билан адо бўлмайди. Областиимиздаги барча катта дарёлар, Қизилсув, Оқсув, Танхоз, Катта Ўра шу музликлардан оби-ҳаёт олади.

Одамлар қизиқиш билан унга қулоқ сола бошлаган эди. Бу ерда Ашурнинг қариндошлари, ёру биродарлари ҳам бор. Ҳар замонда, ҳар жойдан қулоғига чалиниб турган луқмаларни ҳам шулар отаётган бўлса ажаб эмас.

— Гап буларда эмас. Гап болаларда табиатга меҳр уйғота олмаётганимизда. Одамларимизда табиатга эътиқод йўқлигида. Мен шулар ҳақида гапирмоқчиман.

— Иสบоти биланми? — кимдир гап отди.

— Ҳа, исботи билан. Бир мисол: Оқсув шу колхоз территориясидан ўтади. Дарё сувидан ичса бўладими?..

— Тўғри, ифлос. — Пастдан уни тасдиқловчи гап эшитилди.

— Ифлос, — Содиқов руҳланди, — ўн-ўн беш чақирим юқоридан тўйиб-тўйиб ичса бўлади. Жуда ширин. Тунов куни йўлда кетаётсам уч-тўрт киши экинга химикат соляпти. Экин суғорилади, оқова сув қаерга тушади, дарёга! Дарё сувини сиз билан биз истеъмол қиламиз. Бу химикат дозадан ошиб кетса, тирик жонни ўлдиради-ку, дедим. Мени мазах қилгандай бўлди. Уларга ҳеч тушунтиролмадим. Сизнинг ишингиз қўриқхонага жавоб бериш, бу бизнинг ишимиз, дейишди.

— Тўғри айтишибди.

— Сизнингча тўғри, бизнингча мутлақо нотўғри. Бундай одамларни жиноий жавобгарликка тортиш керак. Биз кўпинча андишага борамиз. Бугун бўлмаса эртага тушунар деймиз. Бунга имонимиз комил ҳам. Менда шундай таклиф бор: колхоз фаолларидан, ўқитувчи ва ўқувчилардан иборат табиатни қўриқлаш гуруҳлари тузсак. Яшиллар гуруҳининг асосий вазифаси табиатни асраш-авайлаш тўғрисида одамларга тушунтириш ишлари олиб бориш бўлса. Табиатга нисбатан бемехрлар мактаб ва колхоз йўғинларида муҳокама қилиб борилса, менимча жуда яхши бўларди.

Залда жонланиш сезилди.

— Улуғ рус ёзувчиси Чеховни ҳаммамиз биламиз. У ҳар битта одам бир донадан гул ўтказса ер юзи гулга тўлиб кетарди, деган экан. Бизнинг одамлар эса экишдан эмас, гулни нобуд қилишдан, топташдан завқ олади. Татар, Калтакўл қишлоқлари тепасида, Оқдарё-Вори довоида жудаям ноёб гуллар ўсади. Шу ердан сайрчиларнинг оёғи аримайди. Дам олиш баҳона ўтлар юлинмоқда, пайхон қилинмоқда, ҳайвон ва қушларга, балиқларга қирон келтириляпти. Тангриқулов, мана, ўзи гувоҳ, тартиббузарларни бир неча марта ушлашга уннаб кўрди. Лекин тутқич бермаяпти. Тўғри, биз маъмурий томондан белгилаб берилган участкаларга ҳўжайинимиз. Аммо, қўриқхонадан ташқарида табиат қонунлари бузилса бунга бепарво бўлолмаймиз. Тақиқланган жойда ов қилган браконьер қўриқхонага ҳам ўтишга умид қилади. Табиатни асраш борасида меники, сеники деган гап бўлиши мумкин эмас... Бир далилга эътибор беринг: табиати ранг-баранг, суви, тупроғи, ҳавоси тоза ўлкаларда ўсган одамларнинг ранги тиник, хушрўй, жисмонан бақувват, маънан бой одамлар бўлади...

Содиқов жон куйдириб айтаётган гаплар одамларда озми-кўпми қизиқиш уйғотгани сезилардики, ҳатто луқмачилар ҳам жимиб қолган эди. Аммо, одамларга айтмоқчи бўлган гапларнинг бирини айтолмаяпти, негадир гаплари ҳам узук-юлуқ чиқаяпти. Булар фикрларининг ғоят таранглигидан эмасмикин?! Бир вақтлар ҳайвонлару ўсмиликларга паноҳ бўлган Оқдарё бўйидаги тўқайларнинг битиб, атиги икки-уч гектарда сақланиб қолгани, дарёнинг ҳар икки соҳили қип-яланғоч бўлиб, сув ювиб бораётганини... айтсинми?!

Эсига ялт этиб бир воқеа тушди. Шуни ҳикоя қилиб берса бўлмайдимми?

— Пахта, бошқа экинлардан ҳосил олиш плани бажарилмаётганини ҳамма билади. Районимизда шундай. Колхоз-совхозлар давлатдан қарздор бўлиб қолмоқда. Одамлар яхши ишласа-да, ёлчиб даромад кўрмаяпти. Бунинг боисини ҳамма ҳар хил шарҳламоқда. Назаримда бунинг бир учи ерни керагидан ортақча эксплуатация қилиб юбараётганимизда. Раёбарларнинг ерга, сувга, ҳавога бепасанд муносабати шуларни келтириб чиқармоқда. Мен бундай иллатнинг олдини олиш мақсадида шундай демоқчиман: ҳар бир областда ўттиз-қирқ йилга мўлжалланган экологик йўналишлар ишлаб чиқиши керак. Раёбарлар, олимлар, барча тармоқ мутахассислари, ижодкорлар, ҳатто шифокорлар, маъмурий орган ходимлари бу йўналишни тайёрлашда иштирок этиши керак. Шунда табиатга муносабатни анчагина ўзгартирса бўлади. Айрим республикаларда бу иш бошланган, деб эшитганман. Агар шу рост бўлса, бориб ўрганиш керак. Гап бугунги ва эртанги авлоднинг келажаги ҳақида бораётган экан, жим туришга ҳаққим йўқ.

Содиқов энди хийла дадил гапирарди. У экологик йўналишнинг табиат билан боғлиқ томонларига кенгроқ тўхталди. Матрузасини табиат мувозанати тўғрисидаги гаплар билан яқунлади.

— Ўт-ўланлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар ўртасида мутаносиблик бор. Мабодо илонлар камайиб кетса, қурбақалар сони кескин озаяди, ўз навбатида ҳашаротларнинг кўпайиши содир бўлади. Улар бор ўт-ўланларни еб битириб, зироат экинларига ташланади. Афсуски, ҳозир тоғларимизда бургут, калхат, лочин каби қушлар камайиб кетди. Ҳатто шундайин безарар қушларни отаётган пасткашлар топилмоқда... Хуллас, табиатнинг таъби нозик. Унга беўй ёндашиш хунук оқибатларга олиб

келади. Табиат муҳофазаси Ватан муҳофазаси экан, уни кўз қорачиғидай асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Содиқов ўз шаънига янграган қарсақдан дув қизариб, ҳаяжонланиб жойига келиб ўтирди. Уч-рашувни олиб бораётган Тангриқулов яна ўз муносабатини билдирди.

— Содиқов тўғри гапларни айтди. Ҳатто, бизнинг ташкилотимиз номига ҳам танқидий гаплар айтди. Албатта, ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур. Табиат қонунияти бузилаётган, одамлар бундан жабр кўраётган экан, хотиржам ўтиришимизга ҳаққимиз йўқ. Бу ишда ўз жонимизни, бир-биримизни аямаслигимиз керак. Табиат онадай гап. Унга болта кўтариб чопанларнинг кўзи кўр, ўзи хор бўлади.

Шундан кейин савол-жавоб бўлди. Учрашувдан Содиқовнинг кўнгли тўлди. Демак, минбардан айтилган гаплар бежиз кетмабди, одамларни фикрлашга ундабди. Шундай экан, табиат муҳофазаси тўғрисида омма ўртасида тез-тез бўлиб туришимиз керак. Оммада табиатга нисбатан эътиқод уйғо-тишимиз керак. Бунингсиз ниятларимизга эришмоғимиз душвор.

2. ДИЛОЗОР ЕКИ МАЛАХОВНИНГ ҲИКОЯСИ

Қўриқхона — бу мунис мавжудотга меҳр-шафқат туйғусидир. Ўсимлик хилларию камёб ҳай-вонлар зоти олд навбатда шу ерда асралади; урчитилади, кўпайтирилади. Лекин истеъдоди бе-қиёс шоиримиз Абдулло Орипов: «Қўриқхона» шеърисида «Оламда кўп нарса камёб бир қадар, Не-не туйғулар ҳам камёбдир, алҳол», деб одамларни инсоф йўқолмаслигига, хароб бўлмаслигига, оқибат завол топмаслигига, ҳаётнинг куймаслигига, имон ва виждон ёлғизланиб қолмаслигига даъ-ват этиб: «Эгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир, Булбулни бойқушга топширманг зинҳор. Худбин ва дилозор кимсанинг ахир, Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор?!» деб ўтли сатрлар битишига нималар сабаб бўлган экан?..

...Кўпларга отнинг қашқасидай маълум, ҳатто директорнинг эслашга тоби келмаган Ашур ким? Нега у одамларда бунчалик ёқимсиз таассуротлар қолдирган? Дароз, қоқсуяк, бургут нигоҳли ўрта ёш одамни Салим Содиқов нега муайян сабаблар билан хушламай тилга олади?..

1983 йили қўриқхона ташкил этилганда, унга ҳозир илмий ходим бўлиб хизмат қилаётган Ма-лахов директор этиб тайинланди. Ашур Бойқўрғон участкасида бошлиқ эди. Салим Содиқовнинг орадан икки-уч йил ўтиб, қўриқхонага директор бўлиб келиши етти ухлаб тушига кирмаган эди. Ашурни шахсан танимаса-да, у ҳақда орқаваротдан хийла нохуш гаплар эшитганди.

Бу пайтлар Ашурнинг ошиғи олчи эди. Катта участка ихтиёрида, ўрмончиларнинг аксарияти қар-индошлари саналиб, хоҳлаган номаъқулчиликни қилишдан тап тортмасди. Ҳовлисида бир сурув қўй-эчкиси, сигир-бузоғи бор эди. Бу билан нафси ором олмаб қўриқхонага яширинча мол-ҳол кир-ритар, кийик, каклик отиб бериб, райондаги тўралар билан соз бўлиб олган эди. Бирор гап чиқса бости-бости қилишга қулай-да. Содиқов директор бўлдию уни яқиндан таний борди. Унинг ким би-лан қандай муносабатда гаплашишию иши тушадиган одамнинг пинжиги кириб олишга устаси фаранг эканини эшитиб юрарди. Шу ерга келибгина Ашурнинг найрангларида, Малахов, Ҳамидов ва Ашур ўртасидаги тўқнашувлардан яқиндан хабар топди. Илгари эшитганлари рост эканига ишон-ди. Бундайлардан эътиёт бўлмоқ лозим. Йўқса истаган куни оёқдан чалиши мумкин. Ана Мала-хов билан Ҳамидов...

Содиқов ҳозир учрашувдан чиқиб, меҳмонлар билан хайрлашиб қўриқхона томон кетар-кан, Малаховнинг ҳикоясини эслади. Малахов бунга азбаройи Ашурга нисбатан ичқораликдан эмас, унинг кимлигини янги директорга кўрсатиш, унинг бир кунмас бир кун тузоғига илиниб қол-маслигидан огоҳ этмоқ ниятида гапириб берган эди.

Омон бўлсам, Ашурни унутмайман. Менга унинг қаерда, ким бўлиб ишлашидан қатъий назар. Майли, у эртага бошлиқ бўлсин, барибир. Унга кек ҳам сақламайман. Уни фақат ориятли, виждонли, нонини ҳалол ейдиган инсон бўлсин дейман...

Бойқўрғондаги таянч пунктимизга тез-тез бориб турардим. У шу ерда бошлиқ эди. Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Камчиликларни тузатишни айтардим, қилмаса танбеҳ берардим. Танбеҳ бердимми, тамом, менга район катталарини пеш қилаверарди. У истаган номаъқулчилик қилишни бас қилмасди, мен эса койишни.

Уша кўнгилсиз воқеа бўлган куни уйдан юрагим ғаш ҳолда чиқдим. Идорада мени Ҳамид Назаров кутиб турган экан. Кўнгил безовталигини яхши дам олмаганга йўйиб кузовга сакраб чиқдим. Вори довонидан ошсақ-да, тоқатсизман.

— Кўпам хит бўлаверманг, — деди Назаров, — оз қолди. Бир дам олсангиз, отдай бўлиб ке-тасиз.

— Ашурни кўрсан кўнглим бузилади, ҳеч ўргатолмадим-да. Ишга меҳри йўқ...

— Ишонган қўриқчиларимиз бор. Битта Ашурни тарбиялаб олармиз, — деди Назаров.

Ниҳоят, таянч пунктга келиб Ашурни суриштирдик. Қаёққа кетганлигини ҳеч ким билмади. Иш-ни нимадан бошлашни билмай бошим қотди. Ўрмончиларнинг келишини кутиб бироз дам олдим. Назаров иккита от топиб келиб, мени уйғотди. Ашурдан ҳамон дарак йўқ эди. Сабрим етмади.

— Кетдик, кечгача бир-икки сойни ўзимиз айланиб келамиз, — дедим Назаровга.

Назаров ҳам рози бўлди. Ён-теваракка қараб, ширин хаёлларга чўмиб, отни ўз эркига қўйиб Ҳамид акадан қолиб кетибман. Бир пайт ён томонимда, арчалар орасида нимадир пишқиргандай бўлди. Эътибор бериб қарасам, бир сурув қўй ўтлаб юрибди. Куппа-кундузи!

— Назаров! Бу ёққа қаранг! — деб Назаровни чақирдим. — Арчалар орасидан кун иссиқ бўлишига қарамай теллагини бостириб кийган, қора лас чопонли, соқоллари ўсиқ барзанги чўпон йигит чиқиб келди.

— Ассалому алайкум, катта бува, — деб ҳалиги йигит яқинлашди.

Саломлашиб:

— Қўй боқишга ким рухсат берди? — деб сўрадим.

— Э-э, ака, қўй ўтлаган бўлса ўтлабди-да. Шунга осмон узилиб ерга тушибдимми? Қани, отдан тушинг-чи... — деди чўпон ҳам ўта босиқлик билан. — Энди...

Тортишиш бефойда эди. Акт тузиб, жаримани бўйнига босиш керак, деган хаёлга бориб, Назаровни чақирмоққа лаб жуфтлаган эдим, ўзи етиб келиб қолди.

Ҳамид ака келасолиб сумкасида хона чиқарди-да, чўпоннинг ҳай-ҳайлашига қарамай акт тузишга киришди.

— Мен қўл қўйишни билмайман-да, — деди чўпон унга актни узатганимизда.

— Қўл қўйишни билмайдиган одам қўй боқишнинг билмаслиги керак... — деди Назаров бироз дағал овозда. — Бўлмаса, бош тортиди, деб ёзмаман, унда айбингиз ёмон бўлади.

Чўпон йигит ўйланиб, бош қасиб қолди. Ялинди-ёлворди. Иккинчи марта такрорламайман, деб ваъдалар берди.

— Бу ерда қўй боқишга, тўғриси, участка бошлиғидан, Ашурдан рухсат олганман. Эвазига учта семиз қўйимни олган...

— Аҳ-ха, гап буёқда экан-да, — дедим беихтиёр.

— Айтмадимми? — деди Ҳамид ака, — ўзимиз ҳам шундай гумон қилувдик. Гапингиз ростми?

— Тўртта болам ҳаққи... Ишонмасаларинг юзлаштирилларинг ҳам мумкин.

Чўпон йигит анча маҳал иккиланиб тургач, қўл қўйди. Бу одамлар на газета-журнал, на китоб ўқийди, на телевизор кўради, на радио эшитади. Билган дунёси шу — қўй, наҳотки болаларининг тақдири ҳам шу алфоз кечса?!

Кечга яқин Назаровни қишлоққа жўнатдим.

— Ашурни топинг, чўпонларни пишиқтирмасин. Мен Парда аканинг зонасини айланиб етиб бораман.

...Қўриқхонанинг бу қисмидан кўнглим тўлди. Парда ака билан мазаза қилиб гурунглашдик. Қайтаётиб, Шахсарсойни кечиб ўтаётганимда қоронғилик тўр ташлаган эди. Сойдан чиққанымда осмондан тушдим, ердан чиқдим, рўпарамдан тўрт киши тўсди. Қоронғида уларни танийолмасдим. Юрагим шув этиб кетди.

— Пастга туш, — деди бирови отнинг жиловидан ушлаб.

— Нима гап, оғайни? — дедим гарангсиз.

Шундай деганимни биламан биттаси отнинг сағрисига қамчи сирмади, қашқа кўкка сапчиди. Эгардан учиб кетишимга сал қолди.

— Гап бундай, — деди мени отдан туширган кимса. — Узинг бу ерда омонат одамсан. Бизларни ўз ҳолимизга қўясанми-йўқми. Қўриқхона катта жой, мол-ҳол ўтласа нима бўпти, а? Ахир, қўриқхона онангнинг маҳрига тушагандир...

— Мумкин эмас, вассалом, — дедим ён бермай. Билдимки, улар ҳалиги аламзада чўпоннинг тарафини олмоқчи. — Бизга ишониб топширилган. Қонун бор. Қонун эса ҳаммамизга баравар.

— Ҳозир мана шу жарга итариб юборсак, нима бўлишини биласанми? Қонун-понуниг билан... Сени бу ерда суриштирадиган одамнинг борми? Қани, актни чиқар буёққа!

— Акт менда эмас, — дедим иложи борича тетиклик билан.

— Ади-бади айтишма-да, итариб юбор, ўлсин-кетсин! — деган овоз келди қўйидан.

Шу пайт қашқа безовта депсинди. Наҳотки, ҳаммаса тугаб қолса... Лекин барибир эътиқод ҳар нарсадан устун келаркан. Ҳатто ўлим шундоқ бўйингдан чангаллаб турганда ҳам. Бўлмаса, «э, ана боқсанглар боқавермайсанми?» деб кетишим ҳам мумкин эди. Лекин имон...

Индамай туравердим. Яқингинада от пишиқириши эшитилди. Улар эса мени тобора қисталанг қиларди. От пишиқриб юборгач, улар кўрқа-писа «бахтинг бор экан» деб дарахтлар оралаб кетишди.

Ҳойнаҳой Ашур бўлса керак, деб тахмин овоз бердим.

— Ашур?!

— Лаббай. Малахов, бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Ҳэ, шундоқ бироз... йўл ҳоритди.

— Мен Воридан келяпман. Адашмасам, ёнингизда кимдир бор эди...

— Сизга шундай туюлгандир-да, — сир очгим келмади.

— Уйга борамиз.

— Бошқа пайт.

Бир-икки кун ўтгач чўпон билан Ашурни шахсан юзлаштирдим. Ашур бўйнига олмади қўй олганини. Чўпон эса жаҳл қилиб:

— Э-э, ака, топганингиз бола-чақангизга буюрмасин, — деб чиқиб кетди.

Содиқов дераза ойнасидан яққол кўриниб турган тоғларга бир қараб хўрсинди. «Олтмиш-етмиш йиллик умр... Наҳот, шу қисқа бир умрда тузуккина, тинч, осуда яшашнинг имкони бўлмаса. Наҳот мансаб, пул, имтиёз деб одамлар умрига завол бўлиш инсоний фазилатлардан устун келса...»

Бойқўрғон атрофидаги сойларда азалдан чорва боқиларди. Қўриқхона ташкил этилдию бунга чек қўйилди. Шу орада кўпчилик аҳоли Қарши даштига кўчиб, қишлоқда Ашурга ўхшаш бўйни йўғонлар ва унча-мунча қонунни назар-писанд қилмайдиган ўн-ўн беш киши қолди. Уларга шу нарса — чорва яйловидан маҳрум бўлиб қолганликлари алам қиларди. Қўриқхонанинг ўзига яраша қонун-қондалари бор. Уни бир бузасан, қойиб қўйишди, икки бузасан жанжал қилишди, учинчи бор, албатта, оғир чора кўриладиган бир тадбир қўллашади. Бошқа илож ҳам қолмайди-да.

Ашурнинг орзуси осмон эди. Орзуси амалга ошмоғи учун ҳеч нарсадан — на имон, на... тап тортмасди. Райондаги танишларини ўртага солиб, Малаховга тазийқ ўтказди. Участкага бошлиқ бўлиб олди. Қўриқхонанинг ҳақиқий директоридай иш кўрадиган даражага етди. Ажойиб кунларнинг бирида илқ хабар тарқалди. Малахов тепага, министрликка ишга ўтиб кетди. Келишилгандай Назаров ҳам ўрмон хўжалиги директори бўлиб ишга чақирилди. Ашур учун энг қулай пайт келган эди. Афсус, югурганники эмас, буюрганники бўлиб чиқди. Катта-катта харажатлар билан меҳмондорчилик уюштириши, совға-саломни зое кетди. Қўриқхонага Ҳамидов деган одам директор бўлиб келди. Ашур эса аламиндан ўзини кўйрга жой тополмай қолди. Бу мансаб нималар қилмади дейсиз. Аммо у ҳасадагўйлигини сиртига чиқарган эмас. Янги директор Бойқўрғонга келганда шохона базм уюштирди. Бошқа бир сафар келганида эса Ашур ҳақида кўп ёмон гаплар эшитди, участкасида ишлар кўнглидагидай бормаётганидан хуноб бўлиб, унга танбех берди. Қоронғи тушган пайти

кетаётганида машинаси кузовига тоғдаги ноёб ҳайвонлардан билдирмай ортиб қўйибди. Бу ҳақда йўлда жосуслари билан қўлга тушириб ёзмаган жойи қолмади. Ҳамидов деганимиз эса кўп ўтмай бўшаб кетди.

Салим Содиқов Ашур ҳақида ўйламаслиги мумкин эди, аммо унинг тарафқашлари ҳамма жойда кўриқхона ишига халақит бераверса, киши нафсониятига тегадиган гапларни олди-орқасига қарамай гапираверса, хаёлингни ганимининг хатти-ҳаракати қирмовуқдай ўраб олар экан. Ундан озор топган битта Малаховми? Йўқ, Содиқовнинг ўзи ҳам. Бир мухбирни етаклаб келиб, нотўғри далиллар билан, қуюқ зиёфат билан фелъетон ёздирмоқчи бўлгани эсидан чиқармиди? Ана, Ҳамидов!..

Ҳамидов машинада кўриқxonани айланиб қайтаётган экан. Вори қишлоғи тепасига кўтарилганларида йўл четида турган тўрт-беш одам машинага қўл кўтаради. Шофёр машинага одамларни чиқаради-да, йўлда давом этади. Сал юрганларидан сўнг йўловчилар «тўхтат!» дея машина кузовини тақиллатишади. «Нима гап, тинчликми?» деб сўрайди шофёр, кабина деразасидан бошини чиқариб. «Иш чиқиб қолди», дейди йўловчилар. Уларнинг бири кабина эшигини очиб, «Сиз кўриқхона директори Ҳамидов бўласизми?» деб сўрайди. «Ҳа», дейди Ҳамидов ажабланиб. «Мен район Советининг депутатиман. Мана книжкам, — деб ҳалиги киши қоронғида қандайдир ҳужжатни кўрсатади. — Узингиз раҳбар бўлатуриб ҳайвонларни отасиз. Сизни партия бу ерга нега раҳбар қилиб қўйган?! — дейди. «Қачон отибман?» «Қачон отибмангиз нимаси? Мана, кузовда...»

Ҳамидов бу гапдан довдираб қолади. Чиқиб қараса бурчакдаги аллақандай қопдан қон силқиб туради. Қоп оғзини очиб қараша, унда ёввойи чўчка боласи солинган экан. Йўловчилар акт тузишиб, қўл қўйдириб машинадан тушиб кетади. Ҳамидов бу уюштирилган иш эканини, кўпчилик «гувоҳлар» олдида ўзининг ҳақ эканини исботлай олмайди.

Халқ доғишманд, ҳар нарса билиб айтади: бировга чуқур қазган одам биринчи бўлиб ўзи йиқилади. Ашур буни билмасмиди? Билар эди! У энди директорлик менга тегади, деб ўйлаганида яна янглишган экан. Кўриқхонага министрликдан келган вакил вертолётда айланиб, унинг участкасида қўйлар сурувини учратибди. Оқибати шу бўлдики, директорликни кўзлаган одам ишдан бўшаб кетишига тўғри келди. Шу-шу кўриқxonанинг ашаддий душмани бўлиб қолди. Айб ўзида бўлсаю кўриқхонада нима айб, у ерда ишлаётганларда нима айб. Янгигина директор бўлиб ишлаётган Содиқов у ҳақда орқавартдан кўп гапларни эшитган эди. Оддий ўрмончиликка олинг жилла қурса, деган таклифини ҳам кескин рад этди. Пировардида ўзи Содиқовга очикдан-очик пўписи қилишга ўтди, аммо бу ҳам наф бермади. Содиқов унга бош эгмади. Масъулиятни ҳис этиб, ишга ҳолис ёндашди. Одамлардан ўрни келганда ўрганди, ўрни келганда уларга ўргатди.

Ашур эса тинч турмади. Ёзмаган жойи қолмади, кўриқхонага эса келмаган комиссия. Бир одамнинг касри билан қанча-қанча одамлар сарсон бўлди, идоралар хат текшириш билан овора бўлди. Ух-хў, у келтирган асаббузарлик-чи?! Қанчадан-қанча ишлар, режалар орқага сурилиб кетди.

Мана шундай одамлар жамиятнинг ривожига, фаровонлигини юксалишига ҳамиша тўғанок бўлиб келадилар. Мансабга интиладиган одамларнинг аксари ҳозирги пайтда ўз соҳасида, ишида кескин бурилишлар ясашни истаб эмас, шахсий фаровонлигини (манфаатини) кўзлайдилар. Раҳбарларга бериладиган имтиёз деган нарсалар йўқолсайди, бу интилишлар ўз-ўзидан барҳам топиб кетарди.

3. ТАБИАТГА ҚАЙТИШ

Расмий идоравий ишларни бир ёқли қилгач, одати бўйича Салим Содиқов кўриқхона кезади. Гоҳ от, гоҳ машина миниб ўрмонлар, донлар ошади, илонизи сўқмоқлардан юради. Топ-тоза ҳаво, кўнгилни сархуш қиладиган тоғ манзаралари, қўшлар чуғур-чуғури билан чарчаганингни ҳам сезмайсан, киши. Бундай дамларда ишинг, турмушинг билан боғлиқ наларни хаёл қилмайсан. Хаёлларинг доғлар ошган сари силлиқлашиб, чашмалар сувидай шафқофлашиб бораверади. Кўриқхона ниҳоятда катта. Буни бир кунда эмас, бир ҳафта тинмай кезганинг билан ҳам ҳамма жойини кўриб чиқолмайсан. Уни кўриқлаш, наботот оламини нафақат сақлаб, балки кўпайтиришда жонбозлик кўрсатиш кўриқхона ходимларининггина иши эмас. Бу умумхалқ иши. Содиқов бунга кўп бор иқрор бўлган. Кўриқxonанинг санокли одамлари билан кўп ишларни амалга ошириш мушкул. Бу хайрли ишда кўриқхонага яқин турган аҳолидан ташқари шаҳарликлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоғи мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Одамларда имон ва виждонни уйғотиб, табиатга қайтариб эришиш мумкин. Ҳозир одамларимиз табиатдан узоклашиб кетган. Табиатдан бебаҳра одам ниҳоятда асабий ва жоҳил бўлади. Чунки унда завқ олиш, мурувват кўрсатиш туйғулари сўнгган бўлади. Беозор паррандаларга, жонзотларга ўқ узадиган одамлар ваҳший эмасми? Улар фақат қотилликда айбланмайди ҳолос. Аслида қотиллик белгиси қўшларни, ҳайвонларни отганида кўринмасмикин? Одамларни табиатдан бегоналаштирмай, аксинча уларни яқинлаштириш керак. Бу жуда долзарб масала. Аслида бу бегоналашиш ниманинг эвазига келган, нима сабабдан туғилган?

Мамлакатимизда ҳамма нарса режа асосига қурилган. Ҳатто маънавий масалалар ҳам. Ҳамма нарса ишлаб чиқаришга тенглаштирилган. Бу мезон билан нималарга эришиш мумкинлигини биз бугун озми-кўпми кўриб турибмиз. Биз чиндан одамларга маърифат улашмоқчи бўлсак, чиндан бундан-да яхшироқ турмуш кечирмоқ ниятида бўлсак, авлодлар ҳақида қайғураётганимиз рост бўлса табиатни асрашга бўлган сарф-харажатлар миқдорини ошириш керак. Табиат оғушида яшаётган қишлоқ одамлари ўрмонлар ичига мол-ҳолини ҳайдайди, дарактларни синдиради, меваларни териб олиб кетади, шаҳарликлар ҳам худди шу. Ҳатто милтиқ кўтариб келганлари ҳам учрайди. Уларнинг устидан чиқиб қолиб, тушунтиргунингча она сутинг оғзингга келади. Уларнинг гапига ишонмайсан. Кетгунича пойлаб туришга вақт йўқ. Улар кўриқхонада нималар қилишмайди, эҳ-хе... Қани эди, Содиқовнинг иложи бўлсаю хушманзара жойларда икки-уч кишилик, кўп кишилик кичик-кичик уйчалар, шийпонлар қуриб дам олиб кетувчилар учун имкон яратиб берса. Бунинг учун эса маблаг керак. Сайрчилар эса ҳозир истаган жойларида тўхтаб, дам олиб, кетишида ўзларидан дурустгина «ёдгорлик» қолдиришади. Уларни келма, деб йўлдан қайтаролмайсан, бунга ҳаққинг ҳам йўқ. Муҳими — уларга шароит яратиш.

Аслида шаҳарликларга осон тутиб бўлмайди. Йирик шаҳарлар атрофида масалан, Қарши шах-

рида тузукроқ дам олиш зонаси йўқ. Шаҳарликлар эса нима биландир овуниши керак, шундан кейин дала қўйнига ошиқади. Табиат бағрида лоақал ярим кунгина бўлса-да, дам олганга нима етсин! Ортиқча оғир хаёллардан фориғланасан, фикринг тиниқлашади. Ва одам ўзининг буюк табиатга мансублигини англайди. Шаҳарлар атрофида жойлашган кўлларда, балиқчилик хўжаликларидида кўллари жиҳозлаб, кўнгилхуш тадбирлар ўтказиш қийинми? Ҳеч бўлмаса балиқ тутиш мусобақасини. Қаршида Комсомол кўли қурилганига неча йил бўлди? Ўн йиллар бўлдики, қаровсиз ётибди. Районлар марказларида, ҳатто Шаҳрисабзда ҳам тузукроқ бассейн йўқ. Одамларни табиатга эътиқод қўйиш руҳида тарбиялашда ҳеч бир иш қилинмаётганидан ачиниб кетасан-киши. Содиқов бу хилдаги фикрларни область табиати кўриқлаш жамаиятининг кўп мажлисларида айтган. Кўплар қизиқиб қолишган, аммо ўзгариш масаласига келганда ҳалигача ном-нишон йўқ.

Содиқов тунов кун Оқдарё ёқасидаги тўқайзорга борган эди. Очиқ ўзанда, нақ сув ёқасида ўлиб ётган бир неча қушни кўриб қолди — ўлик? Ким ўлдирган экан? Қушчани кўлига олиб қаради: танасида жароҳат излари сезилмасди. Заҳарландими ё? Қушчаларни сувхалтага солиб районга олиб бормоқчи бўлди.

Қушлар лабораторияда текширилганда, кейинги тахмини тўғри чиқди. Санстанция, ички ишлар бўлиминдан комиссия тузилиб, дарё бўйига боришди. Маълум бўлишча, кимнингдир дарё бўйига яқин турган йигирма қоп азотини сув ювиб кетибди. Қушлар, тўрт-беш қорамол, иккита ёш бола заҳарланган.

Шу воқеадан икки кун ўтиб, район марказидан келаётган Содиқов ҳалиги болалардан хабар олиш мақсадида марказий касалхонага бурилди. Ҳовлида бош врачни учратиб қолди. Қадрдон жўраси. Ихтиёр чақириқдан қайтиб келаётган экан, салом-алик қилгач, болалардан хабар олди. Қайтар чоғи эса Ихтиёр одатдагидай ҳасратини қилди:

— Ёз келди дегунча аҳвол шу. Касал кўпайиб кетади... Бурчларимиз қутлуғ-у, аммо...

— Аммо одамларни инсофга киритиб бўлмапти, — деб Содиқов гапни илиб кетди. Манфаат деб, ўзларини-ўзлари заҳарлашаверади...

— Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Бошқача ишлашимиз керак. «Табиатни севинг», «Она табиатни асрайлик» деган чиройли широрлар билан энди ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Табиатнинг жонқуярлари халқ ичига кириши зарур. Қани энди, бошқа жойларда бўлгани каби бизда ҳам ташаббускор жамоатчилик гуруҳлари тузилса. Мана, масалан, юқори қишлоқлар одамлари дарё бўйида кўп ювишади, одамлар дەرёларда чўмилишади, моллар бемалол дарё кечиб юради... Қўйи қишлоқ одамлари эса шу дарё сувидан ичаверади. Ҳали ичадиган сувимиз шунчалик булғаниб кетганки, айтишга тил бормайди. Қишлоқлар водопроводлашмаган. Ариқ сувидан ичмас кунни ўтадимиз? Одамлар иззат қилиниши биринчи ўринга қўйилган мамлакатда бунга ортиқча тоқат қилиб бўлмайди, Ихтиёржон.

— Албатта.

Улар иккови ҳам жим қолишган эди. Ихтиёр Содиқовнинг кўйиб-пишиб гапиришидан аллақандай жонсараклик туйди. Ҳозир ҳазил, ноўрин гап қилишининг асло ўрни эмас эди. Тўғрироғи Ихтиёрнинг ўзи ҳам Содиқовнинг дардларига шерик бўлиб қолган эди.

— Одамнинг ўзини-ўзи қийнаши, хўрлаши ҳеч тасаввурга сиғмайди, — деб оғир сукутни тилиб юборди Ихтиёр бардоши етмагач. — Ҳаммамиз келажак ҳақида қайғурмай, бирон нарса топсак болаларимизга, невараларимизга деймиз. Қариб-чуриб қолганда эса нарсаларимизни мерос қолдирамай. Энди, нега сувни, ҳавони, яшил оламини уларга мерос қилиб қолдириш ҳақида қайғурмаймиз. Табиат — битмас-туганмас бойлик-ку?! Тўғриси айтганда, худбин бўлиб боряпмиз: мен шундай қилсам биров кўриб турибдими деймиз, манавини бундай қилсам бузилиб кетмас деймиз — шуларнинг ҳаммаси йиғилиб... Ҳаммамиз бир-биримиздан муттаҳам бўлиб яшаймиз, бир-биримиздан тилимиз қисилиб кун кечирамиз. Шахсий нарсаларимизни мерос қилиб қолдирамиз, умумий бойликни ҳам мерос қолдиришни ўрганишимиз керак. Биз учун сув, ҳаво заҳиралари битмас-туганмасдай кўринади. Аслида сарҳадсиз нарсанинг ўзи йўқ. Майиб-мажруҳ чақалоқлар дунёга келишию касалликлар турининг кўпайишига табиатнинг ғорат қилиниши сабаб бўляпти. Бу ҳақда негадир умумийроқ қилиб гапирмоқда.

Содиқов оғайнисига қизиқиш билан тикилиб қолган эди. Изтиробларига ҳамдард топилгани унга қувонч бағишлар, фикрлари бойиётганидан сезилмас бир мадад ҳам оларди. Ҳозир кечгача сўхбатлашиши мумкин эди. Бироқ бош врачнинг вақти бор дейсизми? Беморлардан ҳол-аҳвол сураш, шифокорлар ишини кузатиш... Боз устига телефон... Содиқов эса булардан хижолат тортарди.

— Ихтиёржон, мана икковимизнинг фикрларимиз бир-бирига уланяпти. Кечгача ўтиришимиз мумкин эди. Лекин... — деб ўрнидан турди. — Ҳаммамиз табиатнинг шу ҳолатидан завқ туйсак, севинсак, изтироб чексак, курашсак қани!.. Бошқа бир сафар бафуржа сўхбатлашайлик.

— Жон дилим билан. Энди қизиган пайти узилиб қолаётгани алам қилади-да. Бўлмаса, кечга уйга келинг, бошқа нарсалардан ҳам бир ҳангома қилайлик. Ўзи анчадан бери...

— Ҳўп.

Бош врачнинг туғёнларидан Содиқовнинг ҳам кўнгли бетоқатлик туярди. Нима ҳам дердик, табиат ҳақида ҳамма бир ёқадан бош чиқармаса, қайғурмаса бир нарсага эришиш қийин кечади. Табиатни севинг, дейиш билан одамлар табиатни севиб қолмайди. Энди бошқача ишлаш фурсати етиб келди.

4. ГУРУНГ

Содиқов ўтовнинг оппоқ кигизлари, чанғароғидан кўриниб турган осмоннинг бир парчасига қараб кўп воқеаларни эслайди, эзгу ҳисларга ошно бўлади. Ишдан толиққанида дарров шу ерга кириб дам олишга ўрганиб қолган. У юмшоқ кўрпачада бироз ёнбошласа қифоя, ҳовури босилиб, хаёллари тиниқади, чарчоғини қўли билан сидириб ташлагандай ўзини енгил ҳис қила бошлайди. У ўрмончиларни ҳам кўпинча шу ерга йиғади, гурунг қилади, режаларини ўртоқлашади. Излаган одам Содиқовни аксар ҳолда шу ердан топади. Оқ ўтов нафақат унинг, балки ўрмончиларнинг ҳам сеvimли жойи. Мана ҳозир ҳам Оқ ўтовда ўрмончилар сўхбати авж олган...

Кўриқхона катта бебаҳо мулк. Урмончилар эса унга соҳибдирлар. Айни дамда участкаларнинг вакиллари бир ойлик ҳисоб-китоб, шу баҳона кўрган-кечирганларини бир-бирларига сўзлаб беришга йиғилган. Урта бўйли, юзи шамолда қорайган қотма одам биринчи участка бошлиғи Болта Нормуродов бўлади. Содиқов унга зимдан разм соларкан, хаёли Ашурга оғди. Ахир, у Ашурнинг ўрнида ишлаяпти. Бу дилозор Нормуродовни ҳам кўп айлантириб кўрди. Ана энди анойини топиб бўпти...

— Содиқов, совхоз билан чегара масаласини ҳал қилиб бермасангиз бўлмаяпти,— Танхоздарё участкаси бошлиғи Темир Бобоқулов гап қотди.— Қойдабузарлар кўп. Чопуғликлар билан жанжал қиляпмиз.

Директор Темир аканинг гўштдор қизғиш юзига, шопдай мўйловига тикилди. Хаёли унинг участкасига оғди. Илонизодай торгина сойдан Танхоздарё оқади, икки томони тик қоя. Ана шу ўзан совхоз чегараси. Урмончилар шу сой бизга олиб берилсин, кеча-кундуз пойлоқчилик қилиш оғир бўляпти. Совхозга кўриқхонанинг Олмати қишлоғи ёнидан ер берамиз, деб анчадан бери талаб қилишади. Харитани тузишдаги биргина чалкашлик шунча қимматга тушмоқда.

— Хабарим бор,— деди Содиқов Темир акага.— Ҳаракат қиляпмиз. Гадовенинг дала-ҳовли-сига ҳеч ким келгани йўқми?

— Бузгани кўймаямиз—да. Улар-ку ўз қилмишларини яшириш учун аллақачон текислаб юбориб, сувдан қуруқ чиқишмоқчи эди.

— Таянч пунктга жуда қулай,— деди Содиқов ўрмончининг шоп мўйловидан кўз узмай.— Чопуғ масаласини қайта-қайта кўтариб чиқяпмиз. Энди ҳал бўлиши керак. Бундан Тошкентадигилар ҳам хабардор...

— Айтмоқчи,— деди Темир ака.— Республикамизда табиатни кўриқлаш комитети тузилибди, а?!

— Деб ўтирганларга бир кўр назар солиб олди.

— Тузилганига анча бўлиб қолди-ку,— деди Содиқов ва бу ҳақда ўрмончиларга сўзлаб берган-бермагани хусусида ўйга ботиб қолди.— Бу ҳақда айтиб берувдим шекилли...

Ўтирганлар «ҳа» деган мавнода бош ирғашди. Шундай эса-да, Содиқов комитет тузилиб, имкониятлар кенгайгани, энди буткул бошқача тарзда ишлаш лозим эканини, масъулиятни оширмасдан туриб, ниятга эришиш мушкуллиги... ҳақида анчагина гапирди. Сўнг:

— Мироқи участкасида ўт мўл экан. Аммо ўрмончилар кўп жойнинг пичанини чала ўришибди. Кўзингиз тушмадим, Норов? — деди.

Учинчи участка бошлиғи Пўлат Норов ялт этиб бошини кўтарди.

— Эътибор қилмабмиз, ўртоқ Содиқов. Бориб қарайман. Ҳа, айтмоқчи, охурларни кўпайтирсакми, девдим.

— Майли, аммо ем-хашакни кўриқхона чегарасидан ўриш керак. Илмий ходимлар нолиб юришмасин. Бобошоди қишлоғи ёнидаги жарликларни эътиборга олиб кўйдим. Балки, уриниб кўрсак заказник¹ ташкил қилса бўлар.

«Заказник» сўзини эшитиши билан Малаховнинг юзида жонланиш пайдо бўлди. У кўпдан шу масала устида бош қотираб, бу фикрини эса бир гал Содиқовга ҳам айтиб берган эди. «Қизил китоб»га кирган ноёб паррандалар, ҳайвонлар яшайди. Утлар ўсади, аммо ер район ихтиёрида, муҳофаза қилиш қийин.

Малаховнинг ичини қизитиб бу тўғрида Содиқов бошқа оғиз очмади. Аксинча, «Мана, ўрмончиларимиз жам бўлган, илмий иш натижаларидан гапириб бермайсизми?» деб қолди Малаховга.

Малахов бунга эътироз билдирмади. Ўзи ҳам дилига тугиб қўйган экан шекилли, иштиёқ билан гапира кетди.

— Биз ҳозиргача кўриқхонада яшайдиган ҳайвонот дунёсининг деярли барча турларини аниқладик,— деди Малахов ён дафтаридаги қайдларига кўз югуртираркан,— хабарларинг бор, умуртқалилар синфидан балиқнинг икки тури иқлимлаштирилган. Булар маринка ва форель (хон-балиқ). Исмоил Сатторов яқинда биттасини тош билан уриб ўлдирди. Ичинини тозалаб, тортиб кўрса етти кило тош босибди. Форель билан боғлиқ воқеа эсингиздами, Содиқов?

— Ҳа, ёдимда. Айтайми? Лекин кўплар эшитмаган,— ўрмончилар қизиқсиниб қолгани дарров юзларида зуҳур бўлди.

— Тошкентдан, ёшлар газетасидан келган мухбир Танхоздарёда хон балиқ бор, бу ерга Тўпо-лангдарёдан келтирилган, деб ёзган эди. Уқиган киши борми?

— Уқиганмиз,— дейишди кўпчилик.

— Яқинда менга ўша мухбир кўнғироқ қилди. Редакциядагилар бунга шубҳа билдиришибди. Ёрдам қилинг, жон ака, дейди. Танхоздарёга бориб, беш-олтита ушладик. Кичикрокларини шишага солиб Тошкентга, редакцияга олиб бордим. Кўпчилик кўрмаган экан. Ҳайрон қолишди.

Малахов, директорнинг давом этинг ишорасини дарров фаҳмлаб олди.

— Шундай қилиб бизда судралиб юрувчилар синфидан тўққизта, яъни етти хил илон, икки хил калтакесак, сут эмизувчилар синфидан ўттиз тури аниқланди. Масалан, қор қоплони, Туркистон силовсини, Тёншонь кўнғир айиғи, Урта Осие кундузи, кийик, тўнғиз, қизил суғур, жайра шулар жумласидандир. Улардан кўпи жаҳон, СССР ва Ўзбекистон ССР «Қизил китоби»га киритилган.

— Қоплон бизнинг участкада учрамай қолди,— деб луқма ташлади Норов.— Танхоз томонларга ўтиб кетганга ўхшайди. Ҳатто, тўнғизларам қочаяпти.

— Ҳайвонлар кўчиб юради,— Малахов тушунтирди.— Сизлардан илтимос, айниқса «Қизил китоб»га кирган ҳайвон ва паррандаларни кузатишда ҳушёр бўлинглар. Аниқ сони керак. Қанотли жониворлар ҳақида ҳам шундай иш тутиш керак. Кўриқхонамизда каклик, лочин, бургут кўп. Ҳар йили қанчадан-қанча лайлақлар учиб келаяпти. Аммо, улар фақат Қизилсув участкаси, Бобошоди қишлоғи ёнидаги тутларга уя қуради. Бошқа участкаларга ўтмаяпти. Қушлар осмони тинч, мусаффо жойларни маскан тутади... Уртоқлар, яна бир нарсани айтиб қўйишимга тўғри келаяпти... кундалик масаласида.

¹ Усимлик ва ҳайвонот дунёси алоҳида кўриқланадиган жой.

«Кундалик»ни мунтазам тўлдириб бориш керак. Унда соҳамизга алоқасиз воқеалар аралашиб қолмасин. Мана, ўрмончи Исмоил Сатторов нималар деб ёзибди. «20 август». Қулоқ солинглр, озгина ўқийман: «Қариндошимиз тўй қилди, хизматга чақирди. Ўрнимга Эргаш Маматқулов қаради».

«22 август. Пичан ўримига боргандим. Темур аканинг оти бўшалиб кетиб, Наби аканинг байталини...» Бу гапларнинг ишимизга даҳли йўқ-ку. Кундаликни шуни ёзинглр деб берганидидик.

Ўтовда гуррос қаҳқаҳа кўтарилди. Исмоил Сатторов эшикка яқин жойда ўтирарди. Ҳамма унга қаради. Шолғомдай қизариб кетибди.

— Яна бир ўрмончи, майли, номини айтмайман, кундаликка хотини кўз ёрган кунини ёзибди. Яна қаҳқаҳа авж олди.

— Буни ўзи билади,— Малахов кулги босилгандан кейин давом этди.— Ўрмончимиз ўғиллик бўлибди, табриклаймиз. Яхши ниятлар учун дунёга келган бўлсин. Аммо, буни ёзиш шарт эмасди. Ахир «кундалик»нинг биринчи варағига нималарни ёзиш кераклигини кўрсатганмиз, айтганимиз-ку?

Ўтовдагиларнинг кулгиси босилгач Малаховнинг гапи диққат билан тинглана бошланди.

— Ҳайвон, парранда ёки ўсимликнинг янги турини аниқлаш осон иш эмаслигини ҳамма яхши билади. Мабодо кузатув давомида қийинчилик, иккиланиш, нотаниш қуш ёки ҳайвон учраса хабар қилинглр. Мана, Эргаш Маматқулов. Ҳар бир ўт, дарахтдаги ўзгаришларни «кундалик»ка эринмай қайд этибди. Қушлар, ҳайвонларнинг уялари, сонини аниқ ёзади. Озроқ ўқиб берайми?

Ўтовдагилар розилик билдиришди. Эргаш мақтовдан қизариб, бошини эгди. У ўрта бўйли, қорачадан келган йигит. Ўрмончиларнинг махсус уст-боши қоматига роса боп тушган. Малахов ўзбекча талаффузни сал бузиб ўқий кетди.

«16 май. Тонгда қўриқхонага отландим. Уйдагилар тоғам йўқлаганини айтишди. Хуржуннинг кўзига озиқ-овқат жойлаб йўлга тушдим. Йўл-йўлакай қишлоқ четидаги тоғамнинг уйига кирдим. Кутиб турган экан. Дардини айтди: иккита суғур отиб бермасанг бўлмайди, шаҳарда бир танишим оғир ётибди». «Қўлимдан келмайди,— дедим юмшоқлик билан.— Ўзим табиат қўриқчиси бўлатуриб, ҳайвон отишим жиноят». Бундан тоғамнинг аччиғи келди. «Ўттиз икки томирим уюшиб бир илтимос қилувдим. Бегона ҳам йўқ демасди». «Иложим йўқ,— елка қисдим». «Йўлингдан қолма,— деди аччиқ билан тоғам,— ўнта суғур бўлса ҳам ўзим топаман».

Кўнглим ғашланди. Йўлга тушдим. Одамлар ғалати-да. Қўриқхона, «Қизил китоб» деган нарсалар ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Улар учун дунёда яхши еб-ичишу кийинишдан бошқа нарсанинг аҳамияти йўқ.

Қўриқсойда булоқ сувлари қайнаб оқаяпти. Қушлар шўх сайрашади. Булоқ бўйига тушган кийиклар хуркиб бекинди. «Кундалик»ка бугун кўрган ҳайвонларнинг тури ва сонини, дарахтдаги ўзгаришларни ёзиб қўйдим».

«18 май. Бугун ҳар икки участкани ҳамкасбим Абдинаби ака айланиб келди. Мен ялангликдан пичан ўрдим. Қишда ҳайвонларга берамиз. Соиларда озуқа қўйиладиган жойлар бор. Қор қалин тушганда жониворлар қийналишмайди. Ўт ўраётиб бир воқеа эсимга тушди. Тошкентга сиртдан ўқишга кирмоқчи бўлиб борганимда, бир ўқитувчи қўриқхонада эшлашимни эшитиб, ноёб нарсалардан қарашиб турсанг ёрдам бераман, деган эди. Аччиғим чиқиб, ҳужжатларимни қайтариб олганман. Шу-шу ўқиш деса, ўша одамнинг совуқ башараси кўз олдимдан кетмайди».

«10 июнь. Қўриқсойда чўкчалар кўпайибди. Бир галаси олдимдан чиқиб қолди. 14 та суғурни дурбин билан кузатдим. Учқояда иккита кийик кўзга чалинди. Бугун ҳаво дим. «Кундалик»ка кузатувларимни ёздим».

«19 август. Участкадан қайтишда қизик воқеа бўлди. Сўқмоқдан отни ўз юримига қўйиб келардим. Олдинда шарпа эшитилди. Қарасам, ўтлар устида бургутнинг боласи ётибди. Қувиб ушлаб олдим. Қаноти синибди. У қўлимни қаттиқ чўқиди. Бургутчани уйга олиб келдим. Кимдир сочма ўқ билан отибди. Бадани ва ўнг қаноти жароҳатланган. Участкамда бегона одам учрамади, демак нариги сойда отишган».

Кейин Темур амакиникига бордим. Уйда экан. Шу воқеани айтдим. Геологлр отган деди, у. Ўқ овозини эшитиб югуриб боргандим, дала ҳовли олдида биттаси юрган экан. Билмай отибман, ҳеч нарсага теккани йўқ, деди. Барибир милтиғини тортиб олдим. Йўлда Исмоил учради. Кичикроқ бир бургутчага ўқ теғди-ёв, деди у. Қанотини ғайритабиий силкитиб, нариги сойга ўтиб кетувди.»

«22 август. Ўшандан кейин бошқа кўнгилсиз воқеа содир бўлган эмасди. Ҳайвон ва қушларни ҳисобга олиб бораёпман. Табиатдаги ўзгаришларни ёзиб қўйдим. Масалан, ҳозир дўлана шигил ҳосилга кирган. Олча, гилос фарқ пишган. Ёнғоқнинг мағзи тўлишяпти. Шувоқ, оврук гуллади. Зира пишди».

«27 август. Қўриқхонага Тошкентдан киночилар келишди. Орасида бир ёзувчи ҳам бор экан. Мен билан гурунг қилди. «Кундалик»ни кўрди. Унча-мунча қизик воқеаларни ҳикоя қилиб бердим».

— Қандай ёзибди? Сизларга маъқулми? — Малахов «Кундалик»ни ёпиб Эргашга узатаркан ўтовдагилардан сўради.

— Яхши,— деди Темир ака,— мен ҳам ўқиганман. Ўрмончиларга доим шуни тайинлайман. Бунда энди Исмоил сал адашган.

Содиқов гапга жўртгага аралашмади. Малаховнинг томоғи қуриди. Совуб қолган чойдан хўплаб қўйди. Илмий ходим Бахтиёр Оромов гап бошлади.

— Малахов айтгандай, ўсимликларнинг номъълум турларини аниқлашга ҳаракат қиляпмиз. Чунки, инсон ҳаётда ўсимликларнинг катта аҳамияти бор. Шу пайтгача қўриқхона территориясидан «яшил бойлигимиз»нинг мингдан ортиқ тури рўйхатга олинди. Ўрмон ва тоғларимизнинг асосий бойлиги ҳисобланган қора ва савр арчасини ҳамма билади. Лекин, Ўзбекистон флорасининг кўп тури шу ерда мавжудлигидан беҳабар одамлар бор. Қўриқхона чегарасидан ташқари Вори довоғига яқин Татар қишлоғи атрофидаги ўтлар ниҳоятда хилма-хил. Баҳор пайтлари шаҳардан сайрчилар келиб босади. Бу ерлар бизга қарамасаям уларни тартибга чақириш керак. Ҳеч

бўлмаганда Қаршиевга хабар қилиш керак. Бундан ташқари дарахтнинг 20 дан ортиқ тури табиий ҳолда кўпаймоқда. Табиатда ёввойи чинорнинг ўсishiни эшитганмисизлар? Ҳолбуки, Ҳазрати Башир қишлоғи ёнида ўсар экан. Мироқилик ўрмончилардан гувоҳ топдик. Сонини кўпайтиришимиз керак. Қўриқхонадаги ўттиз етти хил ўсимлик турининг «Қизил китоб»далиги ишимизнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини, савоблигини кўрсатаяпти. Бир далилга диққат қилинглр. Ер юзидаги ўсимлик турларининг қирқ фойизи Урта Осиёда ўсаётган бўлса, шунинг тенг ярми, яъни 20 проценти Ҳисорда мавжуд. Улардан кўпчилиги шифобахшлиги билан ажралиб туради. Масалан, меҳригиё ўсимлиги ҳақидаги бир ривоятни айтиб берайми? Айтишларича, ўтмишда бир киши махов касалига мубтало бўлибди. Дардига чора тополмагач, кимсасиз тоғлар орасига бош олиб кетибди.

Кўнларнинг бирида у кечани арча тагида ўтказибди. Ёмғир роса савалабди. Қараса бир-икки газ нарида қандайдир ўсимлик заифгина ёниб, шамдай шуъла сочаётган экан. Олдин тушим бўлса керак, деб кўзларига ишонмабди. Кейин шунча вақт ўлимга чоғландим, зора шу менга ёрдам берса, деган умидда судралиб бориб ўсимликни тишлари билан узиб олиб ебди. Кейин ухлаб қолибди. Эрталабки қуёш нурлари танини иситибди. Барибир ўлганман, деб ётаверибди. Сўнгра тирик эканини сезиб, ўрнидан турибди. Қараса, баданидаги махов касалидан асар ҳам йўқ эмиш. У хурсанд бўлганидан қишлоғига қараб йўл олибди. Бу меҳригиё экан.

Ўрмончи Абдинаби ака ўрнида кўзғалиб:

— Бир табибининг Ҳисор тоғларида доривор ўт-ўланлар териб кетиб, беморни даволаганини эшитганман,— деди.— Балки, шу меҳригиёдир?!

Бахтиёр ўтовдагилардан сўради.

— Ростдан ҳам шундай ўсимлик борми? Уни ким кўрган?

— Чопуғдан тунда қайтардик,— деди Темир ака.— Элбек бува бекорчиликдан кўра эрмак, деб гурунг бериб келарди. Баҳор пайти. Бу пайт шерикларим анча олдинлаб кетганди. Тахтадай қотиб қолдим. Ўзимга келгунча эшак ўтлаб-ўтлаб унга яқин борди. Кейин тополмай қолдим, кўп қидирдим, барибир тополмадим.

— Отам ҳамроҳлари билан Чопуғ тоғидаги Гандагурим сойида чуқурига (ровоч) тош бостиргани боришган экан,— деди ўрмончи Абдиҳалил суҳбатни давом эттириб.— Кечаси соат учларда улар арчанинг тагида ёниб турган меҳригиёни кўриб қолишибди. Кимдир эҳтиётсизлик билан қўлини тегизиб қўйган. Шу заҳоти меҳригиё ёнишдан тўхтаб, кўздан йўқолган экан. Уни ҳатто кундузи ҳам излаб топишолмаган.

— Шундай ўсимлик бор,— деди яна Абдунаби ака салмоқлиниб,— баҳорда барча ўсимликлар қатори кўкариб чиқади. Лекин, сони жуда кам. Тунда, айниқса ёмғирдан сўнг ёниб кўринади. Ҳаво қуруқ пайтлар кўринмайди. Аниқроғи, апрелнинг охири, майнинг бошларида учрайди. Уни қўл билан ушлаб бўлмашмиш. Биров заҳарли, қўл тегса ўлдиради, дейди. Яна биров меҳригиё нозик ўт, қўл тегса изига қайтиб кетади, у ҳар 6—7 йилда бир марта ўсиб чиқади, дейди. Бъъзи бировлар эса тунда кўрган заҳоти эҳтиётлик билан атрофига кичик тошчалардан ўраб қўйиб, эрталаб узиб олиш керак, дейди. Балки, бу ростдир. Шуниси аниқки, ўрмончилар уни кўришмаган. Ҳеч қайсиси узиб олишга журъат қилолмаган.

Малахов чидаб туролмади. Ирғиб ўрнидан турди.

— Мен бу ғаройиб ўсимликнинг таърифини кўп эшитганман,— деди у ҳаяжон билан.— Ҳар баҳор тоққа чиқиб излайман. Афсуски, учрамаяпти. Уни топиб, ўстириш, кўпайтириш, сирларини аниқлаш фан учун ҳам катта янгилик бўларди. Ким билади, меҳригиё бошқа ўсимликлар қатори тоғларда ўсиб ётгандир. Балки биз уни бошқа ўсимликлардан фарқлай олмасмиз. Чунки қўриқхонадаги ўсимлик оламининг барча турлари аниқлангани йўқ. Масалан, олдинлари Сибирь арчасининг шу ерда ўсишини ҳеч ким билмасди. Навбатдаги қидирувлар пайтида топдик. Изланиш, кузатувлар давом этапти... Қизиқ ҳол. Ҳатто ҳайвонлар ҳам ўсимликларнинг шифобахшлигини билишади. Масалан, бир овчи айиқни отади. У ярадор бўлиб, жароҳатдан қон оққанча ўрмонга кириб кетади. Овчи эҳтиёт бўлиб қон изидан бораверади. Бир жойга бориб қон излари кўзга ташланмай қолади. Овчи эътибор билан қараса, айиқ ўсимликдан юлиб олиб жароҳатига босганки, қон тўхтаб қолган. Ёки кийикни олинг. Овчилар бир кийикнинг овғини мўлжаллаб отишаркан. Оқсоқ кийик юриб-юриб мўмиёли бир жойни топади ва ялайди. Овчи кийикни отиб ёки ҳайдаб юбориб мўмиёни олади. Илон билан эчкиэмар ҳаёт-мамат жанги олиб борганда эчкиэмарнинг рақибидан қочиб исирик ўтига жароҳатини суркаши ва яна қайтиб келиб жангни давом эттирганини танишим айтиб берган. У қани, нима бўларкин, деб шу ердаги исирикни юлиб ташлайди. Бир вақт эчкиэмар югуриб келиб исирикни тополмайди ва ерга таппа ташлаб жон беради...

Малахов ҳам, Бахтиёр ҳам бир оз жим қолишгач, гурунгни Содиқов давом эттирди.

— Мен айтмоқчи бўлган нарса янгилик эмас, лекин эслатиб туриш вазифам. Ҳарқалай сизларга ҳам зарар қилмайди. Бир ҳайвон иккинчи участкада яшамаслиги мумкин. Қушлар ҳам, ўтлар ҳам шундай. Қўриқхонамиз ҳайвон, парранда, ўт-ўланга бой деймиз. Турнакўз булоқлар, табиий кўллар, ажойиб тоғ дарёлари, шаршаралар, табиатнинг бетакрор мўъжизалари, абадий музликлар бор. Аммо, буларни кўпчилик ҳали кўрмаган, ҳатто номини-да эшитмаган. Масалан, биринчи участкада Амир Темур ғори жойлашган. Аммо шу зонада ишловчи Бекмурод ака ҳалигача уни қиқиб кўрмабди. Ҳатто, чет эллардан, мамлакатимизнинг узоқ чеккаларидан сайёҳ-олимлар келиб, биздан рухсат олиб кўриб кетишди. У киши эса билмайди. Ғордан сал берида, Тошқўрғон қишлоғи яқинидаги динозавр изларини санокли ўрмончи кўрган. Ахир, қўриқхонанинг соҳиб сиз билан биз-ку. Ўз участкамиздан ташқари бошқа жойларни ҳам кўриб қиқ-сак зарар қилмайди. Одамлар сўраса нима деб жавоб қиламиз? Шу ерда ишлайсиз, жим турсангиз уят. Бундай табиат ёдгорликлари бошқа жойда йўқ. Булар билан биз ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

5. ТОҒУ ТОШЛАР ОРАСИДА

Тоғ йўлларида юриш ҳамиша машаққат. Тикка ўрлаган, қуйига энган сўқмоқлар инсон продасию бардошини синамоқчига ўхшайди. Содиқов йўлга тушаркан, кўп бор хаёлидан шу

фикрлар кечади. Тоғлар ўз тирикчилигига одамзоднинг аралашини ёқтирмайди. Улар доимий сукунатга чулганган. Қаҳри қаттиқ. Гўзаллик, мўъжизаларини инсондан сир тутати.

Машина тик баландликка илонизи йўллар билан чиқиб, энди «нафас ростлади» деганда, олдинда яна бошқа манзиллар пайдо бўларди. Содиқов бу йўллардан жуда кўп юрган. Ҳар бурими, йўл ёқасидаги харсанг тошлари, бутасигача кўзга таниш. Унинг қалби осойишта. Манзил сари ошиқаркан, булутларга қўл бериб турган чўққиларни, йўлда учраган қишлоқларни томоша қилиб борди.

Шурҳасан қишлоғига етиб Темир Бобоқуловнинг уйига бурилишди. Участка бошлиғи шу ерда кутиши керак эди. Аммо, бунинг акси бўлиб чиқди. Темир Бобоқулов кўриқхона таянч пункти жойлашган Қоратут қишлоғига кетибди экан. Содиқов ранжибди. Лекин буни шофёрига билдирмади. «Балки, бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлгандир,— деди ичида ортиқча хаёлларга эрк бермай,— боришимни билади-ку.»

Унинг хавотири бежиз эмасди. Участка ўрмончилари Темир Қурбоновнинг ҳовлисига йўғилиб, ниманидир қизгин муҳокама қилишарди. Уй эгаси директорни қистаб тўрға ўтқазди. Дастурхонга мева-чева келтириб қўйди.

— Тинчликми? — у ўрмончилар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, Темир Бобоқуловга юзланди,— каллаи саҳарлаб чиқиб кетибсиз.

— Шундай бўлиб қолди, Содиқов,— деди участка бошлиғи дастурхон попугини қўллари билан ўйнаб ўтираркан.— Кун чиқмай Абдунаби ака борди. Кеча Чопуғда биров кийик отибди.

— Ушладинларми?

— Кийикни отиб эҳтиёти шарт, тошнинг орасига яширибди. Милтиқ овозини эшитиб ўрмончиларнинг келишини билган. Исмоил билан Наби акани кўриб қочибди. Улар тўрт қақиримча отда кўвиб ушлашган. Чопуғлик, Шоҳимардон Элбеков деган такасалтанг йигит экан.

— Олдин бўйнига олмади,— гуруннга Наби ака қўшилди,— қон изи билан бориб кийикни яширган жойидан топдик. Акти Темир акада.

— Бўёғи қизик,— деди Темир ака кулги аралаш. «Нега отдинг?» деб сўрасак, у бир киши менга буюрди, жариманиям шу одам тўлайди, деб очиғини айтди.

— Бирови ким бўлди экан? — Содиқовнинг қизиқиши ортди.

— Район раҳбарларидан.

— Ростданми?

— Ҳа, мана Наби ака айтсин.

— Тилхат ёздириб олмадингизми? — Содиқов Наби акага тикилди.

— Албатта,— Наби ака кулимсиради,— ҳаммасини пишиқ қилганмиз.

Ўрмончилардан Содиқовнинг кунгли тўлди. Бундай одамларга юрагингдаги дардларингача бемалол айтишнинг мумкин. Темир Бобоқулов ҳалиям шу воқеа тафсилотини ҳикоя қиларди. Содиқов иссиқ чойни эрмак қилиб қулоқ солди.

— Наби акадан эшитдим уйга сиғмадим. Хавотир олмасин, деб уйдагиларга индамадим. Сизнинг барибир шу ерга келишингиз маълум эди...

Отилган кийик Содиқовни кўпроқ ачинтирарди. Қонга беланганча тош устида ётган беозор жониворни ўйлаб, мушти тугилганини сезмади. Наби ака синчков одам, унинг кунглидан кеча ётган ўйларини сезиб, билиб турарди. Табиат ҳар инсонни тирикчиликка ярайдиган қобилият, ҳунар билан дунёга келтиради. Аммо, баъзи ношуд одамлар ўзидаги ана шу қобилият, ўқувни англамай умр бўйи адашиб яшайди. Содиқов эса, айнан кўриқхона учун дунёга келганга ўхшарди.

Содиқовнинг хаёли гурунгда бўлса-да, кўз қири билан ўрмончиларни кузатарди. Нигоҳи Эргашга қадалди. Утган йили Сочига курортга бориб, ўн кунда қайтиб келди. Узимизнинг тоғлардан ортиқ жойи йўқ экан. Мақтаганларига бораверишман, дейди жилмайиб.

— Бундан етти-саккиз йил бурун одамлар кийикларга қиргин келтиришди,— деди у гапга қўшилиб.— Овчи чиқолмайдиган баланд чўққиларга кўтарилганлари тирик қолди. Қўриқхона уларга «нажот қалъа» бўлди. Шафқатсиз қонунларимиздан кўрқмайдиган баъзи кимсалар ҳозир ҳам уларга кўз олайтиради.

Абдихалил Ҳайитов баланд бўйли, юзлари ялпоқ, очиқ йигит. Эргашнинг гапдан тўхтаганидан фойдаланиб, «улоқ»ни илиб кетди.

— Такалिसойда суғур кўпайибди, ўртоқ Содиқов. Айик, чўчқалар ҳам энди олдингидай бизлардан кўп ҳайиқмайди. Сезгиси зўр бўларкан шекилли. Лочинлисой сиртдан тинч кўринадди. Аммо бу ерда қоплонлар уяси бор.

— Қаерда у? — деди Содиқов эслолмай.

— Ингичка довинининг ўнг томонидаги сой-чи,— деди Абдихалил қўллари билан тушунтириб,— дарахтлари чакалак бўлиб кетган, орасидан ўтишам қийин.

— Помир томонлардан келиб қолган бўлса керак,— деди Содиқов берилиб тингларкан.— Ҳисорда жуда кам. Хўш, кейин нима бўлди?

— Бунгаям анча йиллар бўлди. Овга ўта қизиққан бир чўпон қоплон болаларини олмоқчи бўлиб инини кўп пойлаган. Ниҳоят урғочи қоплон овга кетганда иккита боласини олиб чиққан. Аммо онаси ҳали унча узоққа кетиб улгурмаган экан. Йигитга ташланибди. Уям тоғда ўсган бақувват эмасми, қоплон билан кўп олишган. Оғир тан жароҳати олса-да, қоплонни чалажон қилиб уйига базўр қайтган. Яқинда шу сойни «обход» қилиб юрувдим. Сўқмоқда қоплон изларини кўриб қолдим. Юрагимга ваҳима тушди. Ҳазил эмас, тупроқда учта қоплоннинг ҳозиргина шу ердан ўтгани «кўриниб» турарди. Сўқмоқдан ўзимни панаяга олдим. Милтиқни бағримга босганча яна озгина юргандим, излар сойнинг томонидаги ўтиб кетгани аён бўлди. Аммо улар узоққа кетмаган эди. Балки, сув ичгани сойга тушгандир. Соё ёқасидаги баланд тош устига чиқдим. Дурбин билан аτροφга қарадим. Соёнинг тепасидаги қояга дурбинни тўғриладиму тоблаб ётар, биттаси, афтидан боласи, қулоқларини динг қилиб ўтлар орасини кузатарди. Биламан, улар ҳужум қилишга ботинолмайди. Шундай бўлсаям ийртқич-да, ишониб бўладими, олдидан, дарахтлар орасидан чиқиб қолса, битта милтиқ билан нимаям қила олардим.

Ниҳоят кузатишда давом этдим. Энди қизиқиш устун келган эди. Шунда қоя тепасида бир неча кийик кўринди. Улар ҳеч бир хавфни сезмай тошдан-тошга сакраб пастга энарди. Қоплонлар безовталаниб қолишди. Кийиклар яна озгина юришса қоплонларнинг нақ устига келиб қолишарди. Унда қўлга тушишлари аниқ. Айниқса битта кийик ўйноқлаб ўзини ҳали у, ҳали бу тош устига отар, дарахтларга суйкаларди. Чидай олмадим. Осмонга қараб ўқ уздим. Кучли гумбурлашдан тоғлар акс садо берди. Кутганимдай кийиклар жонҳолатда сакраб қоядан ошиб кетишди. Қоплонлар тайёр ўлжадан маҳрум қилганим учун қасос олмоқчидай мен томонга аланглашди. Барибир чўчишда чоғи, узоқроққа кетишди.

— Чимиллик сойнинг осмонида ғажирлар кўп учиб юришади,— деб хикоя бошлади Наби ака,— буларни Малахов «Қизил китоб»га ёзилган деган эди. Улар қуён, тулки, ҳатто бўриларгача хужум қилади. Ун ёшлардаги Абдихалил деган бола қўй боқиб юрганда бир ғажир унга ташланди. Бола осмондан шовуллаб, ўқдай тушиб келаётган қанотли йиртқични кўриб ўзини бир камарга уради. Иккинчи воқеа кўз олдимда содир бўлди. Қайрағочлисойдан борардим. Бир тўда ғажирлар дара тепасида айланишар, пастда икки-учтаси уймаланишарди. Қизиқиб отни шу томонга бурдим. Шунда ҳалиги икки калхат бир қора нарсага кўтариб учди. Бироқ бу парвоз узоққа чўзилмади. Ўлжа пастга қулаб тушди. Мен қийқириб калхатларни қувдим. Бориб қарасам семизгина қуён. У аллақачон ўлиб қолганди...

Содиқов ўрмончиларнинг қизиқарли ҳикояларидан мазза қиларди. Уларнинг ҳаёти тасодифларга тўла, бой, сирли китобни эслатади. У ўтган йили ўзи кузатган бир воқеани хотирлади. Ўрмончилар пичан тайёрлашарди. Содиқов худди ҳозиргидай ўрмончилар билан гурунг қилиб, сўнг ўт ўргани ўрнидан турган эди. Бир пайт Абдихалил Амиркулов дара томондан пусиб келиб айиқ инини пойлаётган қоплонни кўриб қолди. Шерикларини бундан огоҳ қилди. Кузатув бошланди. Бир неча муддат ин оғзини искаган қоплон охири шиддат билан инга кириб кетди. Бир пайт ичкаридан ур-тўполон, ўкирик эшитилиб, қоплон ва баҳайбат кўнғир айиқ тортишиб чиқди. Қоплон кенгликка чиққач айиққа кескин хужум қилди. Ўткир панжалари билан маймоқ полвоннинг терисини юлиб жароҳатлантирди. Айиқ жон аччиғида ўкириб юборди. У ҳам пайт пойлаб қоплоннинг томоғидан ғиппа бўғиб олди. Қаттиқ қисди. Бир вақт айиқнинг боласи инидан чиқиб қоплоннинг кетиға ташланди. Қоплон айиқ уяси йўқ, деб хато қилганини тушунди чоғи, бир амаллаб айиқ чангалидан қўтулиб, жуфтакни ростлашдан ўзга чора топмади.

Мироқи участкасида, Ҳазрати Султон ота тоғлари томондаги сойдан мода айиқнинг балиқ ушлаганини кўргани-чи! Айиқ сувнинг саёз ерида туриб олдинги оёқларини чаққон ҳаракатлантирар, панжаларига илинган балиқни қирғоққа отарди.

Содиқов ўрмончиларнинг ҳангомаларини бирин-сирин эшитиб, кечани ўтказди. Танхоздарё шовуллаб, кўпириб, шиддат билан оқарди. Дарё шовқини унинг уйқусини қочириб юборди.

Директор участкани айланиб келмоқчи эди. Чопуғ масаласи, Гадовнинг дала-ҳовлиси уни ташвишга соларди. Уз кўзи билан кўрмагунча кўнгли тинчимасди. Улар кун чиқар-чиқмас йўлга отланишди. Отлар тоғ шароитига ўрганган, азалий йўлдан борар, эрталабки салқинлик, турли манзаралар йўловчиларни берафқ қолдирмасди. Қишлоқ четида ястаниб ётган улкан тошларга Содиқовнинг кўзи тушди. Ғоят ғаройиб, кўпроқ одам, дарахт ва турли ҳайвонларнинг шакл-шамойилига ўхшаб кетади. Мана, бирови — жангчилар саф бўлиб душман хужумидан ўзларини ва қалъани ҳимоя қилишгаётганга ўхшайди. Ҳатто найза, қиличигача аниқ кўринади. Анави тош эса ер қаърига ботиб бораётган номаълум маҳлуқни эслатади. Табиат моҳир уста, санъаткорки, буюк мўъжизалар яратиб, инсон ақлини тонг қолдиради.

Эгри-бугри сўқмоқлар отлар ва йўловчиларни толиқтиради. Табиат манзараси ҳар қадамда ўзгариб бораверади. Пастда ўрик, олча, олхўрилар пишиб, тамом бўлган. Тоғларда эса эндигина ранг олаяпти. Дўлана, зирк, шиға ҳосилга кирган. Соё ёқасида ялпиз, чой ўти, кийик ўти, пидана, оврук қалин ўсиб ётибди.

Содиқов ҳамроҳига тикилди. Наби ака элликлардан ошган, гавдаси кичик, чаққон одам. Уйлаб кўрса тоғу тошларда юрганига ўттиз йилдан ошибди. Соёнинг ўнг томонидаги Қайрағочлисойнинг «обход» участкаси. Наби ака Содиқовни «салтанатини» кўришга таклиф этди. Директор кўнди. Қолганлар соё оғзида кутиб турадиган бўлишди. Соёнинг кириш жойи ҳаддан ташқари тор эди. Наридан борса эллик-олтмиш метр чиқади. Сокин ва кимсасиз. Беш-ўн метр юрмай туриб йўлни қалин дарахт, ўт-ўланлар тўсди. Осмонда калхат, бургутлар сузиб юрибди. Ҳаво майин ва тоза. Бу ерлардан кетгинг келмайди.

— Бош овчи Хайрулла Ёзиевга шу сойда браконьерлар ўқ отишган,— деди Наби ака дарахтларни оралаб ўтган сўқмоқдан боришаркан. Содиқов бу воқеани илгарироқ эшитган эди.— Кун кеч бўлиб қолувди. Хайрулла уларнинг сойга кирганини кўриб изидан таъқиб қилган. Яхшиямки, ўқ унга зиён етказмади.

Бир жойда тизза бўйи ўт ўсган ялангликка дуч келишди. Соё шу ерда тагин иккига айрилиб кетарди. Улар баҳайбат қоянинг остида турганга ўхшаб кўринарди. Ҳолбуки, учини булут қоплаган чўққилар анча узоқда эди.

— Дам оламиз, отлар ҳам толиқди,— деди Наби ака.

Содиқов ўт устига чўзилди. Жони роҳатланиб қеришди. Ҳомуза тортди. Кўзини тиник, феруза осмонга тикди. Наби ака, томоша қилинг, деб дурбинни узатди. Ётган кўйи кўзгуларини мослаб тоғларга зерсолди. Бир пайт қояларнинг пастроғида, катта ялпоқ харсанг атрофида ялтираётган нарсага кўзи тушди.

— Тош бундай ярқираб, қуёш нуруни қайтармайди,— деди Наби ака ажабланиб.— Ойнамикин десам, ойнани ким ҳам қўярди?..

Содиқовнинг қизиқиши ортиб борарди. Яна қаради. Ўткир нурнинг қандай жисмдан тараляётганини билиб бўлмасди.

— Чиқсаммикин?! — деди Наби ака иккиланиб.

— Анча қиялик қилади-ёв,— директор ўрмончини овора қилгиси келмади. Ёши улуг, ўзи турганда Наби ака борсинми. Шу ерда — кимсасиз тоғлар орасидаям амал, вазифа деган нарсалар ўзини эслатмаса жойига тушмайди.

— Балки, ёмбидир,— унинг дилидан кечган гаплардан беҳабар Наби ака ҳазил қилди.

— Сойнинг соҳиби сиз,— Содиқов яйраб кулди,— менинг ҳақим йўқ. Жўрабойдан қолган олтинлар бўлса-я?

— Эски гап. Олтин турармиди?

«Чопурсойнинг еттинчи бурими. Қуёш нури эрталаб қояга, қоянинг сояси зарангга, зарангнинг сояси олтинга...» Бу анча кўхна, ривоятга ўхшаш воқеа эди.

Шу ерлик кексаларнинг ҳикоя қилишларича Жўра деган бой шу ўртада ўтган. Бой бўлгандан кейин олтину кумушлари ҳадсиз-ҳисобсиз бўлади. Жўрабой эми давр суриб яшаётганида инқилоб бўлиб, ер, сув, барча бойлик халқ қўлига ўтади. Бундан чўчиган бой бир тунда барча бойликларини отларга ортиб, қўйларини чўпонларига ҳайдатиб чет элга қочади. Чопурсойнинг шу ерига келганда отларнинг бири устидаги олтинлар оғирлик қилиб йиқилади ва оёғи синади. Олтинни бошқа отларга ортайлик, деса уларнинг юки шусиз ҳам кўп. Бойнинг изидан тушганлар бостириб келиши мумкин, вақт ғанимат. Ноилож қолган бой олтинларни шу ерга, заранг дарахти сояси тушган тош устига кўмишга рухсат беради. Бу орада қуёш чиқиб, унинг нури баланд қояга, қоянинг узун сояси заранг дарахтига тушади. Олтин кўмилган жойнинг белгиларини юқоридагидек белгилаб қўяди.

Жўрабой шу кетишда дом-дарақсиз йўқолади. Биров йўлда бойликларини босқинчилар талаб, ўзини ўлдириб кетишган деса, бошқалар бойликларидан ажралиб Арабистонда хор-зорликда ўлган, деб тахмин қилади. Халқ орасида эса заранг дарахти остига кўмилган олтинлар ҳақидаги гап-сўзлар ҳамон кезиб юради. Уни ҳалигача ҳеч ким топмаган эмиш. «Қуёш нури қояга, қоя сояси зарангга...»

Сойнинг тубига от билан ўтиб бўлмасди. Дарахтлар қалин ўсиб, шохлари чирмашиб кетган.

— Буёғи ҳайвонлар сўқмоғи,— деди Наби ака,— уларни безовта қилмаганимиз маъқул. Бунни кўрмасдан кетаверасизми?

— Бошқа гап,— деди Содиқов юраги бетламай,— майли, нима бўлсаям нур таратиб, одамларни қизиқтириб тураверсин. Имкони бўлганда ўзингиз чиқиб биларсиз.

Улар изига қайтишди. Содиқовнинг от минмаганига анча бўлганди. Тиззалари, чоти оғриб қолди. Пиёда юргиси келди. Аммо, қишлоқ яқин қолган эди.

Қуриқхона шоввозлари Исмоил Сатторовниқига қўнишди. Отларни суғориб, майсазорга боғлашиб, дарё ёқасидаги оқ ўтовга ўтишди. Уй эгаси қатиқ, чой-нон келтирди. Толиққанда чўзилиб дам олиш роҳат! Содиқов Исмоилдан дала-ҳовлини суриштирди.

— Шу қулфланганча ётибди,— деди ўрмончи.— Ҳеч ким келгани йўқ.


Ҳалим Гадов геология экспедициясининг собиқ бошлиғи. Урта бўйли, оқиш юзли, қув одам. Содиқов бир неча марта районда дуч келган бўлсаям сира ош-қатиқ бўлмаган. У Чопурсойнинг ичкарасида, икки томондан сув келиб тушадиган яланглик четида дала-ҳовли қурилиши бошланганда Содиқов қуриқхонада ишламас эди. Ҳозирги шиддатли асрда техника кучига тараф йўқ. Геологлар Гадовнинг буйруғи билан ҳамма хом ашёни вертолётда ташиб келишган. Ҳатто миҳгача. Уша пайтдаги раҳбарлар давлат ишидан кўра кўпроқ ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлашарди. Содиқов баъзан шундай тўхтама келади. Кимсиз тоғлар орасида, соя-салқин гўшалар қуриб базми жамшидлар қилиш, айнан шундай ўйлашига кафолат беради.

Гадовнинг дала-ҳовли қурилишини тўғри деб ўйлаши ҳам мумкиндек эди. Геолог халқи тоғма-тоғ юриб ишлайди. Дам олишга ҳақлари бор-ку! Лекин, у геологларнинг яширинча оёқ қилишлари, ўрмончилар оромини бузиб, табиат қонунларини оёғоси қилишларига ҳеч ҳам тоқат қилолмасди. Аслида дала-ҳовли шу мақсадлар учун барпо қилинган эди. Геологлардан ҳар қандай ёмонликни кутса бўларди. Ов қуроллари, қудратли учар техникалари бор. Тонггача базм қилишарди. Маст-аласт, кутурган меҳмонларнинг кўзига қуриқхона, ўрмончилар чивинчалик ҳам кўринмаса керак. Геологлар бунгача яна бир «ёмон иш»га қўл уришган эди. Тоғнинг нариги томонидаги Тўпаланг дарёдан форель (хон балиқ)нинг чавақларини келтириб Танхоз-дарёга ташлашади. Йиртқич, тез кўпаядиган бу балиқ икки-уч йилда дарёда олдиндан яшаб келган маринкани еб тугатади, яқка ҳоким бўлиб олади. Улар буни бежизга қилишмаганди. Форелнинг гўшти тотли, суяқсиз эди. Ўз нафслари учун сувдаги мувозанатни бузиш уларга эрмак эди.

Содиқов бежизга ташвиш чекмасди-да. Унинг бахтига замонада яхши ўзгаришлар бўлиб, ҳовли эгалари ташлаб қочиб кетишди. Форель, дала-ҳовли эса жойида қолаверди.

Ўтовга Чопурда яшаётган яна икки ўрмончи кириб келди. Содиқовнинг хаёли чалғиди. Тунов кунни у районга тушган эди. Ҳа деганда иши битавермади. Ўзига керакли одам колхозга кетибди. Келиб қолар, деган ўйда шаҳар айланди. Кўзи кинотеатр олдидаги афишага тушди. «Ёввойи табиат ҳақида афсона» деган кино бор экан. Соатига қараса бошланадиган пайт бўлибди. Билет олиб кирди. Фильм Содиқовга жуда маъқул тушди. Жеймс Адамсон деган одам ёввойи табиат кучоғида ҳайвонларни қўлга ўргатиб яшайди. Оғир дамларда уларни ва одамларни қўтқаради. Бутун ҳаётини табиатга бағишлайди. Фильм қаҳрамонининг нидо бўлиб янграган шу сўзлари ёдида қолди: «Табиат ва инсоннинг ҳамкорлиги бузилса, ҳар иккисиям ҳалок бўлади... «— Ўрмон ёнди, ҳаммаёқ куйди. Атроф қип-яланғоч. Энди қандай яшайсан, Адамсон?» «— Яна дарахт-гул экаман, парвариш қиламан. Бу ерларни обод этаман».

Содиқов кўз остидан ўрмончиларга бир-бир зехн солди. Уларнинг табиатни Адамсондан кам севмасликларини англади. Юрагида қуёш порлагандай бўлди.



* * *

*Қайси гулнинг мен каби бир андалиби зори бор?
Қайси булбулнинг сенингдек бир гули баҳори бор?
Қайси раъно сарвқадға қумриё бор мен каби?
Қайси қумрини қадингдек сарви хуш рафтори бор?
Қайси Лайливаш пари Мажнунни бор мен телбадек?
Қайси Мажнуннинг менингдек бир пари рухсори бор?
Қайси ёр оллида мендек ошиқи жонбоз эрур?
Қайси ошиқнинг сенингдек нозанин дилдори бор?
Қайси бир дилдорға бордур менингдек бедиле?
Қайси бедилнинг сенингдек нозанин дилдори бор?
Қайси бир айёрнинг бор мен каби сарғаштаси?
Қайси бир сарғаштанинг сендек бутти айёри бор?
Қайси шоҳнинг Муниси маҳзун каби бордур қули?
Қайси қулнинг сен каби шоҳи фалак миқдори бор?*

Шермуҳаммад Авазбой ўғли Мунис XVIII аср охири, XIX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган йирик ўзбек шоири, таржимон, муаррих ва мураббийдир. У «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони, илмий-тарбиявий йўналишдаги «Саводи таълим» рисоласи, «Фирдавс ул-икбол» солномаси ҳамда ўзбек тилига ўгирган «Равзат ус-сафо» (Мирхонд) асари билан ўзбек маданиятининг хазинасини бойитди.

Мунис бадий мероси, асосан, «Мунис ул-ушшоқ» девонида мужассам. Девоннинг бизга маълум вариант ва нусхалари орасида Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1330, 940, 63-инвентардагилари шоир ижодиётини ҳар томонлама ўрганишда таянч манбалар бўлиб ҳисобланади.

«Мунис ул-ушшоқ»да ўн минг байтга яқин шеърый асар мавжуд. Шарқ шеъриятининг азалий анъаналари ва қонун-қоидаларига тўла амал қилиниши жиҳатидан, «Мунис ул-ушшоқ» Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»сидан кейинги энг мукаммал девонлардан бири ҳисобланади.

Замона ва умуман, инсоният истиқболи учун муҳим турли ижтимоий масалалар шоир ижодиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Мунис шоирлар аҳволи, бадий сўз кадри ва шеърят тақдир, адолат ва жаҳолат, камбағалчилик ғами ва тенгсизлик алами, диний маросимларга муносабат каби долзарб ижтимоий муаммоларни алоҳида асарларида дадил қаламга олиб, ижтимоий лириканинг мазмундор ва кенг қамров билан тараққий этишига хизмат қилди. Бундай асарларда шоир ўз даврининг илғор ва оташин граждани сифатида гавдаланади. Фуқаропарвар, ватанпарвар, диёнатли бу сиймо ўз давридаги мазлумларга ачинади, золимларга нафратини ифодалайди, жамиятнинг носоз тузилганидан, тенгсизлик ва адолатсизлик ҳукмронлигидан қайғуради.

Мунис XIX аср Хоразм адабий муҳитида раҳнамо ижодкор сифатида фаолият кўрсатди. Огаҳий, Комил, Аваз, Табибий, Баёний каби ўнлаб шоирлар унинг изидан бориб, йирик санъаткор сифатида танилдилар.

Мунис ўзбек классик шеъриятининг қарийб ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг шеърлари мазмун эътибори билан ҳаётий, шакл жиҳатидан ихчам ва гўзалдир. Шоир жонли тилдаги ибора ва сўзлардан унумли фойдаланиб, бадий соддалик ва фикрий чуқурликка интилади. Бу истеъдодли санъаткор ўзбек классик шеърияти турлари, шеърый санъатлар, қофия ва вазн тақомилига катта ҳисса қўшган.

Қуйида Муниснинг чоп этилмаган ғазалларидан намуналар ўқийсиз.

Нусратулла ЖУМАЕВ,
филология фанлари кандидати.

* * *



Солодур кўзларингким, ғамзадин дил мулкига яғмо,
Эрурлар зулмгар кофар, на кофар, кофари тарсо.
Димоғимни нетонг савдои холинг қилса ошuftа,
Ки улдур нуқтаи анбар, на анбар, анбари соро.
Эрурсан гаҳ итобу ноз, гаҳ меҳру вафо бирла
Улусға бир ажаб дилбар, на дилбар, дилбари барно.
Тишинг васфида ҳар бир сўз сўрарман, ҳар бири бордур
Баҳода бир саман гавҳар, на гавҳар, гавҳари якто.
Балокашлар нечук жон асрағайлар кирпичингдинким,
Улус қатлиғадуру ханжар, на ханжар, ханжари бурро.
Бошимға дашти ҳажр ичра балою ғам ҳужум айлаб
Етарлар уйлаким лашкар, на лашкар, лашкари ағдо.
Йиқилсам гар жунун водийсида ҳар тош уза беҳуд,
Бўлур ёшимға ул бистар, на бистар, бистари хоро.
Адам Қофи сари кўнглум қушиға қилғали парвоз,
Эрурлар дарду ғам шаҳпар, на шаҳпар, шаҳпари анқо.
Жанобинг туфроғин Муниски бошиға сочар ҳам дам,
Билур бошға ани афсар, на афсар, афсари Доро.

* * *

Қон тўкармен фурқатингда айлаб ул кунларни ёд,
Ким чекар эрдум висолингдин умид жоми мурад.
Кўнглум очилмас эшитмай то висолингдин навид,
Ғунчага етмай насими субҳ, топғайму кушод.
Танда ҳижрон шиддатидан қолмади орому сабр,
Гардга қойдин сабот ўлғой етушгоч тундбод.
Йиғладум андоқ юзу холинг ғаминдин, оҳким,
Жўши ашкимдин баёзу кўзда қолмайдуру савод.
Даҳр бўстони манга дўзахдек ўлди ҳажр аро,
Жаннати васлингдин ўлдум то жудо, эй ҳурзод.
Қирди ғам кўнглум арою, солди ҳар ён шўру шар,
Золими муставли ўлса мулк аро, ортар фасод.
Токай, эй зоҳид, бўлурсен мункири арбоби ишқ,
Кимса мўъмин бўлмади то рост қилмай эйтиқод.
Мен-мен ул булбулки, маскандур манга гулзори қудс,
Бу гулистон ранги бўйи айламас кўнглумни шод.
Рост йўлда кеч бошингдин ўйлаким ибни Али,
Нафси кажга бўлма маъмур ўйлаким Пурзиёд.
Эй кўнгул, шаҳри тааллуқдуру мақоми ҳодисод,
Қил сафар бу шаҳрдин, бал олма мундин важҳи зот.
Сандин ойирғоч фалак Мунисни огоҳ эттиким,
Умрга қилмоқ қамоли ғафлат эркон эътимод.

* * *

Ҳаво солмиш таниннга тоби ғафлат,
Ҳавас очмиш юзуннга боби ғафлат.
Юзуннга эсмай огоҳлиғ насими,
Ётибсен масти жоми хоби ғафлат.
Жаҳондин кечгил истаб дўст васлин,
Жаҳон ашёсидуру асбоби ғафлат.
Нечук огоҳлиғ тобғай замиринг,
Эрурлар ҳамдаминг арбоби ғафлат.
Қил огоҳлиғ била кўнглунг иморат,
Ки бузмүшдуру они селоби ғафлат.
Қабули интибоҳидин сифот топ,
Ки қилмиш тийрадил ижоби ғафлат.
Уёнғил, Мунисо, ётмоқ на, яъни
Юзунг узра солиб чилбоби ғафлат.



Федорико Гарсиа Лорка

«ТАМАРИТ ДЕВОНИ» ДАН

Кутилмаган севги ғазали

Ташунмайди ҳеч ким зулматда —
қорнинг ҳиди нақадар мушкин.
Ҳеч ким билмас — тишларинг аро
қийнасанг ҳам сен севги қушин.

Ухлар мингта форсий чавандоз
ой нурунда йўқотиб ҳушин,
токи, қорлар рақиби — белинг
ўртар, тўрт шом ёдимга тушиб.

Ганчу ясмин аро нигоҳинг
рангсиз гиёҳ каби увишиб,
кўксимга-ми қадалди ногоҳ,
гўё истаб «абад» товушин,

«абад», «абад»: ғафлат бўстони,
абад жисминг — ўткинчи тушим,
лабларимда томиринг қони,
сенинг лабинг — ўлим оғуши...

Даҳшатли борлиқ ғазали

Истардимки, оқар сувлар қирғоқларни йўқотса,
истардимки, эркин шамол водийларисиз қолса.

Истардимки, сўқир бўлиб, қоронғида қолса тун,
қалбим эса олтин гулсиз қолаверишин бутун.

Шона-шона барглар билан Буқалар шивирлашса,
кўланкалар даҳшатидан баданлар жимирлашса.

Ярақласа яп-яланғоч бош суякнинг тишлари,
ғарқ этса ерни шохига баргларнинг сарғишлари;

Кун билан бўлган курашда келганида ҳам устун,
кўра билдим, жароҳатдан кўра ғамлироқ бу тун.

Қани энди кун ботишлар ютса яшил заҳрини,
синиқ камон йўқотганда ярадор вақт қаҳрини.

Лекин, лекин кўрсатмагил яланғочлигинг зинҳор,
чунки қора қамиш аро сен гул каби беғубор.

Ташла мени сайёралар тимқора қайғусига,
лекин мени айланторма оқ белинг маҳбусига.

Умидсиз севги ғазали

Туннинг келгиси келмас,
чунки, сен ҳам келмадинг,
мен ҳам қолдим бўлиб маст.

Боражакман мен аммо,
ҳатто чаён қуёши чақса мени доимо.

Аммо сен ҳам келасан,
туз ёмғирга тилингни тўлиб-тўлиб тутасан.

Кун ҳам келгиси келмас,
чунки, сен ҳам келмадинг,
мен ҳам қолдим бўлиб маст.

Боражакман мен аммо,
бақа, ўлик чиннигул каби, кутса беимо.

Аммо сен ҳам келасан,
зулматнинг лойқа туби, ҳаёт қоронғисидан.

На тун, на кун келгиси келмас,
чунки, улар ўлган сен учун,
сен-да ўлдинг мен учун абас.

Мўжизавий севги ғазали

Севгининг қамиши, хўл ясмин,
сен учун ганч каби тузгами тўла
бу шўрлик дала?

Шамол ё чақириқ ғуссасин
сенгами шивирлар қорсимон
бу шўрлик осмон?

Осмону дала
кетдими, занжирин кафтимга қадаб?

Далаю осмон
кўксимнинг ярасин шилдими шу он?

Қочиш ғазали

Неча бор мен денгизларда йўқолдим,
кулоқларим кесилган гулга тўла,
тилим эса — севги тўла ажалга.
Денгизларда йўқолдим мен неча бор,
йўқолгандек бир неча жажжи қалба.

Бирор тун йўққи, бахш этганда бўса,
беюз табассумларни у сезмаса,
йўқдир бирор кимса, — энди туғилгач,
ўйинларда бош суякни унутса.

Чунки манглай узра истар атиргул
бошсуякнинг тоғу тош манзарасин,
одам қўли эса, қўлидан келса,
ер остида англатар илдиз йўлин.

Йўқолгандек бир неча жажжи қалба,
неча бор мен денгизларда йўқолдим.
Тарк этиб бу сувни, мени қийнаган
нур ўлимин юриб истади қалбим.

Улуғ испан шоири Федерико Гарсиа Лорка 1928 йилнинг ёз ойларида Андалузиянинг гўзал қишлоқларидан бири — Тамаритда бундай деб ёзган эди: «Мислсиз Андалузия! Заҳарсиз Шарқ, ҳаракатсиз Ғарб!..» Айни шу ерда у улуғ шарқ шоирлари томон юз ўгириб: «Менинг шеъриятим қанот ёзмақда. У учушига шай!..» — деб ўзининг энг баркамол ва сеҳрға тўла «Тамарит девони»ни битишига киришади.

Уни нафақат Андалузиянинг қадим муслмон тарихи, шу билан бирга, Шарқ шеъриятининг оламга тенг бойлиги девон тузишига чорлайди. Лорканинг ушбу девони 12 ғазал ва 9 қасидадан иборат. Рост, бунда, «Девон» номи рамзий бўлиб, унинг ғазал ва қасидалари ҳам ташқи кўринишидан анъанавий эмас. Лекин уларнинг ботин табиати — айни шарқий. Эътиборингизга «Девон»нинг аслидан қилинган таржималардан намуналар ҳавола этаётгирмиз.

ТАРЖИМОН

Юз яшар севги ғазали

Кўчадан тепаликга қатор
ўтди тўрт хуштор.
Ҳой, ҳой, ҳой, ҳой.

Кўчанинг паст томонига зор
қайтди уч хуштор.
Ҳой, ҳой, ҳой.

Қадин ростлаб, рақибми истар
бу икки хуштор?!
Ҳой, ҳой.

Наҳотки бир хуштор шамолдан
юзин ўгирса?!
Ҳой!

Энди бу беовоз кўчадан
юрмас ҳеч кимса.

Чўзилган аёл қасидаси

Яланғоч кўрмоқ сени —демак ерни эсламоқ.
Силлиқ ерни, чавандоз тўла ерни,
бирор қамишсиз ерни, келажакка соф шаклин
кумуш поёнлари-ла беркик сақлаган ерни.

Сени яланғоч кўрмоқ —демак заиф жисмни
қидирган тушкун ёмғир уйларини тушунмоқ
ва ё шўрлик денгиздан, безгак қийнайдиган чоғ,
баҳайбат башара-ла яноғ нурын кўрмаслик.

Жаранглар томирда қон хилватгоҳ ётоғида,
садоси —яшин эса, ханжар каби санчилар.
Лекин билолмайсан сен қайси хилватгоҳларда
бинафша ё бақанинг дили беркиниб ётар.

Сенинг қорсимон қорнинг —илдизларнинг жанг ери,
сенинг қизил лабларинг —беҳад шафақнинг гули,
ётоқхонанинг сўлғин атиргули остида
ётар ўлик қайлиқлар, навбатма-навбат бўлиб.

Фарёд қасидаси

Айвонимни ёпдим шу заҳот,
эшитгим йўқ мен доду фарёд,
аммо кулранг уйдан ташқари —
сукунатдан ташқари —фарёд.

Куйлар кўп митти фаришталар,
талай митти ит ҳам ғингшинар,
кафтим баргларига сиғар минг ғижжак.

Аммо фарёд —итнинг улуғи,
фарёд —фариштанинг улуғи,
фарёд —ғижжакнинг ҳам улуғи,
кўз ёшимга шамол ғарқ дарё —
сукунатни ағдарган фарёд.

Шохлар қасидаси

Тамаритнинг дарахтзориди
келиб кутар кўрғошин итлар —

майин шохлар эгилган чоғи
ўз-ўзича синар деб улар.

Тамаритнинг олмаси эса,
меваларин оқизиб йиғлар.
«Оҳ»ларини ютгунча булбул,
чанг кўтариб, қирғовул елар.

Лекин шохлар барибир қувноқ,
ўзимиздек барибир шохлар.
Эртасига карахт бўлгандек,
ёмғирларда миқ этмай ухлар.

Икки водий муккадан тушиб,
куз келишин кутар сув ила.
Фил қадамин ташласа оқшом,
титрар дарахт, уни фил била.

Тамаритнинг дарахтзориди
тунги юзли кумуш болалар
менинг шохим эгилган чоғи
ўз-ўзича синар деб ўйлар.

Имконсиз қўл қасидаси

Қўлдан бошқа ҳеч бир нарса истамам,
мумкин бўлса, ярадор бўлсин бу қўл.
Қўлдан бошқа ҳеч бир нарса истамам,
ўтса ҳамки, бесут минглаб кеча-шом.

Бўлган эди рангсиз оҳак нилуфар,
бўлган эди бир қуш дилимга ошиқ,
бўлган эди менинг ўткинч тунимда
ойга қадам қўймоқни ман этган соқчи.

Ушбу қўлдан бошқа нарса истамам,
кун ёғида оқдир ажал чойшабим,
ушбу қўлдан бошқа нарса истамам,,
ўлимим ҳам қанотларин ёзган чоғ.

Ўтди-кетди қолган бутун бир борлиқ,
номсиз аянч, давом этар сайёра.
Бошқа экан бутун борлиқ, ҳам ели
барғни ташлаб қушлар билан овора.


Атиргул қасидаси

Атиргулим
қидирмади шафақдек ўлим.
Ўз шоҳида, деярли мангу,
қидирди у бошқа бир йўлин.

Атиргулим
қидирмади на кўланка, на билим.
Туш ва тўш аро чегарада
қидирди у бошқа бир йўлин.

Атиргулим
қидирмади бошқа атиргул.
Фалакларда, қимир этмасдан,
қидирди у фақат ўзга йўл.

Испан тилидан **Ҳамид ИСМОИЛОВ** таржимаси.



«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

«Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номлари билан аталмиш бу асар эътиборга молик тарихий манбалар жумласидан. «Эътиборга молик» деганимизнинг боиси шуки, унинг нусхалари (қўлёзмалари ҳам, тошбосмалари ҳам) кўп тарқалган. «Темур тузуклари»ни бугун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, масалан, Совет Иттифоқида, Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман кутубхоналаридан топса бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, қайси бир асар қимматли, амалда зарур бўлса, ундан кўпроқ нусха кўчирилган. «Темур тузуклари» ҳам шундай. У кўпроқ соҳиби тожларга керак бўлган. Шунинг учун ҳам ҳукмдорларнинг кўпчилиги бу ва шунга ўхшаш асарлардан нусха кўчиртириб, шахсий кутубхоналарида асраганлар ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида улардан муҳим йўл-йўриқ сифатида фойдаланганлар. Масалан, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон (1628—1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821—1842) ва Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885—1910) чапдаст котибларга буюриб, «Темур тузуклари»дан ўзлари учун нусха кўчиртирганлари маълум. Кўчирганда ҳам зўр масъулият ва қўнт билан кўчирилган. Ҳиндистонлик муаррих Абдулҳамид Лоҳурийнинг (1654 й. вафот этган) «Подшонома»сида (мавлавий Кабириддин Аҳмад ва Абдураҳимлар амалга оширган нашр, Калкутта, 1866—1872 й., 1-жилд, 288-саҳифа) бундай гап бор: Ҳижрий 1047 (милодий 1637—38) йили Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатий деган шахс Шоҳ Жаҳонга «Тузуки Темурий»нинг форсийча таржимасини тақдим этган. Подшо таржима билан танишиб чиқиб, уни Декан фавждори (қози калони), моҳир ёзувчи Муҳаммад Афзал Бухорийнинг (1651 ёки 1652 й. вафот этган) қўлига тутқазган ва уни Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 й. вафот этган) машҳур «Зафарнома»сида асарига солиштириб ва камчиликлари бўлса тузатиб, ҳатто ёки муҳаррирлар ўзидан қўшган ортиқча жойлари бўлса ўчириб ташлашни буюрган. «Темур тузуклари»нинг шу кунларгача етиб келган қўлёзма ёки тошбосма нусхалари ўша Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатий таржимаси асосида яратилган. Бу биринчидан. Иккинчидан, мазкур асар XVIII асрдан бери (балки анча бурунроқдир, лекин бу ҳақда қўлимизда маълумот йўқ) дунё олимларининг диққат-эътиборини қозониб келади. Масалан, асарнинг матни, тадқиқот ва зарур илмий изоҳлар билан, 1783 йили Англияда, 1785 ва 1891 йилда Ҳиндистонда, 1868 йили Эронда чоп этилди. Асар жаҳон тилларидан бир нечасига: француз (1787), инглиз (1830), урду (1845), рус (1894, 1934) ва эски ўзбек (1835, 1857; лекин тўлиқ эмас) тилларига таржима қилиниб, нашр этилди. Унинг тошбосма нусхалари (Теҳрон — 1868; Бомбай — 1889; Тошкент — 1890 ва ҳ.к.) ҳам кенг тарқалган.

Қизиқ, бу тасодифий ёки қонунийми билмадим, «Темур тузуклари» ҳам, Урта Осиё заминида яратилган кўпгина ажойиб асарлар сингари, аввал ўзга юртларда, хусусан Европада шуҳрат топди.

«Темур тузуклари» — подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб нормаларини белгилловчи рисоладир. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёши (1342)дан то вафотига (1405 йил, 18 февраль) қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Урда ҳукмдори Тўхтамишхон (1376—1395), бутун Европага қўрқув ва даҳшат солган Туркия султони Боязид Йилдирим (1389—1402)га ва ниҳоят, буюк Жаҳонгирнинг Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм жаҳонгирнинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насиҳатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради.

Таъбир жоиз бўлса айтмоқчиманки, «Тузуқ» ёзиш одати Амир Темурдан аввал ҳам бўлган, кейин ҳам. Бу одат аслида хитойлардан ва турк-мўғул хонларидан қолган. Масалан, турк ҳоқонларидан қолган «Қонуннома», Чингизхондан қолган «Билик», Хондамир (1475—1535) ёзган «Қонуни Ҳумоюн», Рузбехон (1458—1521 ёки 1530)нинг қаламига мансуб бўлган ва шайбонийлардан Убайдуллахоннинг топшириғи билан ёзилган «Сулуқ ал-мулуқ» («Подшоларнинг хатти-ҳаракатлари») шулар жумласидандир. Бундай асарларда давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгалари вазифалари, хайри садақа қилиш тартиби, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришларни ўтказиш ва қўзғолонни бостириш қоидалари баён этилади.

Мутахассис олимларнинг (А. А. Семёнов, Ч. Ръе, Э. Г. Браун ва бошқалар) сўзларига қараганда «Темур тузуқлари» бошда туркий тилда ёзилган ва унинг бир нусхаси Яман ҳокими Жаъфар пошанинг кутубхонасида сақланган. Юқорида номи тилга олинган Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатийнинг форсийча таржимаси ана шундай туркийча нусхалардан бирига асосланган, албатта.

Асарнинг муаллифи маълум эмас. Бутун воқеа бир шахс — Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Аслида шундайми ёки Амир Темур айтиб турган, котиби ёзиб олган, ё бўлмаса унинг айтганларини кимдир жамъ қилиб китоб тузганми, бу ҳақда қатъий бир гап айтиш қийин. Шарқ мамлакатларида бу машҳур асар чиндан ҳам Амир Темур тарафидан ёзилганлиги ва унинг таржимаи ҳоли эканлиги эътироф қилинади. Темур билан Тўхтамышхон ўртасидаги урушлар тарихини ёзган француз шарқшуноси М. Шармуа ва рус ҳарбий тарихчиси М. И. Ивачин (1801—1874) «Тузуқлар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва у муҳим автобиографик асар, деб айтганлар. Бироқ европалик бошқа бир гуруҳ олимлар (Э. Г. Браун, Ч. А. Стори, В. В. Бартольд) «Темур тузуқлари»ни сохта асар, уни Амир Темур ёзмаган дейдилар. А. Ю. Якубовскийнинг фикрича, асар XVIII асрда Ҳиндистонда ёзилган. Инглиз олими Ч. А. Стори юқорида номи зикр этилган Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатийни асар автори деб тахмин қилган. Хуллас қандай бўлмасин, асарни Темур ёки бошқа одам ёзганлигидан қатъий назар, у сохта эмас, балки чин асардир. Агар унда баён этилган воқеаларни Низомиддин Шомийнинг Амир Темур тарихини ўз ичига олган машҳур «Зафарнома»си ёки Шарофиддин Али Яздийнинг шу номдаги асари билан солиштирилса, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

«Темур тузуқлари» ҳам синфий жамият — феодализм жамияти шароитида битилган бошқа асарлар сингари ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилган, ўша синфнинг дунёқарашини ифода этган. Асарда Амир Темурнинг ҳарбий юришлари бузуқ одамларнинг кўпайишини олдини олувчи ҳаракат деб, ўз озодлиги ва ватанининг мустақиллигини ҳимоя қилган халқлар эса кофир, бузғунчи, безори (авбош) деб аталган. Тобеликдан бўйин товлаган ёки шунга интилган не-не юртларнинг халқи «оқ уйлик» қилиниб, ўзга юртларга мажбуран қўчириб юборилган. Темурнинг ўзи эса одил ва инсонпарвар подшо сифатида тасвирланади, унинг шахси кўп жиҳатдан идеаллаштирилади.

Шунга қарамай, асарда фан учун муҳим маълумот ва фактлар кўп. Авваламбор, «Темур тузуқлари» Амир Темурнинг тарихи, унинг замонида, аниқроғи 1342—1405 йиллар орасида Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур ва Темурийлар давлати ҳамда қўшинининг тузилиши, ўша йилларда Темур давлатининг қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади. Мен юқорида бу асарда муҳим ва оригинал маълумотлар кўп, деб айтдим. Буни мутахассисгина эмас, балки асарни ҳолис ва синчиклаб ўқиган ҳар бир киши бемалол илғаб олиши мумкин. Шундай бўлса ҳам улардан айримларини мисол тарқисида келтирамай.

Асарда айтилишича давлат асосини ўн икки ижтимоий тоифа: 1) саййидлар, уламо, машоих, фозил кишилар; 2) ишбилармон, донишманд одамлар; 3) художўй, тарки-дунё қилган кишилар; 4) нўёнлар¹, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар; 5) сипоҳ ва раият²; 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳакимлар;³ табиблар, мунажжимлар, муҳандислар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли ҳунар ва санъатчилар; 11) сўфийлар; 12) савдогар ва сайёҳлар ташкил этади. Унинг тақдирини эса уч нарса: подшо, ҳазина ва аскар ҳал қилади.

Иккинчи мисол. Қўшин асосан ўн, юз, минг ва туманга бўлинган. Ун кишилик ҳарбий бўлинма тепасида турган бошлиқ — ўнбоши, юз кишилик қисмнинг бошлиғи — юзбоши, минг кишилик қўшин етакчиси — мингбоши, туман бошлиғи нўён деб аталган. Асарда уларнинг ҳақ-хуқуқлари, ойлик маоши ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, оддий сипоҳий — минган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар — 2-4 от баробарида, ўнбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар ортиқ маош олишган. Мингбошиларнинг маоши эса юзбошиникидан уч баробар ортиқ бўлган.

Учинчи мисол. Амир Темур ўзининг улкан империясини улусларга бўлиб идора қилди. Мовароуннахрдан бошқа Темур тасарруфида бўлган барча вилоят ва мамлакатлар тўрт улусга бўлинди. Темурнинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга бир вилоят билан 12 минг кишилик қўшин⁴, иккинчи ўғли Умар Шайхга Форс вилояти ва 10 минг аскар, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон билан 9 минг кишилик қўшин, кенжа ўғли Шоҳруҳга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сеистон билан 7 минг аскар берилди. Лекин улуслар гарчан марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат аппарати, мустақил қўшини бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг⁵ бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришлари ташкирғанда ўз қўшини билан қатнашиш ёки олий ҳукмдор талаб қилганда аскар юбориб туришдан иборат эди.

Тўртинчи мисол, «Тузуқлар»да вазирлар, амирлар ва волийлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Масалан, Темур давлатини етти нафар вазир: 1) мамлакат ва раият ишлари бўйича вазир (бош вазир), 2) вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича вазир, 3) эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири, 4) салтанатнинг кирим-чиқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия ишлари вазири, 5, 6, 7) сарҳад (чегара) вилоятларнинг ишларини назорат этиб турувчи вазирлар. «Вазирлар, — дейилади «Тузуқлар»да, — салтанат устунларидирлар... [улар] мамлакат ободонлигини, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, ҳазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдилар. Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу жонини аямайдилар.»

¹ нўён (нўюн) — турк-мўғул халқлари орасида: хонзода, туман (10.000 кишилик қўшин) бошлиғи.

² раият — солиқ тўловчи халқ, қора халқ.

³ ҳаким — файласуф, донишманд, аллома.

⁴ Жаҳонгирнинг вафотидан сўнг унга тегишли бўлмиш Балхга Қобул, Ғазна ва Кандаҳорни қўшиб, ўғли Пирмуҳаммадга берилди.

⁵ Хирож — даромад солиғи; ҳосилнинг учдан бир қисмини ташкил этган.

Амирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор. «Тузуқлар»да келтирилган маълумотларга қараганда, амирлар асосан ҳарбий кишилар бўлишган ва Аммо Темурга тобеъ бўлган қирқ аймоқдан¹ ўн иккитаси: барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдуз, тўғой, қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар ичидан сайлаб олинган. Амирлик рутбаси Амир Темур фаолиятининг дастлабки пайтларида у билан бирга бўлган 313 кишига берилган. Булардан юзтаси — ўнбоши, юзтаси юзбоши, юзтаси мингбоши, тўрттаси бекларбеги, биттаси амир ул-умаро (амирлар амири; бош амир) бўлган. Қолган саккиз мансаб, фикримча, сарой хизматида бўлган мансабдорлардан баъзи бирларига берилган бўлиши керак. Булардан бошқа яна ўн икки кишига биринчи, иккинчи, учинчи... ўн биринчи, ўн иккинчи даражали амир деган унвон берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг нойиби ҳисобланган. Ўн икки амининг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, амир ул-умарога бир байроқ, ноғора, туман 10.000 кишилик қўшин, туғ² ва чортуғ, тўрт нафар бекларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берилган.

«Тузуқлар»да вазирлар, амирлар ва ҳокимларга бериладиган инъомлар ҳақида ҳам гапирилган. Масалан, қайси бир амир бирон қўшинни енгса ёки мамлакат олса уни уч нарса билан: 1) туғ, ноғора ва баҳодирлик мартабаси; 2) давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи; 3) бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийлаганлар.

Расмий маросимларда, яъни подшонинг олий мажлисларида ўлтириш тартиби ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор. Айтилишича, сайидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих, улуғ ва олий табақадаги кишилар подшонинг ўнг тарафидан, амир ул-умаро, бекларбегилар, амирлар, нўёнлар, сардорлар, улус, тумонот ва қўшунот амирлари, шунингдек, мингбошилар, юзбошилар, мансаб ва мартабаларига қараб, подшонинг сўл тарафидан ўрин олганлар. Девонбеги ҳамда вазирлар — тахт рубарўсидан, калонтарлар³, кадхудолар⁴ — вазирларнинг орқасидан жой олганлар. Баҳодирлар, қиличбоз йигитлар — тахт орқасида, унинг ўнг тарафидан, қорувлар — тахт орқасида, унинг чап тарафидан ўрин олганлар ва ҳоказо.

Маълумки, Темур тузган қўшин ўзининг стратегия ва тактика маҳорати билан ўша даврнинг энг мукамал ва кучли армияларидан ҳисобланади, унинг ташкилотчиси ва етакчиси эса тажрибали моҳир саркарда сифатида шўҳрат топди. «Темур тузуқ»ларида ўша қўшиннинг тузилиши, қуроллиниши, ҳарбий санъати ҳақида⁵ муҳим маълумотлар келтирилган. Хусусан, унинг жанг олдида сафга тизилиши ва жойлаштирилиши хусусидаги маълумотлар ниҳоятда қимматлидир. Темур қўшинининг ўз даврига нисбатан нақадар мукамал бўлганлиги асарнинг Фотиҳ Каримов матбаасида 1307 (1889—90) йили чоп этилган нусхасига илова қилинган карталардан ҳам яққол кўриниб турибди.

«Тузуқлар»да Амир Темур даврида аҳолидан ундириладиган солиқ ва жарималар ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар бор. Ўша вақтларда солиқ тўловчи, халқдан хирож, молу жиҳот, соғурин, қўналға, бож, шилон пули сингари солиқ ва жарималар ундирилган. Солиқ ва жарималарни йиғиш ва харж қилишга алоҳида эътибор берилган. «Хирожни йиғиш вақтида, — дейилади ушбу асарда, — икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб раият аҳволини текшириб турсинки, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволига харобилик етказмасинлар. Вилоятлардан йиғилган тамом мол-ашёни кириш дафтарига ёзишлари лозим. Иккинчи вазир эса чиким дафтарларига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳ маошига тақсим қилсинлар». Шунинг ҳам айтиш керакки, хирож сўғориладиган ерлардан олинган ҳосилнинг учдан бир қисми, ёмғир суви билан битган ерларда умумий даромаднинг тўртдан бир қисми ҳажмида тўпланган.

Мен яна «Темур тузуқлари»да тилга олинган иккита масала устида қисқа тарзда тўхтаб ўтмоқчиман.

1. Асарда «турк-тожик» деган иборани икки-уч ерда, биринчи мақолада ҳам, иккинчи мақолада ҳам учратдик. Бундан Темур ва темурийлар давлатига қарашли ўлкаларда туркий халқлар билан ёнма-ён тожиклар ҳам истиқомат қилганликлари, улар ҳам бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида роль ўйнаганликлари кўриниб турибди.

2. Яна бир-икки жойда, хусусан Амир Темур фаолиятининг дастлабки даври билан боғлиқ воқеалар баёнида, «ўзбеклар», «ўзбеклар жамоаси» деган атама ва иборалар учрайди. «Тузуқлар»да айтилишича, улар ўша вақтларда ҳам Мовароуннаҳрда истиқомат қилганлар, маҳаллий аҳолига жабр-ситам ўтказганлар ва гўёки Темур улар билан курашган. Бу ерда чамаси бир вақтлар, аниқроғи Ботухон замонида (1227—1255), Чиғатоё улусининг ғарбий қисми (Мовароуннаҳр) Олтин Урданинг ҳарбий-сиёсий таъсири остига тушиб қолган кезларда, Дашти Қипчоқдан шу ўлкага кўчиб келиб қолган уруғлар ва қабилалар хусусида гап бораётганга ўхшайди. Маълумки, Дашти Қипчоқ аҳолиси, аниқроғи, унинг Оқ ўрда ва Шайбон улусида истиқомат қилган қисми, XIV—XV асрларда ёзилган тарихий асарларда «ўзбек» номи билан аталган. Бундан ўзбеклар XIV—XV асрларда пайдо бўлган халқ экан, деган фикр-хаёлга бормаслик керак. Ўзбеклар ҳам, Урта Осиёдаги бошқа халқлар сингари қадимий халқ. Улар ҳам бақтрияликлар, сўғдийлар, шошликлар, хоразмликлар ҳамда парканаликларнинг авлоди ҳисобландилар, лекин бошқа халқларда ҳам бўлгани каби, фақат уларнинг (ўзбекларнинг) номи кейинроқ пайдо бўлган. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Одатда халқнинг тарихи номидан бирмунча олдин юради. Бунини мутахассис олимлар яхши биладилар. Ёки бу гаплар — «ўзбеклар», «ўзбеклар жамоаси» деган гаплар — асар форс тилига таржима қилинган пайда юқорида номи зикр этилган Шоҳ

¹ аймоқ (ўймоқ) — уруғ, қабила.

² туғ — учига одатда от думи осилган калта таёқ; ҳокимлик белгиси.

³ Калонтар — Эронда шаҳар бошлиғи. Ўша замонларда Мовароуннаҳрда қандай вазифани бажарганлиги маълум эмас.

⁴ Кадхудо — қишлоқ, жамоа оқсоқоли.

⁵ Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун юқорида номи зикр этилган генерал-лейтенант М. И. Иванининг 1846 ва 1875 й. чоп этилган «О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тамерлане» номли китобига мурожаат қилинг. Бу китоб «Темур тузуқлари» асосида ёзилган.

Жаҳоннинг кўрсатмаси билан қўшиб қўйилган бўлиши ҳам мумкин, чунки бобурийларнинг Шайбон авлоди ва кўчманчи ўзбекларга муносабати бизга яхши маълум.

Яна бир гап «Темур тузуқларининг «Шарқ юлдузи» журнали саҳифасида нашр этилиши муносабати билан муҳтарам ўқувчида мана бу икки савол туғилиши ҳам мумкин: 1) асар 1967 йили «Гулистон» журналыда босилган эди-ку, яна уни қайтадан босишга зарурат бормиди? 2) «Шарқ юлдузи» сингари адабий журнал саҳифасида тарихий асарларни босиш мумкин, дейлик. Унда нега энди буни «Темур тузуқлари»дан бошлаш керак?

Асарнинг ўзбекча таржимаси ҳақиқатан ҳам «Гулистон» журналы саҳифасида чоп этилган. Лекин, бу воқеа бундан қарийб 25 йил муқаддам — 1967 йили бўлган. Уша таржима Шарқ тилларининг билимдони Алихон Тўра Соғуний (1885—1976) тарафидан бажарилган эди. Мазкур таржима, таржимоннинг ўз сўзига қараганда («Гулистон», 1967, № 1, 16—17-саҳифалар), Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бош идорасининг кутубхонасида сақланаётган нусха асосида амалга оширилган экан. Лекин мазкур нашр билан яқиндан танишганимизда унинг бир қатор жузъий камчиликлари аниқланди: биринчидан, ушанда Алихон Тўранинг таржимаси маълум сабаблар билан тўла тарзда чоп бўлмаган экан. Иккинчидан, таржима эски ўзбек тилида бўлиб, уни бу тилдан хабарсиз киши махсус луғатларсиз ўқиб тушуниши қийин. Учинчидан, Алихон Тўра таржимасининг тушириб қолдирилган жойлари ҳам аниқланди ва ниҳоят, унинг кўп жойлари эркин таржима қилинган; матндан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Тўртинчидан, кўп ўринларда номлар ва атамалар нотўғри ёзилган. Домланинг таржимасини қайтадан нашр этиш масаласи ўртага қўйилганда унинг мана шу камчиликларини бартараф қилиш зарур деб топилди ва «Тузуқлар» таржимасини яна бир бор асл нусха (Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг қўлёзмаси, инв. № 8201) ҳамда унинг ҳижрий 1285 (милодий 1868) ва ҳижрий 1307 (милодий 1889—90) йилларда чоп этилган тошбосма нусхаси билан солиштирилди ва Алихон Тўра Соғунийнинг таржимаси жиддий равишда тузатилды. Бу ўта оғир иш истеъдодлик ёш шарқшунос олим Ҳабибулла Кароматов тарафидан бажарилди. Асар янгидан таржима қилинди десак ҳам ҳато қилмаган бўлаемиз.

Иккинчи саволга жавоб. Тарихий асарларни, илмий бўлганлиги сабабли фақат «Фан» нашриёти босиши керак, деган фикр, менимча, хато. Уларни бошқа нашриётлар ҳам, шунингдек, «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Фан ва турмуш» сингари журналлар ҳам бемалол босиши мумкин, деб ҳисоблайман. «Фан ва турмуш» журналы, исми жисмига монанд тушиб турибди, сирасини олганда илмий журнал ҳисобланади. Шундай экан, тарихий манбаларни ҳам мунтазам чоп қилиб туриш унинг вазифаси бўлмоғи керак. «Гулистон» билан «Шарқ юлдузи»га келсак, улар бадийгина бўлиб қолмай, балки ижтимоий-сиёсий журнал ҳамдир. Тарих бўлса ижтимоий фанлар сирасига қиради. У табиат ва жамият ривожланиш жараёнини ўргатувчи фан. Модомики шундай экан, у «Гулистон» ва «Шарқ юлдузи» сингари журналларнинг ҳам саҳифасидан ўрин олишга тўла ҳақлидир. Лекин фожиа шундаки, биз аслини олганда, мустақил иш тутиш, ташаббус деган нарсаларда йўқроқмиз. Юқоридан махсус рухсатнома ва кўрсатмалар келишини кутиб ўтиришга одатланиб қолганимиз, «аввал бошқалар бошлаб беришсин...» деб кутишни афзал кўраемиз. Бироқ бошқалар бу ишни аллақачон бошлашган. Мана масалан, «Қозон ўтлари» журналы ўзининг шу йилги биринчи сонига тарихий дoston «Едигей»ни тўла нашр қилди. Аҳборот учун шуни айтиш мумкин, асарнинг бош қаҳрамонлари Амир Темур, Тўхтамышхон ва Олтин ўрданинг йирик амирларидан Идику-бий (Едигей)дир. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳар ҳамда республикаларда чиқадиغان бадий ва ижтимоий-сиёсий журналлар тарихий мавзудаги асарларни бемалол босишяпти. Масалан, «Москва» журналы 1988 йилнинг бошидан бери рус тарихчиси Н. М. Карамзин (1766—1826)нинг 12 жилддан иборат «История Государство Российского» деган китобини чоп қила бошлади. Ваҳоланки, бу асарда мустабид ҳокимиятнинг абадийлиги ва крепостной ҳуқуқ ҳимоя қилинган; декабристлар ҳаракати қораланади, уларни ёвузларча жазоланиши тўғри деб айтилади. 1988 йили «Новый мир» журналы подшо Петр—1 нинг ташқи сиёсатини мадҳ этган Н. Н. Молчановнинг «Дипломатия Петра первого» (№ 9) деган асарини эълон қилди, «Нева» журналы эса (№ 3, 4) мўғул ҳукмдорларининг Россияни бўйсундириши ва мўғулларнинг марказлашган Рус давлатини барпо этишдаги ролига бағишланган Л. Н. Гумилевнинг «Апокафический диалог» асарини босди. Сибирда чиқадиغان «Урал» журналы эса В. Яковлевнинг «Последний рейс Романових», деган эсдаликларини ўқувчиларга ҳаёда этди. РСФСРдаги нашриётлардан бири 1917—1919 йилларда Дон, Кубань ва Донбассни қонга ботирган генерал А. И. Деникин (1872—1947)нинг «Очерки русской смуть» деб номланган икки жилддан иборат эсдаликларини нашр қилганини эшитдим.

Энди нима учун аввал бошқа асар эмас, балки «Темур тузуқлари»нинг чоп этилиши масаласига келсак, бу — биринчидан, фақат Амир Темурнинг таржимаси ҳолидан иборат асар эмас, балки Мовароуннаҳрнинг ҳали яхши ўрганилмаган қарийб 60 йиллик ижтимоий-сиёсий тарихи ҳамдир. Иккинчидан, «Темур тузуқлари» Амир Темур тузган, нисбатан марказлашган феодал давлатнинг тузилиши, XIV асрда жаҳонга даҳшат солган Темур қўшинининг таркиби, феодал муносабатлар ва бошқа илмий масалаларни ўрганишда муҳим манба ролини ўташи мумкин. Қолаверса, у Темур шахсининг нақадар зиддиятли эканлигини очиб берадиган асардир.

Фикримча, «Шарқ юлдузи» бу асарни чоп қилиб тўғри иш қилаётти. У авваламбор тарихий ўтмишни билишни истилаган кўп сонлик ўқувчининг хоҳиш-истагини инобатга олди чамаси. Ахир «Ҳар бир халқ ўз тилига, ўз тарихига эга. У ўз аждодларини билишни истайди. Бу, наҳотки социализмга зид бўлса? Йўқ, зид эмас, албатта» (М. С. Горбачев).

Бўриной АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



Форс тилидан Алихон СОҒУНИЙ ва
Ҳабибулло КАРОМАТОВ таржимаси

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

БИРИНЧИ МАҚОЛА

Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тўрга тушириш, қарши бўлганларнинг (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, муросяю мадора қилиш тўғрисидаги тadbирлар ва кенгашлар.

Пирим Зайниддин Абубакр Тоибодий¹ менга ёзмишларким, «Абулмансур² Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни 1) кенгаш, 2) машварату маслаҳат, 3) сергаклик ва 4) эҳтиёткорлик. Чунки, кенгаш ва машваратсиз салтанатни, барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин: унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тadbиркорлик билан иш юргизгин, токи надомат чекиб, пушаймон бўлмагин. Шуни ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб кўрмасликка солиш билан бўлур. [Хуллас] бажарилиши шарт бўлган тadbирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг [шуни таъкидлаш лозимки] қатъийлик, сабр, чидамлик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишларни амалга оширгайсан. Вассалом».

Мактубда ёзилмиш сўзлар эса [салтанат ишларида] мен учун энг тўғри йўлбошчи эди. Шунга кўра давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. [Донишмандлар] демишларким, ўз ўрнида қилинган тadbир билан саноқсиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат [дарвозасини] очса бўлур ва беҳисоб лашкар енгилур. Тажрибада кўрилганким, ишбилармон одам, мард ва шижоат соҳиби, азми [қатъий] тadbиркор ва сергак бир киши, минг-минглаб тadbирсиз, соғлом кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради. Мен яна тажрибада кўрдимки, душман аскарини энгиш қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайти. Балки ғолиб бўлмоқлик [тангрининг] мадади ва банданинг тadbiri биландир. Чунончи, мен икки юз қирқ уч киши билан кенгашган ва тadbир юритган ҳолда Қарши қалъаси устига юрдим. Амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг отлик аскар билан қалъа ва унинг атрофини қўриқламоқда эдилар. Тангрининг ёрдами етиб, ўзим қилган тўғри тadbирларим орқали Қарши қалъасини қўлга киритдим. [Сўнг] Амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг отлик аскар билан келиб мени қалъада қамал қилдилар. Мен тангрининг мадади ва иноятига ишониб қалъадан чиқдим, тadbиркорлик ва эҳтиёткорлик ишлатган ҳолда [душман билан] бир неча бор жанг

¹ Зайниддин Абубакр Тоибодий — машҳур шайх; Амир Темурнинг пирларидан; асли Ҳиротнинг Тоибод қишлоғидан. 1389 йили вафот этган.

² Абулмансур — зафарманд, ғалаба қозонувчи; Амир Темурга берилган сифат.

қилдим ва пировард шу икки юз қирқ уч йигитим билан ўн икки минг отлиқ душман аскарини мағлубиятга учратдим ва бир неча фарсанг¹ ергача қувиб бордим.

Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, кенгаш кишилари узоқни ўйлайдиган, тўлиқ ақлли, чуқур фикрли, сезгир кишилардан бўлишлари лозим. Ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси остида яширин бўлса ҳам, пайғамбаримиз Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, айтганларидек, ҳар ишни кенгаш билан қилдим. Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасдан сўз очиб, улардан сўраб эдим. Буларнинг сўзларини эшитгач, ҳар ёқлама текшириб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирар эдим. Айниқса, бу ишнинг хатарли томонларига кўпроқ кўз ташлар эдим. Агар икки хатарлик [ёки] бир хатарлик ишларни қилишга тўғри келгудай бўлса, икковидан баробар қутилиш чораси бўлмаса, бир хатарлигини ихтиёр этардим. Бунга мисол, Дашти Жета² амирлари Туғлуқ-Темурхонга³ қарши исён туғини кўтардилар. Бу хусусда Туғлуқ-Темурхон мендан маслаҳат сўради. Агар ғанимни тор-мор этиш учун лашкар юборса икки хатар, ўзи борса бир хатар борлигини билдириб, унга кенгаш кўрсатдим. Менинг кенгашим билан даштга, исёнчилар устига ўзи бориб эди, бутун ишлари мен айтганимдай бўлиб бажарилди.

Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Ҳар ишда тўғри тадбир, қатъий жазм чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан, узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда иш тутардим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар қилмасликка сўз берар эканлар унинг яқинига ҳам йўламасинлар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганига қулоқ солардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

Агар [ғаним устига] лашкар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгилларининг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим. Қайси бири фойдалироқ бўлса, шунга ихтиёр қилардим. Сипоҳлар кўнгилни иккига бўладиган кенгашларни эшитишдан сақланардим. Турумси⁴з, икки ёқлама сўзлаган кишиларга қулоқ солмас эдим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса суйиб эшитар эдим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир сўзнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.

Чунончи Чингизхоннинг набираси⁴ Туғлуқ-Темурхон Мовароуннаҳр мамлакатини олиш қасдида қўшин тортиб, Хўжанд сувидан⁵ кечиб ўтгач, мен, амир Ҳожи барлос ва амир Боязид жалойир номига ёрлик⁶ жўнатиб, унинг ҳузурига келишимизни талаб қилганди. Улар мен билан кенгашдилар. Уз улуслари билан Хуросонга кетиш ёки Туғлуқ-Темурхон олдига бориш ҳақида маслаҳат сўрадилар. Мен уларга шундай йўл кўрсатдим: Туғлуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир, Хуросон томонга ўтиб кетишнинг [эса] икки зиёни, бир фойдаси бордир, дедим. Улар менинг кенгашимга кирмай [эл-юрти билан кўчиб] Хуросон томонга кетдилар. Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса, Туғлуқ-Темурхоннинг олдига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб қолдим. Шу ҳол асносида пиримдан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юбордилар: «Тўртинчи халифа ҳазрати Али ибн Абу Толибдан, унга тангрининг караму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмонлар — камон, ер камон ипи, ҳодисалар [ва офату кулфатлар эса] — ўқ бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отғучи — худойи таоло бўлса, унинг кудрати яна ҳам улўғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар? Халифа жавоб қилиб, одамлар тангрининг қошига қочсинлар, — дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ-Темурхоннинг олдига қочгил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олгил». Бу жавоб келиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан қувват олди ва Туғлуқ-Темурхон қошига боришга аҳд қилдим.

Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олгач, кейин қурьондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлуқ-Темурхон олдига боришдан аввал [қурьондан] варақ очсам, «Сурайи Юсуф алайҳиссалом» чиқди ва қуръони мажид ҳукмига амал қилдим.

¹ Фарсанг — 6—7 км га тенг масофа ўлчови.

² Жета — Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетгандан кейин (1269 й.) Еттисув, Чу воҳаси ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган унинг Шарқий қисми шу ном билан аталди.

³ Туғлуқ-Темурхон — Чигатой улуси ҳукмдорларидан (1359—1370).

⁴ Туғлуқ-Темурхон Чингизхонга набира эмас, авлод ҳисобланади.

⁵ Хўжанд суви — Сирдарёнинг ўрта асрлардаги номларидан.

⁶ Ёрлик — фармон.

ТУҒЛУҚ-ТЕМУРХОН БИЛАН УЧРАШГАНИМДАН СЎНГ КЎНГЛИМГА КЕЛГАН БИРИНЧИ КЕНГАШ

Туғлуқ-Темурхон Бекчик ва Ҳожибек эркинит¹ ва Улуғ Туқтемур кераит²ларни Жетининг бошқа амирлари билан уч қўшин қилиб, Мовароуннаҳр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборганлиги, ўша уч қўшин Хузор деган жойга келиб тушганлиги хабари қулоғимга етишгандан кейин хонга боришдан илгари бу очкўз амирларни молдунё билан алдаб, Мовароуннаҳр вилоятини қатлу форагдан қутқариб қолишга қарор қилдим. Тилга олинган амирларни кўрганимдан кейин, уларни ҳайбатим босди шекилли, кўп ҳурмат кўрсатиб, мени ортиқча сийладилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-соврун³ йўсинида уларга берган ҳар турлик тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннаҳрни босиш ва талон-тарож қилишдан қўлларини тортдилар. [Сўнг] тўғри бориб Туғлуқ-Темурхон билан кўришдим. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, [салтанат ишларида] мендан кенгаш сўради. Кўрсатган кенгашларимни тўғри топиб, ҳаммасини қабул қилди.

Шу аснода хонга хабар келтирдиларким, [юқорида айтилган] уч тўда амирлари, ерлик халқдан соврунлар олиб, улар билан келишмишлар. Хон шу ондаёқ молларни қайтариб олиш учун одам тайин қилди ва уларни бундан буён Мовароуннаҳрга боришларини манъ этди. Мансабларидан бўшатди. Уринларига Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясовурийни⁴ тайин қилди.

Бу ҳақда амирлар хабар топгач, душманлик байроғини кўтариб, юртларига қайтиб кетдилар.

Йўлда Кеночхоннинг девонбегиси ва амири бўлган Уғлонхўжа билан учрашишга муяссар бўлдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб Жете томон юзландилар.

Яна шу вақтда Туғлуқ-Темурхоннинг Дашти қипчоқдаги амирлари ҳам исён туғини кўтаргани ҳақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди, мендан маслаҳат сўради ва Жете тарафига қараб юзланди. Мовароуннаҳрни [эса] менга қолдирди ва бу хусусда ёрлиғ ва аҳднома ёзиб берди, Амир Қорочор нўён⁵нинг Мовароуннаҳрдаги тумонини⁶ ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннаҳр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача ерларга ҳукмрон бўлдим. Давлат ва салтанатимнинг бошланишида энг олдинги қилган кенгашим шул эди. Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга ошириш мумкин экан.

ДАВЛАТ ҚУРИШ ОЛДИДА ҚИЛГАН ИККИНЧИ КЕНГАШИМ

У шундан иборат бўлдики, Туғлуқ-Темурхон мен билан тузган аҳду қарорини бузиб, иккинчи бор Мовароуннаҳр мамлакатига қўшин тортиб келди ва ҳукуматни мендан тортиб олиб, ўғли Илёсхўжага топширди. Мени эса унга бош қўмондон ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Менга Қочувли-баҳодир⁷ ва Қобулхон⁸ тарафидан битилган аҳдномани кўрсатди. Мен улуғ боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб, Бош қўмондонликка рози бўлдим.

Ҳижрий 762 (мелодий 1360-61) йили Туғлуқ-Темурхон иккинчи марта Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келиб, мени ўз ҳузурига чорлаб нома жўнатди. Мен [рози бўлиб], унинг истиқболига чиқиб, у билан кўришдим. У орамиздаги аҳдни бузиб, Мовароуннаҳрни ўғли Илёсхўжага топширди, мени эса Бош қўмондон қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни кўриб, менинг бобом Қочувли-баҳодир ва ўзининг бобоси Қобулхонларнинг аҳдномасини кўрсатди. Пўлат тахтага имзоланган аҳдномада «хонлик Қобулхон авлодининг қўлида, қўмондонлик эса Қочувли-баҳодирхон болаларида бўлсин, улар бир-бирлари билан ёвланмасин», деган сўзлар битилган экан. Буни ўқиб кўргач, улуғлар аҳдига вафолик қилиш юзасидан қўмондонликни қабул қилдим.

Мовароуннаҳрда ўзбекларнинг⁹ жабру зулми ортиб кетди. Чунончи, сайид ва сайидзодалардан етмиш кишини асир олиб банд этдилар. Илёсхўжа бўлса давлат ва сиёсат ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли уларнинг зулму ситамига барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсам ўз салобатим ва ҳайбатим билан ўзбеклар устидан ғалаба қилдим ва мазлумларни золимлардан халос қилдим. Бу Илёсхўжа ва ўзбек амирларининг менга нисбатан душманлигига сабаб бўлди. Улар Туғлуқ-Темурхонга хат

¹ Эркинит — турк-мўғул қабилаларидан.

² Кераит — турк-мўғул қабилаларидан.

³ Соврун — подшо ва хонлар, умуман олий мартабали зотлар билан учрашганда уларга тортиқ қилинадиган матолар.

⁴ Ясовурий — мўғул қабилаларидан бирининг номи.

⁵ Қорачор нўён — Чингизхоннинг нуфузли амирларидан; Амир Темурнинг саккизинчи бобоси. Нўён Чингизхон наслидан бўлган шахзода.

⁶ Тумон — 10 минг кишилик қўшин.

⁷ Қочувли-баҳодир — барлос қабиласининг биринчи бошлиғи.

⁸ Қобулхон — мўғулларнинг Нирун тоифасидан бўлган ҳукмдори; Аланқува авлоди.

⁹ Бу ерда Ботухон замонидан қолган Дашти қипчоқлик амирларининг авлоди назарда тутилади.

ёзиб, «Темур бизга қарши исён туғини кўтарди», дедилар. Хон бу ёлғон гапларни чин билиб, мени ўлдириб, йўқотиш ҳақида ёрлиқ юборди. Бу ёрлиқ менинг қўлимга тушиб қолди. Ундан ўлимга ҳукм қилинганлигимни билиб олдим. Бунинг иложини қилиб қуйидаги тадбирни ишлатдим. Барлос улусининг баҳодир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштирдим. Менга бўйинсиниб [кўмақдош] бўлмоқлик учун розилик берган биринчи киши — Ики Темур бўлди, иккинчиси — амир Жоку барлос эди. Булардан бошқа улус баҳодирлари ҳам жону диллари билан менга бўйсунмоқчи [ва хизмат қилмоқчи] эканликларини билдирдилар.

Мовароуннаҳр аҳолиси менинг бу ишимдан хабар топиши биланоқ, тезда ўзбекларга ҳужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирдилар. Чунки уларнинг қалби золим ўзбеклар тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннаҳрнинг каттаю кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойхлари эса ўзбекиёна тоифасини дафъ қилиб, йўқотиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшун бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб, бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзилган аҳднома ва фатволарининг нусхаси бу эди: «Тўғри йўллик халифалар, Оллоҳ таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ [Мовароуннаҳрдаги] бутун аҳли ислом, сипоҳу раият¹ ёҳуд уламою машойх бўлсин, Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур Қутби салтанати Олий² деб атасинлар ва уни оллоҳнинг [ердаги] қудрати — салтанат тахтига лойиқ кўрсинлар ва мусулмонларнинг ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қўлини чўзган ўзбеклар тоифасини дафъ қилишда ва умуман йўқотишда Темурга [ёрдамлашиш учун] ўз мол ва жонларини [аямай] тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизга³ содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсак, Оллоҳнинг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудрати ва ёрдами [йўлига] кирган бўлайлик».

Бу фатвони менга кўрсатганларидан кейин жангу жадал байроғини кўтариб, ўзбеклар устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар. [Шундан кейин] кенгашдимки, мабодо Самарқанд шаҳри ичида ўзбекларга қарши уруш бошласаму, Мовароуннаҳр аҳли [бундан] қўл тортса [Унда нима бўлади?] Унда шаҳардан чиқиб, Самарқанд тоғларида жойлашаман, токи менга қўшилишни истаганлар ҳузуримга келар, шунда мен катта сипоҳ тўплаб, ўзбекларга қарши жангу жадални бошлагайман», — деб қарор қилдим. Самарқанддан чиққанимда олтимиш отлиқдан бошқа бир киши ҳам менга эргашмади. Шундан билдимки, ўйлаган кенгашим хато бўлмаган экан.

Уша тоғда бир ҳафтача кутиб ётдим, бир киши бўлса ҳам бизга келиб қўшилмади. Шунинг учун кенгаш тузиб Бадахшон тарафга ўтиб, у ернинг шоҳлари билан қўшилишга қарор қилдим. Отланиб, Амир Кулолнинг⁴ ҳузурларига бордим. Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ўзбеклар устидан ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини⁵ унга назр қилишга қарор қилдим. Улар фотиҳа ўқиб кетишимга рухсат бердилар. Саййид Амир Кулолнинг хизматларидан чиққанимда, ҳаммаси бўлиб олтимиш отлиқ менга ҳамроҳлик қиларди. Илёсхўжа менинг Хоразмга юриш қилаётганимдан хабар топиб, Хива ҳокими Тўкал-баҳодирга хат ёзиб менга қарши чиқишни ва мени ўлдиришни буюрган экан. Тўкал-баҳодир минг отлиқ аскар олиб, менинг устимга келди. Олтимиш отлиқ йигитим ва йўлда менга қўшилган (қайноғам) Амир Ҳусайн билан минг отлиқ кишига рўпара бўлдим ва жангга киришдим. Бу урушда шундайин баҳодирлик қилиб, чидамлик кўрсатдимки, унинг минг кишисидан эллик киши қолди, менинг олтимиш отлиқ йигитимдан ўн киши қолди. Шундай бўлса-да, зафар мен томонда бўлиб, [уларни қочирдим]. Бу урушнинг хабари Илёсхўжа ва Жете амирларига етгач, улар [ҳайрон қолишиб], «Темур ажаб эр киши экан, унинг иқболи келмиш, бахти очилмиш», — деб ўзаро сўзлашибдилар. Мен бу урушдаги зафарни яхшилиқ аломати деб билдим. Ўзбеклар мендан чўчийдиган бўлдилар.

ЎЗ САЛТАНАТИМНИ ТУЗИШ ЙЎЛИДА ҚИЛГАН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Уша вақтда давлатимнинг кучи кетиб, салтанатимнинг асоси емирила бошлади. Чунончи менга эргашган йўлдошларим ўн кишидан ортиқ эмас эди. Улардан еттитаси отлиқ, уч киши эса пиёда эдилар. Улардан бошқа мен билан ҳеч ким қолмаганди. Муҳтарама жуфти ҳалолим бўлмиш Амир Ҳусайннинг синглисини ўзимнинг отимга миндириб олган эдим. Шу алфозда Хоразм чўлларида бир неча кун саргардон бўлиб юрдим. Бир куни кеч тушгач, қандайдир қудуқ бошига келиб тушдим. Уша кечаси [пиёда юрган] уч нафар хуросонлик бевафолик қилиб, отларимизни миниб қочдилар. Етти

¹ Раият — солиқ тўловчи халқ; қора халқ.

² Қутби салтанати Олий — олий салтанатнинг қутби.

³ Байъат — ҳукумат ёки дин бошлиғига бўйсунуш хусусида қилинган аҳд-паймон.

⁴ Амир Кулол — Нақшбандия-хўжагон тариқатининг кўзга кўринган намоёндалари жумласидан (1371 й. вафот этган).

⁵ Хирож — ўрта асрларда даромад солиғи; айрим ҳолда унинг учдан бирини ташкил этган.

киши тўрт от билан қолдик. Аҳволим жуда оғирлашди. Лекин кўнгил тўқ эди. Бу ишни чакки қилган эканман деб, ҳеч ўкинмас эдим. Сўнгра бу қудуқ бошидан ҳам кўчдим. Шу вақт Алибек¹ кўп аскар билан худди қарғалардай ёпирилиб тепамга келди. Мени [ўз элига] элтиб, бургаси кўп бир қоронғи уйга қамаб қўйди. Бир неча кишини менга соқчи қилиб қўйди. Олтмиш икки кун тутқунликда ушлади. Ундан қутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим ва тангрининг инояти билан баҳодирлигим тутди. Унинг мадади етгач, биллагим кучи билан соқчилардан бирининг қўлидан қиличини тортиб олиб, уларга ҳамла қилган эдим, бариси қочиб қолди.

[Қилич кўтарганимча], тўғри Алибекнинг устига бостириб кирдим. Мени кўргач, [ҳуши бошидан учди]. Қилган ишига пушаймон бўлиб, мендан узр сўради. Отларимни, яроқ-жабдуқларимни ҳозирлатиб, менга бир ориқ от ва бир қари туяни тортиқ қилган бўлди. Оғаси Муҳаммадбек менга атаб бирмунча совға-салом юборган эди, Алибек очкўзлик қилиб, у нарсаларни ўзига олиб қолди, бизга [эса] рухсат берди. Хоразм чўли томон равона бўлдим. Ун икки отлик атрофимга тўпланди. Икки кундан сўнг бир манзилга етиб, бир уйга тушдик. Шу орада бир гуруҳ ерлик туркманлар пайдо бўлиб, мени кўргач, «ўғри, ўғри!», — дейшиб, ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Амир Ҳусайннинг синглисини бир уйга яшириб қўйиб, ўша жамоага қарши отландим. Туркманлар ичида Ҳожи Муҳаммад деган киши мени таниб қолиб, «ҳой тўхтанлар, бу Амир Темир-ку!», — деб уларни урушдан қайтарди. Ҳақиқат эса тизза уриб олдимга келди. Мен ҳам унинг кўнглини овлаб, бошига мандилимни² қўйдим. Сўнгра бу киши ўз оға-инилари билан менга мулозим бўлишди.

САЛТАНАТИМНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДА ҚИЛГАН ТЎРТИНЧИ КЕНГАШИМ

Менга эргашганлар сони яна олтмиш отликча етиб қолгандан сўнг ўзимга кенгашдимки, агар келган манзилда тураверсам-у, мабодо ерлик одамлар менга қўл кўтариб қолсалар ва ўзбекларга хабар бериб қўйсалар, [унда нима бўлади?]. Яхшиси бу ердан кетиб, эл оёғи етмаган ерга бориб жойлашсам, тез фурсатда атрофимга салтанатимнинг куч-қудрати бўла оладиган қўшин тўпланар. [Шундай фикр билан] у ердан кўчиб, Хуросон томонга юзландим. Йўл устида Моҳон ҳокими Муборакшоҳ Санжарий юз отлик аскар билан келиб, менга қўшилди ва яхши отлар тортиқ қилди. Жами саййидлар, аҳоли ҳам менга қўшилди. Ҳақиқат эса саҳрода отлик, яёв бўлиб икки юзга яқин киши ёнимга кирди. Шу пайт Муборакшоҳ, саййид Ҳасан ва саййид Зиёуддин менга арз қилдиларки, бу саҳрода туравериш [қўшин] тарқаб кетишига боис бўлур, бирон томонга юриб, бирон вилоятни эгаллашимиз лозим. Хотиримга бир фикр келди: Мен кенгашиб, уларга айтдимки, Самарқандга борайлик, сизларни [эса] Бухоро томонларга тарқатиб турамыз, биз бўлсак Самарқанд теварагига бориб, улус ичига қирайлик ва уларни ўзимизга қўшиб олайлик, [етарли] лашкар йиғилиб [куч-қувват қўлга келганидан сўнг], сизларни чақириб олурмиз. [Сўнг] Жета ва Илёсхўжа қўшинига қарши жангга отланурмиз ва Мовароуннаҳр мамлакатини қўлга киритурман. Улар менинг бу кенгашимни тўғри топдилар, шу юришга фотиҳа бердилар ва мен йўлга тушдим. Икки юз одамимни Бухоро атрофларига тарқатдим, Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оғани яширинча ўша ерда қолдирдим ва Самарқанд томон йўл олдим. Йўлда ўн беш отлиғи билан Тамуқа қавчин³ менга қўшилди. Сиримни унга айтиб, Муборакшоҳ олдига юбордим. Ўзим яширинча улус оралаб, икки мингга яқин кишини иттифоқдош қилдимки, қачонки Самарқанд узра салтанат байроғини кўтаргудай бўлсам, улар ёрдамга келадиغان бўлдилар. Тунда яширинча Самарқандга кирдим ва тўнғич опам Қутлуғ Туркон оғанининг уйига бориб жойлашдим. Кечаю кундуз фикр оғушида чора-тадбир изладим. Шу тариқа қирқ саккиз кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликлардан биттаси менинг бу ерга келганимни пайқаб қолди. Сирим очилишига оз қолганда, ночор, кечаси ўзим билан келган эллик отлик билан Самарқанддан чиқиб, яна Хоразм томон йўл олдим. Мен билан бир тўп пиёда кишилар ҳам бор эди. Йўл асосида туркманларнинг ўтлаб юрган йилқилари қўлга кирди ва пиёдаларимни уларга миндирдим.

[Кўп вақт] йўл юриб Амударё бўйидаги Ачиғи деган ўнқир-чўнқир ерга келиб тушдик. Шу ерга келганимда, Бухоро теварагида қолдирган ҳарам аҳли, Муборакшоҳ, саййид Ҳасан ва бошқа жамоа ҳам етишиб келдилар. [Булардан бошқа] Темурхўжа ўғлон⁴, Баҳром жалойир ўзларига қарашли қўшин билан келиб, менга мулозим бўлдилар. [Шу тариқа], мингга яқин отлик аскар атрофимга жамланди. Шу ерда кенгаш қилиб, Бохтарзамин⁵ ва Қандаҳор⁶ томонга равона бўлишга ва у ерларни тасарруфимга олишга қарор қилдим.

¹Алибек — Моҳон ҳокими.

²Мандил — бош кийими, салла, рўмолча, ёғлиғ.

³Қавчин — нуфузли турк қабилаларидан.

⁴Ўғлон — хонлар ва султонлар наслидан бўлган йигит.

⁵Бохтарзамин — Қадимги Бактрия; Урта асрларда Балх ва унга қарашли ерлар.

⁶Қандаҳор — Афғонистоннинг қадимий ва катта шаҳарларидан.

ХУРУЖ БОШЛАШДАН АВВАЛ ҚИЛГАН БЕШИНЧИ КЕНГАШИМ

Бохтарзамин ва Қандаҳор томон кетаётиб Ҳирманд¹ дарёсининг бўйига етганимда тўхтаб бир юрт² ясаттирдим. Аскарларимни сийлаш учун бир неча кун ўша ерда турдим. Шу аснода Гармсир вилоятининг халқи ва сипоҳидан қарийб минг отлиқ турк ва тожик ҳам менга қўшилдилар. Шу тариқа Гармсир вилояти ҳам менинг тасарруфимга ўтди.

Шунда Сеистонга босқин қилиш борасида кенгаш ўтказдим. Менинг хабарим Сеистон волийсига етгач, элчи орқали совға-саломлар юбориб, мендан ёрдам сўрамишдириким, душманларим менга зулм қилиб, қўлимдан етти қалъамни тортиб олдилар. Агар мендан душман қўлини қисқа қилсалар, аскарларига олти ойлик озиқ-овқат етказар эдим, деган эди. Узимга кенгашиб кўриб, Сеистон томонга қўшин тортидим. Душманлар эгаллаб олган етти қалъадан бештасини куч ва қаҳр билан қўлга киритдим. Буни кўриб, Сеистон волийсининг юрагига қўрқув тушди ва кечаги душманини [энди] ўзига дўст тутди. Агар Амир Темур бу ерларда туриб қолар экан, Сеистон мулки қўлимиздан кетиши аниқдир, дейишиб, сипоҳ ва раият барчаси бирлашиб, менинг устимга келдилар. Сеистон волийси ваъдасига вафо қилмагани учун иложсиз, йўлларини тўсиб, жангу жадалга киришдим. Шу пайт бир ўқ келиб билагимга қадалди, яна бир ўқ оёғимга тегиб яралади. [Шундай бўлса ҳам] охири улар устидан ғалаба қозондим. [Лекин] ўша мамлакатнинг об-ҳавоси менинг мижозимга тўғри келмагани сабабдан у ердан кўчиб, яна Гармсирга бордим. Ўша вилоятда яраларим битгунча икки ойча туриб қолдим.

ХУРУЖ ПАЙТИДА ҚИЛГАН ОЛТИНЧИ КЕНГАШИМ

У шундан иборатки, Гармсир тасарруфимга ўтгач ва яраларим ҳам тузалгач, Балх сарҳадидаги тоғларда туриб, ўша ерда етарли қўшин тўплаб, Мовароуннаҳр мамлакатини бўйсундириш учун юриш қилмоқчи бўлдим. Кенгаш шунда тўхтагач, бу ердан отланиб чиқдим. [Одамлар тарқалиб кетиб], қирқ отлиқ киши қолган эканмиз. Лекин уларнинг бариси аслзода, амирзода ва асли пок йигитлар эди. Шундаини оғир кунларда нимадандирки мен каби молсиз, озиқ-овқатсиз бир кишига ҳамроҳлик қилиб, менинг изнимга кириб [тоғ-тошларда эргашиб юрадилар]. «Бунинг сирини сен билурсан», — деб тангри таолога кўп шукр айтдим. Оллоҳи таолонинг мен билан қиларлик улўғ ишлари бўлгайким, булар каби баҳодир, вафодор йигитларни менга бўйсундирмишдир, дедим.

[Сўнг] Балх тоғларига қараб йўлга тушдим. Кетаётганимизда Йилдирим Қорачор нўён авлодидан бўлмиш Сиддиқ барлосга дуч келдим. Мени излаб саргардон бўлиб юрган экан, ўн беш отлиғи билан менга қўшилди. Унинг келганини яхшиликка йўйдим. Ўша кунлари ов гўштлари билан кун кечирмоқда эдик. Илгарилаб бораётганимизда йироқдан кўринган тепа устида бир тўп кишининг қораси кўриниб, соатма-соат кўпаймоқда эди «Булар ким бўлди экан», — деб уларнинг олдига қоровуллар юбордим. Қоровуллар бориб, Амир (Темур)нинг аввалги навқари Қозончи-баҳодир экан ва Жета лашкаридан юз отлиқ билан ажралиб чиқиб, шундан бери амирни излаб, саргардон бўлиб юрган эмиш, — деб хабар олиб келдилар. [Буни эшитиб] ерга бош қўйиб тангри таолога шукр қилдим. Дарҳол Қозончини олиб келиш учун одам юбордим. У келгач, тизза уриб оёқларимни ўпди. Мен ҳам унинг кўнглини олиб, ёғлигимни бошига қўйдим. [Сўнг] бу ердан юриб Дараи Арсиф¹ деган жойга келиб тушдим. Эртасига отланиб, дарани айлана бошладим. Унинг ўртасида бағоят хушҳаво бир тепалик бор экан, мен ўша баландликка чиқдим. Лашкарлар ўша тепаликни қўршаб жойлашдилар. Ўша кеча жума туни эди, тонг отгунча тилак қилиб ухламай чиқдим. Тонг отгач, бомдод намозини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очган эдим, кўзларим ёшланди. Юрагим бўшашди. Тангри таолога ёлвориб, мени бу сарсонликдан қўтқаришини тиладим. Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эдики, узоқдан бир тўп одам кўринди. Улар тепаликни ёнлаб ўтиб кетмоқда эдилар. Отланиб, уларнинг кимлигини билиш мақсадида ортларидан бордим. [Қарасам] ҳаммаси бўлиб етмиш отлиқ эканлар. Улардан сўрадим:

— Баҳодирлар, ким бўласизлар?

Улар дедилар:

— Амир Темурнинг навқарларимиз. Уни излаб тополмай, кезиб юрибмиз.

Мен дедим: Мен ҳам амирнинг навқарларидан биридурман. Юрингиз, сизларни унинг олдига бошлаб бораин.

Улардан бири отини чоптирди ва бориб гапимни ўз бошлиқларига етказдики, «биз амир Темурнинг ҳузурига олиб борадиган йўлбошловчини топдик», деб.

Улар отларининг жиловини буриб, мени дарҳол Амир Темурнинг ҳузурига олиб боришни буюрдилар. Улар уч тўда эканлар. Биринчи тўданинг сардори Туғлуқхўжа

¹ Ҳирманд — Ғур (Афғонистон) дарёларидан.

² Юрт — бу ерда қароргоҳ.

³ Дарайи Арсиф — Балх кўхистони (Элбурз)да жойлашган даралардан бири.

барлос, иккинчисиники — амир Сайфуддин, учинчисиники — Тубак-баҳодир экан. Кўзлари менга тушгач, ўзларидан кетаёзиб, отдан тушдилар. Тизза уриб, узангимни ўпишди. Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан кучоқлашиб кўришдим. Мандилимни Туглуқхўжанинг бошига қўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни амир Сайфуддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тубак-баҳодирга кийдирдим. Уларнинг кўнгли юмшаб, жуда таъсирландилар. Мен ҳам қаттиқ таъсирландим. Намоз вақти етишгач, жамоат билан намозни адо этдик. Сўнгра отланиб қароргоҳга бориб тушдик, мажлис қуриб, тўй бердик. Эртаси куни Шер Баҳром ҳам келди. У [илгари] ёшлиқ қилиб, мендан ажраб, Ҳиндистон заминини ҳавас қилиб кетган эди. Қилган ишларидан пушаймон бўлиб, мендан кечирим сўради. Мен уни кучоғимга олдим ва узрини қабул қилдим. Шу қадар унга меҳрибонлик кўрсатдимки, у хижолатдан бутунлай фориг бўлди.

ХУРУЖ КУНЛАРИ ҚИЛГАН ЕТТИНЧИ КЕНГАШИМ

Кўшимнинг сонини ҳисоблаб кўрсам ҳаммаси бўлиб уч юз ўн уч отлиқ экан. Кенгаш қилиб бирон қалъани қўлга киритиб ўринлашишга қарор қилдим. Дастлаб Аложур қалъасини босиб олишга жазм қилдим. Илёсхўжа томонидан Менгли буға сулдуз¹ бу қалъага қўйилган эди. У ерни озиқ-овқат ва юклар сақланадиган жойга айлантирмоқчи бўлдим. Шу мақсадда Аложур қалъасига йўл олдим. Шер Баҳром ва [Менгли Буға сулдуз] ўрталарида қадимдан ошнолик бўлганлигидан, «мен қалъага бориб, [уни] эл қилиб олсам», — деб рухсат сўради. [Мен унга изожат бердим.] Бироқ Шер Баҳром қалъа атрофига етиб боргач, менга «Менгли буғанинг сўзига қараганда, Илёсхўжа қалъани унга ишониб топширган, шундай экан, энди Амир Темурга эл тутиниб, қалъани унга топширса, мардлик ва мурувватдан узоқ иш бўлур эмиш. [Шунинг учун] қалъани беришдан бош тортди», — деган хабар келди. Лекин менинг қўшин тортиб келаётганимдан хабар топгач, кўнглига ваҳима тушиб, қалъани ташлаб қочди. Илгари менинг хизматимда мулозимлик қилган, дулон жовун қавмидан уч юз йигит у билан (Менгли-Буға билан) шу қалъада эди, келиб менга қўшилдилар. [Бу ердан кўчиб] Дарайи суф² деган жойга келдим. Уша вақтда Туман-баҳодирнинг ўғли Имлис Балх шаҳри атрофида талончилик билан машғул эди. Менинг келганимдан хабар топиб, икки юз отлиғи билан келиб менга мулозим бўлди. Мен ҳам унинг кўнглини олиб овунтирдим. Шу ерда туриб, Томука-баҳодирга уч отлиқ қўшдим ва Термиз дарёсидан кечиб ўтиб, Жета лашкари ҳақида, унинг аҳволи ва режалари ҳақида хабар топиб келтиришни буюрдим. Тамука тўрт кундан кейин келиб шуни хабар қилдики, Жета лашкари Термиз вилоятига келмишлар, халқини талаб, уруш-талаш билан машғул эмишлар. Буни эшитиб, Дарагез³ деган жойга бориб туришни лозим кўрдим, қулай фурсат топиб, Жета лашкари устига босқин қилишни ўйладим. Дарагездан сўнг, Жайхун дарёси бўйида жойлашган Элчибуға майдонига келиб тушдим. Илёсхўжа Дарагезга келганим ҳақида хабар топиши биланоқ кўшунидан бир неча гуруҳни менга қарши урушга жўнатди.

Айни пайтда, хабар келтирилдики, Жета қўшинидан бўлган амир Сулаймон барлос, амир Мусо барлос, Амир Жоку барлос, амир Жалолиддин, амир Ҳиндука барлос Жета амирларидан юз ўгириб, ўз аскарлари билан эски Термизга келиб тушдилар. Улар менинг ҳузуримга юборган Тўлан-Буға етиб келди. (Номлари зикр этилган) амирлар минг отлиқ аскари билан менга қўшилмоқчи ва мулозим бўлмоқчи эканликларини маълум қилди. Мен эрсам уларнинг келишини ишимнинг ўнглинишидан даракчи деб тушундим. Улар менга тунда Жета лашкари устига босқин қилиш лозимлигини маслаҳат бердилар. Отланиб йўлга чиққан ҳам эдикки, Жета қўшини етиб келгани ҳақида хабар келтирилди. Мен ўз қўшимни сафга тузиб, душман қаршисига келиб турдим, ҳар икки лашкар ўртасида сув бор эди. Ғанимларимни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи [ғазаб] ўтини [туғри] тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. [Шу йўл билан] уларни ром қилмоқчи бўлдим. [Шу мақсадда] Жета лашкарининг сардори амир Абу Саъидга кўп яхши сўзлар айтдим. У айтган сўзларимни қабул қилди. Лекин бошқа амирлар унга қарши чиқишиб, уруш қилмоқ тарафдори бўлдилар. [Буни кўргач] менинг ҳам [ғазаб] ўтим алангаланиб, лашкаримни сафга тиздим.

ЖЕТА ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ МАҚСАДИДА ҚИЛГАН САККИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Ўз-ўзимга дедим: Жета қўшини билан жанг қилсам-у, улар кўп сонли бўлгани туфай-

¹ Сулдуз — мўғул қабилаларидан.

² Дарайи суф — Афғонистоннинг Бомиён вилоятига қарашли мавзе, ўрта асрларда Балх хонлигига қараган.

³ Дарагез — ўрта асрларда Балх хонлигига қарам бўлган мавзе. Балхнинг жанубий тарафида, Балхдан тахминан 4 фарсах масофада жойлашган.

*Кенгаш деганда Амир Темур шахс
мулоқат, сулуғуларидан, 49
тушди экан.*

ли, мабодо менинг лашкаримга зарар етса-чи?¹ Лекин шу заҳотиёқ ғайратим ёқамдан тутиб деди: «Салтанатни эгаллашга даъвогарлик қилиб хуруж қилган экансан, салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутишинг зарур. Жангга кириб, ё зафар қучиб ғолиб бўлгайсан, ёхуд ўлдирилгайсан». Жанг қилишга тутиндим. Қарасам ғанимлар уч тўдага бўлиниб, уруш талаб бўлиб турибдилар. Мен ўз лашкаримни етти тўдага бўлдим. Етти тўда қўшинимни кетма-кет душман устига юбориб туришни маслаҳат кўрдим. Жангу жадал ўти [кўкка] кўтарилгач, амр қилдимки, ҳировул² тўдаси пистирмадан туриб [душманни] ўққа тутсин. Шиқовул³ ва чаповул⁴ қанотидаги тўдаларга ҳамла қилишни буюрдим. Узим эса жавонғор⁵ ва баронғор⁶ тўдалари билан ҳаракатга келдим. Биринчи ва иккинчи ҳамланинг ўзидаёқ Жета лашкарининг бош қўмондони (амир ул-умаро) Абу Саъидни енгдим. Шу пайт Ҳайдар Андахуди ва Менгли-Буғо менга қарши жанг қилиш учун майдонга тушдилар. Уларга қарши ўзим отландим ва биринчи ҳамладаёқ ҳар иккисини ҳам тумтарақай қилдим. [Шундай қилиб] Жетанинг тамом лашкари енгилиб, тарқалиб ва сочилиб кетди.

САЛТАНАТНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ ТЎҚҚИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Жета лашкари устидан ғалаба қозонганимдан ва салтанат олиш учун хуруж қилганлигим ҳақидаги хабар Туронзаминда тарқалгандан сўнг, салтанат қўлимга киргудек бўлса, ҳар жойда адолат ўрнатишга қарор қилдим.

Салтанатимнинг барқарорлиги кенгашим шундан топдимки, тўпланган хазинамдаги нақд пуллар ва [қимматбаҳо] буюмларни сипоҳга тақсимлаб бердим ва давтаввал Қаҳалқа қалъасини⁷ олишга қасд қилдим. Сўнгра қўшинга [етарли даражада] озуқа бериб, сафга тортиб, Жайхун дарёси бўйига келиб тушдим. Термиз кечувидан нариги қирғоққа ва Қаҳалқа қалъаси тарафига қаровуллар юбордим. [Узим] Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва [қоровуллар] олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим.

Менинг бу ерга келганим хабари Илёсхўжага эшитилгач, Бекчакнинг иниси Олчунбаҳодирни катта қўшин билан устимга юборди. [Менинг] қаровулларим ғафлат уйқусида қолган эканлар, уларнинг ёнидан ўтиб, кечаю кундуз йўл босиб, устимга босқин қилдилар. Мен уч тарафи сув билан ўралган ярим оролда ўринлашгандим. Орол ташқарисида қурилган бир қанча чодир Жета лашкари томонидан талон-тарож қилинди. Омон қолган аскарлар ярим оролга кўчиб ўтдилар [ва жон сақлаб қолдилар]. Мен бўлсам уруш талаб бўлиб худлик билан ярим оролнинг кириш қисмига бордим. Душманнинг кўзи мендан кўрққани сабабли урушга ботиниб киролмадилар. Ўн кунгача мен шу ярим оролда турдим. Сўнг у ердан чиқиб, сув бўйларига олачуқлар (чодирлар) тиктириб, Жета лашкарининг қаршисида бир ойча кузатиб ётдим. Охири ғанимни кўрқув босиб, ортларига қайтиб кетдилар. Мен сувдан ўтиб, уларнинг манзилига тушдим ва душман орқасидан бир тўда аскар жўнатдим.

САЛТАНАТИМНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН ҚИЛГАН УНИНЧИ КЕНГАШИМ

Жета лашкарини мағлубиятга учратганимдан сўнг, Бадахшон вилоятига бориб, уни эгаллашни, [бу билан] салтанат ишларига ривож беришга қарор қилдим. [Шу фикр билан] дарё бўйидан кўчиб, Хулм⁸ деган жойга тушдим. [Шу ерда] амир Қазоғоннинг набираси ва қайноғам амир Ҳусайн менинг олдимга келган эди, у билан ҳам учрашдим. Унинг шарафига зиёфат бердим. У билан кенгашиб Бадахшонга боришга қарор қилдим. Кундузга⁹ етиб, Юрулдой элининг¹⁰ сардорлари у ерда тўпланиб, менга қўшилмағунича ўринлашиб турдим. Уларнинг ҳар бирига фахрли халъатлар кийгизиб, кўнгилларини овладим.

Қўшинимнинг жангга ҳозирлиги ҳақидаги хабар Бадахшон шоҳларига етгач, урушга тайёргарлик кўра бошладилар. Маслаҳатни шунда кўрдимки, эпчиллик, уддабуронлик қилиб, душман қўшин тўплаб улгурмасдан уларни енгиб ва олдинлаб, Толқонга етиб олишни ўйладим. Толқонга келганим хабари Бадахшон шоҳларининг қулоқларига етгач, тинч йўл тутиб, менга мулозим бўлишни ихтиёр қилдилар. Мен ўйлаган кенгашимдан рози бўлдим ва хато қилмаганлигимни англадим. Менинг салтанатим бутун

¹ Сўзма-сўз таржимаси: Улар кўп сонлидирлар, мабодо ёмон кўзлари билан менинг лашкаримни жодулаб қўйсалар-чи?

² Ҳировул — қўшиннинг илғор қисми кетидан борувчи бўлинма.

³ Шиқовул — қўшиннинг сўл қанотини кўриқлаб турувчи бўлинма.

⁴ Чаповул — тўсатдан босқин қилувчи қўшин.

⁵ Жаронғор — тўғриси жавонғор — қўшиннинг сўл қаноти.

⁶ Баронғор — қўшиннинг ўнг қаноти.

⁷ Қаҳалқа қалъаси — Термизга яқин қадимий қалъалардан бири.

⁸ Хулм — Балхнинг шарқий тарафида, Амударёдан 6 фарсах нарида жойлашган ўрта аср шаҳарчаси.

⁹ Кундуз — Тохаристон шаҳарларидан, ўрта асрларда Балх хонлигига қараган.

¹⁰ Бурултой бўлса керак. У жалоир қабиласининг етакчиси бўлган. Шунга қарашли эл ҳақида суз. юради.

Бадахшон вилоятига ёйилди. Бадахшон сипоҳларининг кўпчилиги менинг хизматимда бўлишни ихтиёр этдилар.

САЛТАНАТГА РИВОЖ БЕРИШ УЧУН ҚИЛГАН ЎН БИРИНЧИ КЕНГАШИМ

Бадахшон шоҳлари менинг итоатимга киргач, Хуталлонга¹ қараб юрдим. Бу мамлакатга келганимда қайноғам Амир Хусайннинг қўрслигидан Пулод-буғо ва Шер Баҳром ажралиб, ўз улусига кетиб қолдилар. Бу ердан кўчиб, Дашти кулак² жилғасига бориб тушдим. [Шу ерда турганимда] Жета ва Илёсхўжанинг лашкарлари аҳволдан хабар олиб келиш учун жосуслар жўнатдим. Жосуслар ўн кундан кейин хабар келтирдиларким, Жета амирлари: биринчиси — Куч-Темур Бекчик ўғли, иккинчиси — Темур Нўбкан, учинчилари Сориқ-Баходир, тўртинчиси — Шанкум, бешинчилари — Ҳожибекнинг иниси Туғлуқхўжа йигирма минг отлик аскарлар билан Халотий билан Пули сангин⁴ оралиғида ўринлашган эмишлар.

Улар мен турган ер ва қўшиним қандай аҳволда эканлигини билиб келиш учун олдимга элчилар жўнатдилар. [Элчиларнинг кўзларини бўяш мақсадида] лашкарларимни икки марта қайта-қайта [уларнинг] олдиларидан ўтказдим, [сўнг] элчиларга рухсат бердим. [Сўнг] кенгашиб элчилар ордидан кетма-кет боришга қарор қилдим. Лекин лашкарларим бу ишда мен билан ҳамжиҳатлик қилмади. Лашкаримни атрофимга бирлаштирмоқчи бўлдим. Шунинг учун баъзиларига муруват, меҳрибонлик қилдим, бошқалари билан келишишга интилдим, яна бир гуруҳини эса молу дунё билан ўзимга эгмоқчи бўлдим. Хуллас, яхши сўз, аҳду паймон ва ваъдалар билан барисининг кўнглини кўтаришни маслаҳат кўрдим.

Шу аснода хабар келтирдиларким, илгари менинг навкарим бўлмиш сулдуз ва Кайхусрав олти минг Жета отлик аскарига бошчилик қилиб, менинг устимга келмоқ эмишлар. Бу хабар лашкар ўртасида тарқалгач, иттифоқсизлиги янада кучайиб, саросимага тушиб қолдилар. Лекин амир Жоку, Ики-Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолдин мен билан бир бўлдилар.

ЛАШКАРЛАРИМНИ ИТТИФОҚҚА КЕЛТИРИШ УЧУН ҚИЛГАН ЎН ИККИНЧИ КЕНГАШИМ

Амир Жоку, Ики-Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолдинларни четга тортиб [сўзлашиб], ўзимга боғлаб олдим. Уларга давлатимга шерик бўласизлар, — деб ваъда бериб, ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим. [Сўнг] мен билан иттифоқ ва муносабати бузилган тоифадаги амирларни ҳам бирма-бир холи жойга чорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол-дунёга кўз тиккан очкўзларга мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-мартабага кўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги мамлакат ва вилоятларга ҳоким этиб тайинладим. Уларни ярим умид ва ярим кўрқув ҳолатида тутиб туриш мақсадида ҳар бирига биттадан ноиб ва кутвол⁴ тайинладим. Қолган лашкарларни ҳам луқма, хирқа⁵ билан умидвор қилдим, ширин сўз ва очик юз билан ўзимга ром этдим, қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, уларнинг дилларини хушнуд этдим. Натижада, мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси [энди] атрофимда бирлашди, [ҳар ерда] ва ҳар ишда бирлик-иттифоқликни қўлдан бермасликка, амримдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишга аҳд қилдилар.

Лашкардан кўнглим тинчлангач, Илёсхўжага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни дафъ этиш ва уруш олиб бориш ҳақида кенгашим шу бўлдики, ғанимлар хабардор бўлиб улгурмасдан, чапдастлик қилиб, уларнинг устига кўққисдан босқин қилишга қарор қилдим. Бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу оят чиқди: «Тангри таолонинг инояти билан қанчалар оз [сонли] гуруҳ кўп [сонли] гуруҳини енгди».

[Қуръондан чиққан] ушбу башоратни топганимдан кейин, лашкарни тартибга келтирдим, уни етти тўдага бўлиб, йўлга тушдим. Тонг ёриша бошлаганда [Туғлуқ-Темурхоннинг] ҳиравули бўлмиш Туғлуқ сулдуз ва Кайхусравга етишдим. Икки ҳамла билан уларни енгдим ва Илёсхўжа жойлашган Пули сангингача қувиб бордим.

Оқшом тушгач, етган еримизда тўхтадик. Кенгашилдики, жанг майдони совиб қолмасдан, қизғида Илёсхўжанинг қарийб ўттиз минглик лашкари устига босқин қилсам. Бордию [юришни] тўхтатсам ва бирон кор-қол юз бергудек бўлса, унинг иложини топиш учун [ўзгаларнинг] кўмагига муҳтож бўлиб қолишим мумкинлиги тўғрисида ўй

¹ Хуталлон — Амударё бўйида жойлашган қадимий вилоят. XVI асрдан бошлаб Кўлоб деб аталган.

² Дашти кулак — Хуталлон (Кўлоб)га қарашлик ер.

³ Пули сангин — Ҳисор вилоятида, Вахш дарёси устига қурилган тош кўприк. Ҳозир Норақ ГЭСи қурилаётган ерда жойлашган.

⁴ Кутвол — қалъа коменданоти.

⁵ Дарвишларнинг махсус уст кийими, жанда; умуман уст кийим.

сурдим. Орқадан Амир Хусайн [лашқари билан] мени қўллаб-қувватлаб келаётган бўлса ҳам, бироқ мен ўзимни унинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолиш даражасига етказмадим. Тўғри чора ва тадбир ишлатиб, Илёсхўжа лашқарини синдирдим.

ЖЕТА ВА ИЛЁСХЎЖА ЛАШҚАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ҲАҚИДА ҚИЛГАН УН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Аввал Илёсхўжанинг барча зафарли тўдаларини бир жойга боғланган ҳолда ушлаб турмоқчи бўлдим. Шу мақсадда амир Муайяд орлот¹, Учқора-баҳодир, Амир Мусо бошчилигида икки минг отлиқ аскаримни Илёсхўжа рўпарасидаги кўприк ёнига жойлаштирдим. Ўзим эса беш минг отлиқ билан Илёсхўжа қўшини тепасида жойлашган тоққа чиқиб олдим ва кечаси кўп жойга гулхан ёқишни буюрдим. Жета сипоҳийлари тоғдаги кўп гулханлар, қаршиларида Пули сангин бошида турган лашқарларнинг катта тўдасини кўриб, қўрқувдан саросимага тушиб қолдилар. Уша тунни Илёсхўжа қўшини «жангга ҳозирлан!» буйруғини кутиб [уйқусизликда ўтказди]. Мен туни билан тоғ устида ухламай тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожизу муҳтож бандасига мадад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг яқинлари ва саҳобаларига салават айтиш билан машғул бўлдим, ярим уйқу ва ярим уйғоқлик орасида қулоғимга аллакимнинг «Темур фатҳу зафар сенга ёр бўлади!», деган овози эшитилди. Тонг отиб, ёруғ тушгач, намозни жамоат билан ўқидим. Шу вақт қарасам, Илёсхўжа ўз амирлари билан отланиб, тўда-тўда бўлиб кетаётibdилар. Амирларим ва сипоҳларим уларнинг кетидан қувши қасдида менадан буйруқ беришимни илтимос қилдилар. Мен ўзимча кенгашиб, уларни то мақсадлари маълум бўлгунча таъқиб этишни бир оз кечиктиришни маслаҳат кўрдим. [Тахминан] тўрт фарсанг ерга бориб тўхтаганларидан кейин мен уларнинг фикрини тушундим. Мақсадлари бизни тоғдан тушириш, яланг ерда жанг қилиш экан. [Бир неча кун илгари] мен шикаст етказган ҳировул амирлари Илёсхўжа қошига қочиб борганда, [Илёсхўжа] уларни тоза қойиб берган. Бу пайт мен уларнинг фикридан воқиф бўлганим ва тоғдан тушмаётганлигимни кўриб, орқаларига қайтишга ва менга ҳужум қилишга мажбур бўлдилар. Мен тоғ этагидаги қўшинимни сафга тизиб, жангга киришга фикр қилдим. Жета лашқарлари тоғ этагига етиб келганида, нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турганда баҳодирларимга ёв устига ўқ ёғдиришни буюрдим. Душманнинг кўпини ярадор қилдилар. Кеч кириб қоронғу тушганда, қўлларидан бир нима келмаслигини кўришгач, тоғ этакларини айлантириб қуршаб олиб ўтирдилар. Уша кеча лашқаримни тўрт тўдага бўлиб ўзим тунда ғаним устига тўсатдан босқин қилиш фикрига келдим. Менинг бу кенгашим амирларимнинг ҳам дилига ўтиргач, эрта тонгда отландим ва тўрт томондан ғаним устига босқин қилдим. Жета лашқари ўзини йиғиб, тартибга келтиргунча баҳодир йигитларим уларни тўзғитиб ташладилар. Чопқилаш пайтида ҳар икки томондан кўп одам ўлди. Жете лашқари «ал-фарор»² [сураси]ни ўқиб чекиндилар. Мен Илёсхўжага етиб олиб, «Йўл бўлсин?», дедим. Овозим Илёсхўжанинг қулоқларига етгач, у ғазаб билан лашқарига пўписа қилди ва аскарлари ортларига қайтдилар. Кун кўтарилгунча қўшинларимиз ўртасида чопқин давом этди. Садоқ-ўқдонларимиз бўшади. Ғаним аскарлари жанг майдонидан қоча бошлади. [Йўлда тўкилиб-сочилиб] тўрт фарсанг узоқликдаги ўз юртларига зўрға етиб олдилар. Мен ҳам тизгин тортиб, ортларидан бошқа қувмадим ва ўша атрофда қўндим.

Жете лашқари урушда енгилганига иккунча бор жанг қилишга ботинолмади. Ва мен ўз сипоҳим билан Илёсхўжа қароргоҳини қуршаб олдим ва вақти-вақти билан уларга ҳамла қилиб, ҳоли-жонига қўймай, тинқасини қуритдим. Охири чорасиз қолган Илёсхўжа Хўжанд сувидан³ ўтиб кетди. Мен ҳам уларни таъқиб қилиб ўтирмасдан фатҳу зафар билан Мовароуннаҳрга қайтдим.

Энди салтанатимнинг мустақиллиги борасида кенгашлар ўтказдим. Кенгашларим ўзини шавкатли буюк амир (амири азим уш-шаън) деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардан ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди. Биринчи навбатда Мовароуннаҳрда салтанат байроғини кўтарган амир Қазоғоннинг набираси Амир Хусайнни давлатимга шерик қилиб олдим ва у билан муросою мадора қилдим. Гарчи у ташқи кўринишдан менга дўстлик билдирса ҳам, аммо ичдан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. У Мовароуннаҳр салтанати тахтига ўтиришни орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли хожа Шамсиддин [кулол] мазорига олиб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам бердим, дўстликка хилоф қилмаслик ҳақида аҳду паймон қилди. Қуръони мажидни уч бор қўлига олиб, дўстлик бобида онт ичди. Аҳдига вафо қилмагани учун [охири] менинг [жазойимга] гирифтор бўлди.

Амир Боён сулдузнинг ўғли амир Шайх Муҳаммад ўзини улуғ амир деб ҳисобларди. Уни ҳам [кўнглини топиб] ўз томонимга оғдириб олдим ва етти қўшинга бошлиқ

¹ Турк-мўғул қабиаларидан.

² Қуръон, 33-сура, 16-оят.

³ Хўжанд суви — Сирдарёнинг ўрта асрлардаги номларидан.

қилиб мутеъ ва мулозим қилиб олдим. Мазкур қўшинларнинг амирларидан ҳар қайсига вилоят бердим. Мендан ажралиб ўз улусига кетиб қолган Шер Баҳром ҳали ҳам менга бўйсинишни истамас эди. Уни ҳам ўзимга оғдириб олдим ва ҳузуримга чақиртирдим. У ўз улуси билан келиб, менга итоат қилажагини билдирди. Шер Баҳромни ўз мулозимим этиб, бир вилоятни унга тортиқ қилдим.

Амир Ҳусайн билан орамизда қариндошчилик бор бўлганлигидан унга ҳар хил муруват кўрсатиб, муросаю мадора қилдим, лекин дўст бўлмади. Иш шу даражага бориб етдики, Балх ва Ҳисори шодмон вилоятларини мендан тортиб олди. Мен [эсам] унинг синглиси ҳарамимда эканлигининг хотирини қилиб, Амир Ҳусайнни сиқувга олмадим ва кўп бор у билан муроса қилиб келдим. Илгари менга ёвлик қилган барча амирлар бўйсунган бўлсалар-да, Амир Ҳусайн ҳамиша мени мағлуб қилиш пайида фириб бериб келарди. Охири уни шамшир зарби билан мутеъ этишга қарор қилдим.

Турон вилоятига эга бўлганимдан ва Мовароуннаҳр вилоятини ўзбеклар вужудининг хас-хашагидан тозалаганимдан кейин баъзи улусларнинг амирлари менга итоат этиб бош эгишни истамадилар ва ҳар бири ўз қабиалари олдидан [ҳеч кимга бўйсунмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб] ноз қилиб турардилар. Амирларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб менга «бу давлатга баримиз шерик бўлганимиздан кейин, уларни ҳам чақириб давлатга шерик қилайлик», дедилар. Лекин уларнинг гаплари менинг салтанат юриштишимдаги ғайратимга таъсир қилмади. Ўзимга кенгашидимки, «худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эгалик қилган киши ҳам биттадир». Шу вақт [авлиёлардан деб ҳисобланган] Бобо Али Шоҳ олдигамга келди ва: «Ҳой Темур, тангри таоло буюрганки, кўкда агар икки худо бўлган тақдирда жаҳоннинг иши бузилур». Мен унинг сўзларига эргашдим. Қуръони мажиддан фол очсам ушбу кутлуғ оят чиқди: «Инно жаалнока халифатан фил арз», яъни «Сизларни ер юзида халифа қилдик»¹. Мен бу фолни яхшиликка йўйдим ва ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсинишни истамаган амирларни турли тадбирлар ишлатиб ўзимга итоат эттиришни маслаҳат кўрдим. Энг аввал Амир Хожи барлос олдига бориб, уни ўзимга иттифоқдош қилдим. Баён сулдуз ўғли амир Шайх Муҳаммад шаробхўрликка муқкасидан берилиб кетганди. Охири шароб унинг бўғзидан олди ва у олам билан видолашди. Унинг вилоятини ўзимга қўшиб олдим.

Амир Бойазид жалоир ҳам Хўжанд вилоятини тасарруф этган эди. Унга [дўстона] насиҳат қилсам қабул қилмади. Оқибатда, ўз улусининг одамлари унга қарши чиқишиб, тутиб олдигамга келтирдилар. Мен [ўтган ишларини юзига солмай] унга илтифотлар кўргиздим. Буни кўргач, ўзи шарманда бўлди.

Элчи-Буго сулдуз Балхда ўз салтанати туғини кўтарган эди. Балх тахти сенинг меросинг эмас, деб даъво қилаётган Амир Ҳусайнни Элчи Бугога қарши қайрадим. Амир Ҳусайн бобоси Амир Қазоғон тахти жойлашган [бу шаҳарни] талаб қилмоқда эди.

Муҳаммад Хўжа Аперди найман аймоғидан бўлиб, Шибирғонат вилоятини босиб олгач, менга қарши исён туғини кўтарганди. Мен унга бошқа вилоятни бериб, уни ўзимга содиқ навкар қилиб олдим.

Бадахшон вилоятига эгалик қилаётган Бадахшон шоҳлари эса менга қарши душманлик йўлини тутдилар. Уларнинг ҳар бири билан ҳар турли келишув қилдимким, бир-бирлари билан уришиб кетдилар. Охири менинг паноҳимга кириб, [бўйсундилар].

Кайхусрав Хутталон вилоятини ва Ўлжойту Аперди Арханг² вилоятини эгаллаб олгандилар. Кайхусравга Ўлжойту Апердининг вилоятини босиб олиши учун мадад кучи жўнатдим. Оқибатда Ўлжойту Аперди паноҳ излаб менинг хизматимга келди.

Амир Хизир Ясовурий³ халқи — ясурийлар билан Тошкент вилоятини босиб олган эди. Кайхусрав билан Ўлжойту Апердини бир-бири билан яраштирдим. Буларга ёрдамчи куч йўсинида бир тўда киши қўшдим. Икковлари бирлашиб Ясовурий фуқароларига ҳужум қилиб, талон-торож қилдилар. Амир Хизир [Ясовурий] ожиз қолиб, менинг паноҳимга келди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрни уруш-талашдан тинчитдим. Менинг қаҳрамон аскарларим тўла куч-қувватга кирди. [Ҳар томонга] барлос улусининг номи ва донғи тарқади. Менинг ҳимматим билан Чиғатой қўшинлари ва тумонларининг донғи [оламга] ёйилди. [Мовароуннаҳрдаги] жами зул халқ, қўшинот ва тумонот ҳамда кўчманчилар менинг ҳукмронлигим остига ўтди. Бироқ Мовароуннаҳрдаги баъзи қалъалар [ҳамон] Амир Ҳусайн қўлида бўлиб, уларга менинг ҳукмим ўтмасди.

Амир Ҳусайн салтанатим азамати ва шон-шавкатининг кучайганини кўргач, унда ҳасад томирлари ура бошлади. Қасам билан қилган аҳд-паймонларини бузиб, менга қарши исён туғини кўтарди. Мен унинг олдига кўп марта [лутф-марҳаматлар кўрсатиб] бордим, у бўлса асло қошимга келмади. Бунинг устига сиртидан такаллуфлар билдириб,

¹ Қуръон, 35-сура, 39-оят.

² Арханг — Тохаристон шаҳарларидан. Амударё йўлида, Бадахшон билан туташ вилоят маркази. XVI-XVII асрларда Ҳазрат имом номи билан аталган.

³ Ясовурий — Чингизхон қўшинининг сўл қанотида қўмондонлик қилган амир Ясовурнинг авлоди. У Вахш ва Толқонни босиб олишда иштирок этган ва эли ўша юртларда ўтириб қолган.

аслида ҳийла-найранг ишлатиб, мендан Қарши қалъасини олиб кўйди. Қарши қалъасини қуриқлаб туриш учун қўрғонбеги амир Мусо бошчилигида етти минг отлиқ аскар тайинлади. Кейинроқ у ерга яна кўшимча беш минг отлиқ аскар юборди. Бу билан кифояланмай мени ўлдирмоқчи бўлди. Мендаги салтанат ғайрати туғёнга келиб, мени Қарши қалъасини ундан тортиб олишга ундади. Баъзи амирларим у ерга юриш қилиб, қалъани жанг билан қўлга киритишни менга маслаҳат бердилар. Жанг режаларини туза бошладим. [Улар айтгандек қилсам], бунинг хатарли томонлари кўплиги кўнглимдан ўтди. Узимча, «мабодо қалъани жанг билан олмоқчи бўлсаму ғаним лашкарининг ёмон кўздан лашкаримга зарар етса-чи?» — деб ўйладим. Шундан сўнг бошқа тадбирга киришдик ва Хуросон томонга юзланиб, бу билан Қарши қалъаси беклари хотирини жам қилмоқчи бўлдим. Кейин эса қўшиним билан [яширинча] орқага қайтиб, тунда тўсатдан қалъага ҳужум қилиб, у ерни босиб олишни режаладим. Хуллас, бу ердан кўчиб, Хуросон томонга қараб йўлга тушдим. Аму дарёсидан кечиб ўтганимда, Хуросон томондан Қаршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвон бошчиси менга совғалар тақдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг ҳол-аҳволини суриштирдим ва Хуросон вилоятига кетаётганлигимни изҳор этиб, кетишларига рухсат бердим. [Лекин] карвонга жосус қўшиб юбордим ва у хабар келтиргунча дарё соҳилига жойлашиб, кутдим. Айғоқчи олиб келган хабарга кўра, карвондагилар Амир Мусога шундай деган эмишлар: «Амир Темурни Амударё ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга кетаётган экан». Бу гап Амир Мусо ва Амир Ҳусайннинг лашкарига етгач, хурсанд бўлдилар, ўйин-кулгу, айш-ишратга берилибдилар. Бу хабарни эшитишим билан, қўшиним ичидан энг ишончли, довюрак, жанг кўрган баҳодир йигитлардан икки юз қирқ учтасини танлаб олдим ва дарёдан ўтиб, олдинга юбордим. Ширкент отлиқ ерга етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз тўхтаб, [сўнг] яна йўлга тушиб, Қарши қалъасидан бир фарсанг масофага келиб тушдим, [одамларимга] арқонларни бир-бирига боғлаб зина ҳозирлаб қўйишларини буюрдим. Шу пайт амир Жоку тизза уриб: «бир гуруҳ баҳодирлар орқада қолдилар, улар етиб келгунча тўхтаб туриш зарур, — деб ўтинч қилди. [Лекин] баҳодирларим етиб келгунча, қалъани ўзим кўздан кечирмоқчи бўлдим. Қирқ киши ҳамроҳлигида Қарши қалъаси томон йўл олдим. Йироқдан қалъа қораси кўринганда, баҳодирларимни келган ерда тўхтатиб қўйдим ва ўйимизда туғилиб ўсган Мубашшир ва Абдулла исмли [йигит]ларни бирга олиб ўзим кетдим. Сув тўлатилган ҳандақ¹ бўйига етдим. Қарасам ҳандақ сув билан лиммо-лим экан. Теварак-атрофга назар солиб, ҳандақ тепасидан ўтган қалъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга қолдириб, ўша тарнов орқали ҳандақ устидан ўтиб, қалъанинг хокризига² етдим. Дарвоза олдига бориб, эшик қоқдим. [Лекин] дарвозабонлар ухлаётган экан [ичкаридан садо чикмади]. [Ҳар эҳтимолга қарши] дарвозани ташқарисидан кесак-тош ва лой билан тўлдириб қўйишган экан. Қалъа девори атрофини кўздан кечириб, нарвон ва зиналар қўйса бўладиган жойни топдим. [Сўнг] орқамга қайтдим ва отланиб баҳодирларим ҳузурига бордим. Орқада қолган лашкарим ҳам нарвонлар билан етиб келишган экан. Ҳаммалари шайланиб, нарвонларни кўтаришиб, қалъа сари юзландик. Ҳандақдан тарнов орқали қалъага ўтдилар. Зиналарни ҳам олиб ўтдилар ва деворга қўйдилар. Эр йигитлардан қирқтаси тепага чиқишиб, қалъага кириб олдилар. Мен ҳам нарвонга оёқ қўйиб энди қалъага кирмоқчи бўлгандим, карнай тортиб, бурғу³ чалдилар. Тангри таолонинг қўллаши билан қалъани қўлга киритдим.

Бу хабар Амир Ҳусайнга етгач, [энди] макру ҳийла йўли билан, дўст-ошно либосини кийиб, мени ром этмоқчи бўлди. Мени қўлга олмоқчи бўлаётган Амир Ҳусайннинг макру фириб тузоғидан қутилиш чорасини излай бошладим. Кейин мана бундай тадбирни қўлладим: Амир Ҳусайн «фақат дўсту қариндошга муносиб ва хос иш қилурман деб Қуръон устида қасам ичди ва ўша Қуръонни менга жўнатди. У яна мана буларни ҳам айтганди: «Агар сенга айтган гапларимга бирон хилоф иш тутиш ниятим бўлса ва ўртадаги аҳд-паймонимни бузиб сенга ёмонлик қилсам, шу ушлаган Қуръон — худонинг китоби мени урсин». Уни мусулмон деб билганим учун, сўзларига ишондим. Шундан кейин у менинг ҳузуримга одам юбориб, ўртадаги эски аҳд-паймонимизни янгиласак, худо ҳаққи дуруст бўларди, деб, мени Чакчек дарасида учрашишга даъват этганди. Унинг мақсади мени алдов билан қўлга тушириш эди. Аҳд-паймони, сўзига ишониб бўлмаганини билсам ҳам, аммо Қуръон ҳурматини сақлаб, [айтган жойига] учрашувга боришга қарор қилдим. [Бироқ бу борада] кенгашиб, Чакчек дараси атрофига баҳодирларимдан бир гуруҳини юбориб, яшириб қўйдим. Узим эса бошқалар билан Амир Ҳусайн билан учрашувга бормоқчи бўлдим. Амир Ҳусайн хизматида бўлган дўстларимга хат юбориб, улардан Амир Ҳусайн қилмоқчи бўлган ишдан мени огоҳ қилиб туришларини сўрадим. Дўстларимдан бири Шер Баҳром Амир Ҳусайннинг нияти қандайлигидан мени огоҳлантирди. Амир Ҳусайн [буни сезиб қолиб] Шер Баҳромни қатл эттирди, менинг устимга эса минг отлиқ аскар билан ҳужум қилди. Шу пайт дара

¹ Ҳандақ — қалъа теварагига қазилиб ичига сув тўлатиб қўйилган мудофаа иншооти.

² Хокриз — қалъа девори остига ўр қилиб уюлган тупроқ; мудофаа иншооти.

³ Бурғу — сурнайга ўхшаш музика асбоби.

оғзига келиб тушган ҳам эдимки, бу хабар менга етишди. Қўшинимни тартибга солдим. Шу вақт амир Ҳусайн қўшинидан бир гуруҳининг қораси кўринди. Қоровуллар¹ Амир Ҳусайн лашкарининг фақат бир қисмигина эканлиги, Амир Ҳусайннинг ўзи келмаганлигини хабар қилдилар. «Амир Темур бир ўзи келибди, деган гапни эшитиб, сизни қўлга тушириш учун лашкарининг бир қисмини юборди», дедилар.

Ва мен [жангу жадалга] ҳозирлана бошладим. Мен билан ҳаммаси бўлиб икки юз отлик аскар бор эди. Амир Ҳусайн қўшинининг фавжи² дарага кириб келгунча сабр қилиб турдим. Ўзим келгунга қадар [бу ерга] юборган одамларимга уларнинг йўлини тўсишларини буюрдим, ўзим эса ёғийга юзма-юз турдим. [Шу тариқа] дарада икки ёқдан қамалиб қолган ғаним лашкарининг кўп қисмини қўлга туширдим. [Сўнг] одамларимни тўплаб, саф-саф қилиб туздим ва Қаршига қараб юзландим. Тажрибамдан шуни кўриб билдимки, дўст ҳар ерда асқотар экан.

Амир Ҳусайнга ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

**Ерга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.**

Бу хатим Амир Ҳусайнга бориб етгач, кўп хижолат бўлиб, уялди, мендан узр сўради, [лекин] мен иккинчи бор унинг сўзига ишонмадим.

ТУРОНЗАМИННИ ЎЗБЕКЛАР ТОИФАСИ ҚОЛДИҚЛАРИДАН ТОЗАЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Жета ва Илёсхўжа лашкарини Мовароуннаҳрдан қувиб, Хўжанд дарёсининг нариги қирғоғига ўтказиб юборган бўлсам ҳам, ўзбекларнинг баъзи бир гуруҳи Мовароуннаҳр қалъаларида мустаҳкам жойлашиб олган эдилар. Аввалига уларни бостириш учун ҳарбий бўлинмалар юбормоқчи бўлдим, бироқ, мабодо бу иш чўзилиб кетса-чи, деган фикр мени ташвишга солди. Шу орада менга ўзбеклар қалъаларга яшириниб олганлари ҳақида хабар келтирдилар. Лашкар тўдаларини у ерга юбориш тўғри бўлмас, деб ўйланиб қолдим ва Илёсхўжа номидан қалъадагиларга қарата ёрлик ёзиб, урушсиз топширишларини буюрдим. Ёрлиқни бир ўзбек қўлига тутқазиб, унга ҳамроҳ қилиб лашкаримнинг бир тўдасини жўнатдим. Бу аскарларимга чанг-тўзон кўтариб, ўзларини ғанимга намоён этишни амр этдим. Илёсхўжанинг талаби ёзилган ёрлик ғанимлар қўлига теккач ва лашкарларим кўтарган чанг-тўзонни кўришгач, тун қоронғусида қалъаларни ташлаб қочдилар. Хуллас, Мовароуннаҳр тупроғи мени ўлдиришга қасд қилган ўша золимлардан тозаланди ва мамлакат тамоман менинг қўлимга ўтди.

Қариндошлик ҳурматини қилиб, Балх билан Ҳисори шодмон вилоятларини Амир Ҳусайнга тортиқ қилдим. У бўлса, унга қилган эҳсону мурувватимни билмади, мени маҳв этишга қасд қилди. Мен ҳам кенгашиб, Амир Ҳусайнни ўлдиришга қарор қилдим.

Амир Ҳусайн мен қўлга киритган ғалаба ва ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичини кемириб, менга ва ҳарамимдаги ўз синглисига кўп озор берди. У Мовароуннаҳрни мендан тортиб олишга, мени ўлдириб тахтга ўзи ўтиришга бел боғлаган эди. Уртамизда неча бор урушлар бўлиб ўтган бўлса-да, барчасидан енгилди. Унинг адолатсизлиги, инсофсизлиги чегарадан ошган, мени енгилди ва ўлдиришига оз қолган вақтлар ҳам бўлди. Қўрслиги, ёмон йўл тутиши туйфайли амирлари ундан юз ўғирдилар. Хутталон ҳокими амир Кайхусравнинг инисини қатл эттирди. Оқибатда, амир Кайхусрав Хутталонда унга душман бўлиб қолди. Амирлари [анчадан бери] ундан норози бўлиб, адоват сақлар эдилар, у бўлса уларни ўз тарафдори деб биларди. Шу сабабли, яна мени тор-мор қилиб, маҳв этиш қасдида қароргоҳини Балх чеккасидаги бир жойга кўчирди. Бу хабарни эшитишим билан Амир Ҳусайн ҳаракатга келмасдан бурун, устига бостириб боришга қарор қилдим. Бор лашкарим билан Балх сари юзландим. Йўлда ҳар ёқдан зафарли лашкар тўдалари келиб менга қўшилди ва Балх атрофига келиб тушдим. Амир Ҳусайн қарши чиқиб, мен билан жанг қилди. Охири қочиб қалъага кириб олди. Сўнгра бошига нима келган бўлса, ўз қилмишидан бўлиб, кўргилигини кўрди.

МЕНГА ТУРЛИ ЁМОНЛИКЛАР ҚИЛИБ ЧҶЧИБ ЮРГАН ВА ҚИЛМИШЛАРИ УЧУН МЕНИ ЎЛДИРАДИ ДЕБ ВАҲИМА ҚИЛИБ ЮРГАНЛАРНИ ЎЗИМГА ЭЛ ҚИЛИБ ОЛИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Ҳусайн менинг амрим билан ўлдирилгандан кейин унинг навкарлари ва амирлари «энди бизни ҳам ўлдиради», деб гумон қилган эдилар. Гарчанд аввалига ниятим уларни ўлдириш бўлган бўлса ҳам, кейинроқ, «ахир улар аскарлар-ку?» деб уларни авф этдим ва яна аскарлик ишларига тайинладим.

¹ Қоровул — қўшиннинг олдида борувчи хабарчи қисм. (Разведка)

² Фавж — ҳарбий бўлинма

Бадахшонда ҳоким бўлмиш уларнинг бош амири (амир ул-умаро), кўп мартаба жангда мен билан юзма-юз келиб, қилич чопишган киши эди. Амир Ҳусайн қатл этилганини эшитгач, менинг қаҳримдан қўрқиб, ўзини сергак тутди ва бордию уни тутиш учун кўшин юборгудай бўлсам тўғри иш қилмаган бўлур эдим. [Шунинг учун] ўзимни уни унутган кишидек тутдим ва [унинг борасида] ушбу тадбирни қўлладим: мажлисларда, йўл-ўтиришларда уни яхши сўзлар билан ёд этиб, мардлиги ва баҳодирлигини мақтадим, токи дўстлари: «Амир сенга нисбатан марҳамат ва иноят мақомида турибди» деб унга хат ёздилар. У зорланиб менга мактуб юборди ва инояту марҳаматимдан умидвор бўлиб менинг паноҳимга келди.

ХУРОСОН ПОЙТАХТИ (ҲИРОТ)НИ ОЛИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Ҳусайн ўлдирилиб, [унга қарашли] Балх, Ҳисори шодмон ва Бадахшон вилоятлари менинг тасарруфимга ўтгач, бу хабар Хуросон ҳокими малик Ғиёсиддинга¹ етганида, уни кўрқинч босди, [руш қилиш учун] лашкару сипоҳ тўплаб, мудофаага шайланди. Кенгашиб, хуросонликлар ҳушёрлигини сўндириб, ғафлат уйқусига чўндириш учун, мен ҳарбий ҳийла ишлатишни фикр қилдим. Шу мақсадда Самарқандга юриш қилмоқчидек бўлиб орқага қайтдим. Шу аснода малик Ғиёсиддиннинг [мендан кўнгли тинчиб], жабр-зулм қилмоққа қўл тутганлиги ҳақида пиримдан хат олдим. Менинг Самарқанд тарафга қайтганим ҳақидаги хабарни эшитиб Ғиёсиддин хотиржам ўлтирган эди. Шунда мен ўзимга кенгашиб, «ана энди хуросонликларнинг кўнгли мендан хотиржам бўлди, уларнинг устига бостириб боришнинг айна вақти», дедим ва Балх чеккасидан қайтиб, Балхда қолдирган аскарларим билан [Ҳиротга қараб] юрдим, малик Ғиёсиддинни ғафлат уйқусида босдим ва у ночор шаҳардан чиқди, хазина ва тамом бойлигини менга пешкаш² қилди. Шундай қилиб, Хуросон мулки менинг қўлимга ўтди. Хуросоннинг барча амирлари менга бўйсиндилар.

СЕЙСТОН, ҚАНДАҲОР ВА АФҒОНИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ БОШҚА КЕНГАШИМ

Хуросон мамлакати бўйсундирилгандан кейин, амирларим юқорида эслатилган уч мамлакатга лашкар юборайлик, деб маслаҳат бердилар. Мен дедимки, агар лашкарнинг ўзи билангина иш битмаса-чи? Унда ўзим боришим керак бўлади. Менинг мўлжаллаб қўйган бошқа ишларим кўп. Маслаҳатни шунда билдимки, ўша диёрлар ҳокимларини ўзимга ағдариб олиш учун «Агар менга қўшилсанглар қутиласизлар, курашсанглар йиқиласизлар. У ҳолда нима бўлса кўрасизлар», деган мазмунда хат ёздим. Бу тадбирим тақдирга тўғри келди. Ёрлиқлар уларга етиши биланоқ итоат бошларини бўйсунуш мақомига қўйдилар.

УРУСХОННИ³ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ВА ДАШТИ ҚИПЧОҚНИ БОСИБ ОЛИШДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

(Дашти Қипчоқ) хони Тўхтамиш⁴ хонлик талашиб Урусхондан енгилиб, менинг паноҳимга қочиб келган эди. Унинг билан кўшин юборсаммикин, ё ўзим борсаммикан деб турганимда Урусхоннинг элчиси келиб қолди. Кенгашиб, элчининг кўнглини овлаб, [сўнг] кетишига руҳсат беришни, ўзим эса Дашт томон юзланиб, элчининг кетидан лашкар жўнатишни мўлжалладим, токи элчи хотиржамлик билан бўлган воқеалардан Урусхоннинг мажлисида баён қилсин, эртаси куни менинг қўшинларим кўққисдан уларнинг устига бостириб борсин.

Уйлаганимдек иш тутгандим, тадбирим тақдирга тўғри келди. Урусхон элчиси бўлган воқеаларни сўзлаб бераётган пайтда, менинг кўрқмас лашкарим тўдалари ногоҳон келган балодек Урусхон устига ёпирилдилар. Урусхон қаршилик кўрсата олмай, қочини ихтиёр қилди. Дашти Қипчоқ мамлакати менга бўйсунди.

ГИЛОН, ЖУРЖОН, МОЗАНДАРОН, ОЗАРБАЙЖОН, ШИРВОН, ФОРС ВА ИРОҚ МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Ироқ аҳолисининг музаффарийлар⁵ ва турли тоифадаги ҳукмдорлар зулмидан шикоят қилиб ёзган аризалари қўлимга тушгач, Ироққа юришга жазм қилдим.

Шу вақт, хотирамга бу мамлакатларнинг подшоҳлари иттифоқ бўлиб, менга қар-

¹ Ғиёсиддин — курдлар сулоласига мансуб ҳукмдор. Ҳақиқий исми Ғиёсиддин Пир Али. Темур уни 1381 йили тахтдан туширган.

² Пешкаш — тортиқ.

³ Урусхон — Жўчи наслидан; Оқ ўрда хони (1361—1375).

⁴ Тўхтамиш — Жўчи наслидан; Оқ ўрда хони (1376—1395).

⁵ Музаффарийлар 1314—1393 йиллари Фарбий-Жанубий Эронни идора қилган сулола.

ши турсалар-чи? деган фикр келди. [Амирларим] ҳам жанг қилайлик деб маслаҳат бердилар. Узим буларни бирма-бир ўзимга бўйсиндириш, итоатга келмаганларни эса жазолаш лозим, деган қарорга келдим.

Менинг паноҳимга келган биринчи одам Мозандарон ҳокими Амир Али бўлди. У менга пешкаш жўнатиб, мактубида «Биз ҳазрати Али авлодидан бўлган бир жамоамиз. Шу ерда қаноат қилиб кун кечираётимиз. Агар бу ерни олсангиз кучингиз етарлидур. Агар авф этсангиз бу иш яхшиликка яқинроқдир», деган гаплар битилган эди. Мен Мозандарон ҳокимининг бу мурожаатини яхшиликка йўйдим. [У ерни ўзларига қолдирдим ва] Гилон, Журжонга қараб йўл олдим. У ўлканинг ҳокимлари менга бўйсунмагач, қаҳрли қўшинларим гуруҳларини уларнинг устига юбордим, ўзим эса Ироққа лашкар тортдим ва Исфаҳонни забт этдим. Исфаҳон аҳолисига ишонч билдириб, қалъасини уларнинг қўлига топширдим. Улар бўлса исён кўтариб, мен тайинлаган доруғани¹ аскардан уч минг одам билан бирга тигдан ўтказдилар. Мен ҳам Исфаҳон аҳолисини қатли ом² қилиш ҳақида буйруқ бердим.

ФОРС ПОЙТАХТИ [ШИРОЗ]НИ ВА ИРОҚНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОБИДАГИ КЕНГАШ

Шиروزни музаффарийларга қолдириб, Исфаҳонда эса уч минг одамимни тайинлаб, ўзим Тўхтамишхонни дафъ этиш учун Дашти Қипчоққа лашкар тортиб борганимда ва Исфаҳон аҳолиси доруғани ўлдирган пайтда Шиروز аҳолиси ҳам менга бўйсунмай қўйган эди. Шу сабабли, жазолаш мақсадида яна Ироққа юриш қилишга тайёрлана бошладим. Саксон минг отлик аскар тўпладим. Лекин бу катта қўшин билан бир йўла Ироқ ўлкасига кирсам, у ерга сўғмай қолиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб, лашкаримни тўдаларга бўлиб, уларни Ироқ мамлакатини босқин қилишга бирин-кетин юборишни фикрладим. Шу қарорга келиб, лашкаримни уч тўдага бўлдим ва ўзимдан олдинда боришни тайин қилдим. Ироқнинг ҳар ери-ҳар ерида тўпланган ғаним аскарларининг ҳаммаси тарқалиб кетди. Сўнг Шиروز устига қўшин тортдим. Шоҳ Мансур³ жанг майдонида мен билан тўқнашиб, жазосини топди.

ТЎХТАМИШХОНГА ШИКАСТ БЕРИШ БОБИДА ҚИЛИНГАН КЕНГАШ

Лашкарларим беш ой давомида Тўхтамишхоннинг ортидан қувиб юргани сабабли аскарларим кўпинча оч қола бошлади. Масалан, бир неча кун бошбалмоқ ўти⁴, ов гўшти, дала паррандаларининг тухуми билан кун кечирдилар. Қўшиним бундай оғир аҳволга тушиб қолганини эшитган Тўхтамишхон фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди ва чумолию чигирткадан ҳам кўп аскарни билан устимизга ёпирилиб келди ва мен билан тўқнашди. Менинг аскарларим очликдан тинкалари қуриганди, Тўхтамишхон лашкари эса, осуда эдилар. Фарзандларим ва набираларим ҳузуримга келиб, тиз чўкиб, мен учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдирмагунларича, саркардаларим ва аскар бошлиқларим жанг қилишга рўйхушлик бермадилар. Шу пайт Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил бириктирди — уруш бошлаганимда ва икки томон қўшини юзма-юз келганда, байроқдор туғини тубан қилиши ҳақида у билан келишиб олдим. Амирларим ва нўёнларим, фарзандларим [ва набираларим] олдимга тиз чўкканини эшитгач; жасурлиги тутиб, қўрқмай жангга кирдилар. Шунда мен амирзода Абубакр⁵ саккиз минг отлик билан ҳировул этиб тайинладим. Савашу чопиш қизишиб, жангу жадал ўти кўкка кўтарилганда, [лашкарларга] чодирлар текиб, таом тайёрлашга киришишни буюрдим. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроғи тубан бўлди ва Тўхтамишхон саросимага тушиб қолди ва Жучи улусини талон-тороғга ташлаб, жанг майдонига орқа ўгириб қочди.

ДОРУССАЛОМНИ [БАҒДОДНИ] ВА ИРОҚИ АРАБНИ ЗАБТ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЕНГАШИМ

Ироқи ажам⁶ ва Форсни забт этганимдан кейин, қутуб ул-ақтоб⁷ пиримдан менга «Араб ва Ажам Ироқининг буюк қаҳрамонига [тангри таоло] Ироқи араб билан Ироқи ажамни тортиқ қилди», деган мазмунда мактуб келди.

Бағдодни забт этиш учун даставвал султон Аҳмад жалоирий⁸ ҳузурига Бағдод

¹ Доруға — шаҳар ҳокими.

² Қатли ом — аҳолини ёппасига тигдан ўтказиш.

³ Шоҳ Мансур — Музаффарийлар сулоласидан; Ироқ ва Форс ҳокими. (1387—1393)

⁴ Бошбалмоқ ўти — доривор

⁵ Амирзода Абубакр — Темурнинг набираси.

⁶ Ироқи араб — қадимги Вавилония, Ироқи ажам — қадимги Мидия.

⁷ Қутб ул-ақтоб — Қутблар кутби. Авлиёларга бериладиган фахрий унвон.

⁸ Султон Аҳмад жалоир — жалоирийлар сулоласидан; 1382 йили Ироқ, Курдистон ва Озарбайжонда ҳукмдорлик қилган.

волийси лашкарининг қай аҳволда эканлиги, юриш-туриши, қудрати ҳақида маълумотлар олиб келиш учун элчи юборишга келишилди. Элчи Бағдоддан менга: «Султон Аҳмад икки кўзли бир бўлак гўшт экан», деган мазмунда хат юборди. Мен тангрининг иноятига суяниб, [Бағдод устига] қараб юрдим ва тез фурсатда Бағдодга етиб бордим. Султон Аҳмад жалоир қолишдан қочмоқни афзал кўриб Карбало томонга қараб қочди. Шу билан доруссалом пойтахт Бағдод менга бўйсунди.

ТҶХТАМИШХОННИ ЙҶҚОТИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

[Тўхтамишхон мендан енгиллиб] Жучи улусини талон-торожга ташлаб, ўзи қочган эди [Мен у ердан кетгандан сўнг], фурсатдан фойдаланиб, Дарбанд ва Ширвон орқали Озарбайжонга кўп сонли лашкар юбориб фитнаю фасод кўтарди. Бу вақтда мен ҳар иккала Ироқни ҳам эндигина забт этиб бўлгандим. [Тўхтамишхонни йўқотиш учун] беҳисоб лашкар билан Дарбанд йўли орқали яна Дашти Қипчоққа юришни маслаҳат кўрдим.

Юриш олдидан кўрик қилиб, лашкарим қаергача бориб етишини билмоқчи бўлдим. Қарасам, тўрт фарсанг масофада қўшинларим саф тортиб турарди. Тангри таолога шукр келтирдим. [Сўнг] Темур дарёсидан¹ ўтиб, Дашти Қипчоқнинг элу улусига шу мазмунда ёрлик йўлладим: «Кимки менга келиб қўшилса улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади».

[Ҳижрий] 797 (мелодий 1394-95 й.) йилда Дашти Қипчоққа кирдим ва узоқ шимолда ястаниб ётган жойларига бордим; Жучи улусини хароб қилдим, бешинчи ва олтинчи иқлим² вилоятлари, улуслари ва қалъаларини бўйсундирдим ва ғалабаю зафар қучиб ортимга қайтдим.

ҲИНДИСТОННИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир³: «Агар Ҳиндистонни олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини оламиз», — деди. Амирзода Муҳаммад Султон⁴ эса «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ [унга] тўсиқлар бор: биринчиси — дарёлар, иккинчиси ўрмону тўқайлар, учинчиси — тўлиқ қуролланган сипоҳлар, тўртинчиси — одамхўр филлар кўп», деди. Амирзода Султон Ҳусайн⁵: «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», — деди. Амирзода Шоҳрух⁶ деди: Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, [жаҳонда] бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб номларини атамай [лақаблари билан айтдилар]: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар, Чину Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — хоқон, Эрону Турон подшосини — шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларига жорий этиларди. Ҳозир Эрону Туронзамин бизнинг қўлимизда бўлгани учун, Ҳиндистонни ҳам ўзимизга қарам ва тобе этмоғимиз зарур. Амирлар [эса]: «боринги, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодимиз ўз асидан ажраб, тиллари ҳиндча бўлиб кетади», дейишди. Мен бўлсам, Ҳиндистонга юриш учун ҳиммат камарини белга боғлаганимдан юришни тарк этишга кўнмадим ва шундай жавоб қилдим: «Тангри Таолога ўтинч билан мурожаат қилайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, токи тангри таоло нени буюрса шунга амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг тақлифимни маъқуллашди. Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу қарамлик оят чиқди: «Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилғил». Уламо [мазкур] оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандан кейин, бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар. Уларнинг хомушлигидан дилим ранжиди. Ўз-ўзимга кенгашиб, Ҳиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, қўшинларини кутволларга топширмоқчи бўлдим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганлари учун, уларни хароб қилишни истамадим. [Аксинча] уларга юмшоқлик-мулоимлик қилдим. Гарчи улар ҳар қанча юрагимни қон қилган бўлсалар ҳам, охири менинг фикримга қўшилдилар ва кўнглимда бирон ғубор қолмади. Сўнгра қайтадан кенгаш қақриб, иқболимиз хонаси — Ҳиндистонга қарата қўл кўтариб, зафару фатҳ фотиҳасини ўқидим.

¹ Темур дарёси — бу ерда тўғри эмас; асида Терек дарёси

² Етти иқлим — Юнонистон ва қадимги шарқ жуғрофия илмида дунёнинг инсон яшайдиган қисми (ер) етти иқлимга бўлинган. Бешинчи ва олтинчи иқлимларга Хуросон, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ерлари кирган.

³ Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир — Темурнинг набираси.

⁴ Амирзода Муҳаммад Султон — Темурнинг набираси.

⁵ Амирзода Султон Ҳусайн — Темурнинг набираси.

⁶ Амирзода Шоҳрух — Амир Темурнинг кичик ўғли.

ҲИНДИСТОН ПОЙТАХТИ (ДЕҲЛИ)ГА ЛАШКАР ТОРТИШ БОРАСИДА ҚИЛИНГАН КЕНГАШ

Қобилда ўттиз минг жавонғор аскари билан турган амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Сулаймон тоғи йўли орқали юриб, Синд дарёсидан ўтгач, Мултон вилояти устига босқин қилиб, уни забт қилишни буюрдим. Султон Муҳаммадхон, амирзода Рустам ва бошқа амирларга ўттиз минг баронғор отлиқ билан Синд дарёсидан кечиб ўтиб, Кашмир тоғи этагидаги йўлдан юриб, Лоҳур вилоятига босқин қилишни буюрдим. Ўзим ўттиз икки минг фул аскар билан бўлдим.

Ҳиндистон юришига жамланган қўшинларим умумий сони тўқсон икки минг отлиққа етган эди. Бу эса оллоҳнинг ердаги элчиси Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, исми шарифи сонига тўғри келганлиги учун, бу [тасодифни истиқболнинг] хайрли ва муборак фоллари сирасига киритдим. Отланиб йўлга тушдим ва Бадахшон чегарасидаги Андароб деган жойга келиб тушдим. [Бу ерда бир неча кун туриб] Катур тоғида истиқомат қилиб турган кофирларни енгиб, танбеҳ берганимдан сўнг, дор ул-ҳарб бўлмиш Ҳиндистон ғазоватига юзландим.

ҲИНДИСТОНГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИ АФҶОНЛАРДАН ТОЗАЛАШ УЧУН ҚИЛИНГАН КЕНГАШ

Шу орада менга арз қилдиларки, бир тўда афғонлар Ҳиндистонга олиб борадиган йўлга босқин қилиб, у ерда қароқчилик қилаётган эканлар. Хусусан, булардан Каркас қабиласининг етакчиси Мусо афғон ҳаддидан ошаётган экан. Менинг вафодор хизматкор ва тобеларимдан бири Лашкаршоҳ афғонни Пирмуҳаммад Жаҳонгир Ироб қалъасига соқчи қилиб қўйган эди. Мусо афғон мазкур қалъага от қўйиб, шиддат билан босиб борибди. Лашкаршоҳ афғонни ўлдириб, қалъадагиларнинг бор-будини талаб кетибди. Бунинг устига шу вақтда [ҳузуримга] Лашкаршоҳнинг иниси Малик Муҳаммад дод-фарёд уриб келди. У оғасини ўлдирган Мусо афғоннинг жабри-зулмидан шикоят қилди. Мен бўлсам [унинг сўзига қулоқ солмаган бўлиб], «ҳой инсон, Мусо афғон, менга хайр-хоҳлардан биридир», — дедим ва уни қамаб қўйишларини буюрдим.

Малик Муҳаммаднинг қамоққа олингани ҳақидаги хабар Мусо афғоннинг қулоғига бориб етгач, унинг кўнгли таскин топди. Шундан кейин, уни ҳузуримга келишини талаб қилиб ёзган ёрлиғимни олгач, ҳадик олмасдан дарҳол етиб келиб, қалъани менга пеш-каш қилди.

Мен қалъани томоша қилиш учун унинг ичига кирганимда, унинг [Малик Муҳаммаднинг] сипоҳийларидан бири ўқ отди. Мусо афғон ўзига яраша жазосини топди. Ҳиндистон йўли очилди.

СУЛТОН МАҲМУД ВА ДЕҲЛИ ҲОКИМИ МАЛЛУХОНЛАРНИ ЕНГИШ БОБИДАГИ КЕНГАШ

Султон Маҳмуд ва Маллухон Деҳли қалъасини мустаҳкамлаб, эллик минг отлиқ ва пиёда аскар, 120 занжирбанд филлар билан мен билан жанг қилиш қасдида чиқди. Кўнглим хавотирланди. Бордию Деҳли қалъасини босиб олишга борсам-у, мабодо бу иш узоқ вақтга чўзилиб кетса [нима қиламан?] Ўзимга кенгашиб, ғаним лашкари дадилланиб, [қалъадан] чиқиб, саф тортиб жанг майдонига кирганда ўзимни кучсиз ва [қўрққандек] қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Шу сабабдан лашкардан узоқроқда хандақ қаздирдим. Лашкарим билан хандақ ичига жойлашганимдан сўнг, лашкаримнинг бир қисмини душманга қарши жангга ташладим. Душман қаршисига боргач, ўзларини кучсиз кўрсатиб, қўрққандай бўлиб чекинишларини ва ғанимларни дадиллантириб келишни буюрдим. Душман лашкари бу ҳолни кўриб ўзларини ғолиб ҳисоблаб гердайиб жанг майдонига чиққан эдиларки, [менинг] қаҳрли лашкарим билан юзма-юз келдилар. Султон Маҳмуд ва Деҳли ҳокими (Маллухон) жангга киришдилар ва енгилиб тоғ тарафга қараб қочдилар. Беқиёс хазина ва мол-мулки сипоҳийларимга насиб бўлди.

Бир йил ичида Ҳиндистон пойтахти Деҳлини забт этдим ва мазкур йилнинг охирида салтанатим пойтахти [Самарқанд]га қайтдим.

ГУРЖИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ОЛИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Ҳиндистондан зафар қозониб қайтганимдан кейин, ҳали сафар чарчоғи чиқмай туриб, икки Ироқ ҳокимларидан менга шикоят аризаси келди. Ёзишларича, Гуржистон кофирлари ҳадларидан ошиб, чегарадан чиққан эмишлар.

Мен ҳамиша подшолар учун кофирларга қарши ғазовот уруши қилишдан, жаҳон

¹ Фул (қўл) — қўшиннинг марказ қисми.

² Катур — Ҳиндукушда Кофиристоннинг ғарбида жойлашган вилоят ва халқ номи.

³ Дор ул-ҳарб — уруш уйи.

олишдан яхшироқ иш йўқ, деган фикрда эдим. Гуржистон имонсизларининг туғён кўтаргани ҳақидаги хабар келиши биланоқ, кенгаш ўтказиб «ўша диёрдаги бошқа бузуқ одамлар ҳам бош кўтаришига йўл очилмасин» деб, зудлик билан уларни дафъ қилишга тутиндим, ҳинд юришидан келган сипоҳийлардан «хоҳловчилар мен билан борсин, хоҳламаганлар шу ерда қолсин», деб ихтиёрни ўзларига бердим.

Хуросон, Қандаҳор, Сеистон, Кермон, Табаристон, Гилон, Мозандарон ва Форс вилоятларига у ердаги лашкарлар жанг ҳозирлигини кўриб, Исфаҳон атрофига келиб, менинг зафарли лашкаримга қўшилсинлар, деб ёрлиқлар жўнатдим.

Ҳар бир мамлакатдаги итоатдан бўйин товловчи кишиларни турли ерларга тарқатиб юборишни маслаҳат кўрдим. Чунончи Хуросон ва Форсдаги бўйинтовловчиларни Туронзаминга кўчирдим ва бу мамлакатларнинг сатҳини муҳолифлардан тозаладим, сўнг Гуржистон вилояти қалъаларини забт этиш учун ўша мамлакат устига отландим.

Сипоҳийларнинг кўнглига нима ўтирса шунини қилдим, бошимга пўлат дубулға, эгнимга Довудий совут кийдим, белимга Миср қиличини боғлаб, баҳодирлик ва кураш тахтига ўтирдим. Туронлик довуракларга, Хуросон паҳлавонларига, Гилон ва Мозандарон ботирларига кўрқинч солдим ва Сивас ҳамда Гуржистон қалъаларини фатҳ қилдим. Қалъадан туриб [қаршилик кўрсатганларнинг] барчасини таг-томири билан битириб, қалъадан олган ўлжаларни голиб аскарларимга улашдим. Озарбайжонлик бузуқ, бебош кишиларга танбех бердим.

Шундан кейин Малатия қалъаси ва унинг теварагидаги ерларни забт этишга киришдим. Ўша қалъаларни забт этишдан хотиржам бўлганимдан сўнг Ҳалаб ва Хумсни забт этишга ҳиммат камарини боғладим ва бир оз ҳаракат билан бу мамлакатни ҳам ўзимга қаратдим, [сўнг] Миср ва Шом мамлакатларини забт этишга камар боғладим.

МИСР ВА ШОМ (МАМЛАКАТЛАРИ)НИ ОЛИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Менинг шон-шавкат ва қудратим овозаси [Рум] қайсарининг қулоғига етди. У ўзига қарашли Сивас ҳамда Малатия қалъалари ва уларга тобеъ ерларни забт этганим, қалъалар ичидаги аскарларининг барисини тарқатиб, теварак-атрофга сочиб ташлаганим ҳақидаги хабарни эшитгач, томирларида ғайрат ҳаракатга келди ва аскарим зарбасидан қочиб, қайсар қоршида паноҳ топган Қора Юсуф туркман иғвоси билан устимга лашкар тортишга қарор қилди. Қайсар балога гирифтор бўлиб, давлати вайрон бўлиши яқинлашиб қолган эди, чунки у Қора Юсуфнинг иғвосига учиб, менга қарши лашкар сурган эди. [Қолаверса] Миср ва Шом аскарларини ҳам ёрдамга чақирган эди.

Мен кенгашиб қўшинимни уч тўдага бўлсам яхши бўлар дедим. Бироқ, жангда энгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остида яширин бўлганлиги сабабли, бу тўғрида амирларим билан кенгаш ўтказдим. Улар сипоҳийларга хос ишни тутиб, уруш очмоқни маслаҳат бердилар. [Шундай бўлса ҳам] мен қайсарнинг [ғайрат] ўтини сўндириш мақсадида иссиғида унга мактуб йўллашни маслаҳат кўрдим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди: «Еру кўкни яратган тангрига чексиз шукрлар бўлсинки, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ва ҳокимлари менга эгилиб, итоат қилиш ҳалқасини жон қулоқларига тақдилар. Ўз қадрини билиб, ҳаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини тангри ёрлақасин. Сенинг насли-насабинг ким эканлиги жаҳон халқи олдида маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъат оёғини олдинга қўймаки, ранжу меҳнат балчиғига ботиб, бало чуқурига йиқилгайсан. Иқбол эшигидан ҳайдалган бир тўда иғвогар кишилар ғаразли ишларини бажариш учун сенинг паноҳингдан жой олиб ухлаб ётган фитнани уйғотмишлар. Яна ўшаларнинг иғвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмагил. [Мазкур мактуб етиши билан] Қора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки [қўшин] сафлари тўқнашганда юзингга очилғусидир». Ушбу мактубни ишбилармон элчилар билан қайсарга юборганимдан кейин Шом пойтахти [Дамашқ шаҳри] га бориб туришга қарор қилдим ва Хумс ва Ҳалаб йўли орқали [у ерга] жўнадим. Ҳалаб шаҳрига етганимда Миср подшоси Малик Барқуқ ўғли Малик Фараж³ менинг Дамашққа келаётганимни эшитиб, шошилинч билан Мисрдан Дамашққа қараб йўл олгани ҳақида хабар келтирдилар. Мен Миср ва Шом лашкарларининг қўшилишига йўл қўймаслик учун зудлик билан отланиб, олдинга юрдим. Лекин Малик Фараж абжирлик қилиб, мендан олдин Дамашққа етиб олди. [Шундай бўлса ҳам] мен унинг орқасидан [шаҳарга] етиб бориб Дамашқни забт этдим.

¹ Ҳалаб ва Хумс — Шом (Сурия) шаҳарлари.

² Қора Юсуф туркман — Озарбайжон ва Ироқни 1380—1468 йиллари идора қилган сулолага мансуб ҳукмдор (1389—1400).

³ Малик Барқуқ ўғли малик Фараж — 1382—1517 йилларда Миср ва Шом устидан ҳукм юритган Буржийлар сулоласидан; 1399—1405 й. ҳукмронлик қилган.

РУМ МАМЛАКАТИНИ ЗАБТ ЭТИБ, ҚАЙСАР ҚҶШИННИ СИНДИРИШ БОБИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Шом шаҳарларини забт этганимдан кейин ва Мисру Шом подшоси Малик Фараж жанг майдонини ташлаб қочгандан сўнг, Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди. Лекин [Боязид] Мисру Шом лашкари мендан енгилганини эшитгач, ўйланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилиш равишда юришга тайёрлана бошлаганини ҳам айтди. Мен эса кенгашиб Дамашқ шаҳрини олиб, Шом вилоятларини бўйсундиргач, Мўсул йўли билан Бағдодга қараб юрдим. Бу билан қайсарнинг мен билан уруш қилиш нияти бор-йўқлигини билиб олмоқчи бўлдим. Табриз тарафга қараб юрдим. Амирзодаларнинг бирига кўпсонли лашкар қўшиб, Бағдод устига жўнатдим. Бу вақтда Бағдод ҳокими Султон Аҳмад жалоир шаҳарни ва унинг қалъасини қўриқлашни навқари Фаррухга топширди ва ёнига кўп одамларни қўшиб берди.

Амирзодалар Бағдодга етиб шаҳарни қуршаб олдилар ва урушга ҳозирландилар ҳамда бор ҳақиқатни менга арз қилдилар. [Бу хабарни эшитиб] ўзим Бағдодга бориб, шаҳар ва қалъани босиб олишга қарор қилдим. Табриз йўлидан орқага қайтиб, юриш билан Бағдодга келдим ва эҳтиёткорлик билан ҳарбий ҳийлалар ишлатиб қалъани қўлга олишга киришдим. Қамал муддати икки ой ва яна неча кунга чўзилгандан кейингина қалъа билан шаҳарни ишғол қилдим. Қалъа бошлиғи Фаррух Дажла дарёсида фарқ бўлди. Мен шаҳарга кирдим ва барча бебош, бузуқ кишиларни ўлдиришни, қалъа ва шаҳар иморатларини бузиб ер билан баробар қилишни буюрдим.

Сўнг Озарбайжонга қараб юрдим ва ўша ерда бир қанча вақт турдим. Шу аснода қайсар Ҳалаб, Хумс ва Диёрбакр вилоятларига лашкар юборган ва мендан қочиб қайсар паноҳига кирган Қора Юсуф туркман эса қароқчилар бошлиғига айланиб, айниқса икки муқаддас шаҳар зияратига қатновчиларнинг қарвонларига кўп зарар келтираётганлиги хабари қулоққа эшитилди. Бунинг устига ўша тарафлардан бир жамоат кишилар келиб, [улар ҳам] Қора Юсуфнинг жабр-зулмидин арз қилдилар. Шунинг учун Қора Юсуфнинг жазосини бериб, қайсарнинг кўзини ғафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда кенгаш ўтказиб, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар ва ҳашар чақиртирдим. Лашкар жамъ бўлгандан сўнг ҳижрий 804 йилнинг ражаб ойида (1401 йил февралда) Озарбайжондан қайсар устига лашкар тортдим. Ўзимдан илгари лашкаримдан бир неча гуруҳни Рум мамлақати устига босқин қилишга тайин қилдим. Яна бир неча гуруҳни эса [йўлимиздаги тўхташ манзилларини кўздан кечириб] емиш ва ичмишни ҳозирлаб туришни буюрдим, ўзим Ангурия йўли билан қайсар устига лашкар тортдим. Қайсар тўрт юз минг отлик ва пиеда аскари билан менга қарши юзланди.

Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкарим тутиб олиб, ҳузуримга олиб келдилар.

Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим.

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Мамлакатларни забт этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат кўриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукга боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, тангрининг инояти ва Муҳаммаднинг, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатимни сақлагайлар.

Бу тузуқлардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанатим тахтига зебу зийнат бердим. Сизлар ҳам ушбу тузуқга амал қилинглар. Давлат ва салтанатимни ва ўзингизни эҳтиёт қилинглар.

Биринчиси — давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

Иккинчиси шулким, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим.

¹ Икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадина шаҳарлари.

Учинчиси шулдирки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик-эҳтиёткорлик билан ғанимлар қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанат ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.

Тўртинчиси — давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазираб, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қилмадилар.

Бешинчиси — амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зарур қиммат-баҳо безаклар билан хушнуд этдим. Базмларда уларга ¹ ўз ёнимдан ² ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариф тутмадим ва уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва уларни тарбият қилдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳоқидилар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлиги ва мардоналикларига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб ва Ироқи Ажам, Мозандарон, Гилонот, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти жета, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Хутан, Қобулистон, Бохтарзамин ва Ҳиндистонга подшоҳ ва ҳукмрон бўлдим.

Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан маҳрум бўлдим. Ун икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб, қўшинларни синдирдим. Амирлар ва сипоҳийлардан ачиқ сўзлар эшитиб, ёмонликлар кўрдим, лекин эшитмаган-кўрмаганга солдим. Қилич кўтариб жангга кириб, турли мамлакатлар, вилоятларни эгалладим ва дунёда ном чиқардим.

Олтинчиси — адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларини билан одамлар кўнглидан жой олдим. [Тўғри] сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва қўрқув ўртасида тутдим. Фуқаро ва қўл остим-дагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчириб, ҳар йўл-йўриққа солдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, бутунлай унут бўларди.

Еттинчиси — сайидлар, уламою, машойих оқилу донолар, муҳаддислар³, ривоят айтувчиларни (тарихчилар) танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки тангри таоло ҳам шижоатли кишиларни дўст тутганлар. Одамлар билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишилар билан бирга бўлдим. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвиш ва фақир мускинларни дўст тутдим, уларни ранжитмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага тухмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

Саккизинчиси — азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим. Ҳеч кимга қаттиқлик қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб. Одам Атодан бошлаб, Ҳотамгача, Ҳотамдан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонун ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари ва маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатнинг заволи сабабларини суриштирдим ва уларнинг давлату салтанат таназулига олиб боровчи ишларидан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулму бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

Тўққизинчиси — раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға ҳаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиатини, ҳар элнинг расми-одат, йўл-йўсинларидан воқиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари ва бузурглари билан ошно бўлдим ва уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфияти-

¹ Тўра ва тузук — қонун, қоида, урф-одат.

² Дирҳам ва динор — динор 4,235 г. олтин танга; дирҳам — 3,4 ёки 3,5 г. вазндаги кумуш оқча.

³ Ҳадис олимлари, ҳадисни яхши билган кишилар.

ни, турмушларини, хулқ-атворларини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар¹ белгиладим. Бордию нотўғри нарсани ёзган бўлса бундай воқеанависларни жазоладим. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм қилганини эшитсам, инсоф-адолат билан дарҳол унинг чорасини кўрдим.

Унинчидан, турку тожик, арабу ажаамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларини ҳурматладим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим, яхшиларига — яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим, кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмати ҳаққини адо этдим, кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим. Чунончи, улус амири Шер Баҳром [аввалда] менга ҳамроҳ эди, бошимга [оғир] иш тушган вақтда мени ташлаб кетди ва душманларимга қўшилди, менга қарши қилич кўтарди. Охири берган тузим ҳаққи тизза уриб, яна илтижо қилиб келди. Асил эр йигит бўлганлиги ва мардлик-мардоналик кўрсатгани учун ёмон ишларининг барисидан кўз юмдим, олдимга келгач, ўзини ҳурматлаб, мартабасини оширдим. Уни мардлиги учун кечирдим.

Ун биринчиси — фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилари ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларига хиёнат қилмадим. Ўз фарзандларим, қавму-қариндошларимдан қариндошлик меҳримни узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол боғлаб, ўлдириб буюрмадим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Ун иккинчиси — дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар, ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар душман сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб [уруш кунларида] менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамни кўп дўст тутдим, олдимга келиб қолса, уни қадрлаб ишончимга сазовор этдим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибдан юз ўгириб менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Тўхтамишхон билан бўлган урушда амирлари менга хабарлар ва шикоят-аризалар ёзиб, соҳиби ва менинг душманим бўлган Тўхтамишхон берган туз ҳаққини унутиб, вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб, менинг олдимга келганлари учун уларни лаънатладим, «булар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қилармиди?» дедим.

Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин² асосида қурилмас экан, тўра-тузукга боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Ва бунақа салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрганлар [жирканиб] кўзини юмадилар. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар бемалол кириб-чиқадиган шифтсиз, усти очик, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида қурдим. Ва салтанат бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим.

Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Мухаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва яхши одамлар орасида шариатни ёйдим ва ўз салтанатимни шариат билан бегадим.

Равшан динга ривож беришда қўллаган биринчи тузугим шу бўлдики, саййидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга садр³ этиб тайинладимки, тамом вақфларни⁴ бошқарсин, уларни тасарруф қилишга мутаваллий⁵ тайинласин, ҳар шаҳар ва вилоятда қози, муфтий⁶, мухтасиб⁷ тайинласин, саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа диний арбобларга суюрғол⁸ белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилсин, дедим.

¹ Воқеанавис — юрда бўлиб турган воқеаларни кунма-кун ёзиб борувчи одам.

² Ойин — қоида, расм, тартиб, усул, одат, равиш, тарз.

³ Садр — бошлиқ, раис; мусулмон пешволаридан.

⁴ Вақф — давлат ва хусусий кишилар томонидан диний муассасалар: масжид, мадрасалар, хонақолар ва мазорларга ажратилган мол-мулк.

⁵ Мутаваллий — вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи.

⁶ Муфтий — фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи диний мансабдор.

⁷ Мухтасиб — (араб. — назорат қилувчи) — ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи мансабдор.

⁸ Суюрғол — (эски ўзбекча) — инъом, совға, марҳамат; ўрта асрларда қўшин бошлиқлари, кўзга кўринган сарой шoirлари, йирик мансабдорлар, йирик мусулмон руҳонийлари ва шу қабиларга давлат олдида кўрсатган катта хизматлари эвазига хон ва подшолар томонидан қилинадиган турли-туман инъом: ер-сув, кийим-кечак, молу-мулк ва бошқалар.

Лашкарлар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим; ҳар мамлакатга шайхулислом¹ юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга бағишласин.

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар² қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар³ бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалар ўргатиб, шариат ақидалари ва ислом дини иллари: тафсир⁴, ҳадис⁵ фикҳдан⁶ дарс берсин деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар⁷ тайин қилдим. Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганини менга хабар қилиб туришни буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида бўладиган урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин деб адолат амирларини тайинладим.

Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим. Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик аҳли мўминнинг қулогига етгандан кейин, ислом олимлари «Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгилувчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда⁸ амир соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгилувчиси шу киши бўл-гай», — деб фатво⁹ бердилар.

Замон уламосининг улуги бўлмиш Мир Саид Шариф бу хусусда менга мактуб йўлаб ёзган эдиларки, илгариги ва кейинги авлод ислом олимларининг барчаси бир оғиздан иттифоқ бўлиб деганларки, оллоҳ таоло ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбаримиз, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг динини тарқатиш учун ҳар юз йилда бир кишини [динни] янгилувчи сифатида ихтиёр этади. Саккизинчи юз йилликнинг бошида Амир соҳибқирон ҳақиқий динни ривожлантирди ва ҳар тарафга ёйди. Дини ислом оламнинг турли ўлкалари ва шаҳарларида равнақ топди. Ҳақли равишда [бу асрда] диннинг тарқатувчиси Амир соҳибқиронлиги тасдиқланди. [Ушбу] мактубнинг нусхаси будир: «Кимки динга ёрдам берса сен (Муҳаммад) унинг ёрдамида бўл, ким динни ёрдамсиз ташласа, сен ҳам унинг ёрдамини ташла».

Рисолатпаноҳ пайғамбаримиз ҳижрат¹⁰ этганларига ҳам саккиз юз йилдан ошди. Ҳар юз йил бошида оллоҳ таоло ва тақдир ўз элчиси ва ҳабиби Муҳаммад динини унинг умматига тарқатувчи ва янгилувчини ихтиёр айлайди. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, саккизинчи юз йиллик бошида оллоҳ таоло Амир соҳибқиронни ислом динининг янгилувчиси ва ривожлантирувчиси сифатида ихтиёр айлади ва у турли ўлкалар ва мамлакатларда аҳолига дини Муҳаммадийни қабул қилдирди. Кейинги ислом олимлари [динни] янгилувчилар аҳволини ўрганиб, ўз китобларида бу ҳақда маълумот берганлар. Бу янгилувчилар қуйидагилардир.

Ҳижратдан кейинги биринчи юз йилликда динни янгилувчи киши Умар ибн Абдулазиз¹¹ эдилар. У хорижийлар¹² минбардан туриб, ҳазрати Алига таъна қилишиб, лаънатлар ёғдиришиб, ислом динини заифлаштирганда, бу [низони] бартараф қилди. Уша вақтда ислом аҳли иттифоқи бузилиб, кинаю адоват пайдо бўлган эди: бир тоифа тўғри йўлдан борган халифалар (хулафо ар-рошидин)ни лаънатлаб, уларга таъна қилдилар; бошқа бирлари эса мўминлар амири ҳазрати Али бошлиқ имом Ҳусайн¹³ ва ҳазрати Аббосни¹⁴ лаънатлар эдилар. Бу икки гуруҳ ҳам ўзаро адоватда бўлиб, ўта мутаассиб эдилар. Умар ибн Абдулазиз бу низоларни бартараф қилиб, дини исломни янгиллади.

Иккинчи юз йилликнинг бошида келган дин янгилувчи халифа Маъмун ибн Хорун

¹ Шайхулислом — мусулмон жамоасининг бошлиғи.

² Хонақоҳ (форс-тожик.) — дарвишлар, қаландарлар, шунингдек ғариб мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган жой, ғарибхона.

³ Работ — карвон қўниб ўтадиган жой; карвонсарой.

⁴ Тафсир — Қуръонни изоҳлаш, шарҳлаш.

⁵ Ҳадис — (араб. — ривоят) — Қуръондан кейинги муқаддас манба. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар.

⁶ Фикҳ — (араб. — билим, тушуниш) — мусулмон ҳуқуқшунослиги.

⁷ Мударрис — (араб. — дарс берувчи) — мадраса ўқитувчиси.

⁸ Саккизинчи юз йиллик — ҳижрий йил ҳисобидаги саккизинчи аср.

⁹ Фатво (араб. — ҳукм, қарор) — исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм.

¹⁰ Ҳижрат — (араб. — кўчиб ўтиш) — Муҳаммад пайғамбар ва тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Бу воқеа 622 йили содир бўлган, 622 йил мусулмон йил ҳисобининг (ҳижрий) бошланиши деб ҳисобланади.

¹¹ Умар ибн Абдулазиз — Умавия сулоласига мансуб халифа (717—720).

¹² Хорижийлар — (араб. — ажралиб чиққан, исёнчи) — исломдаги илк оқим тарафдорлари; халифа Али (656—661) билан Умавийлар ўртасидаги кураш давомида вужудга келган.

¹³ Имом Ҳусайн — халифа Алининг ўғли. 680 йили Карбалода урушда ўлган.

¹⁴ Ҳазрати Аббос — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси. Абу-л-Аббос ас-Саффоҳ (749—750); Аббосийлар сулоласининг асосчиси.

ар-Рашид¹ эди. У ислом динида пайдо бўлган етмиш икки турли ботил мазҳабларни йўқотиб, ҳақ мазҳаби аҳли суннат ва жамоатни ривожлантирди. Али ибн Мусо Жъфари² нундан оллоҳ рози бўлсин, Хуросондан олиб келиб, уни ўзига валиаҳд қилди. Унинг изни ва маслаҳати билан мамлакатда ҳукмронлик қилди.

Учинчи юз йиллик бошида дини Муҳаммадийни янгиловчиси халифа Муқтадир биллоҳ Аббосий³ эди. Абу Тоҳир бошчилигидаги қароматийлар⁴ Маккаи муаззамани босиб олиб, арафа куни ҳажга борганлардан ўттиз мингтасининг жонига қасд қилдилар ва уларни шаҳид этдилар. Муқаддас қора тошни Каъба ичидан кўтариб олиб кетдилар. Ислом мамлакатларини вайрон этиб, қатли ом ва талон-торож қилдилар. Шу сабабдан ислом дини заифлашиб қолди. Муқтадир биллоҳ бу қавм устига лашкар тортиб, уларни улоқтириб ташлади [ва] фитна босилди. Бу билан ислом дини ва шариятга ривож берди.

Тўртинчи юз йилликнинг бошида дини Муҳаммадийни ривож эттирган киши Иззуддава Дайлабий⁵ эди. Шу даврнинг халифаси аббосий Мутиъ амриллоҳ⁶ ва унга тобеъ кишиларнинг зулми орқасида дини ислом заифлашган ва ислом мамлакатларида турли-туман фисқ-фасод кўпайганди. Иззуддава бу халифани тахтдан йиқитиб, ўрнига ўғли Тоъий⁷ биллоҳни валиаҳд қилди. Иззуддава шахсан ўзи бу динни тарқатиш ва тозалашда, бидъатни йўқотишда, ношаръий ишларни бартараф қилишда, жабр-зулмни тугатишда мутасадди бўлди. Дини Муҳаммадийга ривож берди.

Бешинчи юз йиллик бошида дину шариятни ривожлантирган одам султон Санжар ибн Султон Маликшоҳ⁸ эди. Шайх Аҳмад Жом⁹ ва Ҳаким Санойй¹⁰ унинг замондошлари бўлиб, султон уларнинг муриди эди. Бу даврда динсизлар ва жоҳиллар ислом динини заифлаштирган эди. Султон Санжар динсизларни йўқотиб, ислом динини ривожлантиришга киришди. Дини Муҳаммадийга итоат ва тобеликда шундай даражага эришдики, шариятга хилоф бўлган ҳеч бир иш қилмади.

Олтинчи юз йилликнинг бошида чиққан дин янгиловчиси Ғозонхон ибн Арғунхон ибн Халокухон¹¹ эди. Ислом дини туркистонлик кофирларнинг истилоси натижасида заифлашган эди. Оллоҳ таоло дин ривожини учун Ғозонхонни юз минг аскар билан қўзғади. У юз минг аскар Лор саҳросида шайх Иброҳим Ҳамавий¹² раҳномолигида оллоҳга имон келтириб, мусулмон бўлдилар. Тилларини калима: «Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг [ердаги] элчисидир» деган имон калимасига очдилар ва куфр-бидъат ишларини ташладилар, мамлакатда ва шаҳарларда шариятга ривож бердилар.

Еттинчи юз йилликнинг бошида келган Улжайту Султон¹³ ибн Арғунхон, лақаби Султон Муҳаммад Худобанда эди, мазкур санада¹⁴ оғаси Ғозонхондан сўнг салтанат тахтига ўтирди. [Бир куни] унинг қулоғига дини Муҳаммадий шу қадар бўшашганки, намоз вақтида мусулмонлар ташаҳхуд¹⁵ дан сўнг Муҳаммадга, унинг авлодига салават айтмай қўйибдилар, деган гапдан огоҳ бўлгач, ўрнидан туриб Султония¹⁶ жомий масжидига борди ва у ерга ислом уламоси ҳозир бўлишини буюрди. Сўнгра Султон улардан «Намоз вақтида Муҳаммадга ва унинг насли авлодига салават айтишнинг нима фазилатлари бор?», деб сўради. Улар бир овоздан: «Худойи таоло ҳукмига кўра [намозда] Муҳаммад ва унинг авлодига салават айтиш лозимдир», — деб жавоб бердилар. Уша пайт бир гуруҳ уламо: «имом Шафъий¹⁷, Муҳаммадга ва унинг авлодига салават айтмасдан ўқилган намоз бузилган ҳисобланади, деб айтганлар», деб ўз фикрини билдирдилар. Яна бир гуруҳи айтдиларким: «Имом Аъзам¹⁸ демишдики, Муҳаммадга ва унинг авлодига салават айтилмай ўқилган намоз макруҳдир». Шунда султон уламодан сўради: «Бошқа пайғамбарларга салават айтганда нега уларнинг насли авлоди исмларини айтмайдилар? Ҳотам ул-анбийё бўлган бизнинг пайғамбаримизга салават айтганда [эса] «пайғамбар авлоди», деб

¹ Маъмун ибн Хорун ар-Рашид — аббосийлардан (813—833).

² Али ибн Мусо Жъфари — шиаларнинг саккизинчи имоми (765—818).

³ Халифа Муқтадир биллоҳ — Аббосий халифаларидан (908—932).

⁴ Қароматийлар — исмоийлар мазҳабининг шаҳобчаларидан бирининг тарафдорлари, IX асрда пайдо бўлган.

⁵ Иззуддава Дайлабий — Бувайҳийлардан. 967—978 й. ҳукмронлик қилган.

⁶ Халифа Мутиъ — аббосийлардан. 946—974 й. ҳукмронлик қилган.

⁷ Халифа Тоъий — аббосийлардан. 974—991 й. ҳукмронлик қилган.

⁸ Султон Санжар ибн Маликшоҳ — Салжуқийлардан. 1118—1157 й. подшолик қилган.

⁹ Аҳмад Жом — хуросонлик машҳур ҳадис олими ва мутасавуф шоир (1049—1142).

¹⁰ Ҳаким Санойй — ғазнавийлардан, йirik шоир (1070—1140).

¹¹ Ғозонхон — 1295—1304 й. да Эрон ва Озарбайжонни идора қилган мўғул хони. Халокуйлар сулоласининг асосчиси.

¹² Шайх Иброҳим Ҳамавий — баҳрободлик (Хуросон) шайх Садриддин Иброҳим.

¹³ Улжайту Султон — 1304—1317 йилларда Эрон ва Озарбайжонни идора қилган мўғул хони.

¹⁴ Мазкур санада — 1304 йилда.

¹⁵ Ташаҳхуд — Оллоҳнинг ягоналиги ва Муҳаммад пайғамбарнинг элчилигини билдирувчи формула; ислом рукнларининг биринчиси; кўпинча калимайи шаҳодат дейилади.

¹⁶ Султония — Эрон Озарбайжонидоги шаҳар: халокуйлар пойтахти.

¹⁷ Имом Шофъий — асл исми Абу Абдулла Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофъий (767—820) — суннийликдаги шофъия мазҳабининг асосчиси.

¹⁸ Имом Аъзам — Ҳанафия мазҳабининг (суннадаги тўрт мазҳабдан биринчиси) асосчиси. Асл исми Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699—767).

қўшадилар?» Бутун уламо бу саволга жавоб беришга ожизлик қилиб, ўйланиб қолишди. Шунда султон айтди: «Бу саволга жавоб беришда кўнглимга икки нарса келади. Биринчиси шулки, душманлар пайғамбаримиз Муҳаммадни ўғилсиз деб атадилар. Тангри таоло наслсизликни уларга раво кўрди. Дунёдан насллари узилди. Қолган бўлса ҳам номнишонсиз бўлиб, уларни бирор киши танимади. Аммо пайғамбаримиз Муҳаммаднинг зурриётлари сони шу қадар ўсдики, уларнинг ҳисобини оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Пайғамбаримизга, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, салавот айтгандан кейин, уларга ҳам яхшилик тилаш керак. Иккинчиси шулки, жами ўтган пайғамбарларнинг динлари, қилган ишлари ё йўқоларди ёки ўзгарарди. Улар динининг аҳкомлари доимий эмас эди. Аммо ислом дини ўзгаришдан омон бўлиб, қиёматгача шу йўлда сақланур. Шундай бўлгач, онҳазратнинг (пайғамбарнинг) умматлари салавот айтиш вақтида унинг муборак номини зикр этган пайтда, унинг авлодини ҳам эслаш лозимдир. Умматларга маълум бўлсинки, Муҳаммад динининг ҳомийлари, Қуръон ва ҳадис маъносини шарҳловчилар, мақтовга лойиқ шариат илмининг ҳофизлари, анбиё ва мурсаллар¹ илмларининг ворисидирлар. [Мусулмон] динининг илмлари ва исломнинг фарзу² вожибларини улардан ўрганадилар, дин ишларида шуларга эргашиб, уларни ҳурмат қилишни ўзларига лозим деб биладилар», деди.

Султон шу сўзларни айтгандан кейин, масжидга тўпланган уламо ва одамлар бирданига гулдиратиб, пайғамбарга ва унинг авлодига салавот ўқидилар. Шунда султон айтди: «Муҳаммад авлодидан биринчиси — ҳазрати Али, сўнггиси — [имом] Муҳаммад Маҳдий охирзамондир. Шундай бўлгач, пайғамбаримиз авлодининг изни ва руҳсатисиз унинг мулкига қўл теккизмаслигимиз зарур, акс ҳолда босқинчилик қилган бўламыз»: Султоннинг бу сўзлари хосу ум нинг қулоғига эшитилгач, барча уламо намозга тутиндилар. Намоздан сўнг, султон амр қилди: «ҳақиқат шундай экан, аҳли байт⁴ номига хутба⁵ ўқиб, уларнинг номи зарбланган пуллар чиқариш лозим». Бу гапларни эшитган, кўрган уламо, унинг фикрини тасдиқлаб оллоҳга имон келтирдилар ва «Ўлжайту султон — дини шариатга ривож берувчи», деб фатво эздилар.

Саккизинчи юз йилликда чиққан дин янгиловчи Амир соҳибқирондирки, оламнинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида [дину] шариатни ривожлантириб, саййидлар ва уламони иззату икром қилди. Пайғамбар хонадони зурриётларининг маслаҳати, изни билан унинг мулкини тасарруф қилди».

Мир Саид Шариф ёзган ушбу мактуб менга етгач, тангри таолога шукр айтиб, Муҳаммад ва унинг хонадонига илтижо қилиб, тангри таолога ёлвордим: «Менга мадад бериб, дин янгиловчи, ислом шариатига ривож берувчилардан қилгин!» Сўнг бу мактубни олиб, пириим [Абу Бакр Тоибодий]нинг ҳузурларига юбордим. [Ул зот] мактуб четига мана бу сўзларни ёзиб менга қайтардилар: «Дину шариатга ривож берувчи [Амир] Темур соҳибқиронга маълум бўлсинки, бу иш ул қутби салтанатга оллоҳ таоло тарафидан берилган энг катта ёрдамдир. Дин янгилаш, шариатга ривож беришдек буюк ишда тангри таоло сенга ёрдам бағишламишдир. Вафодорлигинг ва яхши ишларингни қанча оширсанг, оллоҳ ҳам сенга [иноят ва карамини] шунча оширгай».

Пиримга юборган ушбу мактуб, унинг хати билан зийнатланиб менга қайтгач, саидлар ва уламони иззату икром этишни бажо келтириб, шариат ривожига илгаригидан кўпроқ тиришиб ҳаракат қилдим. Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим.

Дин ва шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан сўнг, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидаларга (тўра ва тузук) солиб, мартабаларини мустаҳкамладим. Салтанатнинг мартабалари тузукини қуйидагиларга таяниб туздим:

Биринчидан, ўз салтанатимни ислом дини асосида қуриб, хайр-эҳсон этувчи шариатга боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмайди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва кўрқув ўртасида тутдим. Дўст-душманни мурсою мадора мартабасида тутдим, қилмишларини, айтган гапларини гоҳида сабртоқат, гоҳида билиб-билмасликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудай бўлса, уларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, улар душманлигини дўстликка алмаштиришди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим.

¹ Мурсаллар — элчилар; пайғамбарлар.

² Фарз — шариатда барча мусулмонлар бажариши лозим бўлган шартлар.

³ Аҳли Байт — Муҳаммад пайғамбар оиласидан бўлганлар.

⁴ Хутба — жума ва ҳайит намози олдидан қилинадиган диний ваъзхонлик ва панд-насихат.

Давлатим ва салтанатим қуёши кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган ҳар қандай одам, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсалар ҳам, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларга қилган хайр-эҳсон ва яхшилигимни кўриб, шарманда бўлдилар. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек кўриб, уларнинг ёмон қилмишлари дафтари устига авф қаламини тортдим.

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш мақомида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Шу пайтда пиримдан хат келди. Улар: «оллоҳнинг инояти етган нусратли Темурга маълум бўлсинки, [унинг] салтанат корхонаси тангри корхонасининг бир нусхасидирки, унда ишчилар, иш бошқарувчилар, ноиблар, тўсиқчилар бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғулдир, ҳеч бири ўз мартабасидан четга чиқмайди ва доимо оллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турадилар. Яна шуни билгилки, вазирлар, лашкарлар, амалдорлар, меҳнатчилар сипоҳсолорлар билан муносабатда ҳушёр ва эҳтиёткор бўлгинки, уларнинг ҳеч бири ҳадди мартабасидан ошмасин ва ҳамиша сенинг ҳукмингга мунтазир бўлиб туришин. Ҳар тоифа ва ҳар қавми ўз мартабаларида тутгинки, салтанатинг низомга келиб, давлат интизомга киргай. Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп халал ва зиён етгай. Шундай бўлгач, ҳар кимнинг қадри қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак. Муҳаммад авлодининг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйгил. Уларга қанча кўп муҳаббат билдирсанг ҳам, уни исроф деб ўйлама, чунки қайси иш худо йўлида бўлса, унда исроф йўқдир. Ун икки тоифа билан давлатингга зийнат бериб, шулар билан салтанатингни кўргил. Вассалом», деб ёзибдилар.

Пиримнинг ушбу хати менга етишгач, унда буюрилган ҳар бир нарсани бажо келтирдим. Салтанатим ишларини қонун-қоидага солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим ва салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани давлат корхонасининг ўн икки ойи, салтанат фалақининг ўн икки буржи деб ҳисобладим.

Биринчи тоифа — саййидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Дин ишларини, ҳалол-ҳаром масалаларини мен улардан ўргандим.

Иккинчи тоифа — ақлли кишилар ва кенгашчилар, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб, иш юритувчи, кекса, тажрибали, кишиларни хос мажлисимга киритиб, суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба ҳосил қилдим.

Учинчи тоифа — дуогўй кишиларни қадрладим, улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги мақсадимни айтиб, дуо тилардим. Мажлисларда, базмларда, жанг майдонларида улардан кўп баракатлар топдим. Уруш чоғларида уларнинг дуолари билан зафар қучганман. Чунончи, Тўхтамшихон билан бўлган жангда ғаним лашкари кўплигидан ва менинг аскарим озлиги, очлигидан лашкарим кўп азият тортган эди. Шу пайт соҳиб дуо бўлмиш Мир Зиёвиддин Сабзаворий бошидан салласини олди, қўлларини дуога очиб [мен учун] тангридан зафар тилади. Ҳали дуоси тугамай туриб, дуо таъсири кўриниб, [лашкарларим ёғийни қочирдилар]. Яна бир мисол [шулки] саройим ҳарамидагилардан бири қаттиқ оғриб, ўлими яқинлашди. Дуогўй саййидлардан ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умрларидан бир йилни унга бағишладилар ва у соғайиб яна ўн икки йил яшади.

Тўртинчи тоифа — амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим, улар билан суҳбатлашганда, улардан турли саволлар сўрадим. Жанг майдонларида қиличлар чопган, шижоат аҳлини дўст тутардим. Жанг майдонларига от чоптириб кириб-чиқиш усулларини, ғаним лашкари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич чопқилашни, бутун уриш-талаш ишларини улардан сўрар эдим. Сипоҳгирлик ишларида уларга таяниб, улардан кенгаш тилар эдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва раият бўлиб, ҳар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳлардан чиққан баҳодирлар, довуракларга махсус фахрли ўтоға¹, камар, таркаш² тақдим этиб, мартабаларини кўтардим. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб хизматларидан фойдаландим. Сипоҳларимни ҳамиша жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳларимга ўтган ва келажакда қиладиган хиз-

¹ Утоға — бош кийимига тақиладиган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги.

² Таркаш — садақ-ўқдон.

матлари учун етти йиллик озуқаларини бирданига бердим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисидан устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам қўёлмас эди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ҳовлиқтирмадим ва на кўп тушуриб юбориб, кўнгилларини чўктирмадим. Қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларниқидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига чиқарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига қараб, мартабасини янада кўтарар эдим.

Олтинчи тоифа — ақлли, тажрибали, энг ишончли кишиларки, салтанат ишларини, сирларини уларга очиб, кенгаш қилишимга лойиқ эдилар. Булар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, маҳфий сирларни шуларга топширдим.

Еттинчи тоифа — вазирлар, бош котиблар, девон муншийларики¹, салтанат саройини шулар билан безатдим. Буларни турли мамлакатлар уйларининг кўзгуси қилдим. Бутун ўлкалардаги ҳукумат ишларини, кундалик воқеаларни, сипоҳ ва раиятлар турмушларини менга билдириб турар эдилар. Булар давлат хазиналарини бойитиб, салтанат мулкига тушган раҳналарни лойиқ тадбирлар билан тўсишиб, мамлакат ободлиги учун доим ҳаракат қилишар эдилар.

Саккизинчи тоифа — ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. [Уларни] ўз атрофимга тўпладим. Ҳақимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан юлдузларнинг ҳаракатини, фалак даврларини аниқлаб, қутлуғ ва қутсиз кунларни, соатларни улардан сўра эдим. Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар қуриб, боғу бўстонларнинг тарихини чизардим.

Тўққизинчи тоифа — муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлоди ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар (тарихчилар) ҳамда қиссахонлар [бўлиб], уларни [ҳам] ўзимга яқинлаштирдим, пайғамбарлар ва авлиёларнинг қиссаларидан, ўтган подшоларнинг хабарларини, уларнинг салтанат тахтига қандай эришганларини, давлатларининг қандай сабаблар билан завол топганлигини булардан сўраб билдим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди, оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топар эдим.

Унинчи тоифа — машойихлар, сўфилар, худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан тангри таолонинг сўзини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқуллодда одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим.

Ун биринчи тоифа — ҳунар ва санъат эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва хазарда² сипоҳимга керак бўлган яроқлар ва бошқа нарсаларни ҳозирладилар.

Ун иккинчи тоифа — ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчи ва мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турди. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин Хутан, Чину мочин³, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Европа)га бориб, у ерларнинг нафис матоларидан ва муносиб тўхфалар келтиришсин ва ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи ва туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг раияти билан муомаласини аниқласинлар.

МЕНИНГ ДАРГОҲИМГА ИЛТИЖО ҚИЛИБ ПАНОҲ ИСТАБ КЕЛГАН ТУРКУ ТОЖИК, АРАБУ АЖАМ ТОИФАЛАРИДАН БЎЛГАНЛАР БОРАСИДАГИ ТУЗУК

Биринчи навбатда, мазкур тоифа ва табақалардан бўлган саййидлар ва уламоларни иззат ҳурмат қилишни ва истаклари бўлса дарҳол муҳайё этиб, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришни буюрдим. Агар сипоҳийлар тоифасидан бўлсалар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-аҳволига яраша иш тутсинлар. Агар ҳунар-санъат ва маърифат аҳлларида бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, билагида кучи бор фақир-мискинлар эса, ўз аҳволи ва касбу кориға қараб иш тутсинлар. Сармоясини қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин, деб амр қилдим. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй — иморати бузилиб, тузатишга қудрати етмаса, керакли ускуналарини етказиб, унга ёрдам берилсин. Ҳар тоифа ва ҳар синфдан ким ўз ихтиёри билан сипоҳгарчилик хизматиға

¹ Мунший — мирза, котиб.

² Хазар — бир жойда туриш.

³ Чину мочин — Хитой.

киришни истаса, уни хизматга олсинлар. Асил ва шижоатли сипоҳий қайси тоифадан бўлса ҳам, унга ўрин бериб, қилган хизматига, қилган ишига яраша тарбият қилсинлар.

Яна амр қилдимки, узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхонидан уни қуруқ қўймасинлар.

Кимники ҳузуримга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, ҳолига яраша ҳурматлаб, совға-инъомлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ қилгудек бўлса, у чоғда гуноҳига яраша жазо берсинлар.

САЛТАНАТНИ ЎЗ ЭРКИМДА САҚЛАШ УЧУН АМАЛ ҚИЛГАН ТУЗУГИМ

Айтилган ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан, салтанат тахтига ўтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан [ҳеч қандай] баҳра ололмайди.

Биринчидан, ўз сўзига эга бўлсин, ишини билиб қилсин, яъни сипоҳ, раият ўз подшосининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Сунгра подшо салтанат мартабасига шерик бўлгудек қилиб бировнинг сўзига амал қилмасин. Гарчи, яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар подшога шерик, ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшо зулм қилса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйини бузур. Чунончи, амир Ҳусайннинг золим бир вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ҳақ-ноҳақ жарималар солар эди. Орадан кўп ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Ҳусайннинг салтанат уйи хароб бўлди.

Учинчидан, бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари подшонинг ўзида бўлиши лозимки, ҳар ишда подшо ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Тўртинчидан, [подшо] бир ишни қилишга қасд қилар экан, ул ишда қаттиқ турсин, то битирмагунча ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшо ўз ҳукмини юргизмоғи зарур. Нима ҳукм чиқарган бўлса ҳам. Бирон кимса [унга] монелик қилолмасин, гарчи уни зарарли деб билган бўлса ҳам. Чунончи, эшитганманки, султон Маҳмуд Ғазнавий¹ Ғазна шаҳри майдонида катта тошни келтириб ташлашни буюрган экан. Ундан [ўткинчи-кеткинчиларнинг] от-уловлари хуркиб ўта олмай қолибди. Шунда одамлар тошни йўл бўйидан олиб ташланса, деб султон ҳузурига қанчалик арз-шикоят қилиб боришмасин, султон «чиқарган ҳукмимдан қайтмайман. Унга хилоф иш ҳам қилмайман», деган экан.

Олтинчидан, подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, унинг нафси подшо бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади. Чунончи, Султон Маҳмудга хонлик қилган вазирлар уни салтанат тахтидан тушириб, тахтга ўзлари эга бўлдилар. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз тика олмайди.

Еттинчиси, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

Саккизинчиси, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига [қараб] амал қилмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, уни эшитсин. Лекин уни амалга оширишда мулоҳаза билан иш тутсин, токи ҳақиқат намоён бўлсин.

Тўққизинчиси, подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармонида ҳеч ким қаршилик қилолмайдиган бўлсин; итоат ва тобелик қилсин, исён кўтармасин.

Унинчиси, [подшо] нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида қатъий турсин, чунки, подшоларнинг ҳукм ҳурматидан бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ун биринчиси, салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшо ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

Ун иккинчиси, [подшо] мажлис аҳлидан огоҳ бўлсин ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшонинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир қисса менинг ўзим билан рўй берганди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари экан.

¹ Ғазнавийлардан; 998—1030 й. Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни идора қилган.

СИПОҲ САҚЛАБ ТУРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, қўлидан иш келган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизининг розидиги бидан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар.

Ўн [нафар] ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан иш кўрган, тажрибали, баҳодирликда номи чиққан бировини амир қилиб, уни юзбоши деб атасинлар.

Агар ўн юзбоши йиғилсалар амирзодалардан ақлли, шижоатли, баҳодир бир кишини амир сайлаб, уни мингбоши десинлар ва амири ҳазора деб атасинлар.

Агар қарамларидаги бирон кимса ўлса ёки қочиб кетса, ўрнига янги кишини тайинлаш ўнбошиларнинг ихтиёрида бўлсин. Шунга ўхшаш юзбошилар ўнбошиларни, мингбошилар юзбошиларни тайин қилсин. Булардан ўлган, қочган, янги тайинланганлар [бўлса] сабабларини айтиб, [менинг] арзимга етказсинлар.

Яна амр қилдимки, чорпилчор кунларида салтанат ишларида мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники [эса] қўл остидагиларга жорий этилади. Агар бу тузукка қаршилик қилсалар жазога тортиладилар. Ва агар уруш ишларида ким камчиликка йўл қўяр экан, уни чақириб, ўрнига бошқани қўйсинлар.

СИПОҲГА УЛУФА² БЕРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, амирлар, мингбошилар, юзбоши, ўнбошилар ва бошқа сипоҳийларга ушбу тартибда маош берилсин: оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариши шарт билан маоши минган отининг баҳоси бўлсин. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинсин. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Юзбошилар маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар ортиқ бўлсин.

Яна ҳукм қилдимки, сипоҳлардан қайси бири уруш ишларида камчиликка йўл қўйса, маошидан ўндан бирини камайтирсинлар.

Яна буюрдимки, ўнбоши юзбошининг тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиғи билан, мингбоши амир ул-умаронинг³ тасдиғи билан улуфа олсинлар.

Амр қилдимки, амир ул-умаронинг маоши ўз қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш, девонбеги ва вазирларнинг маошлари эса, амирлар маошидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Ясовуллар⁴, чоповуллар⁵, қалақчилар⁶нинг маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан ўн минггача [танга] бўлсин.

Аҳли мажлис: сайидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссаҳонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз ҳолларига қараб, сунурғол, маош ва вазифа белгиласинлар. Пиёда хизматчилар, фаррошлар⁷га юздан минггача маош берсинлар.

Яна ҳукм қилдимки, амир ул-умаролар ўз маошларини девонбеги ва вазирлар тасдиғи билан олсинлар. Давлат томонидан берилган бутун маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар менга билдириб туришлари шарт.

Яна буюрдимки, сипоҳийлардан ҳар кимнинг маошини ёзиб, унга ёрлик берсинлар. Берилган маошни шу ёрлик орқасига «тегди», деб ёзсинлар.

СИПОҲГА ТАНҲО⁸ ВА УЛУФА ТАҚСИМЛАШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, пиёдалар, қуллиқчилар, ясовуллар, чоповулларнинг бир йиллик маошларини ҳисоблаб, белгиланган маблағни девонхонага келтириб, шу ерда уларга улаштирсинлар. Булардан бошқа сипоҳийлар ва баҳодирларнинг олти ойлик маошини [ҳам] ҳисоблаб, танҳо хазинасидан олиб беришни буюрдим.

Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар омонлиги⁹ хазинасидан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида ёзилсин. Мингбошиларга вилоят ичидаги ерлардан хирож ва солиқ олиш ҳақи берилсин. Амирлар ва амир ул-умаролар маоши эса вилоят чеккаларидаги ерлардан тушган даромаддан белгилансин.

Вилоятлардан тушган [даромадларни] ушбу йўсинда тақсимлашни буюрдим:

Вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тақсимлаб, маош бериш

¹ Чорпилчор — уруш.

² Улуфа — озиқ-овқат; маош.

³ Амир ул-умаро — амирлар амири; катта амир.

⁴ Ясовул — хонларнинг кичик хизматчиси; қўриқчи.


⁵ Чоповул — чопқунчи; асосан тунда ўтказиладиган босқин қатнашчиси.

⁶ Қалақчи — қарочи бўлса керак, (унинг маъноси: содиқ хизматкор; кузатувчи).

⁷ Фаррош — палос тўшовчи.

⁸ Танҳо — кичик хизматчилар ва аскар бошлиқларига маоши учун бериладиган ер-сув.

⁹ Шаҳар омонлиги солиғи хазинаси — шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқлардан йиғилган хазина.



қиларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзсинлар. Сўнг ёрлиқлар девонхонага қилдирилсин ва амирлар, мингбошилар шу ёрлиқлардан бирини суғуриб олсин. Агар қилдиришда маошидан ортиқ [кўрсатилган] бўлса, бошқани ўзига шерик қилсин. Бордию бўлса, уни қўйиб бошқа ёрлиқ олсин.

Яна ҳукм қилдимки, амирлар, мингбошилар раиятдан молу жиҳот¹, йиққанларида соварий², қўналға³, шилон⁴ талаб қилмасинлар.

Тиюл⁵ қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинлансин. Бири вилоятдан йиғилган молларни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсин, солиқ олувчилар зуқарога жабр-зулм етказиб, уларнинг ҳолини хароб этмасин. У вилоятдан йиғилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиши лозим. Иккинчи вазир эса, [даромаднинг] тарж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзсин ва [йиғилган моллардан] сипоҳийларнинг маошига тақсим қилсин. Амирлар [қайси мамлакатдан] тиюл олар эканлар, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг, уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирилсин, агар бунга хилоф иш тутилган бўлса, ул вилоятни холисага⁶ ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга⁷ улуфа берилмасин.

Яна бунордимки, хирожни раиятдан қўрқитиб, калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, тушунтириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир.

ЎФИЛЛАР ВА НАБИРАЛАРГА УЛУФА БЕРИШ ТАРТИБЛАРИ

Амр қилдимки, тўнғич ўғлим Мухаммад Жаҳонгир валиаҳдимдир. У вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг аскарга улуфа олади.

Иккинчи ўғлим Умар Шайх ўн минг аскарга улуфа ва бир вилоят олади.

Учинчи ўғлим — Мироншоҳ тўққиз минг аскарга улуфа олиб, бир вилоятни тасаруф қилсин.

Тўртинчи ўғлим — Шоҳрух етти минг аскарга улуфа олиб, бир вилоятга эга бўлсин.

Набиралар эса, ҳар қайсиси истеъдодига яраша уч мингдан етти минг отлиққача улуфа олиб, бир вилоятга эгалик қилсин.

Ва яна, менга қавм-қариндошлиги бор кишиларга, ўз ҳолига қараб ва қобилиятига яраша биринчи даражали амир мартабасидан тортиб то еттинчи даражали амир мартабасигача бўлган амирлик ва волийлик [мансаблари] берилсин. Уларнинг ҳар бири ўз мартабасига яраша иш тутиб, ҳаддидан ошмасинлар, бунга хилоф иш тусалар, жавобгарликка тортилсинлар.

ЎФИЛЛАР, НАБИРАЛАР, ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛАР, АМИРЛАР ВА ВАЗИРЛАРНИ СИЕСАТ ҚИЛИБ ҚЎРҚИТИШ ЙЎЛЛАРИ БИЛАН САЛТАНАТДА ИНТИЗОМ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Амр қилдимки, агар ўғилларимдан қайси бирови салтанат талаб қилиб бош кўтарар экан, уни уриб-суқиб, ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин, лекин уни кўз тагида сақласинларким, токи ўз даъвосидан қайтсин ва тангри таолонинг мулкида фасод чиқмасин. Агарда набиралар, қариндош-туғишганлар душманлик қилишса, уларни [маошдан маҳрум қилиб] дарвиш ҳолатига солсинлар. Салтанатим кўрғонлари бўлмиш амирлар, агар иш устида нифоқча борсалар, улардан амирлик мартабаси ва ерлари тортиб олинсин. Агар давлатга зиён етказгудек иш қилган бўлсалар, улар бошқа амирларга тобе этилсинлар. Агар сипоҳийлик ишларида ялқовлик қилган бўлсалар [ишларидан бўшатилиб], ёзиш-чизиш билан шуғулланувчилар орасидан иш берилсин. Яна нуқсонга қўл ургудай бўлсалар, иккинчи бор хизматга олмасинлар.

Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим. Агар булар ўз фаолияти даврида салтанатни йиқитиш қасдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам уларни ўлдиришда шошилмасинлар, балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъволарининг рост-ёлғонлигини маҳак тошига⁸ уриб текшириб кўрсинлар. Чунки ҳасадчилар ва ғийбатчилар, ё кўролмайд ёки таъмагирлик билан ёлғон тўқиб, чиндай қилиб ясаб чиқарадилар ва палид мақсадларига етишадилар. Давлат ичида бир неча олчоқ, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жон фидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар. Буларнинг мақсадлари салтанат кўрғонига раҳна солишдир. Чунончи, амир Хусайн менинг

¹ Молу жиҳот — нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ.

² Соварий — подшо ва хонлар вилоятларидан ўтаётганда халқдан тўплаб қилинадиган тортиқ. Соврин ҳам дейилади.

³ Қўналға — чопарлар ва элчиларга қўноқ (тунаш) бериш солиғи.

⁴ Шилон — подшолар ва амирларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ.

⁵ Тиюл — инъом этилган ер-мулк.

⁶ Холиса — давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сув.

⁷ Жогирдор — инъом этилган ер-сув (суюрғол) эгаси.

⁸ Маҳак тоши — олтинга суртилса тоза ё сохталигини аниқлаб берадиган қора тусли бир тош. Бу ўринда кўчма маънода ишлатилган.

вазирларимдан бирини алдаб, амир Ики Темур, Амир Жокуни, (иккалалари давлатимнинг икки қўли эрдилар) менга қарши қўймоқчи бўлиб, гап чиқарди. Мен унинг хиёнатини фаросатим-ла сезиб қолдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга солдим.

Шунга ўхшаш менинг яқинларимдан баъзилари [ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида] улуғ ва эътиборли амирларимдан амир Аббосга ҳасад ва душманлик қилиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини алангалатдилар. Натижада [гапларини текшириб кўрмасдан] ғазаб устида амир Аббосни ўлимга буюрдим. Бироқ охири, уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат қилганликларини англадим, қилган ишимдан ўқиниб, пушаймон бўлдим.

Мамлакат хазиначилари бўлган, молия вазирлари, молия ишларида хиёнат қилиб, [бойликнинг бир қисмини] ўзлаштириб олган бўлсалар, текшириб кўрилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи, [ўзига] тегишли улufаси миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ хазинага берилган совға-инъом ўрнида қайтариб олинсин, агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, оладиган маоши ҳисобидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, бутун мол-мулки давлатга тортиқ сифатида олинсин.

Яна ҳукм қилдимки, вазирларга, ортиқча эътибор бермасинлар, чунки алоҳида иззат-икром кўрсатиб, ўзларини [уларнинг назарида] обрў-эътиборсиз қилиб қўядилар. Бу эса салтанатга зиён етказиши мумкин.

Ғаразгўй, бузуқи ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунёталабдирлар. Агар вазирлар бундай одамларнинг кўнглига қарасалар, давлатга хиёнат қилган бўлурлар, қарамасалар улар вазирларга душманлик қилурлар.

Чиғатоёхоннинг бир вазири бор эди. Ғаразгўйлар уни хазинадан бир неча минг олтин ўғирлади, деб [хонга] ёзган эдилар. Хатни хонга кўрсатганларида, у мазкур вазирни ҳузурига чақиртирди ва унга итob¹ қилиб деди: «Сен назари паст одам олибсан!» Доно подшоҳнинг вазири бўла туриб, мамлакатимдан шунчалик оз нарса олибсан!» Доно вазир [хоннинг] бу қадар катта эҳсонидан мамнун бўлибди ва бор давлатининг барчасини келтириб хонга пешкаш қилибди. [Бу билан] хон олдида ўз мартабасини ва обрў-эътиборини сақлаб қолбди.

[Яна ҳукм қилдимки], қайси бир сипоҳ ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топширсинлар, токи додига ўшалар етказсинлар. Агар катталар ва маҳаллий бошлиқлар кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимнинг кўтаришича жарима солсинлар. Агар доруғалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимнинг кўтаришича жарима солсинлар. Агар доруғалар ва ҳоқимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг, ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.

Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса ёсо² бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик қилиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан тортиб олиб эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менга етказсин.

ВАЗИР ТУТИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимким, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси, асиллик, тоза насллик, иккинчиси — ақл-фаросат; учинчиси, сипоҳу раият аҳволидан хабардор ва уларга хушмуомалада бўлиш; тўртинчиси, сабр-чидамлик ва тинчликсеварлик.

Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар ва вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар, мамлакат ишларини, сипоҳу ва раият ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз; ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин.

Камолатга етган вазир улким, давлат муомалаларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли-насли тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида унинг асиллиги ва тоза наслиги кўриниб турсин. Душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар кимни яхши сўзлар билан тилга олади. Бировдан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик

¹ Итob — қаҳр-ғазаб билан сўроқ қилиш.

² Ёсо — Чингизхон жорий этган қонун.

кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиладики, у шахс [охири] ёмонлигидан қайтади. Ўзига ёмонлик қилган одамга шундай яхшилик қиладики, у олдига бош эгиб келади.

Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кина-кек сақловчи, қора кўнгил кишиларга зинҳор вазирлик [лавозими] берилмасин. Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди. Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низом ул-Мулкни мартабасидан туширди. У эса бодшан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари, зулми-ситами ва нафсининг ёмонлиги натижасида салтанат биноси бузила бошлади. Шунга ўхшаш яна бир мисол. Аббосийлардан халифа Мустаъсим биллоҳ¹ ҳасадчи, гина-кудуратчи ибн Альамийни [ўзига] вазир этиб тайинлади. Кўнглида халифага нисбатан гина-кудурат, душманлиги бор бўлганлиги учун, халифани мунофиқона гаплар билан алдаб, ўзи эса Халокхон билан тил бириктириб, уни халифалик тепасига олиб келди, халифа Мустаъсимни [эса] қўлга олиб, ўлимга буюрди. Шундай бўлгач, асли тоза, насли пок, улуғ зотлардан бўлган, яхши равишли кишилардан топиб, вазир қилинглари. Асли тоза киши хатоликка йўл қўймайди, бадасл эса вафо қилмайди.

Хулласи калом, вазир софлик, тўғрилик билан вазирлик ишларига киришиб, давлатнинг молия, мулккия ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузуқлик қилмай, омонатга хиёнат этмай бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга етказсинлар. Қайси вазир нафси бузуқлик қилиб, ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай ундай салтанатдан хайру баракат кўтарилади.

Доно вазир шулдирки, ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунё талаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиқлик ишлатса ундан қочадилар ва унга [бошқа] йўламайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар қўллаб [яхши] англаган ҳолда бажариб, давлатни тартиб-интизомга келтиради. Салтанат ишларини сабр-тоқат, чидам билан адо этади. Салтанат ишларини ўз ўрнида қаттиққўллик, ўз ўрнида мулойимлик билан ҳал қилади. Бу хилдаги вазирни давлат шериги деб билсинлар, чунки давлату салтанат уч нарса билан: подшо, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир [буларнинг] ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутеди. Жами, яхши хулқлар соҳиби бўлган вазир азият етганда ҳам ҳеч кимга кўнглида гина-адоват сақламайди. Агар гинаю кек сақлаб, душманлик қиларкан, бундай вазир мунофиқдир. Ундай вазирдан эҳтиёт бўлиш керак, чунки давлат душманлари билан тил бириктириб, хазинани ва лашкарни хароб қилади. Ақлли вазир улки, бир қўли билан раиятни, иккинчи қўли билан эса сипоҳни тутеди. Олгулик жойдан олиб, бергулик жойга беради. Сергаклик ва эҳтиёткорликни қўлдан бермайди. Тўғрилик ва ростлик билан муомалада бўлиб, ҳар ишнинг оқибатини ўйлаб иш тутеди. Давлат фойдасини кўзлагани учун, бировга душманлик қилишни кўнглига келтирмайди. Тажрибали, ишбилармон вазир шундай бўладики, мамлакат ободонлигини, раият ва сипоҳнинг тинчлик-фаровонлигини, хазина бойлигини доим кўзда тутеди. Давлат, салтанатга фойда келтирадиган ишларни бажаришга тиришиб ҳаракат қилади. Салтанатга зарар етказадиган ҳатарли ишларни йўқотишда молу жонини аямайди. Сипоҳу раиятга тегишли муҳим ишларни яхшилик йўли билан, тўғри тадбир ишлатиб бажаради. Яхши хулқли вазир шулки, унинг яхши ишлари ёмон феълларидан устунлик қилади.

Менинг эшитишимча, Низом ул-Мулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, яхши ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтда авлиёлардан бири унга дебди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир».

Яна эшитганманки, Али ибн Лақатий халифа Хорун ар-Рашиднинг вазири эди. Ундан тангри таолонинг бандаларига кўп нафу фойда етарди. Қунлардан бири куни ўз ихтиёри билан вазирликни тарк этмоқчи бўлибди. [Ушанда] дин пешволаридан бири унга шундай деб ёзибди: «Сен халифа даргоҳида мулозимлик қилиб, вазирлик ишини бажариб туравер. Бу ишни ташлашни ўйламагин ҳам, чунки бу [мартабада туриб] халққа етказаетган ёрдаминг ва нафинг, сен қилган бутун ишларинг ва ҳаракатларингнинг энг олийсидир».

Яна шуни эшитдимки, ҳазрати пайғамбаримиздан, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, сўрабдилар: «агар сиз набий ва расул² этиб юборилмаганингизда, қайси иш билан шуғулланардингиз?» Улар шундай деб жавоб берган эканлар: «Султонлар хизматида бўлишни ихтиёр этиб, тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказардим».

¹ Мустаъсим биллоҳ — Аббосийларнинг сўнгги халифаси (1242—1258).

² Набий ва расул — (араб. илоҳий хабар келтирувчи). Барча динларда худонинг фармоишини инсонларга етказиб турувчи воситачи шахс деб тасаввур этилади. Уларга эътиқод қилиш диний ақидалардан бири ҳисобланади.

Шу сабадан, халққа ёрдаму мадад бериш мақсадида, мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжага вазирлик ҳамда сипохсолорлик қилишга рози бўлгандим. Тангри таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, оллоҳ [мени] салтанат мартабасига етказди.

Тадбиркорлик ва қилич воситаси билан бирор мамлакатни забт этган ёки [ҳимоя этиб] сақлаб қололган вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар. Унинг мартабасини ошириб, уни «қилич ва қалам соҳиби» деб атасинлар.

Ақлли, ҳушёр вазир шундай бўлурки, бир тўғри тадбир қўллаб [ғанам] қўшинини пароканда қилиб юбора олади, муроса мадора, хушмуомалалик билан сипохни бирлаштириб, душман лашкарини ўзига ром қилади. Бундай вазир валийнеъматнинг соқчиси бўлиб, подшосининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлик ва узоқни кўра билиши билан осонлаштиради. Агар салтанат ишларида жумбоқ учраса, ақлу фаросатини ишлатиб уни ечиб юборади. Чунончи, Алибек худди қарғалардек устимга ёпирилиб келиб, мени банд этгач, бурга тўла уйга қамаб қўйдилар. Вазирларимдан Азизиддин Термиздан юриш қилиб, менга ёрдам бериш учун етиб келди, [тадбир ишлатиб] Алибекни ухлатиб қўйди. [Бу иш билан] менга қувват бағишлади, шижоат ва мардлигим тутиб, қўлимдаги қилич зарби билан кўп соқчилар орасидан қутилиб, нажот топдим. Шунга ўхшаш, Низом ул-Мулк ҳам Султон Маликшоҳни қайсар бандидан халос этган эди. Шундай бўлгач, бунақа вазирни давлат шериги билиб, азиз тутсинлар, зинҳор унинг сўзидан чиқмасинлар, у нима деган бўлса бари ақл кўзгусидир.

Агар подшо золим бўлиб, вазирни одил бўлса, подшонинг жабр-зулмини (тўхтатиш) чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди.

АМИРЛИК ВА ҲУКМДОРЛИК ТУЗУГИ

Хос навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, пок наслик, ақл-фаросатлик, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олдини ва орқасини ўйлаб иш тутадиган кишилар эдилар. Уларнинг ҳар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда, ўринбосар унинг ўрнига ўтиради ва уни «амирликка номзод», деб атайдилар. Менинг бу уч юз ўн уч амирларимнинг бариси ақл-ҳуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар бўлди.

Таҷрибамдан синаб, билдимки, жангнинг сир-асрорини, ғанам аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотиб, қўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар тўдаларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади.

Шундай киши амир ул-умаро бўла оладики, мен йўғимда базм-размда ўринбосарим бўлиб, шон-шавкат билан бутун аскарга буйруқ бериб, қаршилик қилганларни жазолай оладиган бўлса.

Уч юз ўн уч кишидан тўрт нафарини бегларбеги этиб, бир кишини амир ул-умаро қилиб тайинлашни буюрдимки, унинг ҳукми юришларда, урушларда амирлар ва бутун сипоҳ томонидан сўзсиз ижро этилсин. У ўзим боримда йўлдошим, йўғимда эса ўринбосаримдир.

Ғайратли, ор-номусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда амирлик даражасини бердим:

Биринчи амирга минг кишига буйруқ бериш ҳақини бериб, уни амир қилиб тайинладим. Иккинчи амирга икки минг кишига буйруқ бериш ҳақини бериб, мазкур икки минг аскарга амир этиб қўйдим. Шунга ўхшаш учинчи амирни — уч минг, тўртинчисини — тўрт минг, бешинчисини — беш минг ва шу тартибда ўн иккинчи амиргача кўпайтириб бориб, олти мингдан ўн икки минггача аскарга амир этиб белгиладим. Амирлик тартибига қараб, бирини иккинчисига ноиб этдим. Масалан, биринчи амирни иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирни учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амирни ўн иккинчи амир ноиби қилиб белгиладим. Ун иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби бўлди. Амир ул-умаро эса менинг ноибим ҳисобланади. Қайси бир амирга бирор қор-ҳол бўлса, ўрнига ноиби ўтирсин.

Яна буюрдимки, ўша уч юз ўн уч кишидан юзтаси — ўнбоши, юзтаси юзбоши, юзтаси мингбоши бўлсин. Жанг пайтида амир ул-умаро — амирларга, амирлар — мингбошиларга, мингбошилар — юзбошиларга, юзбошилар — ўнбошиларга бошлиқ деб буйруқ бердим. Шунингдек, ўнбошининг ишини — юзбошига, юзбошининг ишини — мингбошига, мингбошининг ишини — амирга, амирнинг ишини — амир ул-умарога буюрмасинлар. Ўнбоши билан битирса бўладиган ишни юзбошига, юзбоши билан битарлик ишни мингбошига юбормасинлар. Амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур.

СИПОҲИЙЛАРНИ ЭНГ ҚУЙИ ДАРАЖАДАН ОЛИЙ МАРТАБАГАЧА КЎТАРИШ ТУЗУГИ

Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни, биринчи мартаба бўлса — ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар. Ўнбоши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда уни ўнбоши қилсинлар. Қилич чопишда ўзини ҳимоя қила туриб кўзга ташланган аскарлар бундан истиснодир, чунки ҳўкиз ҳам сузишганда шохини ниқтайди. Шундай экан, лашкарнинг наслига ҳам қараш лозим. Агар мингбоши қилич зарби билан ғанимнинг бир тўда лашкарини синдирса, уни биринчи амир этиб тайинласинлар. Биринчи амир душман аскарни сафини бузиб баҳодирлик кўрсатса, иккинчи амир даражасига кўтарсинлар. Шунга ўхшаш қайси амир душман тўпини тўздириб, иш кўрсатар экан, уни ўз мартабасидан юқори кўтарсинлар. Сипоҳийлардан ҳар ким астойдил шамшир чопгудай бўлса, маошини оширсинлар. Қайси бир сипоҳ урушдан юз ўгириб қочадиган бўлса, уни даргоҳимга киритмасинлар¹. Агар ночорликдан мажбур бўлиб чекинган бўлса, узрини қабул қилсинлар. Агарда ваҳима босиб, кўрқувдан шундай қилган бўлса, уйига қайтарсинлар. Қайси сипоҳий душман қаршисида қилич чопиб, ярадор бўлган бўлса, уни тақдирлаб инъом берсинлар, бордию яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланганлигини эътиборга олсинлар, чунки у ғанимга ҳужум қилмай, душман ҳамласи вақтида яраланган бўлса ҳам, яраси унинг қочмаганлигига гувоҳдир. Шунинг учун ҳам сипоҳийлик ҳақини сақласинлар. Қайси бир сипоҳ хазматда юриб қарилик ёшига етаркан, уни маошидан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик керак. Ҳеч бир сипоҳнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фойи дунё нақдидан аямаганликлари учун ҳам инъомга ҳақли ва лойиқдирлар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик бўлур эди.

Яна амр қилдимки, қайси бир амир, вазир ёки сипоҳийнинг менинг давлатимга хизмати синггани аниқ бўлса — ғаним лашкарини синдирган, бирор мамлакатни забт этган ёки [кўзга кўрингудек] қилич чопқилашган бўлса унинг хизматини тақдирлаб, ҳақини адо қилсинлар. Ёши улўф, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, қангалари дидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўрниларига ўтказсинлар.

Яна амр қилдимки, ғаним томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар, унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қилса, навкар қилсинлар; йўқ эса уни озод этсинлар. Бунга мисол, мен [қайсар билан урушда] қўлга тушган тўрт минг румлик аскарни озод қилдим.

Ғаним сипоҳийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопган, сўнгра ихтиёрий равишда ёки мажбур бўлиб паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар. Чунки [у] ўз давлатига вафодорлик қилиб, еган туз-намаги ҳақини сақлаган. Шунга ўхшаш мен ҳам Шер Баҳромга нисбатан шундай қилдим. Амир Ҳусайн урушида мен билан юзма-юз тўқнашиб, қилич чопқилашди, кейинроқ эса ўзи иложсизликдан менинг паноҳимга келганда уни ҳурматладим.

Ва Менгли-Буғо Балх урушида менга қарши лашкар тортиди. Жанг бошланишидан аввал ўзим томонга оғдириш мақсадида унга хат юбордим. У эса Туғлуқ-Темурхоннинг ҳақига кўрнамаклик қилмади ва менга қарши лашкар тортиб, эрларча жанг қилди. Охири енгилди. Кейинчалик ўз ихтиёри билан ҳузуримга тизза уриб паноҳ излаб келганда, унинг мартабасини улўғладим, илтифоту марҳаматлар кўрсатдим. Унга қилган иноятларим ҳақи ўртаимизда ўтган ишларни бутунлай унутди. Йиғинларда унинг қилган баҳодирликларидан сўзлаб, офарин айтар эдим. Ўзи аслида эр йигит бўлгани учун менинг давлатимда ҳам кўп баҳодирлик кўрсатиб, мени мамнун қилди ва Озарбайжон урушида Қора Юсуф [туркман] билан тўқнашганимда ва лашкарим оғир аҳволга тушиб қолганда, у Қора Юсуфнинг [майдонда ўлган] аскар бошлиқларидан бирининг бошини найза учига санчиб ва баланд кўтариб уни Қора Юсуфнинг боши деб ва уни ўлди деб лашкарга айтди. Ва лашкарим [жангга] ташланди ва Қора Юсуф лашкарининг қалбига² ҳужум қилиб, Қора Юсуфни қочирди. Бу урушда Қора Юсуф устидан қозонилган ғалабани Менгли-Буғо отига ёздирдим ва мартабасини оширдим.

АМИРЛАР, ВАЗИРЛАР, СИПОҲ ҲАМДА РАИЯТНИ ТАҚДИРЛАБ, ИНЪОМ ВА СОВҒАЛАР БЕРИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: [биринчиси] фахрли хитоб, туғ ва ногора бериб, уни баҳодир деб атасинлар. [Иккинчиси] уни давлат ва салтанат шериги билиб, кенгаж мажлисига киргизсинлар. [Учинчиси] унга чегара вилоят топширилсин ва ерлик

¹ Сўзма-сўз: унга кўриниш бермасинлар.

² Қалб — қўшиннинг марказ қисми.

амирлар унга бўйсинсинлар. Агар амирлардан қайси бирови тўра(хон ўғли)ни енгса ё бирон амирзодага шикаст еткизса, ёки бирор ўлка хонини қочирса, уни юқоридаги йўсинда мукофотласинлар. Чунончи, Дашти Қипчоққа, Урусхонга қарши юборган амир Ику-Темур уни енгиб қайтгач, уни мукофотлаб, тумон, туғ, байроқ ва ноғора бердим ва давлатимга шерик қилиб, ўзимга маслаҳатчи ва вазир қилдим, кенгашларимга киритдим, чегарадаги вилоятлардан бирини унга тақдим этиб, амирларини унга бўйсундирдим. [Шунда] ҳасадчилар унинг ҳақида [турли ўйдирма] гапларни айтиб, «Урусхон улусини талон-торож қилиб, мол-мулкни ўзиники қилиб олди», — дедилар ва бу гаплар билан ундан кўнглимизни оғритдилар. Лекин мен эшитган Баҳром Чубин қиссаси тажрибамни оширди. Воқеа бундай бўлган экан. Хоқон¹ уч юз минг қонхўр турк аскарлари билан Хўрмуз ибн Нуширвон² устига юриш қилди. Хўрмуз эса Нуширвоннинг вазири, маслаҳатчиси ва сипоҳсолори бўлмиш Баҳром Чубинни уч юз йигирма минг эроний аскар билан хоқонга қарши йўллади. У хоқон лашкари билан тўқнашиб, уч кечаю уч кундуз жанг қилди. Охири хоқонни енгиб, бор ҳақиқатни Хўрмузга арз қилди, ўлжа қилиб қўлга киритган бутун мол-мулкни Хўрмузнинг ҳузурига жўнатди. Шу аснода ҳасадчилар ва ғийбатчилар Хўрмуз мажлисида унга қарши тўхмат қилиб, «Баҳром мол-мулкнинг катта улушини ўзига олиб қолди, хоқоннинг қиличи, асл қимматбаҳо тошлар билан безатилган тожи, жавоҳирлар қадалган этигини ўзи эгаллади», дедилар. Хўрмуз ҳам хомтаъма бўлиб, Баҳромнинг хизматларини унутди, ғаразғўй ва ғийбатчи кишиларнинг гапларига ишониб, уни [Баҳром Чубинни] гуноҳкор ва гиначи деб билибди ва унга аёллар ёпинчиги, кишан ва занжир юборибди. Баҳромнинг бўйнига кишан солиб, оёқларига занжир боғлаб, аёллар кийимини кийдиришни буюрибди. Сўнг амирлар, сипоҳ бошлиқларини ҳузурига чақиртириб, саройда уни барча йиғилганларга кўрсатибди. Саркардалар ва бошқа сипоҳийлар бу ҳолни кўриб, Хўрмузга таънаю дашномлар ёғдириб, ундан ихлослари қайтибди. Кейинроқ сипоҳ иттифоқ бўлиб, Баҳром Чубин бошчилигида Хўрмуз даргоҳига бостириб келибдилар. Уни салтанатдан тушириб, Ажам мамлақати салтанатининг тахтига Хусрав Парвизни³ ўтказибдилар.

Мен бу воқеадан сабоқ олганим сабабли, сипоҳимнинг таънаю дашномларига қолмаслик учун Амир Ику Темурни ҳузуримга чақирдим; сарой ходимлари ва халқни тўплаб мажлис қурдим ва Урусхон улусидан ўлжа қилиб олинган бутун мол-мулкни бир ерга тўплаб, Амир Ику Темурга ва у билан бирга қилич чопган баҳодирларга ва сипоҳийларга инъом қилдим.

Яна амр қилдимки, жангда ўзини кўрсатиб, қаршисидаги ғаним лашкарини синдирган ҳар бир амирнинг мартабасини оширсинлар. Чунончи, Тобон баҳодир Тўхтамишхон билан бўлган урушда [от солиб], ғаним байроқдорига етиб олди ва душман байроғини ерга туширди, ўзи бир неча еридан яраланди. Ҳасадчилар ва шу қаҳрамонликка даъвогар бўлганлар, унинг бу хизматини мендан яширмақчи бўлдилар. Лекин мен уни [инъомдан] холи қолдириш инсофдан эмас, деб билиб, Тобон баҳодирга амирлик даражасини бердим. Сўнгра уни тарбият қилиб, туғ тақдим этдим.

Яна амр қилдимки, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилардан қайси бири душман сафини бузиб, ўз қаршисидаги аскар тўдасини синдирса, ўнбоши бўлса шаҳар ҳокимлигини берсинлар, юзбоши бўлса уни вилоят ҳукмдори этсинлар. Бунга мисол [шулки] юзбоши Барлос баҳодир Тўхтамишхон [билан бўлган] урушда ғаним қўшини билан тўқнашиб, душман лашкарини синдирди. Уни Ҳисори шодмон⁴ вилоятига ҳоким этиб тайинладим. Яна буюрдимки, мингбошилардан биронтаси қаршисида турган ғаним лашкарини синдирса, уни мамлакат ҳукмдори қилсинлар. Бунга мисол Муҳаммад Озод [бўлиб], Катур урушдан [бир оз бурун] Бурхон ўғлон лашкарини мағлубиятга учратган сиёҳпўш⁵ жамоасини енгиб, уларни синдирди. Муҳаммад Озодни Қундуз ва Қўлоб вилоятларига волий қилиб тайинладим.

Яна ҳукм чиқардимки, амирлардан қайси бири ғаним қўлидаги бирор мамлакатни фатҳ қилиб, душман тасарруфидан озод қилса, уч йил давомида шу мамлакат [даромадини] унга инъом тариқасида берсинлар.

Ва амр қилдимки, қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида чумоқ, безатилган ўтоға, турна беллик қилич ва бир от берсинлар, ўнбошилик мартабасига кўтарсинлар. Иккинчи, учинчи бор баҳодирлик кўрсатса, юзбоши ва мингбоши мартабасига етишади.

КАТТА НОҒОРА ВА БАЙРОҚ АТО ЭТИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, ўн икки [катта] амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора берилсин, амир ул-умарога байроқ ва ноғора, тумон туғи ва чортуғ⁶ тақдим этсинлар.

¹ Бу ерда 590 йили Эронга бостириб кирган турк хоқони Шаба назарда тутилган.

² Хўрмуз ибн Нуширвон — Хусрав I (531—579) нинг ўғли Хўрмуз IV (579—590).

³ Хусрав Парвиз — Сосонийлар сулоасидан Хусрав II Парвиз (591—625).

⁴ Хисори шодмон — Қадимги Сағонийн (Чағонийн) вилоятининг XVI—XVII асрлардаги номи.

⁵ Сиёҳпўш — Катур (Кофристоннинг бир вилояти) халқининг манбаларда аталиши.

⁶ Тумон туғи ва чортуғ — байроқнинг икки хили ёки амирларнинг даражасини билдирувчи учи ўткир найза.

Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора берсинлар. Аймақларнинг амирларига бўлса биттадан сурнай [бурғу] тақдим этсинлар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва сурнай берсинлар.

[Ўн икки] амирдан қайси бири душман қўшинини синдирса ёки ғаним қўли остидаги бирор мамлакатни фатҳ этса, уни тақдирлаб, агар биринчи [даражали] амир бўлса, иккинчи [даражали], иккинчи бўлса учинчи [даражали], учинчи бўлса, тўртинчи [даражали] амир мартабасини берсинлар. Шу тартибда ўн биринчи [даражали] амирғача давом эттирсинлар. Агар ўн биринчи [даражали] амир бўлса, уни ўн иккинчи [даражали] амир қилиб, байроқ, туғ ва ноғора берсинлар. Шу йўсинда биринчи [даражали] амирга битта туғ, иккинчисига — иккита, учинчисига — учта, тўртинчисига — тўртта туғ ва ноғора бериб, уларни тумонтуғ ва чортуғ олиш мартабасига етказиб рағбатлантирсинлар.

СИПОҲНИНГ ЯРОҚ-ЖАБДУҚЛАРИ ВА АНЖОМ-ЖИҲОЗЛАРИ ТУЗУГИ

Шундай буйруқ бердимки, юришлар вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, бир қоп, жуволдўз, болта, ўнта игна ва чарм халта олсин.

Баҳодирлардан ҳар беш киши бир чодир олсин. Ҳар бири бир дубулға, бир қилич, ўқдон, камон ва ўқ-ёйларини ўзлари билан олсинлар. Ўнбошининг ҳар бири чодир, пўлат совут, қилич, ўқдон, камон ва бешта от олсин. Юзбошилардан ҳар бири бир чодир, ўнта от, қурол-аслаҳадан — қилич, ўқдон, камон, гурзи, чўқмор, коскан, пўлат совут, багтар¹ олсин. Мингбошилар эса ҳар бири битта чодир, бир соябон, қурол-аслаҳадан — пўлат совут, оддий совут, дубулға, найза, қилич, ўқдон, ўқ-ёйдан кўтарганича олсин.

Биринчи амир бир чодир, бир ўтов, бир жуфт соябон, қурол-аслаҳадан шу миқдорда олсинларки, қўл остидагиларга ҳам бергудек бўлсин. Шунга ўхшаш иккинчи, учинчи, тўртинчи амирдан тортиб то амирлар амирғача; ҳар қайсилари, ўз мартабаларига яраша, чодирдан, ўтовдан, отлардан бошлаб, то бошқа ҳарбий анжомларгача саранжом-саришта қилиб қўйсинлар. Биринчи амир бир юз ўн от, иккинчи амир бир юз йигирма, учинчи амир бир юз ўттиз, тўртинчи амир бир юз қирқ, амир ул-умарога етгунча тартиб шундай бўлсин. У эса ўзи билан бирга уч юздан кам от олмасин.

Пиёдалар бўлса ҳар бири ўзи билан бирга бир қилич, бир камон ва кўтарганларича ўқ-ёйдан олсинлар: бироқ жанг пайтида тузуқларда кўрсатилганидан кам бўлмасин.

УРУШ ВА ТИНЧЛИК [ВАҚТИДА] СОҚЧИЛИК ҚИЛИШ ВА МАЖЛИС-ИЙҒИНЛАРДА ҲОЗИР БУЛИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм мажлисларига кулоҳсиз, этиксиз, сармузасиз², бўрқ ёқалик чакмонсиз ва бўқдасиз ҳозир бўлмасинлар. Ўн икки минг қилич осган аскар бутун яроқ-аслаҳалари билан кўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан қуршаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши соқчилик қилиш учун ҳозир бўлишсин. Ҳар юз қиличли устига бир юзбоши қўйилсин ва унга келишилган махфий сўзни [пароль тарзида] айтсинлар.

Яна амр қилдимки, уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг қуролланган отлик сипоҳи билан бир кеча-кундуз давомида хонларни қўриқлаш учун ҳозир бўлсинлар. Бу ўн икки минг отлик лашкарни тўрт тўдага (фавж) бўлиб, бир тўдасини баронғорга, бошқасини жавонғорга, биттасини ўрдунинг³ олдига, бошқасини эса [ўрдунинг] орқа тарафига тайинласинлар. Ушбу тўдалар навбатма-навбат ўрдудан ярим фарсанг узоқлашиб соқчилик қилсинлар. Ушбу тўрт сипоҳий тўдалари ўзлари учун ҳировул⁴ белгиласинлар, ҳировулдан эса қоровуллар⁵ тайинлансин, улар бўлса эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, ўрдуга хабар етказиб турсинлар.

Яна ҳукм қилдим, атрофимда жойлашган лашкар ва ўрдуга, ҳар бирида [алоҳида] биттадан кутвол⁶ тайинласинлар ва ўрдуни қўриқлаш, соқчилик қилиш ишлари шулар устига юклансин, бозор аҳлидан⁷ солиқ олиш ҳам шулар зиммасида бўлсин. Агар ўрду аҳлидан бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса, улар жавобгарликка тортилсинлар.

[Қўшин орасидан] тўрт тўда чопқунчилар тайинлашни буюрдим. Булар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб уларни қўриқлаб борсин. Бордию лашкардан бирон киши ўлдирилганини ёки яраланганини кўрсалар, унинг ишини ўз зиммаларига олишлари ло-

¹ Багтар — темирдан ясалган, усти бахмал ёки заррин мато билан ўралган уруш кийими.

² Сармуза — калишга ўхшаш оёқ кийими.

³ Ўрду — юриш пайтида подшо ва хоннинг қароргоҳи, қўшин жойлашган ер, лагерь.

⁴ Ҳировул — бирон қисм (марказ, қанот) олдида турувчи бўлинма.

⁵ Қоровул — хабарчи қисм.

⁶ Кутвол — комендант.

⁷ Бозор аҳли — ўрду атрофида савдо-сотиқ билан машғул бўлган кишилар.

зим, ё бўлмаса бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса [ва йўқолса] улар жавобгар бўлсин. Яна буюрдимки, лашкарнинг учдан бир қисми сарҳадларни қўриқлаш ишига белги-лансин, [учдан] икки қисми эса [доим] салтанат хизматига ҳозир бўлиб турсин.

ВАЗИРЛАРНИНГ ХИЗМАТ ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Амр қилдимки, тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар.

Биринчи — мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муомалаларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар [ва] уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, [мамлакат] ободонлигини, [аҳолининг] фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин.

Иккинчи — сипоҳ вазиридирки, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳоларини¹ бошқарсин, тарқоқ ҳолатга тушиб қолмасликлари учун [доимо] сипоҳ аҳволдан хабардор бўлиб турсин ва аҳволини менга хабар қилиб турсин.

Учинчиси — эгасиз қолган, ўлиб кетганлар ва қочганларга тегишли молларни, халқдан [йиғилган] закот ва божларни, келиб-кетаётган [савдогарлар]дан олинадиган молни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-яйловларини, улардан йиғилган даромадларни омонат тарзида сақловчи вазирдир. Ҳойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулкни бўлса, меросхўрларига топширсин.

Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, [ҳатто] отхона ва [саройдаги] бошқа жонзотларга қилинган харажатлардан огоҳ бўлиши керак.

Яна амр қилдимки, сарҳадлар ва мамлакат ичидаги мол-мулкни назорат қилиб, у ерлардаги давлат аҳамиятига молик бўлган молиявий муомалалар ва вилоятлардан тушадиган даромадларни текшириш учун яна уч вазир тайинлансин. Бу етти вазир девонбегига бўйсинишлари керак ва у билан иттифоқда муҳим молиявий ишларни адо қилиб, менга хабар берсинлар.

Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинларки, сипоҳ, раият, арздод қилувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин.

Амр қилдимки, садрлар садри² сайидлар ва бошқа арбобларга суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, улар вазифаларини [қай даражада адо этаётганликларини] текшириб, менга арз қилсин. Ислом қозиси эса шарият ишларининг бориши ва аҳдос қозиси³ дунёвий ишлар ҳақида менга арз қилсинлар.

Яна амр қилдимки, салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, сипоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш-тадбирларни ҳос мажлисда арз қилсинлар. Бу мажлисларда махфий ва сирли ишларни сақлашга қодир бўлган махсус котиб ҳозир бўлиб, ростлик қалами билан махфий-яширин кенгашларни ва гапларни [дафтарга] ёзиб борсин.

Ва яна мажлис котибларини тайинлашни буюрдимки, девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда қўрилган ва ҳал қилинган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини [дафтарларга] ёзиб олиб, сақлашлари лозим. Менга арз қилинган гаплар, чиқарган ҳукмларим, мажлисларда қўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб, жузъий ишларгача барчасини қаламга олиб, [бошимдан кечирган] воқеалар дафтаримга киргизсинлар.

Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин.

УЛУСЛАР, ҚҶШИНЛАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ АМИРЛАРИ МАЪМУРИЯТИ ТУЗУГИ

Буюрдимки, юриш вақтида ҳар бир улус ва туман амири ҳар чодирликдан бир отлик, ҳар икки олачуқдан⁴ бир отлик, ҳар бир уйдан бир отлик аскар ажратиб, ўзлари билан бирга олиб кетсинлар. Улар қайси мамлакатга келиб тушсалар, улүфалари ўша ернинг суғориладиган майдони (обхўр) ва ўтлоғи (алафхўр)дан бўлсин. Улусларнинг амирларига ярғу⁵ ва байроқ берсинлар. Амирлар улүслар ва туманларнинг ҳоли-қудратига яраша отлик аскар ҳозирлаб юришга олиб келсинлар.

Қарамоғимдаги қирқ аймақдан [қуйидаги] ўн иккитасига тамға берилсинки, булар менинг хос навкарларимдан бўлиб ҳисоблансинлар: барлос, тархон, арғун, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сўлдуз, туғой, қипчоқ, орлот, тотор.

¹ Тоғу тахт учун қилган хизматлари эвазига берилган инъом.

² Садр — вақф ерлар ва вақф этилган бошқа мулкнинг ҳисоб-китобини олиб борувчи мансабдор. Садрлар садри — бош садр; садрлар бошлиғи.

³ Аҳдос қозиси — урфий ишларни сўровчи қози.

⁴ Олачуқ (олачуғ) — чайла, қапа.

⁵ Ярғу — ҳуқуқ, ҳукм.

Барлос улусидан [қуйидаги] тўрт кишини амир ул-умаро қилдим: Амир Худайдод. Унга Бадахшон мамлақатини инъом қилдим. Амир Жоку, Амир Ику Темур ва Амир Сулаймоншоҳ. Буларга ҳам биттадан сарҳад мамлақатини тортиқ қилдим. Барлос улусидан яна юз кишини мингбоши қилдим. Амир Жалолиддин барлосга ўнинчи амир [даражасини] бердим. Амир Абу Саидни тўққизинчи амир даражасига кўтардим.

Тархон улусидан амир Боязидни еттинчи амир [даражасига] тайинладим. Улардан йигирма кишини юзбоши қилдим.

Арғун улусидан Тошхўжани саккизинчи амир қилдим. Булардан йигирма кишини мингбоши, юзбоши ва ўнбоши қилиб тайинладим.

Жалоир улусидан Туқ Темур ва Шер Баҳромни саккизинчи ва тўққизинчи амир этиб тайинладим. Булардан йигирма кишини юзбоши ва ўнбошиликка белгиладим.

Тулкичи улусидан Улжойту апердига амирлик [мартабасини] бердим.

Дулдай улусидан Тобон баҳодир ва Сон баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Мўғул улусидан Темирхўжа ўғлонни амирлик мартабасига етказдим.

Сулдуз улусидан Элчи баҳодирга амирлик [мартабасини] бердим.

Туғой улусидан Али Дарвишни амир қилдим.

Қипчоқ улусидан Сори Буғога амирлик бердим.

Орлот улусидан Амир Муайядким, синглим унинг никоҳида эди, амир ул-умаро этиб тайинладим. Сўлойчи баҳодирни ҳам амирликка кўтардим.

Тотор улусидан Кунакхонга амирлик [мартабасини] бердим.

Тамғага етмаган йигирма саккиз аймақ бошлиқларига улус амирлигини бердим. Улар юриш, жангу жадал вақтида тузукка биноан ўз улусидан отлиқ аскар тўплаб, [хузуримга] ҳозир бўлсинлар.

НАВКАРНИНГ БЕГИГА ВА БЕКНИНГ НАВКАРИГА МУОМАЛА ҚИЛИШИ ТУЗУГИ

Тўғри навкар билсинки, у [агар] ўз навкари бўлган тақдирда ундан нимани кўзласа, айнан шу нарсани унинг беги ҳам ўзидан кўзлайди. Шундай бўлгач, ўзини бек хизматидан озод этилган деб ҳисобламасин. Яна шуни ҳам билиши керакки, агар беги унга аввалига иноят-марҳаматлар қилса-ю, охири иноятсизлиги илтифотсизлик қилса, у ҳолда айб ва нуқсонни бегидан эмас, ўзидан ахтарсин. Тўғри навкар ўз бегига ихлос қўйиб, холис хизмат қилиши керак. Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кўнглида кина-қудурат сақласа, ихлоссизлик ва адовати туфайли бахтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос қўйган навкарнинг бойлигу давлати ва ноз-неъматлари кундан-кун ортиб боради.

Бегига эътиқоди кучли навкар улким, унинг оғир-қаттиқ эътирозли сўзларидан ранжиб, кўнглида кек сақламайди. Бегидан содир бўлган камчиликни ўзидан деб билади. Шундай навкар тарбияга лойиқдир. Қайси навкарнинг ҳиммати емак-ичмак, яхши кийинмаккагина боғланар экан, албатта иш вақтида сусткашлик қилади. Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида [меҳнатдан] юз ўғирар экан, ундай навкардан юз ўғирмоқ керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, (Булод ва Темур ўғлон бошимга иш тушганди ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби) бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай кишиларни парвардигори оламга топшириш зарур.

Яна ҳақиқий подшоларга лозимдирки, қайси навкарни ўзлари улуғлаб кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан туширмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни ташламасинлар. Кимни билган ва таниган бўлсалар уни унутмасинлар. Агар аҳён-аҳёнда унинг иззаат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгаригидан икки баробар ортиқ иззатини оширсинлар ва ўша навкарни ўз ихлоси ва эътиқодига ҳавола қилсинлар. Агар у кўнглида кина-адovat сақласа, тез орада ўзи бахтсизликка учрайди. Бегининг кўнглида яхшилиги билан жой олган ҳар бир навкар, куни келиб яхшилик кўриши ҳақдир. Қайси бир навкар ўз ихтиёри биланми ёки ихтиёрсизми [бегидан] ажраб кетган бўлса-ю, кейинроқ яна қайтиб келса, уни ҳурматласинлар, чунки у ажралиб кетганидан пушаймон бўлгани учун ҳам қайтиб келгандир.

Яна амр қилдимки, ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Агар шундай кишилардан биронтаси жанг вақтида қўлга тушса ёки ғаним томонидан умиди узилиб, бизга келиб хизмат қилишни ихтиёр қилган бўлса, уни азиз тутсинлар, мартабасини ошириб, вафодор одам деб билсинлар. Чунончи, Менгли Буғо, Ҳайдар Андахуди ва амир Абу Саид — булар олти минг отлиқ аскар билан Балх дарёси¹ бўйида менга қарши жанг қилдилар. Кейинроқ Туғлуқ Темурхондан ноумид бўлиб, менинг паноҳимга келганларида уларга иззат-икром кўрсатиб, Ҳисори шодмон, Андижон ва Туркистон вилоятларини уларга инъом қилдим.

Ва амр қилдим, ҳар бир навкар ғаним наздида ҳурмат-эътиборга эга бўлиб кадр-

¹ Балх дарёси — Амударё ўрта асрларда шу ном билан ҳам аталган.

ланса-ю, бироқ жангу жадал вақтида ўз бегига хиёнат қилиб, унинг душманига дўстлик қилса, туз ҳақини, бек ҳурматини, навкарлик [бурчини] ва [ундан кўрган] ноз-неъматларни унутса, ўз бегининг душманига ён босиб, уни ўз бегидан устун қўйса, бундай кимсани хизматга йўлатмасинлар. Ҳаётнинг ўзи бундайларнинг қилмишига яраша жазосини беради.

Қайси бир навкар юриш вақтида ўз бегидан юз ўгириб, ундан ажралиб, [сизнинг] олдингизга хизмат истаб келса, ундай навкарга ишониб бўлмайди. Ва агар маълум муддатдан кейин кўп хизмат қилиб вафодорлигини кўрсатса, у чоғда уни асраса бўлади. Агар [бирон навкар] юриш вақтида эмас, уруш бўлмаган чоғда келиб, хизмат қилишни ихтиёр этса, унга иззату эҳтиром билдирсинлар.

Агар вазирлардан ёки навкарлардан биронтаси [уруш кунларида] тадбиркорлик ишлатиб, душман билан алоқа боғлаб унга ошнолик қилса ва шу либосда ўз бегининг ишини битирмоқчи бўлса, ундай одамни энг ақлли дўстлардан ва хизматкорлардан деб ҳисоблаш зарур. Лекин бирон навкар душман билан келишиб, ўз хожасига мунофиқлик қилса, бундай навкарни душман деб билиш керак.

Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, ғанимни синдирар экан, ғаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмаслик керак, аксинча, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлансинлар.

Сипоҳий гуруҳлардан ёки амирлардан қайси бири душман билан келишиб, дўсту ошно бўлиб яшаш йўлидан бурилиб, ғанимлар [сафига] бирлашар экан, уларни юртдан чиқариб, ҳеч ердан ўрин бермасинлар. Бунга мисол, Кеш¹ лашкарининг саркардалари мендан юз ўгириб, амир Ҳожи барлос қўшинига қўшилдилар. Шундан кейин мен уларга ишонмай қўйдим.

Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалар-у, у бевафолигидан душман билан келишиб, мулкни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкум қилсинлар. Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар.

Қайси бир амир уруш кунлари, аҳвол танг бўлган пайтда, жанг майдонида ихлос қадамини маҳкам қўйиб, ошнолик ҳақини сақлаган бўлса, уни ўз оға-инисидек кўрсинлар. Чунончи, Кеш амирлари ва лашкари мендан бутунлай юз ўгирганларида [ва] амир Жоку барлосдан бошқа ҳеч кимса олдимда қолмаган бир пайтда мен амир Жокуни ўз оғамдан ортиқ кўриб, давлатимга шерик қилдим, амир ул-умаро қилиб, Балх ва Ҳисор мамлакатларини унга инъом қилдим.

ДЎСТУ ДУШМАНГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан [муомалада] бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган баъзи амирлар қилган қинғир ишларидан кўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб ўзлари шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсам, эҳсон инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликни чиқардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим. Лекин сўлдуз ва Жета амирларидан нафратландим, чунки улар Қобилшоҳ Чингизийни² амирлик, [кейинроқ] хонлик [тахти]га кўтариб, унга ихлос билан хизмат қилиш хусусида аҳду паймон бергандилар. Бироқ кейинроқ менинг салтанат тахтига ўлтирганимни эшитишгач, менга хушомад қилмоқчи бўлиб, онтларини буздилар ва уни қатл этдилар. Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, мурувату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва [тирикчилик] ашёларини аямадим.

Яна ўз тажрибамдан билдимки, содиқ [ва] вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжиганда ҳам ундан ажралмайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, менинг амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қиларкан, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

Яна ўз тажрибамда кўрдимки, жоҳилу нодон дўстдан, ақлли душман яхшироқ экан. Чунончи, амир Қазағоннинг набираси амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини, ҳеч бир душман қилмайди. Амир Худайдод менга шундай деди: «Душманингни лаълу жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг уни олиб тошга шундай ургинки [толқони чиқиб] ундан нишон ҳам қолмасин». У яна шундай деди: «Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, унга раҳм қилиб,

¹ Кеш — Шаҳрисабз шаҳри ва вилояти.

² Қобилшоҳ — асли дарвишнамо шоир, 1364 й. тахтга ўтқазилган ва ҳаммаси бўлиб тўрт ой ҳукмронлик қилган.

яхшилик ва мурувват кўрсатгил». Чунончи, мен ҳам Тўзтамишхон паноҳимга сифиниб келганда, унга яхшилик ва мурувват қилдим. Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг [ҳукмига] топшир.

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

САЛТАНАТ САРОЙИДА УТИРИШ ВА ЎРИН ОЛИШ ТУЗУГИ

Амр этдимки, ўғилларим, набираларим ва қавм-қариндошларим ўз мартабаларига яраша худди ой қўрғонлагандек салтанат тахтини ўраб ўлтирсинлар. Сайидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва шарафли кишилар ўнг томондан ўрин олсинлар. Амир ул-умаро, бегларбеги, амирлар, нўёнлар, улус бошлиқлари, туман ва қўшинларнинг амирлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, ўз мартабаларига яраша, чап қўл томонда ўтирсинлар. Девонбеги ва вазирларнинг ўрнини тахт қаршисидан кўрсатдим. Мамлакатнинг ҳар томонидан келган ҳокимлар, юрт оқсоқоллари ва ҳар элнинг обрў-эътиборли кишилари бўлса, вазирлар орақасида саф бўлиб ўтиришларини буюрдим. Баҳодир деб танилган мард йигитлар, қилич чопиб ном чиқарган ўғлонлар салтанат тахтининг орақасидан, ўнг қўл томонда, қоровулбегилар эса салтанат тахтининг орақасидан, чап қўл томонда ўтиришларини буюрдим. Ҳировул амири менинг рўпарамдан ўрин олсин, ички¹, хусусий ясовулим эса катта чодир эшиги олдида, тахтим поясининг тўғрисида тик турсин. Додхоҳлар² ўнг ва чап томондан ўрин олсинлар.

Қолган сипоҳийлар, хизматчи ва ҳашамлар³, ҳар қайсилари ўз мартабаларига яраша, саф тортиб, ўз жойларини билиб тик турсинлар. Тахтимнинг ўнг ва сўл томонида, олди ва орақасида турган тўрт мири тузукга мажлисда ҳозир бўлганларни тартиби билан жойлаштиришларини буюрдим.

Яна ҳукм қилдимки, қачон мажлис қоидага мувофиқ тартибга келтирилгач, минг товоқ ош, минг дона нон келтириб, умум йиғилганлар [омма]га шоҳона зиёфат [шилон] берсинлар. Минг товоқ ошни мумтоз ва хос кишилар базмига олиб келиб, шундан беш юз товоғини улус амирларига, саркардаларга, оқсоқолларга, ҳар қайсисининг номига атаб, тарқатсинлар.

МАМЛАКАТЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШ ТУЗУГИ

Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши лозим. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни золимнинг қўлидан тортиб олиб, одил [подшо]га топширади. Чунончи, мен Мовароуннаҳр вилоятида адолат ўрнатиш нияти билан [уни] золим ўзбакия тоифасининг қўлидан тортиб олдим. Қайси бир мамлакатда шариат заифлашган бўлса, оллоҳ улуғ қилган нарсаларни хор тутсалар ва худонинг хос бандаларини ранжитсалар, чинакам жаҳонгир султон, Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, дин ва шариатга ривож бериш учун ўша мамлакатга кирсин. Худонинг расули унга мададу иноят кўрсатгай. Бунга мисол, мен Ҳиндистон пойтахтини Фирузшоҳнинг набираси султон Маҳмуддан, Маллуҳон ва Сорангдан тортиб олдим, дину шариатни тарқатдим ва у диёрнинг бутхоналарини буздим. Қайси мамлакатнинг аҳолиси ўз ҳокими ёки волийсидан озор чеккан ва ўша диёр аҳлининг кўнгли ўз волийсидан қолган бўлса, мамлакатларни забт этувчи чинакам подшоҳ у ерларни ўз тасарруфига олсин. Одил подшоҳ у ерга қадам қўйиши билан фатху зафар ҳам унга ёр бўлиб, бирга киради. Бунга мисол, мен Хуросон вилоятини курд султонларидан⁴ ажратиб олдим⁵. Хуросон пойтахти — Ҳиротга қараб юзланишим билан Султон Ғиёсиддин бутун мамлакатни, хазина-дафиналари билан, пешкаш қилиб менга топширди. Қайси мамлакатда диндан қайтиш ва зиндиқлик⁶ кучайса ва у диёрнинг аҳолиси, сипоҳу раият турли маслакка кириб иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг ҳалокати яқиндир. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юрт устига босқин қилиши лозим. Мисол учун мен Ироқ аҷам ва Форс вилоятларини малъун динсизлар вужудидан тозаладим, турли тоифалар ҳукмдорларини ағдариб, худонинг бандаларини уларнинг ҳар ерда ўз салтанат туғини тиккан ҳокимлари зулмидан қутқаздим. Қайси бир вилоят халқларининг эътиқодлари ҳазрати сайид ал-мурсалин⁷, унга оллоҳнинг марҳаматлари бўлсин, хонадони ақидаларидан фарқланиб ўзгарган бўлса, подшоҳлар ўша ерни босиб олиш-

¹ Ички — кичик лавозимдаги сарой хизматчиси.

² Додхоҳ — арз-дод билан келганларнинг аризасини қабул қилиб олиб, подшога етказувчи мансабдор.

³ Ҳашам — подшо, хон, амирларга яқин киши.

⁴ Курд султонлари — Ғур ва Ҳирот вилоятлари устидан ҳукм юритган сулола. Унга малик Шамсиддин Муҳаммад (1245 й. вафот этган) асос солган.

⁵ Бу воқеа 1381 йили содир бўлган.

⁶ Зиндиқлик — худосизлик, динга ишонмовчилик.

⁷ Сайид ал-мурсалин — барча пайғамбарлар етакчиси; Муҳаммад пайғамбарнинг фахрий номларидан.

лари ва у ер аҳолисини бузуқ эътиқодларидан қайтаришлари лозим. Бунга мисол, мен Шом вилоятга кириб, бузуқ эътиқодли кишиларни жазоладим.

Жаҳонгирлик қилишга киришганимда тўрт ишни ўзимга лозим деб билдим. Биринчидан, қайси мамлакатга кирмоқчи бўлсам, дуруст кенгаш билан иш тутдим. Иккинчидан, хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Шунинг учун менга оллоҳнинг мададу инояти етиб, нима тадбир қўллаган бўлсам тўғри ва рост чиқди. Ҳар ер эл-улусининг табиати ва мизожларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиб, уларга ҳоқимлар тайинладим. Учинчидан, уч юз ўн уч асил зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Бирлик-иттифоқлари шунда эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни қилайлик деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмас эдилар. Тўртинчидан, бугунги ишни эртага қолдирмадим. Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилдим; қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим, шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шатранжи¹ устида бош қотирдим. Кечалари бўлса тўшагимга ёнбошлаб олиб, мамлакат ишларини қандай юргизиш кераклиги ҳақида ўйлардим ва уларни бажариш воситаларини ўзимча тасаввур қилиб кўрардим. Ўзга мамлакатларни забт этиш йўлларини ўз кўнглимда чамалаб, қайси йўлдан кириб, қайси йўлдан чиқишни белгилар эдим. Сипоҳийларим билан қандай муомала қилишим тўғрисида фикр юргизиб, қайси бирини қандай тарбият қилишим керак, қайси ишни қай бирига топширсам хато қилмаган бўламан деб, ҳар ишнинг олди-ортини ўйлар эдим. Сипоҳ бошлиқларидан қайси бири менга дўстлик қилса, унга ортиғи билан хайр-эҳсон қилдим, қай бири менга душманлик қиларкан, у билан муроаю мадора қилдим. Яхшилик қилсам, ёмонлик билан жавоб берган кимсаларни ҳаромзода деб билдим. Икки олам эгасининг (худо) расули дебдирларким: «Зино²дан тўғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди».

Пирим менга ёздиким: «худонинг ва худо пайғамбарининг ҳукмига амал қилгин, расуллоҳнинг зурриётига ёрдам бер. Худонинг неъматларини еб, яна унга ва унинг пайғамбарларига душманлик қилган подшоҳларни худонинг мулкидан чиқар, худонинг мулкида адолат билан иш тутгилким, шундай демишдирлар: «Мамлакат куфр³ билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди. Қабиҳ хатти-ҳаракат, ёмон ишлардан худо мулкани тозалагин. Ёмон таом баданга қандай зиён қилса, ёмон хатти-ҳаракат ҳам оламга шундай таъсир кўрсатади. Зулмнинг ном-нишонини йўқотгин. Золимнинг дунёда узоқ ҳаёт кечиришни яхшилигидан деб била кўрма. Золим ва фосиқларнинг узоқ яшашига сабаб шуки, ўзларидаги бор ёмонликларни юзага чиқариб тугатмагунларича худо уларга муҳлат беради. Вақти етгач, бирданига оллоҳнинг қудрати билан золимлар, фисқу фужур қилувчилар, бирдан банду зиндонга, талон-торожга, очликка, қаҳатга, вабога, тўсатдан ўлишга гирифтор бўладилар. Гоҳида бегуноҳ бўлган яхши, тўғри ва тақводор кишилар ҳам ёмонларнинг шум қилмишларидан офату балога учрайдилар. Шундайким, тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруққа қарамай барчасини куйдиради. Кофирлар, золимлар, фосиқу фужирлар ишининг ривожланиб, тараққий этишидан таажжубланмагин, ўзингча золимлар, фосиқу фужирлар қанча кўп зулм-хиёнат, фисқ-фасод қилсалар, нознеъматлари шунча кўпаяркан, деб ўйламагин. Хуллас, уларнинг неъматлари кўпайишининг сабабини билиб олиш керак. Бунинг сабаби ушбудир: «эҳтимол, ҳақиқий неъматлар берувчининг [оллоҳнинг] иноятини кўриб, улар [зора] зулмдан, фисқ-фасоддан қайтиб, имон-инсофга келиб, унинг неъматларига шукр қилсалар, деб шундай қилингандир. Бироқ оллоҳга шукр айтишни унутарканлар, тангрининг даргоҳига қайтмас эканлар, худо ва унинг расули неъматлари ҳақини билмас эканлар, охир ал-оқибат парвардигорнинг қаҳру ғазабига гирифтор бўладилар».

Пиримнинг бу номаси менга етиб келгач, кофир-золимлар, мулҳидлар⁴ мунофиқлар, фосиқу фужирлар қўлидан худо мулкани ажратиб олиш, уларни йўқотиш учун белга ҳиммат камарини боғладим.

САЛТАНАТНИ ИДОРА ЭТИШ ТУЗУГИ

Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим. Мазкур мамлакатларнинг сипоҳига даргоҳимга йўл бердим, раиятини ўзимга қаратиб олдим, ҳаммани кўрқув ва умид орасида сақладим, ҳар мамлакатнинг яхши ки-

¹ Бу ерда бўлғуси урушлар режасини тузиш ҳақида гап боради.

² Зино — ғайри қонуний жинсий алоқа; ўзаро никоҳда турмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бўлиши.

³ Куфр — исломни танимаслик; кофирлик.

⁴ Мулҳид — бидъатчи; худога шак келтирувчи.

шиларига яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқилар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларни ўз ўрни ва мартабасида тутиб, ҳадидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларни ва шараф эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. [Ўз эрки билан] менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукумати-ни ўзига қайтариб бердим ва уни инъому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим, бўйсунмаганларни эса қилмишига яраша жазоладим ва одил, оқил, уддабурон кишилардан уларга ҳоким тайинладим.

Амр эддимки, ўғри ва қароқчиларни «Ёсо» асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқ, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар, ишсиз, бекорчиларни вилоят ва шаҳарларда бўш қўямасинлар. Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинларки, сипоҳу раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаи ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчи аскарлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва [бошқа] нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаи йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, бу уларнинг зиммасидадир.

Яна буюрдимки, ҳар ернинг ҳокимлари ғаразғўй, тўхматчи ва нафси бузуқ кишиларнинг тўхмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимга жарима солмасинлар. Фақат бировнинг гуноҳи тўрт (кишининг) гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жарима солинсин. Ва яна буюрдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан сари шумор¹ ва хона шумор² олма-синлар. Сипоҳидан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловларини тортиб олмасин.

Ҳар бир мамлакатнинг раияти билан бўлган муомалада, уларга нисбатан йўл-йўриқларда ҳолислик билан иш тутсинлар. Яна буюрдим, ҳар мамлакатнинг гадоларига ва-зифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин.

МУЛКУ МАМЛАКАТ, СИПОҲУ РАИЯТ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР ВА ОГОҲ БЎЛИБ ТУРИШ ТУЗУГИ

Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи котиблар тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳлар ва шаҳар ишлари ва ҳатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин, ёт-беғона лашкар, атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тўғрилиқ билан менга ёзиб турсинлар. Агар [бунга] хилоф иш тутгундай бўлсалар, [бўлиб ўтган] воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи сипоҳ ишларини яшириб, хабарига бошқа либос кийгизиб [ёлғон] ёзган бўлса, унда ҳам қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни тўхмат ёки бирон ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар. Ва яна амр қилдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой [менинг] арзимга етказиб турсинлар.

Амр қилдимки, мингта тезюар туя мингта, мингта от минган кишини чопқунчи, пиёдалардан яна минг нафарини елиб югурувчи (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар етказсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик. Чунончи, Тўхтамишхоннинг Урусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида [энди] ҳузуримга паноҳ излаб келишини билдим. [Шунинг учун] Урусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим ва Тўхтамишхонга ёрдам бердим. [Шунга ўхшаш] яна бир мисол. Ҳиндистонни забт этиш учун йўл олганимда, бу ўлканинг ҳар бир вилоятида алоҳида ҳоким ёки волий салтанат тахтида ўлтиргани ҳақида менга хабар келтирдилар. Чунончи, Мултон ўлкасида Маллухоннинг иниси Соранг, Деҳлида Султон Маҳмудхон салтанат байроғини ёйгани, Лохўр ноҳиятида Маллухон лашкар тўплаганди, Қунуж вилоятида бўлса Муборақхон салтанатга даъвогарлик қилиб бош кўтарган эди. Қисқаси, Ҳиндистоннинг ҳар бир вилоятида бирон бир кимса салтанат тожу тахтига даъвогарлик қиларди. Бу хабар қулоғимга етгач, бу мамлакатни забт этишим осон туюлди. Лашкар назарида эса мушкул бўлиб кўринди. Чунончи, Ҳиндистонни забт этган вақтимда Қайсари Рум менинг баъзи мамлакатларимга чопқун қилгани, гуржилар бўлса ўз юртларидан ташқари чиқиб, менинг лашкарим қамал қилиб турган баъзи қалъаларга бориб, уларнинг ичидаги одамларга ёрдам бераётгани ҳақида хабар келтирдилар. Ўз-ўзим билан кенгашиб, агар Ҳиндистонда кўпроқ туриб қолсам, Эрон мамлакатига ҳам зарар етиши мумкин. Шунинг учун Ҳиндистон пойтахтидаги ишларимни тезда тартибга келтириб, юриш бошладим. Йўлда бир неча кун Мова-

¹ Сари шумор — жон бошидан олинадиган солиқ.

² Хона шумор — ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ.

роуннаҳрда тўхтадим. У ердан Рум ва Гуржистон томон йўл олдим. Уша мамлакатларнинг барисини забт этдим.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ АҲОЛИСИНИ ЙЎЛ-ЙЎРИҚҚА СОЛИШ ВА МАОШ ТАЙИНЛАШ, АВЛИЁЛАР ВА ДИН ПЕШВОЛАРИНИНГ МОЗОРЛАРИНИ ТУЗАТИШ, ВАҚФ ВА НАЗР ИШЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТУЗУГИ

Амр этдимки, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипоҳийлар [ўз ихтиёрлари билан] паноҳимга келсалар, уларни навқар қилиб, [аскарим орасидан] жой берсинлар. У диёрнинг раиятини [ёмон] ҳодисалардан, қатлу ўлдиришлардан, асиру банд этилишдан ва таланишдан муҳофаза қилсинлар. Уларнинг мол-мулкни, буюмларини талон-торождан сақласинлар, ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни ҳисоб-китоб қилсинлар.

Сайидлар, уламо, машойих, фузало, акобир ва ашрофларни азиз тутсинлар, қадҳудолар, калонтарлар ва деҳқонларни ўзларига қаратсинлар, раиятни умид билан ваҳима орасида тутсинлар, гуноҳлари ва қилмишларига яраша жарима солсинлар. Фатҳ этилган мамлакатларнинг сайидлари, уламози, машойихлари, фузало, дарвишлари, хилватда ўлтирувчи обидларини суюрғол, вазифа ва маош билан сийласинлар, фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз, шол-кўрларга кундалик маошларини берсинлар, мударрислар ва машойихларга ойлик маош белгиласинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар, у ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар. Биринчи навбатда амир ул-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг¹, унга оллоҳнинг қарами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф билан Хуллани вақф этиб берсинлар. Имом Ҳусайннинг², оллоҳ ундан рози бўлсин, нурга чўмган муқаддас мазори, авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг³ равзаси, имоми Аъзам Абу Ханифанинг⁴, унга оллоҳнинг раҳмати бўлсин, мақбарасини ва Бағдодда нурга чўмиб ётган бошқа машойихлар, дин пешволари ва акобирларидан ҳар бирининг мазорларини яхши сақлаш учун баҳоли қудрат Карбало, Бағдод, уларнинг атрофидаги қишлоқлар ва бошқа ерлар вақфидан маблағ ажратсинлар. Имом Мусо Козим⁵, имом Муҳаммад Тақи⁶, Солмон Форсийларнинг⁷ нурли равзалари учун эса Жазоирдан ва Мадоин⁸ даромадидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусонинг⁹ табаррук мазори учун Кўтах баст ва Тус шаҳри атрофидаги ерлардан вақф ажратсинлар ва гилам, чироқ ҳамда кундалик ошини белгиласинлар. Шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мазорлари ва қабрлари учун уларнинг ҳар бирига номма-ном назру вақфлар ажратсинлар.

Яна буюрдимки, ҳар бир фатҳ этилган мамлакатда у ернинг гадоларини [бир ерга] тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини белгиласинлар. Барчаси тамғалансинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғадан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдаб юборсинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади.

РАИЯТДАН БОЖ-ХИРОЖ ОЛИШ, МАМЛАКАТНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ВА ЮКСАЛТИРИШ, УНИНГ ОБОДОНЧИЛИГИ, ХАВФСИЗЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ КИШИЛАР ТУЗУГИ

Амр этдим, раиятдан олинадиган молу хирож шу ҳажмда олинсинки, раиятнинг хароблиги ва мамлакатни вайрон этилишига сабаб бўлмасин, чунки раиятнинг хароблиги хазинанинг хароб бўлиши билан баробардир. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади, сипоҳнинг тарқаб кетиши эса салтанат қудратини инқирозга олиб боради.

Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли ҳодисалардан амну омонда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларини мулоҳаза қилсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш тутсинлар, илло [хирожни] тузукка мувофиқ йиғсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим, узлуксиз тарзда кориз¹⁰, ариқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга қолдирсинлар, бир ҳисса-

¹ Али ибн Абу Толиб — Хулофойи рошидиндан тўртинчи халифа (656—661).

² Имом Ҳусайн — Халифа Алининг кенжа ўғли. 680 й. 10 октябрь куни урушда ўлган.

³ Абдулқодир Жилоний — йирик сўфий; қодирия тариқатининг асосчиси (1166 й. вафот этган).

⁴ Имоми Аъзам Абу Ханифа — (тула исми Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собит) — Ҳанафия мазҳабининг асосчиси, фақиҳ (699—767) Халифа Мансур тарафидан қамалган ва зиндонда калтакдан ўлган.

⁵ Имом Мусо Козим — шиаларнинг еттинчи имоми (799 й. вафот этган).

⁶ Имом Муҳаммад Тақи — Тўққизинчи имом (835 й. вафот этган).

⁷ Солмон Форсий — Муҳаммад пайғамбарнинг эронлик саҳобаси (655 й. вафот этган).

⁸ Мадоин — Бағдоддан 26 чақирим жануби-шарқда жойлашган шаҳар.

⁹ Имом Али ибн Мусо — саккизинчи имом (821 й. вафот этган).

¹⁰ Кориз — ер ости сувларини тартиб чиқариш учун қурилган иншоот.

сини эса олий саркорлик [девони]га топширсинлар. Агар раият рўйхатга олинган ерларидан бериладиган солиқни нақд ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар. Нарх-навога мувофиқ олинган нақд ақчани сипоҳга етказсинлар. Бордию раият ҳосилни уч тўдага бўлишга рози бўлмаса, у чоғда ҳисобга олинган экин ерларни биринчи, иккинчи ва учинчи жариб¹ экин ер қилиб ажратсинлар. Биринчи жарибдан [олинган ҳосилнинг] уч харвори², иккинчи жарибдан [олинганининг] — икки харвори, учинчи жарибдан [олинганининг] бир харворини йиғиб олсинлар. Бунинг ярмини буғдой, ярмини арпа ҳисоблаб, учга бўлиб, [иккисини деҳқонга қолдириб] бирини олсинлар. Агар раият бу йўсинда солиқ тўлашга рози бўлмаса, у ҳолда бир харвор буғдойга беш мисқол³ кумуш, бир харвор арпасига икки ярим мисқол кумуш миқдорига нарх қўйсинлар. Яна қалъа фойдасига бериладиган тортиқни ҳам бунга қўшиб қўйсинлар. Шулардан бошқа қўшимча тарзда, улардан ҳеч қандай олиқ-солиқ талаб қилмасинлар.

Булардан ташқари кузги, баҳорги ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни бўлса жарибларга бўлсинлар, ҳисобга туширилган бу ерлардан (солиқ олишда) учдан бир ва тўртдан бир қондасига амал қилсинлар. Ҳар шаҳар ва ҳар ердан олинадиган жон солиғи, касб-ҳунардан ҳамда ўтлоқ ва сувлоқдан олинадиган солиқни тўплашда қадимдан келган тартиб-қоидага амал қилсинлар. Бордию бунга раият рози бўлмаса, бори — бўлганича иш тутсинлар. Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил пишгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи бормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда солиқ тўловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ ва сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар.

Яна амр қилдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғни кўкартирса, ё бирон бузилган жойни иморат қуриб тузатса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили [эса] [олиқ-солиқ] қонун-қоидасига мувофиқ олинсин.

Яна буюрдимки, агар [ҳар ер ва элнинг] амалдорлари ва калонторлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса, ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса [бундай вақтларда] етказилган зарарни калонторлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар.

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса⁴ тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, [лекин] обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига [янги] кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларнинг уҳдаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона⁵ солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларга табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат⁶ ва дор ул-адолат⁷ қурсинлар. Ва раияту зироатни қўриқловчи қурчилар [ҳам] тайинласинлар.

Яна ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун [бўлиб], раиятдан йиғиладиган олиқ-солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради, сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин. Яна амр қилдимки, ўлганларнинг молларини ўз ворисларига етказсинлар. Агар вориси йўқ бўлса, уни хайрли ишларга сарф қилсинлар ёки Маккайи муаззамага юборсинлар.

¹ Жариб — 958 кв. метр ҳажмдаги ер.

² Харвор — бир эшак кўтарарлик юк; 300 килограммга яқин оғирлик ўлчови.

³ Мисқол — оғирлик ўлчови бўлиб, бир қадоқнинг 84 дан бир қисми (тахминан 4,8 гр).

⁴ Холиса — давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи муассаса.

⁵ Лангархона — йўловчилар қўниб ўтадиган жой; камбағал етим-есирга овқат бериладиган жой; ғарибхона.

⁶ Дор ул-аморат — ҳукмдор саройи.

⁷ Дор ул-адолат — адолат уйи; қозихона.

ЖАНГУ ЖАДАЛ, УРУШ МАЙДОНИГА КИРИШ, ҚҶШИННИ САФЛАШ ВА [ҒАНИМ] ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ ТУЗУГИ

Амр этдимки, агар ғаним [лашкари] сони ўн икки минг отлиқдан кам бўлса, бу урушда амир ул-умаро [қўшинимга] бош бўлсин. Аймақ ва туманлардан ўн икки минг отлиқ унга ҳамроҳ бўлсин. Мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошиларни ҳам ўзига ҳамроҳ қилсин. Ғаним лашкарига бир манзил йўл қолгунча юриш қилиб, душман билан рубару келгач, менга хабар юборсин.

Яна амр қилдимки, ўшал ўн икки минг отлиқ аскарни тўққиз тўдага бўлсинлар, ушбу тартибда: қўлда бир тўда, баронғорда уч тўда, жавонғорда уч тўда, ҳировулда — бир тўда ва қоровулда — бир тўда [турсин]. Баронғор тўдасининг ўзи ҳировул, чоповул ва шиқовул[дан иборат] бўлсин. Шунга ўхшаш, жавонғор тўдаси ҳам ҳировул, чоповул ва шиқовул лашкарларидан иборат бўлсин.

Ва буюрдимки, амир ул-умаро уруш майдонини танлашда тўрт нарсани назарда тутсин: биринчиси, у ернинг сувини, иккинчиси — аскар сақлайдиган ерини, учинчиси — ғаним аскари турган ердан тепароқда бўлиши ва офтобга қарши бўлмаслигини, токи қуёш шуъласи сипоҳийлар кўзини қамаштирмасин! Тўртинчиси — уруш майдони олди очиқ, кенг бўлиши лозим.

Яна амр этдимки, урушдан бир кун олдин қўшинни сафга тортсинлар ва тузукка мувофиқ [лашкарни] тўдаларга ажратиб, душман томонга қараб юрсинлар. Аскар отларининг боши кўзланган йўналишга қаратилсин ва юрар йўлдан чап ёки ўнг ёққа бурилмасин. Яна амр этдим, сипоҳийлар кўзлари ғаним лашкарига тушиши ҳамона, баланд овоз билан «Оллоҳу акбар!» деб такбир айтсин ва сурон¹ солиб, душман черики устига бостириб борсинлар.

Лашкар назоратчиси (оризи лашкар) сардорнинг [жанг вақтида] хато қилганини кўрса, дарҳол унинг ўрнига бошқа сардорни ўтирғизсин. Амирларга ва сипоҳийларга эса мен унга ишонч билдириб берган зафарнишон ёрлиғни курсатсин.

Амр этдимки, сардор лашкар назоратчиси билан бирга душман сипоҳининг оз-кўплигини мулоҳаза этсинлар, саркардаларини ғаним аскарбошилари билан солиштирсинлар. Шунга қараб, ўз сипоҳларининг кам-кўстларини тўғрилаб, [жангга] ҳозирласинлар. Яна ўз сипоҳининг қурол-аслаҳаларини душманники билан таққосласинлар. [Шунингдек], ғанимнинг уруш равишини: шошмасдан, бир зайлда ёки шиддат билан жангга киришини кузатсинлар. [Яна] ғанимнинг жанг қилиш тартибини чамалаб кўрсинларки, улар бор аскари билан бир йўла от қўйиб шиддат билан ҳужум қиладими (турктоз) ёки тўда-тўда бўлиб, кетма-кет ҳамла этадими. Яна кўрсинларки, ғаним ҳамла қилган вақтда, жанг қилиб орқага қайтиб, кейин яна ҳамла қиладими ёки шу биринчи ҳамла билан чегараланиб, охиригача савалашадими. Ғаним агар орқасига қайтмай жанг қилса, сипоҳ унинг ҳамласи билан тўсатдан етган зарбага сабр-тоқат қилиб, туриб бериши керак. [Бу ҳолда] шижоат бир соатлик сабр демақдир.

Амр қилдимки, душман уруш очмагунча ўзларича жангга кирмасинлар. Яна амр этдим: душман жанг майдонига киргач, лашкар бошлиғи ёсолда² турган тўққиз сипоҳий тўдасига жангга тушиб, уруш бошлашлари ҳақида буйруқ берсин, чунки сипоҳ лашкарбошининг вазифаси жанг вақтида кўрқувдан қўл-оёғи бўшашиб, саросимага тушмайин, буйруқ беришдан иборатдир. У ҳар бир сипоҳ тўдасини уруш аслаҳаларидан бири деб билсин ва ўқ-ёй, ойболта, қилич, гурзи, пичоқ ва ханжар каби ҳар бир тўдани ўз ўрни келганда ишга солсин. Ишбилармон лашкарбоши ўзини ва тўққиз сипоҳий тўдасини бирдек кўриб, уларни қўл-оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларини ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин. Шундагина, ғаним тўдалари устига кетма-кет урилган тўққизта қилич зарбасидан кейин, тўққизинчи зарбада албатта енгилишига умид қилса бўлади.

Ҳақиқий лашкарбоши аввал ғаним устига ҳировул тўдасини юборади, сўнгра ёрдам учун кетидан баронғор ҳировулини жўнатади. Баронғор ҳировули кетидан эса жавонғор ҳировулини жангга ташлайди. Шу тарзда душман аскари устига кетма-кет уч зарба тушган бўлади. Бордию шу вақт ҳировуллар ғанимга қарши кучсизлик қилсалар, у ҳолда баронғорнинг биринчи қисми от қўйсин, кетидан жавонғорнинг иккинчи қисми от қўйсин. Шунда ҳам зафар қозонилмаса, баронғорнинг иккинчи гуруҳини жангга ташласин, кетидан жавонғорнинг биринчи тўдасини юборсин. [Улар жангга киргач], менга хабар юбориб, кейинги буйруқларимни кутсин. Шундан сўнг оллоҳнинг мададу иноятига таяниб, лашкарбошининг ўзи ҳам жангга кирсин. Мени ҳам уруш майдонида ҳозир деб билсинким, оллоҳнинг ёрдами билан ғанимга саккиз зарба етганидан кейин, тўққизинчи зарбада душман енгилиб фатҳу нусрат насиб бўлади.


Тўғри сардор улким, у шошма-шошарлик қилмай, [аввал] лашкарини ишга солади. Бордию лашкарбошининг ўзи қилич чопишишга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақласин, чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтириб, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади.

¹ Сурон — жанговар чақириқ.

² Ёсол — қўшиннинг уруш олдидан саф тартиб туриши.

Шундай қилиб, сардор ақлу тадбиркорлик билан иш юритиб, шошма-шошарлик қилмасин, чунки шошилиш шайтон ишидир. Чораси бўлмаган ишга киришмасин, чунки ундан қутулиб бўлмайди.

САФ ТИЗИШ ТАРТИБИ



ЗАФАРЛИ СИПОҲ ТўДАЛАРИНИ БУНДАЙ ТАРТИБДА САФГА ТУЗДИМ

Амр этдимки, агар ғаним лашкари ўн икки минг отлиқдан ортиқ бўлса-ю, лекин қирқ мингга етмаса, [лашкаримга] бахтиёр ўғилларимдан бири сардор бўлсин. Икки бегларбеги қўшунот, тумонот ва улусот амирлари ва қирқ минг аскардан кам бўлмаган сипоҳ билан унинг хизматида ҳозир турсинлар. Зафарли сипоҳ тўдалари, тадбиркорлик, мардлик ва мардоналикни қўлдан бермасликлари учун, мени доим жангоҳда ҳозир деб билсинлар.

Амр этдимки, менинг зафару бахт келтирувчи ўтовимни [қўшин] бошига олиб чиқишгач, ўн иккита сипоҳий тўда тайинласинлар. Уларнинг ҳар бирига улусот амирларидан бири тўда амири этиб белгилансин. У мен тузган саф тизиш, [ғаним] сипоҳи тўдалари [сафини] бузиш, [жанг майдони] кириш ва чиқиш йўллари ҳақидаги ўн икки тузукни доим назарда тутиши лозим.

Сардор шулким, ғаним сипоҳи саркардаларининг сонини ҳисоблаб, уларга тенг келадиган лашкар бошлиқларини тайинлайди. У ғаним сипоҳининг жангда кўпроқ ўқчилариними, қилич чопувчилариними ёки найздорларни туширишини назарда тутсин. Ғаним сипоҳининг рафторини кўрсинким, сипоҳ тўдаларини узлуксиз, оҳиста-оҳиста жанг майдонига юборадиларми ёки ҳаммасини бирданига ҳужумга ташлайдиларми. Жанг [майдони] кириш ва чиқиш йўллари ҳам мулоҳаза қилиб кўрсин. Душман қай тарзда жанг қилишини тушунсин. Гоҳида ғаним ўзини камсонли ёки қочаётгандек қилиб кўрсатади. Шундай пайда, уларнинг макр-ҳийлаларига [учмаслик] ва ўзини қочаётгандек қилиб кўрсатишига алданмаслик керак.


Жанг кўрган, тажрибали сардор улким, у урушнинг [барча] чигалликларини яхши билади, қайси сипоҳ тўдасини жангга киргизиш, қайси жароҳатни қандай чора-тадбир билан тузатиш ва қай усулда жанг қилиш кераклигини билиши лозим. Тажрибали сардор ғанимнинг нияти [ва режаларини], унинг қай усулни қўллаб жангга кирмоқчи эканлигини сеза билиши ва душманнинг ўша тадбирни қўллашига тўсқинлик қила олиши керак.

Чин сардор улким, қирқ минг отлиқ сипоҳдан ушбу тартибда ўн тўртта сипоҳ тўдаси туза олади. Аввал ўзига қарашли сафларни тузиб, уни қўл (ғул) деб номласин. Сўнгра баронғорнинг уч тўдасини тузиб, улардан бирини баронғор ҳировули деб атасин. Яна

жавонғорнинг уч сипоҳий тўдасини тузиб, улардан бирига жавонғор ҳировули деб от қўйсин. Шу тарзда баронғор тўдаларининг олдига яна уч сипоҳий тўдани қўйиб, уларни чоповул деб номласин, шу уч тўдадан бирини эса чоповул ҳировули деб номласин. Шу тартибда яна уч сипоҳий тўда тузиб, уларни жавонғор тўдаларининг олдига белгилаб, уни шиқовул деб атасин. Бу уч тўдадан бирини эса шиқовулнинг ҳировули этиб тайинласин. Шундан сўнг қўл қаршисида синалган, тажрибали ўқчилар, қиличбозлар, найзадорлар ва баҳодирлардан иборат катта ҳировул тузсинлар. Чунки ҳировулнинг айнан шу тўдалари улуғ сурон солиб ғанимнинг лашкарини синдиради.

Ҳақиқий сардор улким, ғаним қўшинининг рафторини кузатиб туради ва амирлардан қай бири буйруқсиз юриш бошлаб, бошқалардан илгарилаб кетса, унга танбех бериши лозим. Чин сардор душманнинг [қай тарзда] жангга кириши ва чиқишини назаридан қочирмасин, токи ғанимнинг ўзи уруш бошламагунча жангга киришга ошиқмасин. Ғаним жангга киргандан сўнг, сардор уларнинг жанг қилиш усулини кўриб ўргансин, жанг майдонига қай тартибда кирадилар ва чиқадилар, уларга қандай қилиб ҳужум этадилар, ҳамла қилгач ортларига қайтадиларми [ёки] вақти билан қочиб, [кейин яна] фурсат пойлаб қайтадан жангга кирадиларми, [буни кузатиб турсин]. Яна сардорга лозимдирки, [қаттиқ зарба ёмай туриб] энгилгандек қоча бошлаган ғаним лашкари кетидан қувламасинки, уларнинг орқаларида кучли ёрдамчи қўшинлар турган бўлади. Ва сардор [яна] билсинки, ғаним лашкари бор кучи билан бир катта тўпдек бўлиб ҳужум қиладими ёки ўнгу сўл қанотини ёзиб уруш олиб борадими. Сардор аввал уларга қарши катта ҳировул тўдаларини рўпара қилиши ва жангга ташлаши керак. Унинг ортидан катта ҳировулга мадад тариқасида кетма-кет чоповул ҳировули ва шиқовул ҳировулини жангга ташлаши керак. Уларнинг орқасидан эса чоповулнинг биринчи сипоҳий тўдаси ва шиқовулнинг иккинчи тўдасини жангга ташласин. Уларнинг кетидан эса чоповулнинг иккинчи тўдаси ва шиқовулнинг биринчи тўдасини жангга ташласин. Агар ғанимга етказилган ушбу етти зарбадан кейин ҳам ғалабага эришилмаса, у вақтда баронғорнинг ҳировулини ва жавонғорнинг ҳировулини жангга юборсин, [бу билан] ғанимга тўққиз зарба урилган бўлади. Агар тўққиз зарбадан кейин ҳам фатҳу зафар муяссар бўлмаса, баронғорнинг биринчи тўдаси ва жавонғорнинг иккинчи тўдасини урушга солсин. Агар шу ўн бир зарбадан кейин ҳам ғалабанинг дарағи бўлмаса, баронғорнинг иккинчи тўдаси ва жавонғорнинг биринчи тўдасини жангга ташласин. Шу ўн уч зарбадан кейин душманнинг сипоҳий тўдалари энгилиб, ғалабага эришилади, деб умид қилса бўлади. Мабодо бу ўн уч зарба билан ҳам фатҳу зафар ҳосил бўлмаса, у ҳолда қўл сипоҳий тўдаларини урушга шайлаб, ўзи ҳам улар билан жангга равона бўлсин ва душман кўзига ўзини тоғдек кўрсатиб, аста-секин, туташган ҳолда ҳаракат қилсин. Уруш баҳодирларига буюрсинки, қиличларини яланғочлаб ҳужум қилсинлар. Ўқчилар эса визиллатиб ёйлардан ўқ ёғдирсинлар. Шунда ҳам фатҳу зафарга эришилмаса, сардорнинг ўзи жанг майдонига тушсин ва менинг [мадад кучларим] ва буйруқларимни кутсин.

УН ТҮРТ ТҶДАНИ САҒГА ТИЗИШ ТУЗУГИ



ҲИРОВУЛ

Шиқовул ҳировули
Шиқовулнинг биринчи тўдаси +
Шиқовулнинг иккинчи тўдаси
Шиқовул
Жавонғорнинг ҳировули
Жавонғорнинг биринчи тўдаси +
Жавонғорнинг иккинчи тўдаси
Жавонғор

Чоповул ҳировули
Чоповулнинг биринчи тўдаси +
Чоповулнинг иккинчи тўдаси
Чоповул
Баронғорнинг ҳировули
Баронғорнинг биринчи тўдаси +
Баронғорнинг иккинчи тўдаси
Баронғор

Қўл

ҚИРҚ МИНГ ОТЛИҚДАН ОРТИҚ СИПОҲ ТўДАЛАРИНИ САФГА ТИЗИШ ТУЗУГИ

Шундай тузук битдимки, агар ғаним лашкари қирқ минг отлиқдан ортиқ бўлса, бегларбегилар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодирлар ва бошқа сипоҳийлар менинг зафарли байроғим остида бўлсин (ва амру фармонимни кутсин).

Амр этдимки, қайси бир сипоҳий тўда амирига ёрлиғ юборсам, ёрлиғдаги ҳукмимга биноан иш тутсинлар ва унга хилоф иш қилмасинлар. Бегларбегилардан ёки амирлардан биронтаси ҳукмимга хилоф [иш] тутиб, ундан четга чиқса, уни қиличдан ўтказиб, ўрнига «мунтазир ал-аморат»¹ ҳисобланган ўринбосарини қўйсинлар.

Ва [яна] амр қилдимки, улусот, қўшинот, туманотга тегишли қирқ уймоқдан² тамға олган ўн иккитаси қирқ қисмга тақсим қилинсин, тамға олмаган йигирма саккиз аймоқ амирлари эса [ўз лашкарлари билан бирга] қўл сипоҳий тўдасининг орқасида саф тизсинлар. Уғилларим, набираларим ўз қисмлари билан қўл тўдасининг олдида ўнг қўл томондан саф тизсинлар. Қариндошларим ва яқинларим эса ўз тўдалари билан қўл тўдасининг олдироғида чап қўл томондан жой эгалласинлар. Булар тарх³ бўлиб турсинлар ва қаерга мадад етказиш лозим бўлса, ёрдам берадилар.

Баронғорга олти сипоҳий тўда тайинлансин. Яна бир сипоҳий тўдани эса баронғор ҳировули сифатида белгиласинлар. Шунга ўхшаш жавонғорда олти сипоҳий тўдадан саф тизсинлар. Яна бир тўдани бўлса, жавонғор ҳировули қилиб қўйсинлар.

Амр этдимки, баронғор тўдаларининг олдида олти сипоҳий тўда жойлаштирсинлар ва уларни чоповул деб номласинлар; бошқа бир сипоҳий тўдани тузиб, уни чоповулнинг ҳировули қилиб тайинласинлар. Шунингдек, жавонғор тўдаларининг олдида қўйиш учун ҳам олти сипоҳий тўда тайинласинлар ва уларни шиқовул деб атасинлар. Яна бир сипоҳий тўда тузиб, уни шиқовул ҳировули қилиб қўйсинлар. Чоповул ҳамда шиқовул тўдаларининг олдида тажрибали амирлар ва синалган баҳодирлар бошчилигида олти тўдадан саф тузиб, катта ҳировул қилиб белгиласинлар. Бу олти тўдадан бўлак яна бир сипоҳий тўда тузиб, уни ҳировулнинг олдида қўйсинлар ва ҳировулнинг ҳировули деб номласинлар. [Қўшининг олди қисмида] ҳировул ҳировулининг ўнг ва сўл қўл томонига икки қоровулбегини барча биродарларимдан иборат сипоҳий тўдалари билан бирга қўйсинларким, (улар) ғаним лашкарини кузатиб турсинлар.

Яна амр қилдимки, (ўша) қирқ тўда амирлари, менинг ёрлиғим етиб бормагунча жангга кирмасинлар ва навбат етмагунча жойларидан жилмасинлар, лекин жангга шай бўлиб турсинлар. Жангга кириш ҳақидаги буйруқ етишгандан кейин ғанимнинг равшини кўриб [сўнг] жангга кирсинларким, ғаним қайси йўлдан жангга кирса, унинг йўлини тўссинлар ва душман тўсган ҳар йўлни чораю тадбир ишлатиб очсинлар.

Амр этдимки, ҳировулнинг ҳировули жангга киргандан кейин, олти тўдалик ҳировулнинг амири ўз тўдаларини бирин-кетин жангга туширсинки, ғаним устига кетма-кет олти зарба тушгач, уларнинг сафлари бузилиб, кучлари синдирилади. Шу пайт ўнг қўл чоповул амири ўзининг олти тўдасини бирин-кетин ёрдамга юбориб, орқасидан ўзи ҳам ҳужум қилсин. Шунингдек, шиқовул амири ўзининг олти сипоҳий тўдасини олдинда турган тўдаларга ёрдамга юборсин. Уларнинг орқасидан ўзи ҳам [жанг майдонида] етиб борсинким, оллоҳнинг мададу инояти билан, ғаним устига ўн саккиз зарба урилгач, уларнинг кучлари синиб, орқага чекинадилар. Душман бу зарбаларни егандан кейин ҳам бўшашмаса, баронғорнинг амири ўзининг ҳировул тўдасини, жавонғорнинг амири эса ўз ҳировулини жангга киргизсинлар. Шу тариқа иккала ҳировул тўда ўнг ва чап томондан уруш очгач, ғаним лашкари албатта чидаш беролмай, кучи синади. Агар шундан кейин ҳам ғаним енгилмаса, баронғор ва жавонғор амирлари ўз сипоҳий тўдаларини бирин-кетин унинг устига юборсинлар. Агар баронғор ва жавонғор амирлари зафарли аскарлари ғаним тўдаларини енга олмаётганлигини кўрсалар, ўзлари душманни [узил-кесил]

¹ Мунтазир ал-аморат — амирлик мартабасига лойиқ шахс; амир ўринбосарининг фарҳли лақаби.

² Уймоқ — аймоқ қабила, халқ.

³ Тарх — қурилажак бинонинг режаси. Бу ерда баронғор сафида (унинг маъносига, резерв қисми),

енгиш учун жангга кирсинлар. Шунда ҳам баронғор ва жавонғор амирлари (ғанимни энгишга) ожизлик қилсалар, баронғор тарҳида бўлган амирзодалар ва жавонғор тарҳида бўлган қариндошларим, ғаним устига шиддат билан бостириб борсинлар. Буларнинг кўзлари ғаним сардорида ва сардорнинг байроғида бўлсин ва шижоату мардлик билан ғаним сафларини бузсинлар, сардорни қўлга туширишга интилсинлар ва душман байроғини ерпарчин қилишга ҳаракат қилсинлар. Агар шу зарбалардан кейин ҳам ғаним чекинмай, ўрнида устивор бўлиб тураверса, у ҳолда қўлнинг сараланган тўдалари ва баҳодирлари, қўл тўдалари ортида саф тортиб турган улусларнинг кўшинлари, барчаси бирданига шиддат билан душман устига ташлансинлар. Агар шунда ҳам фатҳу зафар этмасалар, султоннинг ўзи зўр ҳиммат ва тоғдек юрак билан ҳаракат қилсин. Чунончи, Қайсар¹ билан бўлган жангда шундай қилдим: амирзода Мироншоҳ ўнг қанотнинг сардори эди. Унга Қайсар чап қанотининг рўбаруси ва ёнидан жангга киришни буюрдим. Чап қанотнинг амирлари: амирзода Султон Маҳмудхон² ва амир Сулаймонга эса ёрлиғ юбориб, Қайсарнинг ўнг қанотига ҳужум қилишни буюрдим. Ўнг қанотининг тарҳи бўлган амирзода Абу Бакрга эса тепалик устида турган Йилдирим Қайсарнинг қўл тўдасига от қўйиб, шиддат билан бостиришни буюрдим. Ўзим эса қўл тўдалари ва улус, аймақ лашкарлари билан Қайсар томонга юриш қилдим. Қайсарнинг сипоҳий тўдалари биринчи ҳамламдаёқ енгилди. Султон Маҳмудхон [қочаётган] Қайсарнинг кетидан қувиб, қўлга туширди ва менинг даргоҳимга келтирди. Тўхтамишхонни ҳам шу тузукларни қўллаб енгган эдим. Унинг байроғини эса боштубан қилишни буюргандим.


Агар ғаним бостириб келиб, чоповул, шиқовул, баронғор ва жавонғор тўдаларини бузиб, ўзини лашкарнинг қўл тўдасига етказса, у чоғда султоннинг ўзи шижоат оёғини сабр узангисига маҳкам тираб, душманни даф қилиб йўқотиш учун олдинга ташлансин. Чунончи мен Шоҳ Мансур³ билан бўлган жангда шундай қилдим. У ўзини менга етказди ва у билан юзма-юз тўқнашдим, токи [уни] ҳалокат туфроғига қормагунимча урушдим.

¹ Қайсар — Туркия султони Бойазид Йилдирим назарда тутилади.

² Султон Маҳмудхон — Чингизий; Темур даврида қўғирчоқ хон (1388—1402).

³ Шоҳ Мансур — Жанубий Эронда ҳукмронлик қилган музаффарийларнинг сўнги ҳукмдори (1387—1393).

**ТАМҒА ОЛҒАН (ВА) УН ИККИ АЙМОҚДАН ТУЗИЛГАН
ҚИРҚ ТУДАНИ САФЛАШ ТУЗУГИ**



Нашрга тайёрловчи ва
изоҳлар муаллифи **Бўривой АҲМЕДОВ**



АЛИШЕР НАВОИЙ ТУФИЛГАН КУННИНГ 550 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Муҳаммаднодир Саидов

УММОНДАН БИР ҚАТРА

Алишер Навоий ижоди билан халқ оғзаки бадий ижодиётининг алоқаси, бир-бирини бойитгани — ўзаро таъсири масаласи шундай катта мавзуки, буни наинки биргина мақолада, балки бир-икки йирик илмий тадқиқот ишларида ҳам ниҳоясига етказиб бўлмайди. Бу муаммо устида қанча иш олиб борилса шунчалик янгилик чиқаверади. Едимда, бир вақтлар навоийхонлик анжуманларидан бирида таниқли олима Музайяна Алавия Навоий адабий мероси ҳақида сўзлаб, шундай деган эди: «Навоий ўз қаърида жавоҳир сақлаган бир уммонки, унга шўнғиган ҳар бир кимса насибасига лойиқ дуру жавоҳир чангаллаб чиқади». Ҳа, бу гап рост. Бўлмаса, филология фанлари доктори, профессор Н. М. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» китобидан кейин бу масалани яқунланган ҳисоблаш мумкин эди. Аммо мазкур иш бамисоли денгиздан бир томчи бўлиб туюлади.

Бу кичик мақоламизда Навоий лирикасининг баъзи хусусиятлари ҳақида, хусусан, буюк шоирнинг халқ афсоналари ва мифлардан қай даражада моҳирлик билан фойдаланганлиги ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни журналхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

Шарқнинг, бинобарин, жаҳоннинг энг кекса адабиётларидан бири бўлмиш туркий халқлар адабиётида, қолаверса, бу адабиётнинг буюк намояндаси — Алишер Навоий ижодида пари образи катта ўрин эгаллайди. Лекин шу вақтга қадар бу образ ҳақида туркий тилда сўзлашувчи халқлар фольклори материаллари асосида тўлиқ маълумот берувчи манбалардан шахсан беҳабармиз. Модомики шундай экан, бу саволга жавоб бериб ўтишни адабиётшунослигимиз олдидаги ўз бурчимиз деб биламиз.

Хўш, пари ўзи қанақанги тушунча?

Парининг ғарб ва шарққа хос тушунчалари мавжуд. Ғарб мифологияси, хусусан, славянлар мифологияси билан изоҳланадиган «Сув париси» образи мавжуд. Бундай пари тириклик дунёсига зарар етказувчи совуқ гўзал образидир.

Мифологик тушунчаларга кўра, тирикликда гўзаллик тимсоли бўлган бокира қизлар сувга чўкиб ўлса бундай гўзал сув парисига айланади ва сув остида иккинчи ҳаётини бошлайди. Унинг бадани ўлик одамнинг — мурданинг танидан фарқ қилмайди. У тирик одамга маъшуқа бўлолмайди. Аммо тирик йигитларнинг йўлини пойлайди ва ўзига шайдо қилишга ҳаракат қилади. Агар сув париси ўлжасини қўлга тушириш бахтига мушарраф бўлса, уни сув остига олиб кетади. Демак, ошиқ йигит мағлуб бўлади.

Шарқ париси эса ғарбнинг «сув париси»дан тубдан фарқ қилади. У тирик мавжудот ва гўзаллик тимсоли. Пари инсонга хос барча хислатларга эга. Бироқ унинг одамдан кўра имкониятлари кенгроқ. Чунончи, пари қуш янглиғ осмонда уча олади, келажакни олдиндан сезади ва бўлажак ҳодисаларни олдиндан айтиб беради. У одам умрини узайтира олиш хислатига эга. Пари беморни даволай олади. У сеҳр-жодуни билади ва кўп ҳаётий муаммоларни ҳал этади. У одам каби севишни билади ва вафодор умр йўлдоши бўлиши ҳам мумкин. Энди, пари тушунчаси қаердан келиб чиққан? Бу, сўзсиз, қадимий туркий халқлар мифологияси билан алоқадор. Бу мифологияга кўра «дунё очоғи» — ҳаёт дарахти бор. У тоғ тепасидаги кўлнинг ўртасида ўсади. Унинг шохига қуш кўниб туради. Бу қуш муайян қабила учун онгон-тотемдир. Бу қуш ҳоқон ёки буюк шаман билан тангрини ўртасидаги алоқачи вазифасини ўтайди. Дарахт қаваги ичида эса бир қиз дунёга келган... Демак, тоғ — юксаклик, сув ҳаёт асосларидан бири, қуш — онгон, унинг тангрилар суҳбатидан бохабарлиги, одам қиёфасидаги қиз — булар жамланса, пари тушунчасининг бир томони намоён бўлади. Дарахт ривожини учун қуёш нури, унинг иссиқлиги зарурлиги қўшилса, пари тушунчасининг иккинчи томони вужудга келади. Бу билан ҳам пари тушунчаси тўла намоён бўлди деяётганимиз йўқ. Булар ҳали шу тушунчанинг белгилари, холос. Пари образи яна дев тушунчаси билан узвий алоқадор. Девнинг пайдо бўлиши олов билан боғлиқ. Ундан ташқари, девлар сеҳр-жодуни биладилар, катта-катта ишларни бир зумда амалга ошириб юбора оладилар. Уларнинг бу хусусиятлари ҳам парига кўчади.

Биз кузатувларимиз давомида шунга амин бўлдикки, халқ оғзаки бадий ижодиёти материалларида девнинг урғочиси йўқ. Шунингдек, парининг эркаги ҳам йўқ. Халқ дostonларида, эртаклирида бирор парининг отаси ҳақида маълумот бериладиган бўлса, у фалон девнинг қизи эди, дейилади. Масалан, «Маликаи Айёр» дostonида шундай — «Тилла қизнинг отаси оқ дев шох эди», дейилади. Онаси ҳақида сўз кетса, у паризод эди, дейилади. Бундан шундай хулоса чиқадикки, дев билан пари қўшилса уларнинг насли давом этади. Оилада қиз туғилса пари бўлади. Уғил туғилса дев бўлади. Одамзод билан пари оила курса, бу оила бефарзанд бўлади. Демак, бу ҳолда пари ҳаётининг давоми бўлмайди.

Париларнинг баъзи хусусиятлари ҳақида сўзлаб ўтдик. Лекин бу билан унинг ҳамма томонлари очиб берилгани йўқ. Унинг хусусиятларидан яна бири шундаки, пари одамлар ҳаётига бевосита аралашади. Масалан, парилар бирор кимсани танлаб оладилар, унга тазйиқ ўтказадилар. Ундан беморларни ўқиб, кинна солиб, кўчириқ қилиб даволашни талаб қиладилар. Акс ҳолда бу кимсани мажруҳ қилиб қўйиш ёки ўлдириш билан қўрқитадилар. У кимса парилар талабини бўйнига олса, парилар у одамга кишиларни даволаш ишида ёрдам берадилар, уни қўллаб-қувватлайдилар. Бундай одамлар халқ орасида «парихон» деб аталади. Навоий бу ҳақда шундай дейди: «Келтурунг сафъи жунунимга парихон, йўқ табиб, ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа». Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, пари доғилса — назар қилса киши эс-хушдан ажралади, девона бўлади. Девона — жиннини эса ўтмишда фақат шомонлик тушунчалари орқали даволамоқчи бўлганлар: Даволаш жараёнида эса, девонани занжирбанд қилиб — кишанлаб қўядилар. Чунки девона бошқа одамларга зиён етказиши мумкин. Бу тушунчалар классик адабиётимизда мустақкам ўринни эгаллайди. Масалан, Алишер Навоийнинг ғазалларидан бири мана бу матлаъ билан бошланади:

**Ул пари куйида мен девонани банд айлангиз,
Банди бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.**

Кейинги байтлардан бирида бу фикр янада ривожлантирилади:

**Телба кўнглим топсангиз, эй ёр куйи итлари,
Туш-тушидан тишлабон парканд-парканд айлангиз.**

Мана шу байтни шу вақтга қадар тўғри ўқиган бирор ҳофизни кўрган эмасмиз. Ҳофизларнинг бари «туш-тушидан»ни «тўш-тўшидан» деб ўқийдилар. Бу хато. Бунинг хато эканлигини бир вақтлар Анисий тахаллусли олим вақтли матбуотда кўрсатиб ўтган эди. Аммо Анисий доғла хато нимада эканлигини очиб бермаган. Бу ҳақда у «туш-тушиданни тўш-тўшидан деб хато ўқийдилар», — деган эди, холос. Қайд этилган байтдаги «туш-тушидан»ни «тўш-тўшидан» ўқилганда маъно чиқмайди. Унда гўё Навоий «ёри куйи итлари»га — вафодор ошиқларга менинг кўнглимдаги эзгу ниятимни амалга оширишни истасангиз, ёрнинг тўш-тўшидан тишлаб парча-парча қилиб ташланг, деб илтимос қилаётгандек туюлади. Бунда порнографик мазмун чиқиб қолади. Гап шундаки, бу ўринда муҳаббат билан шаҳвоний ҳирс ўртасидаги тафовут йўқолиб қолаётгандай туюлади. Ҳеч қачон лирик қаҳрамон ўз ёрининг тўш-тўшидан тишлашни бировларга — у ким бўлмасин, — топшириши мумкин эмас. Айниқса, Алишер Навоийдек буюк шоир бу тушунчани тарғиб қилишига ишониб қийин. Хўш, энди ўшал байтдаги «туш-тушидан» қандай маъно беради? «Туш-тушидан» Навоий асарлари луғатида берилганига кўра «ҳар тарафдан», бошқа бир луғатда эса «бўғин-бўғиндан» деган луғавий мазмунга эга. Энди байтнинг мазмуни бутунлай бошқача бўлиб чиқади.

Айтдикки, пари одамга назар солса уни девона қилади, ақлу ҳушидан бегона қилади. Бу классик адабиётимизда турғун тушунча. Масалан, Муқимийда ҳам унинг намунасини кўраемиз:

**Ақли-хуш учди бошимдан, э пари, девонаман,
Бир иложин қил эл ичра бўлмайин афсонаман.**

Яна таҳлил қилинаётган ғазалнинг матлаъига кўчайлик. «Ул пари куйида мен девонани банд айлангиз». Лирик қаҳрамон ўз танини занжирбанд қилишини сўраяпти. Чунки эс-ҳуши йўқ гавада атрофдагиларга бедодлик қилиб қўйиши мумкин.

Қадимги мифологик — деалистик тушунчаларга кўра тирик одамда бир-бирдан алоҳида-муस्ताқил икки хил белги бўлади. Бири киши организм, иккинчиси ақлу ҳуш, кўнгли. Шу иккаласи бир танда бирлашса ягона нормал одам вужудга келади. Агар ақлу ҳуш — кўнгли тандан ажралаб чиқса норма бузилади. Кўнгли ўзича ҳаёт кечиради, тан ўзича. Тандан чиқиб кетган кўнгли ўз истаги бўйича иш юритади, танга бўйинсунмайди. Пари доғил бўлган кўнгли ҳам телба. У ёри куйида сандироқлаб юради. Таҳлил қилинаётган байтга қайтсак, лирик қаҳрамон «ёри куйи итлари»дан йўлингизда менинг телба кўнглим ҳам учраб қолса, уни теварак-атрофдан ўраб олиб, бўғин-бўғинидан тишлаб парча-парча қилиб ташланг, деб илтижо қилаяпти. Кўринадики, гап лирик қаҳрамоннинг ёри ҳақида эмас, балки унинг телба кўнгли ҳақида кетаёпти. Демак, нисбат ёрга эмас, кўнглига қаратилган экан. Бунда ўзга — ажойиб мазмун гўзал бир шаклда ифодаланаётганини кўраемиз. Худди шу «бўғин-бўғинидан» тушунчасини халқ оғзаки бадиий ижодиётида ҳам учратиш мумкин. Масалан, «Алпоммиш» дostonида Қултой кийимини кийиб олган — ниқобланган Алпоммишнинг Бодом бикач билан ўлан айтишувида ҳам кўраемиз.

**Андирингдан ёр-ёр, мондиригдан ёр-ёр,
Кулча нон еган тандирингдан ёр-ёр.
Туппа-тузук одамни кўппак дейсан, ёр-ёр,
Кўппак итлар тортқиласин чандирингдан ёр-ёр.**

Одам суяклари бир-бири билан туташ жойларла бўғин ҳосил бўлади. Суякларни эса бир-бирига пайлар — чандир боғлайди, бириктиради. Дostonдан келтирилган парчада ҳам Бодом бикачни бўғин-бўғинидан тишлаб парчалаб ташласин, деган истак билдириляпти.

Аммо Навоий ғазалида бу тушунча улкан маҳорат билан қўлланган.

Навоий ўз ижодида ишлатадиган ҳар бир сўзга катта эътибор беради. Чунки у ҳар бир сўзда маълум образ яратади. Масалан, Навоийга мансуб ғазалда «пари» сўзи учраса, унда албатта «девона» — ошиқ ҳам ёнма-ён туради. Агар лирик қаҳрамоннинг севгилиси «париваш» бўлса, унда ошиқ ҳам девонага ўхшаш бўлади. Масалан, халқимиз севиб ҳар доим такрор-такрор эшитадиган «Муножот» куйи билан айтиладиган Навоий ғазалига эътибор берсак, унда шундай байтни учратаемиз:

**Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса борму ким анга кўрганда кулгу келмади.**

Кўрпимизки, маъшуқа пари эмас, балки «париваш» — пари сифат шунинг учун ҳам ошиқ девона эмас, балки девонавор — девонага ўхшаб йиғляпти. Ҳақиқатан ҳам, агар девона йиғлаётган бўлса кўрган кимса уни масхаралаб кулмайди, балки ачинади. Аммо соппа-соғ одам девонага ўх-

шаб йиғласа, бу чиндан ҳам кулгиликдир. Бу Навоий маҳоратининг юксак кўринишларидан биридир.

Классик адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олган, туркий халқлар мифологияси билан изоҳланадиган мумкин бўлган яна бир масалани Алишер Навоий поэзияси мисолида эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. У ҳам бўлса, классик поэзиямизда «ё», «ей»нинг ишлатилиши масаласидир. Одатда «ё» ёки «ей» тасвир объекти бўлган гўзалнинг қоши билан алоқадор. Бу икки хил кўринишга эга. Бири ҳарф санъати билан боғлиқ. Масалан:

**Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо билмонки, қилмас ё қилур.**

Бу туюқнинг иккинчи мисрасидаги «ё» қилур» араб алифбесидидаги «ё» ҳарфига ишора. Иккинчи кўриниш эса қадимги туркий халқлар мифологияси билан изоҳланади. Бунга мисол тариқасида Алишер Навоийнинг яна бир туюғига мурожаат этамиз:

**Ёраб ул шахду шакар ё лабдурур,
Ё магар шахду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак откали
Ғамза ўқин қошига ёлабдурур.**

Нега маъшуқа лирик қаҳрамоннинг жонига ўқ отмоқда, нега қоши камонига «Ғамза ўқин»ни қўйиб отмоқчи. Бунинг изоҳини олиш ўтмишдан ахтармоқ керак. Бу тушунча туркий халқларнинг мифологик қарашлари билан боғланиб кетади. Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асарида, Рашиддиннинг «Солнома» билан «Тўплами»нинг I жилдида, баъзи турк олимларининг асарларида кўрсатилишича, Ўғизхон билан алоқадор мифлар кўп бўлган. Унга кўра Ўғизхоннинг икки хотинидан олти ўғил туғилган. Манбаларда айтилишича, Ўғизхон ўғилларини бахт излашга юборган. Катта хотиндан туғилган ўғиллар — Кунхон, Ойхон, Юлдузхонлар шарққа томон йўл олганлар. Улар бир ёй-камон топиб отага келтирганлар. Ота хурсанд бўлиб соғвани қабул қилган ва ёйни тенг уч бўлакка бўлиб синдириб, шу уч ўғилга бир бўлакдан берган. Кейинги хотиндан туғилган уч ўғил — Кўпхон, Тоғхон, Денгизхонлар ғарбга қараб кетишган. Улар учта ёй ўқи топиб келтирганлар. Ота бу уч ўқни уч ўғилга битта-биттадан тақсимлаб берган. Шу муносабат билан катта ўғилларни сизерен (мустикаллар) деб атаган ва эл бошқариш учун уларга шарқдан ер ажратган. Кичик ўғилларини эса ана шу ёй эгаларига вассал қилиб белгиллаган. Шундай қилиб кичиклар «уч ўқ» номини олишди. Бу ном кейинчалик ҳам қабила бирлашмасининг номи бўлиб қолди. Мана шу миф ўзбек классик адабиётида, айниқса, лирикада доимий безовчи эпитет бўлиб келди ва шоирлар ундан баракали фойдаланишди. Доимий эпитетлар кўпинча анъанавий формулаларга айланиб, тайёр мисраларни ташкил қилади ва у шоирдан бу шоирга ўтиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ҳар бир шоир бу доимий эпитетдан ва анъанавий формуладан ўзи олға сурётган масалани ёритишда унга жузъий ўзгаришлар киритиш орқали ижодий фойдаланади. Шу ваздан классик шоирларнинг ғазалларида ўхшаш мисралар учраб туради. Масалан, Навоийнинг машҳур:

**Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч куёш —**

байтини Ҳофиз Хоразмийнинг девонида ҳам кичик бир фарқ билан учрашини кузатдик. Ҳофиз Хоразмий Навоийдан олдин ўтганлигини ҳисобга олганда, Навоий бу мисраларни Ҳофиз Хоразмийдан олмадимикани, деган фикрга келиш мумкин. Аммо бундай фикр шарқ поэзиясининг ўзига хос хусусиятларини билмайдиган кишилардагина пайдо бўлади. Ғарбда буржуа олимлари шарқ адабиётида кўчирмақашлик тўлиб ётибди, деган даъволарни қиладилар. Бу нотўғри, албатта. Чунки шарқ адиблари бир сюжет асосида эпик асар яратишар экан, унда бир-биридан кескин фарқ қилувчи мазмун бўлади ва бу мазмун бир сюжет доирасида ҳам турли бадиий шаклда ўз ифодасини топади. Яна Навоийнинг зикр этилган туюғига ўтайлик:

**Жонима пайваста новак откали
Ғамза ўқин қошига ёлабдурур.**

Нега «пайваста новак» ҳақида сўз кетаяпти? Нега битта ўқ эмас? Чунки бу ғамза ўқи. Ғамза эса бир кўз билан қилинмайди. Шунингдек, ёй ҳам иккита. Қошлар эса туташ — бир-бирига қўшилиб кетган. Шунинг учун ҳам «новак» пайваста. Бу ерда сюзерен (ҳоким) қошлар, кўзлар эса фақат ғамза ўқига эга. Қошлар — ёйлар бўлмаса ўқни узоққа отиб бўлмайди. Ўқ эса ёйнинг буйруғини бажаради. Ўқ бориб теккан кимса ёй эгасига вассал (тобе) бўлиб қолади. Вассал тушунчаси қадимда «қул» сўзи билан ҳам ифодаланган. Кейинчалик у ҳозирги қул тушунчасини ҳам ташийдиган бўлган. Демак, маъшуқа отган ўқ лирик қаҳрамонга тегар экан, у маъшуқага қул бўлиб қолиши керак. Шунинг учун ҳам у «пайваста новак»ни лирик қаҳрамоннинг жонига тўғрилайпти, мўлжалга олапти.


Шу ўринда яна бир детални ёритишни истардик. Шоирлар, шу жумладан, Алишер Навоий мужгон — киприк ҳақида сўзлаганда уни «Тири мужгон» ва «Тийғи мужгон» деб икки хил ёзади.

**Тийғи ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм экдинг ул кишварни вайрон айлагач.**

Бу ўринда «тийғини» «тир» ўқиш мумкин эмаслиги кўриниб турибди, чунки «пайкон» «тир» ўрнида берилаяпти. Қисқаси шуки, киприк-мужгон қошга тобе бўлса кўпинча «тир» бўлади, кўзга тобе бўлса «тийғи» бўлади. Қош ҳамиша ёй, шунинг учун ҳам у ўқ билан боғлиқ. Кўз кўпинча жаллод, унинг қўлида эса «тийғи» — ханжар бор.

Ўрта асрлар шарқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий ўз халқининг урф-одатларини, миф ва афсоналарини, қўйингки, барча оғзаки ижодиётини жуда яхши билади ва ўз ижодида ундан моҳирлик билан фойдаланади. Бу сеҳрғар шоир осмон гўлбазини олмага айлантириб, қўлида ўйнаб юради:

**Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрингким,
Бир олма каби гўлбази мену билан ўйнар.**



ЧАЛКАШЛИКЛАРНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Дилдаги ўйларимнинг қоғозга тушишига навқирон ва истеъдодли ёзувчи, Хайриддин Султоновнинг «Дарсликдаги чалкашликлар» («Еш куч» журнали, 1989 йил, 3-сон) мақоласи туртки бўлди. Адиб ўзининг мақолалари билан адабиёт ўқитувчиларининг жонкуяр дўстига айланган. У 1988 йилнинг охирида Ёзувчилар союзида адабиёт ўқитиш муаммоларига бағишлаб ўтказилган анжуманда кўпгина долзарб масалаларни ўртага ташлаб, кўпчиликда катта таассурот қолдирган эди. Анжуман қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтди. Кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Йиғилишда айтилаётган ошқора фикрларга маҳлиё бўлиб ўтирдим, ўзим ҳам имкон доирасида дилимдаги дардларимни тўкиб солдим. Лекин йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинганда, хўш, биз бугун мактабга қандай аниқ амалий ёрдам кўрсатдик, деб ўз-ўзимга савол бердим ва унга кўнгилдагидек жавоб топа олмадим. Ҳақиқатан ҳам биз мактабга ёрдам бериш учун кўп мартаба катта ишлар бошлаяпмиз. Ҳа, фақат бошлаяпмиз, холос. Лекин, уни давом эттирмаяпмиз. Бир неча марта давра суҳбатлари, мунозаралар ташкил этдик. Лекин ана шу давра суҳбатларида, йирик анжуманларда билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида аниқ тадбирлар белгилаб, мутасадди ташкилотларга ҳавола этаётганимиз ва унинг бажарилишини қатъий талаб қилаётганимиз йўқ. Билдирилган фикр-мулоҳазалар шунчаки тақлифлигича қолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам мактабда олдинги силжишлар рўй бермаяпти.

Х. Султонов юқорида номи зикр этилган мақоласида: «Мен бу қизғин даъватларни битар эканман, очиги, аҳволнинг ўзгаришига унчалик ҳам ишонаётганим йўқ», — деб ёзибди.

Менимча, Хайриддиннинг бундай хулосага келиши кўп мартаба бошланган эзгу ишларнинг ана шундай чала қолгани билан боғлиқ.

Адабиёт дарсликлари ўқувчиларни бадииятнинг сеҳрли олами сари етаклаши зарур. Бизнинг дарсликларимиз эса, очигини айтганда, уларни бу йўлдан бездириш ишига хизмат қилмоқда. Чунки дарсликларда яланғоч ғоялар, қуруқ паңд-насиҳатлар кетидан қувиш ҳолатлари асосий ўринни эгаллайди. Х. Султонов айтганидек, аллақандай мажлис қарорини эслатадиган сатрлар (Уйғуннинг «Бригадир Карим» шеъри кўзда тутиляпти — А. А.) поэзиянинг ажойиб намунаси сифатида ўқувчиларга тақдим этилади. Натижада адабий таълим билан эстетик тарбия ўртасида узилиш вужудга келган. Бу узилиш адабиёт дарслирининг таъсирчанлигини ошириш йўлига ғов бўлаётган энг катта иллатлардан биридир.

Мунозарада иштирок этадиган ўртоқлар эски программадан ўрин олган қайси асарни қандай бадиий ижод намунаси билан алмаштирилишини истайдилар? Ана шу ҳақда қанча кўпроқ тақлифлар айtilса, янги дарслик муаллифлари учун танлаб олиш имкониятлари шунчалик кенгайган бўлур эди. Биз Х. Султоновнинг «Дарсликдаги чалкашликлар» мақоласида билдирилган қимматли фикрларга асосан қўшилган ҳолда, мазкур мақолада кўпроқ ана шундай амалий тақлифлар ҳам бўлишини жуда-жуда истар эдик. Шунингдек, мақоладаги баъзи фикрларда эътирозли ўринлар ҳам бор деб ҳисоблайман. Масалан, қуйидаги мулоҳазага эътибор беринг: «Мамлакатимизда қайта қуриш ҳаракати авж олиб кетганига уч йилдан ошди. Аммо адабиёт дарсликларимизга гўё бу жараённинг алоқаси йўқдек. Жуда кўп эскирган қарашлар, догматик фикрлар, эллигинчи йилларда тузилган адабий рўйхатлар ҳамон бу китобда устивор бўлиб турибди». Эътибор берсак, шу мақоланинг ўзида Х. Султонов бу китобнинг (10-синф «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги) 1987 йилда чоп этилган нашри хусусида фикр юритаётганлигини айтган эди. Дарслик — газета ёки журнал эмаслигини, уни қайта кўриш қизиқ ва қайта нашр этиш жараёни бир-икки йил вақтни қамраб олиши табиийлигини ҳисобга олсак, мазкур дарслик ҳали қайта қуриш бошланмасдан олдинроқ таҳрир этилганлиги маълум бўлади.

Эски дарсликлар хусусида фикр юритганда, биз уларни бутунлай яроқсиз деб ҳукм чиқаришдан ийроқ бўлишимиз керак. Чунки бу дарсликлар эндиликда биз учун маданий меросга айланди. Маданий мерос эса ҳамма вақт ўзига ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Қайта қуриш талаблари асосида яратиладиган қўлланмалар ҳам осмондан тушмайди, балки ана шу эски дарсликларнинг такомили сифатида вужудга келади. Демак, уларни танқидий ўрганишимиз ва ижодий фойдаланишимиз зарур.

Дарсликдан жой олган баъзи асарлар ҳақида фикр юритар эканман, беихтиёр ўқувчилик кезларимдаги бир мунозара ёдимга тушади. Адабиёт ўқитувчимиз «Кўкан» поэмасини тарқали қилган, ўз фикрини қуйидагича яқунлади: — «Демак, Ғафур Ғулом ўзининг «Кўкан» поэмаси орқали якка хўжаликка нисбатан коллектив хўжаликнинг афзал эканлигини инкор этиб бўлмайдиган далиллар ёрдамида, ёрқин ва ҳаётий образлар мисолида исботлаб берди».

Мазкур фикрларни тинглагач, ўқитувчидан сўрадим:

— Менинг баъзи қариндошларим колхозчи, баъзилари эса якка тартибда хўжалик юритишди (Уша вақтларда ҳам баъзи уддабурон одамлар норасмий йўллар билан колхоз ерини ижарага

олиб, якка хўжалик тартибида меҳнат қилар эдилар. Уларнинг бу ҳаракатлари давлат томонидан эскин қораларди). Колхозчи қариндошларимнинг йиллик даромадлари 500 сўмга ҳам етмаяпти. Якка хўжалик тартибида меҳнат қилаётган қариндошларим эса йилига 6—7 минг сўмдан даромад қилмоқдалар. Амалда коллектив хўжаликнинг якка хўжаликка нисбатан афзал эканлиги нимада кўринади?»

Табиийки, бундай саволларга ўқитувчидан жўяли жавоб ололмадим.

Шу кунларда республикамиз Компартияси Марказий Комитетида 30—40-йилларда ва 50-йилларда ноҳақ репрессия қилинган шахсларни оқлаш юзасидан тузилган комиссия иш олиб бормоқда. Комиссия дуч келаётган кўплаб фактлар «Кўкан» поэмаси яратилган йилларда ҳам ленинча принципларга суянмай ташкил этилган коллектив хўжаликлар амалда якка хўжаликка нисбатан афзал бўлмаганлигини кўрсатмоқда. Шу йилларда бир миллиондан ортиқ деҳқон хўжаликлари кулоқ сифатида тугатилган эди. Келинг, ҳақ гаплари учун Сурхондарё округ суди томонидан қамалган, эндиликда комиссия томонидан айбисиз деб топилган Сариосиёлик мактаб мудирини Фулом Эҳсоновга қўйилган айбномга эътибор берайлик: «Ғ. Эҳсонов 1937 йилда Файзулла Хўжаевни мактадан. Одамларни колхозда ишламасликка чақирган. Чунки колхозчи кўлида ҳеч нарса йўқлиги, унинг оч-яланғочлигини айтган... Гувоҳ М. Наимов кўрсатмасига кўра, Эҳсонов «Колхознинг йиллик даромадини давлат олиб қўйяпти, колхозчилар эса оч қоляпти. Бундай колхозда ишлагандан кўра ишламаган яхши...» деган». («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 6.01.89 й.)

30-йилларда коллективлаштиришнинг қандай кечганлиги КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарориди ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Жумладан, мазкур қарорнинг 2-бандида шундай жумлалар бор:

«...қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги кўпгина эски муаммолар илдири 30-йилларда қишлоқни қайта қуриш даврида йўл қўйилган катта хатолар ва нуқсонларга, ...зўравонликдан иборат фавқулодда чоралар қўлланиб, коллективлаштиришни асоссиз равишда жадаллаштиришга бориб тақалади».

Ҳақиқий аҳвол шундай бўлгач, кўриниб турибдики, «Кўкан» поэмасини дарсликларда айтилган-нидек, «шоиримиз балогат босқичи»нинг меваси, «монументал асар», «реалистик поэма» деб макташ тўғри бўлармикин? Бу асар қандай зарурат натижасида юзага келган бўлиши мумкин? Замонасозлик туфайлими? Ёки эркин конкуренцияга асосланмасдан олиб борилаётган коллективлаштириш сиёсатининг келажагига қатъий ишонч ва эътиқод сабаблими?

Кўкан ота васиятига амал қилиб, Шарифбойдан маслаҳат олгани боради. Шарифбой унга шундай дейди:

**Пахта эксанг, оч қоласан, ҳой баччағар,
Шарт тўлдирмай уйинг куйиб, ёшинг оқар.
Арпа-бўғдой ош деган-ку машойхлар,
Тотув бўлсак, куймас кабоб ва на сихлар.**

Биз шу вақтга қадар Шарифбойларнинг устидан кулиб, амалда эса ўз хатти-ҳаракатларимиз билан уларнинг башоратларини исботлаб келмадикми? Олти миллион тонналик шартни тўлдиролмай не кунларга тушмадик ахир? Ёки колхозчиларнинг Кўканга айтган мана бу сўзларини бугун қандай изоҳлаш мумкин:

**Бирга-бирга гуллатайлик дала-даштни,
Пахта экиб сиқажакмиз шоли, мошни.**

«Кўкан» поэмасини бундан кейин ҳам мактаб программасидан ўрин олиши мақсадга мувофиқ келармикин?

Албатта, бунга ўхшаш саволларга адабиётшунос олимларимиз асосли жавоблар беришар. Бизга қолса, «Кўкан» поэмаси мактабда янгича ёндашувлар асосида ўрганилгани маъқул. Агар шундай қилинса, «Кўкан» поэмасининг зиммасига янгидан-янги муҳим вазифалар юклаш мумкин. Асар таҳлилига янгича ёндашув орқали синфда шиддатли мунозаралар уюштирилса, бундай мунозаралар ўқувчилар дунёқарашда плюрализмнинг шаклланишига яқиндан ёрдам беради. Қолаверса, «Кўкан» поэмаси бизга 30-йиллардаги адабий жараённи бутун мураккаблиги билан кўз олдимишга келтира олишимизга ва уни танқидий ўзлаштиришимизга яқиндан ёрдам берадиган асар намунасига айланса ажаб эмас.

Ун еттинчи аср француз файласуфи Франсуа де Ларошфука: «Фалсафа ўтмиш ва келажак кулфатлари устидан тантана қилади, лекин бугуннинг қайғуси фалсафанинг устидан тантана қилади», — деган эди.

Менимча, қайта қуришнинг буюклиги шундаки, унинг шарофати билан мамлакатимизнинг кўпгина регионларида фалсафа бугуннинг қайғулари устидан рўй-рост тантана қилмоқда. Лекин, республикамиздаги аҳвол ҳақида бор овоз билан бундай дейишга ҳали эрта. Тўғри, ўтмиш ҳақида бор ҳақиқатни айтиб наъра тортяпмиз, келажак ҳақида эса мавҳум фикрлардан нарига ўтолмаяпмиз. Лекин бугунги куннинг энг долзарб ҳақиқатларини айтишда кўпинча қаловланиб қоляпмиз. Кўп ҳолларда дилимиздаги гапни тилимизга чиқаролмаймиз.

Буюк адиблар ҳар қандай шароитда ҳам масалага бир томонлама ёндашишдан сақланганлар. Абдулла Қодирий «Обид кетмон» повестини қандай зарурат туфайли ёзганлиги бугунги кунда кўпчиликка сир эмас. Лекин адибнинг буюклиги шундаки, анчайин бўш асар бўлган «Обид кетмон»да ҳам масаланинг иккинчи томонини кўздан қочирмади. Повестда тасвирланишича, Берди татар колхозга киришни тарғиб қилганда, Обид кетмон ўзини қийнаётган баъзи муаммоларни унга айтади. Жамиятдаги бири айёр ва олғир, иккинчиси танбал ва ялқов, учинчиси меҳнатсевар ва фидокор одамларни ёппасига колхоз қурилиши туфайли тенг ҳуқуқлар асосида бирлаштириб, келажакда яхши натижаларга эришиш мумкинлигига Обид кетмоннинг кўзи етмас эди. У ўз мулоҳазаларини Берди татарга билдирганида, суҳбатдоши ҳам бу саволларга жавоб топа олмади. Лекин бу ишларнинг бошида Коммунистик партия турганлигини, партиянинг эса адашиши мумкин эмаслигини айтади. Абдулла Қодирий ана шундай оғир вазиятда ҳам юргизилаётган сиёсатдаги хатоликларга ишора қила олди. Агар ўша вақтларда адиб кўтарган муаммоларга етарлича эътибор берилганда, замани-

миз бугунги кунда бу қадар эгасиз аҳволга тушмаган бўлур эди. Назаримда, «Кўкан» поэмасининг энг катта камчилиги шундаки, унда масалага фақат бир томонлама ва кўр-кўрона ёндашилган.

Энди ана шу мезон билан Ҳамид Олимжон ижодига назар ташлайдиган бўлсак, унда ҳам нима-дир етишмаётгани аён бўлади.

Тўғриси айтганда, мен Ҳамид Олимжон асарларидан олам-олам завқ оламан. Улар ўқувчини гўзаллик кучоғига, нафосат оламига етаклайди. Киши қалбида замондан шукроналик, ватанга чексиз муҳаббат, сарҳадсиз бахт ва шодлик туйғуларини жўш урдиреди. Ҳақиқатан ҳам Ҳамид Олимжон — бахт ва шодлик куйчиси.

Лекин барибир битта савол кўнгилга тинчлик бермайди. Миллионлаб беғуноҳларни ўз домига тортган репрессия йилларида шоиримиз шунча шодликни қаердан олдийкин? Ахир ҳаёт ҳеч қачон фақатгина бахт ва шодликдан иборат бўлмаган, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлиши мумкин эмас-ку. Яна ўзимга-ўзим эътироз билдираман. Хўш, нима бўлибди? Ҳар бир шоир ўзи истаган мавзуда қалам тебратеди. Ҳамид Олимжон ўз даврининг дард-аламларини эмас, балки завқ-шавқини куйлашни лозим кўрган ва буни қойилмақом қилиб уддалаган. Уз даврининг оғриқли муаммоларини ёзишни истамаганлиги учун уни айблаш керакми? Лекин гап шундаки, эндиликда биз ўқув программаларида ҳаёт ҳақида бир ёқлама фикр юритган асарларга камроқ ўрин ажратиш ҳисобига бор ҳақиқатни бутунича айтишга интилган санъат намуналарини кенгроқ ўрганиш учун имконият яратмоғимиз зарур.

Шу мавзуда фикр юритганда Уйғуннинг баъзи асарларини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Масалан, шоирнинг шу вақтга қадар ўзбек поэмачилигининг нодир намуналаридан бири сифатида ўрганиб келинаётган «Жонтемир» асарини кўздан кечирайлик. Жонтемир инқилобдан аввал «На кўкнинг фонари ўчмасдан» «пода ҳайдаб қирга кетарди, майса гиламларга етарди». Қўйларини майса гиламларига ёйиб, ўзи кун бўйи табиат кучоғида дам олар эди. У инқилобдан кейин яна «На юлдуз сайр этиб кўчмасдан», «Бригадасини уйғотиб» (Нима ҳаққи бор, ухлаб ётган одамларни тонг отмасдан уйғотишга), «Экин майдонига юради». У ерда: «Толдик демай, чарчадик демай, Бутун кучи билан тиришди. Саҳар туриб то оқшомгача ишладилар зўр бериб ҳар кун...» (Демак, улар саккиз соатлик иш куни нима эканлигини, дам олиш куни қандай бўлишини тасаввур қилмасдан ишламоқдалар).

Уйғуннинг «Бригадир Карим» шеърида бундай мотивлар янада кучаяди. «Ўзи эса жуда ҳам қари» бўлган машҳур Назир отанинг «Тош ёғса ҳам пахтани терамиз» дея, каловланиб пахтазор сари одимлаётганини кўриб, беихтиёр шундай деб ҳайқиринг келади:

— Ҳой барака топқурлар! Биз ахир нима мақсадда Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширдик? Нима учун бу йўлда беҳисоб қурбонлар бердик? Ўзлимизни англаш; саккиз соатлик иш кунига эришиш; шанба, якшанба кунлари маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлиш учунми ёки кун чиқардан кун ботаргача ишлаш; дам олиш куни нималигини билмай, ҳатто байрам кунлари ҳам пахтазорда «жавлон уриш»; қариганда кексалик гаштини суриш ўрнига Назир ота бўлиб пайкалда лой кечиб юриш учунми?!

Бизнингча, муаллифнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар ана шундай тоифадаги асарлар ўзбек халқини пахта якка ҳокимлигига тобе қилиш йўлида хизмат қилганлиги аччиқ ҳақиқатдир.

Йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида чуқур ҳис этиш ва уни тан олиш ҳам мардлик белгиси. Шоир Уйғуннинг яқинда эълон қилинган бир шеъри («Мумкин эмас эскича ишлаш», «Совет Ўзбекистони» газетаси, 17.03.89 й.) менга ана шундай мардлик белгиси бўлиб туюлди. Гарчи бу шеърни бадиий ижод намунаси деб бўлмаса ҳам (гарчи, Х. Султонов айтганидек шеърдан мажлисда айтиладиган гапларнинг ҳиди келиб турган бўлса ҳам) унда баён қилинган қуйидаги сўзлар фикримизга далил бўла олади:

**Тўғри гап айтишга тилимиз келмай,
Хатоларимизни яшириб келдик.
Бўлдига чиқариб бўлмаган ишни
Ютуқларимизни ошириб келдик...
...Энди мумкин эмас эскича ишлаш,
Ҳақиқатни бўяш тугади энди.
Алдамоқчи бўлсанг, ёлғон гапирсанг
Халқ ҳалқумингдан бўғади энди...**

Албатта, юқорида номлари зикр этилган асарларнинг бундан кейинги тақдири хусусида му-тахассис адабиётшуносларимиз ўз хулосаларини айтишар. Ҳар қалай Уйғуннинг замонасозлик руҳида ёзилган асарлари таҳлилида унинг дилбар пейзаж лирикасига, салмоқли драматик асарларига соя ташланишига, ўқувчиларда шоирга нисбатан нохуш кайфиятлар уйғонишига иложчи борича йўл қўйилмагани маъқул. Бунинг учун асосан тарихий давр айбдор эканлиги маълум. Маълумки, ижодкорларнинг асарларида муаллифнинг турли шароитлардаги турлича кайфиятлари ўз ифодасини топади.

Хуллас, мактаб адабиёт дарсликларини синчиклаб кузатиб чиқсангиз, замонасозлик руҳида ёзилган мавсумий характердаги «тарих кўрмаган зафарларимиз» ҳақида бонг урадиган, бугунги китобхонга кулгули туюладиган кўплаб асарларга дуч келасиз. Бундай асарларни мактабда бутунлай ўрганмаслик тарихий давр ҳақидаги тасаввуримиз маълум даражада кемтик бўлиб қолишига олиб келади. Уларни кенг планда, алоҳида соатларда таҳлил қилмасдан, фақат обзор дарсларида умумлаштириб ўргансак, маълум даврнинг зиддиятларини очишда улардан фойдалансак қандай бўларкин? Агар шундай қилинса анчагина вақтни тежаш мумкин бўлар эди. Менга қолса, ана шу тежалган вақтдан қуйидаги имкониятларни вужудга келтириш йўлида фойдаланишни таклиф қилардим:

1. Кейинги йилларда адабиёт дарсликларида қуруқ гоёбозлик кетидан қувиб, ундан (Ойбекнинг «Навойи»си, Тургеневнинг «Муму»си каби) кўпгина ҳақиқий бадиий намуналарни сиқиб чиқардик. Дарсликни ўқувчиларни бадииятга ошно қиладиган жозибали асарлар ҳисобига тўлдириш керак.

2. Ҳуқуқчиларга жаҳидлар ҳақида кенгроқ маълумот бериш, улар илғари сурган илғор ғояларни бугунги кун билан боғлаб талқин этиш керак. Шунингдек, Авлоний, Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Элбек каби ижодкорларга дарсликдан ўрин бериш зарур деб ҳисоблайман.

3. Н. Г. Чернишевский айтганидек, адабиёт ҳаёт дарслигидир. Демак, биз адабиёт ўқитиш орқали ўқувчиларни бугунги ҳаётга тайёрламоғимиз зарур. Бу борада тарих сабоқларини ўрганишга кенг ўрин беришимиз лекин назаримда, шу куннинг муҳим муаммоларини ёритишга етарлича эътибор кўрсатмаямиз. Бу масалани уч хил йўл билан ҳал этишни таклиф қилардим:

Биринчидан, адабиёт дарсликларига адабий материаллар миқдори ҳаддан зиёд кўпайиб кетган. Бу нуқсон асосан баъзи адиблар ижодига олти, етти, ҳатто саккиз марта баъзи мурожаат қилиш оқибатида юзага келган. (Янги адабиёт программаси лойиҳаси назарда тутилмоқда). Натижада ўқувчилар адабий материаллар билан шошилиш, кўр-кўрона танишиб чиқишга аранг улгурадилар, холос. Адабий фактларни бугунги муаммолар билан боғлаб талқин қилиш, ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш мақсадида баҳс ва мунозаралар ташкил этиш учун дарсликда миқдор кетидан қувишга чек қўймоқ керак.

Иккинчидан, маълумки, турғунлик йилларидаёқ ўз асарлари билан бугунги куннинг долзарб ғояларини тарғиб эта олган ажойиб адибларимиз бор. Улар бугунги кунда республикамизда қайта қуришнинг яловбардорларига айланиб бормоқдалар. Менимча, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ, Гулчеҳра Нуруллаева каби қатор ижодкорлар ана шулар жумласидандир. Мавсумий характерда, замонасозлик руҳида ёзилган асарлардан бўшаган соатларнинг каттагина қисми мазкур адиблар ижодини кенгроқ ўрганиш учун сарфланса, адабиёт дарслари ўқувчиларнинг сеvimли машғулотларига айланиши, уларни бугунги кунимизнинг андуҳларига ҳамдард, севинчларига шерик этиши шубҳасиздир.

Шунингдек, 80-йиллар адабиётига обзор дарсларида Ҳалима Ҳудойбердиева, Тоҳир Малик, Омон Матжон, Усмон Азимов, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Аҳмад Аъзам, Мирза Кенжабоев каби навқирон авлод яратаётган ўзига хос адабий жараённинг моҳияти атрофида ёритиб берилмоғи зарур.

Учинчидан, публицистика бугунги куннинг етакчи жанрига айланди. Менимча, шу куннинг энг ўткир муаммолари кўтарилган публицистик мақолаларни адабиёт дарсларида муҳокама қилиш сув билан ҳаводек зарур. Очиғини айтганда, ўқувчиларимиз ижтимоий тафаккурнинг фаоллашувида қардош республикалардаги дўстларидан кескин орқада қолмоқдалар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз фикр юритаётган ушбу мавзу мактабга ҳам, олий таълимга ҳам баробар тегишли бўлган катта муаммодир. Шунинг учун бу борада ечимини кутаётган, қилинадиган ишлар жуда кўп. Мутахассис ўртоқлар мазкур муаммоларни ҳал қилишда ўзларининг қимматли фикрлари билан фаол иштирок этишларига умид боғлайман.

Абдулла АБДУРАЗЗОҚОВ,
педагогика фанлари номзоди



Файзулла Қиличев

Занжир

Қисса

1. ҚОТИЛЛИК

Тун ярмидан оққан. Майдалаб ёмғир ёғмоқда. Оvloқ дарё соҳилида сукунат ҳукмрон. Атроф шу қадар сокин ва жимжитки, бундай пайтларда кишини беихтиёр ваҳима босади. Аҳён-аҳёнда эсаётган салқин шаббода қирғоқдаги қорайиб кўринаётган қамишларни штирлатади, ёмғирнинг майин шилдир-шилдири ҳам алланечук ваҳимали...

Тун сукунати тўсатдан мотоциклнинг тариллаган овози бузди. Орадани кўп ўтмай, соҳил ёқалаган йўлдан шитоб билан келаётган мотоцикл кўринди. Унинг чироқларидан таралаётган ўткир нур ўнқир-чўнқирлардан чайқалиб, теварак-атрофни бир лаҳза ёритиб юборарди.

Йўлнинг дарё бўйига етмасдан кескин буриладиган жойига келганда, мотоцикл тезлигини бирдан пасайтирди-да, соҳил томон қайрилди. Уйдим-чуқурларда тўпланиб қолган ёмғир ҳалқобларини четлай-четлай, қум-шағал аралаш қирғоқ ёқалаб кела бошлади. Сув пишқириб оқаётган жойга етганда илқис тўхтади. Ҳайдовчи қалитни бураб, моторни ўчирди. Теварак-атрофга яна сукунат чўкди.

Улар икки киши эди. Мотоциклни тиргичига суяб қўйишди-да, қирғоқнинг ўпирилган жойига келиб, пичирлаб гаплаша бошлади.

— Шу ердан қулай жой йўқ, — деди номаълум кишилардан бири. — Қирғоқ тик, оқим тез. Бу ёғи эса қамишзор.

— Маъқул, — деди иккинчиси атрофни бир оз кузатгач. — Жўна энди. Вақт алламаҳал бўлиб қолди.

Биринчи киши мотоцикл педалини босаркан, бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади.

— Жонни суғуриб олай дейди-я, падарлаънати бу йўтал! — тўнгиллади у.

Мотоцикл тариллаб ўт олди. Ҳайдовчи уни орқага буриб олди-да, шоша-пиша жўнаб кетди.

Қирғоқда ёлғиз қолган кимса оёғида зўрға чайқалиб турар, афтидан кайфи борга ўхшарди. Ниҳоят, чўнқайиб олиб, атрофга қулоқ тута бошлади. Орадани бир фурсат ўтгач, қамишларнинг ваҳимали шилдирашидан хавфсирадимми, қоронғиликка қараб:

Файзулла Қиличевнинг «Занжир» қиссаси характер жиҳатидан детектив жанрга оид. Асарнинг бошидаёқ қотиллик юз беради. Қотиллик номаълум шахслар томонидан содир этилади. Изқувар изга тушади.

Жанрнинг энг катта талабларидан бири шуки, курашга тушаётган томонларнинг илконияти тенг белгиланиши керак. Қотил ғоят тажрибали, изқувар нўноқ бўлса унда «ййин» тартиби бузилади. Ёки, аксинча ҳолда, асар китобхон эътиборини торта олмайди. Яъни, ёзувчи ҳар икки томонга бир хил илконият беради. «Уйин» давомида ўқувчи ҳар икки томоннинг топқирлиги, ҳушёрлиги, жасорати ва тафаккурининг олишувини кузатиб боради.

Файзулла Қиличевнинг «Занжир» қиссасида бу талабларга риоя қилинганлигини кўраимиз. Шунингдек, ёзувчи асар сюжетини қизиқарли қўра олганини ҳам тан олиш керак. Образларнинг ҳаракати ва қилмишлари уларнинг ички дунёси, яъни «фалсафаси»га мос келади. Худди шу маънода қизиқарли бу асар юзага келаётганидан ҳам унинг муаллифини, ҳам ўқувчиларини табрикламоқ керак.

Худойберди ТҲТАБОВ

«Келавер, кўриб турибман», — деб ўдағайлади. Яқин атрофда ҳеч зоғ йўқлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Уртасидан синган жойини кўриб, четга улоқтирди. Сўнг иккинчисини олиб ёндирди-да, ютоқиб чека бошлади.

Орадан бир соатча вақт ўтди. Узоқдан яна мотоцикл овози эшитила бошлади. Кейин шу тарафга елиб келаётган чироқ шуъласи кўринди. Номаълум киши сигаретасини ерга ташлаб, оёқ учида обдан эзгилаб ўчирди. Мотоцикл йўлдан соҳилга буриларкан, эҳтиётдан у қирғоқдаги қамишлар орасига ўзини олди.

Соҳилга келиб тўхтаган мотоциклда ҳайдовчидан бошқа яна бир киши бор эди.

Улар ерга тушишгач, ҳайдовчининг ҳамроҳига: «Бир оз дамнингни ол, титраб кетяпсан, асабинг чатоқроқ», деган овози эшитилди. Ҳамроҳи эса ҳайдовчига зўр бериб алланамаларни уқтира бошлади. Биринчи киши гугурт чақиб, сигарета ёндирди, ҳамроҳининг ҳам чўнтагидан папирос олганини кўриб, оловни унга тутди. Чекишди.

Бу орада қамишлар ичига яширинган одам қўлидаги алланарсани шилдирашиб, қандайдир қоғозни ғижимлаб четга ташлади. Чамаси қоғоз ичидан олган бошқа нарсани чап қўлида тутганча, ҳамроҳлар ўзаро гаплашиб турган жойга яқинлашди. Сўнг қўлидаги нарса билан улардан бирининг бошига қаттиқ урди. Кўп ўтмай, одамнинг гавдаси сувга шалоплаб тушди. Кейин мотоцикл моторининг бўғриқиб тариллаши эшитилди. Овозлар тингач, дарё соҳилига яна аввалгидай сукунат чўкди. Теварак-атроф шу қадар сокин ва осойишта эдики, бундан атиги бир неча дақиқа олдин шу ерда қотиллик содир бўлганига ақл бовар қилмасди...

2. ЧАЛА ҚОЛГАН ҚУШИҚ

Кўйлар маърашиб, кўзичоқлар оналари атрофида ирғишлашиб ўйнаётган бепоён яйлов. «Илғор» колхозининг бош чўпони Нормамат ака ҳар кун тонг билан бирга туришга одатланиб қолган. Нормаматнинг ота-боболари азалдан чўпон ўтган. У ҳам ота касбига содиқ қолди. Ўзи туғилиб ўсган бу яйловлар унга дунёдаги ҳамма нарсалардан азиз эди. Ёзнинг жазирамасию қишнинг қаттиқ изғиринлари, кузнинг ўзига хос инжиқликларию баҳорнинг сархуш лаҳзалари, унинг наздида, фақат шу қадрдон қир-адирлардагина бўларди.

Яйловларда у ўзини поёнсиз самода қанот қоқиб учиб юрган қушдай эркин ва енгил ҳис этарди. Гапнинг пўскалласини айтганда, у бўрибосарларнинг вовуллашию қўй-қўзиларнинг маъраши, кўчма ўтовлару ўзининг ирғай таёғисиз ҳаётни тасаввур ҳам қила олмасди. Отар кетидан адирма-адир кезавериш, ёлғизликка ҳам ўрганиб қолганди.

Нормамат тонгга яқин кўзи илинган бўлса-да, уйқудан тетик ва бардам турди. Бугун унинг ҳаётида жуда катта ўзгариш юз беради. Бу воқеани у умр бўйи орзиқиб кутган эди. Ахир, у бугун яккаю ягона ўғлини уйлантирмоқда! Энди уни кимдир «қайната» деб атайди. Насиб эса, кўп ўтмай, «бобо» ҳам бўлади. Тонггача унга уйқу бермаган сархуш хаёллар шу эди.

Кечагина кўзичоқлар билан қувалашиб ўйнаб юрган Холмамат бугун йигит. У район марказидаги мактаб-интернатда ётиб ўқиб юрган пайтларида озгина вақт топдими, дарҳол ота-онасининг ўтовига етиб келарди. Мактабни тамомлагандан кейин ҳам ўз тенгдошлари қатори шаҳарга кетишга — ўқишни давом эттиришга хуши бўлмади. Отасининг ёнида чўлик — ёрдамчи чўпонлик қила бошлади. Орада ҳарбий хизматини ҳам ўтаб қайтди. Нормамат ака яйлов юмушлари билан юриб, ўғлининг ўзига ҳақиқий ўринбосар бўлганини ҳам билмай қолибди, унинг қандай вояга етганини ҳам сезмабди.

— Уғлингизнинг бошини иккита қилишни ҳеч ўйлайсизми, Холмамат?! — деб қолди бир куни хотини унга.

¹ Эрига тўнғич фарзанднинг, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, номини айтиб мурожаат қилиш адир халқларининг азалий одати.

— Ҳали ёш эмасми? Рўзгор юкини кўтара олармикан, ғўра-ку, — деди у хотинининг гапига атай эътироз билдирганнамо.

— Отага ўғил ҳамиша гўдак бўлиб кўринаверар экан-да. Ўзингиз менга уйланганда неча ёшда эдингиз? Ишингиз борми-йўқми, тагингизда бир от ҳалак, ўзингиз ундан беш-баттар ҳалак, ўтовимиз атрофидан кетмасдингиз. Ҳа, дарров эсингиздан чиқдими? Мотоцикл олиб берганингиздан буён ўғлингиз Рўзвой тоғанинг отарига серқатнов бўлиб қолган.

«Вой хотинлар-э, билмаган балоси йўқ уларнинг», хаёлидан ўтказди Нормамат. Сўнг:

— Қара-я, онаси, эътиборсизлигим кўрсин, — деди мийиғида кулиб.

У Рўзвой тоғани яхши танийди: фермада бош чўпон, катта отари бор. Дарҳақиқат, унинг бўй етган қизи борлигиниям билади. Оти Ойсарамиди? Ҳа, Ойсара...

Шу-шу, бирданига Холмаматни уйлантириш ташвиши чиқиб қолди. Йўл-йўриқ сўраб ферма мудирига маслаҳат солган эди, у ишни бир оз орқага сурди. Хуллас, тўй муддати белгиланди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар ҳам яқин қолди. Хотини бир ҳафтадан буён фермадаги ҳовлида, қўли қўлига тегмайди — тўй тараддуди билан банд. Кеча Нормамат акага одам юбортириб: «Қудаларнинг гапи бор экан, тез етиб келармишсизлар», — деб кимдандир айтириб юборибди.

Чўпон ўтовидан ташқарига чиқиб, ғўра-шира ёришиб келаётган осмонга қаради. Лаҳза сайин пастлаб келаётган қоп-қора булутлар кўрпаси ҳаммаёқни қоплаб олган эди. Юз-кўзига бир-иккита совуқ томчилар урилди. Эти жунжикиб, сесканди. Қўрадаги қўйларга разм солди: «Ҳали ҳайдов вақтига бир оз бор», дея хаёлидан ўтказди у. Ўтовга қайтиб, чироқ пилигини авайлабгина кўтарди-да, пиш-пиш ухлаётган Холмаматни туртиб уйғотди:

— Туринг, ўғлим! Чойни барвақтроқ ичайлик, бугун қиладиган ишимиз кўп.

Холмамат ташқаридаги умивальникда ювиниб, ўтовга қайтиб кирганида йўл-йўл дастурхон устига сут билан сариеққа ийланган нон, кечки овқатдан қолган қовурдоқ қўйилган эди. Кўчма газда чой биқирлаб қайнарди.

Нормамат ака ўғлининг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатди. Холмамат эса ҳис-ҳаяжонини отаси сезиб қолишдан уялиб, ўзини бепарво тутишга уринарди. Гўё овқатга қўл узатишни унутиб қўйгандай ўтирарди. «Ҳаяжонланяпти, фикру хаёли ўзида эмас», — ўйлади ота.

— Ҳа, Холмаматжон, бугун рўза тутмоқчимисиз дейман? — ҳазиллашди у ўғлига. Иккаласи ҳам хохолаб кулиб юборишди. Кайфиятлари кўтарилиб, кўнгиллари равшан тортди...

Тушга яқин кун очилиб кетди. Баҳор қуёши қир ва адирлар бағрига иссиқ нурини тарата бошлади. Нормамат қўлини пешонасига соябон қилиб қуёшга тикилиб:

— Қўйларни суғориш вақти бўп қолибди, — деди у вақтни чамалаб олгач ўғлига.

Отарни дарё тарафга ҳайдаб кетишди. Кечаси тоғ ёнбағирларига ёмғир кўпроқ ёққан бўлса керак, дарё сатҳи анча кўтарилган, лойқа аралаш сел келарди. Нормамат ўғлига:

— Оқимнинг қўйроқ жойида қирғоққа яқинроқ туринг, ўғлим, қўйларни сув олиб кетиш хавфи бор, — деб тайинлади. Сўнг чопони барларини чақон қайириб, белбоғига қистирди. Ҳар доим ўрганиб қолган жойи — тепаликдаги япалоқ тош устига ўрнашиб олиб, шимининг чўнтагидан жимжимадор нақш солинган носқовоғини олди. Уни тиззасига тап-тап урди-да, бир отим носни кафтига тўкиб, тилининг тагига ташлади. Кафтини чопонига артиб, узоқ-узоқларга унсиз тикилганича оғир тин олди. Шу алфозда бир оз ўтиргач, радиоласининг тугмачасини босди. Эфирдан таралаётган шўх лапар Нормаматнинг кайфиятига жуда мос тушган, у кўзини ярим юмганча музика оҳангига чайқалиб ўтирарди: «Олмача анорингга балли, Донаю холингга балли...»

Афсуски, у кўшиқни охиригача эшитолмади.

— Ота-а!! Тез бу ёққа келинг!

Ўғлининг ваҳимали қичқириғидан чўчиб кетган чўпон ўтирган жойидан сапчиб турди. Қамишлар орасидаги қўй-қўзилар алланарсадан ҳуркиб, чор тарафга қочаётганини кўрди. Лекин Холмаматнинг ўзи кўзга ташланмасди.

— Холмамат, қаердасан?.. Қўйлардан биронтасини сув олиб кетдими, ҳой, овоз берсанг-чи?

Ота ҳовлиқанича ўғлининг товуши эшитилган тарафга югурди. Қиш совуғида қуриб, ярим эгилиб қолган қамишзор орасидаги ялангликда турган ўғлини кўриб, бир оз ўзини босди-да, унга яқин борди. Холмамат қўлини бигиз қилиб қамишзор ичига чўзганича алланарсага ишора қилар, тили гапга келмай чайналарди:

— Қаранг, ота!.. Тасодифан кўриб қолдим... одам... одамга... одам ўлиғига ўхшайди... қўли, оёғи, ана, боши кўриняпти!

Нормамат ака ўғли кўрсатган томонга қаради. Сатҳи борган сайин кўтарилаётган лойқа сувда қамишлар уюмидан ажралай-ажралай деб турган одам жасадига кўзи тушди...

3. ХАБАР. ВОҶЕА ЖОЙИ

Район ички ишлар бўлимнинг навбатчилар хонасида милиция капитани ёлғиз ўзи ўтирарди. Ҳамма оператив ходимлар аллақачон тушликка чиққан. Бўлимда ғовур-ғовур босилгани учун ҳам тушлик овқат тараддудида термос қопқоғини бураётган эди. Кутилмаганда энгида ола-чипор яқтак, оёғида кирза этикли барваста бир йигит хонага бостириб кирди. Кўзлари бежо, ҳадеб атрофга аланглар, терга ботган қиёфаси ваҳимали эди.

Капитан шоша-пиша қўлини тўппончаси ғилофига олиб борди.

— Тўхта! Қайт орқангга!

Йигит ортига қайтишни хаёлига ҳам келтирмас, капитаннинг огоҳлантиришини эшитмас, шу билан бирга, қиёфасида унга таҳдид ё тажовуз қилиш нияти ҳам сезилмас эди.

— Тезроқ мен билан юринг! Дарёдан ўлик чиқди! — деб қичқирди у ниҳоят. Капитан гангиб қолганидан бир зум йигитнинг гапини англай олмади.

— Одам ўлиги! Сувда... Дарёда қўйларни суғораётгандик... Қирғоққа чиқариб қўйдик! Отам бошида турибди! — ғўлдиради йигит.

Қориев хўрсинди, стаканга сув қуйиб унга узатди.

— Утиринг. Бир оз нафасингизни ростлаб олинг. Мен савол бераман, сиз жавоб берасиз.

Йигит сувни бир кўтаришда сипқорди-да, сал ўзига келгач капитаннинг саволларига жавоб қайтара бошлади.

— Кимсиз?

— Холмамат... Турдиев.

— Касбингиз? Иш жойингиз?

— Чўпонман. «Илғор» колхозида. Отам ҳам чўпон. Қўйларни суғориш учун дарёга...

— Шошилманг...

Орадан ўн минут чамаси вақт ўтар-ўтмас, ички ишлар бўлими ҳовлисида Холмамат бўз отини елдириб чиқди. Унинг ортидан оператив ходимлар иккита енгил машинада йўлга тушди.

Оператив-техника хизмати инспектори аввал атрофни, сўнг соҳилни синчиклаб кузатди. Ниҳоят, қирғоққа ётқизиб қўйилган мурдани айланиб қараб чиққач, турли томонларидан гоҳ чўнкайиб, гоҳ энкайиб суратга олди.

Жасад ётган жой теварагида қўй-қўзиларнинг сон-саноқсиз туёқ изларидан бошқа ҳеч нарса тополмаганидан ҳафсаласи пир бўлган терговчи суд-медицина эксперти Мусаев билан биргаликда мурдани кўздан кечира бошладилар.

Жиноят қидирув бўлими ходимларидан икки киши шу яқин атрофдаги қамишлар орасини, сўнгра соҳилни кузатишгач, дарё оқимига қарши томонга қараб юришди.

Жасадни текшириб бўлган терговчи Халилов билан эксперт ўликни машинага юклашиб, энди ўликхонага жўнатишга кўрсатма беришаётганда, узоқдан ҳўштак овози эшитилди. Соҳилнинг баландроқ жойига чиқиб олган жиноят-қидирув инспектори фуражқасини ҳадеб силкитарди.

Фожиа содир бўлган жой топилган эди.

Шу куни район ички ишлар бўлиmidан юқорига қўйидаги мазмунда оператив маълумот юборилди:

«...Йигирма тўққизинчи апрель кундуз соат ўн учдан йигирма минут ўтганда «Илғор» колхозини чўпонлари — ота-бола Турдиев Нормамат ва Холмамат Қорадарё бўйидан номаълум шахснинг жасадини топишган. Текширувда марҳумнинг ёнидан унинг шахсини кўрсатувчи ҳужжатлар чиқмади. Суд-медицина экспертнинг дастлабки ҳулосасига кўра, жабрланувчи бош суягининг чап томонига кесадиган ёки чопадиган нарса билан кучли зарба берилган. Воқеа тахминан йигирма еттинчи апрель куни кечаси содир бўлган. У жойдан топилган далилий ашёлар: «Труд» газетасининг йигирма бешинчи апрель сони. «Голубые купала» сигаретасининг етти дона қолдиғи. Мотоцикл шинаси ва пойафзал изларидан кўчирма олинди. Шунингдек, излар атрофидаги қум-тупроқдан намуналар олинди. Воқеа содир бўлган жой ва жасад суратга туширилди. Жасад эксперт кўриги учун ўликхонага юборилди. Тергов-оператив ишлар бошланди. Факт юзасидан район прокуратураси жиноят ишини кўзғатди. Ҳозирча бирор ижобий натижа йўқ...»

Эртаси куни иккинчи маълумот жўнатилади:

«Номаълум жасаднинг бармоқ излари ва сурати картотекалар орқали солиштириб кўрилиб, шахсини аниқлаш учун юборилади».

4. ТЕРГОВЧИ ХАЛИЛОВ. ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР

Халилов ишхонага қайтганда қош қорайиб қолган эди. Қорни очиб, идора ёнидаги ошхонага кирди. Бироқ овқатга иштаҳаси бўлмади, ичкаридан икки тўғрам нон, қайнатилган тухум билан қовурилган котлет олди-да, қоғозга ўраб чиқди.

Кабинетга ҳорғин кайфиятда кираётиб, прокурор хонасининг эшиги қия очиқ турганига кўзи тушди. «Қайтибдилар-да, ахборот берай, сўнгра овқатланарман», деб ўйлади. Қўлидаги қоғозга ўроғлиқ тамаддини столи устига қўйиб, папкасини қўлтиқлаганча хонасига йўналди.

Район прокурори ёши элликларга бориб қолган, кўринишидан серилтифот киши эди. Расмий идораларда уни Қарши Назарович деб аташсада, ишхонасидагилар оддийгина қилиб, «Қарши ака» дейишарди.

Халилов кирганда прокурор ким биландир очилиб гаплашаётган эди, терговчига кўзи тушди-ю:

— Мана, Халиловнинг ўзи ҳам етиб келди. Эртага тушлукдан кейин йиғилсак, вазифаларни белгилаб олардик... Хўп-хўп, ҳозирча хайр,— дея трубкани жойига қўйди.

— Салом, Қарши ака.

— Салом, салом, ўтиринг! Роса кутаётгандим-да, ўзим ҳам. Хўш ишга ўтайлик-чи, нима гап экан?

Терговчи папкасини шоша-пиша очди-да, фақат ўзи тушунадиган қинғир-қийшиқ белгилар ва чала ёзилган жумлалар устидан кўз югуртирганча ахборот бера бошлади:

— Иккита чўпон молларни тушда сувлоққа ҳайдаб келиб, дарё бўйида ўликни кўриб қолишади... Биз соат ўн бешлардан ўтганда воқеа содир бўлган жойга етиб бордик. Чўпонлар ўликни қирғоққа чиқариб қўйишган экан. Бу ёқларга сувда оқиб келган экан. Шахсини аниқлаб бўлмади... Воқеа жойини беш юз метрлар чамаси юқоридан топдик. Мотоцикл ва уч хил размерли пойафзал излари, бир неча сигарета қолдиқлари, газета... Соҳилда қон излари қолган. Сўнгра судраб дарёга ташлашган... Ҳаммасини ҳужжатлаштирдик... Юқори идорага оператив маълумот юбордик.

— Жароҳат етказилган предмет нима экан?

— Экспертнинг хулосасига кўра болта ёки шунга ўхшаш нарса бўлиши керак. Афтидан, қотиллар уни ўзлари билан олиб кетишган.

— Газета топилди, дедингиз. Хўш, қотиллар марҳум билан олдин газетхонлик қилишганмикин?

— Менимча бундай эмас, газетага алланарса ўраб келинган...

— Ўраб келинган нарса жиноят қуроли бўлиши мумкинми?

— Мумкин...

— Демак, жиноятчилар қотиллик қилишни олдиндан ўйлаб, шунга тайёргарлик кўришган?

— Ҳа, шундай бўлган чамамда...

— «Чамамда», «менимча» деган сўзларни такрорлайвергандан кўра, ўзингизча чамалаб, фикрлаб... каллани ишлатиш керак эди! — Қарши Назарович қизишиб ўрнидан турди. — Ўйлаб кўринг, — давом этди у, — жиноятчи қўлидаги... сизнингча, «болта» билан рақибнинг бошига урди. Хўш, кейин-чи? Кейин атрофга қон сачради. Демак, қурол, ҳам қон бўлди. Хўш, энди жиноятчи ўша қонли предметни чўнтагига ёки қўйнига солиб кетадими?

Халилов туйқусдан каловланиб қолди ва шоша-пиша деди:

— Йўқ, албатта! Меним... Кечирасиз, сувга... дарёга ташлаб юборган бўлиши мумкин-ку?

— Ана энди ўзингизга келдингиз, дўстим. Жиноят қуролини дарёдан, сувдан қидириш керак...— Қарши Назарович терговчига яна баъзи бир кўрсатмалар берди-да, — Тергов учун сизга милициядан яна икки ходимни ёрдамга берамиз. Сўнг дастлабки ишларга яқун ясагач, биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Ҳа, эсингиздан чиқмасин, суд-медицина эксперти Мусаев эртага чошгоҳдан сўнг олдимга кирсин, илтимос, огоҳлантириб қўйсангиз, — деди бир оз шаштидан тушиб.

Дастлабки ишларга яқун ясаш мажлиси одатдагидек ҳеч қандай расмиятчиликсиз бошланди.

Берилган маълумотларга кўра Ахборот марказининг жабрланувчи шахс ҳақида тақдим этган справкасини район милицияси бўлимининг бошлиғи ўқиб эшиттирди:

«...Мавжуд ҳужжатларга кўра, марҳум Оқназаров Тўлаган бир минг тўққиз юз қирқ еттинчи йилда Олмалиқ шаҳрида туғилган. Ота-онаси эллик учинчи йилда ажрашиб кетишган. Бувиси тарбиясида, шу шаҳарнинг «Кичик савр» кўчасида яшаб келган. Касби — шофёр. Етмишинчи йилда у Мелиқўзиева Турсунойга уйланган. Етмиш иккинчи йилда ўғил кўришган. Етмиш учинчи йилда фирибгарлик қилиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 129-моддаси билан уч йилга қамалган. Етмиш олтинчи йилда жазони ўтаб, Тошкент шаҳрига келган. Шаҳар кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш идорасига қарашли «Автомортехбаза»нинг санитария-тозалаш машинасида шофёр бўлиб ишлаган, «Чимзор» маҳалласидаги «Гумбаз» кўчаси, йигирма олтинчи уйда яшаган».

Бошлиқ справкани прокурорга узатиб, қўшимча қилди:

— Махсус кишилар дарё ўзанини текширишяпти. Магнит асбоблари билан. Ҳозирча бирор натижа йўқ.

Оператив-техника хизмати инспектори ўрнидан турди:

— Воқеа содир бўлган жойдан топилган мотоцикл шинасининг излари жами саккизта. Ҳамма излар битта мотоциклники. Демак, у жиноят содир этилган жойга икки марта қатнаган. Изларга қараганда, шиналар анча уриниб қолган. «Ява» маркали мотоциклга тегишли экан. Пойафзал изларидан бири жабрланувчини, иккитаси номаълум...

Суд-медицина эксперти Мусаев давом этди:

— Улим таҳминан йигирма еттинчи апрель кечаси содир бўлган. Зарба вертикал ҳолда, яъни жабрланувчи тик турган пайтда берилган. Жароҳатнинг чап тарафда эканини ҳисобга олсак, қотилни чапақай деб тахмин қилиш мумкин. Бундан ташқари, марҳумнинг бўйнида тирналган ва шилинган жойлар бор. Афтидан, уни бўғишганга ўхшайди. Тагин ўнг юзига думалоқ, қаттиқ нарса билан урилган, жойи қонталаш. Бу жароҳат муштининг зарби бўлиши ҳам мумкин...

Терговчи Халиловнинг ҳам ҳисоби эшитилди. Лекин булар текширишларнинг илк расмий натижаси бўлиб, жиноятни очиш учун деярли ҳеч нарса бермасди.

Қарши Назарович йиғилган ҳужжатлар билан оғзаки ахборотлар қисқа-қисқа ёзилган қоғозларни Халиловга берди-да:

— Шу маълумотлар асосида тергов плани тузиб, дарҳол ишга киришинг. Ҳар бир янги гапдан мени хабардор қилиб туринг, — деди.

ТЕРГОВЧИ ХАЛИЛОВ. СЎРОҚ

Халилов кабинетга кирдию, шоша-пиша ручка олиб ёзишга чоғланди. Аммо, гапни нимадан бошлашни билмай, чуқур ўйга толди.

Мана, унинг район прокуратураси терговчиси вазифасига тайинланганига ҳам уч йилдан ошибди. Вақт оқар сув, деганлари шу экан-да. Шу вақт ичида анча-мунча жиноий ишларни тергов қилди. Булар орасида анча чигаллари ҳам бўлди. Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига хос қийинчиликлари, мураккаб жиҳатлари бўлади. Аксарият материаллар савдо тармоқлари ёки шунга ўхшаш муассасалардаги масъул шахсларнинг давлат маблағларини ўзлаштириб, талон-торож қилиб юбориши тўғрисида эди. Халилов бошқа турдаги ва характердаги жиноятларни ҳам тергов қилди. Бироқ аксарият ҳолларда жиноят ҳам, жиноятчи ҳам аниқ бўлар эди. Терговчи эса жиноятчининг айбини бўйнига қўйиш учун қўшимча ва пухта далиллар ахтарар, сўнгра уларни жамлаб, ўзича баҳолаб қўрар, етарли деб ҳисобласа ишонч билан терговни тугатарди. Бу билан гўё катта жасорат ёки қаҳрамонлик кўрсатгандек лаззатланарди.

Ҳозирги иш эса... турган-битгани жумбоқ. Милиция масъул навбатчиси ярим саҳифа қоғозга чала-чулпа ёзиб олган, яъни «ўлик топилгани ҳақидаги оддий хабар»дан бошланган ишни охирига етказгунча, ҳар бир қоғоз ва далилни шахсан ахтариб топиш керак. Бу эса, нима десак экан, сочиб юборган шиша мунчоқларни ўт-ўланлар орасидан битталаб териб олиш ва ипга тизиб чиқиш билан баравар, деса бўлади.

«Машъум қотиллик»... «Ваҳшиёна одам ўлдириш»... «Ҳеч бир жиноят очилмай қолиши, жиноятчи эса қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиб кетиши мумкин эмас».

Халилов фикрларини аниқ бир нуқтага тўплашга уриниб, ёза бошлади:

1. Қотиллик марҳумга таниш шахслар томонидан маълум мақсадда, қасддан содир қилинган.

2. Тасодифан келиб чиққан жанжал оқибатида нотаниш шахслар томонидан ўлдирилган.

3. Оқназаровни пули ёки мулкани тортиб олиш мақсадида ўлдирилган.

4. Илгари судланганда жазони бирга ўтаган шахслар билан адоватчилик оқибатида...

У яна ёзмақчи бўлиб «Б» рақамини қўйди-ю, ўйлари баттар чалкашиб кетди. Қоғозни бир четга асабий сурди-да, бошқа қоғоз олди. Зудлик билан бажарилиши лозим ҳаракатларни режалай бошлади: «Ишлаш жойи ва оила аъзоларини сўраб, қачон ва ким билан охириги марта кўришганини аниқлаш, булар орасида марҳум билан шахсий адовати бўлган шахсларни ажратиш, экспертиза хулосасини олиш, жиноят қуроли бўлиб хизмат қилган предметни топиш, «Ява» мотоцикли марҳумнинг қайси танишида борлигини аниқлаш, ким «Голубые купала» сигаретаси чекади, марҳумнинг шахсини чуқурроқ ўрганиш... яна... яна... чапақай одам ва...»

Олдида турган мураккаб ва кўп сонли ишларни ўйлаётган, Халиловнинг фикри баттар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Шу алпозда яна бир оз ўтирди-да, миясига кўқ-қисдан келган фикрдан сакраб ўрнидан турди. Шоша-пиша кийиниб, у ёқ-бу ёғини тузатиб, тўғри прокурор ҳузурига кириб борди:

— Қарши ака, зудлик билан Тошкентга бориб, марҳумнинг оила аъзоларини сўраб келишимга ижозат берсангиз.

— Шошилманг, оила аъзоларига хабар қилинган, ҳали замон келиб қолишлари мумкин. Шу ерда уларни батафсил сўроқ қилиб, марҳумни таниб олиш учун кўрсатиб, сўнгра... яна бафуржа гаплашиб кўраимиз.

Ўттиз ёшларни қоралаб қолган кўҳликкина аёл ўликхонага ботинмайроқ кирди.

Устига оқ чойшаб ёпилган жасад ётган столга яқинлашди. Расмиятчилик учун таклиф қилинган иккита холис гувоҳ иштирокида ҳозир бўлган Халилов чойшабни кўтарган эди, аёл мурдага кўзи тушган заҳоти қичқириб юборди.

— Гражданка Оқназарова, қаршингиздаги жасаднинг шахси сизга танишми?

— Ҳа, — деди аёл зўрага ўзини тутиб. — Бу менинг эрим Тўлаган Оқназаров.

У ёнидаги ҳамроҳи — ёши ўтиб қолган кишининг елкасига бошини қўйиб, «пиқ-пиқ» йиғлай бошлади.

Халилов таниб олиш ҳақидаги протоколга имзо чектирди. Шу пайт ҳалиги киши Халиловга мурожаат қилди:

— Куёвимизнинг жасадини қачон опкетсак бўлади, терговчи ука?..

Халилов бу одамнинг марҳумга қайнота эканини сезиб, унга бир оз тикилиб турди. Қарияда афсусланиш аломатлари сезилмасди. «Кўпни кўрган, ўзини босиб олган одамлар хилданга ўхшайди», — хаёлидан ўтди унинг.

— Эртага... истаган пайтингизда олиб кетишингиз мумкин... Ҳа, айтмоқчи, қаерга қўймоқчисизлар?

— Маҳалланинг қабристони бор, ўша ерга, — жавоб берди чол.

Ташқарига чиқишларида Халилов ота-болага юзланди:

— Сизларга оғир эканини сезиб турибман. Лекин хизматчилик, ҳозироқ гаплашиб олишимиз керак.

У, нимагадир: «Сўроқ қилишим керак», дегиси келмасди.

— Майли, ихтиёрингиз, — деди қария, қизи ўрнига ҳам ўзи жавоб бериб. Аёл ҳамон йиғидан тўхтамасди. Прокуратурага етиб келганларида ҳам у ўзини боса олмасди. Аёл ўзига келиб олиши учун Халилов ундан ташқарида қолишни сўради-да, қарияни ичкарига таклиф қилди.

— Отахон, — деди терговчи савол-жавоблар олдидан, — республика жиноят қонунида тергов олдидан ёлғон кўрсатма берганлик ёки маълум бўлган фактларни яшириб, тўғри кўрсатма беришдан бош тортганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Марҳамат, имзо қўйсангиз...

Даллиев протоколнинг терговчи кўрсатган жойига ажи-бужу имзо чекди.

Сўнгра Халилов гувоҳни саволларга кўмиб ташлади:

— Аввало ўз ҳаётингиз, меҳнат фаолиятингиз ҳақида, оила аъзоларингиз тўғрисида, Тўлаган Оқназаров билан дастлабки танишув ва қандай вазиятда қариндош бўлганингиз, унинг шахси ва характери, оилада ўзини тутиши... умуман, ҳозирги дақиқага қадар шу иш бўйича билганларингизни батафсил, шошилмай сўзлаб берсангиз.

— Терговчи ўғлим, бирданига кўп савол бервордингиз, мен билганимча айтсам, эсимдан чиққан жойи бўлса, эслатиб турсангиз, — деди чол.

— Келишдик.

— Мен алғов-далғов йилларда туғилган эканман, — дея гап бошлади қария бир оз тин олиб, — ота-онам кимлигини билмайман. Ким бир парча нон берса хизматини қилиб, аллакимларнинг эшигида етим ўсганман. Касбим юк ташувчилик бўлган. Хотиним аллақачон ўлиб кетган, қайта уйланмадим. Яккаю ягона қизим билан қолдим... Ҳукуматимизга минг раҳмат, жой берди. Мана, олти йил бўлди, пенсиядаман, ўғлим...

— Кечирасиз, юк ташувчи бўлиб қаерда ишлагансиз? — гапни бўлди Халилов.

— Олдинига темир йўл станциясида. Бу уруш бошланганга қадар эди. Урушдан сўнг... — Гап шу ерга етганда у бир оз ўйланиб қолди. Сўнг қисқа қилиб деди. — Шаҳар универсал магазинида... Кейинроқ шаҳар савдо базасида...

— Уруш йиллар-чи? Фронтда бўлганмисиз?

— Йўқ. Уруш йиллари чўпонлик қилганман. Станцияда ишлаб юриб, бир той пахта тўсатдан устимга ағдарилиб кетганда, тагида қолган бир оёғим синган эди. Чала битди шекилли, чўлоқ бўлиб қолдим. Урушга олишмади. Мирвоқилов деган ишбошимиз бўларди. Яхши одам эди, бечора. Уша ёрдам қилди. Шаҳар четида яшовчи кишиларнинг шахсий қўйларини боқиб юрдим. Урушдан сўнг яна шу Мирвоқиловнинг ўзи мени суроқлаттириб топди. Бу пайтда у универсал директори бўлиб ишлаётган экан. Оёғим тузалиб кетган эди. Юкчи қилиб ишга олди. Уни шаҳар савдо базасига мудир қилиб тайинлашгач, мени ҳам ўша ерга ишга ўтказишди.

— «Яхши одам эди», дедингиз, ҳозир қаерда у киши?

— Номаълум. Бедарак йўқолди деган гап тарқалган эди... — Чол бир оз тутилиб, яна гапиде давом этди, — мени ҳам кўп марта сўроқ қилишган. Лекин на ўлиги, на тириги топилмади. Етмиш саккиздан бери йўқ... Бирдан йўқолиб қолган, ҳеч ким билмайди, — Даллиев кўрсатмаларини гоҳ боғдан, гоҳ тоғдан қилиб, аралаштириб гапира бошлади.

Халилов, «бу ишларнинг терговга алоқаси йўқ», деган маънода:

— Ҳа, майли, энди асосий ишга ўтайлик, марҳум куёвингиз тўғрисида гапириб берсангиз? — деди.

— Куёвим масаласига келсак, куёвим... 1976 йилнинг ёз ойлари бўлса керак... ҳар куни эрталаб, ҳамма қатори ҳовлимизда тўпланган ахлатни кўчага чиқаришга одатлангандик. Ахлат ташийдиган машина сигнал бериб келиши билан олиб чиқиб тўқардик. Тўлаган ана шу ахлат машинанинг ҳайдовчиси эди. Бориб-бориб, унинг уйимиз атрофида

серқатнов бўлиб қолганини сездим. Қизим бўй етиб қолган, уйда ўтирар эди... Тақдир-пешоналари қўшилган экан, ичкүёв қилиб олдим. Тўйини бир йил ўтмаёқ, ўзим бош бўлиб ўтказганман, — Даллиев муштирага йўталиб олди. Фурсатдан фойдаланиб терговчи сўроққа тутди:

— Куёвингизнинг илгариги ҳаёти ҳақида ҳам билармидингиз? Демокчиманки, унинг аввал ҳам оиласи бўлганлигини, қамалиб чиққанлигини билармидингиз?

— Ҳа, суриштириб билганман. Тўлаган илгари Олмаликда яшаган, хотини ва ўғли бор экан. Кимларгадир автомашинага запас қисмлар олиб бераман деб, пулини олиб харжлаб юборибди. Уни фирибгарликда айблашиб, уч йилга қамашган экан. Хотини уни кутмай бошқа турмуш қуриб кетганлиги учун бу шўрлик бошини олиб Тошкентга келиб қолган. Мўмин-қобил йигит кўринди. Бунинг устига... қизим ундан ҳомиладор бўлиб қолган экан. Шу бўлиб, тақдирлари қўшилган экан, рўзғор қилиб бердим...

— Хўш, энди унинг иши, оилада ўзини тутиши, таниш-билишлари кимлар ва улар билан ўзаро муносабатлари ҳақида нималарни биласиз?

— Дастлабки пайтлари яхши эди... Лекин... пешоналарига битгани — икки нафар неварга кўрдик. Иккаласи ҳам қиз бўлди. Кейингисини туғишда қизим жуда қийналди... апараса қилиб болани олишди... Врачлар бошқа бола бўлиши гумон, дейишибди... Шундан сўнг Тўлаган кўп ичадиган, уйда эса бўлар-бўлмасга жанжал кўтарадиган бўлиб қолди... Бу ёғи ўзингизга маълум. Ичиб олса Олмаликдаги ўғлини эслаб қолар, бўлар-бўлмасга жанжал кўтарарди. Охириги пайтлар ишга истаса бориб, истамаса бормай қоларди. Бироқ ишхонасидагилар уни сўраб-суриштиришмасди. Таниш-билишларини эса, очигини айтсам, билмайман. Уйга бирортасини ҳам бошлаб келган эмас. Узиям меҳмонга кам борар, борса ҳам бизга айтмасди...

— Сўнги кунларда унда бирор-бир ўзгариш сезмадингизми, бирорта таниши ёки... уни суриштирган одам бўлганми?

— Сўнги кунлардами? Хм-м... Нима десам экан, сўнги кунларда... Кейинги икки ҳафта ичида деярли ишга борган эмас. Эрталаб туриб гаражга кетарди, машинасини ҳайдаб келиб уй олдига қўяр, куни билан ичкилик ичар ёки ухларди. Фақат кечга яқин аллакимга телефон қилиб, йўл варақасини суриштирганини эшитардим. Сўнгра машинасини яна гаражга қўйиб қайтарди. Уни бирор киши суриштирганини эслай олмайман. Ҳа... ҳа... биров сўрагандай бўлувди-я! Йигирма еттинчи апрель кечқурун машинасини гаражга қўйиб қайтганда анча ширакайф кўринди. Алланарсини баҳона қилиб, яна хотинига, «ўғли йўқ»лигини рўқач қилиб, жанжал бошлади. «Кетдим, ўғлимни кўриб келаман», — деб бирданига кийим-бошларини алмаштирди-да, шоша-пиша жўнаб қолди. Мен ҳам, қизим ҳам ҳангу манг қолавердик. Орадан бир соат ўтгач телефон жиринглади. Қандайдир нотаниш киши ўзининг кимлигини айтмасдан, Тўлаганни суриштирди: «Олмаликқа бормоқчи эди, жўнаб кетдимми?» — деб сўради. «Ҳа, бир соатча бўлди жўнаб кетганига, сиз ким бўласиз?» — деб сўрадим. Гапга жавобан трубкадан бўғиқ йўтал овози эшитилди-ю, телефон қилган киши бошқа миқ этмай, трубкани қўйиб қўйди. Бошқа ҳеч ким сўраган эмас. Мана, шундан бери, фақат бугун бизга хабар бўлиб, етиб келганимиз, ўғлим.

— Орадан икки кун ўтибди, куёвингиздан дарак бўлмагани сизларни хавотирлан-тирмадими? Нега тегишли тартибда милиция органларига хабар бермадинглар?

Қария бир оз ўйланиб олди-да:

— Уйдан жанжал қилиб чиқиб кетгандан кейин мен ҳам, қизим ҳам... Нима десам экан? Анча-мунча хафа бўлдик, десам тўғри келармикин? Яна хаёлимга: «Туғилиб ўсган шахри, таниш-билишлари, дўстларини учратгандир. Мумкин, ўғлининг ёнида бир-икки кун бўлмоқчидир», деган фикр келиб, подадан олдин чанг қиаришини лозим кўрмадим. Бирор ҳодиса юз бериши хаёлимизга ҳам келган эмас, айланай...

Халилов яна бир неча қўшимча расмий саволлардан кейин гувоҳнинг сўроғини тугатиб, имзо чектирди-да:

— Ҳозирча сизга рухсат, қизингизга айтинг, кирсин, — деди жиддий қилиб.

Шунда қариянинг хонадан чиқаётиб, ўзини аллақандай енгил тортганини терговчи пайқаб қолди. Лекин у яна бир нарса хусусида ўйлашни лозим топмади...

Халиловнинг назарида, марҳумнинг хотини ҳам отаси берган кўрсатмага бирон-бир арзигулик ўзгартириш киритмади. Терговчи фақат баъзи масалаларнигина билишга муваффақ бўлди:

— Тўлаган билан қандай танишгансиз? Шошилмай, батафсил гапиринг.

— Пешонам шўр экан, — дея гап бошлади Ойнахол. Унинг лаблари пир-пир учарди. — Дадам базада ючки бўлиб ишлагани учун, онда-сонда уйга ҳар хил яшиқлар, қоғоз ўрамлари келтирарди. Эрталабга бориб ҳовлида анча-мунча қоғоз тўпланиб қоларди. Дадамни кўпинча ўзи ишлайдиган идора бошлиғи келиб машинасида олиб кетар, кўпинча уйда бўлмасди. Ахлатларни кўчага мен таширдим. Аввалига менга ёрдамлашган бўлиб Тўлаган ҳовлига кириб-чиқиб юрди. Гап орасида мен ва дадамнинг ишларини суриштирди. «Ҳовлинглар жуда кенг ва шинам экан», — деб қўярди у баъзида жилмайиб. Бир куни у чикинди қоғозларни машинасига юклай туриб: «Бунча ёрлиқ қоғозлар... Кўпчилиги импорт... чет эл моллариники... қаердан йиғилади?» — деб сўраб

қолди. Мен дадам савдо базасида ишлашени айтдим. Умуман, биз бир-биримизни ёқтириб қолдик... Буни дадам ҳам пайти келиб сезди, муносабатимизнинг тагига етгач, тўй бўлди, у бизникига кўчиб келди...

— Эрингиз турмушдан норозилиги ёки биронтаси билан адовати борлиги ҳақида бирон гап айтганми сизга? — сўради Халилов.

— Дастлаб жуда яхши яшадик. Кейинчалик, у нимагадир дадам билан кўрс гаплашадиган, иш ҳақини уйга олиб келмай омонат кассага қўядиган одат чиқарди. Бир неча марта дадамдан пул сўраб олганини ҳам кўрганман. Сўрасам эрим ҳам, дадам ҳам мендан ниманидир яширишди... Биласизми, дадам Тўлагандан негадир кўрқарди. Негалигини билмайман. Менимча, «яккаю ягона қизимни ташлаб кетмасин», деб гумонсирарган бўлсалар керак. Тўлаган: «ҳадеб қиз туғаверасан», — деб жанжал кўтарган пайтларида ҳам, дадам мутлақо гапга аралашмасди. Турмушдан норози бўлиб юриши фақат... нимадан десам экан... Кейинги пайтда ичиб олса биринчи хотини ва ўғлини эслаб қоларди. Аммо бирор ўртоғи ёки бегона киши билан жанжал қилганини эшитган эмасман.

— Кейинги пайтларда нима учун ишга бормай юрганининг сабабини айтолмайсизми? — Халилов Ойнахолнинг кўзига тик қараб сўради. Аёл сал ўнғайсизланиб, тараддудга тушди. Кейин ўзини босиб олгач, давом этди:

— Тўғри, кейинги икки ҳафталар чамаси ёлчишиб ишлаган эмас. Қайсидир идорага телефон қилиб, йўл варақасини суриштирарди, холос. Буни аниқ сезганман. Менимча, тагин ким билади дейсиз, кимдир эримнинг йўл варақасига бугун шунча ахлат ташиди, деб белги қўйиб берарди, чамаси. Лекин Тўлаган бу ҳақда менга оғиз очиб гапирган эмас.

— Йигирма еттинчи апрель куни тўғрисида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Йигирма еттинчи апрель?.. Ҳм-м... Эрталаб машинасини гараждан ҳайдаб уйга олиб келди. Тушликкача ҳеч қаерга борган эмас. Уйда узала тушиб ётди. Кундуз соат учларда уйдан чиқиб кетди. Қаёққалигини билмайман. Лекин сал ширакайф ҳолда уйга кириб келди. Бир ўрам нарсани қўлтиқлаб олган эди. Яна «ўғил кўрмаганини» гапириб, жанжал чиқарди. Менда нима айб, дедиму, йиғлаб юбордим. У кийини: «Олмалиқдаги ўғлимни кўриб келаман», деганча, чиқди-кетди. Кайфи ошганроқ эди, анча хавотирландим...

— Кимдир телефон қилиб ўша куни кечқурун эрингизни суриштирган экан, у одамнинг кимлигини билмадингизми?

— Телефонда дадам гаплашган эди. Аллаким Тўлаганни сўрабди, «роса йўталди, лекин кимлигини айтмади» дедилар. Ҳа, айтгандай, йўтал ҳақида... бир неча кун аввал Тўлаган ким биландир телефонда гаплаша туриб, «ҳей, трубкадан нарироққа йўталсанг бўлмайдим, қулоғим пардасини ёрвораё деяпсан-ку», деганини эшитган эдим...

— Олмалиққа ёлғиз кетдими? Ёки бирор шериги биланми? Машинадами, пиёдами?

— Йўқ, у уйдан якка ўзи чиқиб кетганди. Кўчадан бирор ўткинчи машина ушлаб, ёки автобусда кетгандир. Бу ёғини айтолмайман. Кўрганим йўқ.

— Ўша одам телефонда уни сўраган вақтни эслай оласизми?

— У... кетгач, янглишмасам, бир соатлар ўтганди-ёв, чамаси...

— Илгарилари ҳам Олмалиққа тез-тез қатнаб турармиди?

— Дастлаб бизнинг танишувимизга қадар борган. Қамоқдан қайтгач бир марта бориб собиқ хотинини ва ўғлини кўрган, унинг эри билан айтишиб... жанжаллашиб келганини гапиргандай бўлувди. Кейин яна бир-икки марта ўғли ўқиётган мактабига бориб, хабар олганини сезганман. Лекин буни менга айтган эмас... Узимча... кўнглим сезган... Охирги сафаргидек, совға-салом билан кетганидан билганман.

Аёл яна кўзига ёш ола бошлади.

— Охирги савол. Қотилликни ким қилган деб ўйлайсиз, гумонлаганингиз бордир?

— Айтолмайман... Балки бирорта қасдлашиб юргани бордир... Менга номаълум, — аёл яна нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, гапини ичига ютди. Бошини эгиб олганича, ҳадеб безовта хўрсиниб қўяр ва «менинг билганларим шу» дегандай, Халиловга ондасонда қараб қўярди.

Терговчи ҳам буни сезди шекилли, столдаги қоғозларни йиғиштирдида:

— Сизга жавоб, керак бўлсангиз яна чақиртираман, — деди.

БОШЛИҚНИНГ ПАПКАСИ

Баҳор байрами арафаси эди. Ёмғирдан сўнг ҳаво очилиб кетди.

Республика прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси Муроджон Азизов қўлидаги ишига сўнги нуқтани қўйди-да, стол суянчиғига ўзини ташлаб, елкасидан тоғ ағдарилгандек, енгил тин олди. Деразадан ташқарига узоқ тикилиб тургач, ўрнидан қўзғалиб, стол устини тартибга келтира бошлади. Сочилиб ётган қоғозларни керакли-кераксизга ажратди, бир қисмини стол тортмасига, қолганини майдалаб йиртиб, ёнидаги сим саватчага ташлади. Сўнг жиноят ишининг ихчам тикилган томларини қўлтиқлаганча бошқарма канцеляриясига чиқиб кетди. Кейин хонасига қайтиб, ишни топширгани ҳақида белги қўйилган ҳужжатни сейфга солиб қўйди. Жойига ўтирди-да, тортмадан қоғоз олиб,

прокурор номига ариза ёза бошлади: «...меҳнат отпусказидан фойдаланишга рухсат беришингизни сўрайман...»

У бошлиқ ҳузурига кирди-ю, бемаврид келганлигини тушунди. Раҳбари Абдурашид Муталович ёзув столига мук тушганича олдидаги «қора мушук»ни очиб, диққат билан ўқиб ўтирарди. «Қора мушук» — республика тергов органлари ходимларига машҳур бўлиб кетган қора чарм жилдли папкани кимдир ҳазиллашиб шундай деб атаган ва айнан топиб айтган эди.

Абдурашид ака қисқа ёки узундан-узоқ йиғинлардан тортиб, телефонда сўзлашувини, қабулига бирор киши иш билан кирганда папкага қўлини чўзса борми, кўпчилик ходимлар мана энди, анча-мунча таъна гаплар бошланади, дея ҳадиксирашиб турарди. Табиатан ҳушчақчақ бу одам «машҳур папка»ни қўлига олиши билан дарҳол ўзгариб қолар, авзойи бузилиб, лозим бўлса ҳеч кимни аямай «саваларди». Катта адлия маслаҳатчиси иши бошидан ошиб-тошиб ётса-да, республикада очилмай келадиган энг оғир жиноятларни шахсан ўзи назорат қилиб борар, бу ҳақдаги ҳужжатларни «қора мушук»да сақларди...

Муроджон Азизов бошлиқнинг қовоқ-тумшуги осилганини кўриб, тараддудланиб қолди. Бирор янги иш топшириб қолмасайди дея ҳадиксираб, юраги хатарни олдиндан пайқагандай нотинчланди.

Бир кўнгли, қайтиб чиқсаммикин, балки кейинроқ кирарман, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ бошлиқнинг унга нигоҳи тушганини сезиб, кечикканини англади. Шу боис дадил, шаҳдам қадам ташлаб, бошлиққа яқинлашди.

— Ассалому алайкум, Абдурашид Муталович, байрамлар билан!

Катта адлия маслаҳатчиси қовоғи солиқ кўйи бош ирғаб:

— Салом, салом, ўзлариниям, — деди-ю, рўпарадаги стулга «ўтиринг» дегандек, қўли билан имо қилди.

Муроджон стулга омонатгина чўкди, аризани узатмоқчи бўлган қўли ҳавода, бошламоқчи бўлган сўзи оғзида қолди. Негаки, бошлиқ яна «қора мушук»ка шўнғиб кетган эди. Бир оздан сўнг ўқишдан тўхтади-да, Азизовга қараб, гўё рўпарасида жиноятчи ўтиргандай, захрини соча бошлади:

— Байрам... Байрам эмиш... Мана, яна битта байрам табриги! — бошлиқ ўрнидан асабий кўзғалиб давом этди. — Табрикнинг ўзи эмас, бутун бошли совға! Дарё бўйида одам ўлдирилган. Ваҳшиёна ўлдирилган! Қотил эса ҳамон аниқланмаган. Балким эртага у биз билан ёнма-ён юриб намойишдан ўтар? Қандай даҳшат, ўртоқ Азизов?!

— Тўғри... — деди Муроджон гапириш имкони туғилганидан фойдаланиб. — Биласизми, Абдурашид Муталович, мен қўлимдаги ишни тугатдим. Келишганимиз бўйича, меҳнат отпускази сўраб ариза ёзиб келган эдим... Мўлжаллаб қўйган... Шахсий масалам ҳам бор эди, бунинг устига... — У аризаси солинган жилдни бошлиқ олдига аста суриб қўйди.

— Дам олишни ҳаммамиз ҳам яхши кўрамиз, — пичинг аралаш гап бошлади бошлиқ. Аммо шу заҳоти у Азизовга нисбатан ноҳақлик қилаётганини сезиб, ўзи ҳам кутмаган ҳолда фикрини ўзгартирди. — Кечирасиз, Муроджон, бу гапларнинг сизга сираям дахли йўқ... Майли дам олинг, розиман!

Бошлиқ Азизовнинг ўз ишига фидойилигини яхши билар, шу боис унинг бу фазилатини алоҳида қадрлар эди. Аризага шунчаки кўз югуртирган бўлиб, пастроқдаги очик жойга: «Қарши эмасман», — деб имзо чекди-да, қоғозни узатаётиб сўради:

— Дам олишниям режалаб қўйгандирсиз?.. Курортми ё саёҳат? Ҳа-я, боя нимадир дегандингизми, эзмалик қилганим учун узр. Паришонхотирлик...

— Ҳа, баъзи бир режалар ҳам йўқ эмас... Лекин курорт ҳам, саёҳат ҳам эмас... Шахсий ишим бор, — сал ийманиброқ жавоб қилди Азизов.

— Биздан ёрдам керак эмасми?.. Айтаверинг, қўлимиздан келса... тортинманг, йўқ демаймиз, Муроджон! — Абдурашид Муталович суҳбатдошига савол назари билан қаради-да, жавоб кутмай давом этди, — ҳа, ҳа, дам олинг. Мен мана бу ишни сизга топширишни мўлжаллаб тургандим. Майли, бирор чорасини топармиз.

Азизов буйруқ лойиҳасини ҳозирлаш учун кадрлар бўлимига қараб юрди. Аммо ярим йўлда нимагадир қадами секинлашди. Тўхтамасдан коридор охиригача борди, сўнгра беихтиёр орқасига қайтди. Лекин нима учун шундай қилганини ўзиям тушунмасди.

«Бошлиқ нима деди? — хаёлидан ўтказди у. — Сизга топширишни мўлжаллаган эдим, дедими? Эҳ-ҳа! Ишонч билдирганда, шахсий ишим, дам олишим керак дедимми? Одам ўлдирилган. Қотиллар... ўйнаб юрибди. Балки у мен билан ҳар куни бир кўчадан ўтар? Ҳаққим борми?.. Ҳа, дам олишга ҳаққим бор. Лекин жиноятчи нима қилади? У ҳам дам оладими, байрам қиладими?..»

Азизов, устига совуқ сув сепилгандек бир сесканиб, ўзини ўнглаб олди. Сўнг тез-тез юриб бошлиқнинг хонасига қайтиб кирди. Бошлиқни ҳангу манг қилиб, унинг столи устига аризасини ташлади.

¹ Прокуратура ходимларининг даража чини — полковник унвонига тўғри келади.

— Абдурашид ака, мен фикримдан қайтдим, дам олиш бўлса қочмас... Шахсий ишларимни қўя турайлик. Боя айтганингиз — очилмай қолган қотиллик ишининг терговини менга топширсангиз... Мен... мен... Одам ўлдирган жиноятчилар очикда юришса-ю... Хуллас, баландпарвоз гапларнинг нима кераги бор шу топда, қисқаси, дам олмайман, — деди у қатъий.

Абдурашид Муталович ўрнидан оҳиста туриб, Азизовга яқинлашди ва жилмайганича унинг қўлини қисди:

— Раҳмат, Муроджон...

ХАЛИЛОВ ГУМОН ҚИЛАДИ

Олмалиқ. Халилов жиноят қидирув бўлими инспектори ва участка вакили ҳамроҳлигида шаҳар четидаги кўчалардан биридаги шинам ҳовлига кириб борганида қош қорайиб қолган эди.

Ҳовлига кирган заҳоти унинг кўзи дарвозахона ёнида деворга суяб қўйилган «Ява» мотоциклга тушди. У инспекторга маъноли қараб, мотоциклга имо қилди-да, дарвоза кўнғироғини босди.

Ҳовли четидаги уйлардан бирининг эшиги очилиб, елкасига тўн ташлаб олган бақувват бир йигит спортчилар костюмида чиқиб келди.

— Бизга Арниёзов керак эди.

— Менман, хизмат?

— Прокуратураданман... — Халилов хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мақсадини айтди. — Гаплашиб олишимиз керак. Ҳовлига кирсак бўладими?

Йигитнинг саволомуз нигоҳи саросимага айланди. Ранги қув ўчиб, қўллари титрай бошлади, у дам тўни этагини ушлар, беихтиёр у-бу чўнтагига қўл соларди. Бир оз шу аҳволда тургач:

— Марҳамат, ичкарига... — дея Арниёзов келганларни уйга бошлаб кирмоқчи эди, Халилов тўхтатди.

— Агар мумкин бўлса, шу ерда гаплаша қолсак, вақт зиқ. Фақат ўтиришга жой топилса бўлгани, — деди у бамайлихотир.

Йигит пешайвон тагидаги стол устига тўнкариб қўйилган стулларни ўнглади.

— Уйга кирсак бўлармиди... Чой-пой дегандай...

Халилов таклифни эшитмаганга олди. Дарҳол папкасини столга қўйиб, ундан сўроқ протоколи бланкасини олди.

— Сизни сўроқ қилишим керак, аввало исм-фамилиянгиз, иш жойингизни айтсангиз?

— Шайдулла... исмим, фамилиям — Арниёзов, — деди йигит Халиловнинг рўпарасидаги стулга ўтираётиб. — Спорт мактабида мотоспорт бўйича инструкторман...

«Қизиқ, ўзи нима гап, нега мени сўроқ қилишингиз керак, деб ҳам сўрамади-я», — хаёлидан ўтди терговчининг.

— Мелиқўзиева Турсуноя сизга ким бўлади?

— Хотиним.

— Биласизми, бизни қизиқтирган масала — унинг собиқ эри Оқназаров Тўлаган хусусида.

Арниёзовнинг бирдан ранги қув учди. Орқасига бурилиб, дераза пардасини қия очиб уларга қараб турган кимгадир қўлини бир силтади-да, яна терговчига ўгирилди:

— Сизгандим... Шу масалада бўлса керак, деб ўйлагандим... Майли сўранг, — деди у энди сал дадиллик билан.

Халилов ҳамроҳлари билан маъноли кўз уриштириб олди. Юзига жиддий тус бериб, Арниёзовни бирданига саволга тутди:

— Нимани сезгандингиз, фикрингизни аниқроқ айтсангиз?

— Бундан уч кун бурун у кечки пайт бизникига келган эди. Кайфи баланд эди. Уйга деярли бостириб кирди. Май байрами арафасида ўғлини кўргани келган эмиш. Саломалиқдан дарак йўқ... Саломига зор бўлмасак ҳам... Харҳолда одамни оёғости қилгандай тутди ўзини. Аллақандай совға-салом ҳам қўлтиқлаб олган экан. Бир оз қуюшқондан чиқавергач, жанжаллашиб қолдик... Жаҳл устида қаттиқроқ уриб юборибман... Йиқилиб тушди. Сўнгра судраб кўчага чиқариб, ҳайдаб юбордим. Бўлган гап шу. Ундан кейинги гаплар ўзингизга маълум бўлса керак?

— Ҳа, қолгани маълум. Фақат айрим деталлар етишмай турибди-да. Шеригингиз кимлигини айтсангиз бўлгани, — муғамбирона тикилди Халилов.

— Қанақа шерик? Нималар деяпсиз ўзи? Уша аблаҳни тинчитишга шерик керак эканми? Бир ўзим унақалардан бир нечасини эплайман.

Халилов бир оз ўйланиб қолди: «Ява» мотоцикли... жанжал... Арниёзов урганлигини бўйнига оляпти... Забардаст одам... Рашк қилган ва...» — Халилов протоколга ҳеч нарса ёзмасдан, папкасини ёпди, ўрнидан ишонч билан турди.

— Мотоцикл сизникими?

— Ҳа.

— Гапимиз анча чўзиладиганга ўхшайди. Яхшиси биз билан юра қолинг, — таклиф қилди Халилов. У терговни шаҳар ички ишлар бўлимида давом эттирмоқчи бўлди. Назарида, қаршисида жиноятчи тургандай эди. — Ҳа, айтгандай, хотинингиз уйдаими? Уғлингиз... у ҳам керак.

Арниёзов боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

Узилиб қолган сўроқ ички ишлар бўлими биносига, жиноят қидирув инспектори хонасига давом этди.

Халиловнинг назарида оддий гувоҳдан жиноятчига айланиб бўлган Арниёзовнинг терговчини қизиқтирган саволларга берган жавоблари эътиборга молик эди. Унинг айтишича, биринчи хотини билан кўнгилсизликлар оқибатида ажрашиб кетган экан. Тақдирни қаранг, спорт мактабига ишга ўтгач, шу ерда медицина ҳамшираси бўлиб ишлаётган Мелиқўзиева Турсуной билан танишиб қолибди.

Турсуной тўғри сўз, покиза, дадиллиги билан танилган экан. Одамларнинг айтишича, ўшанда эрининг ҳар хил фирибгарлик, нопок ишлар билан шуғулланиб юрганини терговда рўй-рост очиб ташлабди. Аввалги эри судда унга: «Ҳа, илон, қараб тур, жазони ўтаб келай, кўрамиз», — деб пўписа қилганмиш. Шундан сўнг Турсуной эрининг қамоқдан қайтишини кутмаслигини, келган тақдиридаям у билан яшаш мақсади йўқлигини аёл ҳамкасбларига гапирган экан. Бора-бора бир-бирига кўнгил кўйишиб, турмуш қуришибди. Тўлаган қамоқдан қайтиб келганда, ораларида узил-кесил гап бўлиб, уни ҳайдаб юборишибди. Шу-шу, Арниёзов Тўлаганни бошқа кўрмаган эмиш. Йигирма еттинчи апрель куни кечқурун тўсатдан Тўлаган маст ҳолда уйига кириб келган. Аввалига, «майли, ўглини кўриб кетар», деган хаёлда индашмабди. Тўлаган эса, «ўғлимни олиб кетаман», деб машмашани бошлабди. Уғли йиғлабди. Жанжалга аралашигча мажбур бўлган Турсуной: «Уғлимда энди сенинг ҳаққинг йўқ, кўргани келибсан, индамаяпмиз, шунга ҳам шукр қил, етар энди, йўлингдан қолма!» — деб, унинг чиқиб кетишини талаб қилибди. Бундан ғазабланган Тўлаган Турсунойни урмоқчи бўлиб ҳамла қилганда Шайдулла жим туролмабди. «Яхшиликча кет», деб кўндирмоқчи бўлгани фойда бермабди. Иккаласи ёқалашиб кетишибди. У Тўлаганни бир мушт уриб ерга ағдарибди. Сўнгра судраб кўчага чиқарибди-да, дарвозани маҳкамлаб олибди. Кўчадан анча вақтгача унинг сўкингани, дағдағалари эшитилиб турибди. Шайдулла эса уйдан чиқмабди. Кейин нима бўлганидан беҳабар эмиш.

Бошқа савол-жавоблар терговчини қониқтирмади. Лекин гапининг бошланиши унда дастлаб пайдо бўлган шубҳани баттар оширди. Турсуной билан бўлган суҳбат Арниёзовнинг жиноятда қўли борлиги ҳақидаги Халиловнинг тахминларига яна янги далил қўшди.

— Тўлаган билан турмушимизнинг дастлабки кунлариданоқ у уйга шубҳали пул ва буюмлар келтира бошлади, — деди Турсуной. — Аллақандай одамлар билан вақт-бе-маҳал учрашув ва шивир-шивир гапларини сезиб юрдим. Орамизда бир неча бор жанжал ҳам чиқди: нопок йўлга кириб кетаётгани аниқ эди. Уғлимиз туғилгандан кейин кўп ўтмай уни қамашди. Автомашинанинг эҳтиёт қисмларини топиб бераман деб, бир неча кишидан пул олиб алдаб кетган экан. Терговда ҳам, судда ҳам унинг қилиб юрган ишларини билганимча яширмай айтдим. У: «Қайтиб келай, сен билан ўшанда ҳисоблашман», дегани рост. Аранг илиниб турган меҳр иплари буткул узилди. Шунинг учун кутмадим. Одам бўлишига ишонмасдим. Турмуш қурдим... Қамоқдан чиққач келиб: «Сенинг ҳам, эрининг ҳам ажали менинг қўлимда» деб дўқ-пўписа қилиб кетди. Шундан сўнг уни қайта кўрмадим. Бир-икки марта мактабга келиб, ўғлимга совға, пул бериб кетган экан. Ҳозирги эрим билан бахтлиман. Уғлим ҳам ўз отасидай кўради. Биз деярли уни эсламадик ҳам. Нохуш хотирани ким ҳам эсида сақлаб юрарди дейсиз...

— Сўнгги учрашув ҳақида батафсил тўхталсангиз?

— Йигирма еттинчи апрель куни кечқурун у бирданига кириб келди. Болани олиб кетаман деб судрагани ва менга ҳамла қилгани рост. Эрим аралашиб, у билан ёқалаша кетди. Сўнг уни уриб йиқитди. Охири кўчага ҳайдаб чиқариб юборди. Отинг ўчкурнинг кўчадан: «Қонингни ичмасам одам эмасман!» деб ўдағайлагани, дағдағаси эшитилиб турди. Эрим анчагача ўзини босолмади. Сўнгра у келтирган бир нарсага кўзи тушиб, шартта олди-да, кўчага улоқтириб юборди. Ҳаяжондан Шайдулла анчагача асабийлашиб ўтирди. Туйқусдан мотоциклини етаклаб ташқарига чиқиб кетди. Шу кетганича аллама-ҳалгача қайтмади. Эримнинг ўзи шунақа одати бор. Бирор нарсадан тажанг бўлса ёки нотинчланса мотоциклда айланиб хумордан чиқади.

Турсунойнинг кўрсатмасини ўғли ҳам деярли ўзгаришсиз тасдиқлади.

Бу орада Халиловнинг топшириғи билан юборилган оператив ходим Арниёзовлар яшайдиган кўчада тегишли суриштирув ишларини ўтказиб, болалар ариқнинг ичидан топиб олган бир ўрам нарсани келтириб қолди: болалар қўйлаги, шим, телпак, туфли, қоғоз қутида ширинликлар, сув отадиган ўйинчоқ тўппонча...

Оператив ходимлар томонидан қисқача ёзиб олинган сўроқ протоколларида: «Ҳақиқатан Арниёзовлар уйида кечаси жанжал эшитилди, кимнидир кўчага ҳайдаб чиқаришди, у маст экан, анча дағдаға қилиб кўчада сўкиниб, айланиб юрди, Арниёзовнинг мотоцикл билан чиқиб кетганини эшитдик», деган маълумотлар бор эди.

Халилов асосий жиноятчини топганлигига, энди унинг шеригини аниқлаш осон эканига ишончи комил эди. Далиллар ҳам унинг назарида етарли эди. Зудлик билан тинтув ўтказиш, мотоциклни текшириб кўриш учун олиш, Арниёзовни гумондор тариқасида қамоққа жўнатиш тўғрисида қарорлар тайёрлашга киришди.

ТЕРГОВЧИ АЗИЗОВ

Тергов бошқармасининг бошлиғи Азизовнинг меҳнат отпускасидан воз кечиб, очилмай қолаётган жиноий ишни тергов қилишга бел боғлагани сабабини ўзича тушунди: «Бурчига содиқ. Касбини севади... Шухратпарастлик, бошлиққа ёқишга интилишдан ҳам холи эмас. Умуман... яхши терговчи».

...Муроджон саккиз яшар бола эди. Эсида, иккинчи синфга қатнарди. Уруш аллақачон тугаган, лекин ҳали унинг асорати битмаган оғир пайтлар эди. Уша йили аксига олиб қиш ҳам жуда қаттиқ келди. Дадаси Азиз ака уйларининг қоқ ўртасидан чуқурча қовлаб, устига чорпоя ўрнатди — сандал ясади. Совуқ қиш кечаларидан бирида Муроджон сандал устига ёпилган кўрпага ўраниб, иссиқ элтиб, анча барвақт ухлаб қолди. Қанча ухлаганини билмайди, аллақандай тасир-тусир шовқиндан уйғониб кетди. Афт-башарасини латта билан танғиб олган қандайдир кишилар дадасини ғиппа ерга босиб олишган, уни ҳадеб тепкилашар, ойисини ўзининг сочлари билан бўғиб олиб, дўқ уришарди.

Зуравонлардан бирининг хирилдоқ овози ойисига:

— Пулни қаерга яширгансан, тақинчоқларинг қани! Айт, бўлмаса ўласан! — деб бўкиргани ҳалигача қўлоғи остидан кетган эмас.

Муроджон бошқа гапларни эслай олмайди. Кўрпа қати орасидан бақрайганича, босқинчиларнинг дадаси ва ойисини аёвсиз уришаётганларини аниқ кўрди. Қаттиқ кўрққанидан овози чиқмади. Қимирлашга дармони йўқ, тахта бўлиб ётарди.

Жиноятчилар уй ичининг тит-питини чиқариб, ағдар-тўнтар қилишгандан сўнг, нималарнидир кўйниларига тиқишди. Сандиқ, бўхчалардан лаш-лушларни йиғиштириб олишди. Муроджон ойисини соч ўрами билан бўғаётган қўлни кўриб турар, жимжилоғининг тирноғи қоп-қора, чимирилган қошлари тагида уккиникидай чакчайиб турган кўзни ҳаракатсиз кузатарди. Улар чиқиб кетишгач, уй ичи жимиб қолгандан кейин ҳам, гўдак анча вақт қимирламай қотиб ётди. У кўрпа тагидан титраб-қақшаб ўрмалаб чиққанида, дадасининг эшик олдида чалқанча ётганча, ярим очиқ оғзидан қон сизиб турганини, ойисининг билакдай йўғон соч ўрами бўйнига ўралиб ётганини кўрди. Кўкариб кетган юзи ва очиқ қолган кўзларига узоқ тикилиб турди. Сўнг беихтиёр уларнинг устига ўзини отиб, қўлларидан тортиб кўрди, титраб-қақшаб йиғлади. «Туринг, ойи! Туринг, дада!» — дея дам унисига, дам бунисига югурди. Лекин барча ҳаракатлари бефойда кетди: иккаласи ҳам ҳаётдан кўз юмган эди...

Кейинги бўлиб ўтган ҳодисаларни Муроджон сал-пал хотирлайди. Бирин-кетин одамлар йиғилишди: кимдир йиғлади, кимдир босқинчиларни қарғади, кимдир сўкди, аллаким Муроджонни бағрига босиб, уйдан олиб чиқиб кетди. Одатда, сал оғриқ ёки бирор қалтис гапга йиғи бошлайдиган Муроджоннинг кўзига ёш келмади. Ойиси ва дадасини одамлар оқ сурпга «йўргаклаб» кўтариб чиқиб кетишди. Каттакон папка қўлтиқлаган аллақандай киши уни узоқ вақт гапга тутди. Уйларига кимлар келиб-кетишини, кечаси уйда яна нима воқеа бўлганини, яна алланималарни сўради. Муроджон худди ўргатилган тўтиқушдай, нуқул «жимжилоғининг тирноғи қора, қоши кўп, олакўз, хунук киши, яна бир неча киши» деган гапларни такрорларди. Хуллас, ҳалиги амакини қониқтирадиган бирор жўяли гап айтолмади. Сўнг уни етаклашиб, болалар уйига олиб бордилар. Дастлаб ҳар лаҳзада ота-онасининг кириб келишини кутиб, эшикка қараб яшади. Аста-секин улар энди бир умр келмаслигини англай бошлади. Узоқ вақт хаёлга чўмиб, ўтирган жойида қотиб қоларди. Болаларга хос шўхликлар унга ёт бўлиб қолди, жиноятчилар унинг болалик бахтини олиб кетишган эди...

Орадан йиллар ўтди. У болалар уйда тарбия топиб, улғая бошлади. Ота-онасини қандайдир бандит-босқинчилар ўлдириб, уйларидаги бор-йўқ нарсаларни талаб кетишганини анча кейинроқ англаб етди. Унинг меҳрибон ота-онасини кўз олдида ўлдириб кетишган, «қора тирноқ, укки кўз»лар — разил қотиллар жазосиз қолганини билди. Атрофидаги тенгдошлари бўш вақтларида кўпинча ота-оналарини эслаб қолишар. Бирга яшаган даврларини хотирлашиб, узоқдан-узоқ суҳбат қуришарди. Муроджон ҳам ота-онасининг тирик пайтларини, улар билан бирга бўлган бахтли кунларини эслашга уринар, ўртоқларига сўзлаб беришни хоҳларди. Лекин кўз олдини қалин пардадек қамраб олган мудҳиш қиш кечасидаги ҳодиса, ундан олдинги ҳаётини хотирасидан чегириб ташлаган эди. Оғзидан қон сизиб турган дадаси ва ўз сочига бўғилиб кўкариб кетган, кўзи очиқ ойиси тасавурида пайдо бўлар, сўнгра чимирилган бароқ қошли, чакчайган кўзли башара қорайиб кетган тирноқли қўли билан бир лаҳза кўриниб, яна ғойиб бўларди.

Бора-бора бу нарсалар унинг руҳига, вужудига оғриқ каби сингиб кетди. Интиқом туйғуси кеча-кундуз хаёлини банд этди. Мактабни битириш арафасида, тенгдошлари билан касб танлаш мунозараларида Муроджон дадил ва қатъий қилиб:

— Мен албатта терговчи бўламан. Бўлишим керак. Жиноятчилар билан курашга ҳаётимни бағишлайман! — дер эди.

Ҳуқуқшунослик институтида тиришқоқлик билан ўқиди. Тергов сирларини ўрганиш учун китобларга мук тушиб олар, устозларига савол-жавоблари билан тинчлик бермасди. Дилига мустаҳкам ўрнашган жиноятчилар билан шафқатсиз кураш ҳисси унинг фикру зикрини бутунлай чулғаб олганди. Аввалгидек, яъни тенгдошларидаги томошаю ўйинларга ўчлик, хурсандчилик ва ёшлик шўхликлари унга бегоналигича қолаверди. Интиқом қиличи — терговчилик гувоҳномасини қўлига олиши билан эса шахсий ҳаловатини деярли мутлақо унутди. Дарҳақиқат, бирор ишга қаттиқ берилиб кетган одам куннинг, ойнинг, йилнинг қандай ўтганини сезмай қолади. Ҳафтанинг етти куни йилнинг ўн икки ойи бир-бирига чаплашиб кетгандек туюлади. Фасллар кетидан фасллар бир-бирини таъқиб этиб келаётганини пайқамай қолади. Муроджон ҳам «қувди-қувди», «қочди-қочди»лар билан бўлиб, ишлай бошлаганига ўн беш йилдан ошганини ҳам, мана, сезмай қолибди. Эҳ-э, бу давр ичида қанчадан-қанча оғир ва чигал жиноятларни очмади у? Уйқусиз ўтган тунларининг санаб адоғига етиб бўлмайди. Фидойи меҳнати, берилиб ишлаши оқибатида, дастлабки бошлаган иши — район прокуратурасининг оддий терговчиси вазифасидан республика прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича катта терговчиси лавозимига кўтарилди.

Муроджон ишлай бошлаганининг иккинчи йилиёқ ишхонаси ёрдамида ўзига ажратилган бир хонали квартирада ёлғиз яшарди. Болалар уйида, сўнгра студентлар ётоқхонасида ҳар доим атрофи одамларга тирбанд бўлишига ўрганиб қолганлиги учунми, анчагача бу «нотабийлик»ка кўника олмай юрди. Бўш вақти деярли бўлмас, бўлса ҳам бунга у ўрин қолдирмасликка тиришарди. Лекин, барибир, уйига кириб келганда, гарчанд ҳамма нарса етарли бўлса-да, нимадир камлик қилаётгандай туюлар, тирноқдай жойигача ёд бўлиб кетган уйи ва буюмлари алланечук бефайз кўринарди. Кўп қаватли уй эмасми, зиналарда бир-бирини қувлашаётган болаларнинг овозлари эшитилиб турар, ҳовлидаги «тўполони» ўғил-қизларга деразадан «дўқ-пўписа» қилиб қолган ота-оналарга қалбининг қаеридадир ҳавасга ўхшаш бир нарса пайдо бўларди. Эртаю кеч қўлтиқлашиб, келиб-кетиб турган аёл-эркакларга кўзи тушганда юраги ҳаприқиб кетадиган бўлиб қолганини сеза бошлади... Ягона мақсади — терговни мукамал ўрганиш ва жамиятни иллатлардан тозалашга ҳисса қўшиш ҳаётининг мазмунига айланган Муроджон, аввал хаёлига ҳеч келтирмаган, кейинроқ эса ўзда табиий пайдо бўла бошлаган янги бир туйғу — оила қуриш лозимлигини тобора кўпроқ ўзгача оғриқ билан ҳис эта бошлади. Ишдаги муваффақиятларидан ташқари, муҳаббат ва унга садоқат туйғуси севиш ва севилиш, оилавий бурч ҳисси не-не машаққатлар, қайғу ва аламлар, мағлубият ва сурурли ғалабалар ичида яшаётган одам учун худди қуёш янглиғ чексиз қувонч бахш этадиган ҳаётда «жонли из», зурриёт ҳам қолдириш кераклигини пайқайди.

Еши қирқки қоралаб қолибди-ю, ҳанузгача бўйдоқ. Бўйдоқ ҳам гапми, энди у одамлар таъбири билан айтганда, «қари бўйдоқ».

«Эпирай, — ўйлаб қоларди у баъзан, — наҳотки, дунёда барча тирик жонзот ўз жуфти билан бахтиёр, қувноқ яшаса-ю, мен шундоқ ёлғиз ўтиб кетсам...» Тўғри, умрини ўзгалар бахти учун бахшида қилган кишилар дунёдаги энг бахтлидирлар. Лекин... дунёда шахсий бахт деган нарса ҳам бор-ку? Ҳар бир киши бахтли бўлгиси, тўлақонли яшагиси келади. Бунга у ҳақли-ку? Ҳа, ҳа, у ўз виждони олдида гуноҳкор бўлмаслиги учун, умр интиҳосида пушаймон чекмаслиги учун ҳали анча-мунча ҳаётий муаммолар устида жон куйдирмоғи лозим экан.

Муроджоннинг бу изтироблари кейинги пайтларда бир оз юмшагандек бўлди. Квартирасидаги бўйдоқларга хос бесаранжомлик, уй ичида палапартиш сочилиб ётадиган кийим-бошлари, чанг босган буюмлар, мана бир неча ойдан буён анча тартибга келиб қолди. Уйига файз киргандай эди. Бундай файзиёб нурнинг қандай ва қаёқдан пайдо бўлганига Азизов аввалига эътибор бермади. Бора-бора вужудида ўзига шу пайтгача нотаниш бир ҳиссиёт уйғонганини сезиб, ўзидан-ўзи уялиб кетди. Тўғри, бу сезги фикр ва шурида илгарироқ рўй берганда эди, уни жон-жаҳди билан ўзидан нари ҳайдаган бўларди. Аммо, энди бунга қурби етмайди. У алланечук гарансиб қолган, баъзан ўзини таний олмасди. Воқеа нимадан бошланганини сал-пал хотирлайди, холос...

Бир йилча муқаддам бўшаган ён квартирага янги қўшни кўчиб келди. Аллақайси илмий-текшириш институтида ишлайдиган ёлғиз аёл экан. Улар дастлаб бир-икки марта тасодифан зинада дуч келиб қолганда, шунчаки «салом-алик»дан нарига ўтишмасди.

Қўшничилик деганлиридай, гоҳо туз, гоҳо гугурт сураб, бир-бирининг эшигини тақиллатишадиган бўлишди. Еши ўттиздан ўтинқираб қолган Муяссархон (аёлнинг исми шундай эди) ҳам, даставвал ўқиш, сўнг илмий иш билан бўлиб, ҳануз турмуш қурмаган — ёлғиз яшар эди.

Сўнгра... бир-икки марта Муроджоннинг уст-бошларини чайиб, ҳафсала билан дазмоллаб берди. Хонасини дид билан йиғиштириб чиқди. Ҳа, ҳа, шу тариқа ўша файзиёб нур ҳаётида пайдо бўла бошлади, шекилли. Азизов, ўзи сезмаган ҳолда, қўшнининг эшиги тиқ этиб очилса йўлакка югурадиган одат чиқарди. Ишга кетаётиб Муяссархон яшаётган хонанинг деразасига пинҳона кўз ташлаб қўяр, дераза пардасининг били-

нар-билинмас қимирлаб қўйганини сезар, аёл уни пинҳона кузатаётганини юракдан ҳис қиларди. Ҳали Муяссархон билан тузукроқ гаплашмаган бўлса-да, уни ўйлай бошладим, тамом, бирдан вужудига изтироб югурар, гоҳида қалбини сеҳрли бир қувонч қамраб оларди. Шу пайтгача бировга астойдил меҳр қўймагани учунми, кўнгли бирдан Муяссарга интиқ бўлди-қолди. Дунёда нималар бўлмайди дейсиз! Икки юрак бир-бирига ютоқиб талпинаётганини «қўшни»лар ҳам унсиз англашарди. Улар бир-бирининг ўй-фикрларини, ҳаёлот оламларида кечаётган интим ҳиссиётларни фоят аниқ ҳис этишар ва бундан тез-тез энтиқиб кетишар эди. Ҳа, анланган муҳаббат, деб шунга айтсалар керак-да. Гарчи улар ўртасида ўзаро муносабат туйғудан кўра кўпроқ идрокка асосланган бўлса-да, уни туйғулар муносабати деб аташ тўғрироқ ва ҳақиқатга яқинроқ. Ўзини қўлга олган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган, муҳими, дунёда эзгу ишлар учун яшаётган кишининг муҳаббати ёш қалбнинг жиловсиз эҳтиросидан кўра теранроқ, мустаҳкамроқ ва инсонийроқдир. Муроджон билан Муяссар кундан-кунга бир-бирига шу қадар пинҳона, ичдан яқинлашиб боришар эдики, бу яқинлашув ҳар икковига ҳам бир олам ҳузур бахш этар ва бу ҳолнинг узоқ чўзилиши мумкин эмасди.

Дарвоқе, илк ва тасодифий учрашув улар орасидаги муносабатнинг қоронғи томонларини ёритди, баъзи шубҳаю гумонларга равшанлик киритди...

Қиш оёқлаб қолганди. Азизов бугун ишдан эртaroқ чиққани сабабли бир оз кўча айлангиси келди. Муҳим бир ишни ниҳоясига етказган, шу боис елкасидан тоғ ағдарилгандек, ўзини қушдай енгил ҳис этарди. Анчадан бери руҳида бундай тетиклик туймаган эди. Муюлишдан сўнг каттакон кўп қаватли бинони айланиб ўтиб, шаҳарнинг марказий хиёбонига чиқди. Курант деворидаги соат чоракам еттига занг урди. Қош қорая бошлаганди. Адл қоматли дарахтлар тагидаги ўриндиқларда жуфт-жуфт ёш-яланглар, бир-бирининг пинжларига суқилишганча ўзаро пичирлашар, теварак-атрофдан қи-қир-қиқир кулги садолари ҳам эшитилиб қоларди.

Муроджон, ўзини қўлга олган одам, уларнинг юзларига қарамасликка, иложи бори-ча эътибор бермасликка ҳаракат қилар, шу билан бирга, қалбида жўш ураётган аллақандай тушунисиз туйғу бунга халал бермоқда эди...

Шу пайт ёнгинасидан эшитилган таниш овоз ҳаёлларини тўзғитиб юборди:

— Муроджон ака!

Азизов овоз келган томонга ўгирилди.

— Муяссар!

— Салом, Муроджон ака! Узр сизга халақит бердим, шекилли...

— Йўқ, йўқ, аксинча, салом... Муяссар, мен... — У ўнг томондаги ўриндиқдан туриб, ўзи томон жилмайиб келаётган Муяссарга қараб юрди. — Утиринг, ўтираверинг, мен ўзим...

Қўл бериб саломлашдилар. Муяссарнинг иссиққина кафтини қўлига оларкан, юраги ҳаприқиб, вужудига алланечук майин бир нарса қўйилгандек, аъзои бадани жимирлаб кетди.

Муроджон тасодифий учрашувдан эсанкираб, ўзини йўқотиб қўяёзган эди. Умрида ҳеч бунақа бўлган эмас. Муяссар эса хотиржам, сал ийманиброқ сўзламоқда эди:

— Қарасам, ўтиб кетяпсиз, Муроджон ака. Бугун ишдан сал вақтлроқ чиқувдим.

— Мен ҳам... бугун...

Азизов яна нима дейишини билмай каловланиб қолди. Ўзининг бу ҳолатидан баттар хижолати ошди. Утиргон жойида ноўрин қимирлаб, кафтига йўталди. Муяссар унинг ҳолатини тушундими ёки чала қолган гапни давом эттирмоқчи бўлдими, хайриятки, яна сўз очди:

— Кўпчиликниям, бир кишиниям ташвиши бир хил экан. Йўлда гастрономга кириб, у-бу харид қилгандим, — шундай дея у ёнбошидаги ичи лиқ тўла тўрхалтага ишора қилди, — сал нафас ростлай деб... Бир дақиқаям ўтгани йўқ, бундай қарасам сиз... Юришингиздан таниб қолдим!

Азизов Муяссарнинг сўзларидан бир оз жонланди. Хижолатпазлиги тарқади.

— Худди шу бугун ҳаётимда нимадир содир бўлиши керакдек эди, — дангалига ўтди Муроджон. — Эрталабдан ўзимни алланечук сезаётган эдим... Кун бўйи негадир ҳаяжонланиб юрдим. Лекин унинг боисини билмасдим... Энди тушундим, Муяссархон, сизни кўрар эканман... Йўқ, йўқ! Шошманг! — Муроджон эътироз билдиришга оғиз жуфтлаётган Муяссарни гапиришдан тўхтатди. — Шошманг, менга ишонинг. Сиз билан анчадан буён холи гаплашмоқчийдим. Эшигимиз рўпарама-рўпара. Лекин уйда журъатим етмасди.

Азизов гап шу ерга етганда жимиб қолди. Айтадиган гапи аниқ. Аммо қандай қилиб ва нимадан бошласин? «Севаман», десинми? Йўғ-э. Қандоқ буларкин, кап-катта одам. Бунинг устига, Муяссар ҳам ёш эмас. Эҳтимол, ўша асосий гапни бошқа кунга қолдирса яхшироқ бўлармиди...

— Ҳўш, — деди Муяссар, унинг нима демоқчилигини ўзича тушуниб ва бундан хурсандлигини яшириб, — мана, холи жой, гапиринг. — Муяссар шундай деди-ю, пиқ этиб кулиб юборди. Ёш қизларга ўхшаб қилиқ қилганидан ўзиям уялиб, икки юзига қизиллик югурди.

— Муяссар, — гап бошлади Азизов. — Муяссар, нима демоқчилигимни ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз. Энди, мен ёши бир жойга бориб қолган одам бўлсам, бунақа гапларни, бунақа... Ота-онам ёшлигимда вафот этиб кетишган. Буни сизга илгариям айтганман. Болалар уйда тарбияланганман. То ўзимни тиклаб олгунимча, вақт ўтиб кетди. Вақт деган жуда шафқатсиз бўлар экан... Иш-иш, деб, сал бўлмаса умрнинг ўтиб бораётганини ҳам сезмай қолай дебман... Ёлғиз одам ҳеч қачон тўлақонли ҳаёт кечиролмас экан. Шунинг учун... аввал ўзингиздан... розилик олмоқчийдим, Муяссар.

Азизовнинг овози пастлашди. Охириги сўзлари Муяссарга зўрға эшитилди. Муяссар ҳам Азизовни яхши биларди. Мана, қарийб бир йилдики, у билан девор-дармиён қўшни. Лекин бирор марта унинг ножўя ҳаракатини кузатган эмас. Хушмуомала, босиқ киши. Бунинг устига, масъулиятли лавозимда. Бамаъни одам. Муяссар ҳам Азизов каби ўзининг шахсий ҳаёти тўғрисида кўп ўйлар, узун кечалари уйқуси қочиб кетарди. Не-не обрўли йигитлар унга ошиқ бўлиб, йўлини пойламади. Лекин у ҳаммасига рад жавобини берган эди. Илмий ишим қолиб кетади, деб қўрққанди. Мана, фан кандидати ҳам бўлди. Мартабаси ҳам ошди. Унга ўлдим-куйдим деб ошиқ бўлган йигитлар ҳам аллақачон бола-чақали, уйли-жойли. Ҳатто, дунёда Муяссар деган қиз борлигини унутиб юборишган бўлса ажаб эмас...

— Муяссар, розимсиз?.. — сўради яна Азизов паст товушда. Унинг кўзларида икки томчи ёш ҳалқаланиб турарди.

Муяссар сумкачасидан рўмолчасини чиқариб, Муроджоннинг кўз ёшларини авайлаб сидириб олди...

Муроджоннинг бошлиғига айтган «отпусқадаги шахсий иши» ҳам фақат шу, Муяссархон билан муносабатларини ҳал қилиш — никоҳ тўйларини ўтказиш эди.

Лекин унинг ўз касби олдида жавобгарликни ҳис қилиш билан қалбида гўдаклигидан қолган ҳис — жиноятчидан, энг аввало қотиллардан қасос олиш ҳисси бирлашиб кетиб, кўз олдига ота-онасини ўлдириб жазосиз, озодликда юрган маразлар келди. Ана шундай жиноятчилар озодликда айш-ишрат суриб юрибди. У эса тўй қилмоқчи. Йўқ, шу топда унинг юрагига тўй сиғмайди! Тоза ҳавони ифлос қилиб юрган шахслар билан ҳамнафас бўлишга ҳаққи йўқ. Муяссархон тушунган аёл. Хафа бўлмайди. Терговни тугатгач, буни унга ётиғи билан тушунтиради.

ГҲРКОВ КАПГИРИ

Район прокурори Назаровнинг байрамолди кайфияти аъло даражада эди. Бу кўтаринкилик бежиз эмас, ҳар куни юзлаб ҳужжатларга қўл қўядиган прокурор учун жиноят очилганлиги ҳақида юқори идораларга юбориладиган ахборотни имзолашдан ёқимли кайфият бўлмайди.

Иш вақти аллақачон тугаса-да, тез-тез жириглаб турган телефонда таниш-билишлар билан «табрик-табрик» лашиб ўтирди. Уйидан ҳам оила аъзолари: «Қачон келасиз, кутиб ўтирибмиз» дейишиб, бир неча марта қўнғироқ қилишди. У «гумон қилинган шахс ушлангани» ҳақида хабар қилган терговчисининг қайтишини кутмоқда эди.

Тўсатдан кабинетига кириб келган республика прокуратураси вакили — терговчи Азизовни Қарши Назарович илгаридан яхши танирди. Катта мажлисларда у билан бир неча марта учрашган. Терговдаги топқирлиги, маҳорати ҳақида йиғинларда тез-тез гап бўлиб турарди.

«Келиши бежиз эмас-ов», деган фикр ўтди унинг хаёлидан, Муроджон билан сўрашар экан.

— Байрам олдидан бир хабарлашай дебсиз-да? — сўради Назаров меҳмон ўтиргач кулимсираб.

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади, — жавоб қилди Азизов. — Қарши Назарович, байрам кайфиятларингизни бузмоқчи эмасдим. Абдурашид Муталович Қорадарё бўйидаги қотиллик иши юзасидан мени шу ёққа юбордилар. Байрамдан сўнг келсам ҳам бўларди-ку, лекин сабрим чидамади-да. Начора, келавердим...

— Э-э-э, гап бу ёқда денг. Шунча йўлдан овора бўлиб... Нима, катталар бизни эплаёлмайди деб ўйлашадими, Муроджон? Бекорга овора бўлмадингизми дейман... Биласизми, ҳозиргина Олмалиқ билан гаплашдим. Халилов оператив группа билан ўша ёққа юборилган эди. Жиноят очилган. Ҳа, қотилни ушлаганликлари ҳақида хабар ҳам қилишди. Ҳализамон кириб келишларини кутиб ўтирган эдим. Батафсил ахборот юборардик. Ай-яй-яй! Хўш, нима қилдик энди? — прокурор тантанали қиёфада қўлини белига тираб, Азизовга тикилди.

— Шунақами? — Азизовнинг юзи бирдан ёришиб кетди. — Жуда яхши, хурсандман, Қарши ака. Табриклайман. Нур устига аъло нур бу!

Шу пайт коридордан оёқ товушларининг дупур-дупури эшитилди. Эшик очилиб, терговчи Халилов ичкарига кириб келди. Юзида ғолибона табассум жилва қиларди.

— Ушладик! — хитоб қилди у тантанавор оҳангда ва ўтирганлар билан қўл олиб кўришди. Сўнг прокурорга қараб, «гапираверайми» дегандай Азизовга имо қилди.

— Ҳа, ҳа, — деди Назаров хурсандлигини яширмай, — гапираверинг. Бу киши республикадан. Уртоқ Азизов. Шу иш хусусида ташриф буюрганлар. Зап вақтида келдингиз-да. Биргаликда муҳокама қилиб оламиз. Қани, нима билан қувонтирасиз, ўртоқ Халилов?

Халилов тергов натижаларини сал бўрттириброк бўлса-да, батафсил ва тартиб билан сўзлади. Арниёзовнинг қотиллигини тасдиқловчи гумонларини узундан-узоқ баён қилди.

— Хўш, қалай? — Прокурор Азизовга савол назари билан қаради.

— Менимча... дуруст. Бошланиши ёмон эмас. Ҳа, ҳа... аммо фақат бошланиши. Янаям... билмадим, буларни ҳали пухта далиллаш керак.

Азизовни терговчининг ахбороти қониқтирмаган эди. Жуда кўп мураккаб саволларнинг бирортасига ҳам ишонтирарли жавоб тополмаган. Хулоса қилишга ҳали вақт эрта. «Жиноят очилди, деб айюҳаннос солишга шошилганларига ҳайронман, — ўйларди у. — Мана буниси-ку, тажрибасизлигидан шошма-шошарлик қияпти, лекин прокурор-чи?»

— Ҳозироқ зудлик билан ишга киришинг-да, батафсил ахборот тайёрланг! — буюрди Назаров терговчига. — Мен бу орада Тошкентга қўнғироқ қилиб, вазиятни маълум қилай, қарши эмасмисиз, Муроджон?

— Ихтиёрингиз, — деди Азизов елкасини қисиб. — Лекин Абдурашид Муталович билан гаплашиб олсак ёмон бўлмасди.

Район прокурори, чамаси, жиноятни шахсан ўзи очганига шубҳа қилмас, бунга бошқаларни ҳам сидқидилдан ишонтирмақчи бўлар, тўғрироғи, шу иш туфайли келадиган обрў ва шон-шухратни бегона қилмоқчи эмасди. Азизов эса, бошлиғига тайинланган жойга етиб келганлигини билдириб қўйишдан ташқари, иш юзасидан дастлабки мулоҳазаларни баён этиш ва тегишли кўрсатма олиш ҳақида ўйларди. Бироқ иш вақти тугаб қолганлиги боисидан, телефон қўнғироғига ҳеч ким жавоб бермади.

Халилов тайёрлаб кабинетга олиб кирган ахборотни прокурор шошилмай ўқиб чиқди, сўнг имзо чекди. Муроджон унинг ҳаракатларини зимдан кузатиб, миқ этмай ўтирди.

— Бугун ётиб қоладиган бўлдингиз-да, Муроджон, — деди Назаров. — Бирга байрам қилсак? Эртага барвақт йўлга чиқарсиз. Ахборотни ҳам биратўла олиб кетардингиз.

— Розиман. Илож қанча... Фақат байрамга қатнашишдан мени холи қўйсангиз... Жуда чарчаганман. Имкони бўлса, тунашга жой масаласи деганларидек... Бунинг устига... Ахир, яхши бўлмас, қуруқ ахборотни қўлтиқлаб қайтиб кетаверсам... Материалларни шахсан кўриб чиқиш тўғрисидаги режам ҳам йўқ эмас... Балки бирор аниқлик киритадиган... фойдалироқ маслаҳат, зарур фикр чиқиб қолар, — деди Азизов камтарона оҳангда.

— Муроджон акангиз, — деди Назаров терговчига муғомбирона кўз қисиб, — мазкур ишни тергов қилиш учун келган экан, лекин масаланинг бу ёғидан, яъни жиноятни очганимиздан ҳали беҳабарга ўхшайди. Қоғозларни тартибга солинг-да, шу кишига қолдилинг. — Сўнгра ҳазил аралаш қўшиб қўйди, — юқоридан келганлардан албатта бирор фойдалироқ нарса олиб қолиш ҳам керак-да!

Халиловнинг юзи тундлашди. Ишни топшириш ва «фойдали маслаҳат» олиш унга ёқмаган эди. У бир оз ўйланиб тургач, хушламайгина:

— Хўп бўлади, — деди. — Фақат... Фақат эрталаб... болалар билан байрам намойишига чиқмоқчи эдик...

Муроджон Азизов ўзига ажратилган хонада ёлғиз қолгач, тунчиروқни ёқди. Кейин ўриндиққа жойлашиб олганича жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан танишишга киришди. Айрим жумлаларни ёндафтарига қайд қила бошлади:

«Марҳум Оқназаров Тўлаган. Шахси аниқ. Йигирма еттинчи апрель куни кечқурун Олмалик шаҳрига келган. Маст ҳолатда бўлган. Собиқ хотини ва ўғлидан хабар олган. Кечаси дарё бўйида ўлдирилган.»

Гумон тутилаётган шахс — Арниёзов Шайдулла, спортчи. Айбини тасдиқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган асослар:

1. 1976 йилда қамоқдан қайтган Оқназаров Т. Арниёзов ва хотинини ўлдиришини айтиб, уларга таҳдид қилган.

2. 27 апрель куни марҳум билан Арниёзов жанжаллашган. Арниёзов уни урганлигини тан олди. Сўнгра уни кўчага судраб чиқариб ташлаган.

3. Шу кечаси Арниёзов «Ява» маркали мотоциклда уйдан чиқиб кетиб, алламаҳалда қайтган. Воқеа содир бўлган жойдан мотоцикл излари топилган. Терговда Арниёзов шу фактни яширишга уринган.

4. Тинтув пайтида, Арниёзовнинг уйдан қон изига ўхшаш қўнғир доғли болта топилган. Экспертиза Оқназаров болта ёки шунга ўхшаш предмет билан ўлдирилганлигини тасдиқлаган.

5. Арниёзов район прокурори санкцияси¹ билан 30 апрель куни қамоққа олинган...

¹ Санкция — прокурор розилиги.

«Икки кун ичида қилинган ишлар чакки эмас, —ўйларди у. —Гумондор ҳам етарли асослар билан ушланган. Гарчанд... шошилишга эрта бўлса ҳам... Лекин... Лекин...» Азизовни ишдаги хулосалардан кўпчилиги негадир қониқтирмади.

У ўтирган жойида бир оз хаёлга толди. Сўнг бирдан аниқ фикрга келгандай, сергак тортди. У ишни қайта бошдан варақлаб, ўзини қизиқтирган маълумотларни тегишли жойларидан яна кўчириб ола бошлади.

Уйқусиз тонг оттирган Азизов эртаси тушликка яқин байрам намойишидан қайтган Халиловга жиноят ишини топшираётиб тўсатдан сўради:

— Қотилликни Арниёзов содир этганига аниқ ишонасизми?

— Ҳеч шубҳа йўқ, Муроджон ака! Нима, яна бирор гап борми?

— Воқеа жойидан марҳумдан бошқа яна икки кишининг оёқ излари топилган. Шериги ҳақида бирор маълумот йўқ-ку?

— Топамиз, шеригини айтади. Қаерга ҳам қочиб қутуларди, зумраша!

— Мурдани кўмишга олиб кетишдими?

— Кеча рухсат берган эдик. Байрамга тўғри келиб асрай олмаймиз дейишиб, музхонада қолдириб кетишди. Афтидан, иккинчи май кунни, яъни эртага олиб кетишса керак. Шунга ўхшаш гап қилувди.

— Қаерга кўмишмоқчи?

— Тошкентда ўз қабристонимиз бор, дейишди.

— Демак... эртага... — Азизов яна бирпас ўйланиб қолди. Сўнгра яна сўради, — дарёнинг ичида ўтказилган қидирув ишлари бирор натижа бермадимми?

— Э-э-э, Муроджон ака, шоввозлар магнит билан дарёнинг тит-питини чиқариб юборишди. Бир хирмон темир-терсаки қирғоққа уйиб қўйишибди. Кимга кераги бор эди уларнинг. Ахир, жиноят қуроли — болтани топдик-ку!

Азизов норози бўлгандай, унга ғалати қараб турди-да:

— Топган болтангиз жиноят қуроли экани аниқми, йўқми, бу ҳақда ҳали бир нарса дейиш қийин. Асоссиз гапларни ҳадеб рўкач қилавериш ярамайди... Ҳаққимиз йўқ. Яхшиси... ўша «хирмон»ни бир кўрсам, —деди.

Турган гап, Халиловга «республикадан келган вакил»нинг танбеҳи ҳам, маслаҳату талаби ҳам ёқмади. «Бунча билағонлик қилавермасал!» хаёлидан ўтказди у ичида.

...Азизов темир-терсак хирмонини эринмасдан бирма-бир назардан ўтказди. Улар орасида болаларнинг синган велосипедидан тортиб, тракторнинг эски моторигача бор эди. Охири, белкуракка ўхшаш, узунлиги ярим метрча келадиган ғалати бир темир буюмни топиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўра бошлади. Сўнгра:

— Бу нима, қанақа қурол бўлиши мумкин? —деб савол берди атрофидагиларга.

Халилов ҳам, бошқа холис кишилар ҳам Азизов кўрсатган нарсага таажжуб билан қарашиб, елка қисиб қўя қолишди. Ҳеч ким бунақа нарсани умрида бирор мартаям учратмаган эди. Азизов ўша нарсани Халиловга кўрсатиб:

— Эътибор беринг-чи, сувга яқинда тушмаганми? Ҳали занг ўтирмабди. Энди наригиларига қаранг, фарқ қиладимми? —деб сўради. Кейин эса жавоб кутмасдан ўз фикрини айтди, —шуни мен олиб кетсам дегандим, ўрганса арзигулик нарсага ўхшайди. Протокол тузишни расмийлаштирсангиз.

Прокуратурага қайтганларида қоронғи тушиб қолган, осмонни ёмғирдан дарак берувчи қора булут қоплаб олган эди. Салқин шамол дилларга хуш ёқарди. Лекин прокурор билан Халилов анча тажанг кўринишар, нимадандир асабийлашар ва меҳмонга «хўш, энди нима қиламиз?» — дегандек, савол назари билан қараб туришарди.

Азизов кўриладиган иш юзасидан аниқ хулосага келган, бу ёғига нима қилишни пухта режалаб олган эди. У Тошкентга қайтмоқчи эканини айтиб, бирор йўловчи машинада жўнатиб юборишларини сўради. Бир оздан сўнг эса, район марказидаги ГАИ пости ёнида тўхтатилган эски юк машинаси кабинасига жойлашиб олган Азизов, ўз хаёллари билан банд, енгил чайқалиб борарди...

Охири келгуси сонда



Журналнинг шу йил 4-сонида эълон қилинган Т. Қаипбергеновнинг «Қорақалпоқнома» романидан боблардаги Муҳаммад пайғамбарнинг ўғай келинига уйланишига оид нақл айрим ислом дини вакиллари ўртасида норозилик уйғотгани ҳақида редакцияга хабар қилишди. Журнал редакцияси ва асар таржимони Р. Отаев роман муаллифи билан боғланиб, ёзувчининг бу борадаги шарҳи ва узрини олди.

УЗР...

Халқ оғзаки ижоди баайни бир уммон. Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Алишер Навоийдек не-не даҳолар бу уммондан қониб сув ичмаган дейсиз! Ҳаттоки қарийб бир ярим минг йиллик тарих синовида дош берган «Қуръон»дек ўлмас обиданинг асосини ҳам пурҳикмат халқ мақоллари, маталлари, нақллари, афсона ва ривоятлари ташкил этади.

Қамина ўзимнинг камтарин ижодимда доно халқимиз яратган мақол-маталлар, нақл-афсоналардан имкон қадар кенгрок фойдаланишга ҳаракат қилиб келаман. Айтилик, «Қорақалпоқ достони» трилогиясининг дастлабки романи «Маманбий афсонаси» деб бежиз номланмаган.

Гап «Қорақалпоқнома» роман-эссеси хусусида кетар экан, шунинг айта оламаники, мазкур асар бутунича нақл, афсона, ривоят ва ҳикоятлар асосига қурилган. Асарда қорақалпоқ халқи орасида кенг тарқалган юзлаб нақллар муайян мақсад теварагида жамланди. Булар орасида Муҳаммад пайғамбар, Амир Темур, Алишер Навоий каби тарихий сиймолар билан боғлиқ диний ривоятлар ҳам талайгина.

Гап бевосита Муҳаммад пайғамбар билан боғлиқ афсона ҳақида кетар экан, мазкур афсона аслини олганда пайғамбар хусусида эмас, балки, «одамнинг олмаси ичида» деганларидек ўз устамонликлари билан пайғамбар у ёқда турсин, Оллоҳ таолони ҳам алдашга чоғланган маккор ва лаганбардор кимсалар хусусида. Қадимий диний нақлларга кўра Одам Ато билан Момо Ҳаво ҳам шайтоннинг қутқусига учиб, жаннатдан бадарга этилмаганларми, ахир? Не-не улугларни йўлдан оздирмаган бу шайтони алайҳи лаъна?

Роман-эсседан инсоний умр, дўстлик, муҳаббат, инсоф, диёнат, савоб ва гуноҳ каби қадим тушунчалар ҳақида мушоҳада юритарканман, нақлни қўшимча далил тариқасида қаҳрамонларимдан бирининг тилидан келтириб ўтишдан мақсадим зинҳор Муҳаммад пайғамбар шаънига доғ тушириш эмас, балки юқоридаги маънони бир қадар муболағали шаклда кўрсатиш эди. Балки мен ўзим нақл баёнига кўнгилдагидек сайқал беролмагандирман. Устига-устак дин тарихини мукаммал биламан, деб даъво қилолмайман. Ҳарқалай муҳаббат ва макр кучи хусусидаги ўша нақлдан назарда тутганимдан бошқачароқ, қутилмаган маъно чиқиб, англашилмовчиликларга ўрин қолдирган бўлсам, ёзувчилик маҳоратим ва мазкур асаримдаги бу нуқсон учун ҳурматли журналхонлар, аввало диндорларимиздан узр сўрайман. Ишонтириб айтаманки, китоб ҳолидаги нашрида роман-эссеге зарур қўшимча, иловалар берилади.

Қамоли эҳтиром ва таъзим ила

Т. ҚАИПБЕРГЕНОВ

РЕДАКЦИЯДАН

Бу масалада журнал редакцияси ва редколлегиясининг фикри қуйидагича:

Биринчидан, ҳозир ошкоралик замони. Бадиий ва ғоявий жиҳатдан етарли даражада маҳорат билан ёзилган асарга редакция ҳадеб тихирлик қилиб, «у ерини ўзгартир, бу ерини олиб ташла» деявериши тўғри бўлмайди. Иккинчидан, Тўлапберген Қаипбергенов — ҳаваскор қаламкаш эмас. СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР халқ депутати.

Роман муаллифи дин тарихини мукаммал билмаслигини ўз хатида эътироф этаётгани бежиз эмас. «Шарқ юлдузи»нинг фикрича, гап фақат бунда ҳам эмас. Кўп йиллар мобайнида умуман ўтмиш тарихимизга, жумладан, динга нисбатан биртомонлама — фақат қоралаш нуқтаи-назаридан қараб келинган. Шу позициядан ёзилган асарларни адабиётимизнинг талай етук вакиллари ижодидан ҳам истагани топши мумкин. Булар, аввало, тарихни яхши билмасликдан, қолаверса, бирёқламаликдан келиб чиққан. Партияимиз яратган ошкоралик ва демократия замонида бундай қарашлар ҳолислик томонга ўзгарди. Таниқли адиб Т. Қаипбергенов асари ҳам кеча ёки бугун ёзилган эмас. Роман анча илгари яратилган. Муаллиф асарнинг бўлажак китоб нашрида ушбу

масалаларга махсус изоҳлар бериш лозимлигини ўйлаган экан, ўзи йўл қўйган камчилик учун уэр сўраётган экан, бу ҳам замонавий муносабат меваси.

«Шарқ юлдузи»нинг ислом дини ва дин аҳлларига муносабатига келсак, журналнинг умуман ҳеч қандай динни, жумладан ислом динини камситиш нияти йўқ. Журналхонлар «Шарқ юлдузи»да рўй бераётган ўзгаришларни кўриб турган бўлсалар керак. Қайта қуриш шарофати билан мингларча йиллик тарихий меросимизга муносабат адолатли томонга ўзгарди. Бу нарса журнал саҳифаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Мисол тарзида журналнинг ақалли сўнги сонларини кўриш мумкин. «Кеча ва кундуз», «Абул Файзхон» асарлари, «Ўғузнома» халқ достони, Нажмиддин кубронинг рубоийлари журнал саҳифаларида эълон қилинди. «Шарқ юлдузи»нинг 6-сонида босилган «Дўстлик ҳурматдан бошланади» мақоласида миллий урф-одатларга, одамларнинг виждон эркинлигига бир тарафлама муносабатда бўлиш халқлар дўстлигига раҳна солиши мумкинлиги мисоллар билан исботланган. Журналнинг 7-сонида кўп йиллардан бери «диний-мистик» шоир деб талқин қилинган ва ижоди тақиқлаб келинган Аҳмад Ясавий ҳикматларидан намуналар босилди. Ҳолбуки турғунлик йилларида чоп этилган беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» тўпламига инсонпарварлик, меҳр-оқибат руҳидаги шеърлари қарийб минг йилдан буён халқ тилида дoston бўлиб келаётган бу шоир ҳақида бир сатр ҳам гап йўқ эди. (Афсуски бундай мисоллар оз эмас). Журналнинг 8-сонида «Темур тузуклари» асарининг тўла варианты эълон қилиниши ҳам ҳаётимизда рўй бераётган адолатли ўзгаришлардан дарак беради деб ўйлаймиз.

Журналда «Қайта қуриш ва тарихий мерос», «Дурдона», «Меросимизни ўрганамиз» рубрикалари остида Жалолиддин Румий, Хисрав Деҳлавий, Абдулқодир Бедил, Абдурахмон Жомий, Рабғузий, Паҳлавон Маҳмуд сингари узоқ ва яқин ўтмишдаги турли адабий оқим вакиллариининг ижодидан намуналар, халқ тарихига оид классик асарлар мунтазам ёритиб борилади. Булар журнал саҳифаларида замонавий мавзудаги асарларнинг ёритилишига ҳалақит бермайди. Аксинча, журнални янада ранг-баранг қилади, ўқувчининг билим доирасини оширади деб ўйлаймиз.

Шунингдек, кўплаб журналхонларнинг истагини ҳисобга олиб, «Шарқ юлдузи» дарсхонаси» рубрикаси остида эски ўзбек имлоси сонма-сон эълон қилинадиган бўлди.

ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР

1990 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Шу йил охиригача ва келгуси йилда республикаимиз ҳамда мамлакатимизнинг энг яхши адиблари томонидан яратилган романлар, дostonлар, қиссалар, шеърый туркумларни ёритиб бориш ниятидаимиз. Йил давомида эълон қилинган қайси асарлар сизларга ёқди, қайсилари маъқул бўлмади? Бу ҳақдаги фикрларингизни ёзиб юборсангиз, «Акс садо» рубрикаси остида ёритамиз. Сиз қайси адибларнинг асарларини ўқишни исташингизни ҳам билгимиз келади. Шунингдек, журналда кўпчиликни ҳаяжонга солаётган жиддий муаммолар мунтазам ёритилади. Ҳозирга қадар ўранилмаган, адабий-бадиий, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ёритишда давом этамиз. Эслатиб ўтамиз: бу йилги обуна 1 октябргача давом этади. Обунани алоқа бўлимларида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

«Шарқ юлдузи»га обуна ЧЕҚЛАНМАГАН миқдорда қабул қилинади.

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Мирпўлат Мирзаев. Юлдузлар мулкида бир йўлчи мисол	2
Қадам Саидмуродов. Хотиротнинг ҳукмида жон	7
Асқар Маҳкам. Мен дардимни дарёга айтдим	51
Зебо Мирзаева. Титрайман, жонимни ичимга ютиб	55
Жамшид. Хаёллар ранглари тўқнашар	69
Турсун Али. Бир кун бағрингизга елиб бораман	71
Баҳодир Ғқубжонов. Шохлардан томчилар минг-минглаб бўса...	84
Алимардон Хидиров. Юракларда ўсар ишонч қояси	87
Ойгул Суяндиқова. Сочларимга ой нурлар тақсин	104

НАСР

Асад Дилмурод. Мулк. Қисса	11
Хуршид Дўстмуҳаммад. Жажман. Ҳикоя	59
Сафар Барноев. Икки ҳикоя	74

ДРАМАТУРГИЯ

Ғқубжон Шукуров. Милиция майори. Пьеса	89
--	----

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Назар Шукур. Хайрлашар мен билан толе. Шеърлар	106
--	-----

ОЧЕРК

Норқул Тилавов. Қўриқхонада	108
---------------------------------------	-----

НОДИР САҲИФАЛАР

Мунис. Ғазаллар	121
---------------------------	-----

ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

Федерико Гарсиа Лорка. «Тамарит девони»дан	123
--	-----

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС

Бўривой Аҳмедов. «Темур тузуклари» ҳақида икки оғиз сўз	127
Темур тузуклари	131

НАВОИЙХОНЛИК

Муҳаммаднодир Саидов. Уммондан бир қатра	180
--	-----

БАҲС

Абдулла Абдураззоқов. Чалкашликларнинг илдизи қаерда?	183
---	-----

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ғайзулла Қиличев. Занжир. Қисса	187
---	-----

АКС САДО

.	205
-----------	-----

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 8

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник муҳаррир **А. Ҳайдаров.**

Рассом **Ғ. Алимов.**

Корректор **М. Имомов**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 08.06.89 й. Босишга рухсат этилди 13.07.89 й. Қоғоз формати $70 \times 108^{1/16}$. Р-10676. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Шартли босма тобоғи $18,2 + 0,35$ (зарварақ). Шартли-рангли босма. $19,95 + 0,35^\circ$ (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 150282. Буюртма 935. Баҳоси 1 сўм.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.